Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

ТОШКЕНТ – 2022

АЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЙИГИРМА ИККИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Сайфиддин РАФИДДИНОВ

НАВОИЙ ВА ИСЛОМ МАЪРИФАТИ

*** *** ***

Эрали БОБОМУРОД

МАЖОЗИЙ МУҲАББАТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

*** *** ***

Абдулмажид ҲАСАНХОН ЯҲЁ

АЛИШЕР НАВОИЙ – ИСЛОМИЙ ТАСАВВУФ ШЕЪРИЯТИ НАМОЯНДАСИ

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Муслиҳиддин Муҳиддинов, Муҳаммаджон Имомназаров,
Сирожиддин Саййид, Иброҳим Ҳаққул, Шуҳрат Сирожиддинов,
Баҳром Абдуҳалимов, Мирзо Кенжабек, Жаббор Эшонқул, Нурбой Жабборов,
Афтондил Эркинов, Исажон Султон, Ваҳоб Раҳмонов, Шуҳрат Ризаев,
Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов,
Султонмурод Олим, Каромат Муллахўжаева

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов,
Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

САЙФИДДИН РАФИДДИНОВ

НАВОИЙ ВА ИСЛОМ МАЪРИФАТИ


OLAM AHLI, BILINGKIZKIM, ISH EMAS DUSHMANLIK,
YOR OLUNG BIR-BIRINGIZGA KIM, ERUR YORLIG' ISH.

КИРИШ

Бугунги кунда халқимизнинг, умуман, туркий халқлар адабиётининг том маънодаги мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг ҳаёти ва адабий меросини миллий истиқлол ғояси, мустақиллик мафкураси ва дунё илмий тафаккури мезонлари асосида изчил, кенг қамровда янгидан тадқиқ этиш ва жамлаш ўта долзарб масалалардан ҳисобланади. Зеро, ҳар бир халқнинг ўзлиги, дунё тамаддунида тутган ўрни, интеллектуал салоҳияти, бадиий тафаккур қуввати, энг аввало, унинг адабий мероси, хусусан, даҳо ижодкорларининг асарларида акс этади.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий нафақат ўзбек халқи, балки бутун туркий халқлар адабиётининг энг "кўб" ва "хўб" ёзган беназир шоири, мутафаккири ва давлат арбобидир. У ҳаёти давомида ўзининг эзгу ишлари ҳамда жаҳоншумул ижоди билан шарафли ном қолдирди. Унинг ижоди маънолар хазинаси билан тўлган уммонга ўхшайди. Бу ижод уммонидан ҳар ким ўз билими, савияси, эътиқоди ва дунёқарашига кўра баҳраманд бўлади.

Буюк адиб ижодий мероси, у яратган боқий асарлар, бир томондан, сўз санъатининг нодир намуналари, ўзбек ва жаҳон адабиётининг шоҳ асарлари сифатида улкан бадиий-эстетик қимматга эга бўлса, иккинчи томондан, халқимиз маънавияти, инсонларнинг маънавий камолоти учун зарур ва муҳим омил сифатида ҳам катта аҳамиятга моликдир. Хусусан, бугунги кунда жамиятимиз маънавий жиҳатдан янгиланаётган, миллий қадриятлар тикланаётган бир замонда улуғ адиб ижоди, меросининг янада кенгроқ тарғиб этилиши, халқимизнинг кенг қатламларига етиб бориши ўта муҳим ва айниқса, ёш авлод учун тарбиявий аҳамияти беқиёсдир.

Алишер Навоий умри давомида шахс ва жамиятни ислоҳ қилишга, яхшилик уруғини кўкартириб, ёмонлик илдизини қуритишга, яратиқлар ичида энг шарафлиси бўлган инсоннинг ўзлигини ва Раббисини танитишга ҳаракат қилди. Улуғ Пайғамбарлар ва уларнинг ворислари бўлган уламолар изидан бориб, инсонни икки дунё саодатига етакловчи илм, маърифат, одоб-ахлоқ, солиҳ амаллардан баҳс юритди. У муҳрдор, вазир ва бир муддат ҳоким вазифасида ишлаб, доимий халқ билан мулоқот олиб борди. Шу боис жамиятдаги иллатларни, халқ турмуш тарзини ва турли табақа одамларнинг аҳволини яхши билган ҳолда ҳам амали ҳам қалами билан хизмат қилди.

Алишер Навоий ижодининг кўлами ва фаолиятининг йўналиши жиҳатидан ниҳоятда серқирра шахслардан бири ҳисобланади. Навоий ижодини ўрганиш, асарларининг янги-янги қирраларини очиш, халқимизга, хусусан, ёшларимизга тарғиб ва ташвиқ қилиш доимо адабиётшунослигимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланган. Зеро, улуғ шоир асарлари бадийяти ва тарихи халқнинг маънавият ва маданият тарихи ҳамдир.

Маълумки, минг йиллар давомида қадриятларимиз, диний ғоялар, эътиқодий қарашлар жамиятимиздан, жумладан, адабиётимиздан чуқур жой олиб келди. Мумтоз шоирларимизнинг, жумладан, ҳазрат Алишер Навоийнинг диний ва эътиқодий қарашларини, илоҳий ахлоқ ва диёнат мезонларини тушунмасдан, ҳис қилмасдан унинг ижод моҳиятига, маъно теранлигига етиб бўлмайди.

Шу маънода Истиқлол давридан кейин шўролар мафкурасидан халос бўлган Навоий ижоди халқимизга қайтди. Шоирнинг диний ва тасаввуфий ғоялари, эътиқодий маслаги, исломий тарбия ҳақидаги қарашлари бир қатор адиблар, шоирлар ва турли касб эгалари томонидан тадқиқ ва таҳлил қилинди.

Камина ҳам узоқ йиллар давомида Навоийнинг диний ва тасаввуфий, исломий ва маърифий жиҳатларини озроқ бўлса-да, ўз ақлим ва билимим доирасида кузатдим. Бу китоб ана шу кузатувларим самараси ўлароқ юзага келди. Аллоҳга шукр! Уларни муҳтарам китобхонларга тортиқ қилаётганимдан бахтиёрман!

Муаллиф

1-БЎЛИМ. НАВОИЙ: ИЛМ ВА ЭЪТИҚОД

“ИЛМ, НАВОИЙ, СЕНГА МАҚСУД БИЛ...”

Маълумки, ҳар бир дин ва эътиқод, аввало, шу дин билан боғлиқ илмларга асосланади. Илм араб тилидан олинган бўлиб, билмоқ, тушунмоқ, бирор соҳага оид маълумотлар йиғиндиси, фан, маърифат ва ҳоказо маъноларни англатади. Шу боис исломда илмга тарғиб қилган жуда кўплаб оят ва ҳадислар бор. Биргина Мусулмон миллатининг шиорига айланиб кетган “Бешикдан қабргача илм изла”, деган ҳадис моҳиятида олам-олам маъно ётибди. Шунинг учун ҳам Шарқ халқлари ҳаётида азал-азалдан илмнинг қадри баланд, олимнинг даражаси юксак бўлган. Илм олиш учун кўплаб ибтидоий мактаблар ва мадрасалар қурилган.

Ўз даврида Навоий ҳам зиёли ва тақводор хонадонда ўсди ҳамда сарой муҳитида тарбия топди. Унинг зеҳни фавқулодда баланд, иқтидори юксак эди. Болаликдан илм ва шеъриятга қизиқди, бир умр маърифат ичида яшади.

Тарихчи Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” асарида Навоий болаликдан умрининг охиригача “вақтининг кўп қисмини илм эгаллаш ва камолотга эришиш ишига сарфлагани”, “ёшлик йиллари ва йигитлик пайтларида” ўз давридаги “машҳур китобларни мутолаа қилишга машғул бўлгани”, доимо сафарда бўлсин ё шаҳарда Мавлоно Фасиҳиддин Муҳаммад Низомийнинг “илмидан фойдаланиш учун хизматда тургани” ҳақида хабар беради. Навоий доимо илмга бўлган интилишини “Маҳбуб ул-қулуб” асарида шундай ифодалайди: “**...гоҳ илм мадорисида (мадрасаларида) сафи ниол (охирги саф)да ер туттум, гоҳ уламо мажлисида илм нуридин кўнгулни ёруттум”.** Навоий илмни тарғиб қилган байтларида “оз-оз” бўлса ҳам илм ўрганган одам охири “доно” бўлиши, аксинча, илм соҳаларини“орланиб” сўрамаган киши ўзига “золим” бўлишини эслатиб ўтади.

Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да келтиришича, Нўширавони одилнинг вазири Бузуржмеҳр устозидан сўрабди: “Йигитликда не қилмоқ яхши ва қарилиғда не қилмоқ яхши? Устози айтибдики: “ Йигитликда илм касб қилмоқ ва қарилиғда ани амалға келтурмак”, яхшидур. “Илмни амалга келтириш”, уни эзгулик ва маърифат йўлида сарфлашдир.

Илм машаққатини чеккан ва унинг самарасидан тўла баҳраманд бўлган Навоий бир умр илм аҳлини, талабаларни қўллаб-қувватлаб келган. “Вақфия” асарида унинг толиби илмларга ва мударрисларга маош тайин қилгани, қорилар учун “Дор ул-ҳуффоз” гунбази, илм ўқитиш учун “Ихлосия” мадрасаси ва сўфийлар учун “Халосия” каби ўнлаб “бинойи хайрлар”(Бобур) қурганидан хабар беради. Хондамир каби тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, Навоий замондош олимларидан Жамолиддин Атоуллоҳни, Мир Камолиддин Ҳусайнни, Мавлоно Муъиниддин Воизни, Ҳусайн Воиз Кошифий кабиларни доимо моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб турган.

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да илм устозлари бўлган мударрисларнинг қандай бўлиши ҳақида кўрсатмалар бериб айтадики, уларнинг дарс беришдан мақсади “мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтурға” киришмаса, ўзини кўрсатиш учун дарс ҳалқасини “тузмаса”, камтар ва дин илмларини яхши билувчи, ёмонлардан йироқ ва яхшиларга ҳамдам бўлса, ўзини олим билиб, жоҳиллар учун фисқу фасод ишларга рухсат бермаса, агар у мумкин бўлмаган

ишларни қилса, қилиши керак бўлган ишлаларни тарк қилса, бу мударрис эмас"мубтадеъдур" (бидъатчидир) ва мундоқ кишининг "ислом аҳли" билан "суҳбати мумтанеъдур" (ман этилгандир). Олим тақводор ва огоҳ ва "айтури қолаллоҳ ва қола Расулуллоҳ" бўлиши лозим. Қитъа:

Ҳар не айтур бўлса Худову Расулдин
Андин сўнг ўлса мужтаҳиду авлиё сўзи.
Андин киши не ким эшитур ва ёки ўрганур
Бўлса Худо сўзи, йўқ эса, Мустафо сўзи.

Демак, олим, аввало, Худо ва Расулнинг сўзидан, сўнгра мужтаҳидлар сўнгра авлиёлар сўзларидан гапириши шарт. Бирор кишининг ундан эшитган ёки ўрганган сўзи Худонинг сўзи, йўқса, Мустафонинг(с.а.в.) сўзи бўлиши керак. Навоий бу ўринда динимизнинг икки асос манбаси оят ва ҳадисларнинг аҳамиятига эътиборни қаратмоқда.Чунки ўша даврларда "дин илми"нинг манбаси бўлган оят ва ҳадисларни билмаган киши олим ҳисобланмаган.

Навоий асарларида ўз давридаги илм соҳасининг барча турлари тилга олинади. Риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), илми ҳайъат, мусиқа, илми нужум (астрономия), ҳикмат, фалакиёт, тиб, тарих, луғат, адабиётшуносликка оид илмлар ва ҳоказо. У "Садди Искандар" достонида 138 марта "ҳикмат" сўзини қўллаш орқали Искандарга ҳамроҳ бўлган ва қийин пайтларда яқиндан ёрдам берган юнон файласуфларининг доноликларини, тадбиркорликларини, илмий кашфиёт ва ихтироларини таърифлаб, кўплаб муаммоларнинг айнан илм ва ҳикмат билан ҳал бўлишини таъкидлаб ўтади. У достонда келтирган Нақумоҳис, Арасту, Филотун-Афлотун, Суқрот, Асқалинус, Буқрот, Ҳурмус, Файсоғурс каби юнон олимларнинг илму ҳикмати ва донишмандлиги орқали фақат уларни мақташ эмас, балки, улар орқали илм-маърифатни тарғиб қилади ҳамда ўз давридаги олимларни эл-юрт учун фойдали ишлар билан шуғулланишга ундайди. Бундан ташқари Навоий ўз даври ҳукмдорларини илм-фан аҳлларига ҳомийлик қилишларини (Ҳусайн Бойқаро ва шоирнинг ўзи бунга ёрқин мисол бўла олади), уларнинг оқилона маслаҳатларини тинглаб, давлатни идора қилишни уқтиради. Аслида, достондаги идеал образ Искандарнинг қўлга киритган барча муваффақиятлари аввало илму ҳикматга боғлиқ. Эътибор берсак, у устози Нақумоҳис ҳаким раҳбарлигида аввал илму ҳунарни мукаммал ўрганади, халққа танилади, ундан кейин ҳарбий ишларни ўрганишга киришади.

Билик касбини қилди то жони бор,
Ҳунар билди ончаки имкони бор.
Чу тутти мусаллам камолотин эл,
Диловарлиғ амриға чуст этти бел.

Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонида ҳам Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Абулфаворис Шоҳғариб Баҳодирга қилган насиҳатларида илм ва олимлик шарафи ҳақида батафсил тўхталади.У достонида шаҳзодага сахий, одил ва зийрак бўлиш, яхши-ёмонни фарқлаш йўлларини кўрсатиб, уни илм ўқишга, "касбу камол" ҳосил қилишга ундайди. Кимки ўқиш-ўрганишдан эринса дейди,– Навоий, – илм аҳли олдида ўзи хижолат бўлиб қолади. Фараз

қилайлик, бир одам ўзи золим амалдор бўлса-ю, лекин ҳар қандай мушкил масалаларни еча олувчи донишманд бўлса, бундай ҳолатда ҳатто художўйликка берилган кишилар ҳам одамлар орасидан бориб, ундан у-буни сўраб билишга мажбур бўлади. ...Агар сен ҳар нарсадан огоҳ экансан, сен–шоҳсан!

Навоий илм ва ҳикмат билан ер ва қуруқликни эгаллаган Искандарни мисол қилиб кўрсатар экан, Темурхон наслидан бўлган Улуғбек Мирзонинг қилган ишлари ва "Зижи Кўрагоний" дек ўлмас асари билан қиёматга қадар ном қолдирганини ҳам эслатиб ўтади. У биргина фан билан қаноатланиб қолмасдан бошқаларини ҳам эгаллашни, айниқса, дин илми дея таъриф берилган тафсир, ҳадис ва фиқҳ илмларини ўрганишга жиддий киришиш кераклигини, шунинг баробарида, тиб ва ҳикмат илмлари "ғоят яхши илмлар бўлиб, булар киши жисмининг сиҳати учун зарур" эканини таъкидлайди, билимларни ўқишдан чарчаганда тарих китобларига мурожаат қилишни маслаҳат беради. У илмларни эгаллаш баробарида илм аҳлини, олимларни ҳурмат қилишга чақиради. ***"Ман акрама олиман фақад акраманий",*** *яъни "Кимки олимларни иззат қилса, гўёки мени иззат қилибди" ва* ***"Ал- уламоу вараасатул анбиёъ",*** яъни "Олимлар Пайғамбарларнинг меросхўрлари", деган икки ҳадис маъносини шеърида шундай ифодалайди:

Бировким қилса олимларға таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарға таъзим.Пайғамбар
Ҳадис ўлмиш набийдин бўйла ҳодис
Ки,"Олим келди пайғамбарға ворис".

Дунёда минг турли мансабдорлар, юксак мақом ва мартаба соҳиблари бор бўлиб турган бир пайти фақат олимларгина Пайғамбарларга ворис бўлиши, олимликнинг беқиёс улуғлиги ва шарафли эканидан дарак беради. Бироқ Навоий олимликнинг иззат ва обрўсига путур етказадиганларни маломат қилган. У бир қитъасида "ким илмни воситайи" жоҳ этса, суиистеъмол қилса, ўзини ҳам "халқини" ҳам гумроҳ қилади", деб таъкидлайди. Ёки қайси олим жоҳил кишини қаршисига ўтқазиб, уни мулзам ва мот қилишни орзу қилса, бу одати ўзига камситиш, хўрлаш, таҳқирлаш бўлиб қайтади. Шунинг учун ҳам шоир бу борада" Олим керакки, ўз илмининг поя ва миқдорин асрағай, гавҳарни имтиҳон учун тошқа урмағай", – дейди.

Хораға ҳар кишиким, дурри саминни урғай,
Хирад англарки, қаю бири бирини синдурғай

Ақл юритилса, қимматбаҳо дурни қаттиқ тошга урган киши, тошни эмас, дурни синдиради, бойлигидан ажралади.

Навоий "Маҳбуб ул-қулуб"да фосиқ олим ўз нафсига зулм қилувчи "донишманд"дир. Бахил бой эса зиён кўриб, пушаймон бўлувчи нодондир. Бу икки киши ҳақида: "умр зое ўткардилар ва гўрга ҳасрат ва армон олиб бордилар", дейди. Нега? Бири илм ўрганиш учун машаққатлар торттию "амал қилмади", бири эса мол йиғиш учун ранж чектию "сарф қилурин билмади".

Шарқ ахлоқ фалсафасидан теран жой олган тушунча бор. Илмсиз адаб, адабсиз илм мукаммал бўлмайди. Бири дарахтга, бошқаси дарахт мевасига қиёс қилинган. Навоий бу икки

сўзни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилгани учун ҳам кўп ўринларда ёнма-ён қўллайди. У бир байтида маъно аҳллари ва фозиллар орасидан жой олиш учун илмда комил ва адабда намуна бўлиш кераклигини уқтиради:

Адаб ўрган, илм ҳосил қил,
Аҳли маъниларга ўзни восил қил.

Шоир бошқа асарларида ҳам илм ўқиб амал қилмаганларни танқид қилади, амалсизликнинг фожеаларини кўрсатиб беради. Илмга амал қилишни шоир, авввало, ўзидан талаб қилган:

Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди – амал айлагил.

Айниқса, шоир "Маҳбуб ул-қулуб" асарида бу масалага такрор-такрор қайтади. Асарда илм ўқиб амал қилмаган, ерни шудгор қилиб уруғ сепмаган одамга ёки уруғ сепиб, ҳосил олмаган кишига ўхшатилади.

Бошқа бир ўринда янада қаттиқроқ мазаммат қилиб, амалсиз олимни устига юк ортилган ҳайвонга қиёслайди. Демак, фақат олим бўлишнинг ўзи кифоя эмас, Навоий ёзганидек, чин маънода "одам" бўлиш керак.

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам ушбу басдур.

Навоийнинг "Садди Искандарий" достонида баён қилинишича, Луқмони Ҳакимдан "илмни кимдан ўргандинг?", деб сўрашганда, "нодон ва жоҳиллардан", деб жавоб берган. Луқмони ҳаким бунинг сабабини тушунтириб, жоҳилларнинг қилган ҳар бир иши "ёмон" бўлгани учун унинг аксини қилиб, ёмонликдан "амон"лик топтим, шу жиҳатдан улар менга устоз бўлдилар, деган экан.

Навоий илм ўқитган устозларни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш осон эмаслигини ҳам айтиб ўтади. "Шогирд агар шайх ул-ислом, агар қозидур, агар андин устод розидур – Тангри розидур". Демак устоз ҳам ота- она каби алоҳида ҳурматга лойиқ. Устоз рози – Худо рози. Унинг Ҳақ йўлида ўргатган бир ҳарфига шогирд юзлаб хазиналар инъом қилса ҳам ҳаққини адо этолмаслигини айтади.

Навоий мадрасаларда ўқитиладиган илмни "қол" – зоҳирий илм, тариқат илмини эса "ҳол" яъни ботиний илмга ажратган. Ортиқча меҳнат машаққат чекмасдан Ҳақ томонидан етган илмни эса "ладуний" деб атаган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат" тазкирасида баъзи шайхлар ҳақида берганда "Зоҳир улуми ва ботин улумиға жомеъдур", "Усул ва улуми зоҳирда олим эрмиш", "Улуми зоҳирий ва ботиний била олим эрди", "илми зоҳир улумида ҳам кутуби бор", каби жумлаларни келтириб, шариат ва тариқат илмларига ишора қилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Навоий асарларида ўша давр илм соҳасининг барча турлари тилга олиниши баробарида **"дин илми"** деган таснифга ҳам дуч келамиз. Шоир асарларида риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), илми ҳайъат, мусиқа, илми нужум

(астрономия), ҳикмат, фалакиёт, тиб, тарих, луғат, адабиётшуносликка оид илмлар ва ҳоказоларни тилга олади. У илм соҳаларининг ўзига хос аҳамияти борлиги, айримларига кўпроқ этибор бериш ва эгаллаш лозимлиги ҳақида қайғуради. У “Фарҳод ва Ширин” достонида шаҳзода Абулфаворис Шоҳғариб Баҳодирга насиҳат қилар экан, уни илм олишга ундайди. Бир илм соҳасини эгаллаб, бошқаларига ўтишни, лекин “илм ул-яқин” бўлган дин илмига етканда тўхташни, уни “шиор”қилиб олишни таъкидлайди. Чунки бошқа илм соҳалари шохобчалар бўлса, дин илми аслдир. Навоий дин илмини уч қисмга бўлади:

Улум ичра ўқусунг юз туман фасл,
Тамоми фаръу, дин илми эрур асл.

Бу дин илмики хомам қилди таҳрир,
Эрур фиққу ҳадису сўнгра тафсир.

Чу такмил ўлди бу уч илм сен бил,
Яна ҳар илм майлин қилма, ё қил.

Ва лекин тиббу ҳикмат ҳам эрур хўб
Ки, сиҳҳатдур киши жисмида матлуб.

Демак, дин илми фиққ (ислом қонуншунослиги), ҳадис ва тафсир (Қуръон оятлари маъноларини таржима ва шарҳлаш билан боғлиқ соҳа) дан иборат. Шоирнинг эътирофича, бу илм соҳаларини мажбуран ўрганиш керак. Қолган соҳаларни киши хоҳласа ўқисин, хоҳламаса ўқимасин. Янасаломатлик билан боғлиқ тиб илмини ўрганиш ҳам зарар қилмайди. Баъзан бўш вақтларда тарих китоблари ва ҳикматлар сирридан ҳам бохабар бўлмоқ лозим. Аммо Навоий дин илмини қуруқ ўрганиш билан иш битмаслигини қуйидаги қитъасида очиқ баён қилган:

Илми дин касб қилки, суд эрмас,
Чарх мушкулларини ҳал қилмоқ.
Лекин ул илм доғи нафъ этмас,
Билибон билмаса амал қилмоқ.

Яъни агар чарх мушкулларини ҳал қиладиган даражада олим бўлсанг ҳам, дин илмини ўрганмасанг, бефойда. Зотан, дин илми деганда, Ҳақни ва ҳақиқатни танитадиган, Ҳаққа етишга восита бўладиган, покликни таъминлайдиган, эътиқод ва ахлоқни тузатадиган илм англашилади. Лекин дин илмини ўрганиб, унга амал қилинмаса, ҳеч бир фойдаси йўқ. Кўриб ўтканимиздек Навоий дин илмини ўрганишни тарғиб қилган. Аммо ўқимоқ баробарида унга амал қилишни, комил диндор бўлишни муҳимроқ санаган.

Кўриб ўтганимиздек Навоий илму фанни ривожлантириш учун ҳам ҳаётий фаолияти ҳам асарлари орқали катта ҳисса қўшган. Инсон ҳаётида , диний эътиқодида илмнинг аҳамиятини кўрсатиб, уни тарғиб қилиш билан бирга, устоз ва шогирдлик одобларига ҳам тўхталган. Бугунги кунда Навоий ҳазратнинг илмга бўлган интилишлари ва бу жиҳатга

тарғиб қилишлари ёшларимизга намуна сифатида кўрсатилиши ва ташвиқ қилиниши айни заруратдир.

Навоий ислом дини вакили сифатида ёшликдан имконияти кенг бўлган маърифатли, тақволи оилада ўсди. Ислом ҳақидаги билимларни, аввало, оила даврасида, сўнгра мадрасаларда ўқиб, илмий мажлисларда фаол иштирок этиб, дин соҳасида ҳам етук олим бўлиб етишди. Кейинчалик катта имкониятларга эга бўлиб, диннинг ва мамлакатнинг ривожи учун жуда улуғ ишлар қилди. Машҳур бир ҳадисда: "Одамларнинг яхшиси, одамларга манфаати етадиганидир" дейилади. Шунинг учун ҳам Навоий "халқ ғами"ни емаган одамни "одам" демайди. Ўзи эса бир диндор, диёнаткор шахс сифатида қўлидан келганча, умрининг охирига қадар халқ ғамида яшади.

Бобур "Бобурнома"да Навоий "аҳли фазл" ва "аҳли ҳунар"га "муқаввий ва мураббий" бўлгани, кўплаб "бинойи хайр"лар қилгани ва бошқа бир одамнинг бундай савобли ишлар қилгани маълум эмаслигини мақтаб ёзади. Шунингдек, Бобур Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий каби мутасаввуфлар йиғилиб, Навоий ҳузурида важд ва самоълар қилгани ҳақида ҳам хабар беради.

Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Навоий жума ва жамоат намозларини ташкил қилишдаги саъйу ҳаракат ва ғайрати шу даражада бўлганки, Марғаний боғи ичида чиройли безаклар билан зийнатланган бир масжид қуриб, ўз замонаси қориларининг сараси бўлган Хожа Ҳофиз Муҳаммад Султоншоҳни ушбу масжидга имом этиб тайинлаган. Навоийнинг ўзи ҳам бу масжидда беш маҳал жамоат намозларига доимо қатнашган. Шунингдек, Навоий сарой хизматчиларини намозга рағбатлантирган, улардан бирортаси шариат аҳкомларига зид иш қиладиган бўлса, уни шариат қонун-қоидлари асосида жазога тортиш учун бир муҳтасиб ҳам тайинлаган.

Хондамир "тасаввуф ва иймон аҳлининг қибласи", яъни Навоий тарафидан қурилган ўнлаб мадрасалар, хонақолар, олтмишга яқин работларнинг номларини санаб ўтади. Ўз даврида Навоийга бағишланган йигирмага яқин китобларни ҳам номини келтиради. Навоий бевосита ислом дини ва ҳукмларига оид "Сирож ул-муслимин", "Арбаин", "Насойим ул-муҳаббат", "Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Маҳбуб ул-қулуб" каби асарларида мусулмонга хос бўлган иймон-эътиқод, илму маърифат ва одоб-ахлоқдан баҳс юритди ва шу орқали ислом динига муносиб ҳисса қўшди. У комил диндор, тақводор ва ҳақиқатпараст шахс сифатида ибодатларини ва дин арконларини мукаммал бажарарди ва бошқалардан ҳам шуни талаб қиларди. Унинг Аллоҳ ва Расулига бўлган муҳаббати, ислом дини таълимотига содиқлиги ҳамда ғазалларида, муножотларида ва наътларида яққол кўзга ташланади. Қуйидаги ғазалга диққат қилсак, Навоийнинг Яратувчига қилган тавба-тазаррулари ва илтижолари орқали шоирнинг соф диндорлигига, самимий фикру туйғуларига амин бўласиз. Айниқса, ўлим лаҳзалари яқинлашганда Яратувчидан раҳму шафқат қилишини ва охиратининг обод бўлишини зорланиб сўрайди:

Ё Раб, ўлғон чоғда жоним жисми вайрондин жудо,
Ул бўлуб мундин жудо, сен бўлмағил ондин жудо.

Чун жудо бўлсам, мени ғамнок йўқу бордин
Не ғамим, сен бўлмасанг мен зори ҳайрондин жудо.

Ҳар бир мўъмин-мусулмон орзу қилганидек, Навоийнинг лирик қаҳрамони ўлим онларида Тангридан иймон билан жонини олишини, охиратга ёруғ юз билан сафар қилишини сўрайди. Охиратда эса осийлигини, гуноҳкор эканини эътироф этган ҳолда "аҳли исён" қаторида эмас, аҳли раҳмат қаторидан жой олишини истайди.

Ҳашр ғавғоси аро осийлиғимға раҳм қил,
Лутф ила илгим тутуб, қил аҳли исёндин жудо.

Гарчи ўлдум кофири ишқ аҳли ислом ичра қот,
Ул замонким бўлғуси кофир мусулмондин жудо

Элга махлас истасанг, етти тамуғни айла кул,
Айлабон бир шуъла бу оҳи дурахшондин жудо.

Шунингдек, ким ибодат қилса, амали солиҳларда давом этса, жанатга, Ҳақ жамолига восил бўлиши учун дуо-ю илтижо қилади:

Жаннат истаб айлаганларни ибодат, қилмағил
Кавсару тўбию қасру ҳуру ризвондин жудо.

Барчадин айру Навоийға қилиб васлинг насиб,
Қилмағил, ё Раб, ани мундин, муни андин жудо.

Дин амрларини талаб даражасида ўрнига келтирган Навоий риёкорлик, сохта диндорлик, кўзбўямачилик билан асло чиқишмас эди. Айниқса, муридларни залолатга етаклайдиган сохта шайхлардан жуда нафратланарди. Шоир "шайх" радифли ғазалларида одамларни алдаб тузоғига туширадиган, нафс қули бўлган сохта шайхларни танқид қилади.

Навоий диннинг асосий масалаларидан бўлган мусулмон ахлоқи қандай бўлишини "Маҳбуб ул-қулуб" асарида яхши хулқлар ва ёмон хулқларга ажратиб, танбеҳлар бериб, ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиб ўтади. Ўша давр жамиятида динни муҳофаза қилувчи ва ривожлантирувчи шайх ул-исломлар, қозилар, қонуншунос муфтийлар, мударрислар ва бошқа касб эгаларини ўз касбига содиқ, диёнатли, ахлоқли ва инсофли бўлишга чақиради ва шу йўл билан диннинг аслини сақлаб қолишга ва тараққий этишига хизмат қилади. Масалан, Навоий қози ҳақида фикр билдирганда унинг дин ва дунё илмини билиши, "хотири бенуқсон" аммо шахсий манфаатга мойил, иккиюзламачи бўлмаслиги, ошною бегонага бир хил ҳукм чиқармоғи, ўта тақволи, фаросатли, кўнгли Тангри каломи билан мустаҳкам ва ҳукмлари Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларига мувофиқ, шаръий ҳийлалар хавфидан кўнгли пок бўлиши керак. Агар қози порахўр бўлса, ислом қўрғонига рахна солади. Агар қозининг ўзи пора бериб, мансабга ўтирган бўлса, албатта, пора олиб, шариат қонунини бузади.

Қози шариат йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиги, тўғри йўлдан чиқмаслиги, шиори тўғрилик ва адолат бўлмоғи лозим. Агар оёғи тўғри йўлдан тойилса, у дўзахнинг Вайл номли чуқуридан жой олади. Бу ишни ўз хоҳишимча қиламан деса, ёлғончи бўлгани боис у Пайғамбар (с.а.в.) шариати ҳокимлигига муносиб эмас.

Навоий Пайғамбарларнинг вориси бўлган, динни ривожига ҳисса қўшадиган, одамларни яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтарадиган олимларга ҳамиша эътиборли бўлган ва раҳнамолик қилган. Уларнинг илм олиши ва илму ирфон тарқатишига қулай шароитлар яратиб берган, масжид-мадрасалар қурдирган. Аммо амалсиз олимларни аёвсиз танқид қилган, уларни устига юк ортилган эшакка ўхшатгани юқорида айтилди.

Маълумки, дин араб тилида мулк, ҳукм, ҳисоб, жазо, тадбир, бўйсуниш, итоат қилиш, ибодат, парҳез, йўл тутиш, одат қилиш, эътиқод қилиш ва бошқа маъноларни билдиради. Дин Аллоҳ таолонинг бандаларига юборган ҳукмлари, кўрсатмалари, талаблари, хабарлари, буйруқларидир. Дин сўзи Қуръонда 100 маротабадан ортиқ қўлланган бўлиб, юқоридаги маъноларни қамраб олган. Дин аҳкомларини Пайғамбарлар одамларга етказган ва ҳақ динга даъват этишган. Дин – ақида, шариат ва тариқат бобидаги илоҳий кўрсатмалар тўплами. Имом Бухорий ҳадисларида келтирилган машҳур "Жибрил ҳадиси"га кўра дин – **иймон, ислом ва эҳсондан** иборат. Мусулмон олимлари дин ҳақидаги таърифларни умумлаштириб, соғлом ақл эгаларини бу дунёда салоҳиятга, у дунёда нажотга элтувчи илоҳий кўрсатмалар эканлигини таъкидлашга. Ислом динида динни қабул қилган одам мўмин, мусулмон, инкор қилган кофир, Аллохдан бошка нарсаларга ибодат килган киши мушрик дейилади. Диннинг аслида бўлмаган ва кейинроқ киритилган баъзи амаллар, одатларга бидъат дейилади ва динимизда бидъат қораланади.

Дунёда динлар кўп. Лекин бугунги кунда илоҳий дин сифатида яҳудийлик, насронийлик ва ислом дини тушунилади. Дин сўзи, кўпинча, "ал-Ислом"га синоним сифатида қўлланади[1].

Навоий динни ривожига чексиз амалий ҳисса қўшди. Унинг ўнлаб қурган масжид-мадрасалари ва хонақолари замондош тарихчилар томонидан эътироф этилди.

Улуғ шоир ўз асарларида дин тушунчасига ўта масъулият ва ихлос билан ёндошади.У даҳо шоир бўлиш билан бирга етук дин олими ҳамдир. Навоий насрий ва назмий асарларида у ёки бу даражада динга, исломга ва шариат қонун қоидаларига тўхталган. Айниқса, "Сирож ул-муслимин", "Арбаин", "Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Назм ул-жавоҳир" , "Насойим ул-муҳаббат" каби асарларда дин масалаларининг ўзига хос қирраларини ёритиб берди. Хамса достонларида, айниқса,"Ҳайрат ул аброр"нинг иймон ва ислом бобларида диний қарашлар ва аҳкомларга батафсил тўхталди. Шунингдек, "Маҳбуб ул-қулуб" асарида "дин ва дунё"; "дин ва ислом"; "дин ва иймон" каби сўзлар ёнма-ён тарзда кўзга ташланади. Улуғ шоир бу асарида илм олишнинг зарурияти ва моҳияти ҳақида сўз юритиб, илм, фақат бу дунёда яхши яшаш учун эмас, балки динни қувватлантириш учун зарурлигини таъкидлаб, саховатсиз бойни ёғинсиз булутга, амал қилмайдиган олимни устига юк ортилган маркабга ўхшатади. Бошқа бир танбеҳида: "Дунёга тааллуқ ишини саҳл тут ва дин ишида суд (фойда) тасаввури била кўнгулни овут", – дейди. Шоир май ҳақидаги ўгитларида унинг қатраларини "дин ва иймон" уйини бузадиган бало селига ва инсон ҳаётини барҳам берадиган ранжу машаққат гирдобига ўхшатади. Шунингдек, безори, бебош, доимо сархуш бўлиб, бировларни ҳақорат қилувчи, одамларга азият етказувчи "ятим ва лаимлар"ни "не ақл аларда не дин, не ҳаё аларда ва не тамкин" дея мазаммат қилади. Гоҳида дин деганда ислом, ислом деганда дин тушунилади. Бироқ дин сўзи кўпроқ умумий маънода иймонни, исломни ва шариат ҳукмларини қамраб олади. "Сирож ул-муслимин"нинг қуйидаги сатрларида дин ва ислом сўзлари айни маънода фақат мазмунни кучайтириш учунгина ёнма-ён келтирилган:

[1] Ислом энциклопедияси. Тошкент. 2017. 135-136- бетлар.

Дедимким, айлайин бир нусха мастур
Ки, бўлғай дину ислом уйи маъмур.

Неким, дин аҳлиға бўлғай зарурат,
Бари тутқай ани билганча сурат.

Навоий бошқа дин номлари ва вакилларини ҳам асарларида эслаб ўтса-да, лекин дин аҳли деганда мўмин-мусулмонни назарда тутади. “Сирож ул-муслимин”асарида “азоби қабр” ҳақида гапирганда “дин аҳли” хусусида ҳам тухталади:

Азоби қабр эрур куфр аҳли хосий,
Яна дин аҳлидин баъзи бўлса осий.

Яъни кофирлар қабр азобини тотадилар. Лекин баъзи дин аҳли(мусулмон киши) ҳам осий, гуноҳкор бўлса, қабр азобига мубтало бўлади.

Навоий “Садди Искандарий” достонининг охирги қисмларида шаҳзода Бадиуззамон Мирзога бир қатор насиҳатлар қилади. Жумладан, ёш авлоднинг илм олишига қайғуриш лозимлиги, акс тақдирда, “ёшларга мактаб йўли” ёпилса, кексалар мазҳаб йўлини йўқотади. Натижада, динга, эзгуликка ва мазҳабларга дарз кетади:

Чу ёшларға боғланса мактаб йўли,
Бўлур гум улуғларға мазҳаб йўли.

Халал йўл топар тўғри ойинға ҳам,
Тушар рахна ислом ила динға ҳам.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг “иймон шарҳи” бобида ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сўнгги Пайғамбар экани, дини барҳақ, мукаммал, қиёматгача боқий ва у ислом эканини таъкидлайди:

Хатм анга ойини рисолат тамом,
Дин анинг исломи-ю бас вассалом.

Навоий баъзи тасаввуфий-ирфоний шеърларида соқий, май, санам, ёр, ишқ, бут, майхона каби тимсоллар воситасида ошиқлик ва орифлик ҳоллари ва мақомларини таърифлайди. Ташқаридан қараганда бундай шеърлар динга зид ёки ширк каби таассурот уйғотади. Лекин бу қабилдаги шеърлар Аллоҳнинг динига қарши қаратилган эмас, аксинча, уларда юксак илоҳий ишқ-муҳаббат туйғуларининг ифодалангани маълум бўлади.

Хуллас, Навоий илм ва дин ривожига улуғ хизматлар қилган ва ўз асарларида ҳам бу тушунчаларни ҳассослик билан таъриф ва тарғиб қилган.

НАВОИЙ ВА МАЪРИФАТ

Даҳо шоир, улуғ мутафаккир ва давлат арбоби бўлган Алишер Навоийнинг ўлмас асарлари бир неча асрлардан бери халқимизнинг маънавий эҳтиёжини қондириб келмоқда. Зотан, шоир асарларига бўлган талаб ва эҳтиёж бирор асрда ҳам кам бўлмаган. Туркий халқлар адабиётига назар ташласак, қанчадан қанча шоирлар келиб-кетмади, дейсиз. Лекин ҳеч қайсиси Навоийдек “хўб” ва “кўб” ижод этмаган. Том маънода Навоий туркий халқлар адабиётининг сарбони, дунё адабиётининг даҳо шоирларидан бири. Унинг ҳар бир асари, ҳар бир сатридан эл-юртга некбинлиги, хайрихоҳлиги, покиза қалб ва тоза эътиқодли экани билиниб туради. Ўз даврининг қайси соҳаси ва қайси мавзуси бўлмасин астойдил исталса, Навоий асарларидан жавоб топилади.

Шоир ҳаётига назар соладиган бўлсак, бир умр илму маърифатга интилгани, халқ орасида маънавият ва маърифатни тарғиб қилгани маълум. Дарҳақиқат, шоир ҳаёти давомида халқ фаровонлиги учун масжид-мадрасалар, карвонсаройлар, кўприклар ва ҳаммомлар қурдирди, толиби илмларга ҳомийлик қилди, машҳур уламоларни етиштиришда жонбозлик кўрсатди. Навоий илму маърифатни қанчалик амалий тарғиб қилган бўлса, асарлари орқали ҳам уларни англатиш ва тушунтириш пайида бўлди. Илму амалга ва тафаккурга ундаш, маърифатни тарғиб қилиш, ўзликни англаш, руҳий ва ахлоқий камолотга эришиш, натижада ҳақиқий олим ва ориф инсон бўлиб, икки жаҳон саодатига ноил бўлиш шоир ижодининг туб моҳиятини ташкил қилади. Зотан, ўтмиш шоир ва алломаларимизнинг барчаси ҳам бутун инсониятга, ўз қавмлари ва миллатларига Ҳақ ва ҳақиқат йўлини кўрсатиш учун бор куч ва ғайратларини сарф этишган..

Навоий асарларида ҳар бир сўзнинг, ҳар бир атаманинг ўз ўрни, олам –олам маънолари бор. Шулардан бири “маърифат” тушунчасидир. Шоир асарларида бу сўз тез-тез тилга олинади ва турли маъноларда талқин қилинади.

Маърифат сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноси бор. Бу сўз араб тилидан олинган бўлиб, билиш, англаш, идрок этиш каби маъноларни билдиради. Тасаввуф тушунчаси сифатида солик мақомларидан бири; солик маънавиятининг кундан кунга ортиб бориши, коинот ва табиат илму ҳикматидан, шунингдек, инсоний ва илоҳий сир-асрорлардан воқиф бўлиб бориши[1].

Замонамиз уламоларидан Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Маърифат” сўзини шундай изоҳлайди: ”Исломий нуқтайи назардан қарайдиган бўлсак, маърифатнинг, яъни билимдонликнинг асоси ўзининг кимлигини, ҳаётдаги ўрнини ва мақсадини, бурчи ва масъулиятларини англашдан бошланади. Ана шуларни тўғри англаб етмаган инсон ҳар қанча билимли бўлса ҳам, маърифатли ҳисобланмайди. Бинобарин, маърифатнинг аввали Ҳақ таолонинг борлигини мушоҳада этишдан бошланади. Тасаввуф таълимотига кўра инсонни камолотга етказувчи йўллардан бирини «Маърифат» дея аталиши ҳам бежиз эмас”[2].

Маълумки, тасаввуфда соликни камолотга етказувчи тўрт босқич, маънавий мақом бор: шариат, тариқат, ҳақиқат ва маърифат. Суннатга асосланган бу маънавий мақомлар эт билан тирноқдек ажралмас, улар бир-бирини тақозо этувчи, тўлдирувчи ҳукмлардан ва ахлоқий қарашлардан иборатдир.

---

[1] Ислом энциклопедияси.Мазкур асар, 77-б.

[2] www. islom.uz сайтидан олинди.

Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоваддин Нақшбанд каби улуғ мутасаввуфларимизнинг бу борада айтган баъзи сўзларини келтириб ўтамиз: шариат – тери, тариқат – гўшт, ҳақиқат – суяк, маърифат – иликдир. Шариат машъал, тариқат йўл, ҳақиқат борадиган манзилдир. Аммо машъални қўлга олмоқ билан йўл очилмас. Йўлга тушдингми, бас, юришинг тариқат эрур, мақсадга етмоқ ҳақиқатдур…

Шариат дори, тариқат уни истеъмол этмак, ҳақиқат эса касалликнинг даф бўлишидир. Шариат илмдир, тариқат амалдир, ҳақиқат у амалнинг самарасидир. Шариат кема, тариқат денгиз, ҳақиқат денгиздаги гавҳарлардир. Ким гавҳарларни қўлга киритмоқ истаса, кемага миниши ва денгизга сузиши керак… Йирик нақшбандия шайхи Имом Раббоний «Мактубот» асарининг биринчи жилд, ўттиз олтинчи мактубида ёзадики: «Билгилки, шариат уч қисмдан иборат: илм, амал, ихлос. Ҳар қачонки бу уч қисмдан бири ўз ўрнига келтирилмаса, шариат мукаммал бўлмайди. Сўфийларнинг йўли бўлган тариқат, ҳақиқат ва маърифат шариатнинг учинчи қисми бўлган ихлоснинг мукаммал ҳолатда юзага чиқишига ёрдамчи бўлади». Навоий таъбирича, ҳар қандай йўл, таълимот, жумладан, тасаввуф йўли ҳам агар шариатдан ташқарида бўлиб, унинг ҳукмларига мувофиқ бўлмаса у ботилдир:

Эйки дебсенким, билай тавҳид сирридин хабар,
Шаръдин неким тажовуз айлади илҳод бил[1].

Яъни тавҳид сирри, Аллоҳнинг ваҳдонияти (ягоналиги) билан боғлиқ ҳар қандай илмда шариатга тўғри келмайдиган қарашлар бўлса, у “илҳод” яъни диндан қайтиш, муртадлик ҳисобланади.

Ҳужвирий «Кашф ул-маҳжуб» асарида: “Фақиҳлар каби бошқа кишилар ҳам Аллоҳ ҳақидаги илмга «маърифат» номини берганлар. Тариқат шайхлари эса Аллоҳ хусусидаги сиҳҳатли ҳолни «маърифат» дея атаганлар”, дейди.

Навоий ижодига назар солсак, “маърифат” тушунчаси бир қанча маъноларда қўлласа-да, асосан, қуйидаги икки жиҳатга диққатни қаратган:

1. Шариат илмларидан ҳосил бўлган маърифат;
2. Тасаввуф таълимотидан ҳосил бўлган маърифат.

1. Шариат илмларидан ҳосил бўлган маърифат

Навоий ҳам бошқа мутсаввиф шоирлар каби ирфоний маърифатнинг асоси ва таянчи сифатида, аввало, диндан, шаръий илмлардан ва ахлоқий қарашлардан ҳосил бўлган маърифатдан сўз юритади. Хусусан, Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг мазмун-моҳияти ва инсоннинг руҳий ва ахлоқий камолотига кўрсатган таъсир даражасини ўз мулоҳазаларида қайд этиб ўтади. Чунки шариат илмларини билмасдан, унга амал қилмасдан, том маънода бу илмларнинг маърифатини ҳосил қилмасдан тасаввуфда бирор натижага эришиб бўлмайди. Аксар мутасаввуфлар шариатсиз тариқатда бирор натижага эришолмасликни якдил бўлиб таъкидлаганлар.

[1] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Биринчи жилд. Тошкент. “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2011. 385-б.

Дарҳақиқат, ким бўлишдан қатъий назар, мусулмон одами учун Қуръон ва ҳадис энг асосий ва энг муҳим илму маърифат манбаларидан ҳисобланади.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида хабар беришича, Шайх Муҳйиддин Абдулқодир Жилий деган зот сулук йўлига киришдн аввал “ Қуръон қироати ва фикҳ ва ҳадис ва улуми динияни такмил” қилган. Ва ўз даврида юксак эътибор топган, “аксар улумни” эгаллаб, замондошлари орасида ҳаммадан устун бўлган[1].

Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида Шоҳфариб Мирзога мурожаат этар экан, дин илмларини ўрганиш ва ”касби камол” этиш учун фиқҳ, ҳадис ва тафсир илмларини эгаллашга даъват этганини олдинги саҳифаларда айтиб ўтдик.

Шоир тавсияларига диққат қилсак, энг зарур бўлган “уч илм”ни эгаллагандан кейин, “бошқа илмларни хоҳласанг эгалла, хоҳламасанг ўзинг биласан”, деб таъкидлайди. Аммо “тиб ва ҳикмат” илмини ўзлаштиришга алоҳида тарғиб қилади. Чунки қайси жисмнинг “сиҳҳати” бўлмаса, “Тенгри амрин” бажаришга “қуввати” ҳам бўлмайди, дейди[2].

Маълумки, ислом динининг икки тамал асоси бор: Қуръон ва ҳадис. Навоий ана шу иккала жиҳатга алоҳида эътибор қаратган. Қуръони каримни яхши билган, унинг аҳкомларига, аввало, ўзи тўла-тўкис амал қилган. Шоир хоҳ насрий хоҳ назмий асарларида бўлсин, Каломи шариф оятларидан унумли фойдаланди, асарларида оят ва оятларнинг мазмунини сингдириш орқали уларнинг бадиийлигини ва таъсирчанлигини янада оширди.

Қуръони каримнинг бир қатор оятларида унинг раҳмат ва шифо экани таъкидланган. Жумладан, “Ал-Исро” сураси, 82-оятда шундай дейилади: **“Биз мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган Қуръон оятларини нозил қилурмиз.”. “Фуссилат сураси” 44-оятда айтилади:” Айтгин:” (Эй Муҳаммад, ушбу Қуръон) иймон келтирган зотлар учун ҳидоят ва шифодир”[3].**

Расул алайҳиссалом муборак бир ҳадисларида шундай деганлар: «Сизларнинг ичингизда энг яхшингиз Қуръонни ўрганган ва Қуръонни ўргатган кишидир». Шу боис ҳам Мусулмон оламида ҳар бир олим ё шоир бўлсин Қуръони каримни яхши ўқиб-ўзлаштириб, асарлари орқали тарғиб ва ташвиқ қилиб келган. Алишер Навоий ҳазратлари ҳам бу борада улуғ хизматлар қилган десак, хато қилмаймиз. Зеро, шоирнинг асарлари бунга гувоҳ. Навоий Қуръонни Тангри каломи ва кўнгуллар шифоси сифатида тарғиб қилиб, “Назм ул-жавоҳир” номли китобида шундай таърифлайди:

Қуръонки эрур муждаи жони ўқумоқ,
Йўқ, йўққи, ҳаёти жовидони ўқумоқ,
Бил кўнглунга истасанг шифони ўқумоқ,
Ким келди кўнгул шифоси они ўқумоқ

---

[1] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Ўнинчи жилд. Тошкент. “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2011. 401-б.

[2] Яна қаранг: Б. Ражабова. “Қуёшлиқ истасанг касби камол эт”. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2013 й. 13 сентябр.

[3] Яна қаранг:”Тавба сураси”, 14-оят; “Юнус” сураси, 57-оят; “Шуаро” сураси, 80-оят.

* * *

Олам эли ичра гар гадо, гар шоҳ эрур,
Не дардки, ул кўнгли аро ҳамроҳ эрур,
Қуръонни тиловат этсун ар огоҳ эрур,
Эл кўнглига чун даво Каломуллоҳ эрур.

Алишер Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарини ёзар экан ҳар бир Пайғамбар тарихини, унинг ҳаётидаги энг муҳим нуқталарини ёритиш учун Қуръоннинг турли сураларидан 70 дан ортиқ оятларни далил сифатида келтириб ўтади. Бу кўрсаткич ҳам шоирнинг асос манба сифатида Қуръонга мурожаат этгани ва уни яхши билганидан далолат беради.

Навоий Қуръон ва ҳадисдан далиллар келтириб, инсонларни дўст-биродар, эътиқодида собит, хушахлоқ, марҳаматли, шафқатли бўлишга чақиради. Сохта шайхлар ва амалсиз олимларни эса аёвсиз танқид қилади. Ҳазрат Пайғамбаримизнинг ворислари, миллат фахри бўлган олимларнинг қандай фазилатларга эга бўлиши ҳақида “Маҳбуб ул-қулуб” асарида тўхталиб ўтади: **“Олим керакким, мутаққий бўлса ва огоҳ ва айтури қола Аллоҳ ва қола Расулуллоҳ”.**

Навоий мазкур асарида шайхулисломга ҳам шундай таъриф беради: “олиме керак ислом-паноҳ ва орифе керак муқарраби даргоҳ, хирадманди шариатшиор ва фақрға хурсанд ва тариқатосор. Яхши-ямонға шафқати файзи ом ва улуғ-кичикка иршоди нафъи молокалом. Комили шаръ бўлғай қонуниға росих ва барча мубтадеълар бидъатиға носих. Ангаким, бу навъ бўлғай ойини ислом, шайх ул-ислом деса бўлур вассалом”.

Навоий ўз даврида қозиларнинг эса Қуръон ва ҳадис асосида ҳукм чиқаришга, адолатли бўлишга ундайди: “Илму тақвосидин кўнгулларда шукуҳ ва диққат, фаросатидин бедиёнатлар кўнглида андуҳ. Кўнгли *Каломуллоҳ аҳкомидин* қавий ва ҳукмида муқтадо *аҳодиси мустафавий*”.

Навоийнинг Қуръонга бўлган эҳтироми бошқа асарларида ҳам намоён бўлади. Шайх ва авлиёлар ҳақидаги “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида Қуръони каримни яхши билган, ёд олган ва доим тиловат қилиб юрган авлиёларни алоҳида эътибор билан тилга олади: Жумладан, тўрт мазҳаб имомларидан бири Аҳмад ибн Ҳанбал Қуръонни махлуқ демагани учун муътазилийлар тарафидан минг қамчи урилган. Аммо кекса ва заиф бўлса ҳам сўзидан қайтмаган, оқибатда шу дард асорати билан оламдан ўтган. Навоий: ”Бу иш одамзоддин келур иш эмаски, дин тақвиётида ул бузургвордин зоҳир бўлди”,– деб ачиниб ёзади. Шунингдек, Шайх Муҳаммад бин Юсуф Баннонинг бинокорлик касби билан шуғулланса ҳам, кунда бир хатми Қуръон қилгани, Абубакр Кисойи деган шайх ухлаганда кўксидин Қуръон ўқиган овоз келгани, Шайх Абулҳасан бин Шаъранинг қабрига зиёратга борганлар, унинг қабридин Қуръон овозини эшитганлари” тазкирада нақл қилинади.

Шайх Абу Абдуллоҳ Дуний деган киши Қуръон ўқиркан, “ҳар қачон закот ё садақа оятиға етса” хушҳол бўлиб, эгнидин бирор нарсани чиқариб, эшикдан ташқарида қўйинглар, кимдир уни кўрса, олиб кетсин, деб тайинлар экан. Шайх Абулҳасан Харақонийнинг айтишича, **“киши ашула айтиб Ҳақни тилагани, бошқанинг Қуръон ўқиб, ғайрни (Аллоҳдан бошқани) тилаганидан яхшироқдир”.** Навоий жуда кўп машойихларни тилга олганда “Кичик ёшида Қуръонни ҳифз қилиб эрди” деган мақтовни ишлатади. Кўриб ўтганимиздек, Навоий тарафидан Қуръонни кўп ўқиш, уни ёд олиш, авлиёликнинг юксак фазилати сифатида эслатиб ўтилади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай бир ҳадислари бор:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Ким умматимга дин ишлари борасида қирқта ҳадисни муҳофаза қилиб берса, Аллоҳ уни Қиёмат куни фақиҳ қилиб тирилтиради ва Қиёмат куни Мен унга шафоатчи ва гувоҳ бўламан».** Бу ҳадис бироз заифроқ йўллар билан нақл қилинган бўлса-да, у жуда кўп муҳаддислар томонидан ривоят қилинган машҳур ҳадис ҳисобланади. Навоий ҳам ҳадисдаги муждага мушарраф бўлиш учун ҳазрат Пайғамбаримизнинг қирқта ҳадисларини ўзбекчага ўгириб, "Арбаъийн"[1] номли асар ёзган. Унинг муқаддимасида шундай дейилади:

Ҳамд ангаким, каломи хайрмаол
Қилди элга расулидин ирсол.
Ул Расулеки, ҳам каломи фасиҳ
Элга тегурди, ҳам ҳадиси саҳиҳ,
То улус жаҳлдин халос бўлуб,
Илм хилватгаҳига хос бўлуб,
Чун тамуқдин нажот топқайлар,
Ужмоҳ ичра ҳаёт топқайлар.
Жалла зикруҳ, зиҳе илоҳи рафиъ,
Азза кадруҳ, зиҳе Расули шафиъ.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Навоий наът ва меърожга бағишланган ғазалларида ҳазрат Пайғамбаримизни таъриф ва тавсиф қилиш билан бирга у зотнинг "*каломи фасиҳ*"лари яъни муборак ҳадиси шарифларини ҳам васф этади. Ҳадисларнинг халқни қиёматга қадар иршод қилувчи мўъжиз калом эканлигига ишора қилади. Шоирнинг "Хазойин ул-маъоний" девонида элликка яқин наът ғазаллар, меърожномалар борки, уларда ҳадислар моҳиятидан ҳам сўз юритилади.

Собит эътиқодли шоир "Ҳайрат ул-аброр"нинг тўртинчи наътида Пайғамбарнинг равон нутқи, беш вақт намоз, мўъжизалари, саҳобалари, хусусан, чориёрлар мадҳидан баҳс юритади. Ҳазрат пайғабаримиз ўқиш ва ёзишни билмасалар ҳам, у кишининг нутқи равон ва ўта фасоҳатли эди. Минглаб ҳадисларидаги маънолар, ҳикматлар бугунги кунда ҳам бутун инсониятни лол қолдириб келмоқдаки, Навоий шунга ишорат қилиб ёзади:

Гоҳи такаллум санга мўъжиз калом,
Назми каломинг бори мўъжиз низом,

Нукта фасоҳатда мунаққаҳ санга,
Шоҳиди даъво: «Ана афсаҳ» санга.

Мўъжиз калом, мўъжиз баён деб энг юксак фасоҳат ва балоғатли сўз эгаларига, жуда маҳоратли шоирларга нисбатан айтилади. Байтнинг мазмуни: "Сен гоҳида такаллум қилсанг, "мўъжиз калом" – юксак фасоҳат ва балоғат соҳибига айланасан. Сўзларингдаги назм

[1] Шарқ адабиётида «арбаъин» ёзиш анъанаси мавжуд бўлиб, унда халқ орасида машҳур, энг саҳиҳ ҳадислардан 40 таси саралаб олиниб, рубоийларда мазмуни берилган. Абдураҳмон Жомийнинг «Чиҳил ҳадис»ини Алишер Навоий туркийга таржима қилган. Шоирнинг нияти, асар муқаддимасида таъкидланганидек, «форсийдонлар идрок айлаган» қирқ ҳадис моҳиятидан туркийзабонларни ҳам баҳраманд қилиш эди. Бундай ҳадисларни шеърга солишда эса барча шоирлар уларнинг осон тушунилишини, ёдда сақланилишини ҳам назарда тутганлар.

(тартиб, сўзлар тизмаси)нинг барчаси мўъжизакор тартибдадир. Теран ва нозик маъноли сўзлар (нукта)ни танлаб, чиройли ифодалаш сенга осон. Бу даъвони “Ана афсаҳ” деган ҳадисинг исботлайди”. Яъни ҳадисда айтилишича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом “зод” ҳарфи иштирокида гапирадиган арабларнинг энг сўзамолиман, деб таъкидлайдилар. Бу ўринда “зод” ҳарфини махражидан чиқариб, талаффуз қилишнинг қийинлигига ҳам ишора бор. Шоир “Ғаройиб ус-сиғар”даги бир наът ғазалида ҳам бу ҳадис мазмунига ишора қилиб ўтган:

Зиҳи тилинг “ана афсаҳ” такаллумида фасиҳ,
Сен амлаҳ ўлдунг, гар дилраболар ўлди малиҳ.

“Малиҳ” луғатда гўзал, чиройли, ширин, мазали каби маъноларни билдирса, “Амлаҳ” сўзнинг орттирма даражаси бўлиб, малиҳроқ яъни гўзалроқ, ширинроқ, мазалироқ каби маъноларни билдиради. Мазкур байтда ҳам ҳазрат Пайғамбарнинг бошқалардан кўра воизроқ, нотиқроқ ва сўзининг таъсир даражаси кучлироқ экани уқдириб ўтилган. Навоий Пайғамбар ҳадисининг саҳиҳлиги ва каломининг фасиҳлигини бошқа ўринларда ҳам эслатиб ўтади:

Сиҳҳати ҳукм ичра ҳадисинг саҳиҳ,
Арзи фасоҳатда каломинг фасиҳ.

Шу ўринда Навоийнинг ақида ва исломнинг беш шартига оид ҳанафий фиқҳи асосида ёзилган “Сирож ул-муслимин” асарини ҳам эслаб ўтиш керак. Назмда битилган бу мўъжаз рисола шоирнинг фиқҳ ва эътиқод илмида ҳам жонкуяр ва донишманд бўлганидан далолат беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Навоий ижоди Қуръон ва ҳадис, ақида ва фиқҳ, тасаввуф ва ҳикмат каби илм соҳалари билан чамбарчас боғлиқ. Бу илм соҳаларини яхши билмасдан, Навоий ижодининг асл моҳиятини тушунмасдан ҳақиқий маънода маърифат ҳосил қилиш мумкин эмас.

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДАН ҲОСИЛ БЎЛГАН МАЪРИФАТ

Тасаввуфий нуқтайи назардан маърифатнинг нозик маъно фарқлари бор. Маърифат – инсоннинг ўзини ва Раббини таниши. Ҳақиқат аҳлининг фикрича, инсон фақатгина маърифатуллоҳ орқали саодатга эришади. Яъни маърифат бир нур бўлиб, иймон аҳли шу маърифат нурлари орқали Аллоҳга яқинлашадилар. Ҳақ маърифати инсон кўнгли орқали кашф бўлади. Шайх Абубакр бин Яздонёр Урмавий: **«Маърифат – Аллоҳ таолонинг ваҳдонияти билан қалбнинг қарор топишидир», –** деб таъриф беради.

Кўнгул илоҳий хитобнинг, маърифат ва ирфоннинг мазҳари. Орифлар тилида “илоҳий сирлар макони ва махзани бўлган жой”. Шунинг учун ҳам Навоий “Лисон ут-тайр”да “маърифат” водийсидан баҳс юритиб, Яратувчига муножот қилиб қилади:

Эй қилиб инсонни кони маърифат,
Кўнглини айлаб жаҳони маърифат.

Ва яна «нафси нотиқа» маъносида ҳам келади. Руҳ ва нафс орасидаги мужаррад нуроний жавҳардир. Ҳакимлар уни нафси нотиқа дейдилар.

Навоий "Насойим ул-муҳаббат" муқаддимасида инсонни улуғлаб шундай дейди; "**Ҳақ субҳонаҳу ва таоло махлуқотда бани одамдин шарифроқ ва бийикроқ (улуғроқ) халқ қилмайдур, невчунки, маърифатуллоҳ ганжининг амини ва маҳрами улдур".**

Ҳазрат Баҳоваддин Нақшбанд айтадиларки: "Қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Қалбнинг ҳолати ўзгаргач, аъзоларнинг амаллари ҳам ўзгаради. Яъни амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурга боғлиқ бўлиб қолади». «Тавҳид поғонасига тездагина етса бўлади, аммо маърифат поғонасига етиш қийин. Бир дарвешнинг оёғига тикан қадалса, уни қаердан эканини билмоқ керак" ("Баҳоуддин Балогардон» китобидан).

Мутасаввуфлар фикрига кўра, ҳақиқий кўнгул (қалб) бир парча қонли гўштдан иборат эмас. Қалб икки хил маънода қўлланади: 1. Инсон сийнасининг чап томондаги аъзоси. 2. Инсоннинг чап сийнасидан икки бармоқ пастда жойлашган руҳоний латифа бўлиб, раҳмоний файз ва нур нозил бўладиган, тажаллийга мазҳар жойдир.

Имом Ғаззолийнинг ёзишича: «Соғлом қалб фақатгина зикруллоҳ ва маърифатуллоҳдан завқ олади. Чунки маърифат соҳилсиз, тубсиз бир денгиз бўлиб, ҳикмат озуғидир». "Вақтики, солик риёзатни шартлари бирла бажо келтирса, унда маърифат ҳосил бўлади". «Қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Қалбнинг тутуми ўзгаргач, аъзоларнинг амаллари ҳам ўзгаради. Яъни амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурга боғлиқ бўлиб қолади". Шу боис яссавийликда маърифатни эгалламаган солик ишқ мартабасига юксала олмайди, дейилади.

Навоийнинг таъкидлашича, маърифат кўнгулда ҳосил бўлгач, соликда чин маънода басират пайдо бўлади. Шоир деярли барча асарларида кўнгил ҳақида ранг ба ранг талқинлар баён қилган. Жумладан, у "Маҳбуб ул-қулуб" асарида " Кўнгул маърифат боғидин ва ваҳдат раёҳинининг эсган насимидур ва руҳоният гулистонидин ошнолиқ гулларининг шамимидур. Ҳусн малоҳатин идрок қилғувчи ҳам кўнгул ва ишқ ўти ёлиниға ёқилғувчи ҳам кўнгул. Хўблар ҳусни тузиға кабоблиғ қилғувчи ҳам ул ва жамол латофати ганжиға хароблиғ қилғувчи ҳам ул". Аммо аввало маҳбубнинг жон ичидан "жилва" қилиши учун, кўнгулни "нақши мосиво"дан яъни Ҳақдан бошқа нарсалардан холи қилиш керак:

Десанг, Навоий, жон аро маҳбуб бўлғай жилвагар,
Аввал кўнгул кўзгусидин маҳв айла нақши мосиво.

XX асрнинг йирик нақшбандий шайхларидан Шайх Муҳйиддин Ургутий ҳам "Мактубот"идан жой олган бир мактубда: "Маърифат лаззати дилда бўлади. Маърифат лаззати ҳамма лаззатлардан яхшироқ ва хушроқдир. Маърифат самараси эса муҳаббатдир", дейди[1].

Маърифатни ирфон ҳам дейдилар. Ирфон – Аллоҳнинг бандаларига хос эҳсонидир..." Инсонда ирфон ҳосил бўлса, у илоҳий ҳақиқатларни англай бошлайди. Маърифат Ҳақни ҳаққи билан танишга ғайрат қилиш. Фақрлик ила ботинни софлаш, жону кўнгул билан Ҳаққа

[1] Шайх Муҳиддин Ургутий. Мактубот. Тошкент. "Мовароуннаҳр" нашриёти. 2006 йил, 73-бет.

ошиқ бўлиш. Ҳақни таниган бир ориф ҳолига келиш. Орифлик айнан маърифат ҳосил қилишдан бошланади.

Маърифат ҳар кимгаким қисм айлабон,
Даҳр аро ориф анго исм айлабон.

Орифнинг луғавий маъноси танувчи, билувчидир. Сўфийларнинг тушунчасида ориф ирфон соҳиби. Том маънодаги ҳақшунос. Баъзиларининг таъкидлашича, илм – ақлга, ирфон – туйғуларга асосланади. Ориф Аллоҳ томонидан бахш этилган ладуний илм воситасида унинг мавжудлигини идрок этади ва мавҳум борлиқдан кечиб, Тангри ёди билан умр ўтказади, Аллоҳ сифатларини, феълларини ва исмларини кашф ва мушоҳада йўли билан танийди. Орифи биллаҳ деганда маърифат ва ирфон эгаси, комил инсон, ҳикмат ва асрорга ошно, фано мартабасига эришган, валий тушунилади.

Навоий “Бадоеъ ул-васат” девонида орифнинг юксак ҳолидан хабар бериб шундай дейди:

Маърифат нахлидин ул ориф ҳамоно топти бар,
Ким тафаккур бирла фаҳми «мо арафнок» айлади.

Пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассалом шунча илм ва маърифат билан Аллоҳга дуо қилиб: **“Мо арафнока ҳаққа маърифатика”,** яъни Аллоҳим, биз Сени ҳаққи рост билан таний олмадик”, деб айтар эдилар. Шоир мазкур байтида маърифатни бир дарахтга, дарахт мевасидан баҳраманд бўлган кишини эса орифга қиёсламоқда. Ориф бўлгандан кейин эса у тафаккурга эга бўлади ва мушоҳада қилиб, Ҳақ маърифатининг сиррига етиб бўлмаслигини, Пайғамбар алайҳиссалом сўзларининг ҳикматини фаҳмлай бошлайди.

Фақр кўйида мусаллам тут, не қилсанг истимоъ,
Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс.

Яъни орифлик, бу – ўзида ҳосил бўлган маърифатни пинҳон тутиш, уни бировга ошкор этмаслик, фақрлик мақомида қолиб, сирни асрашдир. Агар Ҳақ асрорларини ошкор этса, у ҳақиқий ориф эмас. Чунки тасаввуфда каромотфурушлик ва манманлик ҳамиша қораланган. Навоий шунинг учун ҳам ориф ҳолидан баҳс этганда “қуёш акси” дарёга тушса, унинг “сувин тошурмоғи” мумкин бўлмаганидек, орифга ҳам “ганжи файз” етганда “дам урмай” уни ошкор қилмайди, дейди.

Орифликнинг яна бир нишонаси хотир саҳифасида фақат ёр сўзи, ёр хаёли ўрин олиши, ваҳдат софлигига турли хавотир ва шубҳаларни қўшмаслиги лозим.

Сафҳайи хотирда эй ориф, керактур ёру бас,
Софийи ваҳдатқа ҳошоки, хавотир қотма кўп.

Маърифатга эришган, тириклик ва ўлим моҳиятидан хабардор бўлган инсон ўлимни Аллоҳнинг тақдири деб билади, табиий қарши олади, фожиа сифатида қабул қилмайди.

Аксинча, энг оғир фожиа, жаҳолатда қолиб ўлиш, қалби юмуқ ҳолда дунёдан кетишдир. Навоий шунга ишора қилиб дейди:

Эй Навоий, жаҳл ила ўлмак қатиқ ишдур, вале
Чун камоли маърифат касб ўлди, не нуқсон ўлум.

Навоий Пайғамбар алайҳиссалом ҳақида ғазал ёзиш, у Зотнинг сифатларини мадҳ этиш осон эмаслигини таъкидлар экан, бу борада маддоҳлик ва билағонлик қилишдан эҳтиёт бўлишга чақиради. Чунки Қуръонда Аллоҳнинг ўзи мақтаган Зотни васф этиш ҳам осон эмас.

Сен киму наътин демак, тил асрағил кўп нуктадин,
Эй Навоий, маърифатни қилма ҳар не бор харж.

Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да ҳам бир қатор шайх ва авлиёларнинг орифлар ҳақидаги фикрларини келтириб ўтади. Жумладан, Шайх Яҳё бин Муъоз Розий: "Зоҳидлар дунё ғурабоси(ғариблари)дурлар ва орифлар – охират ғурабоси", – деса Шайх Абу Саид Харроз ҳазратлари: **"Орифларнинг риёси муридларнинг ихлосидан яхшидир"**, – дейди. Шайх Тоҳир Мақдисийга кўра: **"Агар орифнинг нурин (одамлар) кўрсалар, куйгайлар ва агар ориф ҳам (Аллоҳнинг) вужуд нурин кўрса, куйгай".** Шайх Ғайлон Самарқандий: **"Ориф Тенгридан Тенгриға боқар ва олим далилдин (Тенгрига боқар)". Шайх Абдуллоҳ бин Муҳаммад Харрозга кўра эса: "Очлик – зоҳидлар таоми, зикр – орифлар таоми»**дир.

Ҳадиси шарифда: "Кимки ўзини яхши таниса, Парвардигорини ҳам, албатта, таниб олади", дейилган. Яъни Имом Ғаззолий (1058– 1111) айтганидек:"Ҳақ субҳонаҳу ва таолони танимоқликнинг калити ўз нафсини танимоқдур"[1]. Инсон ўзининг тузилиши, жисми, шакли ва руҳи ҳақида тафаккур қилиб, бу дунёга келишидан мақсадини яхши англаса, Аллоҳнинг ҳикмати ва унинг комил зот эканини ҳам чуқур англай бошлайди ва мақсад сари интилади. Шоир "Лисон ут-тайр" асарида мазкур ҳадиснинг энг гўзал шарҳ ва талқинларини баён қилган. Навоий маърифат тушунчасини мажозий-тамсилий тарзда "Лисон ут-тайр" достонида теранроқ англатади. Унингча, ишқ водийсидан сўнг келадиган маърифат водийсининг ўзига хос хусусиятлари бор. Сулук йўлидаги ҳар бир солик бу водийга қадам қўяр экан ўз истеъдоди ва ҳаракатига кўра"ҳолларни мухталиф" топиб маърифат ҳосил қилади. Бу йўлда Мусою Фиръавн ҳам, Маҳдию Дажжол ҳам, шоҳу гадо ҳам ўз ҳадафини кўзлаб йўлга тушади. Бу йўлда тараққий ҳам, таназзул ҳам куфр ҳам иймон ҳам мавжуд.

Юз туман раҳрав кўрарсен беқарор,
Ҳар бири бир йўлни айлаб ихтиёр.

Ҳаққа элтувчи йўлларнинг кўплигидан ажабланмаслик керак. Чунки шоирнинг уқдиришича, "Набийи роҳбар, Ҳақ сари сафар" қилувчиларнинг йўллари махлуқотнинг нафаслари ададича" деб айтган. Аммо ҳар қайси йўлчи ўз йўли билан фахрланади, ўзиникини ҳақ деб билади. Ҳосил қилган билим ва тажрибаси ҳар бирининг маърифатидан дарак беради. Маърифатдаги тафовут ҳам ана шунда:

[1] Қаранг: Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимиёи саодат. Тошкент. Адолат. 2005.29-31-б.

Бўлди ўз ирфони ҳар кимга сифат,
Кўп тафовут қилди пайдо маърифат.

Ҳар киши ўз таврида истаб камол,
Қилди водий тай қилурға иштиғол.

Бу водийда сулуклар ва истаклар турлича, кимдир манзилга етган, кимдир йўлда қолган**:**

Кимни айлаб маърифатқа муттасиф,
Айлабон ул хайл ҳолин мухталиф.

* * *

Ҳар киши сайрин камолича қилиб,
Қурбин онинг ҳасби ҳолича қилиб.

Аммо буларга қарамасдан “маърифат хуршиди” порлаб чиққанда ҳар ким ўз насибасига эга бўлади, чунки покиза “нур” зоҳир бўлгандан кейин ҳар кимнинг камолга етишига сабаб бўлади.

Навоий ўз фикрларини тасдиғи сифатида “кўрлар ва фил” билан боғлиқ тамсилий ҳикояни келтиради. Унда баён қилинишича, бир киши бир неча кўрлардан: “Филларни кўрганмисизлар?”, деб сўрайди. Улар “Ҳа” деб кўрган-билганларини айтишади. Бири филга қўл теккизиб, “Устун”га, бошқаси қорнига қўл узатиб “Устунсиз” нарсага, хартумини силаган “аждарҳо”га, тишларини ушлаган “икки суякка”га, қулоғини силаган “икки ҳаракатланиб турган елпиғич” ва ҳоказоларга ўхшатишади. Улар филни кўрмаганликлари учун ўз билим ва тажрибаларидан келиб чиқиб, улкан ҳайвонни хилма-хил сифатлайдилар. Кўрларнинг сўзини эшитиб турган бир моҳир филбон уларни гапдан тўсмай, ҳамаси чин гапираётгани, сифатлар бир ерга жамланганда фил ҳақида маърифат ҳосил бўлишини айтади:

Лек жамъ ўлғонда бу барча сифат,
Пилға ҳосилдур ул дам маърифат.

Демак, хулосалардан хулоса чиқариш, воқеа ва ҳолатларга басират ва фаросат кўзи билан нигоҳ ташлаш ҳам маърифат нишоналаридан экан.

Навоий сулукларнинг кўплиги ва фарқлилигини таъкидлаб, уларнинг кўпи “қуйқа”, соф, тозаси эса оз дейди. Мана шу оз қисми ҳазрат Пайғамбар шариатига мувофиқ бўлган тўғри ва покиза йўллардир:

Чун сулук ичра кўп эрди ихтилоф,
Кўпраги дурд эрди, лекин ози соф.

Ким равишда софи эрди машраби,
Бор эди ул тобеъи шаръи наби».

Нақшбандия тариқатига мансуб Навоийнинг ўзи ҳам маърифат аҳлидан бўлишни хоҳлайди. Шеър ниҳоясида соликлар етадиган маърифат мазилларини босиб ўтишни ва Ўзининг "висол"ига етишни Тангридан илтижо қилиб ўрайди:

Маърифатда, ё Раб, ул йўлким анго,
Соликеким кирса еткургай санго.

Фонийи овворани ул йўлға сол,
Қатъ қилғоч йўл, насиб эткил висол.

Кўриб ўтганимиздек Навоий ижодида "маърифат" тушунчасининг ранг-баранг талқинлари кўзга ташланади. Уларни тўғри англаш шоир ижодининг тасаввуфий моҳиятини яқиндан идрок этишда ёрдам беради.

ИЙМОН

Иймон (ар. – ишонч, эътиқод) ислом динида Аллоҳга, унинг фаришталари, китоблари, Пайғамбарлари, қиёмат куни, тақдир ва ўлгандан кейин тирилишга ишониш. Иймон келтирган одам мусулмон дейилади. Иймон бир сўз билан айтганда, Аллоҳ таолодан келган Ҳақ динга ишонишдир. Қуръон ва ҳадисларда иймон билан боғлиқ кўплаб кўрсатмалар, тавсиялар ва талаблар бор. "Иймон"нинг маъноси тасдиқ этмоқ, ишонмоқ. Яъни Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Аллоҳ тарафидан етказган барча ҳукмларини дил билан тасдиқлаб, тил билан иқрор қилишдир. Киши Аллоҳнинг бирлиги ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақ Пайғамбар эканига иқрор бўлиш билан иймонини изҳор этади. Исломий нуқтайи назардан Иймон учга бўлинади:

1. Таҳқиқий иймон – шак-шубҳадан холи бўлган иймон.

2. Истидлолий иймон – далилларга асосланган иймон.

3. Тақлидий иймон – ота- она иймонига тақлид қилинган иймон.

Иймон ифода жиҳатидан иккига бўлинади:

1.Муфассал иймон. Яъни "Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига, қиёмат кунига, тақдирга – яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан бўлишига ва ўлгандан кейин қайта тирилишга иймон келтирдим", демоқликдир;

2. Ижмолий (мухтасар, қисқа) **иймон.** "Аллоҳга унинг исмлари ва сифатларига иймон келтирдим ва Унинг барча ҳукмларини қабул қилдим", деб айишдир.

Иймоннинг талаблари, яъни ақидалар исломнинг диний дунёқараш асосларини ташкил этади. Исломда иймоннинг рукни ва шарти бор. Иймон келтириш лозим бўлган нарсаларни қалб билан тасдиқлаб қабул қилиш ва тил билан иқрор қилиш иймоннинг рукнидир. Буни "аркон ал-иймон" (ишонч, эътиқод асослари) дейилади. Қалб билан тасдиқлаб қабул қилиш лозим бўлган нарсалар эса иймоннинг шартларидир. Иймон масаласи қалбга тааллуқли бўлгани учун улар ақида масалалари ҳам деб аталади. Эътиқодни тўғрилаш, соф ақида таълимотига амал қилиш мусулмон учун ўта муҳимдир.

Балки қабул бўлар нуқсонли амал,
Бироқ бўлмасин ақидангда халал.

Иймон асосларига, у ақлимизга хоҳ сиғсин, хоҳ сиғмасин, барибир уларга, шак-шубҳасиз, эътиқод қилиш талаб қилинади. Дин ва ҳуқуқ илк ислом даврида ажратилмагани туфайли иймон муаммоси илоҳиётчиларни, каломчиларни ва фиққшуносларни ҳам ўзига жалб этган. Иймон тушунчаси исломда муҳим ва баҳсли масалалардан бири ҳисобланиб, уни 8-аср бошидан турли илоҳиёт ва диний-ҳуқуқий мактаб вакиллари ҳар хил талқин қилганлар. Иймон сўзи бугунги кунда ишонч, садоқат, виждонлилик, ҳалоллик, софлик, Ватанни севиш маъноларида ҳам қўлланади.

Иймон билан боғлиқ фикру қарашлар Навоийнинг деярли барча асарларида у ёки бу даражада кўзга ташланади. Айниқса, “Ҳайрат ул-аброр”, “Арбаин”, “Сирож ул-муслимин”, “Маҳбуб ул-қулуб”каби асарларида яққол намоён бўлади.

Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг биринчи мақолоти бўлган “Иймон шарҳидаким, «Ал-иймону ан туъмину биллаҳи ва малоикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи ва бил-явмил-охири ва бил-қадари хайриҳи ва шарриҳи» манзумасини қуйидаги мисралар билан бошлайди:

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки нишони анга иймон эрур.

Демак, кимки бу жаҳонда инсон бўлиб келган экан унинг белгиси – нишони иймондир. Пайғамбар алайҳиссалом айтган эканлар, сабр, шукр ва ҳаё иймоннинг лозим нарсаларидан кимки иймон билан зийнатланган бўлса, уни инсон деса бўлади. Навоий “Аллоҳ каломи”да хабар берилганидек, инсонларни яхши-ёмонга ажралишини, яхшилар иймон билан шарафланишини эслатиб ўтади. Сўнгра иймон олти қисмдан иборат. Ким бу олти тўсиққа эга бўлса, улар ҳар бир кишини олти жиҳатдан ҳимоя қиладилар, дейди ва Аллоҳнинг бирлиги, фаришталар, самовий китоблар, Пайғамбарлар, қиёмат куни ва тақдир тушунчаларини шарҳлаб, уларга иймон келтириш зарурлигини уқтириб ўтади.

Навоий “Сирож ул-муслимин” асарида эса иймон масаласига янада очиқроқ ва батафсилроқ тўхталиб ўтган.

Навоий иймон масаласини ёритар экан, иймон қоидалари, иймон келтириладиган нарсалар, Аллоҳнинг саккиз сифати, бундан ташқари, ақидага дахлдор ва мусулмон одам ҳақ деб билиши керак бўлган: қабр азоби, қабрда Мункар-Накир деган икки фариштанинг савол бериши, Сирот кўприги, амаллар тортиладиган тарози, дўзах, жаннат, ҳазрат Пайғамбаримизнинг шафоатлари, Пайғамбарлар мўъжизаси, авлиёлар каромати, ҳақида маълумот бериб ўтади. Инсонлардан амру наҳий – шариатнинг буйруқ ва қайтариқлари соқит бўлмаслиги, коҳин ва фолбинларни тасдиқлаб, Аллоҳдан ноумид ва хотиржам бўлиш ҳам куфр экани шоир томонидан асослаб берилади. Навоий иймонни шарҳлаш билан бирга асарларида мўминга хос сифатларни, одоб-ахлоқларни ҳам кўрсатиб ўтади. У “Арбаъин”да “Мўъмин киши ўзига раво кўрган яхшиликларни то қардошига ҳам раво кўрмас экан, у ҳақиқий мўмин бўлолмайди”, деган ҳадисни таржима қилиб келтирган:

Мўъмин эрмастур, улки иймондин
Рўзгорида юз сафо кўргай,
Токи қардошиға раво кўрмас –
Ҳар неким ўзига раво кўргай.

Шунингдек, шоир мазкур асарида мўминларни саховатга, меҳр-оқибатга ундайдиган: “Мўмин киши қўшниси оч бўла туриб, тўймайди (тўқ бўлолмайди)” ҳадисига ҳам муносабат билдирган:

Кимки мўъминдурур қачон чидағай,
Ким ўзи тўқу қўшни бўлғай оч.
Анга доғи керак етурса насиб,
Хонида гар кулочу хоҳи умоч.

Навоий “Назм ул-жавоҳир” асарида ҳазрат Алининг мўмин сифатларига хос бўлган бир қатор ҳикматли сўзларини келтирар экан, “Кишининг иймони аҳдига вафо қилишидан билинади”, ҳикматини ўзбекчага шундай ўгирган:

Иймони анингки куфриға сотир эрур,
Чин нукта демакка ул киши қодир эрур,
Ҳар кимсаки иймон ишида моҳир эрур,
Иймонини билки, отидин зоҳир эрур.

Ислом олимлари Иймон гоҳида ислом маъносида, мўмин эса муслим (мусулмон) маъносида келишини таъкидлаганлар. Юқоридаги мўминнинг сифатлари мусулмонга ҳам хос бўлган сифатлардир. Навоий “Насойим ул-муҳаббат” муқаддимасида ҳазрат Пайғамбаримиз ҳақида: **“У зот туфайли замон аҳлига иймон шарофати етишди”**, – дейди. Бу ўринда “иймон шарофати” кенгроқ маънода исломнинг тарқалиши, мусулмончиликнинг ёйилишига далолат қилади.

Шарқ машойихлари эса ҳикматларида иймон тушунчасини турлича талқин қилганлар. Иймон кўпайиб, камаядими, деган саволга баъзи мусулмон олимлари иймон кўпайиб, камаймайди, балки унинг нури зиёда ё кам бўлади, деб жавоб беришган. Бу далилга мисол Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида Шайх Абулҳусайн Борусийнинг **«Суннатга эргашмай, бидъатлардан қочмай туриб, бирон кишида иймон нури зоҳир бўлмайди. Қаерда нурсиз-зоҳирий ҳаракатларни кўрсанг, билгинки, у ерда махфий бидъат бордир»** ҳамда Шайх Руваймнинг: **«Кимки, сўфийлар билан бирга ўтириб, уларнинг ҳақ деб билган нарсасига қарши чиқса, Аллоҳу таоло унинг қалбидан иймон нурини тортиб олади»**, деган ҳикматли сўзларидир. Иймон Муҳаббат маъносида ҳам келган. Абдулла Ансорийнинг айтишича, Мансур Ҳаллож «Айн ул-жам» китобининг охирида ёзибдики: “Кимники, бизни сўзларимизга иймони бор ва ундан лаззат олган бўлса, унга мендан салом айтинг”. Хожа Али Ромитаний ҳазратларидан “Иймон нима?” деб сўраганларида, қўнгармоқ (қўпормоқ) ва овламоқ” деб жавоб берганлар. Хожа Баҳоуддин Нақшбандга кўра, ҳақиқат аҳли иймонни шундай таърифлаган: **«Иймон – қалбни Аллоҳдан бошқа ўзига ром этувчи фойдали ва фойдасиз нарсалардан узиб, Ҳаққа боғлашдир»**.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Мавлоно Муҳаммад Табодгонийдан “Иймон икки бўлакдан иборат, ярми сабр, ярми шукр”, деган ҳадис эшитганини хотирлатиб ўтган.

Мусулмон одам учун иймон бу дунё учун ҳам охират ҳаёти учун ҳам муҳимдир. “Иймон билан ўлмоқ”, “Иймон билан кетмоқ” “Иймон билан жон бермоқ”, “Ҳусни хотима” (яхши ўлим топмоқ) каби иборалар исломий китобларда учрайди. Навоий “Бадоеъ ул-васат” девонидаги бир ғазалида ўлим билан боғлиқ ҳолатларни тасвирлаб, Яратувчидан сўнгги нафасда иймон билан жон беришни сўрайди:

Нақди жон чиққанда иймон гавҳарин кўнглумга сол,
Айлагил жондин жудо, лек этма иймондин жудо.

Байтдаги “Иймон гавҳари” ибораси, кишининг инонч, ишончининг хулосасидир. Шоирнинг иймон билан жон бериш истаги, охирги нафасда Шайтон шарридан омон қолиб, шаҳодат калималарини айтиш ва шу эътиқод билан ўлишдир. “Мусулмон бўлиш муҳим эмас, мусулмон ўлиш муҳим”, деган ҳикматнинг амалий кўринишидир.

Навоийнинг ишқий ғазалларида иймон сўзи ошиқнинг турли ҳолат ва кайфиятларини ифодалаб келган. Ғазаллардан бирида шоир айтадики, зуннор ипларининг орасида тасбиҳ торларининг бўлиши мақбул бўлмаганидек, ишқ йўлида кофир бўлган, (Ҳақдан бошқасини инкор этган) ва жонини қурбон қилган ошиқнинг иймон сўзини айтишга ҳожат йўқ.

Кофири ишқ ўлған авло демаса иймон сўзин,
Хўб эмас тасбиҳ тори риштайи зуннор аро.

Шоир бир ўринда тажоҳули ориф, ташбиҳ санъати воситасида ёр зулфининг ўримини сифатлайди. “Гоҳида ёр зулфининг каманди (ўрими) очилиб қолса, иймоним учиб кетади. Ажабо, бу арғамчими ё зуннор торларими?!” “Зулф” тасаввуфий маънода илоҳий сир-асрор, жалолий сифат ва жамолий тажаллининг ошкор бўлишидир.

Каманди зулфи гаҳ очилғач, учти иймоним,
Расанму, риштаи зуннорму экин, оё?

Навоий иймон калимасини моҳирлик билан турли маъно ва ҳолатларни ифодалашда, диний ва тасаввуфий мазмунлар яратишда муваффақиятларга эришган.

АҚИДА[1]

Навоий асарларида эътиқодий масалаларни ғоят нозиклик, далиллар ва қиёслар билан билан баён этди. Эътиқодий мавзуларни қаламга олганида, аввало, илмга таянди. Соғлом эътиқод асосларини бирма-бир тушунтириб, жамиятдаги таъсирига эътибор қаратди.

Маълумки, ақида аниқ ишонилган нарса, иймон ва унинг тушуниш шаклидир. У ибодатни эмас, иймонни, яъни амални эмас, балки иймонни асос қилиб олган исломий тушунча ва ҳукмлар мажмуасидир. Қисқа қилиб айтганда, ақоид Қуръон ва суннат доирасида Ислом динининг иймон асосларидан сўз юритадиган таълимотдир, шаръий эътиқодий ҳукмлардир.

Кейинги асрларда ислом уламолари исломий билимларни асосан уч қисмга бўлиб ўрганганлар. Жумладан:

1. Эътиқодий ҳукмлар;

2. Амалий ҳукмлар;

3. Ахлоқий ҳукмлар.

Умуман олганда, ислом дини, Ислом маданияти асосида мукаммал, яхлит, бир бутун таълимот ётади. Лекин юқоридаги таснифдан ҳам эътиқодий ҳукмларнинг бирламчи ва зарурлиги англашилиб турибди.

Соғлом эътиқод нафақат шахс, балки жамият ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутади. Жамиятдаги шахсларнинг эътиқоди тоза ва қарашлари соф бўлса, ўша жамиятда тинчлик-тотувлик ва диний қардошлик мустаҳкам бўлади. Аксинча, бузуқ эътиқодли кишилар жамиятда ҳамиша жанжал-тўполонга сабаб бўлиб келганлар. Тарихдан ҳам маълумки, миссионерлар, ислом душманлари, аввало, мусулмонларнинг эътиқодларига путур етказиб, сўнгра мақсадларига эришганлар…

Навоий Ҳанафий мазҳаби, Нақшбандия тариқати ва Имом Мотрудий эътиқодига мансуб эди. Шу боис асарларида Имом Мотрудийнинг эътиқодий қарашларини тарғиб қилди. Бу таълимотнинг боши Аллоҳнинг якка-ягоналигига, унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига, қиёмат кунига, яхшилик ва ёмонлик Аллоҳдан эканлигига, ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишонишдир. Бундан ташқари мусулмон одам дўзах, жаннат, қабр азоби, охиратдаги ҳисоб-китоб, тавҳид ва ширк масалаларида ҳам тўғри эътиқодда бўлиши лозим. Ақида иймон масаласи билан боғлиқ бўлгани учун улар ўртасида муштарак қарашлар мавжуд. Ислом ақидаларининг асослари Қуръон ва ҳадисларнинг кўрсатмалари негизида ишлаб чиқилиб, тартибга солинган. Исломда таъкидланишича, кишининг ақидаси соғлом, аҳли сунна вал-жамоа эътиқодига мувофиқ бўлса, икки дунёда саодатга эришади. Аксинча, эътиқоди бузуқ, аҳли сунна вал жамоага зид бўлса, унинг қилаётган яхши амаллари ботил, оқибати эса ёмон бўлади. Машҳур шайх ва шоир Сўфи Аллоҳёрнинг бу ҳақдаги ибратли сўзи бор:

Ақида билмаган шайтона элдур,
Агар минг йил ибодат қилса, елдур...

[1] [1] Ислом энциклопедияси. Тошкент. 2017. 77-б..

Биринчи Пайғамбар Одам атодан тортиб, ҳозирги кунимизга қадар Пайғамбарларнинг шариатлари ўзгариб келган бўлса-да, ақида масаласи ўзгармас бўлиб келган. Бу масала ўта муҳим бўлгани учун ҳам Одам атодан бошлаб, Муҳаммад (с.а.в.) гача эътиқодий ҳукмларни Аллоҳ таолонинг ўзи баён қилиб, кўрсатиб берган.

Навоий ҳаётига назар солсангиз, у ўз эътиқодига собит қолган ва одамларга ҳар жиҳатдан намуна бўлган мутафаккир ижодкордир. Навоий ўз даврида асарлари орқали Мовароуннаҳр ва Хуросонда эътиқодда софлик, амалда собитлик, ахлоқда мукаммалликни тарғиб қилди.

Навоий ақида қарашларини “Сирож ул-муслимин” ва “Ҳайрат ул-аброр” достонларида батафсил ёритди. “Сирож ул-муслимин”да шариат ҳукмларини иккига: ақида (Иймон), амал (Ислом) рукнларига бўлади ва амалдан олдин ақида масаласи зарур бўлгани учун уни баён қилади:

Амалдин чун бурун келди ақойид,
Бас, андин еткурай аввал фавойид.

Навоий эътиқодга тегишли бўлган: Аллоҳга ва унинг сифатларига, фаришталарга, илоҳий китобларга, Пайғамбарларга, қиёмат қойим бўлишига, тақдирга иймон келтириш лозимлигини уқтиради. У ақиданинг бирламчи унсурларини баён қилгач, мусулмон киши эътиқод қилиши лозим бўлган бошқа бир қатор ақида масалаларига ҳам тўхталади: улар: азоби қабр, икки фаришtанинг савол-жавоб қилиши, Аллоҳ дийдорининг кўриш эҳтимоли, Сирот кўприги, жаннат ва дўзах мавжудлиги, Пайғамбарларнинг шафоати, Муҳаммад алайҳиссаломнинг барчадан улуғлиги, мўъжиза ва каромотнинг ҳақлиги, амру наҳийнинг соқит бўлмаслиги ва коҳинларнинг гапларига ишониш куфр экани ҳақидаги масалалар бўлиб, Навоий уларни бир-бир келтиради ва ҳақ деб тасдиқлаш кераклигини айтади:

Яна билким, ақоид ичра мутлақ,
Неча иш келди билмак керак ҳақ.

Азоби қабр эрур куфр аҳли хосий,
Яна дин аҳлидин баъзи бўлса осий.

Яна икки малакнингдур саволи,
Яна ҳам руъятуллоҳ эҳтимоли.

Яна Ҳақ бир сироту, яна мезон,
Яна дўзах, яна фирдавси ризвон.

Шафоат анбиёдин ҳам эрур ҳақ,
Муҳаммад барчанинг сархайли мутлақ.

Яна Ҳақ келди эъжоз анбиёға,
Анингдекким, каромат авлиёға.

Яна билгил ақоид ичра маҳсуб
Ки, бўлмас элдин амру наҳй маслуб.

Яна куфр англағил тасдиқи коҳин,
Нечукким, Тенгридин маъюсу эмин.

Шунингдек, Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонининг биринчи мақолотида ҳам иймон сўзини шарҳлар экан, ақидага боғлиқ бўлган олти нарсага: Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига, қиёмат кунига ва яхшилик ва ёмонлик (тақдир) Аллоҳдан эканига ишониш ва иймон келтириш лозимлиги ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталади. Навоийнинг уқтиришича, кимки шу олти нарсага иймон келтирса, у ҳақиқий инсондир. Аммо фақат тилда эмас, амалда, ихлосда иймон шартларини намоён қилиш керак. Инсоннинг абадий нажот топишига сабаб бўладиган иймон калималарини такрорлаб юришнинг ўзи кифоя эмас, уни соғ-саломат охиратга, Тангри ҳузурига олиб кетиш муҳим. Аммо бу бахт кимга насиб қилиши маълум эмас. "Токи ким ўзининг бахтсиз ёки бахтли эканини билгунга қадар, – дейди Навоий, – одамларни бундай хавф ҳам умид ҳам куйдиргани куйдирган. Нажот топиш барчанинг нияти бўлиб, лекин унга эришиш иродага боғлиқ".

Мазҳаблар ўртасидаги фарқ амалда бўлиш билан бирга эътиқодда ҳам кўзга ташланади. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да Саййид Носир Хусрав ҳақида "...аммо бу тоифанинг анинг мазҳабида таънлари бор ва бу таън гўё "Рўшнойинома"сида мазкур бўлғон абъёти жиҳатидиндурки, ҳукм мазҳаби равишида воқеъ бўлубдур ва мазори Кўҳистондадур", деб хабар берар экан, Носир Хисравнинг, асосан, ақидавий қарашларидаги фарқларни назарда тутган.

Навоий асарларида эътиқод тушунчаси фақат диний мазмун касб этмасдан, ҳурмат, ихлос, ишонч каби маъноларда ҳам қўлланади. "Насойим ул-муҳаббат" асарида бунга мисоллар бор. "Ва бу тоифаға (сўфийларга) эътиқодим бор эрди". "... ул вилоят аҳли анга (Шайх Мавдуд Чиштийга) эътиқод ва иродат ва муҳаббат мақомида эрди", "..ва баъзининг анга (Шайх Шиҳобиддин Суҳравардий мақтулга) каромоту мақомотқа эътиқодлари бор эрди". Ушбу жумлада эса ақида ўз маъносида қўлланган. "Ва дебдурки, (Абу Мансур Муҳаммад Ансорий) мен етмиш йилдин ортиқ илм ўргандим ва битидим ва ранж торттим эътиқодда".

АЛЛОҲ (жалла жалолуҳу)

Муборак ҳадисларнинг бирида **"Аввал ул-илми маърифатуллоҳи"**, яъни "Илмнинг боши, аввали Аллоҳни танишдир", дейилади. Навоий шу ҳадисга амал қилиб, диннинг забардаст олими сифатида баъзи асарларида, ҳамд ва муножотларида Аллоҳнинг қандай зотлиги, унинг сифат ва афъоллари ҳақида тўхталади. Зотан, бу иймоннинг биринчи шарти ва эътиқоднинг асосий масалаларидан биридир. Шоир эътирофича Аллоҳ (Аллоҳ) – ислом динида бутун коинотни, ундаги энг кичик заррадан тортиб, энг улкан мавжудотгача яратган ягона ва боқий Зот.

Аллоҳ лафзи «алаҳа» феълидан олинган ва «илоҳ» масдарига мансуб бўлиб, маъбуд – ибодат қилинган зот маъносини англатади. Арабларда «илоҳ»нинг аввалига аниқлик артикли бўлган "алиф" ва "лом" ҳарфлари киритилган ва «ал-илоҳу» ҳосил бўлган.

Сўнгра ҳамзанинг ҳаракати олдинги лом ҳарфига ўтказилган ва икки “лом”ҳарфи ёнма-ён келгандан кейин улар идғом қилиниб, яъни қўшилиб «Аллоҳ» лафзи ҳосил бўлган. Баъзи олимлар «Аллоҳ» лафзи яккаю ягона Маъбуди барҳақнинг ўзига хос исмдир, у бошқа бирор сўздан олинмаган дейишган. Бу исм У Зотдан бошқага ишлатилмайди. Асмои ҳуснодаги барча исмлар Аллоҳнинг сифатларига далолат қилади, аммо биргина Аллоҳ лафзи унинг Ўз Зотига далолат қилади. Аллоҳнинг барча исмлари ана шу Аллоҳ калимасида жамлангандир. Баъзи уламолар, Аллоҳ исми аъзамдир, деганлар. Бу лафзи жалола ҳақида айрим олимлар алоҳида китоб ёзган.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда, шунингдек, ақидага оид китобларда Аллоҳнинг зоти, исм ва сифатлари ҳақида батафсил баён қилинган. Қуръонда Аллоҳнинг 99 исми келган ва улар “асмои ҳусно” (гўзал исмлар”) деб аталади ва ҳар бир исм Аллоҳнинг ўзига хос сифати, куч-қудрати, ягоналиги, хоҳлаганини қилувчи, азалий ва абадий экани, туғилмаган ва туғдирмаган, ҳеч нарсага муҳтож эмаслиги, ҳаммани ризқлантирувчи, беҳожат, шериги йўқ, тенгсиз, қазою қадарни белгиловчи ҳаммани дунёга келтирувчи, яшатувчи, ўлдириб, тирилтиргувчи, жаннат ва дўзахга солувчи ва бошқа бир қатор сифатларга соҳиб мангу барҳаёт Зот эканига далолат қилади.

Аксар диний китобларимизда Аллоҳнинг саккизта субутий, иккита салбий сифатлари келтирилади. Субутий сифатлар: илм – Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билувчи; ҳаёт – Аллоҳ таоло абадий ва азалий тирик Зот; қудрат – Аллоҳ таоло ҳар нарсага қодир; самъ – Аллоҳ таоло эшитувчи; басар – Аллоҳ таоло кўрувчи; калом – Аллоҳ таоло гапирувчи; ирода – Аллоҳ таоло ҳар нарсани ўзи ихтиёр қилувчи; таквин – Аллоҳ таоло пайдо қилувчи. Салбий сифатлар: Аллоҳ таоло барча айбу нуқсонлардан покдир; Аллоҳ таолонинг шериги йўқдир.

Навоий “Сирож ул-муслимин” асарида Худованднинг “мисли ва монанди” йўқлиги, “буду нобуд”ни яратган ягона Тангри эканлигини айтиб, унинг юқорида келтирилган саккиз сифатини бир-бир баён қилади:

Яна секкиз сифатқа муътақид бўл,
Алардин ҳар бирига кўргузай йўл.

Ким ул секкиз эрур Ҳақнинг сифоти
Ки, боридин муназзаҳ қилди зоти.

Эрур ҳаййю алиму яна қодир,
Муриду ҳам самиъ ўлдиву нозир.

Такаллум васфиға даҳи мувофиқ,
Яна ибод афъолиға Холиқ.

Не бор анинг шарики, не вазири,
Не бор анинг саҳими, не назири.

Не жавҳар, не араздур, не маконда,
Не воқеъдур жиҳатда, не замонда.

Чу эрмас анга ҳеч ашё мушобиҳ,
Анинг шаъниндадур: "Лайсакамислиҳ".

Қадим ўлди каломи, дағи олам,
Эрур ҳодис дедим бу сўзни фафҳам.

Навоийнинг ҳамд ва муножотларида Аллоҳнинг улуғлиги ва сифатлари тилга олинади, шу билан бирга лирик қаҳрамоннинг тавба-тазаррулари, ёлворишлари, гуноҳларининг афв этилиши Ҳақдан сўралади. Инсон агарчи Пайғамбар бўлса ҳам, ҳар қанча ориф бўлса ҳам, Аллоҳнинг моҳиятига етолмайди. Навоий буни шундай ифодалаган:

Бўлуб зотингда ожиз ҳар сифат ичинда мавсуфе,
Анингдекким, қила олмай сифотинг шарҳини зоте.

Хирад зотингда ташбиҳ эткали ҳар фикрким айлаб,
Такаллум анда йўл топмай магар ҳайҳот-ҳайҳоте.

Ёки:

Кунҳи зотингдин хирад гар бўлса аъмо не ажаб,
Заррағa юз минг қуёш моҳиятин билмак не ҳад.

Одатда, мўмин-мусулмон киши Аллоҳга иймон келтиргандан кейин, аввало, У Зотни динимиз таълим берганидек таниши ва билиши керак. Шунингдек, бир ҳадиси шарифда Аллоҳни Зоти ҳақида эмас, яратиқлари ҳақида тафаккур қилишга буюрилган. Чунки инсон Аллоҳнинг Зотини тафаккур қилган билан уни тасаввур қилолмайди, аксинча, турли хаёллар, васвасалар билан адашиши ҳатто куфрга кетиши мумкин. Қуръонда Аллоҳ Ўзининг яратган нарсаларини кўриб тафаккур қилишга, ақл юритишга ва Ўзига иймон келтириб, буйруқ ва тақиқларига амал қилишга ундайди. Аллоҳни бу дунёда кўриб бўлмайди, охиратда жаннатга кирганлар кўра олади. Ҳужжат ул-ислом Имом Муҳаммад Ғаззолий(1058-1111) ёзадики: **"У кўзлар ила кўрса бўладиган Зотдир. Қиёмат кунида яхшиларга У тарафидан лутф ва неъматлар (жаннат) етади. Неъматларининг энг мукаммали карамли Парваридгорга назар солмоқ(жамолини кўрмоқ)дир!"**

Навоий асарларида Аллоҳ сўзининг муқобили сифатида арабча Раб, форсча Худо, Парвардигор, Кирдикор, Ҳақ, Эзид, Яздон, туркча Тенгри каби сўзларни қўллаган. Навоий "Хамса"достонларида, "Хазойин ул-маоний" девонида ва бошқа асарларининг ҳамд ва муножот қисмларида Аллоҳнинг зоти, феъллари ва сифатларини мукаммал бир дин олими ўлароқ шеърий тарзда бир-бир зикр қилиб ўтади. Улуғ шоир Аллоҳнинг ягоналиги, яратувчилиги ва қодирлиги каби сифатларини оддий баён қилмасдан, Унга бўлган комил иймон- эътиқодини, орзу ва армонларини, тавба ва тазарруларини самимий ва айни пайтда шоирона ҳис-ҳаяжон билан баён қилиб ўтади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Навоий асарларида Аллоҳ мадҳи, сифатлари икки хил восита, икки хил услуб билан ифода этилган:

1. Шаръий – эътиқодий китобларга мувофиқ Аллоҳ сифатларининг таъриф этилиши: Масалан, Аллоҳнинг 99 исму сифатларидан **ал-Аввал** (ҳар борлиқдан аввал бўлган, бор-

лиғининг аввали (бошланиши) бўлмаган Зот), **ал-Охир** (энг сўнг қолгувчи, борлиғининг охири бўлмаган, борлиғи доимий-абадий бўлган Зот), **ал-Холиқ** (ҳамма нарсани йўқдан бор қилувчи, яратувчи), **ал-Боқий** (абадий бўлган, борлиғининг охири бўлмаган Зот) каби сифатлари қуйидаги байтларда кўзга ташланади:

Эй санга мабдаъда абаддек азал,
Зоти қадиминг абадий ламъязал.

Не бўлуб аввалда бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга.

Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,
Борчаға холиқ, бориға айн ўзунг.

Навоий "Ҳайрат ул-аброр" учинчи муножотида дунё ва унда одамзотнинг энг мукаррам хилқат сифатида яратилганини таъкидлаб, бу фалакда ва бу оламда ҳар бир нарсанинг ҳисоб-китоб билан яратилгани, **Ал-мусаввир** (ҳар бир мавжудотни турли шаклларда яратувчи, ҳар бирига алоҳида шакл ва хусусият (тасвир ва зийнат) берувчи Зот), **ал-Борий** (ашёнинг ва ҳамма нарсанинг қисмларини-парчаларини ўхшашсиз, бир-бирига мувофиқ ва айбу нуқсонсиз бир кўринишда яратувчи Зот) каби исмларининг тажаллий этгани қуйидаги байтларда кўзга ташланади:

Қатрағача қулзуми заҳҳордин,
Заррағача шамсаи заркордин,

Они мунга, муни анга банд этиб,
Бир-бирига борчани пайванд этиб,

Воситалар бўлди аён тў-батў,
Бир-бирига боғланибон мў-бамў.

То тикилиб ушбу бийик боргоҳ,
Бўлди муҳайё бу улуғ коргоҳ.

Навоий иймоннинг биринчи шарти Аллоҳга иймон келтириш ҳақида тўхталар экан, шу ўринда ҳам таъкидлайдики, Аллоҳнинг Зоти, ҳар қандай айбу нуқсондан пок, ҳеч бир нарсага ўхшамаган, абадий ва азалийдир. Гарчи Аллоҳнинг Зоти кўзлардан пинҳон бўлса ҳам , дунёнинг ҳикмат билан яратилган ашёлари унинг исм ва сифатларини ошкор қилиб туради. Барчани бор қилувчи ҳам йўқ қилувчи ҳам унинг Ўзидир!

Борча жаҳон аҳлиға зоти ниҳон,
Мазҳари асмоу сифоти жаҳон.

Борчани ҳам, қилғучи нобуд ўзи.
Борча бориб, бўлғучи мавжуд ўзи.

2. Тасаввуфий тимсол ва мажозлар воситасида Аллоҳ ишқи ва сифатларининг мадҳ этилиши:

Аксар тасаввуфий руҳдаги ғазалларда Аллоҳнинг зот ва сифатлари, ишқ изтироблари, ошиқ ва маъшуқлик муносабатлари ёр, май, соқий, қадаҳ, маъшуқ, гул, булбул, зулф, хол, хат, лаъл, ҳусн, жамол каби сўфиёна тимсол ва мажозий тасвирлар воситасида таърифланади. Мажоз услуби воситасида ҳақиқат маънолари юзага чиқади. Ташқаридан қараганда бундай ғазаллар шариатга зиддек туюлиши мумкин. Аслида, бундай эмас. Маънони тўғри англаш учун фақат байтдаги тимсол, ташбиҳ ва истиораларнинг тасаввуфий, ботиний, мажозий маъноларда талқин қилиш керак. “Ғаройиб ус-сиғар”даги дастлабки байтлар фикримизга мисол бўлади:

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-ҳудо,
“Ёр аксин майда кўр” деб, жомдин чиқти садо.

Ғайр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,
Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.

Байтда иштирок этган ёр, соқий, май ва қадаҳ сўзлари тасаввуфий атама ўлароқ ўз маъносида эмас, мажозий мазмунда ёр – Аллоҳ, соқий – муршид, май – ишқ, қадаҳ – қалб, кўнгил, ишқ мазҳари каби маъноларни англатиб келмоқда. Мазкур байтларда ошиқ қалбида соф илоҳий ишқнинг тажаллий этиш шартлари, жараёнлари ва ҳолатлари ифода этилган. Ғазалнинг кейинги байтларида тасаввуфий тимсол ва маъноларнинг янада мураккаб ва уйғун шаклда давом этганини кўрамиз.

Навоийнинг ғазалларидан маълум бўладики, Аллоҳ дунёдаги барча гўзалликнинг ва ишқу муҳаббатнинг манбаидир. Бутун коинотнинг асосида илоҳий ишқу муҳаббат ётади. Ер ва осмонда Тангри яратган ҳар бир нарса борки, Унга интилиб яшайди, Унинг ишқи ва зикри билан ором олади. Ҳар бир зарра Уни зикр қилгани каби, ёмғирнинг ҳар бир томчиси Унга ҳамд айтади:

Заррот аро ҳар зарраки бор, зикринга зокир,
Амтор аро ҳар қатраки, бор, ҳамдинга гўё.

Унинг беқиёс ҳусни зуҳуридан, илоҳий жамолнинг тажаллий этишидан ҳар бир кишининг бошида бир савдо ва бу савдо натижасида икки дунё бозорида “юз ғавғо” юзага келади. Навоий: **“Мен (Аллоҳ) бир яширин хазина эдим, Ўзимни танитмоқ учун бутун махлуқотни яратдим”**, – деган ҳадиси қудсийга бир неча ўринда ишора қилади. Бу дунёни “мазоҳир”, яъни илоҳий қудрат ва гўзалликни ошкор қилувчи хос “кўзгу” лар макони сифатида таърифлайди:

Зиҳе зуҳури жамолинг қуёш кеби пайдо,
Юзунг қуёшиға зарроти кавн ўлуб шайдо.

Юзунг зиёсидин ар субҳ айни ичра баёз,
Сочинг қаросидин ар шом бошида савдо,

Зуҳури ҳуснунг учун айлабон мазоҳирни,
Бу кузгуларда ани жилвагар қилиб амдо.

Ҳақ жонли ва жонсиз ашёларга тажаллий этгани учун ҳам нарсалар ўртасида ишқ ва ошиқлик, меҳр ва муҳаббат ришталари пайдо бўлади. Коинотда ўзаро боғлиқ бўлган нарсалар борки, Аллоҳнинг ишқи, файзи ва нуридан баҳраманд ҳолда бир-бирига талпиниб яшайди. Шу ўринда ишқнинг қудрати ва жозибакорлиги англашилади:

Равшандурурки, меҳр юзунгдин олур сафо,
Йўқса, не важҳ ила қамар андин топар зиё.

Ғарқи муҳити ишқинг эди жон ила кўнгул,
Ул дамки руҳ эмас эди тан бирла ошно.

Гулда юзунг латофатидин ранге кўрмаса,
Булбулға не эди бу фиғон бирла, бу наво?

Навоий шеъриятида Аллоҳнинг зоту сифатлари, У билан олам ва одам ўртасидаги муносабатлар, айни пайтда бутун мавжудот орасидаги ўзаро мустаҳкам алоқалар – мажозий ва ҳақиқий ишқ воситасида ўз ифодасини топади. Китобхон бу мазмундаги ғазалларни услубан ва мазмунан фарқлаши, оят ва ҳадислар, тасаввуфий билим ва тимсоллар асосида англаши ва таҳлил қилиши керак бўлади.

Навоий Аллоҳнинг зоти баробарида унинг бир қатор сифатларини ҳам асарларида келтириб ўтади: масалан, Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг аввалги муножотида Аллоҳнинг **Аҳад (ал-Аҳад)**сифатини шарҳлар экан, ҳамма нарсадан олдин Унинг шериксиз, якка-ягона Зот бўлганини ҳам таъкидлайди:

Нозир ўзунг эрдинггу манзур ўзунг.
Ишқингга хуш, ҳуснунгга мағрур ўзунг.

* * *

Бирлик эдию ададдин йўқ эди,
Бирдин ўзга аҳаде йўқ эди.

Навоий “Фавойид ул-кибар” девонида Аллоҳнинг ягоналик сифатини янада очиқроқ ва аниқроқ ифодалаган. Асли бир бўлган Зотнинг касрат оламини яратгани ва ҳар ерда ҳар замон ҳозир бўлгани, шу боис “ҳақиқатбин” одам Аллоҳ ҳар нарсада тажаллий қилса ҳам, Уни ягона Зот деб билиш зарурлигини уқтиради.

Асли бир зот келиб чунки маротибға ўтуб,
Бениҳоят бўлуб ижоду сифот ичра ададин

Бирдурур асли адад, кимки ҳақиқатбиндур,
Гар адад юз туман ўлса, тузатур бирга санадин

Эй Навоий, десанг ихлос ила бу сирни тилай
"Қулҳуваллоҳу аҳад", сўнградур "Аллоҳус-самад".

Навоий Аҳад калимаси орқали Аллоҳнинг сифатидан ташқари сўз бирикмалари ясаб, турли мазмунда байтлар битган. Боғи Аҳад – Аллоҳнинг боғи(жаннат):

Ёки булар барчаси таъвил эрур,
Арши Муалло аро қандил эрур.

Балки, бу қандил аро айлаб аён,
Боғи Аҳад фохтаси ошён.

АВВАЛ

Навоий асарларида Аллоҳнинг исмларидан яна бири **Аввал (ал-Аввал)**га ҳам муносабат билдирилади. Бу исм Қуръонда бошқа исмлар билан бирга бир марта келади. Маъноси: биринчи, аввалги, бошланғичи бўлмаган, азалги, ҳамма нарсадан аввал, бошланиши чегарасиз, яъни унинг мавжудлигининг чегараси йўқ. Аллоҳ ҳамма нарсадан аввал бор бўлган, азалий Зот бўлиб, Ундан аввал бирон замон ўтган эмас. У ҳамма нарсадан аввалдир, яъни барча мавжудотлар йўқлигида Аллоҳ бор эди. Мавжудотларни ал-Аввал сифатига эга бўлган Аллоҳ яратган. Лекин Аллоҳнинг вужудга келишининг бошланиши йўқ, унинг Ўзи аввалдир. Ундан аввал борликда бирор нарса бўлмаган, У зоти ва шаъни ила барча нарсадан аввал келгани билан олийдир. Ал-аввал дегани бошқа ҳамма нарса унга бориб тақалади ёки натижага эришишдаги асосий бошланиш нуқта Удир. Яъни Аллоҳ таоло барча нарсанинг аввалги сабабчисидир.

Навоий "Ҳайрат ул-аброр"нинг "аввалги муножот"ида Аллоҳнинг "ал-Аввал" сифатини зикр қилиб, аввал ҳам, охир ҳам, ўрталиқ ҳам, барчанинг кўзи, кўз қорачиғи (асл ва моҳияти) ҳам Тангрининг ўзи эканлигини таъкидлайди:

Эй санга мабдаъда абаддек азал,
Зоти қадиминг абадий ламъязал.

Не бўлуб аввалда бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга.

Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,
Борчаға холиқ, бориға айн ўзунг.

Навоий кейинги сатрларида бутун борлиқда фақат Аллоҳнинг ўзигина бор бўлгани, ўз ишқи, ҳусни ва камолини намойиш қилиш учун ер ва осмондаги сон-саноқсиз ғаройиб нарсаларни кўзгу сифатида пайдо қилганини санъаткорона тасвирлайди. Яратиқларнинг бари, Ҳақ жамолининг кўзгуси, Унинг борлиги ва бирлигини ўзида акс эттирадиган ойналар бўлиб жилва қиларди.

Навоий ёзишича, Худо еру осмонни, ундаги барча нарсаларни яратар экан, бу яратиқлар ичида унинг учун энг қадрлиси, шарафлиси Бани башар бўлиб, Худонинг бутун борлиқни яратишдан бош мақсади ҳам инсон эди:

Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.

Шоир бунда инсонни яратилган нарсалар ичидаги энг комили, Аллоҳ-таолонинг яширин сирларини ҳам барча нозиклиги билан тушуниб етувчи бир маърифатли мавжудот тарзида таъриф ва тавсиф этган. Зотан, Қуръонда ҳам инсон “мукаррам” ва “аҳсани тақвим” (хушбичим, гўзал қад-қоматли) қилиб яратилгани айтилган. Навоий “ганж” (маърифат) хазинасининг маҳрами фақат инсон экани ва ўзининг ҳам ҳақиқий одам бўлиб, хос ҳарамнинг маҳрами бўлишини Аллоҳдан тилаб қолади:

Маърифатинг ким қила олмай сифат,
Қилдинг ани орифи ул маърифат.

Илмиға ҳар зотни хайл айладинг,
Зотиға оламни туфайл айладинг.

Ё Раб, ўшул ганжки маҳрам анга,
Кимса эмастур, магар одам анга,

Айла Навоийни бурун одамий,
Ким бўла олғай бу ҳарам маҳрами.

Ал-аввал, сўзи инсонларга нисбатан ишлатилганда бирор воқеанинг бошланиши, илк ҳолати, маълум бир замон, вақт, мақсадни билдиради. “...аввал кишиким, ноҳақ қон қилди (тўкди) Қобил эрди”, (“Тарихи анбиё ва ҳукамо”),” Бу мартаба (тавба) тариқат аҳлининг аввалғи гоми (қадами)дур ва мақсад водийсининг аввалги манзилиға хиромидур”. (“Маҳбуб ул-қулуб”)

АЗАЛ (ал-АЗАЛ)

Навоий Аллоҳнинг **Азал** сифатига тўхталар экан, дунёдаги нарсаларнинг, хусусан, инсонннинг яралишдан мақсад ва моҳиятини ҳам баён қилиб ўтади. У **Азал (ал-Аазал)** (араб. бошланиши, ибтидоси бўлмаган, ибтидоси номаълум. Абаднинг зидди, муқобили) сифатига ҳам тўхталган.

Азал ва Абад сўзлари айри маъноларга эга бўлса-да, Навоий асарларида ёнма-ён келади. Азал қадимдаги интиҳосизлик бўлса, Абад келажакдаги интиҳосизлик. Азал ибтидонинг йўқлиги бўлса, абад интиҳонинг йўқлигидир.

Навоий асарларида бу сўз, асосан, Аллоҳнинг азалий зот экани, аввалининг ибтидоси йўқлиги, энг қадимдан Аллоҳнинг бор бўлганлик сифатини билдиради. Аллоҳнинг Азал сифати билан Аввал сифати ўртасида маънан яқинлик ва боғлиқлик ҳам кўзга ташланади.

Зотиға дарёйи қидам чун тошиб,
Бир ён азал, бир ён абаддин ошиб.
Ҳарнеки қойим, ўзи қайюм ўлуб,
Бўлғуси ул, борчаси маъдум ўлуб.

* * *

Эй, сафҳайи рухсоринг азал хаттидин иншо,
Дебочайи ҳуснунгда абад нуқтаси туғро.

Азал сўзи бошқа сўзлар билан бириккан пайтда замон ва вақтдан ташқари бошқа маъноларни ҳам ифодалайди: Ал-азал – азалдан, қадимдан; Азал хатти – энг қадим, азалий ёзмиш; Азал субҳи – Азал тонги; Азалдин то абад – Энг аввалдан энг охиригача. Азал тоғи; Наққоши Азал– Худо; Азал хатти – Тақдир битиги; Азал соқийси – Худо; Қассоми Азал– Қисмат битувчи Худо; Килки қазо – тақдир қалами; қисми азал – азалдан белгиланган тақдир ва шу кабилар.

Навоий усрук эса субҳу шом, тонгламаким,
Азалда килки қазо чекти бу рақам бизга.

* * *

Сўнгғи кундин халқ тарсон, мен бурун кундин ваҳим,
Элга ғам шоми абад келди, манга субҳи азал.

Гўё лабу хаттингни тарҳ этканда Наққоши азал,
Шингарфу зангор ўрнига лаълу зумуррад қилди ҳал.

Кўриб ўтканимиздек, Навоий азал сўзи орқали Аллоҳнинг қадимийлик ва азалдан бор бўлганлик сифатини асарларида ёритган. Шунинг баробарида Азал сўзи бошқа сўзлар билан бирикиб, инсон ҳолати ва ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни, тақдир, қисмат каби ғайб олами билан алоқадор тушунчаларни ифодалаган.

АБАД

Навоий асарларида **Абад (Ал-абад)** (ар.) мангу, боқий, сўнги йўқ келажак замон, “азал”-нинг зидди; Абад макон ва замон таъсиридан холи, доимий бақарор,ҳеч қачон йўқ бўлмайдиган деган маъноларни англатадиган, азалнинг давомийлигини ифода этадиган тушунча. Диний таълимотга кўра, азал ва абадда устувор бўлиш фақат Худога хос, қолган барча нарсалар фоний, ўткинчи яъни улар Азал ва Абад ўртасида мавжуд бўлади. Абад Аллоҳнинг сифатидир. Абад ва Азал айри маъноларга эга бўлса-да, улар баъзан ёнма-ён келади. Навоий “Ҳайрат ул-аброр”даги аввалги муножотда Аллоҳнинг Абад сифатини зикр қилиб, унинг азалдан бор бўлганлиги ва абадий бор бўлишини, аввалининг ибтидоси ва охириниг интиҳоси йўқлигини таъкидлаб ўтади:

Азалдин то абад сатҳи вужудунг зарфи тўлмаским,
Анга не ибтидо пайдодурур, не интиҳо пайдо.
Сен эттинг шамъу гулда жилваким, парвонаву булбул
Бири куйди, бирига бўлди юз дарду бало пайдо.

* * *

Азалдин беҳад ошиб ибтидоси,
Абаддин асру тошиб интиҳоси.

Навоий умри **абад, умри жовидон, ҳаёти абад** каби бирикмалар орқали инсонга бериладиган узоқ умрни, абадий ҳаётни назарда тутади:

Даҳр элидин гўша тутмоқ бўлди авло ўйлаким,
Тутмағай ул қавм отин, топса киши умри абад.

* * *

Эй Навоий, гар насибингдур абад умре, керак
Хотирингда ёрдин ўзга таманно бўлмаса.

Навоий таъбирича, ишқ ғамининг нишини– дори ва дардини –даво билган киши ёр васлига етиб, абадий ҳаётга эга бўлади.

Ул зиндадил ҳаёти абад васлдин топар,
Ким ниши ғамни нўш деру дардни – даво.

Хуллас, Навоий Абад сўзи орқали Аллоҳга хос бўлган абадийлик, барқарорлик, давомийлик сифатларини ҳамда инсонга хос бўлган узоқ умр, абадий ҳаёт каби тушунчаларни назарда тутганлигини кўрамиз.

АСМОИ ҲУСНО

Навоий “Асмои ҳусно” – Аллоҳу таолонинг гўзал исмларидан жой олган бошқа қатор сифатларни ҳам келтириб ўтади . Асмои ҳусно ҳақида Қуръони каримнинг бир қанча оятларида хабар берилган: **«Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланглар (ёд этинглар)»** (Аъроф: 180). Ёки: **(Эй Муҳаммад), айтинг: «Аллоҳ, деб чорлангиз ёки Раҳмон – Меҳрибон, деб чорлангиз. Қандай чорласангизлар-да (жоиздир). Зеро, У Зотнинг гўзал исмлари бордир»** («Исро» сураси, 110-оят). Бу исмлар, асосан, тўқсон тўққизтадан иборат дейилади. Асмоуллоҳга атаб кўплаб китоблар ёзилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Саййид Али Ҳамадонийнинг “Асмоуллоҳ” ни шарҳлаб китоб ёзганини айтади.

Навоийнинг орифона ғазалларида ва «Хамса» достонларининг ҳамд ва муножот қисмларида асмои ҳуснодан бўлган Аллоҳ исмларидан бирини ёки Унинг сифатига далолат қиладиган байтларига дуч келамиз.

Бориъ – йўқдан бор қилувчи сифати қуйидаги байтларда намоён бўлади:

Эй қилибон қаҳр ила лутфунг шиор,
Борни йўқ айламаку йўқни бор,

Йўқ эдилар ҳар неки – бор айладинг,
Фаҳму хирад бориға ёр айладинг.

Ғаффор – бандалар айбини кечиб, мағфират қилувчи сифати:

Эй караминг оллида кўҳи гуноҳ,
Елга учуб ўйлаки бир парри коҳ.

Сониъ – яратувчи, пайдо қилувчи сифат фақат Аллоҳга хосдир.

Худойки сунъ ошкор айлади
Ки, йўқдин халойиқни бор айлади.

Навоий “Садди Искандарий” достонининг иккинчи бобида Аллоҳнинг **Карим**– карамли, кўплаб ато қилувчи сифатига алоҳида тўхталади. Карамнинг фазилати ва карам қилувчининг хусусиятларидан, эҳсону бахшишнинг фойдаларидан баҳс юритади. Ғанийларга асли неъмат бергувчи ҳам, улар воситасида бандаларни неъматлар билан сийловчи ҳам Аллоҳу Каримнинг ўзи эканини таъкидлайди:

Лакал-ҳамд, ё акрамал-акрамин,
Карам аҳлин этган гадойи камин.

Карим ўлса оламда ҳар навъ шоҳ,
Анга Сен карам қилдинг ул дастгоҳ.

Карамдин киши қайда сочқай дирам,
Дирам Сен анга қилмоғунча карам.

Навоийнинг таъкидлашича, аслида, ҳақиқий мукрим – икром қилувчи Аллоҳнинг ўзи. Ҳар қандай карам аҳли гарчи соҳиби тож бўлса ҳам, Аллоҳнинг эҳсон дастурхонига муҳтож. Аллоҳ ундай бандага хазиналар бериб, уни қалбига карам қилишни солгандан кейин эҳсон қилади, чор тарафга сочади. Ҳақиқатда, у подшоҳ карам қилувчи эмас, Ўзи (Аллоҳ) карам қилувчидир. Карампарварликни даъво қилган шоҳ эса ўртадаги бир сабабчи, холос.

Карам аҳли гар соҳиби тож эрур,
Ки, хони наволингға муҳтож эрур.

Анга Сен хазойин эшигин очиб,
Чу сочмоққа амр айлабон, ул сочиб.

Бас ул филҳақиқат карамкеш эмас,
Ўзунг мукрим, ул бир сабаб, беш эмас.

Асмои ҳусно – Аллоҳнинг гўзал исмлари маъносидан хабардор бўлиш, улуғ шоирнинг диний ва тасаввуфий асарлари моҳиятини тушунишга йўл очади.

МУҲАММАД (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) васфи

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (Аҳмад, Аҳмади мурсал (с.а.в.) (570/571 - 632) – Пайғамбарлар силсиласидаги энг охирги ва энг улуғ Пайғамбар. Ҳазрат Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) ҳаёти ислом тарихига оид ишончли манбаларда ҳамда сиярларда батафсил ёритилган. У зот бутун башариятни ислом динига даъват қилган шахс. Қуръони карим Жаброил (а.) орқали у зотга ваҳий қилинди.

Муҳаммад (а.) Қурайш қабиласининг ҳошимийлар уруғига мансуб хонадонда дунёга келди. Муҳаммад (а.) инсон сифатида ҳам, Пайғамбар сифатида ҳам намунали ҳаёт кечирди. 63 йиллик ҳаёти фаолиятида ислом динини бир қатор араб ва ажам давлатларида жорий қилди, бу йўлда турли заҳмат ва машаққатларни бошидан ўткарса-да, нубувват вазифасини охирига етказди. Муҳаммад (а.) Аллоҳнинг элчиси, одамларга илоҳий йўл-йўриқ ва қонунларни етказувчи Пайғамбар деб танилди. Улуғ Пайғамбаримиз вафотидан кейин унинг ҳаёти ва фаолиятига доир юзлаб тарихий, адабий ва маърифий асарлар ёзилди.

Ҳазрат Пайғамбаримизнинг юксак шахсияти, фазилатлари, фаолият ва нубувват ишлари мумтоз адабиётимизда тарихий ва бадиий жиҳатдан кенг ёритилди.

Навоий девонидаги бир қатор ғазал ва қитъалар, достонларидаги айрим шеърлар Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.)га бағишланган. Уларда Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сифатлари, меърож воқеалари, мўъжизалари, Нури Муҳаммадия тўғрисидаги таълимот, шафоатига эҳтиёжмандлик, ул зотнинг намунали одоб ва ахлоқлари шоирона талқин қилинган. Навоий ҳазрат Пайғамбарни мадҳ этиб, наът ёзишни ўзига шараф деб билади ва айрим ғазалла-

рида буни очиқ эътироф этади:

Сенинг мадойиҳи наътингда, ё Расулаллоҳ,
Тамом бўлди Навоий такаллуми поки.

Бу тўрт дафтарида ҳамду наът аро халали,
Гар этмиш ўлса аён табъу килки бебоки.

Вале шафоатинг имкони кўнглига киргач,
Умид ила севунур яна табъи ғамноки.

Етур анга караминг баҳридин паёпай файз,
Ки наътинг ичра дурафшонлиғ этсун идроки.

Юқоридаги сатрлар “Хазойин ул-маоний”нинг энг охирги ғазалидан олинган. Навоийнинг девонни наът ғазал билан тугаллаши шоирнинг Пайғамбар (а.) мадҳи борасида ҳарис ва иштиёқманд эканидан далолат беради. Пайғамбар алайҳиссаломга бағишланган ғазаллар, асосан:

1. Таъриф ва тавсиф ғазаллар;

2. Меърожнома ғазаллардан иборат.

Навоийнинг Расулуллоҳ (с.а.в.) га бағишлаган асарларига диққат қилсак, уларда Пайғамбар ҳаётининг қуйидаги жиҳатлари кўзга ташланади:

1. Туғилиши ва дунёга келиши.
2. Улуғ шахсияти.
3. Ҳаётининг ибратли томонлари.
4.. Юксак хулқ-атвори.
5. Нури Муҳаммадийнинг қадимийлиги.
6. Махлуқотнинг у туфайли яратилгани.
7. Мўъжизалари.
8. Исломни ривожлантиришдаги хизматлари.
9. Ладуний илми ва фасоҳатли нутқи.
10. Меърожга чиқиши.
11. Умматларини шафоат қилиши.
12. Пайғамбарга салавот айтиш ва ҳокозолар.

Асосан, наът ғазалларда Расули акрам энг комил инсон сифатида улуғ хулқ соҳиби экани, Пайғамбарлик мўъжизалари, исломни ёйгани, жўмард ва шижоати, шафқат ва муруввати, умматини севгани, шафоат қилиши, меърож воқеалари ва ҳоказо мавзулар оят ва ҳадислар воситасида мадҳ этилган. У кишининг ҳаётидан ибрат олишга, муборак зотни севишга ва унга эргашишга даъват этилган.

Шоир асарларидаги наът ғазалларнинг ҳар бири шакл ва мавзу ҳамда бадиий жиҳатдан бир-бирига ўхшамайдиган салмоқли шеърлардир. Бундай ғазалларни тил ва услубига кўра шартли равишда иккига бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳдаги ғазалларда бевосита ҳазрат

Пайғамбаримиз билан алоқадор: “лавлок”, “раҳматан лил оламийн”, “кунту набийян...”, “кунту канзан...”, “нури Муҳаммадий”, “ана афсаҳ...”, “шаққул қамар”, “ваш-шамс”, “ваз-зуҳо”, “мозоғ-ал-басар”, “қоба қавсайн”, “ли маъаллоҳ”, “Сидратул-мунтаҳо”, “Бурок” каби оят, ҳадис ва меърож воқеасига далолат қиладиган сўзларнинг очиқ иштирок этганини кўрамиз. Бундай ғазалларнинг ҳазрат Пайғамбаримизга бағишлангани аниқ кўриниб туради. Иккинчи гуруҳ ғазаллардаги имо-ишолар ва комил инсонга хос бўлган сифатлардан Пайғамбар (а.)га бағишлангани маълум бўлади. Аммо бу турдаги ғазалларда яширин маъно ва тимсоллар борлиги учун ҳамма ҳам унинг наът руҳида эканини пайқамаслиги мумкин. Шу боис ҳамд ва наът ғазалларни илғаш ва тўғри талқин қилиш учун мумтоз адабиёт сарчашмаларидан, дин ва тасаввуф таълимотидан яхши хабардор бўлиш лозим.

Бошқа бир турдаги ғазаллар ҳам борки, уларда кўтарилган бош мавзу атрофида баҳс юритилар экан, фикрни кучайтириш ва далиллаш учун Пайғамбар (а.)нинг бирор сифати ёки фазилати мисол тариқасида келтирилади. Масалан, нафс ва руҳдан баҳс этган шоир руҳнинг “раҳмоний” нафснинг “шайтоний” эканини айтиб, шундай қиёс келтиради:

Руҳға дааъб иши ойини, Ҳабибуллоҳ
Нафс Бужаҳллиқ асбобини айлаб мабсут.

Демак, руҳнинг одати Ҳабибуллоҳ – (Аллоҳ дўсти) ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломнинг феълу одати ва расму равишини бажариш, нафснинг иши эса Абужаҳл (Аллоҳ душмани)нинг ёмон ишларини ёйиш, тарқатишдан иборат.

Навоийнинг Муҳаммад(а.)га бағишланган ҳар бир сатрида у зотга бўлган юксак эҳтиром ва муҳаббат сезилиб туради. Шоир ҳазрат Пайғамбарни барча расуллардан афзал ва уларга севимли бир инсон эканини таъкидлаб, “Эй набий, жоним сенга фидо бўлсин, хуш келдинг, марҳабо!”, – деб унга самимияти ва юксак муҳаббатини изҳор этади:

Бедилинг хайли русул, сенсен аларға дилрабо,
Ё набий, руҳий фидока аҳлан ва саҳлан марҳабо!

Навоий “Бадоеъ ул-бидоя”га ёзилган дебочасида ўтмишдаги барча Пайғамбарлар осмондаги юлдузлар (анжум) каби бўлсалар, Муҳаммад (а.) уларга нисбатан ойдек, ой эмас, оламни ёритгувчи қуёшдек деб таърифлайди.

Муҳаммадким, русул анжумдур, ул ой,
Қаю ой, балки меҳри оламорой.

Пайғамбаримизнинг бошқа набийлардан устунлиги деярли барча асарларида, жумладан, “Сирож ул-муслимин”нинг муқаддимасида ҳам айтилади:

Қилиб барҳақ улусқа анбиёси,
Муҳаммад барчасининг пешвоси.

Муҳаммад (а.)нинг барча Пайғамбарлардан устун эканини таъкидланиши бежиз эмас. Унинг Пайғамбарлардан устунлиги улар орасида мақомий тафовут борлигини англатади.

Зеро, Қуръони каримда ҳам :"Батаҳқиқ баъзи набийларни баъзиларидан афзал қилдик", – дейилади ("Бақара" сураси, 253-оят). Айрим байтларда Пайғамбаримизнинг нафақат набийлар султони, балки бутун коинотнинг у туфайли яратилганига ишора қилади. Жумладан, "Лисон ут-тайр"достонида шундай дейди :

Анбиё сархайли — султони русул,
Ким эрур онинг туфайли жузву кул.

Бу байтда бутун борлиқнинг Пайғамбар шарофатидан яратилгани эътироф этилмоқда. Аниқроғи ***Лавлока ламо халақтул афлок*** – «Агар сен (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), бўлмасайдинг, фалакларни яратмасдим», деган ҳадиси қудсийга ишора қилинган. Мазкур ҳадис кўплаб шоирларнинг наът ғазалларидан жой олган. Навоий ҳам бу ҳадисни қисқартириб ёки мазмунини бериб, унга кўп мурожаат этади. "Бадоеъ ул-бидоя" дебочасида:

Вужудининг туфайли тўққуз афлок,
Бу даъво шоҳиди маншури "лавлок".

деса, "Фарҳод ва Ширин" достонида ёзадики:

Муҳаммад "кофу", "нун"ға қурратул-айн,
Туфайли кавн ўлуб, йўқ-йўқки, кавнайн.

«Кофу», «нун» – арабча ҳарфларнинг номи бўлиб, улар қўшилса, «кун» яъни «бўл!» сўзи юзага келади. Ислом ақидасига кўра Худо мавжудотни пайдо қилиш учун «кун», яъни «бўл!» деб амр қилганда бутун махлуқот пайдо бўлган.

Қурратул-айн –кўз равшанлиги. Мажозан фарзанд. *«Кавн»* – мавжудлик, борлик, дунё; кавнайн – икки дунё (у дунё ва бу дунё). Яъни : Тангрининг "бўл" деган амрига Муҳаммад (а.) сабаб бўлди ва у зот туфайли фақат бу дунё эмас, балки икки дунё яралди.

Шоир ғазалларида тимсоллар, ташбиҳ, жонлантириш, тажоҳули ориф ва талмеҳ каби санъатлар воситасида табиатдаги нарсаларни жонлантиради ва табиий жараёнлардан поэтик хулоса чиқариб, Пайғамбарни мадҳ этади. Шу ўринда Навоийнинг наът руҳидаги бир ғазалини таҳлил қилиб ўтамиз. Ғазали шундай бошланади:

Эй, нубувват хайлиға хотам бани Одам аро,
Гар алар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро.

Байтдаги "хотам" сўзи: муҳр, имзо ўрнига мактуб охирига босиладиган ва мактуб эгасининг номи ўйилган тамға (бу тамға кўпинча узукнинг кўзига ўрнатилар ва қўлга тақиб юриларди); 2. Узукнинг кўзи; 3. Сўнгги, охирги каби маъноларни билдиради[1]. Шоир Расули акрамга хитоб қилиб айтмоқда: " Сен Одам фарзандлари орасида Пайғамбарлар гуруҳи (нубувват хайли)нинг охиргисисан. Агар улар узук бўлишса, сен у узукка ўйиб ёзилган ёзув". Шоир бу ўринда "хотам" сўзини икки хил маънода қўллаш билан бирга Қуръондаги "Аҳ-

[1] П.Шамсиев, С. Муталлибов. Навоий асарлари луғати Тошкент. 1972 663-б.

зоб” сураси, 40-оятга ишора қилган “ **(Эй мўминлар), *Муҳаммад сизлардан бирор кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва Пайғамбарларнинг сўнггиси (хотаман-набиййин)дир.*** *(Замонамиз тафсирчиларидан Шайх Абдулазиз Мансур хотам сўзини муҳр де*б таржима қилган ва шундай шарҳ берган: *“Бу ерда Аллоҳ таоло Муҳаммад (а.)ни "Пайғамбарларнинг муҳри" деб атади. Зеро, ҳар бир муҳим ёзма ҳужжат сўнггида муҳр босилгани каби охирги Пайғамбар келгач, Пайғамбарлар китобига ҳам муҳр босилгандек бўлди).*

Кейинги байтда қуёшнинг нур сочиши жонлантирилган.

Юз эшигинг туфроғиға сурта олғайменму деб,
Чарх қасридин қуёш ҳар кун тушар олам аро.

Яъни, эй Пайғамбар, қуёш юзини эшигинг тупроғига суртиш орзусида ҳар кун чарх қасридан бу оламга тушиб келади. Гўё қуёшнинг бутун дунёга нур сочишидан мақсади Пайғамбар эшигининг муқаддас тупроғини тавоф қилиш экан.

Кейинги байтда меърож кечаси Пайғамбар юзининг юлдузлар орасида порлашини шабнам орасида ҳар тарафга нур сочаётган дурри шабчароғ (тунда чироғдай ёритувчи дур)га ўхшатилган. Байтда яширин ўхшатиш ҳам бор. Пайғамбар юзидан нур олган юлдузлар ялт-ялт ёнганидек шабнамлар ҳам дурри шабчароғ нурида кўз ёшлар тўккандек милдир-милдир нур сочади. Меърож воқеаси тунда содир бўлган. Юлдузлар тунда чиқади. Дурри шабчароғ тунда қўлланадиган қимматбаҳо тош. Шабнам – кечаси ҳаводан инадиган мусаффо томчи, шудринг. Қоронғиликда нурларнинг жилва қилиши, буларнинг бари ташбиҳ билан бирга таносуб санъатини юзага келтирган.

Анжум ичра оразинг меърож шоми ўйлаким,
Тушса дурри шабчароғе ҳар тараф шабнам аро.

Навбатдаги байтларда ўхшатиш, жонлантириш билан бирга тажоҳули орифнинг гўзал намуналарини кузатамиз. Маккадаги Каъбаи шарифда *Ҳажар ал-асвад* – Қора тош мавжуд. Каъбанинг рангги ҳам қора. Шоир мавжуд воқеликни поэтик мушоҳада қилиб, тажоҳули ориф санъати воситасида ёзадики, Каъба сендан айрилгани учун фироқингда мотам тутиб қолди. Йўқса, қора кийиб ёқасини ҳар тарафга чок-чок қилиб ташлармиди?!

Не учун киймиш қаро ҳарён солиб жайбиға чок,
Фурқатингдин Каъба гар қолмайдурур мотам аро?

Маккада туш пайти қуёш аксининг Замзам сувига тушиши табиий бир ҳолат. Лекин шоир тасвирлашича, ҳар кун туш пайти Замзам сувида жилваланган қуёшнинг акси эмас, балки, соф кўнглида асраб келаётган Пайғамбар юзининг меҳридир. Меҳр сўзининг қуёш маъноси борлиги ва байтда ҳам қуёш сўзи қўлланганини инобатга олсак, “юзинг меҳри”, “юзинг қуёши”деган маънода ҳам талқин қилинади.

Соф кўнглида юзунг меҳрини гўё асрамиш,
Туш чоғи ҳар кун қуёш акси эмас Замзам аро.

Жонсиз нарсаларнинг инсонлардек Пайғамбар алайҳиссалом дийдорини қўмсаши ва уни соғиниб яшаши, шеърнинг таъсир кучини янада оширган ва айтиш мумкинки, баъзи байтлар Муҳаммад (а.) мўъжизаларидан таъсирланган ёки унга ишора қилган ҳолда яратилган бўлиши ҳам мумкин. Чунки мўъжизага оид китобларда тоғу тош, чўлу биёбон, паррандаю даррандалар ҳам тилга киради, баъзилари ҳол тили билан унинг набийлигини тасдиқлайди. Пайғамбар суяниб хутба ўқиган курси унинг вафотидан кейин соғиниб, юм-юм йиғлагани китобларда қайд этилган.

Кейинги байтда ҳазрат Пайғамбар Равзаси шарафланади. Равза *арабча* боғ, гулбоғ, жаннат, мажозан муқаддас қабр маъноларини билдиради. Бундан ташқари Маккада Масжиди Ҳаромда ҳожилар табаррук билиб икки ракат намоз ўқийдиган, зикр ва дуо қиладиган махсус жой бор. Шоир Равзанинг барча маънолари назарда тутган бўлиши мумкин. Аммо байтдаги Равзадан мақсад, бутун дунё мусулмонлари зиёратга ошиқадиган ҳазрат Пайғамбаримизнинг қабри шарифидир. Чунки ҳадисларда Пайғамбар қабрини зиёрат қилганларга муждалар берилган.

Машъале бўлмиш малак илгида Равзанг бошиға,
Ой чароғи кечалар бу нилгун торам аро.

Торам – усти гумбазли баланд уй, гумбаз; қубба; *маж.* кўк, осмон. Нилгун – нил рангли, кўк. Торами нилгун мовий ранг осмон дегани. Шоир ташхис санъати орқали муборак қабрга тушадиган ой нурини тасвирлайди. Гўё ой бир фаришта қўлида машъал бўлиб мовий осмондан Пайғамбар қабри бошига нур сочиб туради.

Ҳазрат Пайғамбарнинг диний, ижтимоий ва сиёсий фаолияти Батҳо (Макка) ва Ясриб (Мадина) шаҳарларида ўтган. У ерларда ҳаж арконлари бажарилади. Шунинг учун ҳам Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара дейилади. Шоир ташхис санъати орқали Макка саҳросидаги қумлар ҳақида айтадики: улар оддий қумлар эмас, жамолинг меҳрини соғиниб, ғамдан жисми зарра-зарра бўлиб, ерга тўкилиб кетганлардир. Зеро, бу қумларда ҳазрат Пайғамбар оёқларининг изи ва тафти бор...

Қум эмас Батходаким, меҳри жамолинг ҳажридин
Зарра-зарра жисми бир-бирдин тўкулди ғам аро.

Навбатдаги байтда Мадина йўллари билан боғлиқ лирик тасвир, жонли ифода кўзга ташланади. Лирик қаҳрамоннинг эътирофича, Пайғамбар оёқлари бир пайтлар Мадина водийларга етиб, уларни хурсанд қилган эди. Энди у юрган йўллар, Пайғамбарни соғиниб, унинг ҳажрида юзини тирноқлари билан тилим-тилим қилиб тирнаб ташнаган. Тирналган юзда йўлга ўхшаш қонталаш чизиқчалар пайдо бўлади. Навоий шу манзарани топқирлик билан йўлга қиёс этган.

Имом Буъсирийнинг “Қасидаи Бурда” асарида Пайғамбар ишқида йиғлаган ошиқ ҳақида шундай дейилади: “Ишқ ғами ёноғингда кўз ёш ва заифликдан қирмизи ҳамда сариқ чизиқлар пайдо қилибди. Бу икки чизиқ-Анам деган сариқ ва Баҳор деган қизил гиёҳга ўхшайди”.

Йўл эмас, Ясрибда йиртибдур юзин тирноғ ила
Мақдаминг то етмади ул водийи хуррам аро.

Ғазал мақтаида Навоий ўзининг самимияти ва Пайғамбарга бўлган чексиз ҳурматини баён қилади.

Итларинг махсусу маҳзундур Навоий, кошки
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумраи маҳрам аро.

Ит мумтоз адабиётимизда кўпинча садоқат рамзини, ошиқлар ва мухлислар тимсолини ифодалайди. Пайғамбарга садоқатини изҳор қилаётган шоир: “Сени хос мухлисларинг ишқингда маҳзундирлар. Висолингдан маҳрум бўлган Навоий ҳам кошки, сенга маҳрам бўлган ошиқларинг сафидан жой олса” дейди.

Навоийинг меърож воқеаларига бағишланган ғазаллар ўз руҳи ва мазмуни билан ажралиб туради. Уларда ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломнинг меърожга чиқиш воқеаси, юқори илоҳий оламга сайри, Бурок ва Жаброил алайҳиссаломнинг шерик бўлиши, йўлда фаришталар, Пайғамбарлар руҳларининг мулоқот қилиши, ғайб олами асрорларининг кўрсатилиши, энг аҳамиятлиси, Аллоҳдан марҳаматлар кўриши ва дийдорига мушарраф бўлиши бадиий- тасвирий буёқлар билан қаламга олинади.

Фалак водийлари қатъиға азминг чун суруб маркаб,
Хирад пайкига ҳам аввал қадамда ранж ўлуб пайдо.

Рафиқинг тойир андоққим Сулаймон оллида ҳудҳуд,
Буроқинг сойир анжум шоҳи устинда сипеҳросо.

Қилиб бу сайр аро маъшуқ васли кўйида манзил,
Тилаб саргашта ушшоқиға ҳам раҳмат уйин маъво.

Навоий “Лисон ут-тайр” достонида ҳам меърож воқеасини алоҳида қаламга олган. Унда ҳам меърож билан воқеалар тасвирланиб, Расулуллоҳ с.а.в.нинг Тангридан умматлар гуноҳини тилаши, Аллоҳ жамолини кўриши ва Ундан тўқсон минг сирли ва ҳикматли сўзлар эшитиши баён қилинган:

Ҳам кўруб жонон жамолин кўз била,
Васлидин ҳам баҳра топиб сўз била.

Айлабон идрок тўқсон минг калом,
Лек асносида юз минг эҳтиром.

Осий умматнннг гуноҳин истабон,
Барча аҳволи табоҳин истабон.

Ҳар не истаб Ҳаййи мутлоқдин топиб,
Ҳақ тилаб, Ҳақдин тилаб, Ҳақдин топиб.

“Хазойин ул-маъоний” девонида шу мазмундаги шеърларни жуда кўп учратиш мумкин. Лекин ҳазрат Пайғамбар ҳаётининг турли қирралари, ижтимой ҳаракатлари, нубувват вазифаси, меърож воқеалари ва хос сифатлари “Хамса” достонларида янада кенгроқ ўз ифодасини топган “Ҳайрат ул аброр”нинг ўзида бешта наът, қолган достонларда камида иккитадан наътнинг ўрин олиши Навоийнинг бу мавзуга алоҳида эътибор берганидан дарак беради.

Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг дастлабки наътида “Аллоҳ таоло, аввало, менинг нуримни яратди”, ҳадисига биноан “Нури Муҳаммадий”дан баҳс юритади. Бу нурнинг қадимийлиги ва унинг, аввало, Одам атода зоҳир бўлганини таъкидлайди:

Айлади чун одами хоки зуҳур,
Солди анга партавин ул пок нур.

Нур дема, бориқаи сармадий,
Бориқа йўқ, шаъшаи Аҳмадий.

Бўлди чу Одамда бу партав ниҳон,
Анда ниҳон, лек юзида аён.

Бу нур Одам атодан Момо Ҳаввога ва ундан Шис алайҳиссаломга, кейинги Пайғамбарлар орқали Расулуллоҳнинг ота-онасига ва ниҳоят, улардан туғилажак фарзандга ўтишидан сўз юритади. Навоий ушбу наътида Муҳаммад алайҳиссалом нурининг қадимийлигини далил қилиб, Одам Ато бу дунёга барчадан олдин келган бутун инсониятнинг отаси бўлган бўлса ҳам, маънан Муҳаммад (а.)га ўғил деган даъвони илгари суради:

Бўлди санга Одам сабқатнамо,
Аввал ўғул, сўнгра гар ўлса ато.

Наслида ҳар ким анга пайванд ўлуб,
Борчаси фарзандинга фарзанд ўлуб.

Кимки мунга даъвийи ҳужжат этар,
«Кунту набийян» анга ҳужжат етар.

Навоий юқоридаги фикрларига ҳужжат талаб қилганларга **«Кунту набийян ва Одаму байнал-мои ваттин”,** яъни *«Одам ҳали сув билан лой орасида эканида мен набий бўлиб бўлган эдим» мазмунидаги ҳадисини далил қилиб келтиради.* Шоир “Муножот” асаридаги наътида ҳам юқоридаги фикрларини давом эттиради:” Улки, «Кунту набийян ва Одаму байнал-мои ваттин» мазмуни ила анбиёга муқаддамдур, «Раҳматан лил-оламин» ва «Хотамун набиййин» (оятлари) мантуқи била аларга муаххар ва хотамдур, ҳабиби Ҳазрати Илоҳ Муҳаммад Расулуллоҳ саллаллоҳи алайҳи васалламдур. Юз йигирма тўрт минг анбиёйи мурсал хилқатидин мурод ул ва барча анга хайл ва ўн секиз минг олам ихтироъидин мақсуд ул ва офариниш анга туфайл”. “Бадоеъ ул-бидоя”да ҳам бу ҳақда тўхталган:

Турфа буким, Булбашар келди атоларға ато,
Лек Булқосим деди фарзанд ани беваҳму бим.

Булбашар (Абулбашар) башариятнинг отаси– Одам ато. Булқосим (Абулқосим)нинг отаси яъни Муҳаммад (а.). Одам Ато оталарга ота бўлиб дунёга келган бўлса ҳам, Муҳаммад (а.) нинг нури ундан олдин яратилган учун ҳеч қўрқмасдан уни фарзанд деди.

Достоннинг иккинчи наътида Расуллулоҳнинг дунёга келиши ва туғилажак фарзандниинг хосиятларидан хабар беради:

Инсу малак жонию жононаси,
Икки жаҳон гавҳари якдонаси.

Расулуллоҳ (сав) дунёга келган Маккада жаҳолат, бутпарастлик авжига чиққан эди. Пайғамбар туғилган кечадаёқ бу динсизлик ва бутпарастликка гўё зарба берилди:

Куфр бийик тоқиға солиб шикаст,
Ерга бўлуб паст буту бутпараст.

Маккада дин аҳлиға мукнат бўлуб,
Уззо ила Лотқа узлат бўлуб.

Мухталиф аҳвол ўлуб аҳли қурайш,
Баъзи ўлуб ғамзада, баъзида айш.

Навоий кейинги байтларда Пайғамбаримизнинг отадан эрта етим қолгани, тижорат ишларида "амин" яъни омонатдор лақабини олгани, халқ у зоти муҳтарамни тушунмасдан унга азиятлар берса ҳам, "Хайр дуоси билан элга панд" берганини эслаб, Пайғамбар хулқига тасаннолар айтади:

«Аззама қадраҳ» – бу не хулқи азим,
«Каррама важҳаҳ» – бу не нафси карим.

«Ҳодиюно кавкабу иқболиҳи,
Саллу алайҳи ва ало олиҳи».

Яъни бу қандай улуғ хулққи, Аллоҳ қадрини баланд қилди! Бу қандай карамли нафс (шахс)ки, Аллоҳ юзини мукррам қилди! Унинг иқбол юлдузи бизни тўғри йўлга бошлади. Унга ва оила аъзоларига салавотлар айтинг! Шоир бежизга салавот айтишни тарғиб қилмаган Чунки ислом таълимотига кўра, Муҳаммад (с.а.в.) номини айтган ёки эшитган киши ҳурмат юзасидан "саллалоҳу алайҳи васаллам" (с.а.в.) – "унга Аллоҳнинг раҳмат ва саломи бўлсин" ёки шунга ўхшаш саловат айтиб қўйиши лозим ҳисобланади.

Учинчи наътда Навоий Пайғамбарнинг хос сифатлари ва дин йўлидаги ишларини бадиий лавҳалар, жонли ўхшатишлар орқали таърифлаб беради. Тарихий ва сияр китобларида Муҳаммад (а.) соясининг ерга тушмаганлиги ёзилган. Мақсудхўжа Мансурхўжа ўғлининг ақидага доир "Махзан ул-мақсуд" (Мақсадлар хазинаси) китобида Пайғамбаримизнинг

бошқа Пайғамбарлардан ажралиб турадиган ўн тўққизта сифатидан бири: “Муборак соялари ерга тушмас эди” деб маълумот беради.

Навоий Расулуллоҳнинг шу сифатларига эътиборни қаратиб, фавқулодда ўхшатишлар, фалсафий фикрларни баён қилади. У: “Пайғамбарга Ҳақ юзлаб нур берганидан соядан нафрат қилса, ажабланмаслик керак, гарчи жасадининг сояси бўлмаса ҳам, қадрининг соясида ҳамма нарса бор”, – дейди:

Сенки, юз онча санга Ҳақ берди нур,
Тонг йўқ агар соядин ўлсанг нуфур.

Соя агар бўлмади шахсингға ёр,
Сояи қадрингда дурур ҳар не бор.

Анбиёлар Пайғамбар қуёшидан зиё оладилар ва унга соя каби эргашадилар.

Соя сифат келди санга анбиё,
Яъни эрурлар қуёшингдин зиё.

Шоир Пайғамбарнинг сояси бўлмаганини ўзига хос талқин қилади. Қуёш жилва қилганда беўхшов, қўпол гавдаларда соя пайдо бўлади. Пайғамбарнинг зоти олий насабдан бўлгани учун “ер сояси” билан келишмади:

Жилваи ҳусн айласа меҳри шариф,
Боис ўлур сояға жирми касиф.

Зотинг эди гавҳари улвий нажод,
Тутмади ер сояси бирла савод.

Қадимда қамиш қаламни йўниб, бошини тилиб, сиёҳига ботириб ёзганлар. Навоий ҳазрат Расулуллоҳнинг мўъжизаларидан бирига ишора қилиб айтади: “Гарчи хома бошини ёрмаган (бирор нарса ёзмаган) бўлсанг ҳам, бармоғинг мўъжиза кўрсатиб, ойни иккига бўлиб юборди”, – дейди:

Шайх Акбарободий томонидан ёзилган “Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўъжизалари” китобида келтирилишича, мушриклар ойни иккига бўлишни талаб қилганда Пайғамбар (а.) кўрсаткич бармоғи билан ишорат қилиб, ойни иккига бўлади ва улкан мўжиза рўй беради. Китобда ёзилишича, ойнинг бир бўлаги осмонда қолади ва бир бўлаги тоғнинг орқасига ғойиб бўлади. Бошқа бир ривоятда ойнинг бир бўлаги Қазён тоғига ва бир бўлаги Абу Қубайс тоғида намоён бўлади. Бу аҳволни кўрган мушриклар Муҳаммад (с.а.в.) бизни сеҳр қилди, дейдилар. Абужаҳл деган мушрик “**ҳозо сеҳрун мустамиррун**”, яъни бу ҳар доимги сеҳр-ку, деб қичқириб юборади. Шунда бу воқедан хабар берувчи “Қамар” сурасининг 1-2 оятлари нозил бўлади. Диний манбаларда “шаққул-қамар”деб тилга олинадиган мазкур мўъжизани шоир тўртинчи наътида ҳам эслаб ўтади:

Дема илик, тиғеки бир бормоғи,
Ойни ики бўлди ишорат чоғи.

Тонг эмас ар ул кафи мўъжизнамой,
Қилғач ишорат ики айрилса ой.

Ноқаси ер узра чу рафтор этиб,
Ҳар изи «Шаққал-қамар» изҳор этиб.

Одатда сиёҳига ботирилганда хома (қамиш қалам)нинг боши қораяди. Бу ҳолат Навоийни поэтик мушоҳадага ундаган:

Юз қаролиғ хома киби қилди фош,
Кимки хатингдин чиқорур бўлди бош.

Яъни кимки буйруқларингдан бош товласа, сенга эргашмаса, юзи қаламнинг боши каби қораяди. Сен гарчи қўлингга қалам олмаган бўлсанг ҳам Ажаму Араб ҳукмингга бош эгдилар:

Хаттинга бош қўйди Ажам то Араб,
Тутмасанг илгинга қалам, не ажаб.

Кейинги байтларда Пайғамбарнинг шарофати ва шариати туфайли инсонларнинг саодатга эришганлари эътироф этилади. Ҳақнинг азалий ва абадий раҳматига сазовор бўлган меҳрибон ва мушфиқ пайғамбар осий умматларнинг умид манбаи ва шафоатчисидир. Адашган кишиларга унинг шариати тўғри йўл кўрсатади:

Ҳақ азалий раҳмати жовиди сен,
Нома қаро қилғон эл уммиди сен.

Кимки амал номасин айлаб қаро,
Сен кириб онинг қаро жони аро.

Кимники гумраҳ қилибон толии,
Жодаи шаръинг ўлуб шории.

Жоҳилият даврида араблар турли бут ва санамларга топинардилар.Муҳаммад (а.) исломни жорий қилиш билан уларга барҳам берди. Шоир таърифлашича, Лот ва Манот каби бутлар динга зарар келтирарди. Пайғамбар уларнинг ҳаммасини ушатиб, илдизи билан йўқ қилди. Кофирларнинг Манот деган бутининг бўйни синиб, улар ”мот” бўлди. Куфр боши кесилиб, бошдаги савлат ҳам жисмидаги бош ҳам қолмади:

Лотки андин эди динга бало,
Сен ушотиб поясини бўлди ло.

Куфр элига улки бор эрди Манот,
Бўйнини сен синдурубон бўлди мот.

Куфр бошин кестинг этиб қаҳр фош,
Бошиға фар қолмади, жисмиға бош.

Навоий наът охирида Пайғамбарга зорланиш қилиб, Шарқ адабиётига хос бўлган, ожизлик, синиқлик ва умидворлик туйғуларини ифода этади:

Хаста Навоий сори наззора қил,
Куфр анониятига чора қил.

Эт бу иноят била ҳосил ани,
Зумраи ислом аро дохил ани.

Маълумки, Навоий ҳақиқий мўмин-мусулмон ва тақводор инсон бўлган. Бутун ҳаётини илму маърифат ва дину диёнат ишларини ривожлантиришга бағишлаган. Шундай бўлса ҳам, у камтарлик юзасидан ўзини хаста, ожиз деб билади. Пайғамбар руҳига таважжуҳ қилиб куфр манманлигига чора қилишни, бундай иноят билан уни ислом тоифасига қўшишни илтижо қилиб сўрайди. Тасаввуфда бир улуғ зотнинг руҳидан мадад сўраш “истимдод” деб аталади. Пайғамбарлар ёки авлиёлар руҳониятидан тарбия топган киши эса “увайсий” дейилади. Шоир “Насойим ул-муҳаббат” асарининг бошида Увайс Қараний ҳақида шундай дейди: “Ва Ҳазрат Рисолат (с. а. в.)ни кўрмабдур эрди ва ул Ҳазрат ҳам они зоҳир кўзи била кўрмабдур эрдилар. Маъною руҳоният юзидин тарбият қилиб эрдилар. Бу жиҳатдин ҳар кишинингки, бу тоифадин зоҳир юзидин пири маълум бўлмаса ва машойихдин бирининг руҳи они тарбият қилғон бўлса, они Увайсий дерлар”. Мазкур тазкирада 687- рақамли шайх Мавлоно Муҳаммад Чоҳунинг ўта дарвешлиги, дарвешлар билан суҳбатдош бўлгани ва “таважжуҳи ва истимдоди Ҳазрат Шайх ул-ислом (Абдулло Ансорий) руҳиятиға ғолиб” эканидан хабар беради. Шу ўринда темурий ҳукмдорларидан Бобур Мирзога Хожа Аҳрори валийдан етган руҳий мададни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин.

Шоирнинг Пайғамбарга бўлган ҳурмат-эҳтироми, уни саодат манбаи деб билиши ва ундан маънавий кўмак исташи деярли барча асарларида намоён бўлади. “Бадоеъ ул-васат”даги еттинчи ғазал охирида ҳам ўзининг ожиз ва гуноҳкорлигини эътироф этиб, Аллоҳ пайғамбаридан гуноҳкор аҳволига назар солишини ва файз етказишини, токи у иштиёқ ва ихлос билан жаноб пайғамбарнинг таърифу тавсифига машғул бўлишини хитоб қилиб сўрайди:

Ё набийаллоҳ, аҳволима қил назар,
Журму исёну ожизлиғим мо таро.

То анинг бирла бўлғай, Навоий, сенинг
Наъту ҳамдинг баёниға достонсаро.

Абу Абдулло бин Сулаймон Жазулийнинг салавотлар мажмуаси бўлган “Далоили хайрот” китобида Пайғамбаримизнинг тўқсон тўққизта исм (сифатлари) баён қилинган. Навоий шу сифатлардан тўрттасини “расул” (Пайғамбар, элчи), “амин” (сақловчи, омонатдор, пос-

бон, тўғри, ишончли), “мустафо” (танланган, сайлаб олинган), “мужтабо” (сараланган, сайлаб, танлаб олинган, мумтоз) келтириб, у зотни дардига “чорасоз” деб билади:

Эй Навоий, чораи дардингни қилғай, улки бор,
Ҳам расулу, ҳам амин, ҳам мустафо, ҳам мужтабо.

Шоир дард деганда дунё ташвишлари эмас, нафс қутқуларидан халос бўлиш, маънавий мақомларга юксалиш, охиратда Пайғамбар шафоатига эришиш каби тушунчаларни назарда тутади.

Тўртинчи наътда Пайғамбарнинг равон нутқи, беш вақт намоз, мўъжизаси, саҳобалари, хусусан, чориёрлар мадҳи ёритилади. Ҳазрат пайғабар ўқиш ва ёзишни билмаса ҳам унинг нутқи равон ва ўта фасоҳатли эди. Минглаб ҳадисларидаги маънолар, ҳикматлар бугунги кунда ҳам бутун инсониятни лол қолдириб келмоқда. Навоий шунга ишорат қилиб ёзади:

Гоҳи такаллум санга мўъжиз калом,
Назми каломинг бори мўъжиз низом,

Нукта фасоҳатда мунаққаҳ санга,
Шоҳиди даъво: «Ана афсаҳ» санга.

Мўъжиз калом, мўъжиз баён деб энг юксак фасоҳат ва балоғатли сўз эгаларига, жуда маҳоратли шоирларга нисбатан айтилади. Байтнинг мазмуни: “Сен гоҳида такаллум қилсанг, “мўъжиз калом” – юксак фасоҳат ва балоғат соҳибига айланасан. Сўзларингдаги назм (тартиб, сўзлар тизмаси)нинг барчаси мўъжизавий тартибдир Теран ва нозик маъноли сўзлар (нукта)ни танлаб, чиройли ифодалаш сенга осон. Бу даъвони “Ана афсаҳ”деган ҳадисинг исботлайди. Ҳадиснинг тўлиқ матни шундай: **Ана афсаҳу ман натақа биз-зоди** (Мен “зод” ض ҳарфи билан гапирадиган (арабларлар)нинг фасиҳроғи (энг сўзамоли)ман. Маълумки, “зод” ҳарфи билан араблар гапирадилар ва араб тилшуносларнинг таъкидлашича, бу ҳарфни тўғри талаффуз қилиш қийинроқ экан. Шоир “Ғаройиб ус-сиғар”даги бир наътида ҳам бу ҳадисга ишора қилиб ўтган:

Зиҳи тилинг “ана афсаҳ” такаллумида фасиҳ,
Сен амлаҳ ўлдунг, гар дилраболар ўлди малиҳ.

“Малиҳ” луғатда гўзал, чиройли, ширин, мазали каби маъноларни билдирса, “Амлаҳ” сўзнинг орттирма даражаси бўлиб, малиҳроқ, яъни гўзалроқ, ширинроқ, мазалироқ каби маъноларни билдиради. Мазкур байтда ҳам ҳазрат Пайғамбарнинг бошқалардан кўра воизроқ, нотиқроқ ва сўзининг таъсир даражаси кучлироқ экани уқдириб ўтилган. Навоий Пайғамбар ҳадисининг саҳиҳлиги ва каломининг фасиҳлигини яна бир бор эслатиб ўтади:

Сиҳҳати ҳукм ичра ҳадисинг саҳиҳ,
Арзи фасоҳатда каломинг фасиҳ.

Шоир Пайғамбар зотини (вужудини) “баҳри жавоҳирнишон” гавҳарлар бахш этувчи денгизга қиёслайди. Сўзлаётганда қўл кафтидан гавҳарлар сочишини, кафт нима, беш панжаси (панж шох) денгиз бўлиб, етти қат осмон у қўлларда етти пуфакча(ҳубоб)га айланиб қолишини таъкидлаб, фикрини яна шундай давом эттиради: Исломнинг беш шартларидан бири бўлган беш вақт намоз (салоти хамса) “ислом панжаси”га қувват бўлди, аксинча, куфрнинг қўл ва панжалари бу беш “панжа”дан азият кўрди. У панжалар фақирликдан ранж тортган бўлса ҳам, аслида, уларни беш хазина деб бил. Ислом панжасини маҳкам солиб, куфрнинг етти қўрғонидан хумс (ислом динига кирмаганлардан олинадиган бешдан бир солиқ) олди.

Хамса салотингға чу навбат бўлуб,
Панжаи исломға қувват бўлуб.

Куфр қўлу панжасини ранжа бил.
Боис анинг ранжиға бу панжа бил.

Фақр аро ул панжа қабул этти ранж,
Лек ҳақиқатда эрур панж ганж.

Панжаи ислом чу маҳкам солиб,
Куфр ети қўрғонидин хумс олиб.

Навоийнинг Муҳаммад (с.а.в.)га бағишланган шеърлари алоҳида завқ ва шавқ, ихлос ва муҳаббат ҳамда юқори санъаткорик билан ёзилган. Бундай шеърлар тарихий, илмий ва адабий жиҳатдан ўзига хос аҳамиятга эга.

НАВОИЙ ИЖОДИДА НУБУВВАТ ТАЛҚИНИ

Нубувват луғатларда Пайғамбарлик, элчилик деб берилган[1]. Шунингдек, нубувват “хабар бериш” маъносидаги набъун ёки ҳолат ва даражанинг юксалиши маъносидаги набва (нубув) сўзларидан олинган дейилади[2]. Нубувват: Ақл соҳиби бўлган бандаларнинг дунё ва охиратга оид амаллари хусусида Аллоҳ ва унинг бандалари ўртасида элчилик демак[3]. Навоий асарларида нубувват — рисолат, набийлик, Пайғамбарлик маъноларида келади. Аммо истеъмолда кўпроқ нубувват қўлланади. Пайғамбарларга иймон келтириш ислом-нинг асосий талабларидан биридир. Навоий комил бир мусулмон сифатида Пайғамбарликни илоҳий бир лутф ва инсонлар ҳаёти учун зарурат, эҳтиёж деб билади. У нубувват муҳри, нубувват дури, нубувват хилъати, нубувват хони, нубувват тожи, нубувват давлати, нубувват башорати каби истиоравий иборалар орқали Пайғамбарликнинг у ёки бу сифатларини таърифлайди. Айтиш керакки, бу сифатларнинг кўпини, асосан, Муҳаммад алайҳиссалом васфида келтириб ўтади. "Бадоеъ ул-васат”да келади:

Нубувват авжида кўп толеъ ўлди кавкаби саъд,
Бири сен ойдек эмас эрди ахтари масъуд.

Яъни: “Пайғамбарлик осмонида жуда кўп қутлуғ юлдузлар (Пайғамбарлар) порлади. Лекин улардан ҳеч бири Сен ой (Муҳаммад алайҳиссалом)дек саодатли юлдузлардан эмасди...”

Маълумки, ҳазрат Пайғамбаримизнинг амакилари Абу Лаҳаб хотини билан бирга у кишига душманлик қилди, азиятлар етказди. Лекин қўлидан ҳеч нарса келмади, оқибат шармандали ўлим топиб, дўзахга маҳкум бўлди. Унинг ва бетавфиқ хотини Умму жамил шаънига Қуръони каримда “Масад” (Пишиқ тола) сураси нозил бўлди[4]. Шу сурада айтлишича, Абу Лаҳаб ва хотини барча ёмон кирдикорлари учун ловуллаб турган, алангали дўзахга кирадилар. Навоий мана шу воқеага ишора қилиб, Пайғамбарлик шамини ҳеч ким ва ҳеч нарса ўчиролмаслигини, ҳақиқий нурни зулмат йўқ қилолмаслигини қуйидаги байтда таъкидлаб ўтади.

Қачон равшан кўнгулни нафс ўти дуди қилур тийра,
Нубувват шамъини не навъ ўчургай Бу Лаҳаб ҳаргиз.

Шоир савол ва таъкид оҳангида айтадики, “Илоҳий нурга тўла тоза кўнгилни нафс ўти асло хиралаштира олмас. Шунингдек, нубувват шамини Муҳаммад алайҳиссаломнинг душманига айланган Абу Лаҳаб амакиси қандай ҳам ўчира олур?!”

Навоий бошқа Пайғамбарларни зикр қилганда ҳам уларнинг нубувват мақомига эришганига алоҳида урғу беради. Нубувватнинг иккита асосий тамали бўлади. Биринчиси, уларга

---

[1] Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёс ул-луғот. Иборат аз 3 жилд. Жилди 2. Душанбе: Адиб, 1988. С. 335; Шамсиев П., Иброҳимов С.Навоий асарлари луғати. Тошкент, 1972.471-бет.

[2] Жавҳар Шулул. Нубувват фалсафаси. Истанбул, 2010.45-бет.

[3] Пайғамбарлар тарихи. (Исломият тарихи). Тошкент, 2014. 7-бет.

[4] Қуръони каримдаги 111-сура.

Аллоҳ тарафидан ладуний илм, савия, фаросат берилади. Одатда, Пайғамбарлар мадрасага ўқиб, меҳнат қилиб, билим-тажриба орттирмайди. Иккинчиси, инсонларга Пайғамбарлик вазифасини етказиш қуввати ва қобилиятига эга бўладилар. Ҳар ким ҳам бундай оғир ва масъулиятли вазифани бажаролмайди.

Навоий асарларини ўқир экансиз нубувватнинг бир қатор сифатларини ёритгани маълум бўлади. Шундай сифатлардан бири уммий, яъни ўқиш ва ёзишни билмаса ҳам, беназир даҳо, буюк устоз, илоҳий ҳикматларга соҳиб бўлишдир. Улуғ шоир "Лайли Мажнун" достонидаги Муҳаммад алайҳиссалом мадҳига бағишланган наътда шундай дейди:

Эй илм санга ладуний анжом,
Мактаб сори ранжа айламай гом.

Олингга вале келиб муаддаб,
Илм аҳли нечукки, тифли мактаб.

Нубувватга хос иккинчи машҳур сифатларидан бири мўъжиза кўрсатишдир. Мўъжиза инсон ақлини ҳайратга солувчи, ожиз қолдирувчи ҳодисадир. Шоирнинг ўзи таъкидлаганидек:

Қайда хаворик, била мўъжиздурур,
Ақл онинг идрокида ожиздурур.

Навоий "Хамса"нинг биринчи достони "Ҳайрат ул-аброр"да бешта наът келтиради ва уларнинг ҳар бирида энг машҳур мўъжизаларни таърифлайди. Улардан бири — Муҳаммад алайҳиссалом мушриклар талабига биноан бармоғи билан ойга ишора қилиб, иккига бўлиб юборади. Бу воқеа Қуръонда ва бошқа манбаларда зикр этилган[1].

Муҳри нубувват ҳам Пайғамбарлик белгиларидан бири. У икки маънога эга. Биринчиси – моддий нарса, яъни ҳазрат Пайғамбаримизнинг муборак икки кифтлари орасидаги Пайғамбарлик белгиси. Абу Исо Муҳаммад ат- Термизийнинг "Аш-шамоил ал-муҳаммадия" китобида келган бир ҳадиси шарифда айтилишича, муҳри нубувват Пайғамбаримизнинг икки елкалари ўртасида "пашшахонанинг тугмаси" каби бир нарсадир. Бошқа бир ҳадисда икки елка ўртасида кабутарнинг тухуми каби бир зиёда гўшт экани ва қизилга мойил нарсалиги айтилган[2]. Иккинчиси – истиоравий маънода нубувват муҳрини босувчи, нубувват унинг номи билан хатм бўлувчи, охирги Пайғамбардир. Навоий ҳазрат Пайғамбаримизнинг мадҳида шундай дейди:

Йўқ ажаб, отингга гар муҳри нубувват бўлса хатм
Ким, нубувват ҳалқасида йўқ сенингдек хотам.

---

[1] Бу ҳақда қаранг: Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўъжизалари (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳ муаллифлари Сайфиддин Рафиддинов, Зебо Раҳимова). Тошкент: Мовароуннаҳр, 1993.18-бет.

[2] Қаранг:Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Аш-шамоилал-Муҳаммадия. (Таржимонлар Мирза Кенжабек, Убайдулла Уватов). Тошкент, 2017. 42-43-бетлар. "Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 4-жилд. Тошкент, 2011. 575-бет.

Хотамнинг бир маъноси узукнинг кўзидир. Яъни: “Ажаб эмас, муҳри нубувват сенинг номинг билан тугалланса, Чунки нубувват ҳалқасида сен каби хотам (узукнинг кўзи) йўқ!” Агар байтдаги хотам сўзини сўнгги, охирги деган маънода қўлласак, байт мазмуни шундай бўлади: “Ажаб эмас, муҳри нубувват сенинг номинг билан поёнига етса. Чунки нубувват ҳалқасида сен каби хотам – Пайғамбарларнинг якунловчиси йўқ”. Зеро, Пайғамбаримизнинг сифатларидан бири хотамул-анбиё (Пайғамбарларнинг охиргиси, якунловчиси)дир.

Эй зотинга номаи футувват,
Арқосида хотами нубувват.

“Эй (Расули акрам) зотингга номаи футувват ёзилган. (Сен энг карамли, сахий инсон қилиб яратилгансан). Сенинг орқангда - икки кифтинг орасида – муҳри нубувват бор. Ёки футувват номасининг орқасида хотами нубувват - Пайғамбарларнинг энг улуғи, охиргиси деб битилган”.

Ҳазрат Пайғамбаримизнинг мўъжизалари жуда кўп бўлса ҳам, ислом олимлари бир овоздан энг улуғ мўъжиза бу Қуръони карим эканини эътироф этишган. Буни қарангки, Навоий ҳазрат ҳам шу фикрда:

Китобинг ўзга кутубдинки бордурур аблағ,
Балоғатингға муносиб Ҳақ айламиш иблоғ.

Нубувватнинг белги ва сифатларидан яна бири Пайғамбарларнинг гуноҳдан пок (маъсум) ва мукаммал ахлоққа эга бўлишларидир. Пайғамбаримизнинг гўзал ахлоқи ҳақида Қуръоннинг “Қалам” сураси, 4-оятида шундай дейилган: “**Албатта, сен (эй ҳабибим) улуғ хулқ устидасан**”. Машҳур бир ҳадисда: “**Мен макорими ахлоқни такомиллаштириш учун юборилганман**”[1], - дейилса, бошқа бир ҳадисда: “**Менга Раббимнинг Ўзи адаб берди (мени тарбиялади), бас, менинг адабим ҳасан (комил, яхши, гўзал)дир**!” - дейилади. Шулардан келиб чиқиб, Навоий Расул алайҳиссалом мадҳида ёзади:

Зиҳи азалда карам айлабон санга Халлоқ,
Карим хилқат ичинда макорими ахлоқ.

“Эй Пайғамбар, сенга азалдан Халлоқ (яратувчи, халқ қилувчи Аллоҳ) карим хилқатинг(яхши зотинг)да макорими ахлоқ (гўзал хулқларни) ато қилгани қандай яхши, нақадар гўзал!”

Пайғамбарлар насроний, яҳудий ва ислом динларининг тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган зотлардир. Шу боис Навоий нубувват, рисолат масаласини ҳисобга олиб, Пайғамбарлар қиссаларига жиддий ёндашади. Яъни “”Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарини ёзади. У мазкур асарини ёзиш учун ўзига қадар ёзилган тарих ва сияр китобларини кўздан кечириб чиққан. Шоир “аҳли тафсир дебдурларким”, “Банокатий тарихида дебдурким”, “Тарихи Жаъфарий”да битибдурким” деб ушбу асарини ёзишда ҳушёрлик билан ёндашиб, бирламчи манба сифатида Қуръони каримга, тафсирларга мурожаат этади. Каломи мажидда кел-

[1] Қаранг: Ш а й х Абдулазиз М а н с у р. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент, 2018. 554-бет

ган Пайғамбарлар ҳақидаги қиссаларга эътибор қаратиб, керакли ўринларда оятлардан, ҳадислардан иқтибослар келтиради ва фикрини далиллайди.

Айрим ўринларда Ибни Аббос разияллоҳу анҳу каби машҳур шахсларнинг нақлларига ва ўзи ишончли деб билган китобларга суянади.

Навоий ҳар бир Пайғамбар ҳақида сўз юритганда қиссадан ҳисса сифатида бирор ибратли шеър илова қилади ва унинг мазмунида икки нарсани назардан қочирмайди. Биринчиси, шеърда шу Пайғамбарга тегишли бирор хислат ёки воқеага ишора этса, иккинчиси инсон ким бўлишидан қатъи назар ўлимга маҳкум эканлигини уқтиради. Масалан, Одам алайҳиссалом қиссасини шундай якунлайди:

Одамники, Ҳақ лутф ила мавжуд этти,
Мажмуъи малак хайлига масжуд этти.

Охир танидин руҳни мафқуд этти,
Ул навъки, нобуд эди, нобуд этти.

Навоий шеъриятида Пайғамбарларнинг тимсоли ва уларга хос бўлган фазилатларни талмеҳ, ташбеҳ, иқтибос, ақд каби бадиий санъатлар воситасида тез-тез тилга олади. Шоир Пайғамбарларга энг улуғ инсонлар, ҳақиқий ориф ва ошиқлар сифатида муносабат билдирар экан, улар ҳаётидаги энг муҳим ва ибратли жиҳатларга тўхталади. Иккинчидан, шеърларида уларга хос бўлган фазилатларни келтириш орқали (масалан, Юсуфнинг гўзаллиги, Айюбнинг сабри, Сулаймоннинг давлати) ўзининг ишқий ва ҳаётий кечинмаларини бўрттириб ёки қиёслаб ифода этади.

Навоий Нуҳ алайҳиссалом узоқ умр кўрган бўлса ҳам ўлганини, Сулаймон алайҳиссалом бутун дунёга подшолик қилган бўлса ҳам вафот этганини эслатиб, ўткинчи дунёнинг ғамини емасликка, аксинча, бода ичиш (кўнгилни илоҳий ишқ ва асрорга тўлдириш)га чақиради:

Нуҳ умрию Сулаймон мулкига йўқтур бақо,
Ич, Навоий, бодаким олам ғами беҳудадур.

Учинчидан, ахлоқий масалаларга тўхталар экан, ҳикматли сўзларида Пайғамбарларнинг қавмларида содир бўлган яхши ва ёмон хулқларни мисол қилиб келтиради.

Хуллас, нубувват, рисолат, Пайғамбарлик деган сўз ва тушунчаларнинг Навоий дунёқараши ва эътиқодида жуда катта аҳамияти бор. Навоий ижодини теран англаш учун улардан имкон қадар хабардор бўлмоғимиз керак.

НАБИЙ

Набий (арабча – кўплиги – анбиё, илоҳий хабар келтирувчи) – Пайғамбар.

Набийнинг Расулдан фарқи шуки, Набийлар ўзларига махсус китоб ва шариат берилмай, бир Расул (яъни Аллоҳ элчиси)га ато этилган китоб ва шариатга амал қилмоққа буюрилган Пайғамбарлардир. Ислом динида Пайғамбарларга иймон келтириш ҳар бир мўъмин учун фарздир. Навоий "Ҳайрат ул-аброр"да ва "Сирож ул-муслимин"да бу борада айтиб ўтган:

Яна ҳам анбиёға қилмоқ иқрор,
Ки, борин элга ирсол этти Жаббор.

Ҳар бир набий расул бўлолмайди, аммо ҳар бир расул айни пайтда ҳам набий ҳам расулдир. Навоийга кўра, "...ва мурсал улдурким, анга ваҳй Жаброил воситаси била келмиш бўлғай. Ва ғайри мурсал улким, илҳом ё туш била элга раҳнамойлиқ қилғай". Навоий ҳазрат Пайғамбаримизни ҳам набий ҳам расул сифатида зикр қилади.

Ажаб йўқ сен ўлмоқ ато, ул сабий,
Бу маъниғадур дол «Кунтун-набий».

"Кунтун-набий" — "Мен Пайғамбардирман...", деб бошланадиган ҳадис ибораси. Мазкур ҳадисда ҳазрат Муҳаммад алайҳиссалом Одам Атодан олдин, ҳали у киши дунёга келмасданоқ Пайғамбар эканига ишора қилган.

Навоий набийлик мартабасининг олимлик, орифлик ва воизлик каби ҳар қандай мартабадан улуғлигини таъкидлаб, набий шариатини диёнатнинг асоси деб билади:

Масиҳойин агар минбарда зоҳир қилса дам воиз,
Набий ўрниға урмоқ беҳаёлиғдур қадам воиз.

* * *

Тутай дер эсанг Тенгри амрин қави,
Бўл охир набий шаръининг пайрави.

Навоий асарларида набий сўзи умумий ном билан барча Пайғамбарларга нисбатан ҳам қўлланган. Бунинг ёрқин мисолини "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида кўрамиз: "...ва Солиҳ набий ва Самуд қавмин қиссасини айтти ва ул шох олтундин ҳам хабар берди", "...араб Ҳуд деди. Яъни набийуллоҳдир, мўъжизоти кўптур". "...мўр дедиким, ё набияллоҳ, сендин хотиржамъдурман, аммо шояд санинг шуурунг бўлмагай, хайлингдин осиб еткай, деб танбиҳ воқеъ бўлди".

МЎЪЖИЗА

Мўъжиза (арабча — ақлни ожиз қолдирувчи ҳодиса) — Пайғамбарларнинг, ҳақиқатан ҳам Аллоҳ томонидан бандаларга юборилган элчилар эканига далил-ҳужжат сифатида юз берадиган ғайри одатий ҳодисалар. Одатда Пайғамбарларга мўъжиза, авлиёларга каромот берилади. Навоий “Сирож ул-муслимин”да бу ҳақда тўхталган:

Яна Ҳақ келди эъжоз анбиёға,
Анингдекким, каромат авлиёға.

Шунингдек, шоир мўжизанинг илоҳийлиги, ақл унинг сиррига етолмаслигини ҳам уқтириб ўтган:

Қайда хаворик била мўъжиз дурур,
Ақл анинг идрокида ожиз дурур.

Ўтмишда Пайғамбарлар кўрсатган мўжизалар замони ва маконига кўра ҳар хил бўлган. Навоий ҳазрат Пайғамбаримиз мўъжизалари ичида Қуръони каримнинг энг улуғ мўъжизалигини эътироф этади:

Буки каломуллоҳ ангадур насиб,
Ким йўқ анга мўъжиза андин ғариб.

Маълумки, Расулуллоҳ алайҳиссаломдан мушриклар мўъжиза сифатида ойни иккига бўлишини талаб қилишган. Шунда Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳга дуо қилиб, шаҳодат бармоғи билан ойга ишора қилганида ой иккига бўлиниб, улкан мўжиза рўй беради. Бу воқеа Қуръоннинг “Қамар” сурасида ҳам баён қилинган. Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг учинчи наътида шу мўъжизага ишора қилган:

Дема илик, тиғеки бир бормоғи,
Ойни ики бўлди ишорат чоғи.

Тонг эмас ар ул кафи мўъжизнамой,
Қилғач ишорат ики айрилса ой.

Бошқа бир ўринда Ҳазрат Пайғамбарнинг ўқимагани ва ёзмагани, аниқроғи, ёзиш учун қамиш қаламнинг орасини ёрмаган бўлса ҳам, бармоғи билан қамар хомасини ёргани, яъни ойни иккига бўлгани васф этилади.

Бўлмади гар хома бошин ёрмоғинг,
Ёрди қамар хомасини бормоғинг.

Ҳазрат Пайғамбар мўъжизаларидан яна бири у муборак зотни илоҳий нурлар чулғаб олгани боис жасадининг сояси йўқ эди. Навоий бу ҳодисадан шоирона поэтик хулоса чиқаради ва ҳазрат Пайғамбар алайҳиссаломнинг юксак қадри ва олий даражасига ишора қилади.

Сенки юз онча санга Ҳақ берди нур,
Тонг йўқ агар соядин ўлсанг нуфур.

Соя агар бўлмади шахсингға ёр,
Сояи қадрингда дурур ҳар не бор.

Шамъинга чун нури қидам соядур,
Нурдур улким анга ҳамсоядур.

Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да бир қатор ўтган Пайғамбарлардан содир бўлган турли мўъжизалар ҳақида хабар беради: "...Фиръавн мўъжиза тилади эрса, Мусо алайҳиссалом асони илкидан солғоч, аждаҳое бўлдиким, ҳайбатидин неча киши ҳалок бўлди". Солиҳ алайҳиссалом қавмини ҳақ динга даъват қилишда давом этгандан кейин қавми ундан "ғариб мўъжиза" тилайдилар. Навоий бу воқеага ишора қилиб, хабар берадики: "Солиҳ алайҳиссалом дуо қилиб, Ҳақ таоло ул тошни шақ қилиб, тева бўтаси била тош аросидин чиқти".

ЛАВЛОК

Лавлок (**Лавлока ламо халақтул афлок**) – **"Агар сен (Эй Муҳаммад), бўлмасайдинг, Мен фалакларни яратмасдим"**, деган ҳадиси қудсий. Бу ҳадис Навоий асарларида қисқартма шаклида "лавлок" шаклида қўлланади ва асосан, ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.) ни сифатлашда, таърифлашда қўланади. Навоий "Вақфия асарининг муқаддимасида ҳазрат Пайғамбаримизни сифатлаб келиб, шундай дейди:

Қайси тил бирла, ё набияллоҳ,
Сени таъриф этай мене гумроҳ.

Мадҳи зотингда Ҳақ дебон лавлок
Лам якун золикал-уллувви сивок.

(Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, мендай гумроҳ одам, сени қайси тил билан таърифлай! Ҳақ сенинг зотингни мадҳ этиб: "Лавлок..." – "Агар сен (Эй Муҳаммад), бўлмасайдинг, Мен фалакларни яратмасдим", – деди. Бундай улуғ таъриф сендан бошқаси ҳақида бўлмаган).

"Ғаройиб ус-сиғар" девонида ҳам Навоий "лавлок" сўзини келтириб, ҳазрат Пайғамбар алайҳиссаломни мақтайди, фалаклар унинг туфайлидан яратилганига ишора қилади:

Эй, деб сифатингда аҳли идрок,
Лав лока ла-мо халақт ул-афлок.

Афлок нечукки хоки роҳинг
Ул йўлдаки, ожиз ўлди идрок.

Десам афлок эрур туфайлинг
Басдур гуваҳим ҳадиси «лавлок».

ВАЗ-ЗУҲО

Ваз-зуҳо – “Зуҳо” сурасининг биринчи ояти. Зуҳо – чоштгоҳ пайтидир.

Аллоҳ таоло бу сурани Зуҳо – чоштгоҳ пайти (ҳамда сукунатга чўмган тун) билан қасам ичиб бошлайди ва Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга ғазаб ҳам қилмагани ва уни ташлаб ҳам қўймаганини таъкидлайди. Шунингдек, сурада ҳазрат Пайғамбаримизга охиратда бериладиган нарсалардан башорат берилади ва унга етимга меҳрибонлик қилиш, гадойни жеркимаслик ва Аллоҳнинг неъматлари ҳақида сўзлаб бериш каби амрлар тавсия қилинади.

Навоий айнан ҳазрат Муҳаммад(с.а.в.)ни таърифлашда, “Ваш-шамс” (қуёш), “Ваз-зуҳо” (чоштгоҳ пайти) сўзларидан фойдаланади. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) юзи қуёшга, ундан тараладиган нурлар – чоштгоҳ нурларига, қора сочлари тун зулматига ўхшатилади ва ҳоказо.

Қуйидаги байтда тасвирланишича, Тангри Ўз Пайғамбари юзидаги мусҳаф қуёшини (порлаган нурини) ва унинг Зуҳоси (нур таратиши)ни шунинг учун равшан қилдики, одамлар ҳидоят нурларини топсинлар”.

...Яна Тенгрига маҳбуб, бандаларига матлуб ва марғуб нубувват хотами ва Расули ҳошимий (саллоллоҳу алайҳи васаллам) наътида бу матлаъким:

Эй қилиб равшан улус топмоққа анвори ҳудо,
Мусҳафи рухсор узра “Ваш-шамс” бирла “Ваз-Зуҳо”.

Аллоҳ Қуръонда қасам ичган қуёшни, Навоий улуғ Пайғамбар юзидаги нурга нисбат бериши шунданки, биринчидан, Қуръон ҳазрат Пайғамбаримизга нозил бўлган бўлса, иккинчидан, шоир бир қатор ғазалларида ҳазрат Пайғамбаримизнинг маънавий нури, ҳар қандай қуёш нуридан ортиқ эканини бадиий тасвирлар орқали кўрсатиб ўтган.

Шунингдек, Навоий “Назм ул-жавоҳир”даги қуйидаги шеърида ҳам Аллоҳ қасам ичган азамат қуёшни – жаноб Пайғамбар юзининг қуёшига ташбиҳ қилади. У зотнинг куёви ҳазрат Алига қарата: “Инний минка, анта минний”, яъни “Албатта, мен сендан ва сен мендан...” деган ҳикматли сўзини келтиради:

Ул шамъки, “Ваз-Зуҳо” қуёши юзидур,
“Мо зоғ” била сурма чекилган кўзидур,

Онинг сариким, ўзи улу ул ўзидур,
Борча “инний минка анта минний” сўзидур.

МАЛОИКА

Малоика – (ар. малак – фариштанинг кўплиги). Ислом таълимотида Аллоҳ таолонинг нурдан яратган, гуноҳ қилмайдиган ва ҳамиша Аллоҳга итоатда бўладиган яратиғи. Уларга иймон келтириш, иймон шартларидан бири бўлиб, ҳар бир мўъминга фарздир. Чунки Қуръони каримда улар ҳақида хабар берилган. Навоий "Сирож ул-муслимин" асарида айнан Аллоҳга иймон келтиргандан кейин фаришталарга иймон келтиришнинг зарурлиги таъкидланган.

Худоедур яраткан буду нобуд
Ки, андин ўзга йўқтур Тенгри мавжуд.

Яна билмак малоикники, Холиқ,
Яратибдур ибодатқа мувофиқ.

Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонида Аллоҳга иймон келтиргандан кейин малоикаларга ҳам иймон келтиришнинг зарурлигини уқтириб, уларга хос бўлган кўриниш ва ҳаёт тарзини ҳам айтиб беради:

Олтидин иккинчи малойикни бил,
Борчаға тасдиқи вужуд айлагил.

Билким эрур зойири афлок алар,
Нафснинг олойишидин пок алар,

Ҳар бир ули-ажниҳа товус ўлуб,
Донаи тасбиҳ анга маънус ўлуб

Тоби муҳаббат чоғи ул ажниҳа,
Ўтлари туғёни учун мирваҳа.

Малоикаларга иймон келтиришнинг ўзига хос ҳикматлари бор. Малоикларга ишонган одам уларнинг борлигига, маълум вазифаларни бажаришлари, дунёни ҳам назорат қилиб туришларига ишонади. Навоий фаришталарнинг гўзалликлари, покликлари, нурдан яратилганликларини эътиборга олиб, ёрни "малаксиймо", "малакваш" сўзлари билан сифатлайди.

Кимки онинг бир малаксиймо парийваш ёри бор,
Одамий бўлса, парий бирла малакдин ори бор.

Навоий бир қитъасида фариштасифат инсонларни "саломат аҳли", шайтонга тобе бўлганларни, (шоир бу ўринда камтарлик қилиб, ўзини ҳам) "маломат аҳли" деб таърифлайди:

Малак атбоъидурурлар ул хайл,
Ким алар келди саломат аҳли.

Мену шайтонға татбиғким, эрур
Мендек ул доғи маломат аҳли.

Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да малоиклар бажарадиган баъзи вазифаларидан хабар беради: “...ва иблис кўп тоат қилғондин сўнг малоика мартабасиға етиб эрди. Чун Тангри таоло амридин бўюн тўлғоди, шақоват ва лаънати жовид тавқи анинг бўйниға туштиким...”,“...ики малакни ики қарға сурати била Қобил қошиға йибордиким, бири-бири била урушуб, бири яна бирин ўлтурди ва қотил қарға ерни тирнаб, минқори била қозиб, мақтулни дафн қилди”.

ВАҲИЙ

Ваҳй (ваҳий) – луғавий маъноси: юмшоқ сўз, хабар; илҳом бериш, бошқалардан беркитиб, бошқа бир кишига айтилган махфий сўз, рамз, кўрсатиш ва имолар орқали бировга зудлик билан қилинган ишора ва ҳоказо. Ислом динида ваҳий деб Аллоҳ таолонинг ўз Пайғамбарларига фаришталар орқали юборган буйруқ ёки кўрсатмаларига айтилади. Пайғамбарларга илоҳий ваҳийни, асосан, Жабраил (а.) олиб келгани учун у Ваҳий фариштаси дейилади.

Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари орқали ҳам биламизки, Пайғамбарларга ваҳий орқали кўрсатмалар бўлган ва улар илоҳий амрни доимо сўзсиз бажаришган*: “... Идрис алайҳиссалом сурёний Пайғамбардур. Отаси Язид замонида бутпарастлиқ шойъе бўлди. Анга ваҳй келдиким, ул элни бутпарастлиқдин манъ қилғай”. “...мазкур-бўлғон тарихда Мусо алайҳиссаломға ваҳйи келдиким, Ҳорун алайҳиссаломға ажал етибдур”.*

“Нуҳ ибни Малик ибни Матушлах ибн Идрис Пайғамбари мурсалдур ва Нажиюллоҳ анинг лақабидур. Баъзи қирқ ёштин сўнгра, баъзи эллик ёштин сўнгра дебдурларки, анга ваҳй нозил бўлди”.

Аллоҳ таоло Пайғамбарларига бевосита ва билвосита ваҳий юборган. Билвосита ваҳий фариштлар орқали, асосан, Жаброил (а.) воситасида амалга ошган бўлса, бевосита ваҳий Пайғамбарларнинг солиҳ тушлари орқали намоён бўлган. Масалан, ҳазрат Иброҳим (а.) нинг ўғли Исмоил(а.)ни қурбонлик қилиш ҳақидаги туши. Бу ҳам ваҳийга киради. Навоий ҳам “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида бу ҳақда айтиб ўтган: “Мурсал Пайғамбарга ваҳий Жаброил воситаси билан келади, мурсал бўлмаган Пайғамбар эса илҳом ё туш билан элга раҳнамолик қилади. Улул-азм (сабот эгалари) Пайғамбарлар шуки, осмоний китоб нозил бўлади ва ўзларининг янги шариати бўлади. Хотим улки, ундан сўнгра Пайғамбар бўлмагай ва бу сифат ҳазрати Муҳаммад арабий саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи ва асҳобиҳи васалламга мусалламдур, бас”. Лекин Навоий мурсал ва “ғайри мурсал” (мурсал бўлмаган) Пайғамбарлардан кўпининг исмлари номаълум ва улар билан боғлиқ воқелар ҳам маълум эмаслиги сабабидан олимлар китобларида якуний фикрлар билдирмаганликларини алоҳида таъкидлаган.

Пайғамбар набий ва расулга ажралади. Улар орасида фарқ бор. Аллоҳ кимга осмондан хабар юбориб, уни бошқаларга етказишни амр қилса, ўша одам ҳам набий, ҳам расул ҳисобланади. Лекин бошқаларга етказишни амр этмаса, у расул эмас, набийдир.

Расул янги бир шариат билан келади. Набий янги шариат билан келмайди, олдинги шариатга эргашади ва инсонларни ҳам унга амал қилишга чақиради. Қуръонда Ҳазрат Пайғамбаримизга нисбатан набий ҳам, расул ҳам деб хитоб қилинган.

Солиҳ тушларни фақат Пайғамбарлар эмас, мўъминлар ҳам кўради. Аммо улар кўрган тушлар ваҳий ҳисобланмайди. Ваҳийнинг яна бир тури ҳеч бир воситасиз уйғоқликда илоҳий парда ортидан гапирилган Аллоҳга хос каломдир. Бу ҳол Мусо (а.) ва ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳаётларида кузатилгани саҳиҳ ривоятларда келган.

Ваҳий Муҳаммад (с.а.в.)га фаришта Жаброил (а.) орқали нозил бўлгани Қуръони каримнинг бир қатор оятларида таъкидланган. Ҳазрат Пайғамбаримизнинг аёллари Оиша (р.а.) нинг ривоят қилишларича, ваҳий Муҳаммад (с.а.в.) га турли тарзда тушган. Жумладан, туш орқали фариштанинг ўзи кўринмай туриб, Муҳаммад (с.а.в.) қалбларига керакли хабарни етказган ёки фаришта Жаброил (а.) одам қиёфасида ёки ўзининг асл қиёфасида ваҳий етказган ва ваҳийни қабул қилиш жараёни ҳам турлича кечган. Бу ҳақда ишончли ҳадислар ворид бўлган.

“Ваҳйи мунзал” деганда Қуръони карим тушунилади. Айрим тафсир олимлари Қуръони каримнинг “Каҳф” сураси, 86-оятдаги "Зулқарнайн"га қилинган хитобни ёки “Наҳл” сураси, 68-оятдаги асаларига қилинган ваҳийни ваҳий маъносида эмас, балки “илҳом”,”огоҳлантириш”, “хабардор қилиш”, “амр қилиш” каби маъноларда қўлланганини таъкидлашган.

Навоий “ваҳйи осор” сўзини “ваҳийдек”, “ваҳийдек муҳим”, “ваҳий янглиғ азиз” каби маъноларда қўллайди. У “Насойим ул-муҳаббат” асарида Хожа Аҳрорнинг унга ёзган мактубларини табаррук билиб ёзадики: “...бу ҳақир била илтифотлари кўп бор учун ваҳйи осор руқъалари била мушарраф қилиб, ишларга маъмур қилурлар эрди. Ул руқъаларни мураққаъ ясаб, мужаллад қилиб, жадвал ва такаллуфот била табаррук йўсуни била асрабмен. Умидим улки, аларнинг баракотидин бу ишнинг завқи ва талаби насиб бўлғай. Аларнинг ёши тўқсондин олти ой ўксук эрди. Саккиз юз тўқсон тўртда дунёдин ўттилар”.

Навоий байтларидан бирида: “ваҳий (илҳом) бўлдими ёки ёрдан хабар етдимики, ғамгин хотирим ором олиб, ғамим таскин топди?” дейди.

Ваҳйи нозил бўлди ёхуд ёрнинг пайғомидур,
Ким ғамим таскини ғамгин хотирим оромидур.

Қуйидаги байтда дайр пири – майхона бошлиғи, яъни хонақоҳ шайхининг тонг ёришган пайтдаги сўзлари қудсий(пок) руҳга ўхшатилса, қуёш чиққан пайтдаги нафаси эса ўликларни тирилтирувчи ваҳийга қиёсланади.

Руҳи қудсий эрди алфози зуҳур эткунча фажр,
Ваҳйи“юҳйи” эрди анфоси тулуъ эткунча юҳ.

(юқоридаги байтда муршиддан мақсад – Муҳаммад алайҳиссалом, унинг нафасидан эса Жабраил (а.) ва ўликларни тирилтиришга ишора қиладиган оят ҳам назарда тутилган).

Ваҳий сўзи Навоийнинг назмий асарларида кам учрайди. Масалан,“Наводир уш-шабоб”да атиги бир ўринда келган. Бу сўз, асосан, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да кўп учрайди. Матнлар қатида келган ваҳий сўзини аслича идрок этсак, Навоийнинг диний-ирфоний қарашларидан тўғри хулоса чиқарамиз.

ЖАБРАИЛ (ЖАБРОИЛ) (а.)

Жаброил (а.) – исломда тўрт муқарраб (бош, яқин) фаришталардан бири (Микоил, Азроил, Исрофил билан бирга). Жаброил (а.) Аллоҳ амрларини Пайғамбарларга етказиб, ваҳий (хабар) келтирувчи, самовий офатларни ер юзида ижро қилувчи фаришта.

Навоий “Тархи анбиё ва ҳукамо” асарида Жабраил (а.)нинг Пайғамбарларга келтирган ваҳийлари, уларга йўл-йўриқ кўрсатгани ва турли ёрдамлар қилгани ҳақида батафсил тўхталган. “... ва Жаброил алайҳиссалом ҳубубот (уруғлар, дон-дунлар) келтуруб, Одамға қўш суруб, экин экмак қоидасин ўргатти”. “...ва Иброҳим алайҳиссаломға Жаброил башорат бердиким, минг Пайғамбар Исҳоқ наслидин мутаваллид бўлғай”. “...Лут алайҳиссалом табаи била шаҳрдин чиқдилар. Жаброил алайҳиссалом ул шаҳрларни ердин қўнғориб, осмонға элтиб, сарнигун ерга урди ва ул элдин ҳар кишиким, ҳар қайда бор эрди сижжил тоши ёғиб, борисин ҳалок қилди. Ҳаттоки Лут алайҳиссаломнинг жуфти ул қавмдин эрди, ул тошдин ҳалок бўлди”.

Жабраил (а.) Муҳаммад (с.а.в.) га ҳам Пайғамбарлик башоратини етказиб, ваҳий келтириб турган. Ҳарбий юришларда йўл-йўриқ кўрсатиб, илоҳиётга доир мунозараларда ёрдамлашган. Қуръони каримда Жабраил (а.) “расул” (элчи), “Руҳ ул-амин” номлари билан зикр қилиниб, Қуръонни ҳазрат Пайғамбаримизга ваҳий орқали етказиб турганлиги айтилади:

Санга надим ўлубон Жабраил ким кетуруб,
Бир ошно қошидин барча ошно алфоз.

Жабраил (а.) Пайғамбаримиз (с.а.в.)га Меърож кечаси ҳам Сидрат ул-мунтаҳо деган жойгача ҳамроҳ бўлиб борган. Навоий бир қатор байтларида бу ҳодисани алоҳида таъкидлайди:

Рикобингда човуш ўлуб Жабраил,
Бу маънига меърож шоми далил.

Навоий “Лисон ут-тайр” достонида ҳам меърож воқеасини қаламга олар экан, Жаброил (а.)нинг Муҳаммад (с.а.в.) га меърож тунида миниш учун тезучар Буроқ маркабини келтиргани ва самовий сафарга маълум жойгача ҳамроҳ бўлгани воқесини тасвирлайди:

Ким етишти оллиға Руҳ ул- амин,
Арз этиб пайғоми Раббил оламин.

Илкида эрди Буроқи барқхез,
Барқ онинг бирла қила олмай ситез.

Дедиким, эй Тенгрига жонинг қариб,
Жисм ила ҳам бўл, эрурсен чун ҳабиб.

Рокиб ўлким, келтурубтурмен Буроқ,
Гарди роҳинг айла бу фируза тоқ.

Чиқти шаҳ рахш узра чун маҳкум эди,
Ҳукм қайдин эркони маълум эди...

Навоий ижодида Пайғамбарлар тарихи билан боғлиқ воқеалар замирида Жабраил (а.) тимсоли тез-тез учрайди. Шу боис бу тимсол хусусияти ва аҳамиятини тўғри илғай олиш керак.

Айни пайтда Пайғамбарлар ва ҳукамоларнинг ҳаёти, ўтмиш тарихи ва динимиздаги ўрни Навоийнинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асаридан жой олгандир.

"ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО"

Навоийнинг Пайғамбарлар ва ҳакимлар тарихини ёритишга бағишланган насрий асари. Пайғамбарлар эса насроний, яҳудий ва ислом динларининг тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган зотлардир.

Навоий бу асарини ёзиш учун ўзига қадар ёзилган тарих ва сияр китобларини кўздан кечириб чиққан. Шоир "аҳли тафсир дебдурларким", "Банокатий тарихида дебдурким", «Тарихи Жаъфарий»да битибдурким", деб турли китобларга мурожаат этади. Пайғамбарлар ҳаётининг айрим қирраларини ёритишда эҳтиёт бўлади. Чунки:

Тарих аҳлининг ихтилофи кўптур,
«Шаҳнома»нинг ул навъки лофи кўптур.

Баъзи мутаассиб эл газофи кўптур,
Сен ёзғали ҳам нуктаи вофи кўптур.

Навоий ушбу асарини ёзишда ҳушёрлик билан ёндашиб, бирламчи манба сифатида Қуръони каримга, тафсирларга мурожаат этади. Каломи мажидда келган Пайғамбарлар ҳақидаги қиссаларга эътибор қаратиб, керакли ўринларда оятлардан иқтибослар келтиради ва фикрини далиллайди. Айрим ўринларда Ибни Аббос разияллоҳу анҳу каби машҳур шахсларнинг нақлларига ва ўзи ишончли деб билган китобларга суянади.

Одатда Пайғамбарлар воқеларига бағишланган китоблар ҳажман йирик бўлади. Навоий уларнинг қиссаларини ихчам ва мухтасар тарзда, аммо илмий асосда ёритиб беришни мақсад қилиб қўйган. Чунки баъзи ўринларда маълумотни ихчамлаштириб: "...ва бу қиссанинг шарҳин мабсутроқ кутубдин маълум қилса бўлур..." дейиш билан кифояланади.

Бу мўъжазроқ асар икки қисмдан иборат. Навоий Пайғамбарлар қиссасини биринчи одам ва илк Пайғамбар бўлган Одам (а.) воқеасини ёритиш билан бошлайди ва Жариҳ

роҳиб воқеаси билан тамомлайди. Олтмишдан зиёд Пайғамбарлар ва уларнинг авлодларига оид шахсларнинг номи келтирилади. Биринчи қисмда Одам (а.)дан тортиб, Нуҳ, Яъқуб, Юсуф Мусо, Ийсо (а.) каби маълум ва машҳур Пайғамбарларнинг ҳаёти, уларнинг халқ ва жамият ўртасида олиб борган диний, маърифий ва ахлоқий хизматлари, ҳидоятга ташвиқ қилганлари, кўрсатган мўъжизалари, қаршилик қилган гуруҳлар билан олиб борган мужодала ва курашлари баён қилиб берилган. Қисса давомида баъзи Пайғамбарларга кўпроқ, айримларига озроқ тўхталинади. Пайғамбарлар қаторида набий бўлмаган. аммо салтанатни юритган шахслар ҳақида ҳам зарур маълумотларни келтирилиб ўтилади. Масалан, Шис (а.)нинг ўғли Ануш Пайғамбар бўлмаса ҳам, одил ҳукмрон, сахий ва валий экани, хурмо дарахтини экишни ва садақа беришни у бошлаб бергани, Идрис (а.)нинг отаси Язид ибни Маҳлойил эса юртни бошқариш жараёнида ариқлар қазгани, қуш гўшти ва "болиғ эти емак"ни ихтиро қилгани, ўғил-қизлари кўп бўлгани, тўққиз юз олтмиш икки йил умр кўргани ривоят қилинади. Шунингдек асарда Барсисой обид, Шамсун обид, Жариҳ роҳиб каби тарихий шахслар билан боғлиқ воқеларнинг ибратли жиҳатлари кўрсатиб берилади. Навоий Пайғамбарлар тарихини баён қилиш орқали инсоният тарихини, Одам (а.)дан Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га қадар неча йил ўтганига ҳам тўхталади: "Ва ривоят будурким, Одам замонидин Нуҳ алайҳиссалом замониғача ики минг беш юз йилдур ва Нуҳ давридин Иброҳим Халил салавотур-раҳмон алайҳ давриғача минг беш юз йил ва Иброҳим алайҳиссалом аҳдидин Мусо алайҳиссалом аҳдиғача тўрт юз олтмиш йил ва Мусо алайҳиссалом чоғидин Исо алайҳиссалом чоғигача минг тўқуз юз ўтуз йил ва Исо алайҳиссалом айёмидин Ҳазрат Рисолат (с.а.в.) фархунда айёмиғача юз сексон йил воқеъдур".

Навоий ҳар бир Пайғамбар ҳақида сўз юритганда қиссадан ҳисса сифатида бирор ибратли шеър илова қилади ва унинг мазмунида икки нарсани назардан қочирмайди. Биринчиси, шеърда шу Пайғамбарга тегишли бирор хислат ёки воқега ишора этса, иккинчиси, инсон ким бўлишидан қатъий назар ўлимга маҳкум эканлигини уқтиради.

Навоий Пайғамбарлар ҳақида сўз юритар экан, **"Олимлар Пайғамбарларнинг мероскўрларидир"**, "**Умматимнинг олимлари Бани Исроилнинг Пайғамбарлари каби**" ҳадисларни тез-тез тилга олиб туради ва олимликнинг шарафли эканига диққатни қаратади. Шарқда ҳакимликнинг даражаси эса олимликдан юқори турган ва ҳакимлик донишмандлик тимсоли бўлган. Илму маърифатда юксак бўлган, ҳикмат соҳибини ҳаким дейишган. Навоийнинг Пайғамбарлардан кейин ҳакимларни зикр қилиши, асардаги мантиқийликни, давомийликни таъминлаган дейиш мумкин.

Шоир иккинчи "Ҳукамолар зикри" қисмида Фишоғурс, Жомосп, Афлотун, Аристотолис, Суқрот, Буқрот каби ўн уч нафар ҳакимлар ҳақида маълумот бериб ўтади. Навоийнинг "Садди Искандарий" достонида эса юнон ҳакимларини бадиий талқин қилинган тимсолларини кузатамиз.

Навоий ҳукамолар тавсифларини бергандан сўнг уларнинг ҳикматли сўзларидан намуналар беради. Шеърий парчалар билан фикрини хотималайди.

Маълумки, Пайғамбарлар ва ҳукамолар тарихи Шарқ халқлари дини, маданияти, санъат ва адабиётидан чуқур жой олиб келган. Мумтоз адабиётимиз вакиллари ўз асарларида уларнинг номларини тимсол сифатида ёки айрим фазилатларини ибрат тарзида қаламга олишган.

Навоий ҳам бир қатор асарларида Довуд, Сулаймон, Мусо, Исо каби Пайғамбарларни ҳамда Луқмон, Суқрот, Афлотун каби ҳакимларнинг номларини тилга олганини инобатга олсак, шоирнинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асари унинг шеъриятини тушунишда яқиндан ёрдам беради. Зеро, Пайғамбарлар ҳаётини, тарихини билмасдан туриб, шоир назарда тутган мақсад ва муддаоларни, талмеҳларни теран англай олмаймиз.

Навоий Пайғамбарларнинг номини қўллашда ва улар ҳақидаги ихтилофли маълумотларни ёритишда ўта эҳтиёткор бўлган. Масалан, Луқмони ҳакимнинг Пайғамбарлигида шубҳа борлиги учун уни ҳам Пайғамбарлар ҳам ҳакимлар қаторида зикр этади.

Навоий Пайғамбарлар ҳақидаги баъзи маълумотларни бошқа асарларида ҳам бериб ўтади. Мисол учун "Тарихи мулуки ажам"да Довуд (а.)нинг Кайковус замонида, Узайр (а.)нинг Луҳросб бинни Арунд салтанати даврида яшаганликларини айтади.

Навоий тилшунос, адабиётшунос, мусиқашунос, фақиҳ, мутасаввуф бўлиш билан бирга тарихчи ҳамдир. У "Тарихи анбиё ҳукамо" асари орқали тарихнависликдаги, хусусан, ислом тарихини ёритишдаги маҳоратини ҳам намоён этган.

ПАЙҒАМБАРЛАР

ПАЙҒАМБАРЛАР *(форсча – хабар етказувчилар)* – Аллоҳ таоло томонидан Жаброил фариштa орқали ваҳийни қабул қилиб, бандаларга муайян диний таълимот ва ҳукмларни етказувчи шахслар. Пайғамбар сўзи араб тилида набий ва расул деб қўлланади. Набий – арабча "набаа", хабар бермоқ сўзидан олинган бўлса, расул – элчи, рисолат етказувчи мазмунини беради. "Рисолат"нинг элчилик, Пайғамбарлик, бировга мактуб юбориш каби маъноларидан келиб чиқиб, муайян диний таълимотлар тўплами дейиш мумкин. Рисолатни одамларга етказадиган ва ўргатадиган киши расулдир.

Машҳур саҳоба Абу Зар ал-Ғифорийдан ривоят қилинган ҳадисга кўра, Пайғамбарларнинг адади 124 минг бўлиб, 315 таси расуллардир. Навоий ҳам Пайғамбарлар адади ҳақида ёзадики: "...баъзилар 124 минг десалар, бошқалар саккиз минг дейдилар. Шулардан уч юз ўн учи мурсал Пайғамбардир.

Пайғамбарлик Аллоҳ томонидан берилади, улар Аллоҳнинг танлаган бандалари бўлиб, гуноҳдан пок, омонатдор эркаклардан танлаб олинади.

Қуръони каримда **"Биз ҳар бир Пайғамбарни (ҳукмларимизни) ўз тилларида баён қилиб беришлари учун шу қавмнинг ичидан танлаб юборганмиз"** ("Иброҳим", 4) ояти келтирилган. Чунки ҳар бир қавмнинг ички аҳволотидан шу қавм орасида бирга яшаган одамгина мукаммал хабардор бўлади. Иккинчидан, Аллоҳнинг топшириғини ўз қавмига етказишда таъсирлироқ усулни яхши билади. Учинчидан, қавм бегона одамга қараганда ўзлари таниган, ҳурмат қилиб юрадиган одамга тезроқ ва яхшироқ эргашади.

Қуръони каримда 25 та Пайғамбар номи зикр этилган: Одам (а.) 25 марта, Идрис (а.) 2 марта, Нуҳ (а.) 43 марта, Ҳуд (а.) 7 марта, Солиҳ (а.) 9 марта, Иброҳим (а.) 69 марта, Исмоил (а.) 12 марта, Лут (а.) 27 марта, Исҳоқ (а.)17 марта, Яъқуб (а.) 16 марта, Юсуф (а.) 27 марта, Шуъайб (а.) 11 марта, Айюб (а.) 4 марта, Зул Кифл (а.) 2 марта, Мусо (а.) 136 марта, Ҳорун (а.) 20 марта, Довуд (а.) 16 марта, Сулаймон (а.) 17 марта, Илёс (а.) 2 марта, Ал-Ясаъ (а.) 2 марта,

Юнус (а.) 2 марта, Закариё (а.) 7 марта, Яҳё (а.) 5 марта, Исо (а.) 25 марта, Муҳаммад (с.а.в) 4 марта.

Ҳар бир мусулмон одам барча Пайғамбарларни тасдиқлаши ва уларни барҳақ деб эътиқод қилиши иймоннинг шартларидан бири ҳисобланади. Пайғамбарларнинг биринчиси – Одам (а.), охиргиси – Муҳаммад (с.а.в.)дир. Қуръони карим ва ҳадисларда таъкидланганидек, қиёматга қадар бошқа Пайғамбар чиқмайди. Лекин Муҳаммад(с.а.в.)дан кейинги ўтган даврларда бир неча сохта Пайғамбарлар чиққан.

Навоий Пайғамбарлар ҳақида маълумот бериб ўтиш билан бирга, Одам (а.)дан Муҳаммад(с.а.в.)га қадар ўтган йил ҳисобини ҳам баён қилган: *“Ва ривоят будурким, Одам замонидин Нуҳ (а.) замонигача икки минг беш юз йилдур ва Нуҳ давридин Иброҳим Халил салаватур-раҳмон алайҳ давригача минг беш юз йил ва Иброҳим (а.) аҳдидин Мусо (а.) аҳдигача тўрт юз олтмиш йил ва Мусо (а.) чоғидин Исо (а.) чоғигача минг тўқуз юз ўтуз йил ва Исо (а.) айёмидин Ҳазрат Расолат (с.а.в.) фархунда айёмигача юз саксон йил воқеъдур”.*

Навоий шеъриятида Пайғамбарлар тимсоли ва уларга хос бўлган фазилатларни талмиҳ, ташбиҳ, иқтибос, ақд каби санъатлар воситасида тез-тез тилга олади. Уларни Аллоҳнинг энг маъсум ва улуғ бандалари сифатида инсониятга ибрат қилиб кўрсатади. Лекин ўлим уларни ҳам тарк этмади. Ҳаммалари бирин-кетин дунёдан ўттилар. Навоий Пайғамбарлар қиссалари орқали ўлим борлиги, инсон ўлимга тайёр туриши ва охират учун солиҳ амалларни захира қилиши кераклигини бот-бот уқтиради:

Ювшаъки, солиб куфр аҳли кўнглига харош,
Мусо динида эл била қилди маош.
Ҳар неча қуёшда айлади мўъжиза фош,
Охир қаро ерга кирди андоққи қуёш.

* * *

Оламни Сулаймонға Ҳақ этмиш маъмур,
Ҳукми солди жину башар хайлиға шўр.
Охир чу ажал анга мақом айлади гўр,
Туфроқ ичида қилди ватан уйлаки мўр.

Иймоннинг шартларидан бири ўтган барча Пайғамбарларни тасдиқлаш, уларга ишониш, уларнинг Аллоҳни хос, танлаган бандалари эканига иқрор бўлишдир. Чунки жамият ҳаётида, инсонларнинг ҳақ йўлни танлашларида Пайғамбарларнинг аҳамияти жуда буюк бўлган.

ОДАМ АТО (а)

Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида Пайғамбарлар ҳақида қисқа, лўнда ва далиллар асосида нақл қилади. Айни пайтда ҳар бир Пайғамбарнинг номи унинг бошқа асарларида ҳам жумладан, шеъриятида ҳам учрайди. Навоий Пайғамбарлар номини адабий тимсол ёки қайсидир жиҳатдан ибратли қаҳрамон сифатида тилга олади. Бу ўз навбатида

шоир дунёқараши ва муддаосини теран англаш учун демакки, китобхондан Пайғамбарлар қиссаларини ҳам билишни тақозо қилади. Шу боис биз Навоий тарафидан қаламга олинган айрим Пайғамбарлар ҳаётига тўхталиб ўтамиз.

Одам (а.) (Одам ато) – Ислом таълимотига кўра, Аллоҳ томонидан яратилган ер юзидаги биринчи одам, дастлабки Пайғамбар ва башариятнинг отасидир. Қуръони каримда Одам (а.)нинг номи 25 оятда учрайди. Шунинг учун у киши Абул-Башар деб ҳам аталади.

Навоий ёзади: Одамнинг кунияти Абулбашар (Башарият отаси) ва лақаби Сафиюллоҳ (Аллоҳнинг соф бандаси)дир. Навоий наът ғазалларидан бирида шунга ишора қилган:

Турфа буким, Булбашар келди атоларға ато,
Лек Булқосим деди фарзанд ани беваҳму бийм.

Байтдаги Булбашар (Абулбашар) Одам (а.)нинг, “Булқосим” (Абулқосим) Пайғамбаримизнинг кунялари бўлиб, катта ўғилларининг исми Қосим эди.

Қуръон ва ҳадисларда Одам Атонинг яратилишидан бошлаб, хотини Ҳавво билан аввал жаннатда, сўнгра ер юзида яшаб, фарзандлар кўриб, ҳаётдан кўз юмишига доир маълумотлар келтирилган. Исломий манбаларда Одам (а.)ни тупроқдан, хотини Ҳаввонинг эса унинг чап томон қовурғасидан яратилгани айтилган.

Одам (а.)нинг яратилиш қиссаси инсоният ва Пайғамбарлар тарихида алоҳида аҳамиятга эга. Бурҳониддин Рабғузий “Қисас ул-анбиё”да Ҳазрат Пайғамбаримизнинг: “Ким дунё ажойиботларига назар ташлашни хоҳласа, бас, унга айтинглар, Одам (а.) қиссасига назар солсин”, деган ҳадисларини келтиради. Айрим манбаларда айтилишича, Одам сўзи “адим” сўзидан олинган бўлиб, “аралаш тупроқ” деган маънони билдиради, бошқа манбаларда, Одам ер сиртидан (устки қисми, сирти) яратилгани учун Одам, Ҳавво онамиз эса “ҳай”, яъни тирик вужуддан яратилгани учун Ҳавво деб номланган. Азозил “Мени ўтдан яратдинг, у (Одам (а.) ни қаро тупроқдан яратдинг”, деб важ кўрсатиб, кибрланганда, унинг Азозил деган оти ўрнига Иблис деб ном берилган. Иблис бу “ноумид” деганидир.

Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарини “Одам салавотуллоҳи алайҳ хилқати” билан бошлаган. Одам (а.) қиссасини Қуръон оятларидан иқтибос келтириб, ишончли манбаларга суяниб, мухтасар тарзда баён қилиб берган. Унинг ёзишича, бир ҳовуч тупроқни ер юзидан олиб, Ҳақ таолонинг амри билан жаннатга келтириб, Муҳаммад (а.)нинг тийнатини тасним суви билан қориштириб, фаришталарга амр қилганким, олам ва Одамнинг яратилишидан мақсад охирзамон Пайғамбарининг келишидир. Шундан кейин Одам (а.) тупроғига 40 кун раҳмат ёмғири ёғдириб, ўз қудрат қўли билан қорган. Бу воқеани Навоий : “Одамнинг лойини қирқ кун (тонг) ўз (қудрат) қўлим билан қордим”, – деган ҳадиси қудсий орқали баён қилиб берган.

Қачонки, Одам жасадига руҳ кириб, у мукаррам инсонга айлангандан кейин Яратувчи унга барча нарсаларнинг исмларини ўргатган. Фаришталар Одамнинг улуғлигини эътироф этиб, унга сажда қилганлар. Аммо жинлардан бўлган Иблис такаббурлик қилиб, сажда қилмаган ва тавқи лаънатга қолган.

Навоий Одам (а.) ва Ҳаввонинг жаннатда яшагани ва тақиқланган мевани еб қувилгани, эр-хотинлар бир– биридан айро тушиб, яна Арафот тоғида кўришгани ҳақида мухтасар маълумот беради. Одам (а.)нинг Қобил ва Ҳобил фарзандлари ҳақидаги аянчли воқеани ҳикоя қилади. Айтишларича, биринчи “марсия” Одамнинг Ҳобилга айтган марсиясидир.

Одам (а.)нинг умрини баъзилар 1000, айримлар 930 йил деганлар. Одам (а.) дан сўнгра 3 ёки 7 кундан кейин Ҳаввога ажал етди, дейилади.

Одам (а.)нинг қабри ҳақида ҳам турли фикрлар мавжуд. Навоий ёзадики, мавлоно шарафул миллати ваддин Али Яздий алайҳир-раҳмаҳ «Зафарнома» муқаддимасида ёзишича, Одам(а.)ни Шис ғусл бериб, намозини ўқиган ва Ҳиндистонда дафн қилган. Ҳаво ҳам Одам (а.) ёнида дафн этилган. Нуҳ (а.) тўфон пайтида у кишининг "муборак жасадларин кемада асраб, тўфондин сўнгра Буқубайс тоғида ва баъзи дебдурларким, Байт ул-Муқаддасда дафн" қилган.

Навоийга кўра, Одам Ато ва Момо Ҳавво Ҳиндистон мамлакатида бир-биридин айро тушганлар. Одам (а.) Маккага келиб, Арафот ёнида Ҳаво билан учрашишган. Шу туфайли мазкур жой Арафот аталиб, маъноси араб тилида "танишган жой"дир. Ундан сўнг Одам (а.) Каъба уйини ясади. Яна қайтадан Ҳиндистонга борди. Жаброил (а.) жаннатдан турли хил дон-дунлар келтириб берди, Одамга қўш суриб, экин экиш қоидасини ўргатди.

Одам (а.)га 10 саҳифалик дастур нозил этилган. Бу дастурда Аллоҳга иймон келтириш ва унинг буйруқларига итоат этиш (ибодат) ёзилган эди. "Баъзи олимларнинг айтишларича, Одам (а.)га ўлимтик, қон, тўнғиз гўшти кабиларни ейиш ҳаром қилинган, йигирма бир варақлик китоб нозил этилган". Дунёда биринчи бор деҳқончилик, тегирмончилик ва новвойлик қилган киши Одам (а.)дир. Дунёда биринчи қўлга ўргатилган ҳайвон итдир. Чунки Одам (а.)га бошқа ҳайвонлар ҳамла қилмоқчи бўлганида, итнинг бошини силаган ва у бошқа ҳайвонларни қувиб юборган.

Навоий шеъриятида Одам (а.) нинг азиз ва мукаррам қилиб яратилгани, Илоҳий буйруқ бўлгани сабабли фаришталарнинг унга сажда қилгани, Шайтоннинг кибр қилиб сажда қилмагани ва Илоҳий даргоҳдан ҳайдалгани зикр этилади. Шунингдек, Одам (а.) жуфти – Момо Ҳавво билан Шайтоннинг макрига учиб, ман қилинган дарахт мевасини егани ва жаннатдан қувилиб ерга тушгани, тавбаси туфайли Аллоҳ таоло томонидан афв этилгани каби воқеалар ғазалларда турли муносабатлар билан талмеҳ сифатида келтирилади. Насли одам, бани одам, одам хайли, одамизод, авлоди одам каби истиоравий иборалар орқали инсоният, бани башар, одамлар гуруҳи назарда тутилади. Навоий тасаввуфий бир бир ғазалида ёзади:

Зиҳи, мулкунгнунг ўн секкиз мингдин бири келиб олам,
Бир уйлук қул санга олам аро Ҳавво била Одам.

Навоий шеърларида Одам билан Ҳаввонинг яралишидан мақсад, инсониятнинг дунёга келиши ва Яратувчига бандалик қилиши лозимлиги уқтирилган. Унинг ғазалларида " Мен жин ва инсонларни фақат ўзимга итоат қилишлари учунгина яратдим".("Ваз-зориёт" сураси, 56-оят) оятига бир талай ишоралар учрайди. Шоир "Садди Искандарий" достонида ҳам оламнинг яралишидан мақсал одамнинг яралиши эканлигини айтган:

Карам бирла халқ айлагай оламе,
Бу оламда мақсуд анга одаме.

Навоий Одам (а.)нинг жаннатда тақиқланган мевани егандан кейин, у ердан ҳайдалиб ерга тушгани ва Худога йиллар давомида *“Заламно раббано...”*, *“Биз иккимиз (Одам ва Ҳавво) ўз жонимизга зулм қилдик”,* (Аъроф” сураси, 23-оят) тавба қилганига ишора қилади:

Чекмай малак лутфунг куни жуз зикр ила тасбиҳ уни,
Одам дебон қаҳринг туни ҳар дам «заламно раббано».

Шоир “Ҳайрат ул-аброр”да Муҳаммад (а.) нурининг Одам Сафиюллоҳдан Абдуллоҳга қадар етиб келганини баён қилиб, Одам (а.), аввало, ўғил, сўнгра ота эканига диққатни қаратади:

Бўлди санга Одам сабқатнамо,
Аввал ўғул, сўнгра гар ўлса ато.

Навоий ғазалларида Одам (а.) башарият наслининг ришталарини бир-бирига боғлаган бўлса ҳам, зоҳирда Муҳаммад (а.) га отадек туюлгани билан маънан унга фарзанд бўлиши эслатилган:

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,
Суратда санга волид, маънода санга фарзанд.

Нури Муҳаммадий Одам Атодан Ҳавво хотини орқали Шис (а.) га ўтади. Шу тартиб билан отадан отага, онадан онага ўтиб, Пайғамбаримизнинг оталари Абдуллоҳга етади...

Одам (а.) билан боғлиқ бир қатор воқеа ва ҳодисалар Навоий ижодида талмеҳ санъати сифатида келтириб ўтилган. Одам ва Ҳавво қиссасини яхши билган ўқувчи Навоий асарларидаги маъно ва ишораларни янада теран англашга эришади.

ШИС (а.)

Навоийнинг ёзишича, Одам (а.) Ҳобил фироқида кўб бетоқат бўлгандан кейин Ҳақ таоло Одамга мурувват кўрсатиб, Шис (а.)ни берган ва Шис (а.)нинг муҳаббати Одамнинг Ҳобил мотамидаги изтиробини кам қилган. Одам (а.) Шис (а.)ни Иқлимо деган фарзандларидан бирига уйлантириб қўйган ва уни ўз ўрнида валиаҳд қилиб қолдирган. Аллоҳ таоло Шисга Пайғамбарликни ато қилган, хабарларга кўра унга эллик саҳифалик китоб ҳам туширган. Шис (а.) Каъба биносини тош ва гач билан қориштириб, иморат қилган. Унинг еттита ўғли бўлган. Нубувватидан қирқ беш йил ўтгач, фарзандларига Қобил авлоди томонидан бўладиган ҳар қандай уруш ва зарарларни даф қилишни васият қилган. Катта ўғли Анушни ўз ўрнида валиаҳд қилиб, оламдан ўтган. Уни Абу Қубайс тоғига Одам (а.) ёнига дафн қилганлар. 912 йил умр кўрган.

Рабғузий Шис (а.)нинг Қобилдан бир юз ўттиз йил ўтгандан кейин туғилганини айтади. Айрим манбаларда айтилишича, Шис сурёний тилида “Ҳибатуллоҳ”, яъни “Тангри атоси”

демакдир. Чунки Шис туғилган пайтда Жаброил (а.): “Бу Ҳобилнинг ўрнига Аллоҳнинг берган ҳадясидир”, – деган экан.

Навоий у ҳақидаги маълумотларни қуйидаги рубоий билан якунлайди:

Гар Шис ва гар Қобил эрур, гар Ҳобил,
Ёшлари агар юз йил эрур, гар минг йил,
Бир неча кун этсалар жаҳонда таътил,
Охир бориға ажал буюрур таъжил.

ИДРИС (а.)

Навоийнинг ёзишича, сурёний Пайғамбарлардан бўлиб, Язид ибн Маҳлойилнинг кичик ўғлидир.

Навоийнинг ёзишича, Идрис (а.)нинг отаси пайтида бутпарастлик кенг тарқалган, унга элни бутпарастликдан қайтариш учун ваҳий келган, лашкар тортиб Қобил авлодидан бўлган бутпарастлар билан жанг қилган. Халқ уни учинчи Пайғамбар, учинчи ҳаким ва учинчи подшоҳ бўлгани учун “мусалласун-неъма” деб аташган. Унинг давридан Нуҳ(а.) давригача тўрт юз ўттиз тўрт йил ўтган. Олтмиш беш ёшида Матлушах деган ўғли туғилган.

Навоийнинг хабарига кўра, Идрис (а.)нинг ўлганини ҳеч ким кўрмаган, уни “янбауъ ул-ҳаёт” деб ҳам аташган. Уч юз олтмиш бешга кирганда фаришталар уни осмонга кўтариб кетишган. Ва кўтарилаётганда ўғли Матушлахни ўрнига валиаҳд қилиб қолдирган. Тарихчи ва ҳам шариат олимларининг ҳам ақидасича, у тирикдир, жаннатдадир.

Навоий бир мусаддасида Идрис(а.)нинг жаннатдалигига ишора қилади:

Нечаким сурсун Масиҳ анфоси жонпарвар калом,
Ёки жаннат васфида Идрис қилсун эҳтимом,

Чарх боғи бирла жаннат гулшанин қилман мақом,
Ким манга ҳоло банақд, эй зод сарви хушхиром,

Сунбулунгдур уқдаи раъсу юзунг моҳи тамом,
Оразинг фирдавсу қад тўбию лаълинг Салсабил.

Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида энг кўп дарс ўтган ва кўплаб шогирдлар тайёрлаган Пайғамбар Идрис алайҳиссалом деб маълумот беради: “Хат ва нужум илмини ул пайдо қилди... Ва ани Идрис дарс кўп айтурдин дебдурларким, ниҳоятдин кўпрак шогирди бор эди”. Навоийнинг ушбу маълумоти орқали, биринчидан, устозлик, ўқитувчилик соҳасида Пайғамбарлар ҳам фаолият кўрсатганидан, иккинчидан эса ўқитиш, ўрганиш, устоз ва шогирдлик тўғрисидаги фикрлар тарихидан хабардор бўламиз.

НУҲ (а.)

Қуръони каримда 28 суранинг 43 та оятида Нуҳ (а.) исми ва қиссаси келтирилган. Насаби баъзи манбаларда Нуҳ ибн Малик Манусалх ибн Идрис деб келса, баъзиларида Нуҳ ибн Ломак ибн Матлушлоҳ ибн Ахнух (Идрис) деб берилади. Одам (а.)нинг вафотларидан 126 (баъзи ривоятларда 146) йил кейин Бобил (Ироқ)нинг ҳозирги Кўфа шаҳри жойлашган ерда дунёга келган.

Навоий ёзишича "Нуҳ ибни Малик ибни Матушлах ибни Идрис Пайғамбари мурсалдур ва Нажиюллоҳ анинг лақабидур". Баъзилар 40 да, айримлар 50 ёшдан кейин унга ваҳий келган дейишган.

Нуҳ (а.) узоқ умр кўрган Пайғамбарлардан ҳисобланади. Қуръони каримда «Нуҳ» сураси мавжуд. Нуҳ (а.) замонида буюк Тўфон воқеаси содир бўлган. Нуҳ (а.) кема ясаб, ҳар бир ҳайвондан бир жуфтдан, барча ўсимликлардан намуна олиб, Ҳаққа иймон келтирганлар билан бирга кемага чиқади ва тўфондан нажот топади. Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида берилишича, бугунги башарият асли Нуҳ (а.)нинг уч ўғли – Сом, Ҳом ва Ёфаснинг авлодларидир. Шу сабабдан Нуҳ (а.)ни «Одами соний» – Иккинчи Одам ҳам дейишади.

"Қиссаси Рабғузий"да унинг асл исми Яшкир эканлиги ва "навҳа бирла йиғламиш учун Нуҳ атанди" дея келтирилган. Унинг бундай йиғлаб илтижо қилишига эса Иблиснинг "Сенинг баддуойинг туфайли барча қавминг қирилиб, дўзахда менга йўлдош бўлдилар", деган гапи эди. Бу гапни эшитган Нуҳ(а.) "Агар сабр қилсам, балки қавмим мусулмон бўлармиди", дея навҳалар тортиб йиғлади. Нуҳ (а.) ўз қавми ичида узоқ умр кўрди, яъни, 950 йил яшайди (Анкабут сураси, 14-оят).

Кун туғардин кун ботарға Нуҳ ялавоч даъвати,
Эллик ўксук минг йил эрди ул рисолат муддати.

У турли илоҳларга, бутларга сиғинган, фитна-фасодга берилган, айниқса, баччавозликка одатланган қавмини тўғри йўлга бошлаб, Аллоҳдан қўрқишга, фақат Унга ибодат қилишга даъват этган. Лекин қавми узоқ йиллар давомида унинг сўзига кирмай, масхара қилган. Ҳатто Нуҳ (а.)нинг хотини ва Канъон деган ўғли ҳам унинг сўзига кирмаган.

Шунда Нуҳ (а.) Аллоҳдан ёрдам беришни, кофирларни жазолашни сўради (Шуаро сураси, 118-119-оятлар). Аллоҳ унинг илтижосини қабул этиб, Нуҳ (а.)га кема ясашни ва барча жониворлардан бир жуфтдан олиб кемага жойлаштиришни буюради. Кейин осмондан жуда кўп ёмғир ёғдиради, ернинг ҳамма томонидан ҳам сув чиқартиради. Осмон суви билан ер суви қўшилиб, улкан тўфон пайдо бўлади. Навоий ёзишича, сув аввал Нуҳ (а.) тандиридин қайнаб чиққан ва олти ойгача бу ҳол давом этган. Тамоми оламни сув босган. Кема уч қаватдан бўлган. Биринчи қаватда ваҳший ҳайвонлар, даррандалар ва чорполар бўлган, иккинчи қаватда паррандалар, учинчи қаватда одамлар жойлашган. Тўфонда барча кофирлар ҳалок бўлган, фақат кемадагилар соғ қолган. Тўфон бошланишидан олдин Нух(а.)нинг Канъон деган ўғли кемага чиқмаган, Нуҳ (а.)нинг оталик меҳри қўзғаб, ўғлини кемага чиқишга ундаган. Аллоҳга куфр келтирган фарзанд эса отасига рад жавоб айтиб, иймон келтиришдан бош тортган ва тоққа чиқиб жон, сақламоқчи бўлган, лекин у тезда сувга ғарқ бўлиб кетган.

(Ҳуд, 45-47-оятлар). Сув пасайгандан кейин кема Жудий тоғи устига келиб тўхтайди. Ер тўфон сувини ютиб битиргач, Аллоҳ Нуҳ (а.)ни кемадан ерга тушишга буюради. Нуҳ (а.) ва унга иймон келтирган 80 киши Мусил деган юрт заминига тушишган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, тўфондан кейин 80 та киши қолади. Бироқ, денгиз касали туфайли мазкур 80 та кишидан фақатгина Нуҳ (а.), унинг уч ўғли (Сом, Ҳом ва Ёфас) ва келинлари тирик қолади. Кейинги одамзод насли шулардан тарқаган. Навоийнинг таъкидлашича, Нуҳ (а.) Турон заминни Ёфасга, Эронни Сомга ва Ҳиндистонни Ҳомга беради. Бу мамлакатлар халқлари бу учаласининг наслидан тарқалган. Шунинг учун ҳам "Ёфасни Абут-Турк ва Сомни Абул-Ажам ва Ҳомни Абул-Ҳинд дебдурлар". Ва Ҳомнинг ранги қора бўлгани учун ҳинд халқи қорадир. Айтишларича, Ҳомнинг ранги шунинг учун ҳам қора бўлганки, Нуҳ (а.) ухлаб қолганида аврати очилиб қолган ва Ҳом кўриб кулган. Ёфас ва Сомлар эса бундан қайтариб, устини ёпиб қўйганлар. Нуҳ (а.) воқедан хабардор бўлиб, Ҳомни дуйи бад қилган. Шунинг учун ҳам ранги қорайиб наслидан Пайғамбарлик кесилган. Нуҳ (а.) кемага чиқишда, Одам (а.) қабридан суякларини олиб ўзи билан кемага олиб кирган. Кемадан чиққандан кейин баъзиларнинг қавлига кўра Мадян ерида, бошқаларнинг фикрига кўра Нажафда дафн қилган.

Навоий шеъриятида Нуҳ тўфони, Нуҳ умри, Нуҳ кемаси, Нуҳ қиссаси, иккинчи Одам каби тушунчалар талмиҳ сифатида келтирилади. Шоир Нуҳ қиссасига алоқадор воқеа ва тимсоллардан ошиқнинг ҳолатлари, кўз ёшлари, умрнинг, дунёнинг бебақолиги ва ҳоказолар ҳақида таъсирли байтлар яратади.

Эй кўнгул, нақди ҳаётинг қил фано йўлида сарф,
Ҳайф эрур гар бўлса умри Нуҳ учун сайфолғудек.

* * *

Эй кўнгул, олам бузарда қай бири ортуғ экин,
Нуҳ тўфониму ашким селининг туғёниму?

ҲУД (а.)

Ҳуд Пайғамбар қиссаси Қуръони каримнинг бир қатор сураларида келган. Алоҳида "Ҳуд" сураси ҳам мавжуд. Бошқа бир сура у зотнинг яшаган жой номи билан "Аҳқоф" деб аталади.

Навоий бу Пайғамбар зикрини бошлашдан олдин баъзи тарих аҳлининг фикрига суяниб, Нуҳ Пайғамбардан Иброҳим (а.) давригача 1500 йил ўтганини ва улар орасида Ҳуд ва Солиҳ (а.)лардан бошқа Пайғамбар юборилмаганини ёзади. Аксар тарихчиларнинг ушбу фикри асарнинг Хантала ибн Савфон бўлимидан кейин ҳам келтирилади, бироқ Навоий бу фикрга унчалик қўшилмаган ҳолда бу орада салтанат соҳиби бўлган 10 кишини, жумладан Искандар Зулқарнайн яшаб ўтганини эслаб ўтади.

Навоий Ҳуд (а.) насл-насабини шундай келтиради: "ул Абдуллоҳ ибни Рамоҳ ибни Ҳорис ибни Ҳорут ибни Аваз ибни Эрам ибни Сом ибни Нуҳнинг ўғлидур. Аксар кутубда ани Обир ибни Солиҳ ибни Арфахшод ибни Сом ибни Нуҳдир". Уни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Од қавмиға юборди. Айтиладики, Ҳуд (а.)ни Аллоҳ таоло биринчи Од қавмига, Солиҳ (а.) ни иккинчи Од қавмига юборган. Ораларида тахминан 100 йил ўтган.

Арабистон яриморолидаги бир тоғ водийсида Од қабиласи бўлиб, улар ниҳоятда бақувват, соғлом, ейиш-ичишдан сероб, об – ҳавоси ёқимли жойда фаровон ҳаёт кечиришарган. Уларнинг “Одий” деб аталишига сабаб ҳаддан ошганликларидир. Араб тилида “одий” – ҳаддидан ошувчи деган маънони беради.

У қавм жуда баланд бўйли ва бақувват бўлишган. Бутга сиғинишган. Ишлари кўп емак ва фисқу фужур эди. Ҳуд (а.) эллик йил уларни иймонға даъват қилди. Улар гердайган, ғофил ва золимликлари туфайли Ҳуд (а.)нинг сўзини тингламадилар, ёмон одатларидин тийилмадилар. Улар орасидан жуда кам киши иймон келтириб, иймонларини махфий тутар эди. Ҳуд (а.) қавмининг саркашлиги боис уларни дуоибад қилди ва дуоси мустажоб бўлди. Тангри таоло уларни қаҳатчилик балосига мубтало қилди, уларга етти йил ёғин ёғмади. Кўл ва булоқлар ҳам қуриди.

Бошқа бир манбаларда бу сана уч йил деб келтирилади: “Аллоҳ таоло Ҳуд (а.)нинг Пайғамбарликларини мўъжиза билан қувватлаш, қавмларига эса тавба қилиб, ҳидоят топиб олишларига имкон беришни ирода қилди ва кетма-кет уч йил бир томчи ҳам ёмғир ёғдирмай, қурғоқчиликка мубтало қилди.

Навоий ёзадики: “У пайтда одат шу эдики, ёмғир ёғмаса, Макка ҳарамиға бориб, қурбон қилиб, Ҳақ таолодин ёғин истаб дуо қилишар эди. Улар Луқмон ибни Одни бир неча киши била ёмғир дуоси учун Маккага юборадилар.

Луқмон ҳам яширин иймон келтирганлардан эди, аммо ораларида баъзиси кофир эрди. Улар дуо қилгач, уч пора булут пайдо бўлди: бирининг ранги оқ, бирининг ранги қизил, бирининг ранги қора. Шунингдек, осмондин, – “Од қавмиға қайси булут керак?”, деган нидо келди. Луқмоннинг йўлдоши кофир эди, қаро булут сувга бой бўлади, деган тамаъ билан қавми учун қора булутни тилади. Тенгри таоло унинг дуоси билан ҳожатини чиқарди. Аслида, у қора булут сарсар ели эдиким, уни “риҳул ақим“ дейдилар. Од қавмига етти кеча ва саккиз кун сарсар ели эсди. Шундай бўлдики, баланд иморатлари йиқилди ва дарахтлар қўпорилди. Ўз кучларига мағрур қавм худди хас-хашакдек елга совурилди, тоғ ва тошга урилиб, бариси ҳалок бўлди. Бу ҳол шаввол ойида “бардул-ажуз” вақтида эди”.

Навоий келтирган ушбу “кампир совуғи” маъносини берувчи “бардул-ажуз” ҳозирда халқ тилида юрадиган “айёми ажуз” (аямажуз), яъни кампир кунларидир. Ривоятларда айтилишича, мазкур қавмга келаётган сарсар елини (ўта кучли, қаттиқ шамолни) биринчи бўлиб ўтин теришга чиққан кампир кўрган экан. Шунинг учун ҳам халқимизда етти кеча ва саккиз кун изма-из эсадиган шамолни “айёми ажуз” – кампир кунлари деб аташ одат бўлиб қолган. Халқ орасида ҳатто “Аямажуз” олти кун, олти ой қишдан қаттиқ кун” деган гап ҳам юради. Бу кунлар кўпроқ феврал ойининг охирлари ва март ойлари бошида бўлар экан. Навоий бу кунлар шаввол ойида бўлиб ўтганини эслатади ва Ҳуд (а.)нинг неча йил яшагани ҳақида ихтилоф борлигини айтади. Аммо «Соҳиби гузида» (Ҳамдулло Муставфий) га кўра – куффор дафъидин сўнгра эллик йил тирик умр кўрибди ва юз эллик яшагандин сўнг оламға видоъ қилди. Ибрий (қадимги яҳудий) тили билан уни (Ҳудни) Обир дейдилар. Ибрий сўзи ҳам Обирдан муштақ (ўзакдош, олинган сўз)дир. Араб Ҳуд деди, яъни набийуллоҳ дейдилар, мўъжизалари кўпдир. Шу жумладин, бири Од қавмини дафъ қилгани эди.

Ул қавми азим дедилар они Од,
Сардорлари Шадид ёхуд Шаддод.

Бир дам елидин оқибат ул аҳли инод,
Хошок каби борчаси бўлди барбод.

Ҳазрамавт аҳолисининг айтишича, Ҳуд (а.) нинг қабрлари – мамлакатнинг шарқида Барҳут водийсидаги Тарям шаҳридадир. Баъзилар Фаластиндаги бир қабрни Ҳуд (а.)га нисбат берадилар, бу нисбат ҳақиқатга тўғри келмайди.

СОЛИҲ (а.)

Солиҳ (а.) – Пайғамбарнинг номи Қуръони каримда тўрт суранинг тўққиз оятида зикр этилган. Солиҳ (а.) Самуд қавмини ҳидоятга чақириш учун юборилган, миллати араб бўлган Пайғамбарлардан. Унинг насаби манбаларда қуйидагича келтирилади: Солиҳ ибн Убай ибн Асаф ибн Фосиҳ ибн Ҳом ибн Самуд ибн Од ибн Эрам ибн Сом ибн Нуҳ (а.)дир.

Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида ёзилишича, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Ҳуд (а.)дан кейин Самуд қавмига Солиҳ (а.)ни Пайғамбар қилиб юборади. Бу қавми Ҳижоз ва Шомнинг ораси жойлашган Ҳижр деган жойда яшаган. Од қавми нобуд бўлганидан сўнг Самуд қавми уларнинг жойига бориб, бузилган иморатларини қайтадан қуриб яшай бошлаган. Бой-бадавлат кун кечираётганлари учун манманликка берилиб, фисқу фасод, гуноҳ ишларга қўл уриб, бутпараст бўлиб кетадилар. Солиҳ (а.) қавмини ҳар қанча оҳират азоби билан қўрқитса ҳам, сўзини қабул қилишмайди. Оз кишигина динини қабул қилади. Аммо Солиҳ (а.) Тангрининг буйруғи билан уларни даъват қилишдан чекинмайди. Қавми мўъжиза кўрсатишини истайди. Яъни дуо қилиб бир харсанг тош ичидан бўталоғи бор бир туя чиқаришини талаб қиладилар. Солиҳ (а.) дуо қилади, Ҳақ таолонинг хоҳиши билан мазкур тош ёрилиб, ичидан бўталоғи бор туя чиқади. Бундай ғаройиб ҳолни кўрган қавм барибир Солиҳ (а.)нинг Пайғамбарлигини эътироф этишмайди. Солиҳ (а.) туяси ўттиз йилгача ваъда қилинган қудуқдан сув ичиб юради. Охир-оқибат Самуд қавми бир неча киши юбориб туяни ўлдиришади, бўталоғи эса тоққа қочиб кетади. Солиҳ (а.) қавмининг бу қилмиши учун Ҳақ таоло улардан интиқом олишидан хабар беради. Уч кун ичида бир кун юзлари сарғайиб, иккинчи кун қораликка мойил бўлиб, учинчи кун батамом қорайиб кетишидан огоҳлантиради. Она туяни ўлдирган бадбахтлар Солиҳ (а.)ни ҳам ўлдириш пайида бўладилар. Шунда Солиҳ (а.)га эргашганлар уларни тўхтатиб, Солиҳ (а.) хабар берган уч кун оз муддат экани, сабр қилиб, унинг айтганларини текшириб кўринг, ана ундан кейин билганингизни қиларсиз, дейишади. Бу сўз уларга ҳам маъқул бўлиб, изларига қайтишади. Аммо Солиҳ (а.) айтган йўсунда уч кунда уч аломат зоҳир бўлади. Сўнгра у қавмда шундай бир ҳолат пайдо бўладики, ўзларини изтироб бирла ерга ура бошлайдилар. Ногоҳ Малакут оламидин бир маҳобатли ун (овоз) келади ва барчалари ҳалок бўлади.

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтади: “Солиҳ қавми ва Шуайб қавмини ўт билан ҳалок қилганини ҳисобга олмаганда Ҳақ таоло икки қавмни бир хил азоб билан ҳалок қилмади. Бироқ буларнинг фарқи шундаки, Солиҳ қавмига ўт оёқлари остидан чиқди, Шуайб қавмига эса осмондан тушди”.

Навоий мазкур ҳалокат вақтида кофир қавмдан фақат икки киши: бири – Солиҳ (а.)ни доим ёмонлаб юрадиган оёқ-қўли фалаж Вазиъа исмли бир заъифа қишлоқ чеккасида қол-

гани учун, иккинчиси, Абузуъол номли бадавлат киши Макка ҳарамида юргани учун омон қолганини ёзади. Бироқ иккаласи ҳам озгина вақтдан кейин илоҳий азоб тушган жойга келиши билан ҳалок бўлишган. Навоий Абузуъолнинг ёнида бир шох олтуни бўлгани ва мазкур олтун билан дафн қилинганини айтиб ўтади. Вақти келиб Пайғамбаримиз с.а.в. шу ердан ўтаётган вақтларида, асҳобга "бу ер Абузуъолнинг дафн этилган жойидир, дея Солиҳ набий ва Самуд қавмининг қиссасини айтиб берганлар ва мазкур шох олтиндин ҳам хабар берганлар. Шунда асҳоблар мазкур жойни қазишган ва олтин олишган.

Манбалардаги маълумотларга кўра, қавми орасидан чиқиб кетган Солиҳ (а.) Шом вилоятига кетган ва у ерда 18 йил, бошқа хабарларга кўра 40 йил яшаган. Бошқа манбаларда эса қавми ҳалокатидан сўнг Солиҳ (а.) издошлари билан Фаластиннинг Ар-Рамла ноҳиясига келиб умрининг охиригача яшаган.

Навоий ёзади: Солиҳ (а.)нинг умри икки юз сексон йилга етти. Нуҳ (а.)нинг шариатида юрар эди. Дафн этилган жойи Ҳарам яқинида Дор ун-Надвада, баъзилар эса Рукн била Мақом орасида ҳам дейдилар.

Навоий Солиҳ (а.) ҳақидаги маълумотларини қуйидаги рубоий билан якунлайди:

Солиҳ келди Самуднинг қавми чоғи,
Толиҳ эди бу қавм боштин аёғи.
Бу турфаки, чарх золининг ўйнамоғи,
Толиҳни доғи қўймади, Солиҳни доғи.

ХАНТАЛА ИБНИ САФВОН (а.)

Ривоятларга кўра Хантала ибн Сафвон қудуқ эгалари, яъни "Асҳобур-расси"га Пайғамбар қилиб юборилган. Бу қавм ҳам Бани Исроил авлодларидан бўлган, "Қудуқ эгалари" қавми ҳақида Қуръони каримнинг икки сурасида (Фурқон, 38–39, Қоф, 12–13) оятлар нозил бўлган. Аллоҳ таоло Бани Исроилга Мусо (а.)ни Пайғамбар қилиб юборгунича ва Мусога Тавротни нозил қилгунича Нуҳ, Од, Самуд, Лут ва Шуайб (а.)ларнинг қавмларидан ташқари яна бир неча қавм оммавий жазога учраган ва ҳалок этилган эди. Бу ҳақда Қуръони каримнинг "Қисас" (Қиссалар) сураси, 43 - оятида эслаб ўтилган. Ҳадисларда ҳам бунга ишоралар бор. Ибн Жарирнинг ривоятига қараганда, Абу Саъид ал-Худрий (р.а.) айтади: "Аллоҳ таоло Таврот нозил бўлганидан кейин ер юзида бирор қавмни осмондан ё ердан бўлган оммавий ҳалокат билан жазоламаган. Илло бир қишлоқ аҳлини маймунга айлантирган". Шундай оммавий қирғинга учраган қавмлардан бири "Асҳобур–расси", яъни қудуқ эгалари қавмидир. Улар шайтон алайҳил–лаънанинг гапига кириб, бузғунчилик ва фоҳишаликнинг тубан одатларини ўзларига касб қилиб олишган эди.

Навоий ёзади: Хантала Қаҳр ибни Қаҳтон ўғли эди. Асарнинг Сом ибн Нуҳ (а.) бўлимида келтирилганидек, Қаҳтон Сом ибн Нуҳ (а.) авлодидандир. Ханталани Тенгри таоло Каломуллоҳда эслаб ўтилган "Асҳоб ур-расс" қавмига Пайғамбар қилиб юборган. Рас Самуд наслидин бўлган бир подшоҳ бўлиб, мағриб заминида у яздонпараст эди. Умри охирида салтанатининг кенгайиб кетиши натижасида унда калондимоғлик ва ғурур пайдо бўлган ва

Тангрилик даъво қилган. Унинг замонида эркаклар турли ҳайвонлар билан қўшилишни одат қилиб олган, хотинлар эса чарм ва теридин ўзларига олат ясаб, фаржларига тиқиб, лаззатланишган. Кейинчалик бу тоифа хотинлар “рас” дейилган. Шунингдек, “рас” қавмида бир-бирига суртиниб таскин топадиган аёллар бўлганки, уларни “саътарий” дейишган. Хантала бу қавмни барча қабиҳ ишларидан қайтариб, Аллоҳга ибодат қилишга даъват қилган. Аммо улар ҳадларидан ошганидан кейин Хантала дуо қилади, уларнинг сувлари қурийди ва улар буни Ханталанинг дуосидин билиб, уни ўлдириш учун лашкар тортиб борадилар. Хантала ҳам ўз яқинларини йиғиб, Тенгри таоло ҳукми била Рас қавмига қарши жангга чиқади. Рас қўшини Хантала томонга бир ўқ отади. Ҳақ таоло қудратидин ул ўқ қайтиб, отган кишига тегиб, уни ҳалок қилади. Жангда Рас ва қавми мағлуб бўлиб, қочиб бир мис ва рухдан ясалган қўрғонға киради, аммо фойда бермайди. Ҳаммаси ҳалок бўлади.

ИБРОҲИМ (а.)

Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да ёзишича, Иброҳим (а.) “улул азм” (“сабот эгалари”) бўлган улуғ Пайғамбарлардан бири, отасининг оти Озар уни Торах деб ҳам айтганлар. У “Куфанинг Кавсармо отлиғ кентидиндур”. Ва Иброҳим (а.) “Намруд ибни Канъон ибни Куш ибни Ирам ибни Сом ибни Нуҳ замонида” туғилган. Иброҳим (а.) Қуръони карим сураларининг йигирма бештасида олтмиш тўққиз марта зикр этилган, у ўзидан кейин ўтган барча Пайғамбарларнинг бобокалони, араблар ва яҳудийларнинг умумий аждоди.

Иброҳим (а.) туғилишидан олдин ўша даврнинг ҳукмдори Намрудга унинг коҳин ва мунажжимлари бир фарзанд туғилиши ва унинг салтанатининг заволга юз тутишидан башорат берадилар. Намруд ҳар қанча тадбир қилмасин бу бола туғилади. Навоий Намруднинг минглаб болаларни қатл қилганини ёзади. Уларнинг сонини баъзилар “етмиш минг”, айримлар “юз минг”деб айтишган экан.

Иброҳим(а.) туғилгандан кейин бошда ҳар хил нарсаларни Худомикан, деб ўйлайди. Лекин уларни ғойиб ва фоний бўлишини кўриб тараддудларга тушади. Охири Аллоҳ унга тўғри йўлни кўрсатади. Шундан кейин Иброҳим (а.) бутга сиғинадиган отаси ва қавмларини ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга даъват этган. Ўша даврнинг золим ҳукмдори Намруд билан кўп баҳслар қилган. Улар ўз динларидан қайтмаганларидан кейин сиғиниб юрган бутларини ушатиб ташлаган. Натижада Намруд подшонинг бўйруғи билан И.(а.)ни ёқиб юбориш учун улкан оловга ташлашади. Лекин Аллоҳнинг иродаси билан оловдан соғ-саломат чиқади. Қуръонда бу воқеа “Анбиё” сураси, 68-72-оятларда келтрилган. Навоий ёзадики, оловнинг кучлилигидан ҳеч ким унинг яқинига боролмас эди. Шу боис Иброҳим(а.)ни манжаниққа солиб ўтга ташлаганлар. “Нақлдурким, ўтқа етмасдин бурун Жаброил алайҳиссалом келиб сўрдиким, ҳожатинг недур? Иброҳим алайҳиссалом дедиким, санга ҳеч ҳожатим йўқтур, ангаким ҳожатим бор. Ул вақтдур Ҳақ таоло малоикага Иброҳим алайҳиссаломнинг сидқу таваккулин кўргузуб, ҳар ойинаким ўтни анга гулистон қилди, Намруд гумроҳға асар қилмай, Иброҳим алайҳиссаломни Бобил шаҳридин ихрож қилдурди”. Оқибат Иброҳим (а.) дуоси билан Намруд лашкарлари улкан пашшалар гуруҳи тарафидан нест-нобуд қилинади. Намруднинг ўзи ҳам бир пашшанинг димоғига кириб қолиши натижасида ҳалок бўлади.

Аллоҳ тарафидан Иброҳим (а.)нинг тушида ўғли (Исмоил)ни қурбонлик қилиш буюрилади. Илоҳий амрга биноан бу ишга ота ҳам, бола ҳам чин дилдан рози бўладилар. Бу ишнинг ҳикматини фақат ўзи билган Аллоҳ боланинг ўрнига қурбонлик учун қўчқор юборади. Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да келтирадики: "Тангри таоло амри била Иброҳим (а.) қурбонға маъмур бўлди. Исмоил алайҳиссаломниким, қурратул-айни эрди, Тангри ризоси учун Мино тоғи устида аёғ-илкин боғлаб, қурбон қилурға пичоқ бўғзиға сурди. Ва Ҳақ таоло анинг сидқи баракотидин қурбонин қабул қилиб, биҳиштдин Исмоил алайҳиссалом эвази Жаброил алайҳиссаломға амр бўлдиким, қўчқор келтуруб, Иброҳим алайҳиссалом ани қурбон қилди".

Маккаи мукаррамада Байтуллоҳ (Аллоҳнинг уйи)нинг бунёд бўлиши, ислом арконларининг бешинчи фарзи - ҳаж қилиш ҳам И. (а.с) номи билан боғланади. Манбаларда Иброҳим(а.)нинг 175 йил умр кўргани, ўғиллари томонидан Мадинатул Халил (Хеврон, Фаластин)га дафн этилгани ёзилган. Бу қабр зиёратгоҳ ҳисобланади. Навоий китобида келтирадики: "...ва Иброҳим алайҳиссаломнинг умри ихтилофида юз тўқсон беш йил дебдурлар. Ва Шом навоҳийсида Жабрун қарясида Тангри таоло раҳматиға борди ва ани Сора ёнида дафн қилдилар. "...Иброҳим исмининг маъноси "Раҳмдил ота" (Абу Роҳим)дир". "Қисаси Рабғузий" асарида, "Иброҳим ва Абраҳом. Бу қамуғ (барча) луғатлар дурусттурур, яъни Абун раҳимун – бағирсоқ (меҳрибон, раҳмдил, оққўнгил) ота темак бўлур" деб келтирилади.

Навоий унинг лақаби "Халилуллоҳ ва Халил ул-раҳмон" эканини айтади. Маълумки, Иброҳим(а.) исмига, кўпинча, Халиллулоҳ сифатида қўшиб ишлатилади.

Навоий келтирган "Абуз-зифён", яъни "Меҳмонлар отаси" куняси эса унинг ҳеч вақт меҳмонсиз овқатланмаслигига ишорадир. Иброҳим (а.) тасаввуф адабиётида футувват – жавонмардлик тариқатининг асосчиларидан, деб кўрсатилади. Абдураҳмон Жомий ёзади:

Бути худро бишкан хору залил,
Номвар шав ба футувват чу Халил.

Ўз бутингни (нафсингни) хор ва залил қилиб синдир. Халилга ўхшаб жавонмардликда машҳур бўл. Зеро, Иброҳим(а.)нинг Қуръони каримдаги сифатларидан бири "Фатий"дир. Баъзи манбаларда унинг "Абул-фатийён" фатийлар, жавонмардлар отаси сифати келтирилади. Бу эса Иброҳим(а.)нинг футувват, яъни жавонмардликнинг бошида турган зотлардан эканини билдиради.

Иброҳим Халилуллоҳ Намруд замонида одамларни тавҳид – яккахудоликка даъват қилгани учун Намруд томонидан манжаниқ билан оловга ташлангани ва Аллоҳ таоло амри билан олов салқинлик ва омонликка айлангани, Навоий ижодида кўп қўлланган талмеҳлардан биридир:

Жамолинг партавидин шамъ ўти гар гулситон эрмас,
Недин парвона ўт ичра ўзин солур Халилосо?

То ани ичкач, Навоийға очилғай гулситон,
Гар сабукруҳона кирса ўтқа андоққим Халил.

Оҳим кўнгулни кўюнг аро солса не ажаб,
Гулзор аро Халил тушар манжаниқдин.

ЛУТ (а.)

Қуръони каримда йигирма етти марта номи зикр қилинган Пайғамбар. У Ҳаррон шаҳри (Месопотамия) да таваллуд топиб, Иброҳим (а.) билан бирга Фаластинга борган. Садум, Амура ва унинг атрофларидаги ерларда чорвачилик билан шуғулланган. Пайғамбар бўлганидан кейин бу юртлардаги одамларни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга, гуноҳ ишлардан, тавба қилишга чақирган. Бутпарастлик ва баччавозлик иллатига мубтало бўлган халқ эса унинг сўзига қулоқ солмаган, азиятлар етказишган, ҳатто юртидан ҳайдаб чиқармоқчи бўлишган.

Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да ёзишича, Лут (а.) “Иброҳим алайҳиссаломнинг қардоши Ҳорун ўғли”дир. Тангри уни беш ёки етти шаҳардан иборат бўлган, бутпарастлик ва баччабозлик авж олган Муътафикот минтақаси халқини тўғри йўлга бошлаш учун Пайғамбар қилиб юборади. Баъзи тарихчилар Муътафикот – Лут биёбони номи билан машҳур бўлган Сийстон билан Кирмон орасидаги шаҳарлар десалар, айримлари Шом мамлакатидаги Ардо ноҳияларидир, дейишган.

Лут (а.) бу қавмини йигирма йилдан ортиқ даъват қилган бўлса ҳам, озгина кишилар унга эргашган. Бу қавмнинг энг ёмон одатларидан бири, юртларида пайдо бўлиб қолган мусофирлар билан фаҳш ишлар қилишга шошилишарди. Лут (а.) уларни тарбиялашдан ожиз қолгандан кейин дуойи бад қилади.

Лут (а.) қариндоши Иброҳим алайҳиссаломдек меҳмонпарвар бўлган. Бир куни Ҳақ таоло Лут қавмини ҳалок қилиш учун унинг уйига фаришталарни ёш йигитлар суратида юборган. Лут (а.) уларни танимай зиёфат қилмоқчи бўлган. Бу меҳмонлардан хабар топган қавми Лут (а.) дан меҳмонларни топширишни ва мақсадларини қондиришни талаб қилишган. Лут (а.) эшигини маҳкам ёпиб, эрталабгача улардан муҳлат сўраган.

Ярим кечаси фаришталар Лут (а.) га ўзларини танитиб, нима мақсадда келганликларини айтишган ва унга яқин кишиларини олиб, шаҳардан чиқиб кетишини тайинлашган. Лут (а.) шаҳардан чиқиб кетгандан кейин Жаброил алайҳиссалом у шаҳарни остин-устин қилган, кавмнинг барча аҳолиси осмондан ёққан сижжил тоши остида ҳалок бўлган. Ҳатто кофир қавмидан бўлгани учун Лут (а.)нинг хотини ҳам у тошдан ҳалок бўлган. Бу воқеа Қуръоннинг "Ҳижр" сураси, 61-65-оятлари ва 74-оятида баён қилинган. Кейинчалик бу динсиз қавм яшаган шаҳар ўрнида денгиз пайдо бўлган ва у "Ўлик денгиз" ва "Лут ороли" деб номланади. Лут (а.) Иброҳим (а.) қабри ёнида дафн этилган.

Гар Лут ва гар ливота аҳли –
Ким кетгали келдилар жаҳонға.
Кўргузмади бу жаҳони ғаддор,
Не яхшиға меҳр, не ёмонға.

ИСҲОҚ (а.)

Қуръони каримда Исҳоқ (а.)нинг номи 17 оятда зикр қилинган. Навоий ёзади: “Исҳоқ (а.) Пайғамбари мурсалдир. Ҳақ таоло уни Шом (Сурия) аҳлиға юборди ва у Шом халқини Аллоҳ таоло ибодатига далолат қилди. Унинг амакисининг қизи Руфақодан икки ўғли бор эрди. Бирининг исми Ийс, яна бирининг исми Яъқуб.

Исҳоқ (а.) ва Исмоил (а.)лар ота-оналари кексайган пайтда туғилган фарзандлардир. “Менга кексалик пайтимда Исмоил ва Исҳоқни ҳадя қилган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин”. (“Иброҳим” сураси 39-оят).

Исҳоқ (а.) фарзандларидин Ийс кўпроқ ов қилишга мойил бўлган Яъқуб (а.) эса қўй боқиш (подачилик) билан шуғулланган. Шом мамлакатида Исҳоқ (а.)нинг кўзлари нобино (кўр) бўлди. Исҳоқ (а.)нинг Ийсга нисбатан муҳаббати баланд эди, хотини Руфақонинг эса Яъқубга меҳри кучли эди. Бир куни Исҳоқ (а.)нинг кўнглига қовурилган гўшт ейиш майли келди. Ийсни чақириб, ўзининг орзусини унга изҳор қилди. Ийс ўқ-ёйларини олиб, тоғ томон овга кетди. Руфақо бу ҳолатдин воқиф бўлуб, Яъқуб (а.)га вазиятдан хабар берди ва дарҳол бир семиз қўзини қовуриб, Исҳоқ (а.) ҳузурига олиб киришга ундайди.

Кўзи кўр бўлган ота қовурилган гўштни ким олиб кирганини билмади ва Яъқубни Ийс деб ўйлади. Овқатлангач, ота ўғлига узундан узоқ дуо қилди ва ўғлининг зурриётидан кўплаб анбиёлар чиқишини тилайди. Бу дуо мустажоб бўлиб, Яъқубнинг авлодларидан кўплаб Пайғамбарлар чиқади.

Сўнгра Ийс ҳам отаси истаган таомни ҳозирлаб келади. Шунда Исҳоқ (а.) Ийсга “кўп султонлар сенинг наслингдан чиқсин”, деб дуо қилади. Баъзи тарихчиларнинг айтишича, “Собир Пайғамбар ҳам сенинг наслингдан бўлсин”, деб дуо қилади. Шу сабаб Айюб (а.) Ийс авлодидан чиққан.

Бироқ шу вазият туфайли ака-ука ўртасига адоват тушади. Яъни Ийсда укаси Яъқуб (а.)га хусумат пайдо бўлади. Шу сабаб Яъқуб (а.) унинг бирор шумлик қилишидан хавфда юрар эди. Буни фаҳмлаган Исҳоқ (а.) вафотидан олдин Яъқуб (а.)га тоғаси Лубнон юртига кетишга рухсат беради. Шунинг учун Яъқуб (а.) Канъон юртига ҳижрат қилади. Исҳоқ (а.)нинг умри бир юз саксонга етганда вафот этди ва Иброҳим(а.) ёнига дафн қилинади. Айни шу й.и Юсуф (а.) Миср азизи бўлган эди. Навоий Исҳоқ (а.) зикри сўнггида қуйидаги байтни келтириб ўтади:

Хизрға насиб ўлса ҳайвон зилоли,
Скандарга ичмакка йўқ эҳтимоли.

ЯЪҚУБ (а.)

Яъқуб (а.)нинг номи Қуръони каримда ўнта суранинг ўн етти оятида зикр этилган. Яъқуб Исроилуллоҳ ибн Исҳоқ Сафиюллоҳ ибн Иброҳим Халилуллоҳ. Уламолар “Исроил” сўзининг маъносини турлича талқин қилганлар. Жумладан, “абдуллоҳ”, “руҳуллоҳ” деган маъноларга ҳам эга. Баъзи ривоятларга кўра, у Байт ул-муқаддасда хизмат қилиб, чироқла-

рини ёқиб чиқар эди. Ҳар куни жами 600 та чироқ ёқиларди. Шайтон келиб чироқларни ўчириб кетарди. Бир куни панада туриб, Шайтонни ушлаб олади ва бўйнидан занжир ўтказиб, бир теракка боғлаб қўяди. “Иср” сўзининг маъноси “асир олиш” дегани. Бошқа бир қарашга кўра, Иср – асир, банда, Ил эса – Тангрининг номи, яъни Тангрининг қули, бандаси деган маънони беради.

Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамода” хабар беришича, Яъқуб (а.) Пайғамбари мурсалдир ва кўп Пайғамбарлар унинг наслидан чиққан. Уни Исроил дерлар. Отаси Исҳоқ (а.) вафот этган кечаси акаси Ийсдан хавфи борлиги учун Яъқуб (а.) Канъондин махфий тарзда Шом диёрига чиқиб кетади. Бунинг сабаби шундаки, бир куни Исҳоқ (а.)нинг кўнгли кийик гўштини тусаб қолади. Шунда онасининг гапи билан Яъқуб (а.) отасининг олдига қўзи гўштини олиб кириб икром қилади. Кўзи кўр бўлган ота Яъқуб (а.) олиб кирган гўштни егач, авлодларидан кўп Пайғамбар чиқишини Аллоҳдан сўраб дуо қилади. Ваҳоланки, ота Ийсни яхши кўрар эди. Ийс овга кетиб, кийик гўштини олиб келганда воқеадан хабар топади ва дили ранжиб, акасига нисбатан адоват пайдо бўлади.

Навоий ёзишича бу сафарда бир кеча Яъқуб (а.) туш кўради. Тангри таоло унга хитоб қилиб, Байт ул-Муқаддас биносини қуришни буюради. Бундан маълум бўладики, Қуддусдаги Байт-ул Муқаддасни Яъқуб (а.) қурган ва яҳудийларнинг илк ибодатгоҳларини ҳам шу Пайғамбар барпо этан. У ерда Яъқуб (а.)нинг авлоду зурриётлари ҳоким бўлиб, Пайғамбарлик ва салтанат қуриб, халқни ўз ҳимоятларида шод ва хурсанд асраганлар.

Яъқуб (а.) уйғониб, хурсанд бўлиб, отасининг унинг ҳақига қилган дуоси ижобат бўлганини сезиб, йўлга тушади. Кўп мамлакатларни кезиб, Лубнон яшаётган жой – Фидон деган ерга етиб бориб, у ерда маскан қуради. Яъқуб (а.)нинг суҳбати Лубнонга ёқиб қолади. Яъқуб (а.) унинг Лаййо исмли қизининг қўлини сўрайди. Бироқ унга уйланишга маблағи бўлмагач, етти йил Лубнонга қўй боқиб бериш шарти билан қизига уйланишини келишиб оладилар. Аммо муддати етгач, никоҳ кечаси Лубнон ўзининг Роҳил исмли катта қизини унга никоҳлаб беради. Яъқуб (а.) буни билгач, Лубнондан хафа бўлади. Шунда Лубнон, “Катта опаси уйда қолиб, кичигини никоҳ қилиш муносиб эмас, агар кўнглинг Лаййога уйланишни истаса, яна етти йил хизмат қилиб бер, уни ҳам сенга никоҳлаб берай” дейди. Яъқуб (а.) унинг айтганини қилиб, етти йилдин сўнг Лаййони ҳам никоҳлаб олади. Лаййо ўзининг Фалиҳа ва Залифа исмли икки канизаги билан Яъқуб (а.)нинг уйига келин бўлиб боради. Уларнинг шариатида опа-сингилни бир киши никоҳ қилиб олиши мумкин эди. Мусо (а.) замонида бу иш бекор бўлди. Кўпчилик тарих аҳлининг фикрига кўра, Яъқуб (а.)нинг Лаййодан олтита ўғли бўлган: Рўбил, Шамъун, Яҳудо, Лоди, Зарбун, Яшхар. Роҳилдан Юсуф (а.) ва Ибн Яминлар. Канизак Фалиҳадан Дон ва Нафқол, канизак Зулфадан Ков ва Асра дунёга келишган. Яъқуб (а.)нинг фарзандлар кўп бўлгандан кейин хизматкорлари, чорвалари ва бошқа моллари кўпайиб кетган.

Яъқуб (а.) кейинчалик ғурбатдан ватанига қайтади. Акаси Ийс эса сафар ихтиёр қилиб, Рум сари йўлга тушади. Ийснинг амакиси Исмоил (а.) қизидан бешта ўғли бор эрди. Шулардан бирининг исми Рум бўлган ва шу мамлакат унинг номи билан аталган. Рум қайсарлари унинг наслидандир.

Айрим тарихчиларнинг ёзишича, Ийс оламдан ўтган кун Яъқуб (а.) ҳам Канъонда вафот этган. Шеър:

Яъқубни ҳам сипеҳри пурфан,
Берди неча кун жаҳонда маскан.
Паймонайи умри чунки тўлди,
Даврон анга доғи узр қўлди.

Яъқуб (а.) ҳақида гап борганда ҳуснда тенгсиз бўлган ўғли Юсуф (а.) қиссаси, унинг туш кўриши, ҳасадчи ўгай қардошлари томонидан карвончиларга сотилиши, Мисрдаги Зулайхо билан бўлган можаролар, зиндонга тушиши, туш таъбир қилиши ва Пайғамбарона фаросати туфайли Мисрга ҳоким бўлиши ёдга тушади. Яъқуб (а.) эса ўғли Юсуф фироқида уйнинг бир бурчагида тунларни йиғлаб ўтказади ва кўр бўлиб қолади. Бу уйни "байт ул-аҳзон" (Ғамлар уйи") деб атайдилар. Юсуф (а.) подшо бўлгандан сўнг отасига ўз кўйлагини тириклик ва соғинч нишонаси сифатида юборади, кўйлакни кўзига суртган отанинг кўзлари очилади.

Навоий шеъриятида Яъқуб (а.) воқеасига ишора қилиб, ўз ёридан айро тушган ва уни соғиниб яшаган ошиқ ҳолатини тасвирлайди. «Байт ул-аҳзон» воситасида эса ғам, алам ва ҳижрон дардига мубтало бўлган ошиқ ҳолати ва унинг маҳзун маскани назарда тутилади.

Ё фалак берди йиғи кўр айлаган Яъқубнинг
Кўзлари очилмоқ учун Моҳи Канъон муждасин.

* * *

Юсуфум ҳажрида Яъқуб ғам ичра, мутрибо,
Ўйламенким, хушлуғум йўқ нағмайи Довуд ила.

ЮСУФ (а.)

Яъқуб (а.)нинг ўғли. Қуръонда Юсуф (а.)нинг қиссаси **«энг гўзал қисса»** дея таърифланади ва у «Юсуф» сурасида тўлиқ келтирилади. Навоий ёзишича, Юсуф (а.)нинг машҳур қиссаси тўғрисида бир қатор назм ва наср аҳли, жумладан, Фирдавсий ва Жомийлар, Хожа Масъуд Ироқий ва яна бир қатор азизлар бу мавзуда қалам тебратган. Ўзи ҳам "ИншоАллоҳ, умр омонлик берса, турк тили била" Юсуф қиссаси тўғрисида асар ёзишни ният қилиб, шундай байт келтиради:

Ҳақ бу тавфиқни насиб этгай,
Ё насиб улча Тангридин етгай.

Навоий бу борада ёзади: Юсуф (а.) бани одам жинсининг жамилроғидур. Бир куни ўз юзини кўзгуда кўруб, ҳуснининг истиғносидан ғурурга кетди ва кўнглидан"оё агар мен қул бўлсам эди, менинг баҳоимни ким бера олгай экан?"деган фикр кечади. Ҳақ таоло ғайрат кўргузиб, шундоқ тақдир қилдики, оғолари Юсуфни ўн етти (қалб) дирҳамга сотдилар".

Ўгуб жаннат гулин воиз тиларким, айласам савдо
Неча эски дирамға Юсуфум, вах, кўргил идрокин.

Юсуф (а.)нинг беқиёс ҳусни, отаси Яъқуб (а.)нинг унга бўлган чексиз муҳаббати, акаларининг Юсуф (а.)га ҳасад қилиб уни қудуққа ташлашлари ва арзимаган пулга Миср карвонига қул қилиб сотиб юборишлари ҳикоя қилинади.

Мисрга кетаётган карвонга сотилган Юсуф (а.)нинг бошидан кечирганлари, уни Мисрда Малики Райённинг хазиначиси бўлган Миср азизи сотиб олиши, Азизнинг Зулайҳо исмли хотини бўлганлиги ва унинг Юсуфга ошиқ бўлиб қолгани кўпчиликка маълум. Бу вақтда Юсуф (а.) ўн етти ёшида эди. Зулайхо ўз ниятига эриша олмагач, Азизга Юсуф (а.)дан шикоят қилади. Азиз воқеани суриштиргач, Зулайхонинг ёлғондан Юсуф (а.)га туҳмат қилгани маълум бўлади. Бу гап Миср аҳли орасида ёйилиб кетади ва Зулайхо “фалон канъоний қулға ошиқ бўлуб, ўзин халқ тилига солибдур” деган таъна маломатлар ичида қолади. Зулайхо бу ҳолат ўз қўлида бўлмаганини таъначилар ва таннозларга билдириб қўйиш мақсадида зиёфат уюштиради. Улар Юсуф (а.)ни кўргач, олдиларида турган меваларни кесиш учун олиб келинган пичоқлар билан мевалар ўрнига қўлларини кеса бошлайдилар. Аёллар ўз ҳолларидан воқиф бўлб, Зулайхони маъзур тутадилар...

Қуллик даврида Юсуф (а.) ва Миср Азизининг хотини – Зулайхо ўртасидаги можаролар, туҳмат билан зиндонга тушиши, тушларни тўғри таъбир қилиш мўъжизаси, умрининг охирида сабри ва лаёқати туфайли Мисрда азиз бўлгани акалари билан учрашиб, уларни кечиргани ҳикоя қилинади. Отасининг унинг фироқида йиғлаб кўзлари кўр бўлганини билган Юсуф (а.) тириклиги ва соғинч нишонаси сифатида кўйлагини отасига юборади. Кўйлакни кўзига суртган отанинг кўзлари очилади.

Навоий учун Юсуф қиссаси ижод ва илҳом манбаи бўлган. Юсуф гўзаллик, поклик ва донишмандлик тимсоли бўлса, Яъқуб маъшуқи васлини қўмсаган, унга нигорон ва интизор бўлган садоқатли ошиқ сифатида келтирилади.

Гулрухум ёди била кўнглум эрур гулга ҳарис,
Ким берур Юсуф иси қон аро юз пора қамис.

* * *

Истаб ул бутни хирад белида зуннорин кўрунг,
Бир калоба ип била Юсуф харидорин кўрунг.

* * *

Ё фалак берди йиғи кўр айлаган Яъқубнинг
Кўзлари очилмоқ учун Моҳи Канъон муждасин.

ХИЗР (а.)

Мусулмон Шарқи ёзма ва оғзаки адабиётида кенг тарқалган тимсоллардан бири. Хизр (а.)нинг номи Қуръони каримда учрамаса ҳам, “Каҳф” сурасида Мусо (а.) билан мулоқот қилган “солиҳ” одамнинг Хизр (а.) эканлиги кўп тафсирларда қайд этилган. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” ва Низомийнинг “Искандарнома” каби асарларида Хизр, Искандар билан ҳаёт сувини излаб зулмат диёрига сафар қилишади. Улар айри – айри йўллардан излашга

тушишади. Бу сув булоғини топиб ичиш Искандарга эмас Хизрга насиб этади ва у қиёматга қадар ҳаёт бўлиш бахтига эришади. Шунинг учун ҳам “Хизр умри” деган ибора абадийлик, барҳаётлик рамзига айланиб кетган. Кўпгина мусулмон бўлмаган олимлар Хизр(а.)нинг турли мифологик тасаввурлар асосида пайдо бўлган мифик образлардан бири, яхшилик ва эзгулик ҳомийси сифатида талқин қилганлар. Аммо Хизр(а.) тўлақонли ва кенг қамровли образ сифатида исломий адабиётларида акс этган. Унинг исми баъзи манбаларда Биқё бин Милкондир дейилади. Абу Абдуллоҳ Сулаймон Жазулийнинг “Далойил ул-хайрот” китобида Хизрнинг куняси Абулаббос, Хизр унинг лақабидир. Қуриб қолган ўт-ўлан устига ўтирганда яшил майсага айлангани учун Хизр (яшил, яшиллик) деб аталган. Ривоятга кўра, Хизр (а.)нинг тўлиқ насаби Балё (ёки Илё) ибн Милкон ибн Фолиғ, ибн Обир, ибн ибн Солиҳ, ибн Арфахшад, ибн Сом, ибн Нуҳ алайҳиссаломдир. Ибн Жарир ат-Табарийнинг ёзишича, Хизр Афридун ибн Исфий замонида яшаган олимлардан бўлиб, Мусо (а.) ўз даврида у билан учрашган. Баъзилар Иброҳим (а.) даврида яшаган дейишса, айримлар ундан озроқ ё кўпроқ вақтдан кейин чиққан дейишади. Унинг Пайғамбар ё вали бўлгани ҳақида ҳам уламолар ўртасида ихтилоф бор. Сўфий уламоларининг қарашларига кўра, у “оби ҳаёт” сувини ичгани учун қиёматга қадар тирикдир, бизнинг орамизда юрадию аммо кўзимиздан пинҳондир. Ва баъзи солиҳлар у билан мулоқот қилади”. Исми “яшил” деган маънони билдирувчи бу зот ҳақида Имом Бухорий ривоятларида, Абу Ҳурайра (р.а) айтадилар: Пайғамбаримиз с.а.в. дедилар: “Хизрнинг шу ном билан аталишига сабаб шуки, у оппоқ (шўр) ерга ўтирса ҳам ўрнидан туриши билан у ердан яшил майсалар униб чиқарди”.

Уламолар Хизр (а.)нинг насаблари, исмлари, Пайғамбарликлари тўғрисида ихтилоф қилганлар. Қуръон каримнинг “Каҳф” сураси, 65-оятида Хизр ҳақида шундай дейилади:” Бас, бандаларимиздан бир бандани топдиларки, Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат (яъни Пайғамбарлик) ато этган ва Ўз ҳузуримиздан илм берган эдик”. Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”ини шарҳлаган Ломиий Чалабий асар муқаддимасида юқоридаги оятдан келиб чиқиб, Хизрга: бандалик сифати, Аллоҳнинг раҳмати ва ладуний илм хос эканлигини алоҳида таъкидлайди. Навоий “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий” достонларида Хизр(а.)нинг ҳомийлиги, донолиги ва Искандар билан бирга сафар қилгани тасвир қилинса, “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида бир қатор авлиёларнинг Хизр билан суҳбат қурганларини алоҳида таъкидлайди. Чунки тасаввуфда Хизр билан учрашган авлиёнинг даражаси юксак ҳисобланган.

Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Хизр (а.)ни мурсал (юборилган Пайғамбар) эканлигини ёзиб, “Арфахшад ибни Сомнинг ўғлонларидиндур ва Зулқарнайн замонида анинг мулозими эрди” дейди. Бошқа бир манбада ўқиймиз: “Агар Хизр (а.) Пайғамбар эмас, балки валий бўлганида, Мусо (а.)га “Бас, агар менга эргашсанг, то ўзим сенга айтмагунимча, бирор нарса ҳақида мендан сўрамагин!” дея бундай усулда гаплашмаган бўларди ва Хизр (а.) Мусо (а.)нинг истагини рад этамаган бўларди ва ҳоказо.

Манбаларда Хизр(а.)нинг Илёс (а.) билан қариндошлиги, уларнинг қутблар билан мулоқот қилиши, ҳар беш юз йилда умри, куч ва қувватини янгилаши, уйланиб бола-чақа қилиши, лекин ҳеч ким уни билмаслиги, ҳатто ҳазрат Пайғамбаримиз билан учрашгани ва ҳадислар ривоят қилгани, баъзиларга муҳим дуоларнинг ўргатгани айтилади.

Навоий ёзишича, Искандар Зулқарнайн тириклик сувини излаб зулматга кирганида Хизр (а.) уни бошлаб кирган эди. Шунингдек, Илёс (а.) ҳам улар билан бирга эди. Аммо тириклик сувини Аллоҳ таоло Хизр ва Илёс (а.)га насиб қилди, дейди.

Хизрға насиб ўлса ҳайвон зилоли,
Скандарга ичмакка йўқ эҳтимоли.

Айрим манбаларда “тириклик суви”дан мурод илми ладуний эди дейилади. Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида баъзи авлиёларнинг Хизр (а.) билан учрашгани ҳақида маълумот берса, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да хабар беришича, аҳли ислом эътиқодига кўра, Хизр (а.) абадий ҳаётга эришган. Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу асарида битилишича, у Сабзаворнинг Кавк шаҳридан бўлиб, ислом динининг имом Шофеъий мазҳабидадир.

Бир куни Малак ул-мавт (ўлим фариштаси) келиб, жонини олмоқчи бўлади. Хизр (а.) қаттиқ оҳ тортиб йиғлайди. Ҳазрат Азроил: “Жонингизни олаётганим учун йиғлаяпсизми?” деб сўради. “Йўқ, Аллоҳ таолога ибодат қилишдан қоляпман, шунинг учун йиғлаяпман”, дейди. Шу пайт хитоб бўладики: “Ниятинг шу бўлса, қиёматгача умр бердим”. Шу боис қиёматга қадар у зот тирикдир.

Навоий шеъриятида Хизр образи абадий мангулик рамзи, ҳаёт ва ишқ тимсоли, раҳнамо – пир, дарвешлик ва руҳий ҳурлик намунаси сифатида энг кўп қўлланилган образлардан ҳисобланади. “Тириклик суви”ни излаб топган ва ундан ичган, донишманд зот сифатида ардоқланган. Одамларга йўлдошлиги билан машҳур.

Навоий девонларида талмеҳ сифатида энг кўп учрайдиган образлардан бири Хизр ва у билан боғлиқ ривоятлардир. “Хизр суви”, “Хизр чашмаси”, Хизри раҳ” ва “Хизр умри” каби иборалар Навоий ғазалларида бот-бот тилга олинади ва янги-янги маънолар кашф қилинади. Шунингдек, айрим сўфиёна истилоҳларда, Хизрдан мақсад баст – кенгликка ишора бўлса, Илёсдан мақсад қабз – торликга ишорадир. Хизр сўзи кўпинча хат билан ёнма-ён келади ва

Хат санга Хизру, лабинг – чашмаи Хизр,
Нутқунг – ул чашма аро оби ҳаёт.

Навоий ижодида “Хизр суви” абадийлик, абадий сўз, буюк саодат, ёрнинг латиф сўзи маъноларида қўлланади. Шунингдек, ёрнинг хати Хизрга, оғзи Хизр эришган тириклик сувига ташбиҳ қилиниб, солик тарафидан қўлга киритилган мақсад ва ишқий сирларга далолат қилади.

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.

Шоир демоқчики, эй соқий, вақтики, амал ва мартабалардан кечиб сенинг гадойинг бўлдим, (гадо бўлиб сендан май тиладим) насибам доимо Жоми Жам ва Хизр суйи (оби ҳаёт) бўлди. Байтда соқий, муридига илоҳий файз улашадиган руҳоний пир, муршид, Жоми Жам ва Хизр суйи эса истиора йўли билан қадаҳ ва май (илоҳий файз ва ишқ) маъносида қўл-

ланган. Юқоридаги байтда Хизр суви май ўрнида қўлланиб ардоқланган бўлса, бошқа бир байтда ҳабиб (дўст, севикли) ишқига қараганда “ҳаёт суви”нинг қадрсиз экани очиқ айтилади. Хизр ҳабиб ишқи тарафга эмас, “ҳаёт суви” сари қадам ташлагани учун вақтни беҳуда ўтказган.

Ҳабиб ишқи аро буки ўлмадинг, эй Хизр,
Ичиб ҳаёт суйи, зойеъ айладинг авқот.

Қуйидаги байтда жонон (ёр) сари қўйилган бир қадам юзта Хизр умридан афзал экани таъкидланади.

Юз Хизр умридин ортуғроқдурур минг жон бериб
Бир қадам қўймоқ, муяссар гар бўлур, жонон сари.

Навоий шеъриятида Хизр образи абадий мангулик рамзи, ҳаёт ва ишқ тимсоли, раҳнамо – пир, дарвешлик ва руҳан ҳур инсон намунаси сифатида қўлланади. Шунингдек, Хизр суйи, Хизри роҳ, оби ҳайвон (ҳайвон суйи), каби истиоравий атамалар ҳам турли маъноларда келади.

Лабинг хат зоҳир этти, Хизр умри берсалар ўлгум,
Хусусанким Хизрға ҳамдам ўлғай оби ҳайвонинг.

* * *

Қўлда, эй Хизри раҳим, хаста Навоий қўлини,
Ким бу йўл пўясидин бағри анинг толди яна.

* * *

Жонға зулфунг тобидин ул лаъли хандондур ғараз,
Хизрға зулмат тилардин оби ҳайвондур ғараз.

* * *

Юз Хизр умридин ортуғроқдурур минг жон бериб
Бир қадам қўймоқ, муяссар гар бўлур, жонон сари.

АЙЮБ (а.)

Қуръони каримда Айюб (а.) исми 4 марта (4:163, 6:84, 21:83, 38:41) зикр этилган, Пайғамбар. У Яъқуб Пайғамбарнинг акалари Ийснинг (баъзи манбаларда Айс) зурриётидан бўлиб, насаби Айюб ибн Маъсуб ибн Равоҳ ибн Рум ибн Ийс ибн Исҳоқдир.

Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида “Айюби Сабур (а.)” ҳақида алоҳида фасл ажратиб, унинг онаси Лут (а.) қизи, отаси эса Ийс ибни Исҳоқ (а.) авлодидин эканини, туғилган

жойи Рум, аммо Шомда яшаганини ёзади. Кўп мол-дунё ва ўнта ўғил соҳиби бўлган Айюб ўз вақтини бошқа нарсага сарфламасдан фақат ибодат билан шуғулланган.

Айюб (а.)ни Аллоҳ таоло иккита синовга дучор қилади: биринчиси, бутун мол дунёлари йўқ бўлиб, фарзандлари ҳам том остида қолиб нобуд бўлади. Иккинчидан, оғир дардга мубтало бўлиб, баданлари қуртлаб кетади, тиллари ва қалбларидан бошқа соғ жойлари қолмайди.

Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо" келтирганки, Айюб (а.) тасбиҳ ва ибодатга берилгани учун Аллоҳ таоло унинг ҳолатини фаришталарига кўрсатиб, "Мани ибодатимдан ўзга нарсаларга парво қилмайди", деб фахрланган. Фаришталар Худога айтадиларки, Сен унинг кўнглини ҳамма нарсадан хотиржам қилганингдан кейин, албатта, ибодатингдан бошқа нарсани қилмайди. Шунда Аллоҳ фаришталарга ҳар қандай ҳолатда Айюб (а.)нинг ибодатни тарк этмаслигини айтади ва уни синовларга, пайдарпай балоларга мубтало этади.

Навоий асарда Айюбнинг хотини Раҳиманинг вафодорлигини эътироф этгани ҳолда, барча қийинчиликлар тугаб, рўшноликка эришишганидан сўнг "жазолангани"ни ҳам эслатиб ўтади. Бунинг сабаби эса шайтони лаъиннинг Раҳимага қилган иғвоси эди. Бир куни эрига егулик излаб юрган Раҳимага аёл суратида кўринган шайтон унинг сочи эвазига пул таклиф қилади. Ноилож қолган Раҳима сочини қирқиб сотади. Иғвогар шайтон эса ундан олдин келиб, Айюбга хотинини сочини кўрсатиб, бўлмағур иғволар қилади. Хотини келгач, сочи кесилганини кўрган Айюб (а.) агар тузалса, шу иши учун унга юз дарра урушини ўзига ўзи ваъда бериб қўяди.

Аллоҳ таоло Айюб (а.)нинг дуоларини ижобат қилганидан кейин оёқлари билан ерни тепиш ва шу ердан чиққан булоқ суви билан ювиниб ва ичиб покланишни буюради.

Айюбнинг хотини ҳақидаги ўзига берган қасамини Навоий шундай изоҳлайди: "Ва Раҳиманинг поклигига тануғлуғ бериб, машҳурдирким, юз супургу йиғочни бир-бирига боғлаб, Раҳима учасиға уруб, аҳд уҳдасидии чиқти..." Демак, Раҳиманинг пок эканига ва бу шайтон иғво солганига тануғлик (белги) бўлганидан кейин бу вазиятдан Айюб (а.) Раҳимани супургининг юзтасини боғлаб бир маротаба урганини айтиб ўтади. Навоий Айюб (а.) қиссасини дунёнинг бебақолигини ифодаловчи қуйидаги байт билан якунлайди: Ш е ъ р:

Бесабр улус гарчи жаҳондин кетти,
Айюб сабур доғи кетмай нетти.

Навоий ижодида Айюб (а.) сабр тимсоли сифатида келтирилади:

Гар Айюб сабр этти турлук балода,
Вале кўрмади ҳажр шоми балосин.

ШУАЙБ (а.)

Машҳур Пайғамбарлардан бири. Хушсуханлиги ва беназир воизлиги сабаб «Хатибуллоҳ» лақаби билан ҳам эсланади. Қуръони каримда Шуайб исми 9 марта зикр этилган.

Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида "хатиб ул-анбиё" бўлгани, Шуайб (а.)нинг Иброҳим ёки Солиҳ (а.) авлодидан эканида ихтилоф борлиги, онаси Мико Лут (а.)нинг қизи эканлиги ҳақида ёзади. Ҳақ таоло уни Мадян ва Айка ўлкасига Пайғамбар қилиб юборган. Бу жой Шом ўлкаси яқинида жойлашган. Улар тарозу ва олди-сотди ишларида қаллоблик қилар, танга ва пулларни ўзларича ясар эди. Шунинг учун улар Шуайбдан мўъжиза сифатида тошларни мисга айлантириб беришни сўрашган. Касблари қароқчилик ва ўғриликдан иборат эди. Бутпарастлик қилишарди. Мадян аҳли унга бўйсунмагач, Аллоҳ таоло уларга олов ва иссиқлик балосини юборади. Етти кун ҳавонинг ҳарорати жуда иссиқ бўлиб кетганидан, қавм аҳолиси чидай олмасдан ўрмон ва дарахтлари кўп бўлган жойга юзланадилар. Бироқ охирида дўзахий бир олов тушиб барчасини куйдиради. Тарихчилар қавмга келган мазкур иссиқ ҳавони Самум ели дейишади. Шуайб (а.) ва унга эргашган солиҳ зотларгина бу балодан омон қоладилар.

Навоий ёзишича, "Шуайб (а.)нинг умри ики юз йигирмага етконда" вафот этган ва Маккада Рукн ва Мақом аросида дафн этилган. Баъзилар "Асҳоби Рас" (қудуқ аҳли) Шуъайб (а.) замонида бўлган дейишади. Шуъайб (а.)ни сурёний тили била Шируб дейдилар. Мўъжизаларидин бири шуки, куффор тошни мис қилмоқ тиладилар, унинг дуоси била борча тошлар мис бўлди. Эътиқод қилмадилар, яна аввалги ҳолига қайтди. Ш е ъ р:

Шуъайб айлади чун жаҳондин хиром,
Зуҳур этти Мусо алайҳимас-салом.

Мусо (а.)га Пайғамбарлик етишидан аввал Шуайб (а.) хонадонида бир неча йил чўпонлик қилади, у зотнинг Сафуро деган қизига уйланади. Шуайб (а.) Навоий шеъриятида, кўпинча, раҳнамо – пир сифатида қўлланилган.

Пирсиз кезма бу водий ичраким, топмас Калим
Тийра шомин равшан амр этмай анга хидмат Шуайб.

МУСО (а.)

Қуръони каримда Мусо (а.) қиссаси муфассал баён этилган бўлиб, 34 та сурада 136 марта унинг номи тилга олинган. Мусонинг насаблари Ҳазрат Яъқубнинг ўғилларидан бири бўлган Лово ибн Яъқубга бориб тақалади. Навоий: "Тарихи анбий ва ҳукамо"да Мусо (а.) мўъжизалари барча Пайғамбарларникидан кўптир", – деб таъкидлайди. Унга Таврот китоби нозил бўлган, аммо унинг ҳақиқий нусхаси сақланиб қолмаган. Таврот ибрий (қадимги яҳудий) тилида юборилган. "Тора" – "қонун, шариат", деганидир.

Мусо (а.) Миср подшоси (Фиръавн) Рамсес II даврида таваллуд топган. Ривоятга кўра, Рамсес II фолбинлари «Бани Исроил» қабиласида бир гўдак туғилиб, у вояга етгач, подшоҳ-

нинг тахтдан кетишига сабаб бўлади, деб айтганлар. Шунга кўра, Фиръавннинг буйруғи билан барча туғилган ўғил фарзандлар қатл этила бошланган. М. (а.)нинг онаси Аллоҳ амри билан уни бир сандиққа солиб, Нил дарёсига ташлайди. Бу ҳақда Қуръонда Қасас сураси, 7-11-оятларда баён қилинган. Болани Фиръавннинг Осиё деган иймонли бир хотини топиб олиб, тарбия қилади. Мусо (а.) исмини Фиръавннинг хотини қўйган бўлиб, ибрий тилида сарв дарахти деган маънони беради. Ёш Мусо (а.) бақувват бўлиб вояга етади. Бир мисрлик сибтий билан уришиб, уни ўлдириб қўяди ва Мадянга қочади ва у ерга бориб уйланади. "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Мусо (а.) Шуайб (а.)нинг қизига уйланганлиги айтилган. Бир неча йилдан сўнг Мусо (а.) Мисрга қайтади. Йўлда қоронғида адашиб қолиб, олов кўринаётган жойга яқинлашади. Бу ерда Аллоҳ нидосини эшитади ва унга Пайғамбарлик рутбаси берилгани айтилади. Унга ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиб, Фиръавн ва унинг халқини иймонга даъват этиш буюрилади.

Мусо Аллоҳ таоло билан мулоқотида ўзига ёрдамчи сўрайди. Шунда акаси Ҳорунга ҳам Пайғамбарлик берилади ва укасига ёрдамчи қилиб тайинланади. Шундан кейин икковлашиб Ҳақ амрини бажаришга киришадилар. Бу ёрдамчининг сабаби биринчидан ҳазрати Мусо олдида жуда катта вазифа турарди, иккинчидан, тилида дудуқлик бор эди. Укаси эса жуда сўзамол нотиқ бўлган.

Навоий Мусонинг (а.)нинг тилидаги дудуқлик сабабини "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида келтириб ўтади. Мусо ёшлигида Фиръавннинг тиззасига ўтириб, унинг соқолидан тортганида, Фиръавн дарғазаб бўлиб, уни жазоламоқчи бўлади. Шунда унинг хотини Осиё, ахир бу нима қилаётганини билмайдиган ёш бола-ку, шунга шунча ғазабланасизми? Ишонмасангиз, олдига бир лаъли чўғ ва бир лаъли олтин олиб келиб қўйинг. У, албатта, чўғни билмасдан ушлаб олади, деган. Шунда унинг олдига иккита лаъли олиб келинади. Мусо фаросат билан қўлини олтинга узатаётган вақтда, Жаброил (а.) келиб, унинг қўлини чўғ томон буради. Шунда бир сиқим чўғ олган бола оғзига солади ва тили куйиб, чучук бўлиб қолади. Навоий ёзишича, шу сабабдан у "с" ҳарфини "ш" деб талаффуз қиладиган бўлиб қолган эди.

Навоий Мусо ва Ҳорун (а.) қиссаларини биргаликда келтиради ва уларни Яъқуб (а.) авлодидан бўлган сабот, матонат ва ғайрат эгалари бўлган (улул-азм) Пайғамбари сифатида таърифлайди.

Мисрга қайтиб келган Мусо (а.) золим Фиръавнни ҳидоятга чақириб, панд-насиҳатлар қилади. Бироқ Фиръавн ва атрофидагилар Мусо (а.) сўзларининг ростлиги, ҳақиқатан ҳам Пайғамбар эканига ишонмайдилар. Мусо (а.)нинг қўлидаги таёқнинг илонга айланиши, чўнтагидан қўлини чиқарганда ойна каби ялтираб, кўзларни қамаштириши каби мўъжизаларини шунчаки "сеҳр" деб ҳисоблайдилар. Фиръавн сеҳргарлари унинг ҳақиқий Пайғамбар эканлигини кўриб иймон келтирганларида Фиръавн уларни қаттиқ азоблаб ўлдиради.

Ўзини Худо деб эълон қилган Фиръавн қибтийларни, яъни Мусо (а.)нинг қавми бўлмиш "Бани Исроил"ни сиқувларга олади уларга беҳад зулм қилади. Шунда Аллоҳ Мисрга турли офатлар юборди. Мусо (а.) ўз қавми билан юртни яширинча тарк этиб, Фаластин томон кетади. Фиръавн уларнинг изидан тушади, Мусо (а.) қавми Аллоҳнинг иродаси билан денгиздан соғ-омон ўтиб кетишади лекин Фиръавн қўшинларини Қизил денгиз ютиб юборади (Юнус сураси 90-92-оятлар). Мусо (а.)га Таврот китоби нозил этилган. Бироқ унинг ҳақиқий нусхаси сақланиб қолмагани ва ўзгаришларга учрагани олимлар томонидан эътироф этилган. Мусо (а.) Набу тоғига бориб, ўша ерда вафот этган.

Навоий«Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Шуъайб Пайғамбар зикрини:

Шуъайб айлади чун жаҳондин хиром,
Зуҳур этти Мусо алайҳимас-салом, –

деб якунлашининг сабаби шуки, Мусо (а.) Пайғамбарликдан аввал Шуъайб (а.) хонадонида бир неча йил чўпонлик қилган. Мусонинг хотини Сафуро Шуъайбнинг кичик қизлари эди. Бундан ташқари Шуъайб Мусо (а.)га Одам сафиюллоҳдан қолган асони тақдим қилади ва унга Пайғамбар бўлишини айтади.

Муҳаммад ибн Исҳоқнинг айтишича, Лово ибн Яъқуб ва Нобита бинти Морийдан Қоҳис исмли ўғил туғилди. Қоҳис ибн Лово ва Фоҳий бинти Муссиндан Ясҳар исмли ўғил туғилди. Ясҳар ибн Қоҳис ва Шумайс бинти Батодиддан Имрон исмли ўғил туғилди. Имрон ибн Ясҳар ва Юҳиб бинти Шамвилдан Мусо ва Ҳорун исмли ўғиллар дунёга келдилар.

Навоий асарида Мусо (а.)нинг золим Фиръавн, хасис Қорун, Бани Исроил қавми билан муомаласи, Хизр (а.) билан қилган сафари, мўъжизалари, Тавротнинг нозил бўлиши воқеалари ёритилади ва «мўъжизоти барча анбиёдин кўпдир» деб хабар берилади. Мусо (а.) Муҳаммад (с.а.в.)нинг ўтмишдоши бўлган ҳақиқий Пайғамбар сифатида улуғланади. Мусо (а.) Набу тоғига бориб, ўша ерда вафот этган.

Навоий шеъриятида Мусо(а.) билан боғлиқ калим, калимуллоҳ, Мусойи Имрон, яди байзо ва Тури Сино каби тимсол ва иборалар учрайди. Калимуллоҳ лақаби воситасида маъшуқнинг нутқи илоҳий қудсий калом ва нозик маънога қиёсланади. Мусо (а.)нинг ерга ташлаганда аждарҳога айланувчи ҳассаси аждарга айланиб, барча сеҳргарларнинг сеҳрини барбод қилгани каби маъшуқнинг зулфи, сочи ҳам ошиқлар кўнглини ошуфтаю барбод этади. Шунингдек, унинг нур таратувчи қўли (яди байзо) ҳам кўп учрайдиган тимсоллардандир. Баъзи ирфоний шеърларда Мусо ва Хизр (а.) лар пиру муршид тимсоли сифатида талқин қилинади. Бадиий адабиётда мазкур ҳолатлар талмеҳ санъати асосида чиройли ташбеҳлар билан келтирилади.

Лутф ишида кўргузур ҳар дам яди байзо ул ой
Не ажаб гар элтса Мусойи Имрондин илик.

* * *

Тушмаган бўлса қуёшингдин қўлиға партаве,
Бас не байзо эрди жайби Мусои Имрон аро.

* * *

Зоҳир айларда яди байзо қилурсен элни қатл,
Тиғ урарда енг шимолибким, аён этсанг билак.

ИЛЁС (а.)

Қуръонда номи зикр этилган пайғамбарлардан бири. Навоий уни Ҳорун алайҳиссалом наслидандир, баъзилар уни Идрис (а.) билан адаштирадилар, дейди.

Навоий Илёс (а.) ҳақида шундай ёзади: Ҳорун (а.) наслидандир. Ривоят қилишларича, Ҳизқил (а.)дан сўнг бани Исроил орасида кўп бузуқликлар содир бўлган. Яъни Мусо (а.) дини ўртадан кўтарилиб, «Таврот» ҳукмлари унутилиб кетган. Қавм бутпарастликка машғул бўлиб, фисқу исён ҳаддан ошгандан кейин Ҳақ таоло Илёс (а.)ни уларни ҳидоят қилиш учун юборади. Одамлар Илёс (а.с) сўзини қабул қилмайдилар, ҳатто уни ўлдиришга қасд қиладилар. Илёс (а.) Аллоҳнинг амри билан уларнинг орасидан кетиб, яширинча тоғларда ҳаёт кечирган. Баълабакка подшоҳи бир катта бут ясайди ва номини Баъл қўйиб, барча ишида ундан мадад сўрар эди. Подшоҳнинг суюкли боласи хаста бўлганда ўз бутидан мадад сўраб, ўғлининг соғайишини тилаган. Ҳатто ўғлининг соғайиши учун Шом вилояти бутларидан мадад сўрашга кўплаб вакилларини юборади. Илёс (а.) уларга рўпара келиб “Эй нодон қавм, бу қотиб турган ҳайкаллардан ҳеч нафъ ва зарар йўқдир, нега болага дард берган Холиқдан шифосини сўрамайсизлар?” – дейди. Қавм унинг сўзини келиб подшоҳга айтади. Подшоҳ Илёс (а.)ни олиб келиш ва жазолаш учун одамлар юборади. Ногаҳон осмондан ўт тушиб, у элни куйдириб юборади. Илёс (а.) илоҳий амр билан Баълабакка келиб, Юнус (а.)нинг отаси уйида ҳамда ажуза (кампир)лар уйларида махфий, яшириниб юрар эди. Охири қавмининг нодонлигидан азият тортиб, дуо қилди. Уч йил ёғин ёғмай, қаҳатчилик бўлди. У яна амри илоҳий билан қавмига юзланади, уларни иймонга даъват этади. Қавми қабул қилиб, дуо қилишини ва ёғингарчилик бўлишини ундан илтимос қилади. Илёс (а.) Аллоҳга ёлвориб дуо қилгач, кўкда булут пайдо бўлиб, ёмғир ёғади. Мушриклар ваъдасига вафо қилмагандан кейин қавмидан ранжиган Илёс (а.) Алясаъ (а.)ни ўз ўрнига қолдириб, халойиқнинг кўзидан пинҳон бўлиб кетади.

Айтишларича, Тенгри таоло уни иззат пардасида элдин мастур (пардали) асрабдир. Қуруқлик ва ерда (баҳру бар) дармондаларга дастгирлик қилади ва худди Хизр (а.) каби ҳозир ҳам тирикдир (валлоҳу таоло аълам). Унинг пайғамбарлик муддати ва даъватида бир киши унинг динига кирган эди.

Бошқа манбаларда ҳам айтилганидек, абадий ҳаёт топган пайғамбарлар орасида Илёс (а.) ҳам бўлиб, кўпроқ у сувда, яъни дарё ва денгизда офат етса, инсонларга Аллоҳ изни билан ёрдам берар экан. Хизр (а.)ни эса асосан, қуруқликдаги раҳнамо пир сифатида талқин қилишади. Навоий Илёс(а.) ҳақидаги қиссани шундай якунлайди:

Илёсқа элдин чу кўб ўлди туғён,
Элнинг кўзидин руҳдек бўлди ниҳон.
Ҳар кимни халос қилса элдин Яздон,
Не тонг, анга умри абадий бўлса ниҳон.

АЛЯСАЪ (а.)

Қуръонда номи алоҳида эмас, бир неча пайғамбарлар қаторида зикр қилинган. Навоий у ҳақда ёзадики: “Бани Исроил пайғамбарларидандир. Отасини Ахтуб дер эди. Алясаънинг касби деҳқончилик эди. Алясаъ(а.) Илёс(а.)нинг амакиваччаси бўлган. Аллоҳнинг амри билан Илёс(а.) унинг тарбияси билан машғул бўлади. Муддат етганда, бани Исроилни Ҳақ таолога даъват этган. Ундан кўпгина мўъжизалар содир бўлган. Бани Исроил унинг баъзи мўъжизаларга ишониб, айримларини ёлғонга чиқарар эди. Шу жумладан, бири буки, бировнинг уйига меҳмон бўлди ва ул мезбонига фарзанд орзуси эрди ва бўлмас эрди. Унинг дуоси била Тенгри таоло мезбонга фарзанд берди. Иттифоқо, ўша фарзандга бир неча вақтдин сўнгра ажал етишди. Яна унинг дуоси билан мазкур боланинг руҳи баданиға кириб, кўп вақт яшади. Бу хил мўъжизалари кўпдир. Гарчи бу каби бир қатор мўъжизалар кўрсатса-да, бани Исроил баъзида унга ишонар, баъзида эса ёлғончига чиқарарди. Охири Алясаъ (а.)нинг хотири мазкур ўз қавмидан безиб, Зул-кифлни ўрнига тайинлаб, муножот қилиб, Тангри таолога восил бўлди. Охират истаб қилган дуосини Тангри таоло ижобат қилди. Навоий қисса сўнгида Алясаъ(а.) ҳам Илёс(а.) каби саркаш халқидан қочиб кетганига ишора қилади.

Илёс чу Алясаъни волий этти,
Ҳақдин анга аввори нубувват етти.
Гар ул қочиб эл малолатидин кетти,
Ул кетгондек бу доғи кетмай нетти.

ЗУЛ-КИФЛ (а.)

Навоий бу пайғамбар ҳақида ҳақида ихтилоф кўблиги, баъзилар уни Ҳизқил десалар, айримлар Айюб (а.)нинг ўғли Бишр экани, ваҳоланки, саҳиҳ ривоятга кўра, Зул-Кифл, Алясаъ ибни Ахтуб (а.)га васий, яъни меросхўр эди, деб ёзади. Навоий Зул-Кифл “Кафолат эгаси” лақаби билан аталишининг иккита сабабини қайд этган.

Биринчисига кўра, Зул-Кифл Алясаънинг ўринбосари сифатида бани Исроилни Тенгри таоло ибодатига далолат қилди, Мусо (а.) дини ривожида ва «Таврот» ҳукмларининг ижросида ва таълимида кафил инсон бўлган. Иккинчи қавлга кўра, Тангри таоло уни Канъон исмли бир кофир подшоҳни иймонга даъват қилишга буюради. Канъон айтадики, мендан кўб гуноҳлар содир бўлган, иймон келтирсам, Тенгри таоло қошида қабул бўладими ё йўқми? Агар сен Ҳақ таоло раҳматига кафил бўлсанг, мен кўнгил тўқлиги билан иймон келтиргайман. Зул-кифл (а.) Канъонға кафил бўлди, кафолат хати битиб берди. Канъон иймон келтириб, салтанатни тарк этиб, Тангри ибодатига машғул бўлди. Ажали етиб вафот этгач, васиятига кўра, хатни у билан бирга кўмадилар. Ривоят қилишларича, Ҳақ таоло пайғамбарнинг кафолати жиҳатидан Канъонни раҳматига олиб, жаннатига киритади. Ва бир фариштага бу ҳолатни элга ошкор қилиш амр бўлади. Қавм ҳам бу ҳолатдан таъсирланиб, иймон келтириб, Зул-Кифлнинг рисолатини (пайғамбарлигини) эътироф қиладилар. Зул-Кифл (а.) бир муддат қавми ҳидоятига машғул бўлиб, олами фонийга видоъ қилди.

Зул-кифл ишиким, Ҳаққа далолат эрди,
Ҳақ раҳматидин элга кафолат эрди.
Чун қавмнинг ойини залолат эрди,
Ўтти чу замириға малолат эрди.

ДОВУД (а.)

«Бани Исроил» қавмидан чиққан пайғамбарлардан бири. Аллоҳ Довуд (а.)га пайғамбарлик билан бирга подшоҳликни ҳам берган. Унинг номи Қуръоннинг ўн олти жойида зикр қилинади. Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида ёзилишича, Довуд ибни Ийшо (а.) Яҳудо авлодидан. Айтилишича, Ийшо деган кишининг ўн уч ўғли бўлган. Уларнинг ичида Довуд (а.) энг кичиги, майда жуссали, кўриниши хунукроқ бўлиб, отаси уни чўпонликка тайинлаган эди. Қўй боқиб юрганида Довуд (а.)да ажойиб ҳолатлар юзага келарди. Ўша пайтдаги пайғамбар Ашмуил (а.) Толут (Шовл)ни Калбос урушига жўнатаётганда, унга "Жолут (Жулиёт)нинг қатли Ийшо авлодидан бир кишининг қўлида, фалон совут унинг бўйига мос келади", деган мазмунда ваҳий келади. Ашмуил (а.) Ийшонинг болаларини чақиртириб, ўн икки ака-укага совут қалқонни ўлчатиб кўради, аммо ҳеч бирига тўғри келмайди. Ийшога яна ўғлинг бўлса келтир, дейди. Ийшо эса: "Бир ўғлим бор, қўй боқади. Аммо унда бу ишни бажариш қобилияти йўқ, уни чақириш фойдасиз", – дейди.

Ашмуил (а.) уни сўраб-суриштириб, бориб топади. Ўшанда Довуд қўйларини сувдан ўтказаётганди. Сув кўп бўлганидан қўйларни иккитадан кўтариб олиб ўтарди. Ашмуил(а.) бу ҳолни кўргач, билдики, унда пайғамбарлик белгилари бор. Навоийнинг таъкидлашича, Ашмуил (а.) Довуд (а.)дан у билан содир бўлган ажойиб ва ғаройиб воқеалар ҳақида сўрайди. Довуд (а.) баъзилари ҳақида гапириб берган: "Бир тош Мен билан Ҳорун (а.) фалон душманини ҳалок қилган", – деди. Мен ул тошни олиб халтага солдим. Яна икки тош: бири Мусо (а.), бири Иброҳим (а.) душманини ўлдирганмиз, дедилар. Уларни ҳам халтамга солдим. Учала тош битта бўлди". Ашмуил (а.) Довуд (а.)га нубувват ва салтанат башоратин бериб, Толут ҳузурига келтирди. Толут уни куёв қилиш ва мулкидан ажратиб бериш шарти билан лашкарлари сафида жанг қилиб, Жолутни ўлдиришини истади. Довуд (а.) "Қодир қудрати била" ўша тошни отиб, Жолутни ҳалок этиб, бани Исроилни ғолиб қилди.

Кейинчалик Довуд (а.) Толутнинг тахтига ўтиради. Ҳам пайғамбарлик, ҳам салтанат тахтига эришади. Навоий унинг салтанати улуғлигини таърифлаб, ҳар кеча дарборида тўрт минг киши уни қўриқлар эди, дейди. Қуръонда унинг пайғамбарлиги ва салтанати ҳақида: «Эй Довуд, дарҳақиқат, Биз сени ерда халифа қилдик. Сен кишилар аросида ҳақиқат билан ҳукм қил!». («Сод» сураси, 26-оят)

Довуд (а.)га тўрт муқаддас китобдан бири "Забур" нозил бўлган. Забурни аҳли китоблар ал-Мазомир деб атайдилар. Бу китоб, асосан, диний шеърлар, Аллоҳни улуғлайдиган байтлар, савоб ва иқоблар васфини ўз ичига олган. Аллоҳ Довуд (а.)га мўъжизалар инъом этган эди. Мўъжизалардан бири хуш овози эди. Қачон "Забур"ни чиройли овоз билан ўқиса, ваҳший ҳайвонлар, парранда-ю даррандалар, жин ва инсонлар "йиғилиб, беҳол бўлурлар эрди".

Яна бири ўтда қизиган темирларни қўли билан қайириб, ҳар хил нарсалар ясар эди. ("Сабаъ" сураси, 10-11-оятлар; "Анбиё" сураси, 80-оят). Навоий Довуд (а.)нинг совут ясаш ҳуна-

ри билан нега шуғулланиш сабларини ҳам баён қилган. Довуд (а.) одамлар танимайдиган либосларни кийиб, ўзининг ҳукмронлиги ҳақида сўраганида бир кун қулоғига чалинадики, Довуд (а.)нинг айби шуки, меҳнат қилмасдан Байт ул-мол (Давлат хазинаси) ҳисобидан кун ўтказади. Шундан кейин Довуд (а.) Аллоҳга муножот қилиб, ўзига бир ҳунар сўрайди ва Аллоҳ унга зирҳгарлик (совут ясашлик) ҳунарини ато қилади.

Довуд (а.)нинг ҳаёт кечириш тарзи ҳам ўзгача эди. Кунларни тўрт қисмга бўлганди. Навоий хабар беради: "Бир кун уламолар билан суҳбат тутуб, дарс ва таълимга машғул бўлар, яна бир кун қозилик тахтига ўтириб, халқ ишлари юзасидан ҳукмлар чиқарар, яна бир кун аҳли аёли билан кун ўткарар, яна бир кун муножот қилиб: "Ё Раб, қандай яшасам, Сани даргоҳингда мақбул бўлгай?" – деб айтар эди. Хитоб келур эрдиким, "Мени кўп ёд қил ва Мен севганларни сев, халойиққа ўз нафсингга ҳукм қилғондек қил" ва узоқдаги қардошинг мулкидан ҳазар қил!"

Довуд (а.)нинг мулки ва салтанати ўғли Сулаймон (а.)га қолди. Навоий "Тарихи мулуки Ажам"да Довуд (а.)нинг Кайковус замонида яшаганлигини айтган.

Довудки, шоҳ эрдиву пайғамбари пок,
Жоҳи қошида паст эди авжи афлок.
Жониға ажал урарда тиғи бебок,
Нафъ этмади шаҳлиғу нубувват хошок.

Навоий асарларида Довуд (а.)ни тез-тез тилга олади. Унинг хуш овозига ишора қилиб Довуд нағмаси, Довуд лаҳни, Довуд нафаси каби ибораларни қўллайди. Шоир бу иборалар орқали ўзининг ё маъшуқининг бирор сифатини ёрқинроқ ва жонлироқ тарзда тасвирлайди.

Санга Кавсар суйию лаҳни Довудийки, дайр ичра
Муғанний нағмаси бирла манга жоми муғони бас.

* * *

Магар Масиҳ ила Довудсен нафас билаким,
Ҳаёту мавт эрур ул аломат, эй ҳофиз.

СУЛАЙМОН (а.)

Сулаймон (а.) исломиятдан илгари ўтган пайғамбарлардан бири. Довуд (а.)нинг фарзанди. 13 ёшида тахтга ўтиради ва адолат билан давлатни бошқаради. Сулаймон (а.)нинг исми Қуръони каримда 17 марта зикр қилинган. Ривоятга кўра, ғайб ва шаҳодат оламидаги жамийки мавжудот – инсу жин, деву парилар, наботот ва ҳайвонот бу зотга бўйсунган. У барча қушлар тилини билган, шамоллар ҳам унинг ихтиёрида бўлиб, истаган жойига бир зумда элтиб қўйган. Сулаймон (а.) мўъжизалардан бири мис булоғи бўлиб, ундан сув ўрнига мис оқиб ётган, пайғамбар измидаги жинлар эса ўша мисдан унинг хоҳлаган нарсасини ясаб беришар, унга денгиз тубидан дур ва жавоҳирлар олиб чиқиб берар эдилар. Сулаймон

(а.)исми Аъзам ёзилган узукка эга бўлган. Навоий айтадики, тарихчиларнинг иттифоқига кўра, тўрт киши бутун оламга ҳукмронлик қилган. Улардан иккитаси пайғамбардир. Бири Зулқарнайн, бири Сулаймон (а.), яна иккитаси кофирдир – бири Намруд, бири Бухтуннаср. Сулаймон (а.) бир тахт ясатдики, халқнинг бутун жангчилари сиғарди. Қаёққа борса, шамолга буюрар: шу тахт билан ўзи ва халқини ўша ёққа олиб борарди. Ривоятларга кўра, у Шомдан чиқиб, нонуштани Истахрда қиларди. У ердан чиқиб, кечги овқатни Қобулда ер эди. Довуд алайҳиссаломдан кейин масжиди Ақсони Сулаймон (а.) тугатди ва шу билан бирга Байтул Муқаддас шаҳрини ҳам таъмирлатди. Навоий "Сулаймон ва мўр (чумоли)" воқеаси машҳур бўлгандан уни "Тарихи ва анбиё"да шундай нақл қилади: "Бир куни унинг буйруғи билан шамол уни ва тахтини учириб кетаётганда, чумолилар шоҳи қўл остидагиларга: "Тезда инларингизга киринг, ҳозир бу ердан Сулаймон (а.) ўтади. Унинг тахти ва суронидан сизга зарар етиши мумкин, шошилинглар", – дейди. Айтишларича, у ер Намл водийси ёки Тоиф ҳудудида бўлган. Сулаймон (а.) бу гаплардан хабардор бўлгач, чумолилар шоҳини қўлига олиб, суҳбатлашади ва унга: "Биз ҳеч кимга озор бермаслигимизни билмасмидинг. Нега халқингни инларига киритиб, ўзинг қолдинг?", – дейди.

Шунда чумоли: "Шоҳ халқи учун жавобгардир, бу ишни уларга бирор азият етмасин деб қилдим, сен – Аллоҳнинг пайғамбаридан кўнглим хотиржам, аммо қавмингдан баногоҳ бирор зарар келмасин, деб қўрқдим", – дейди. Сулаймон (а.): "Мендан ҳам улуғроқ зотни биласанми?", деганда, у: "Ҳа, мен сендан буюкман, сенинг тахтинг бир жонсиз матоҳ, меники эса сенинг муборак қўлингдир", дейди. Сулаймон (а.) айтади: "Сенинг аскаринг кўпми ё меникими?" Чумоли жавоб беради: "Меники". Сулаймон (а.) айтади: "Менинг аскарларим сонини ҳеч ким билмайди". Шунда чумоли имо қилганди, етмиш минг тўда чумоли чиқади. Бир тўдасининг ҳам сонини билиб бўлмасди. Сулаймон (а.) бу воқеалардан таажжубга тушади. Уни чигиртка оёғи билан меҳмон қиладилар. Зиёфатдан кейин улар яна йўлда давом этишади". Сулаймон (а.) билан Ҳудҳуд воқеаси, Сабо Маликаси Билқиснинг унинг ҳузурига келиб, никоҳига кириши ҳам Сулаймон (а.) ҳаётидаги ибратли воқеалардандир.

Навоий ижодида Сулаймон ва чумоли мунозараси, Билқис қиссаси, Исми Аъзам нақш қилинган узук хосияти ва жинларнинг хизмат қилиши каби воқеалар турли мақсад ва йўналишларда ўз ифодасини топган. Шоир давр ҳукмдорининг мулку салтанатини Сулаймон (а.) подшолигига ўхшатади:

Бўйла мулку умрдин сўнг жину инсу ваҳшу тайр
Ҳукму амрингға Сулаймондек мусаххар бўлди тут.

Навоий "Сулаймон ва мўр" қиссасини талмеҳ сифатида келтириб, ундан ибрат олишга чақиради:

Не елланмақдур, эй шаҳ, мўр хайлидек черигдинким,
Сулаймондек бу водий ичра барбод ўлди чандинлар.

Шоир бир байтида иҳом санъати воситасида Билқиси замона (Хадичабегим)нинг Навоий шеърларига таҳсин ўқигани ва бу мақтов шоир учун Сулаймон мулкига тенг бўлганини айтади:

Гар Навоийға Сулаймон мулкича бордур, не тонг,
Билқиси замон назмини таҳсин айламиш.

ЮНУС ИБНИ МАТТО (а.)

Юнус ибни Матто (а.) мурсал пайғамбардир. Юнус ибн Матто ибн Бинямин ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссаломдир. Юнус (а.) Исо ибн Марямга ўхшаб онасининг номи билан машҳурдир. Пайғамбарлардан Юнус ибн Матто ва Исо ибн Марям алайҳиссаломларгина оналарининг насаби билан аталган. У Шом мамлакатининг Мавсил қишлоқларидан бири Нинаволикдир. Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Юнус (а.)нинг Сулаймон авлодидан бўлгани ва ундан кейинги мурсал пайғамбар экани ҳақида ёзади.

Аллоҳ таоло Юнус (а.)ни Суй халқини иймонга даъват қилиш учун юборади. Суй халқи уни ёлғончига чиқаради. Ғазабланган Юнус (а.) қавмини қарғайди ва бало келганда "Дуо қилиш учун мани тополмасинлар" деб, Аллоҳнинг розилигисиз аҳли оиласини олиб, қавмидан махфийроқ жойга чиқиб кетади. Юнус (а.) халқ орасидан чиқиб кетгандан кейин, Тангри унинг қавмига олов ёғиб турган бир булутни юборади. Қавм бу ҳолни кўргач, Юнус (а.)га иймон келтириш учун уни ахтара бошлайдилар. Ўз пайғамбарларини топишга кўзлари етмагандан кейин "Юнус (а.) йўқ бўлса, Аллоҳ ҳозир-ку!", деб катта-кичик бошларини яланг қилиб тавба-тазарруга тушишади. Тавбалари ҳақиқий бўлгани учун Аллоҳ тавбаларини қабул қилади ва улардан балони даф этади.

Юнус (а.) қавмидан узоқлашиб, бир кемага минганда денгизда бир наҳанг балиқ пайдо бўлиб, кема аҳлига ҳужум қила бошлайди. Ҳаммалари балиққа бир кишини қурбон қилишга келишиб, қуръа ташлайдилар. Уч марта ҳам қуръа Юнус (а.) номига чиққандан кейин, у кишини денгизга ташлашга қарор қилишади. Юнус (а.) ғазабга учраганини билиб, ўзини балиқнинг оғзига ташлайди. Балиқ уни ютади ва Тангри балиқнинг қорнида ўз пайғамбарини эсон-омон сақлайди. Юнус (а.) балиқнинг қорнида доимо тасбиҳ айтади ва тавба қилади. Охир-оқибат, Тангри қирқ кундан кейин уни уч қоронғуликдан: кеманинг, сувнинг ва балиқ қорнининг қоронғулигидан қутқаради. Балиқ қирғоққа келиб, уни чиқариб ташлайди. Заифлашиб қолган пайғамбарга амри илоҳий билан бир кийик сут беради, дарахт соябон бўлади ва яна қирқ кун ўткандан кейин ўз ҳолига келиб қавмига қайтади. Қавми унинг ҳидояти билан иймонга мушарраф бўлишади ва Юнус (а.) Тангри ҳукмини бажо келтиради. Уни Куфада дафн этилган, дейишади.

Юнуски, нубувват кўзини ёрутти,
Такзиб ила қавм кўнглини ўрготти.
Болиғ ичида агарчи маскан тутти,
Ҳам охир ажал болиғи ани ютти.

УЗАЙР (а.)

Узайр (а.) пайғамбарлар авлодидан. Қуръонда бир марта номи зикр этилган. Бухт ннаср Байтул-муқаддасни бузган пайтда уни ҳам Бобилга асир қилиб олиб келган. Навоийнинг ёзишича, У анча вақтдан кейин у ердан озод бўлади ва йўлда келаётганда бир жойда тўхтаб, эшагини боғлаб, бир дарахтга чиқиб ўтиради. Ўтирган дарахти анжир бўлиб, ёнида бир идишда узум шираси ҳам бўлган. Узайр (а.) у жой харобаларидаги одамларнинг қуриган суякларини кўриб, "Тангри буларни қандай қилиб қайта тирилтираркин", деган андишага боради. Ҳақ таоло ундан шубҳани мутлақо даф қилишни ва ҳақиқатни аниқ-тиниқ кўрсатишни хоҳлаб, жасадидан руҳини чиқаради, эшагини ҳам жонсиз қолдиради. Аллоҳ таоло Узайр (а.)ни юз йил халқ кўзидан пинҳон асраб, бу муддатдан кейин қайта тирилтиради. Шунда бир фаришта ундан "қанча муддат ўлик ҳолда турдинг?", дея сўраганда "Бир кун ё ярим кун", деб жавоб беради. Фаришта эса: «Йўқ, юз йил турдинг. Таом ва ичимлигингга қара – бузилган эмас. Энди эшагингни (чириб, суяклари ажраб кетганини кўргин)», деди. («Бақара» сураси, 259-оят)

Узайр (а.) буларни кўргач, мулоҳаза қилади, қарасаки, анжир ўз ўрнида ва узум шираси ҳамон идишда бузилмай турганди. Яна кўз олдида эшагининг чириб, сочилиб ётган суякларига тери ва гўшт ёпилиб, у ҳам тирилади.

Узайр (а.)нинг юз йил аввалги шубҳа гумонлари барҳам топиб, Аллоҳнинг қудратига мақтовлар айтиб, эшаги билан ўз шаҳрига равона бўлади. Навоийнинг нақл қилишича, Узайр (а.) шаҳарга етгач, юз йил ичида кўп ўзгаришлар бўлганини кўради ва бир амаллаб ўзи яшаган жойни топиб боради. Уйида бир кўр канизаги бўлади, унинг ҳақига дуо қилганда кўзи очилади ва хўжайинини танийди. Канизак йиғлаб, югуриб фарзандларига хабар беради. Улардан бири юз, яна бири бир юз ўн яшар эди. Оталарини йигит ҳолатида кўриб, танимайдилар. Кўкрагидаги ой шаклидаги бир холидан танийдилар ва муборак оёқларини кўзларига суртиб, одамларга хабар берадилар. Одамлар ҳам ишонишмайди. "Таврот"ни Узайрдан яхши биладиган одам йўқлигини айтишади. "Таврот"ни эса Бухтуннаср олиб кетганди. Шунда у «Тавротни бошидан охиригача ўқийди. Баъзилар яширинча сақлаб келаётган китобларига қарайдилар, ўқигани билан бир хил чиқади. Баъзилар бу мўъжизадан уни «Аллоҳнинг ўғли» деб гумон қилишади.

Навоий "Тарихи мулуки Ажамда" баён қилишича, "оламнинг бузуғлуғи"га сабаб бўлган золим подшоҳ Бухтуннаср бинни Кударз икки марта Байт ул-Муқаддасни ер билан яксон қилган, Дониёл била Узайр (а.)ни асир олган, Дониёл (а.)ни қўйиб юборгандан кейин бу пайғамбар уни устига лашкар тортиб, Хузистон қўрғонига қамаб, ҳалок қилган.

ЗАКАРИЁ (а.)

Закариё (а.) Қуръони каримнинг 8 жойида номи зикр қилинган пайғамбарлардан бири. Насаби ҳақида Қуръонда ҳеч нарса дейилмаган бўлса-да, Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да кўпчилик уни Сулаймон (а.) авлодидан эканлигини ёзган. Баъзилар Ҳорун авлодидан деб айтишган. Ҳадиси шарифда айтилишича, Закариё (а.) нажжор (дурадгор) бўлган.

Закариё (а.). Байт ул-Мақдисда мужовирлик қилган ва Марямнинг отаси Имрон билан амакивачча бўлишган. Закариё (а.) ўзини ибодатга бағишлаган Марямнинг холасининг эри бўлган. У Марям тарбиясини кафилликка олгандан кейин доимо ҳолидан хабар олиб турган. Навоийнинг маълумотига кўра, қачонки Марямда ибодат қилиш қобилияти пайдо бўлгач, Закариё (а.) унга масжиддан бир хона ажратиб беради. Ажратилган хонанининг эшиги йўқ бўлиб, фақат зинадан чиқилган. Хабар олиб қайтаётганда зинадан кириш жойини қулфлаб қўйилган. Марямнинг олдида қишда ёз мевасини ва ёзда қиш егуликлари муҳайё бўлганини кўрган Закариё (а.) Марямдан бу ҳодисалар ҳақида сўраганида Аллоҳнинг лутфи эканини айтган.

Шунда Аллоҳнинг ҳар нарсага қодир эканини билган Закариё (а.) қари ва заиф бўлса-да, Аллоҳнинг марҳаматидан умид қилиб, фарзандсизлик доғини кўрмаслик учун Ундан фарзанд беришини сўрайди. Фарзанд сўрашидан асосий мақсад: насл қолдириш ҳамда гуноҳ ишларга машғул бўлаётган “Бани Исроил” қавмини тўғриликка ва ҳақ динга даъват этадиган авлоди бўлишини истайди. Шунда унга яқин замонларда туғилажак ва пайғамбар бўлажак Яҳё (а.) ҳақида ваҳий орқали хабар берилади. Навоийнинг ёзишича, Закариё (а.) ундай бўлса, хотини ҳомиладор бўлганлигини қандай қилиб билиши мумкинлигини Аллоҳдан сўраганида – "Хотининг ҳомиладор бўлганида, сен одамларга гапиролмай қоласан, фақат ишора билан сўзлайсан, бу ҳолат 3 кун давом этади. Ана шунда билгилки, аёлинг ҳомиладор бўлган бўлади. Шу кунларда сен Аллоҳга тасбеҳ ва таҳлил айтишга машғул бўлгин", деган хитоб бўлади.

Закариё (а.) ҳам бошқа пайғамбарлар каби халқни яхшиликка чақирар ва ёмонликдан қайтаришга ҳаракат қилар эди. Марям ҳазрат Исо(а.)га ҳомиладор бўлиб, уни туққандан кейин халқ онани ҳам, болани ҳам кўп маломатлар қилишади. Исо (а.). тилга кириб, Марямнинг бегуноҳлиги исботлангандан кейин ҳам маломатлар давом этган. Ҳақиқатни тушунтириш Закариё(а.) учун оғир кечган. Охир-оқибат, Закариё (а.) Марямни маломат қилувчилардан қочиб кетади. Уни қувадилар, у бир ёғоч ёруғига киради ва ёруғ беркилади. Душманлар етиб келиб, унинг кийимини ёруғдан ташқарида кўрадилар, арра олиб келиб, ёғочни кесишади ва уни ўлдиришади. Навоий бу воқеадан афсусланиб: “Бу ерда сўз айтишдан, “балки дам урардин хома тили лол ва тил хомаси гунг мақол”дир, яхшиси мақсадга кўчайлик”, – дейди.

Навоий “Тарихи мулуки Ажам”да, Закариё, Яҳё ва Жиржис (а.)ларнинг ашконийлардан Шопур бинни Ашк замонида яшаганлиги ҳақидаги баъзиларнинг сўзини келтириб ўтади.

МАРЯМ (р.а.)

Марям (разияллоҳу анҳо) исломиятдан аввал ўтган Исо(а.)нинг онаси. Қуръони каримда «Марям» сураси мавжуд. Қуръоннинг турли сураларида Марям исми 34 марта учрайди. Имроннинг қизи Марям покиза ва тақволи аёл бўлган. Исо пайғамбарнинг онаси, насронийликдаги Марияга тўғри келади. Марямнинг отаси Имрон ҳам «Бани Исроил» қавми ичида энг обрўли кишилардан эди. Навоийнинг ёзишича, Имроннинг хотини Ҳанна (айрим манбаларда Ҳайфа) бефарзанд бўлган ва Аллоҳга илтижо килиб, фарзанд ато этишни сўраган. Агар фарзандли бўлса, уни Аллоҳ йўлида Байтул Мақдис хизматига назр қилишини ният

қилган. Навоийга кўра, Имрон серфарзанд бўлган, Закариё (а.)га фарзанд бўлмаган. Имрон бунинг шукронасига яна фарзандли бўлса, Байтул-Муқаддасга хизматкор бўлишини назр қилди. Имроннинг хотини Ҳайфа Марямга ҳомиладор бўлиб, туққанидан кейин Имрон қиз болани хизматга олмасликларини ўйлаб, ҳайрон бўлди. Ваъдага биноан Марямни Байтул Мақдисга хизматга бермоқчи бўлганларида, уламолар ва масъул кишилар қиз боланинг хизматини гуноҳ ҳисоблаб, рад этишади. Баъзи олимларга кўра, Марямнинг онаси чақалоқни туққандан кейин йўргаклаб, ваъдага вафо қилиб, яҳудийларнинг "Ҳайкал" ибодатхонасига олиб келиб, у ердаги ходимларга "бу назр қилинган қизни олиб қолинглар", дейди. Ходимлар қизчани олиш учун талашиб-тортишиб кетадилар. Чунки қизчанинг отаси бошлиқлари, онаси эса иффатли аёл эди-да! Ўртада келишув бўлмаганидан кейин қуръа ташлашади. Қуръа Закариё (а.)нинг номига чиқади ва у киши Марямнинг тарбиясига машғул бўлади.

Марямнинг ёшлигидаёқ отаси вафот этади, ибодатхона хизматига назр қилингани учун доимо шу ерда одамларга аралашмасдан ёлғиз тоат-ибодат билан кун ўтказар эди. Кунлардан бир кун Аллоҳ таоло Марямга Жаброил (а.)ни юборади. Жаброил (а.) унга ҳомиладор бўлиши ва солиҳ бир фарзанд кўриши ҳақида башорат беради. Марям бокира ва маъсума қиз бўлса ҳам, таажжубланса ҳам Аллоҳ таоло Жаброил фаришта орқали ўша пок жасадга ўз руҳидан "пуфлаши" натижасида Исо (а.)ни пайдо қилади. Аллоҳ Одам (а.)ни қандай ота-онасиз яратган бўлса, Исо (а.)ни ҳам отасиз дунёга келтирган. Марям туғадиган пайти Байтил Мақдис шаҳрининг шарқий томонига чеккароқ ва холироқ бир жойда таваллуд қилади. Одамлар бу ҳолдан хабардор бўлиб, таънаю маломатлар қила бошлашади. Аммо Исо (а.) ўша дамда онасининг поклиги, пайғамбар бўлиши ва унга китоб – Инжил берилиши ҳақида гувоҳлик беради. Халқ ҳайрон бўлиб, ҳеч нима демасдан қайтадилар. Шундан кейин Марямнинг холаваччаси Ҳабиб Нажжор она– болани Дамашққа олиб кетади. Исо (а.) ўн уч ёшга киргунча у ерда яшаб қоладилар. Марям ўғли Исо (а.) кўкка кўтарилиб кетгандан кейин бир неча йиллар ўтиб вафот этади.

Марям образи Навоий шеъриятида муқаддас она, поклик, иффат ва аёл шаънини улуғловчи тимсол сифатида қўлланилган. Шоир "Марям ипи" ва "Масиҳ игнаси" тимсолларини бирга қўллаш орқали ўз изтиробларини ҳамда маъшуқининг ташқи ва ички гўзаллигини янада жонли, бўрттириб тасвирлашга эришади:

Кўнгулда хори ғамидур – ўларман, эй Марям,
Масиҳ игнаси бирла чекай десанг тиканин.

* * *

Масиҳ игнаси Марям игиргон ип била гўё
Чигилиб, эгнига жонбахшлиғ тўни тикилибдур

* * *

Тикмагаймен тиғи захмин ўлсам ул озор ила,
Бўлса Исо игнаси Марям игирган тор ила.

Навоийнинг Марям тимсоли воситасида яратган теран байтларини таҳлил ва талқин қилиш шоирнинг маҳорат сирларини очишга хизмат қилади.

ИСО (а.)

Исо Масиҳ (Иисус, Христос) – Қуръони каримнинг «Марям», “Оли Имрон”, “Моида” ва “Саф” каби сураларида Исо (а.) ҳақида маълумотлар берилган. Исломда Исо (а.) “Улул азм” (сабот эгалари)дан бўлган, Муҳаммад (с.а.в.)дан олдин ўтган пайғамбар ҳисобланади. У зот Исои Руҳуллоҳ (Аллоҳнинг руҳи), шунингдек, «Масиҳ», «Ҳақни сўзловчи», «Ибн Марям», «Аллоҳнинг муқарраби» (яқини) деб таърифланади. Исо, Масиҳ, Масиҳо, Руҳуллоҳ Насронийлик динининг асосчиси. Инжил китоби унга нозил бўлган. Қуръони каримда Исо исми 25 марта учрайди. Навоий “Тарихи мулуки Ажам”да Шопур бинни Ашк тўғрисида ёзиб айтадики: “Баъзи дебдурларким, Исо алайҳиссалом анинг замонида мабъус бўлди (пайғамбар қилиб юборилди) ва Яҳё ва Зикриё ва Жиржис алайҳиссаломни ҳам баъзи дебдурларким, анинг замонида эрдилар. Ва Ағустус қайсар анга муосир эрди.”

Навоий ёзадики, Исо (а.)нинг отаси бўлмаган, онаси Марям Жаброил (а.)нинг нафаси била ҳомиладор бўлган ва ундан мўъжиза билан туғилган. Халқ таънаю маломат қилганда, Исо (а.) Аллоҳнинг изни билан Тенгри таолонинг бандаси экани, ўзининг пайғамбар бўлиши ва онасининг поклигига ҳамда хотамул-анбиё (Муҳаммад с.а.в.)нинг дунёга келишини башорат қилади.

Исо (а.) ёши 30 га етганида Аллоҳ уни «Бани Исроил» қавмини ҳидоятга бошлаш учун пайғамбар қилиб юборади. Исо (а.)нинг даъват ишларига 12 нафар “ҳаворийлар” деб номланган шогирдлари ёрдам берган. Қавми пайғамбарликни исботи сифатида мўъжиза кўрсатишини талаб қилган. Аллоҳнинг иродаси билан Исо (а.) лойдан қуш шаклини ясаб, унга пуфласа, қуш бўлиб учар, туғма кўр бўлиб туғилганларни қўли билан силаса, у кўрадиган бўлар, песларга қўлини теккизса, у тузалар эди. Исо (а.) Муҳаммад (с.а.в.)нинг дунёга келишини ҳам башорат қилган эди. Қуръон таълимотига кўра, Исо (а.) Аллоҳнинг ўғли эмас, Худо ҳам эмас. Аллоҳнинг танланган бир бандасидир.

Аллоҳ таоло иймон келтирмаганлар зараридан асраш учун Исо (а.)ни осмонга чиқаради. Навоий шу асарида Исо (а.)нинг Имом Маҳдий зуҳур қилганидан сўнг осмондан тушиши, Дажжоли лаънини ўлдириши, миллатларни тўғриликка ва ҳақ динга даъват этиши, шунингдек ўн етти ёшда пайғамбар бўлгани-ю ўттиз уч ёшида осмонга чиқиб кетганидан хабар беради. Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида таъкидлашича, Исо (а.) дан илгари ўтган пайғамбарларга қирқ ёшидан сўнг пайғамбарлик мақоми берилган, Исо (а.с)да гўдакликдан пайғамбарлик нишоналари намоён бўлган. Исо (а.) халқни ҳақ динга даъват этиб, улуғ мўъжизалар кўрсатади..

Навоий Исо (а.)нинг мол-дунёдан этак йиққани унинг “бир пашмина (жундор) тўн ва бўрк ва бир асоси бор экани, бир ерда турмасдан доим сайру саёҳат қилгани, ризқ учун бирор касб қилмагани, етган ризқига қаноат қилганини ёзади. Ҳаворийлар Исо (а.)га доим пиёда юриш қийин бирор улов олиб мингил, деб илтимос қилсалар ҳам кўнмайди. Уй-жой қуриб беришларига ҳам кўнмайди, аёллар билан ҳам иши бўлмайди. Шунинг учун ҳам мужаррадлиқ (буйдоқлик, фақирлик) билан машҳур бўлган.

Исо (а.)ни душманлари ўлдиришмаган, у чормих этиб қатл қилинмаган. Бу ҳодиса улар кўзига кўринган, холос. Аслида, Исо (а.) тириклайин осмонга кўтарилган ва Қиёмат куни арафасида Ер юзида яна пайдо бўлади.

Навоий ижодида Исо Масиҳ (а.) кўплаб ғоявий-бадиий вазифаларни бажаришга хизмат қиладиган образлардан биридир. У поклик, гўзаллик, қаноат, тажрид, тафрид ва ҳозиқ табиб тимсоли. Маъшуқнинг ахлоқи, ҳусни, чиройи, аъзолари таъриф-тавсиф этилганда, Исо Масиҳ (а.)га қиёсланади, баъзан ундан устун қўйилади.

Чун дединг ўлса Навоий, жон берур лаълим анга,
Эй Масиҳим, руҳпарвар лаъли нобингға ўлай.

* * *

Су ҳайвон чашмасидин, ел Масиҳ анфосидин топса,
Қачон тўбиға нахли қоматингча эътидол ўлғай?

Навоий ижодини кузатганимизда шоир лирик қаҳрамоннинг ички ҳолати, қайғу ва қувончи, изтироб ва ҳаяжонини бадиий тасвирлаш учун ҳам Исо (Масиҳ, Масиҳо) тимсолига тез-тез мурожаат этади.

Эй Навоий, файздин анфосим ўлмиш руҳбахш,
То Масиҳодек алойиқ зулматидин покмен.

ЖИРЖИС (а.)

Жиржис (а.) пайғамбарлар тарихида зикр этилган шахс. Аллоҳга эътиқод қилувчи фаластинлик бадавлат тақводор киши, Исо (а.) ҳаворийларидан бирининг шогирди. Жиржис (а.) эътиқоди йўлида молларини сарфлаб, зулмлардан халқни сақламоқчи бўлиб, золим, бутпараст Мосул подшоси ҳузурига боради. Подшо уни эътиқодидан қайтариш учун турли азобларга солади, лекин Жиржис (а.) уларга матонат билан бардош беради. Шунда уни қайта-қайта қатл қилган, лекин ҳар бир қатлдан сўнг Аллоҳ уни тирилтирган. Жиржис (а.) учун Аллоҳ яна бошқа мўъжизаларни ҳам намойиш этади – камбағал бечора кампирнинг ўлган ҳўкизларини тирилтиради, ўликларни қабрдан турғизади, ёғоч курсиларни дарахтга айлантиради ва пировардида Аллоҳ малъун подшо ва унинг шаҳрини йўқ қилиб ташлайди. Жиржис (а.) ҳақидаги ривоятлар христианликдаги авлиё Георгий ҳақидаги ривоятлар билан ҳамоҳангдир. Мусулмонларда у Хизр ва Илёс номлари билан бирга келади.

Навоий ёзишича, Жиржис (а.) Шом вилоятининг Фаластин шаҳрида яшовчи мол-мулки кўп савдогар бўлган. Бир куни у анча совға саломлар, ҳадялар олиб, даврининг подшоҳи ҳузурига халқига осойишталик сўраш ва ҳидоятга бошлаш мақсадида йўл олади. Золим ва бутпараст Додиёна олтин ва жавоҳирдин катта бир бут ясаб, номини Афлуқ деб номлаб, халойиққа у бут ибодатини таклиф қилар эди. Кимки гапига кирмаса, ҳалок қиларди. Тахтгоҳи Мўсул деган жойда эди. Иттифоқо, у подшоҳ ҳузурига етиб келганда катта бир олов ёқиб, халқни Афлуқга ибодат қилаётган ва қабул қилмаганларни мазкур оловга ташлаётган эди. Жиржис (а.) бу ҳолни кўруб, ҳамият ва ғайрат ўти тошиб, йиғиб келган барча мол-дунёни ночорларга улашиб юборади. Сўнгра ўзи Ҳақ таоло амри билан золим шоҳга насиҳат қилиб, Тангри таоло ибодатига чақиради. Золим шоҳ эса “агар Афлуқга сажда қилсанг, халоссан,

бўлмаса, азоблаб ҳалок қиламан", дейди. Гапини қабул қилмаган Жиржис (а.)ни темир тароқлар билан барча аъзою томиру пайларини бир-биридин айириб, темир қозиққа боғлаб, ўтга солиб қизитиб, зиндонга солиб, чормих қилиб, бир устунга боғлаб қўяди. Ярим кечаси Ҳақ таоло бир фариштани юбориб, Жиржис(а.)ни ул устун остидин чиқариб, баданига руҳ киргизиб, уни нубувват давлатига мушарраф қилади.

Навоий қисса охирида қуйидаги рубоийни келтиради:

Жиржиски, ойини рисолат тузди,
Куфр аҳлига кўб мўъжизалар кўргузди.
Не суд агар элни дами тиргузди
Ким, тори ҳаётин неча қотла узди.

Сўнгра эса: "Ва баъзилар Жиржис (а.) ғайри мурсал (юборилмаган) дебдурлар, валлоҳу аълам", – деб илова қилиб ўтади.

Навоий "Тарихи мулуки Ажам"да подшоҳ Дороб ҳақида "Доробжурд шаҳрини ул бино қилиб, ўз исмига мослаб Дороб қўйди. Дороб асрининг пайғамбарларидан Жиржис (а.) ва ҳукамодан Афлотун эди, деб ёзади. Демак, Жиржис (а.) шоҳ Дороб ва Афлотун ҳакимлар билан бир даврда яшаган.

ИСКАНДАР ЗУЛҚАРНАЙН

Искандар. Искандар Зулқарнайн – (*ар. икки шохли*) Шарқ халқлари адабиётида кенг тарқалган образ. Кўп исломий тафсир китобларида, Қуръони каримда келтирилган Зулқарнайн – Искандар Зулқарнайн эканлиги ва пайғамбарлигида ихтилоф борлиги айтилган. Уни ҳам пайғамбар, ҳам валий деганлар бор. Айрим тадқиқотчилар уни македониялик Искандар деб ҳисоблашади. Бироқ Ислом таълимотига кўра бу тўғри эмас, чунки македониялик подшо Аллоҳнинг ягоналигига ишонган мўмин бўлган эмас. Қуръондаги Зулқарнайн эса мўминдир. У Шарқдаги мусулмон халқлари орасида машҳур. Искандар ҳақидаги илк маълумот X аср тарихчилари Ҳамза ибн Ҳасан ал-Исфаҳоний, Диновариий, Табарийлар асарларида, кейинроқ Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида учрайди. Бадиий асарларда, жумладан, Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммад Балъамий асарида Искандар салбий образ сифатида берилган бўлса, Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомийнинг «Искандарнома», Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Ойинаи Искандарий», Абдураҳмон Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» асарларида Искандар образи фотиҳ, олим, файласуф ва пайғамбар тарзида тасвирланган.

Алишер Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо»да «...ва Искандар Зулқарнайн Ёфаснинг тўртинчи ўғлидур Рус наслидин...» деса, «Тарихи мулуки Ажам»да «нисбатида (насабида) ихтилоф кўп экани, баъзилар уни Доро ўғли, айрим тарихчилар Искандар – Хурмуси Румий ўғли эканлигини ёзишган», дейди. Ва шу асарида Искандарнинг нега Зулқарнайн аталгани, ёшликдан ҳикмат ўргангани, подшоҳ бўлгани, «секиз минг шоҳ ва шаҳзода хидматини» қилгани, «оламнинг баҳру барин олиб, ҳайвон суйи таманноси била зулумотқа киргани» «ва анинг била кирган мулозимлардин бири Хизр, бири Илёс алайҳумассалом» экани» ва

«ул сув аларға насиб бўлуб, Скандар маҳрум ёнгани» ва ҳоказолар ҳақида маълумот беради. Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да Афлотун ҳаким Суқротнинг шогирди экани, Доро замонида яшагани ва Искандар Румий билан ҳамсуҳбат бўлгани ҳақида маълумот беради.

Навоий хабар беришича, Мавлоно Мирхонд «Равзат ус-сафо»да Солиҳ алайҳиссалом зикридан сўнг Зулқарнайн Акбар қиссасини келтириб ўтган ва унинг таъкидлашича, аксар тарих аҳли Нуҳ (а.)дан кейин ва Иброҳим (а.)дан олдин Ҳуд билан Солиҳ алайҳиссаломдан бошқа пайғамбар бўлмаган деганлар. Аммо салтанатдан баъзининг каломи бунга ишорат қиладики, ўша замонларда Зулқарнайни Акбар пайғамбарлик мартабасига эришган. Мужоҳид Абдулло ибни Умар розияллоҳу анҳумодан нақл қилинадики, Зулқарнайннинг нубувватига бир далил шуки, Тангри таоло ўз каломида: "Қулно ё Залқарнайн...» (*Биз: «Эй Зул-қарнайн, сен ё (уларни) азобга дучор қилурсан ёки уларга яхши муомалада бўлурсан», – дедик,* «Қаҳф» сураси, 86-оят) деб анбиё дастури билан хитоб қилган. Яъжуж ва Маъжужни даф қилиш учун астойдил сад (девор, тўсиқ, ғов) қилган. Искандар ҳақида турли фикрлар бўлгани учун ҳам Навоий "тарихчиларнинг ёзганини тўғрилаш қобилияти менда йўқ. Бундай ғаройиб воқеалардан хабардор бўлишни истаган киши машҳур тарих китобларини ўқиб, баҳраманд бўлсинлар", дейди.

Тарих китобларида Зулқарнайн лақаби билан машҳур бўлган буюк шахслар ҳам ўтган. Улардан бири эрамиздан олдин ўтган буюк саркарда ва Македониянинг шоҳи Искандар Мақдуний (Александр Македониский)дир. У Шарқ ва Ғарб ўлкаларини забт этганлиги учун унга Зулқарнайн лақаби берилган. Иккинчиси эса ал-Мунзир ибн Моиссамодир. У Ҳийра (Сурия) мамлакатининг амирларидан бўлиб, Румликларга қарши жанг қилган. У бошидаги икки кокилини ўриб, пешонасига тушириб юрганлиги учун унга Зулқарнайн лақабини берганлар. У 514-554 йилларда яшаб ўтган.

Аммо Қуръони каримда зикр этилган Зулқарнайн муфассирларнинг гапига қараганда пайғамбарлик мақомига эришган одил шоҳнинг лақабидир.

Озарбайжон олими Ойдин Ализоданинг фикрига кўра, "Мусулмон тарихчиларидан Қуртубий, Табарий ва Ибн Асирлар уни Иброҳим (а.) даврида яшаб, у киши билан ҳаж қилганликларини айтган. Баъзи маълумотларга кўра, Зулқарнайннинг номи Искандар дейилгани учун уни кўпчилик Александр Македонский ёки форс шоҳи Доро билан алмаштирган. Лекин бу тахминлар асоссиздир. Зулқарнайн саркарда сифатида ваҳший қавмлардан бўлган Яъжуж ва Маъжужларнинг зарарини даф этиш учун тош ва темирлардан тўсиқ – девор ясаб, уларни дунёдан узиб қўйган. Аммо бу девор бугунги кундаги Хитой девори эмас. Қиёмат яқинлашганда, бу ваҳший қавм деворни тешиб чиқиб, бошқа мамлакат ва халқларга ҳаддан ташқари тажовуз ва босқинчиликлар қилади.

Зулқарнайн ўз даврида Европа ва Осиёнинг кўп мамлакатларини эгаллайди ва Аллоҳнинг қонунини жорий қилади. У кофирлар билан шафқатсиз урушлар олиб бориб, иймонлиларга яхши муносабатда бўлган. Зулқарнайн Макка яқинида дафн қилинган. У Шом ва Мадина ўртасидаги Думот ал-Жандалада, Таҳома тоғида дафн қилинган, деб тахмин қилинади.

Юнонистондан чиққан Искандар ва унинг қавми тавҳид (яккахудолик) динида бўлган, дея фикр билдирган олимлар ҳам йўқ эмас. Навоий Искандарнинг дунёни фатҳ қилганини ва ҳикмат соҳиби бўлганини айтади. Шарқ манбаларида унинг зийраклиги ва ундан нақл қилинган бир қатор ҳикматлар кўзга ташланади. Мирзо Содиқ Мунший (ваф.1819) "Ахлоқи

Хоний” асарида унинг қуйидаги ҳикматларини келтирган: “Подшолик тўрт хилдир: виқор ва оҳистакорлик, эҳсон ва жавонмардлик, тавозеъ ва шикасталик, дину диёнатлик. Бир неча нарсалар борки, улар саодат аломатларидир: беҳуда ишлардан узоқ бўлмоқ, ташвишлардан фориғлик, одамлар орасида обрўга эришмоқ, тани соғлом бўлиш, қаноат соҳиби бўлишдир”. Аммо Мирзо Хоний мазкур асарида Искандар Зулқарнайн тўла зафарлар қучгунча ақл, тадбир ва ҳиммат билан иш қилгани, лекин жаҳон фатҳидан сўнг дангасалик, лоқайдликка берилиб, кундан кун таназзулга юз тутгани ҳақида ҳам ёзади.

Навоий асарларида Қуръон маълумотларини асос қилиб олган ва «Садди Искандарий» достонида Искандарнинг идеал образини яратиб, уни пайғамбар, вали ва адолатли шоҳ сифатида талқин этган. Навоий шеърларида ҳам Искандар тимсолини буюк сиймо ва бу ҳақидаги қиссани талмиҳ сифатида келтиради. “Искандар кўзгуси”, “ҳайвон суви”, “зулмот” – га ўхшаш иборалар орқали ранг-баранг ташбеҳ ва тасвирлар яратади.

Зулфунг овора кўнгуллардин эрур,
Юз Скандарни итурган зулмот.

Гоҳида Искандар билан бирга Доро, Жам (Жамшид), Баҳром, Фаридун каби Шарқнинг машҳур ҳукмдорларини тилга олиб, дунёнинг бевафолиги, умрнинг ўткинчилиги, салтанатнинг қўлдан кетиши ҳақида фалсафий мушоҳадалар юритади, насиҳатлар қилади.

Чун Скандар ўлди ҳайвон суйи шавқидин, не суд,
Етти баҳр олмоқ, суруб рахши жаҳонпаймойни.

* * *

Скандар кўзгусию жоми Жам ичра кўр, эй шаҳким,
Сени гўр оғзиға тортар каманди сайди Баҳроми.

ЛУҚМОН (а.)

Навоий “Тарихи мулуки Ажамда” Луқмоннинг Кайқубод замонида ҳам, Кайковус замонида ҳам айрим пайғамбарлар билан бирга яшагани, Фишоғурс, Жомосб ва Пайлақус каби ҳакимлар унинг шогирди бўлгани ҳақида маълумот бериб ўтган. “Фарҳанги Деҳхудо”да унинг асли ҳабаш бўлгани ва Довуд (а.) замонида яшагани айтилган. Халқ ичида Луқмони Ҳаким ўсимликлар тилини биладиган мўъжизавий табиб сифатида тилга олинса ҳам, Навоий унинг табиблигини бирор жойда айтиб ўтмаган. Уни баъзилар ҳаким, баъзилар пайғамбар деган.

Луқмоннинг номи Қуръоннинг “Луқмон” сурасида тилга олинган ва унинг ўғлига бешта насиҳати келтирилган. Баъзи манбаларда эса Тангри таоло уни пайғамбарлик ва ҳакимлик ўртасида хабарчи қилган, дейилади. Навоийнинг эътирофича, ***“Аниққи, Биз Луқмонга ҳикмат ато этдик...*** *(“*Луқмон” сураси, 12-оят) унинг шаънига нозил бўлган. Шунинг учун пайғамбарлик қаторида унга ҳикмат ҳам насиб қилган бўлиши мумкин”. Унинг айтишича, ранги қора бўлиб, Довуд (а.) билан суҳбатлар қилган. Луқмон аввал қул, сўнгра озод бўлгани ва шундан кейин ғаройиб воқеалар содир этгани ҳақида турли ривоятлар бор.

Луқмондан кўпгина ҳикматли сўзлар қолган. Навоий улардан баъзисини келтириб ўтган. Келтирилишича, Луқмон Аллоҳга дуо қилиб, уч минг йил умр сўраган ва дуоси ижобат бўлган. Унинг айтишича, тўрт минг ҳикматли сўз мағзини тўрт сўз билан ифодалаган: иккитасини доим эсда сақлаш керак: бировга қилган ёмонлигини ва бошқанинг қилган яхшилигини. Кейинги иккитасини унутиш лозим: бировга қилган яхшилигини ва бировнинг унга қилган ёмонлигини. Шарқда Луқмони Ҳакимнинг юз насиҳати бир неча бор форс-тожик ва ўзбек тилларида тошбосма ва қўлёзма ҳолида тарқалган. Ахлоқшунос олим Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Мискавайҳ (936-1030) одоб-ахлоқ тарихига оид "Жовидони хирад" китобининг бир бобини Луқмони Ҳакимнинг ўғлига насиҳати мавзусига бағишлаган.

"Хазойин ул-маоний"да бирор марта Луқмоннинг номи тилга олинмайди. "Хамса"нинг "Сабъайи сайёр" достонида унинг ҳакимлигига ишорат қилиб, бир ўринда: «Ҳикмат айтурға яхшироқ Луқмон», деса, "Садди Искандарий"да Луқмон билан боғлиқ иккита ибратли ҳикояни келтиради: бирида Луқмоннинг бир вайронага кириб яшаши ва ундан бундай жойда яшаш сабаби сўралганда берган ҳакимона жавоблари, дунёга ҳирс қўймаслигининг боиси ва бошқа нарсалар ҳақида нақл қилинган. Иккинчи ҳикоятда Луқмони ҳакимдан бир одам "Бунча илмни кимдан ўргандинг?", деб сўраганида жоҳил одамлардан ўргангани, чунки ундай одамларнинг иши мақбул бўлмагани учун тескарисини қилгани баён қилинади.

Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асарида ҳам Луқмоннинг "бир қул" бўлгани, "ҳикмат ва нубувват" билан юксак мартабага эришгани айтилган.

Кўриб ўтганимиздек, Навоий Луқмон ҳақида илмий маълумот беради ва унинг донишмандлигидан ахлоқий ва фалсафий фикрларини баён қилишда унумли фойдаланган.

АСҲОБИ КАҲФ

Асҳоби каҳф (а. ғор эгалари, ғор одамлари) – Қуръони каримнинг "Каҳф" сураси 9–26-оятларида ҳамда бир қатор диний китобларда ривояти келтирилган ғор эгаларидир.

Лекин Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асрида ёзишича, асҳоби каҳф бобида ихтилофлар кўпдир. Мухтасари будирки, Юнон мамлакатининг Афсус шаҳрида Дақёнус (император Деций) исмли золим подшоҳ бўлган. Баъзилар уни бутпараст, баъзилар илоҳлик даъво қилганлигини айтишган. Асҳоби каҳф айрим ривоятларга кўра, Дақёнус шоҳ мамлакатидаги фозил кишиларнинг фарзандларидир. Бошқа бир ривоятда ёш, иймонли ноиб ва мулозимлардир.

Яна бир манбада бу йигитлар асли бошқа мамлакат подшоҳининг 6 ўғли бўлиб, Дақёнус билан бўлган жангда асир тушадилар. Ҳусайн Воиз Кошифий "Тафсири Ҳусайний" асарида уларнинг номларини шундай келтиради: "Ямлихо, Максалмино, Масалино, Мартуш, Барнуш, Шознуш уларнинг чўпони Мартунус ва ити Қитмир".

Баъзи ривоятларда Асҳоби каҳф ғори Ражиб дейилган. Қуръонда зикр этилган "Рақим" сўзи эса, ғор мавжуд бўлган водийнинг номидир. Баъзи олимлар бу сўз "марқум", яъни номлари ёзилган лавҳ маъносида дейишади.

Навоий келтирган Афсус шаҳри бу Ўрта ер денгизи соҳилида жойлашган Тарсус атрофидаги қишлоқ, насроний дини тараққий этган Эфес шаҳридир. Дақёнус ҳам асли 302 йилда

Рум тахтини эгаллаган Диоклетиан бўлиб, насронийларни оммавий қатағон қилган 10 та Рум императорларидан бири ва охиргисидир.

Асҳоби каҳф йигитларининг сонидан бошлаб ким экани-ю неча йил ғорда ухлаганларигача турли хил фикрлар бор. Баъзилар уларнинг ғорда ухлаган санасини 300 йил, айримлар 300 йил ва яна 9 кун эди дейишади. Баъзи ислом муфассирлари “Улар ғорда 300 йил турдилар ва яна 9 йилни зиёда ҳам қилдилар” деган “Каҳф” сураси 25-ояти каримада келган йил санасига шундай изоҳ беришган: Тўққиз йил қўшилиши қамарий ҳисобдан келиб чиққан. Шамсий ҳисобдаги юз йил қамарий ҳисобда 103 йилга тўғри келади. Навоий айтганидек, йигитларнинг сони борасида ҳам ихтилофлар анчагина. Баъзилар улар итлари билан бирга тўртта эди, деса, баъзилар итлари билан жами 6 та эди дейишади. Бошқа бир ўринда улар 7 киши эди ва 8 - чиси итлари эди, деб келади.

Рабғузий “уларнинг адади 8 та эди” деган хулосани Қуръони карим сўзлари асосида шундай таҳлил қилади: Улардан бири деди, яъни “қола” – бир одам айтди. Улардан учтаси жавоб берди, яъни “қолуу” – 3 одам айтди ва яна учтаси деди: “қолуу” – 3 одам айтди, тарзида бериб, еттита йигит ва саккизинчиси ит эди дейди.

Навоий ҳикоя қиладики, улар (асҳоби каҳф) саройда яширин ибодат қилишарди, бундан воқиф бўлган подшоҳ уларни ўлдириш пайига тушган. Буни билган йигитлар келишиб, шаҳардан қочишади, “одамларга йўлиқиб қолишдан қўрқиб, биёбонга тушиб, бир қўйчи (чўпон)га учрашади. Қўйчи ҳам, унинг ити ҳам йигитларга эргашиб, Рақим отлиғ ғорга кириб кетадилар. Уларга уйқу ғолиб келади, Навоий Қуръон ояти асосида уларнинг ғорда 309 йил ухлаганларини таъкидлайди. “Бу муддат ичида Дақёнус жаҳаннамга бориб”, бир неча подшоҳлардан кейин “бир Худопараст одил подшоҳга салтанат етганда асҳоби каҳф Тенгри таоло амри” билан уйғонадилар. Оятда бу мўъжизани Аллоҳ таоло кейинги умматлар қиёматга ва ўлгандан кейин тирилиш ҳақ эканига ишонч ҳосил қилсинлар, деб содир этди, дейилади. Узоқ уйқудан уйғонган йигитлар учун “бир кун ё ярим кун” ўтгандек бўлади. Йигитлар “Тамлихо деган рафиқларини таом келтирмоқ учун шаҳарга” юборадилар. Тамлихо ғордан чиқиб, йўлларнинг ўзгариб кетганини, шаҳарга етганда халқнинг аҳволи ўзгаргани ва насроний динида эканини кўриб, ҳайратга тушади. Таом учун танга узатганида одамлар тангани кўриб, йигитни подшоҳ ҳузурига олиб борадилар. Олимлар Исо (а.) «Инжил»да Дақёнус чоғида бир жамоа иймонли йигитлар ғорда уч юз тўқуз йил ухлаб, унинг замонида уйғонадилар”, деб хабар берганидан огоҳ қилгач, “Подшоҳ бу ишдин масрур бўлуб, Тамлихоға йўл бошлатиб, Асҳоби каҳф суҳбатиға мушарраф” бўлади. Асҳоби каҳф таом еб, Аллоҳга шукрона сажда қилиб, яна уйқуга кетадилар. Аллоҳ иродаси билан жон олувчи фаришта уларнинг жонларини олади. “Ва ул подшоҳ ғор эшикида улуғ гунбад ясаб”, уларни дафн қилади, у жойлар халқ учун муқаддас зиёратгоҳга айланиб қолади. Шаҳар аҳолиси ғор устига ибодатхона бунёд этади, сўнгра улар каҳф аҳли неча киши экани (3, 5, 7 киши) ва улар қанча муддат ғорда бўлганликлари ҳақида тортишади. Уларнинг адади қанча экани ёлғиз Аллоҳга аёндир. Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да Асҳоби Каҳф қиссасини қуйидаги рубоий билан тугаллайди:

Каҳф аҳлиға юзланди аду қайғуси,
Бўлдилар агарчи ғорнинг маҳбуси.
Чун кўзлари эрди уйқунинг мамлуси,
Ҳам оқибат этти адам ул уйқуси.

Икрима айтади: “Афсус шаҳри аҳолиси ўртасида қайта тирилиш борасида ихтилоф юзага келган эди. Бир гуруҳ “руҳ тирилади, жасад тирилмайди”, деса, иккинчи гуруҳдагилар “иккови ҳам тирилади”, дейишарди. Асҳоби каҳфнинг қайта тирилиши ушбу низога нуқта қўйди.

Ислом оламининг турли ерларида: Кичик Осиё, Сурия, Фаластин, Яман, Мағриб, Испанияда гўё «Асҳоби каҳф яширинган ғор» деб ҳисобланувчи ғорлар бўлган. Аммо мисрлик археолог, тарихчи олим Муҳаммад Тайсир аз-Забиён 20-асрнинг 70-йилларида “Мўъжизот ул-Қуръони ҳаққун” номли китобида Иорданиянинг Ражиб тоғидаги ғорлардан бирида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида ғорга дафн этилган 7 кишининг жасади ва уларга ҳамроҳ бўлган итнинг калла суяги ҳамда улар номи ўйиб ёзилган лавҳ топилгани ҳақида маълумот беради.

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да яхшиларга эргашишни тарғиб қилар экан, асҳоби каҳф воқеасига ишора қилиб, шундай дейди: “Яхшиларға эришмак – итни поклар чаргасига қотти ва ёмонларға қоришмоқ – анбиё авлодин жаҳаннамға узатти”. Улуғ шоир “Ҳайрат ул-аброр”да ўзидан илгари ўтган 3 хамсанавис: Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийларни таърифлаб, уларни Асҳоби каҳфга, ўзини уларга эргашган ит – Қитмирга ўхшатади.

Каҳфи бақо ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам ўлай робиуҳум калбуҳум.

Навоий “Лисон ут-тайр”да Шайх Нажмиддин Кубро назарининг итга қандай таъсир қилгани ҳақидаги ҳикояни келтиради. Пайғамбарлар ва авлиёларнинг назари баёнида асҳоби каҳф қиссасига ишора қилади:

Собиқан ҳам қисса ўтмиш бу қабил,
Сидқиға Асҳоби каҳф этти далил.

Навоий ғазалларида ҳам “каҳф ити” садоқат ва вафо тимсоли сифатида келади. Ғор эгаларига эргашган ит улар сафидан жой олганидек, шоир ҳам ўзини ёр итига ўхшатади, яхши кўргани ёнидан жой олишни орзу қилади.

Итларингга нисбатимни рост қилсам, Каҳф ити
Одамиларға ўзин қилған кибидир мунтасиб.

2-БЎЛИМ. НАВОИЙ: ИСЛОМ ВА ҚУРЪОН

ИСЛОМ

Ислом (ар. – бўйсуниш, итоат этиш, ўзини Аллоҳ иродасига топшириш) жаҳонда кенг тарқалган уч диндан биридир. Ислом дини – Аллоҳнинг Муҳаммад алайҳиссалом орқали бутун инсониятга юборган динидир. Ислом шариати манбалари Қуръони карим ва ҳадиси шарифдир. Буларга ижмоъ ва қиёс ҳам қўшилади. Ислом динининг ўз йўл-йўриқлари, кўрсатмалари ҳукм ва талаблари бор. Бу динга амал қилувчи муслим, мусулмон деб аталади. Исломда банданинг амаллари саккиз қисмдан иборат бўлади: биринчиси фарз, иккинчиси вожиб, учинчиси суннат, тўртинчиси мустаҳаб, бешинчиси мубоҳ, олтинчиси ҳаром, еттинчиси макруҳ, саккизинчиси мустакраҳ. Ушбу саккиз қисм амал турининг баъзиларини бажариш, айримларини бажармаслик шарт. Баъзиларини бажариш ё бажармаслик ихтиёрийдир.

Навоий ислом динининг вакили сифатида ўз ҳаётий фаолияти ҳамда асарлари билан мусулмонликни тарғиб қилди, ахлоқий нормаларини (меъёрларини), айниқса, Қуръон ва ҳадисларни асарлари қатига сингдирди, турли мавзуларни таъсирчан ифодалаш ва ёритиш учун улардан унумли истифода этди. Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да исломга алоҳида боб бағишлаб, “Ислом”нинг (арабча ёзувидаги шакли назарда тутилади) «алиф» ҳарфи “амният боғининг сарвлари” «син»и “саодат қасрининг кунгираси”, «лом»и латофат гулчеҳрасининг сунбули зулфи” ва «мим»и “муҳаббат машъалининг нури” деб таърифлайди. Навоий бу бобда Исломнинг ҳақ динлиги ва унинг фазилатларига тўхталиб, мусулмонларнинг “аҳли нажот”лигини таъкидлайди. Исломнинг бешта шарти: иймон келтириш, намоз ўқиш, бир ой рўза тутиш, закот бериш ва ҳажга бориш масалаларини ёритиб, изоҳлаб беради. Аммо Навоий шариатнинг зоҳирий амалларини бажариш билан бирга ботинни поклаш, ахлоқан ва руҳан камолотга эришиш зарурлигини ҳам эслатиб туради. Шунинг учун улуғ шоир мусулмонликни даъво қилган сохта шайхлар, риёкорлар ва ахлоқи бузуқларни танқид қилади. У форсча “Минҳож ун-нажот” қасидасида мусулмонлик даъво қилган риёкор тимсолини фош қилади: “Дунёдаги ҳамма яхшилигу ёмонликларни қазою қадардан (пешонага ёзилгандан) деб биласан. Бироқ оёғингни шариатнинг буюрганлари бандидан олиб қочасан. Бўйнингдаги ўша банд елкангдаги йўғон томирингга ўхшайди. Уни бўйнингдан осонлик билан олиб ташлашинг оғир бўлади. Бандалик қилиш учун сенга намоз буюрилган. Уни одобу арконлари билан адо этиш фарз. Бажармаслик учун сенда ҳеч қандай узр йўқ. (Уларни) адо этиш ёдингга келмайди. Адо этмоқчи бўлсанг ҳам, шундай қиласанки, найрангингнинг ўти фаришталарнинг қанотини куйдириб юборади. (Масжидга борганингда) одамларнинг кўзига кўриниш учун ундан (ҳаммадан) кеч чиқасан. Бундай масжидпарастликдан (бутхонага кириб) бутпарастлик қилиш юз мартаба яхшидир. Қара, бутпараст бут олдида ҳар саждадан олдин юзи, қўл-оёғини ювади. Сен бўлсанг ғуслсиз, яъни бутун аъзоларингни покламай туриб Ҳақ олдида пешонангни ерга (саждага) қўясан. Баъзан закот бериш учун ҳамёнингни очиш керак бўлган чоғда унинг оғзини чигил қилиб боғлаш учун очасан. Ичидаги ҳамённи ҳам маҳкам тутасан. Бойлигинг қирқу қирқ бўлганда ҳам (Закот учун) қирқдан бирини бермайсан. (Шунинг учун) қирқу қирқ талонга лойиқдир. Рамазон ойи

рўзасини Ҳақ буюрганидек тутмайсан. Тутсанг, уни ҳам нонни сарф қилмаслик учун тутасан. Ўзинг гоҳида дастурхонингга қуёш чамбарагини нон қилиб қўйсанг ҳам, ифтор чоғида ушатган нонингнинг ушоғи бўлмайди. Рўза тутмайсан, тутсанг ҳам, ранж тортиб сажда қилмайсан (яъни намозларингни ўқимайсан). Таҳорат қилишда ҳам ариқ сувини ранжитмайин дейсан (шунчаки покланасан). Борди-ю ислом (фарзи) деб ҳаж қилишни кўнглингга тугсанг, Маккада матонинг қимматлиги ёхуд арзонлиги ҳақида суриштирасан. Агар яхши фойда кўришга кўзинг етса, юк ортиб жўнайсан. Бундай ҳаж исломийликми, насронийликми, қандай фарқи бор? Шундай бўлса йўл хавфи, сармоянг (пулинг)нинг етарли бўлмаслиги, танангнинг соғ эмаслиги ҳам узр бўлолмайди. Эй мўъмин-мусулмон, агар иймонинг шую, исломинг бу бўлса, бу парда ортида яширинган қанчалар кофирликларинг бор.

Навоий асарларида у ёки бу муносабат билан доимо Ислом кўрсатмаларини эслатиб туради. Жумладан, “Насим ул-хулд” қасидасида Ислом арконларига амал қилишни тарғиб этади: “Ла илаҳа иллаллоҳ»даги алифлар дилингда тикиб қўйилгандай, михлангандай мустаҳкамлансин. Уни исбот ва рад қилишдан ақлга йўл қолмасин. Маънавиятингда Ҳаққа восилликни муқаррар қилгач, зоҳирда шариат қоидаларига амал қилишни зарур деб бил. Беш вақт намоз ислом панжасининг қуввати бўлди. Унинг одобу арконларига риоя қилиб, адо этгин. Закот йигирмадан бир деб олинди. Унинг қолган йигирмасидан ҳам ҳақ бериш дил ҳукмидир. Балли, шукронани бериш мардларнинг қарзидир. Рўзанг вужудингни шариат томонидан таъқиқланганлардан сақлайди. Дилнинг рўзаси Раҳмонни ёдлаб туришингнинг йўлини тўсиб турувчилардан ҳимоя қилади. Ундан кейин ҳажнинг шартларини адо қилмоқчи бўлсанг, бунинг учун унга қодир бўлмоқлигу йўл хавфсизлиги керак. Унинг биёбонига зоҳир юзасидан қадам ташлаб бўлмайди.

Исломий қарашлари Навоийнинг барча асарларида у ёки бу даражада акс этган бўлса-да, унин соф ислом динига бағишланган асари “Сирож ул-муслимин”дир. Муаллиф асарнинг ёзилиш сабабларига, иймон шартлари ва ақида масалаларига тўхталади. Иймондан кейин исломни билиш ва эгаллашга даъват қилади:

Ангаким, бўлди иймон амри кирдор,
Керак Исломдин бўлса хабардор.

Биносин англағил Исломнинг беш,
Ани билмакка бўлғил фикратандеш.

Навоий бу асарида исломнинг беш рукнини батафсилроқ ёритади. Ҳар бир рукнга тегишли бўлган масалаларга ҳам эътибор қаратади. Масалан, иккинчи рукн бўлган намоз ҳақида гапирар экан, аввало, таҳорат фарзлари, суннатлари, мустаҳаблари, ноқизлари (бузадиган нарсалари), ғуслни вожиб қилувчи сабаблар, ғуслнинг фарзлари, суннатлари, таяммум фарзлари, ноқизларига тўхталади, ундан кейин намознинг батафсил зикрига ўтади. Шунингдек, рўза, закот ва ҳаж масалаларини ҳам атрофлича ёритиб беради. Навоийнинг бу мўъжаз асари диний саводхонликни оширишда муайян бир дастурдир.

Навоий мусулмон қандай бўлиши керак деган саволга ҳам жавоб бериб ўтади. Унингча, мусулмон фақат шариат амрларини бажариш билан кифояланмасдан, доимо хулқини такомиллаштириб, гўзаллаштириб бориши зарур. Пайғамбарлик моҳиятларидан бири ҳам

ахлоқни тузатишга қаратилган. Шоир “Маҳбуб ул-қулуб” асарида мусулмонга хос бўлган ахлоқий меъёрларни батафсил баён қилар экан, шайхулислом, қози, муфти каби дин пешволарининг ўз соҳаларини яхши билишлари, ножойиз, ношаръий амаллардан, ахлоқсизликлардан йироқ бўлишларини талаб қилади. Хусусан, халқ билан ишлайдиган, халқ дардини тинглайдиган мансабдор ёки диний-руҳоний лавозимдаги кишиларни илмига амал қилишга, ҳалолликка, диёнатли бўлишга чақиради. Масалан: порахўр қози – Ислом қалъасини бузувчи, кимки пора бериб, ҳукм чиқариб олса, у пора бериб шариатни ҳам буза олади, дейди. Шоир танбиҳларидан бирида тили поку кўнгли покни мусулмон деса бўлади. “Мусулмон шундай кишики, мусулмонлар унинг тили ва қўлидан зарар кўрмайди ва кўзи ҳамда кўнглидан хотиржам бўлишади”, – деган ҳадис маъносини келтиради. Зулм ва бировлар қалбига озор бериш Исломда катта гуноҳ саналгани учун шоир “Ҳайрат ул-аброр”да ҳам бу масалага тўхталган. “Арбаъийн” асарида мазкур ҳадисни ўзбекчалаштириб шундай дейди:

Ким мусулмонлиғ айласа даъво,
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.
Ул мусулмондурурки, солимдур
Тилию илгидин мусулмонлар.

Хуллас, Навоий Исломнинг илму ижодга кўрсатган таъсирини, шахс ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ўзининг ибратли ҳаёти ҳамда ўлмас асарлари орқали ҳар томонлама кўрсатиб, исботлаб берган. Унинг асарларидан маълум бўладики, Ислом фақат сўз, эътиқод ва диний илмлардангина иборат эмас, балки мусулмон ўз ҳаётини, тафаккур тарзини, ахлоқий мезонларини соғлом эътиқод, гўзал ахлоқ ва шаръий кўрсатмаларга биноан таъминлаши лозимдир. Навоийнинг соф Ислом ҳақидаги мўътажаз китобларидан бири “Сирож ул-муслимин”дир.

“СИРОЖ УЛ-МУСЛИМИН”

“Сирож ул-муслимин” (мусулмонлар чироғи) – Навоийнинг ақида ва шариат аҳкомларига бағишланган мўътажаз асари. Бу асар оммага мўлжалланган, содда услубда, ҳанафий мазҳаби ва мотурудия эътиқодига мувофиқ битилган. Муаллиф қисқача ҳамду наътдан кейин кириш қисмида асарнинг ёзилиш сабабини баён қилади. Кунлардан бир кун кўпчилик ичида бир одам Навоий солган қайсидир “олий работи” (катта меҳмонхона ё ҳашаматли карвонсарой) ҳақида гапириб, ундаги мусофирларга мўлжаллаб солинган хоналарни мақтайди. Шунда ўша ерда подшога яқин бўлган “базмнинг нуктадон”ларидан бири айтадики: Агар у (Навоий) бир уйни тузатган бўлса, назмининг касофати билан минг уйни бузганидан нима фойда? Унинг шеърларини ўқиганлар доим ошиқу маст бўлиб юрадилар. Ислому дин уйини вайрон қилиб, хайрия биносини қурса, ҳисобга ўтармикин, инобатга олинармикин? Навоий бу сўздан жуда таъсирланади, “Чу билдим, чин демиш, дам урмадим ҳеч”, дейди. Шундан кейин Навоий содда, туркий омма тушунадиган тарзда “дину ислом уйини маъмур” қиладиган, дин аҳлига зарурий бўлган ақида, ислом асослари, фарзу вожиб суннатларни,

уларга тегишли бўлган масалаларни баён қиладиган бир асар ёзишни кўнглига тугиб қўяди. Аммо турли ташвишлар билан машғул бўлиб, ишга киришолмайди. Иттифоқо, бир куни ўша даврнинг "маънидин огоҳ" бўлган, Хожа Аҳрори Валийнинг шогирдларидан бири Самарқанддан Ҳиротга келади. Навоий унинг суҳбатига боради. У одам суҳбат асносида Хожа Аҳрори Валийнинг Навоий ҳақида айтган сўзларини унга етказади:

Ким, улдур пешвойи аҳли иршод,
Бу иршод этти сандин айлабон ёд.
"Ким, ул кўп назм дерга бўлди роғиб,
Бу янглиғ назм ҳам эрди муносиб".

Хожа Аҳрорнинг бу сўзлари Навоийга туртки бўлиб, кўнглида анчадан бери тугиб юрган режасини, яъниднний мавзуда асар ёзиш истагини амалга оширишга киришади. Навоий асарида шариат ҳукмлари иккига: ақида ва амал қилиш лозим бўлган ислом ҳукмларига бўлиниши ва айни пайтда уларнинг мазмун ва талабида фарқлар борлигини таъкидлаб ўтади:

Бирисидин мурод ўлди ақида,
Амал матлуб бўлди ул бирида.

Демак, биринчиси – ақида, иккинчиси – амал қилиш лозим бўлган исломий шартлар ва ҳукмлар. Ақида арабча сўздан олинган бўлиб, «ақд» - бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш маъносидадир. Кўпликда «ақоид» дейилади. Ақида истилоҳ сифатида Ислом динидаги ишонилиши ва қалбан тасдиқ этилиши керак бўлган заруриёти динияларни билдиради. Ақида динимизнинг асосини, тамалини ташкил этади. У исломий илм соҳаси сифатида иймон масаласининг асосий ҳукмлари ва қонуниятларини хос шаклда тушунтириб беради. Ақида аниқ ишонилган нарса, иймон ва унинг тушуниш шаклидир. У ибодатни эмас, иймонни, амални эмас, иймон талабларини асос қилиб олган исломий тушунча ва ҳукмлар мажмуасидир. Қисқа қилиб айтганда, ақоид Қуръон ва суннат доирасида Ислом динининг иймон асосларидан сўз юритадиган таълимотдир, шаръий эътиқодий ҳукмлардир.

Навоий ҳам ислом динида ақиданинг бирламчи ва асос эканини инобатга олиб, аввало, эътиқодий масалаларни баён қилади. Бу йўналишда мусулмон учун энг биринчи фарз бўлган нарса, у оқил ва балоғатга еткандан кейин Аллоҳга иймон келтириши, унинг якка-ягоналигини тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаши лозим:

Бурун ул нимаким, фарз этти Яздон,
Эрур оқилға болиғ бўлғач иймон.
Анинг маънисидур тил бирла иқрор,
Кўнгул бирла инонмоғлиғ дағи бор.

Навоий иймон келтириш керак бўлган олти нарса: Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, ёмонлигу яхшиликнинг тақдирдан эканига эътибор қаратгандан сўнг, Аллоҳнинг саккиз сифати, қабр азоби, Мункар Накир саволи, Сирот кўп-

риги, амаллар тортиладиган тарози, дўзах, жаннат, Аллоҳни кўриш, шафоат, мўжиза, кароматлар ҳақида ҳам тушунча беради, уларга ҳам сўзсиз ишониш кераклигини таъкидлайди. Шариатнинг буйруқ ва тақиқлари инсондан соқит бўлмаслиги, фолчи ва коҳинларнинг гапини тасдиқлаш ҳам куфр экани ақида масалаларига тегишлидир, дейди.

Шундан кейин иймонни касб этган, ўзлаштирган киши исломни билиши лозим, – дейди муаллиф, – ва китобнинг иккинчи қисми ислом арконидан, исломнинг беш шартидан сўз юритади:

Биносин англағил исломнинг беш,
Ани билмакка бўлғил фикратандеш.

Навоий исломнинг беш рукнини ёритишга киришар экан, ҳар бир рукнга тегишли бўлган фиқҳий масалаларга тўхталади. У иккинчи рукн бўлган намоз ҳақида сўз юритишдан олдин, аввало, таҳоратнинг тўртта фарзи, суннатлари, мустаҳаблари, ноқизлари (бузадиган нарсалари), ғуслни вожиб қилувчи сабаблар, ғуслнинг учта фарзи, суннатлари, таяммумнинг тўртта фарзи, ноқизларига муносабат билдиради, кейин намознинг зикрига ўтади. Аввало, намоз билан боғлиқ олтита “хориж” (ташқи) ва олтита “дохил” (ички) фарзларни баён қилади.

Намоз ичра фаройиз, эй хирадманд,
Ўн икки нима айлабдур Худованд.

Намозингга алардин олти дохил,
Яна олтиси хориж келди ҳосил.

Намоздан ташқаридаги фарзлар: таҳоратли ва покиза бўлиш; намоз ўқиладиган жойнинг пок бўлиши; аврат аъзоларнинг тоза либос билан беркитилган бўлиши; намозни ўз вақтида ўқиш; қиблага қараб ўқиш; ният қилишдир. Намоз ичкарисидаги олтита фарзлар: Аввалги такбир (такбири таҳрима)ни айтиш; қиёмда тик туриш; намоз жойиз бўладиган даражада қироат қилиш; рукуъ қилиш (эгилиб, тиззани ушлаб, маълум тасбиҳларни айтиш); сажда қилиш; охирги қаъдада (“ташаҳҳуд”ни ўқиш миқдорича вақт) ўтириш. Шунингдек, намознинг вожиблари, суннатлари ва мустаҳабларига ҳам бир-бир тўхталади. Фарз ва суннат намозларининг бир кечаю кундуздаги ададлари, фарз, суннат ва нафл каби намоз турларига тегишли бўлган ҳукмларнинг талаб ва қоидаларини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, исломнинг учинчи рукни бўлган закот, қачонки кишининг моли нисобга етса, қирқдан бирини ҳақдорга ажратиши фарз бўлади:

Нисоб ўлса киши молиға зоҳир,
Айирмоқ фарз келди қирқдин бир.

Навоий закотни кимларга ва қайси моллардан беришни ва қайси моллардан бериш лозим эмаслигини айтиб ўтади. Жумладан, кийиб юриладиган кийим-кечаклар, миниладиган от-улов, зарурий эҳтиёж ҳисобланган мис идишу асбоб-анжомлардан закот берилмай-

ди, улар закот бериладиган мол-мулк тоифасига кирмайди. Закот беришлик балони рад қилади ва қиёматда юк енгил бўлиши (закот туфайли азобга қолмаслик)га сабаб бўлади:

Адосида балонинг раддин айла,
Яна қилмоқ сабукбор ўзни тонгла.

Навоий исломнинг тўртинчи рукни бўлган савм (рўза)нинг бир ой рамазон ойида тутилиши, унга ният қилиш, эртадан-оқшомгача еб-ичмаслик ва жимоъ қилмаслик шартлари (фарзлари) борлигини айтади. Рўзани бузадиган ва бузмайдиган нарсаларни, каффорат ва қазо лозим бўладиган ҳолатларни тушунтириб ўтади.

Навоий исломнинг бешинчи рукни бўлган ҳаж амалининг кимга ва қачон фарз бўлишига тўхталади. Улар: ҳаж қилиш учун кўзланган жойга боришга қодир бўлиш; йўлнинг тинч-омон бўлиши; бўйнида қарз бўлмаслик; ҳаж давомида аҳли аёлнинг (оиланинг) моддий жиҳатдан таъминланган бўлиши; ҳажга монелик қиладиган бирор касалликнинг бўлмаслиги. Мазкур монеликлар йўқ бўлса, дарҳол ҳажга отланиш фарз бўлади:

Бу маҳзурот гар йўқ тебра филҳол,
Ўзунгни дўст кўйи тавфиға сол.

Шоир китобнинг хотима қисмида ёзишича, 905 (1499-1500) йил кунларнинг бирида одобу тавозудан баҳраманд бир киши мажлисда фиқҳий масалалардан баҳс қилаётган бўлади ва бу йигитнинг қобилиятли экани кўриниб туради. Навоий шунда чўзилиб келаётган ишини якунлашни, китобини ўша йигитга ва шу баҳона билан бошқаларга манфаат етказишини умид қилиб, охирига етказади. Навоий тақдир бу китобнинг бошланиб, якунига етишига юқоридаги учрашувнинг сабаб бўлганини айтади ва китобига “Сирож ул-муслимин” (“Мусулмонлар чироғи”) деб ном қўйганини, бу китобни ўқиб, кўнгли ёришган кишилар уни дуо билан эслаб, руҳини шод этишларини истаб қолади.

Чу равшан айлар ислом аҳли зотин:
«Сирож ул-муслимин» қўймишмен отин.

Умидим улким, ҳар ким ўқуғай,
Мунунг нури била кўнгли ёруғай.

Дуо бирла мени ҳам айлагай ёд,
Равоним ул дуодин айлагай шод.

Навоийнинг бу китоби ислом динини тушунтириш ва тарғиб этишда ўзига хос аҳамиятга молик ҳамда ўзбек тилида, шеърий услубда ёзилган дастлабки фиқҳий асарлардан бири сифатида эътиборга эга.

"ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР"ДА ОЯТЛАРНИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ВАЗИФАСИ

Маълумки, "Хамса"нинг илк достони "Ҳайрат ул-аброр" ҳазрати Алишер Навоийнинг энг салмоқли асарларидан биридир. Диний, фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий мавзуларга бағишланган бу асар 888 ҳижрий қамарий (1483 милодий) йилда ёзиб тугалланган бўлиб, 3987 байт ва 63 бобдан иборат[1]. Асар арузнинг сариъ мусаддаси матвийи макшуф (муфтаилун, муфтаилун, фоилун - - vv - - vv - - v-) -вазнида битилган.

Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн"да Шайх Низомий Ганжавийнинг (1141-1203) "Махзан ул-асрор"идан таъсирланиб, унга жавоб тариқасида "Ҳайрат ул-аброр" достонини ёзганини қайд этади[2]. Шунингдек, Хусрав Деҳлавийнинг (1254-1305) "Матла ул-анвор", Абдураҳмон Жомийнинг (1414-1492) "Туҳфат ул-аҳрор" достонларидан ҳам илҳомланганини "Ҳайрат ул-аброр" нинг XIII бобида таъкидлаб ўтади[3].

Асар ҳақида қатор тадқиқотлар қилинган[4]. Лекин собиқ шўролар ҳукуматининг динга қарши йўналтирилган сиёсати туфайли асардаги диний ва тасаввуфий ғояларга етарли илмий баҳо берилмади. Асар таркибидан жой олган оятлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

"Ҳайрат ул-аброр"да исломий ахлоқ ва эътиқодни шакллантириш, шариатга амал қилиш, халққа, жамиятга фойда етказиш, хақиқий мўъмин мусулмон, комил инсонни тарбиялашга даъват этилгандир. Унда муаллиф ўзининг бош мақсадини ўқувчига етказиш, фикрини далиллаш, ғоявий таъсирчанликка эришиш воситаси сифатида Қуръони карим оятларидан унумли фойдаланган. Уларни шартли равишда 3 га ажратиш мумкин:

1. Сарлавҳага чиқарилган оятлар.

2. Оят ва оятдан олинган иборалар.

3. Оятга ишоралар.

"Ҳайрат ул-аброр"нинг 6 та, яъни XI, XVIII, XIX, XX, XXVI бобларида бароати истиҳлол[5] санъати воситасида оятлар сарлавҳага чиқарилган.

---

[1] Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Илмий-танқидий матн. Тузувчи Порсо Шамсиев. Тошкент, 1970, 11-бет. (Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" ни махсус бобларга ажратмаган бўлса-да, айрим тадқиқотлардаги каби биз ҳам асарни шартли равишда бобларга ажратиб ўргандик).

[2] Қаранг: Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 12-том, Тошкент, 1967, 120-бет.

[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик, 7-том, Тошкент, 1991, 54-55-бетлар. Бундан буён бу асарни "Ҳайрат ул- аброр" деб саҳифасини кўрсатиш билан чекланамиз.

[4] "Ҳайрат ул-аброр" достони Ҳақида О. Шарафиддинов, С.Айний, Ойбек, М. Шайхзода, Тўхтасин Жалолов, Порсо Шамсиев, Ғ.Каримов, В. Зоҳидов, А. Ҳайитметов, А. Қаюмов, Н.Маллаев, А. Рустамов, А.Абдуғафуров, Б. Валихўжаев, И. Ҳаққулов, М. Мирзаахмедова, А.Ҳабибуллаев ва рус шарқшунос олими Е. Э. Бертельсларнинг тадқиқот ва мақолалари мавжуд.П. Шамсиев асарнинг танқдий матнини тузган.Тўлиқ бўлмаса-да, достонни насрий баён қилган А. Ҳайитметовнинг хизмати алоҳида эътиборга лойиқ. 2019 йил Ў. Йўлдошев “Хамса” достонларини, жумладан “Ҳайрат ул-аброр”ни ҳам насрий баён қилган. “Navro’z” нашриёти.

[5] "Бароати истиҳлол улдурким, калом ибтидоси мақсудға ишора қилмоқ йўли бирла мақсудға муносиб қилинур..." (Қаранг: Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ. Тошкент, 1981, 252-бет.).

Бошқа боблардаги 17 байтда оят ва оятлардан иборалар учрайди. Бундай байтларда иқтибос[1] санъати қўлланган. Шунингдек, кўплаб байтларда ақд[2] санъати воситасида оятларга ишоралар қилинган[3].

Мисрлик олим Имом Таҳовий "Қуръон" ва ҳадисларда Аллоҳнинг исм ва сифатлари 99 та ном билан келган. Шу номларга бирорта қўшиш ёки бирортасини инкор этиш жоиз эмас, деб ёзади[4]. Навоий ҳам "Ҳайрат ул-аброр" да, айниқса, асар муножатларида Аллоҳга муносабат билдирар экан, Унинг зот ва сифатлари Қуръонда қандай келтирилган бўлса, шундай улуғлайди. Аллоҳнинг ҳар бир сифатини теран тафаккур ва завқли туйғулар билан шарҳлайди, юксак маъно ва чуқур бадиият билан суғорилган байтлар яратади.

Масалан, "Ҳадид" сурасида "Аввал ҳам, Охир ҳам, Зоҳир ҳам, Ботин ҳам Унинг ўзидир. У барча нарсани билгучидир"[5], дейилса, Навоий дастлабки муножотда Аллоҳни қуйидагича сифатлайди:

Не бўлуб аввалда бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга.

Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,
Борчаға Холиқ, бориға айн ўзунг.

Ҳазрат Навоий Аллоҳнинг дунёни яратиш жараёнини тасвирлар экан, дунё яратилмасдан бурун нозир ҳам, манзур ҳам, ҳуснига мағрур ҳам унинг Ўзи эканлигини, У ўзини танитиш, қудратини намойиш қилиш, ҳуснини жилва қилдириш учун бу жумла оламни кўзгу сифатида яратганини айтади.

Жилваи ҳусн ўлғали зоҳир анга,
Бўлди бу миръот мазоҳир анга[6].

"Бақара" сурасида "Машриқ ҳам, Мағриб ҳам Аллоҳникидир. Бас, қай тарафга юз бурсангиз, ўша жой Аллоҳникидир. Шубҳасиз, Аллоҳ (ҳамма томонни) қамраб олувчи билимдондир" дейилади[7]. Демак, коинотнинг қайси бурчагида бўлмасин, Аллоҳ яратган нарсалар кўзгу каби унинг мавжудлигини кўз-кўз қилади.

Лекин борлиқ яралмасдан бурун фақат Аллоҳ мавжуд эди. Унинг Қуръонда келтирилган Аҳад – якка, ягоналик сифати бор эди. Ва У абадий яккаю ягоналигича боқийдир.

---

[1] Иқтибос машҳур қавлга кўра Қуръон ё Ҳадисдин бир нимани анинг Қуръон ёки Ҳадисдин олинғаниға ишора бўлмаған тарзда каломға киритмакдин ибораттур... (Қаранг: Мазкур асар. 242-б.). Бироқ баъзи оятлар асарда иқтибос санъатисиз, "Ҳақ дебдур", "Деб ўзиким", "Тенгри каломи хабар андин берур" каби ибора ҳамда жумлалар билан ҳам келган.

[2] Ақд улдурким, насрни назм қилурлар... (Қаранг: Мазкур асар. 243-б.).

[3] Биз мақолада фикрлар такрорига йўл қўймаслик учун уч йўналишга ажратилган оятларнинг ҳар қайсисини алоҳида ҳолда ёритишни лозим топмадик.

[4] Имом Таҳовий. Ақоид. Тошкент, 1992, 23-б.

[5] Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Тошкент, 1992, 418-б. (Бундан буён бу асарни Қуръони карим деб саҳифасини кўрсатамиз).

[6] Мазкур асар, 20-б.

[7] Шарқ юлдузи журнали. 1990, №3, 176-б.

Бирлик эдию адади йўқ эди,
Бирдин ўзга аҳаде йўқ эди.

Имом Таҳовий фикрига яна мурожаат қиламиз: "Аллоҳ бирдир. Унинг шериги йўқдир. Унинг тенги ва тимсоли йўқдир. Уни енгадиган ёки ожиз қолдирадиган бирон куч йўқдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У қадимдирки, ибтидосиз ва доимийдирки, интиҳосиз. У фоний эмас ва асло йўқ бўлмас. Барча иш фақат Унинг ирода-хоҳиши билан бўлур"[1].

"Ҳадид" сурасида айтилади: "Осмонлар ва ер Унинг мулкидир. У ҳаёт ва ўлим берур. У барча нарсага қодирдир"[2].

Йўқлик оламидан заррадан улкан сайёраларга қадар барча махлуқот Унинг иродаси билан яралган. Уларнинг ҳаракати ва йўқ бўлиб кетиши ҳам Аллоҳдандир.

Сендин алар жунбишу ороми ҳам,
Ўйлаки ижоди ҳам, эъдоми ҳам.

Аллоҳ иродаси билан яралган барча нарса Унга сажда қилади ва бўйинсунади. Жумладан, "Раъд" сурасида шундай дейилади: "Осмонлар ва ердаги барча жонзот ва уларнинг соялари хоҳ истасинлар, хоҳ истамасинлар, эртаю кеч фақат Аллоҳгагина сажда қиладилар - бўйинсунадилар"[3]. Шоир тили билан айтганда:

Катми адамдин неки мавжуд ўлуб,
Сожид ўлуб, сен анга масжуд ўлуб.

Мўмин киши ёлғиз Аллоҳга сажда қилиши керак. Ундан ўзгага қилинган сажда ширк, куфр саналади. "Қисаси Рабғузий"да Яъқуб алайҳиссалом узоқ айриликдан сўнг ўғли Юсуф алайҳиссаломни кўриб фарзандлари билан унга сажда қилганликлари айтилган. Рабғузий бундай сажданинг ўз даврида раво бўлганлигини шундай изоҳлайди: "Биринчидан, Юсуф алайҳиссалом қаршиларида, юқорида турганлари учун Яъқуб пайғамбар фарзандлари билан Аллоҳга сажда қилдилар. Иккинчидан, Яъқуб пайғамбар бошларини хам қилиб турдилар, юзларини ерга қўймадилар[4]. Учинчидан, ўша давр шариатига мувофиқ улуғ кишиларга таъзим учун сажда қилинарди. Лекин бизнинг шариатимизда бу нарса қораланади. Қуръон оятига мувофиқ охирги жавоб тўғри ҳисобланади"[5].

Бордан йўқ, йўқдан бор қилувчи Зот етти осмон, қуёш, юлдузларни яратиб, уларга нур, ёруғлик бағишлаган. "Устларингизда етти (қабат) пишиқ мустаҳкам (осмонни) бино қилдик. Ва доимо чарақлаб турувчи чироқни (яъни қуёшни) пайдо қилдик", дейилади "Набаъ" сурасида[6]. Шоир қуйидаги байтларда юқоридаги оятларга ишора қилади:

---

[1] Мазкур асар, 5-б.
[2] Қуръони карим, 418-б.
[3] Қуръони карим, 170-б.
[4] Асарда шу ўринда Юсуф деб берилган. Биз эса мантиқан Яъқуб деб ўзгартиришни мувофиқ топдик. Қаранг: Носириддин Бурҳониддин Рабғузий. "Қисаси Рабғузий". Тошкент, 1990, 1-китоб, 162-б.
[5] Қаранг: Мазкур асар. Ўша саҳифа.
[6] Қуръони карим. 481-б.

Холиқи ашёки жаҳон айлади,
Чархни пайдову ниҳон айлади.

Етти фалакни қилиб мустадир,
Ҳар бири бир шамъ ила бўлди мунир.

Аллоҳ яратган ҳар бир нарсанинг ҳикмати, ўзига хос хосияти бор. Осмон жисмлари, ердаги ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда маъданларнинг ҳар бири "бир гавҳари олий сифот". Бироқ махлуқоту мавжудотни, жумла оламни яратишдан мақсад инсон эди.

Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.

Аллоҳ инсонни яратар экан уни ўз лутфу марҳамати билан ҳам сийлаган.

Турфа каломингға доғи комил ул,
Сирри ниҳонингға доғи ҳомил ул.

* * *

Барча жаҳондин қилиб ашраф сени,
Айлади розиға мушарраф сени.

Абдураҳмон Жомий Навоийга ҳамоҳанг тарзда "Туҳфат ул-аҳрор" асарида инсон ва унинг яратилиши, улуғ хилқат эканлиги ҳақида шундай дейди:

Шоҳи азал хост чунон мазҳаре,
Чид зи дарьёи қидам гавҳаре.

Сохт дилаш махзани асрори хеш,
Кард рухаш матлаи анвори хеш.

Ҳар чи аён дошт бар ў харж кард,
Ҳар чи ниҳон хост дар ў дарж кард[1].

Таржимаси: Азал султони (Аллоҳ) қадимийлик дарёсидан Ўзини зоҳир қиладиган бир гавҳар (инсон)ни яратди. Унинг қалбини Ўз сирларининг хазинаси қилди. Юзини Ўз нурлари порлайдиган жой қилиб яратди. Ошкор бўлган ҳар нарсасини унга сарфлади, пинҳон сақлашни хоҳлаган нарсаларни унга киритди).

Инсонни Аллоҳ лой – тупроқдан яратган ва унга руҳ бағишлаган. Ҳикмат қўли билан Эрам боғидек тупроғини гўзал қилиб қорган. Яъни шаклу шамойилини чиройли қилиб ясаган.

[1] Жомий. Асарлар. 8 томлик, 3-том, Душанбе, 1987, 261-б.

Одами хокийни чу субҳи аласт
Айладилар руҳ майи бирла маст.
Ҳикмат илиги била туфроғини,
Туздилар андоқки Эрам боғини.

Навоий ружуъ санъатига мурожаат этиб, инсон вужудини Эрам боғи эмас, жаннат боғига, боғ эмас ҳурлар жилва қилган жойга ўхшатди. Унинг (инсоннинг) шаклини, ҳуснини чиройли ташбиҳлар орқали тасвирлаб беради. Гулгун юз – янги очилган гулларга, қомат – тик савсан, тўғри сарву шамшодга, зулф – сунбулга, лола ва оқ гул – юз ва энгакка, юздаги терлар – қуёш чашмасига, ғабғаб – сув устидаги кўпикка, кўз – фитнагар наргисга, лаб – ғунчага, муйлабдаги туклар – хуррам сабзазорга, тер – сабзадаги шабнамга қиёсланади. Шоирни шу ўринда инсон руҳи, ишқ, ошиқ ва ақл муносабатларига кенг тўхтаб ўтади.

Аллоҳ Одам алайҳиссаломнинг тупроғига қирқ кун раҳмат ёмғири ёғдириб, уни Ўз қудрат қўли билан қорганини Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо"да ҳам ҳикоя қилган[1].

Қуръони каримнинг "Ҳижр" сурасидаги *"Маълумки, Биз инсонни - (Одамнинг асли) қора ботқоқдан бўлиб (одам) сурати берилгач, қуритилган лойдан яратганмиз. Жинни (яъни Иблисни) эса (одамдан) илгари оташ - оловдан яратган эдик"*[2] деган оят мазмунан юқоридаги байтлар билан узвий боғлиқдир.

Рабғузий одамни тупроқдан яралиш сабаби ҳақида шундай маълумот беради: "Аллоҳ одамни яратаман деб хитоб қилганда, ҳамма нарса ўзини мақтаб мендан яратгин деб бош кўтарган. Тоғ "ман юксакман", денгиз "ман ҳайбатлиман", олтин "ман азизман", осмон "ман баландман" деб турганида ер "ман заифман, оёқ остидаман, менда қувонадиган нарса йўқ" - деб хокисорлик, камтарлик қилиб турган. Шундан кейин Аллоҳ "Ман одамни тупроқдан яратаман" деб хитоб қилган"[3].

Модомики, одам Худонинг ердаги халифаси, хос сирнинг маҳрами, севикли бандаси, "ашрафул махлуқот" - яратилган нарсаларнинг энг улуғи экан, у Худонинг меҳру муҳаббатига сазовордир.

"Каррамно" келди маноқиб анга,
"Аҳсани тақвим" муносиб анга.

"Каррамно" (мукаррам қилдик) "Исроъ" сурасининг 70-оятидан олинган сўз бўлиб, оятнинг тўлиқ таржимаси шундай: *"Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз – мукаррам қилдик ва уларни барру баҳрда – қуруқлик ва денгизда (от, улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол – пок нарсалардан ризқу рўз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал, устун қилиб қўйдик"*[4].

"Аҳсани тақвим" эса "Ват-тийн" сурасидаги ***"Лақад халақнал инсона фи аҳсани тақвим".*** Яъни, дарҳақиқат, Биз инсонни энг гўзал шаклу шамойилда яратдик[5], деган оятдан олинган иборадир.

---

[1] Қаранг: Алишер Навоий. "Тарихи анбиё ва ҳукамо". Мукаммал асарлар тўплами, 20 томлик, 16-том. Тошкент. «Фан», 2000 й. 99-б.

[2] Қуръони карим. 181-б.

[3] Носирриддин Бурҳониддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий, Тошкент, 1990, 1-китоб, 17-б.

[4] Қуръони карим, 201-бет.

[5] Қуръони карим 639-б

Навоий юқоридаги байтда инсонни улуғлайдиган ҳар иккала оятдан маҳорат билан фойдаланади. Лекин ўзини танимаган, Худо амрини бажармаган мутакаббир, мушриклар Қуръонда "ҳайвон, балки ундан ҳам тубан" деб маломат қилинадики, Навоий ҳам бундай кишиларни нафрат билан қаламга олади.

Шоир мўъмин кишини ўзлигини англашга, Аллоҳ уни инсон ва мусулмон қилиб яратган экан, шукр қилиб унга муносиб бўлишга даъват этади.

Буки сени холиқи кавну фасод,
Қилмади ҳайвону наботу жамод.

Лутф била айлади инсон сени,
Дин йўлида қилди мусулмон сени.

Навоий Аллоҳ яратган бутун борлиқ, беҳад сир-саноатга бой коинот, ҳар бир ҳикматли ашёлар қаршисида ҳайратга тушади. Аллоҳ яратган нарсалар моҳиятини англашда буюк ақл ҳам ожизлигини эътироф этади. Шоир Аллоҳнинг "қодир" ва "қаҳҳор" сифатларини тилга олади. Аллоҳга қарата: агар коинот, дунёдаги нарсаларни йўқотмоқчи бўлсанг, лаҳзада улардан ному нишон қолмайди, деб қиёмат қойим манзараларини чизади. Ана шу куни тоғлар юнг каби тўзиб, фалаклар ўз ўрнидан қўзғалади, дарёлар кўкка сапчийди, "кўк бир этак гул каби соврилиб", юлдузлар "бир ҳовуч гул каби қўзғалиб", кун қизигандан қизиб кетади. Ер юзини даҳшат қоплаб, ҳамма ўлади, фақат Аллоҳгина боқий қолади.

Тенгри қолиб боқию дайёр йўқ,
Ёр муаббад бўлуб ағёр йўқ.

Низомий ҳам Аллоҳнинг мангу боқий сифати ҳақида тўхталганда, жумладан, шундай деган:

"Ҳар чи жуз ў ҳаст бақоияш нест,
Уст муқаддас, ки фаноияш нест"[1].

Ундан (Аллоҳдан) ташқари бўлган нарсаларнинг бақолиги йўқ. У (Аллоҳ) муқаддасдирки, фанолиги йўқ.

Қуръонда қиёмат кунининг ҳақлиги, унинг содир бўлиши, лекин шу куннинг вақти-соатини ҳеч ким билмаслиги такрор уқтирилади. Қиёмат кунига ишонмайдиган кишилар ҳар хил азоблар билан қўрқитилади. "Албатта, (қиёмат) соати келгувчидир. У ҳақда шак-шубҳа йўқдир. Лекин кўп одамлар (унинг) келишига иймон келтирмаслар"[2].

Маҳшар кунида фақат Аллоҳ ҳукм юритади. Барча кишилар унинг амрига мунтазир, қўрқувдан титраб турадилар. Ер, осмондаги нарса, молу мулк фақат Яратувчининг ихтиёрида бўлади.

Сўз "лиманил мулк" ўлуб ул дам анга
Ким ангадур мулк мусаллам анга .

[1] Низомий Ганжавий. Махзан ул-асрор, Теҳрон, 1313 ҳ. 4-б.
[2] Қуръони карим,440-б.

Навоий юқоридаги байтда *"лиманил мулкул явм. Лиллоҳил воҳидил қаҳҳор"* оятига ишора қилиш орқали қиёмат куни зўру ожиз, бою камбағал, мўмину кофир, хуллас, инсон зоти "мулк"нинг ҳақиқий эгасини эътироф этиб, инон-ихтиёрини унга топширишини таъкидлайди. Оятнинг таржимасига диққат қилинса, фикримиз янада ёрқинлашади: *"Улар (бандалар) ташқари чиқсалар (қабрларидан) ўша кун (яъни қиёматда) инсонларнинг бирорта ишлари ҳам Аллоҳ таолодан махфий қолмайди (яъни Аллоҳ таоло бандаларининг барча қилган ишларини билади ва ҳисоб-китоб қилади).* Ана шу кун Аллоҳ: *"Бу куннинг мулки (подшоҳлиги, ҳисоб-китоби, бошқаришлиги) кимга тегишли?"* – деб хитоб қилади. Бандалар бир овоздан: *"Бу куннинг мулки ягона ва қаҳрли Аллоҳгагина тегишлидир"*, - деб жавоб берадилар"[1].

Навоий қиёмат воқеаларига тўхталар экан, иложи борича шу кун билан боғлиқ оятларни байтлар қатига сингдиради ва қиёмат қойим манзараларини кўз олдимизда жонли гавдалантиради.

Зоҳир ўлур "буъсира мо фил-қубур",
Жилва қилур "ҳуссила мо фис-судур".

"Явмаизин мохалақаллоҳу фиҳ",
"Явма яфиррул-маръу мин ахиҳ".

Не кун ўшул оҳу надомат куни,
Оҳу надомат не, қиёмат куни.

Дастлабки байтнинг оятлари "Вал-одиёт" сурасидан бўлиб, унинг мазмуни шундай: *"9. Ахир у билмасмики, (қиёмат қойим бўлиб), қабрларнинг ичидаги нарсалар (жасадларга жон ато этилиб, ташқарига чиқарилганида. 10. Ва дилларидаги сирлар ошкор қилинганида-11-Ана ўша кунда шак-шубҳасиз Парвардигорлари улардан (яъни, барча халойиқнинг ҳаёти дунёда қилиб ўтган ишларидан) огоҳ - хабардор-ку!*

"Явма яфиррул маръу мин ахиҳ" "Абаса" сурасининг 34-оятидир. Бу оят қиёмат куни даҳшатли қичқириқ, яъни иккинчи сур чалиниб барча халойиққа қайтадан жон ато этилганда ҳар ким ўзи билан ўзи овора бўлишидан дарак беради. Оят маъносига диққат қилайлик. *"У кунда киши оға-инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотини-ю, бола-чақасидан ҳам қочур?"* Навоий мазкур оятнинг мазмунини бошқа бир байтда ҳам ифодалайди.

Қизға ано боқмай, ўғулға ато,
Барчасининг оғзида во ҳасрато!.

"Аҳли суннат вал жамоат" қиёмат куни Муҳаммад алайҳиссалом шафоатини ҳақ деб билади. Навоий кофиру мўминлар ўз ҳолларига ҳайрону саргардон, ўзлари билан ўзлари бўлиб турган бир пайти кофирларнинг дўзахга ҳайдалиши, мўминларга Расулуллоҳ шафоатининг асқотганлиги, у кишининг Худодан уммат гуноҳини тилаганликларини тўлқинланиб тасвирлайди. Ўзига ҳам иймон тилаб, қиёмат куни Худодан раҳмат қилишини сўрайди. Пайғамбар алайҳиссалом шафоатига умид боғлайди:

[1] Қуръон. "Ғофир" сураси, 16-оят. (таржима муаллифники).

Истаса ул қавм халосини ҳам,
Кўзига учрат мени осийни ҳам.

Навоий Муҳаммад алайҳиссаломга бағишланган наътларида пайғамбарлар ва авлиёлар сарвари, Худонинг суюкли бандаси (Ҳабибуллоҳ) ҳақида батафсил тўхталади. У кишининг ҳаёт ва фаолиятлари, исломга даъватлари, пайғамбарликлари билан боғлиқ Қуръондаги оятларни изоҳлайди. Қуръондек муқаддас китобнинг у кишига нозил қилинганини энг буюк мўъжиза деб таърифлайди.

Буки каломуллоҳ ангадур насиб,
Ким йўқ анга мўъжиза андин ғариб.

Маълумки, ҳар бир пайғамбар пайғамбарлигини исботлаш учун ақлни лол қолдирадиган одатдан ташқари ғайритабиий бўлган ишлар – мўъжизалар кўрсатган.

Барчаси Ҳақ амр ила наҳйин тузуб,
Элга бори Ҳақ йўлини кўргузуб.

Ҳужжат агар истаса ҳар тийра зот,
Ҳар бириси кўргузубон мўъжизот.

Навоий "Ҳайрат ул-аброр"да умуман, "Хамса"даги наътларда Расул алайҳиссаломнинг мушрикларга кўрсатган машҳур бир мўъжизасини кўп эслайдики, бу хусусда тўхтаб ўтмасдан иложимиз йўқ.

Меҳр мутии амру мисоли била,
Шақ бўлубон бадр ҳилоли била.
Бўлмади гар хома бошин ёрмоғинг,
Ёрди қамар хомасини бормоғинг.
Дема илик, тиғеки бир бормоғи,
Ойни ики бўлди ишорат чоғи.

"Фарҳод ва Ширин" достонида ҳам ойни икки бўлиш воқеасига ишора битилган байтлар эса мана бундай:

Эмас тирноғи узра хома гар шақ,
Бўлуб бармоғи нугидин қамар шақ.
Илик тиғинки тортиб фил ишора,
Қамар қалқонин айлаб икки пора.

Асарда талмиҳ санъати воситасида ифодаланган мазкур мўъжиза Қуръони каримнинг "Қамар" сурасида шундай келтирилади: *"(Қиёмат) соати яқинлашиб қолди ва ой ҳам бўлинди. 2. Агар улар (қурайш кофирлари Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақ пайғамбар эканликларига далолат қиладиган (бирон оят-мўъжиза кўрсалар (ҳам пайғамбарга иймон келтириш ўрнига) юз ўгурурлар ва"(Бу) ҳар доимги сеҳр-ку" дерлар".*

Қуръоннинг ўзбекча изоҳли таржимасида юқоридаги оятга шундай изоҳ берилади: "Жуда кўп саҳобалар томонидан ривоят қилинишича, Макка кофирлари пайғамбар алайҳиссаломга: "Агар сен чин пайғамбар бўлсанг, бизларга анави ойни иккига бўлиб бер-чи, дедилар ва агар у шу ишни қила олса, иймон келтиришларини айтишди. Ўшанда ой тўлган кеча эди. Шундан сўнг Расулуллоҳ Парвардигорга илтижо қилиб, фазлу марҳаматини дариғ тутмаслигини ёлвориб сўраган эдилар, баногоҳ тўлин ой қоқ ўртасидан бўлиниб, ярми Сафо тоғи устида, ярми эса унинг рўбарўсидаги Қайқаон тоғи устида пайдо бўлди. Бу мўъжизани кўриб турган мушриклар... "Муҳаммад бизларни сеҳрлаб қўйди. Майли, у ҳамма одамларни сеҳрлай олмайди-ку, бу ерда ҳозир бўлмаган кишилардан сўраймиз", дедилар. Мана шу пайтда Маккага кириб келган карвон аҳлидан сўрашган эди, улар ҳам йўлдан келишаётганида ойнинг иккига бўлинганини кўрганларини айтдилар. Лекин Абу Жаҳл (жоҳил – нодонларнинг отаси) лақабли бир мушрик бошлиқ кофирлар "Бу ҳар доимги сеҳрлардан бири", деган гапдан нарига ўтолмадилар. Шунда юқоридаги оят нозил бўлди.

Меърож воқеаси Навоий ижодида алоҳида ўрин тутади. Шоир бешинчи наътни меърожга бағишлар экан, сарлавҳада меърож воқеасини тасдиқловчи Ал-Исроъ сурасининг биринчи оятини дадил, гувоҳ сифатида келтиради. Навоий қисқа муддатда пайғамбар алайҳиссаломнинг меърожга бориб келиши, буюк бир "мўъжиза"дан баҳраманд бўлганлиги, меърож воқеасининг туб моҳияти ҳақида сўзлар экан, жонли манзаралар, ҳар хил ўхшатишлар, ташхис санъати каби бадиий воситаларга мурожаат этади. Меърож тимсолида Расулуллоҳнинг буюк мақомга эга эканликлари яна бир бор таъкидлаб ўтилади.

Меърож таърифи шоир томонидан "Хамса"нинг бошқа достонларида ҳам шарҳланади ва меърожга доир оятлар келтирилади. Масалан, шоир "Фарҳод ва Ширин" достонида шундай дейди:

Супургач "мо таға" туфроғин ул боғ,
Чекилди наргисига куҳли "мо зоғ".
Анга бу сурма бўлғач қурратул айн,
Насиб ўлди мақоми "қоба қавсайн".

"Мозоғ" сўзи билан боғлиқ оятнинг тўлиқ шакли шундай: ***"Мозоғал басару ва мо тағо Лақад рао мин оёти раббиҳил кубро"****, яъни: "(Пайғамбарнинг) кўзи (ўнгу сўлга) оғани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ. Дарҳақиқат у (ўша соатда) Парвардигорнинг буюк оятларини (яъни у зотнинг қудрати илоҳиясига далолат қиладиган жуда кўп аломатларни) кўрди".*

"Қоба қавсайн" ибораси ҳам "Ван-нажм" сурасидаги 9-оятда учрайди. *8-9-*

Молини Ҳақ йўлида сарфлайдиган, дунёга ҳирс қўймаган киши ҳар қанча бойликка эга бўлса ҳам арзийди:

Кимки анга базл бу чоғлиғ дурур,
Ганж доғи топса яроғлиғ дурур.

Тўртинчи шарт рамазон ойида рўза тутиш:

Робиъ анга савм дурур қочмағил,
Тутғилу нафйиға оғиз очмағил.

Шоир рўза тутишнинг ҳам шарт-шароитлари ҳақида гапириб, уч нарсага диққатни жалб этади. 1. Рўзадор тонгдан оқшомгача ҳеч нарса емасдан фарзни нуқсонсиз адо этиши. 2. Барча аъзоларини нопок ишлардан, фосид хаёллардан асраши. 3. "Махзани асрори илоҳий", "Оинаи чеҳраи шоҳий" бўлган қалбни ҳар томонга бурмасдан фақат Аллоҳга қаратиш, унинг зикри билан машғул бўлишидир.

Ким анга жуз дўст зуҳур этмагай,
Билки анинг ғайри хутур этмагай.

Навоий рўза ҳақидаги фикрларини далиллаш учун Қуръон оятларидан фойдаланиш билан бир қаторда қуйидаги машҳур "ҳадиси қудсий"ни ҳам келтиради:

Савм ҳадисида булур мужмали,
Ким ани Ҳақ дебдурур "Ассавму ли".

* * *

Савми эмас доғи машаққат ниҳи,
Муждада бўлса "Ана ажзи биҳи".

Яъни "Худойи таоло айтади: *"Ас-савму ли ва ана ажзи биҳи".* Рўза Мен учундир ва унинг ажрини (мукофот, савобини) рўза тутувчиларга Мен бергайман".

Бешинчи шарт қуввати ва имконияти бўлса ҳаж қилиш.

Хомис анга қиблаға солиб қадам,
Бўлмоқ эрур зойири байтул ҳарам.

Ҳаж қилиш фарз бўлганидан кейин унинг барча одоб ва аҳкомларини ўз ўрнига қўйиб, муҳаббат билан Аллоҳ хотири учун йўлга отланмоқ керак.

Фарзлиғини ўзига жазм айлагай,
Фарз адосини қила азм айлагай.

Маъшуқ ишқида йўлга тушган иккинчи бир тоифадаги кишилар ҳам борки, улар "фақр"-ни "ғино" билиб, кўз ёшлар тўкиб, ҳар қандай азобларга дош бериб, молсиз, маркабсиз машаққатли манзилу довонлардан ўтадилар. "Сидқу сафо", "ҳиммат", "жон-фидо"ликлари туфайли бу "аҳли фано"лар оқибат дўст уйида меҳмон бўладилар:

Дўст уйида чу бўлуб меҳмон,
Ҳар не керак ҳозир этиб мезбон.

Меҳмонни уйига келтирган асли мезбоннинг ўзи. Меҳмон ҳам мезбон уйига келгунга қадар "фанову ниёз"ликлар бажо келтирган

Мунча саодатқа этиб сарфароз,
Кимсани бу йўлда фанову ниёз.

Фоний ўлуб кимки ниёз айлади,
Тенгри ани кошифи роз айлади.

Фориғ этар бодия қатъ аҳли мол,
Аҳли фано қатъида бор ўзга ҳол.

Не топиб ул неъмату нози била,
Онча топиб юз бу ниёзи била.

Исломнинг беш буюк фарзи ҳақида Навоий форсий "Ситтаи зарурия" қасидаларида, "Вақфия", "Сирож ул-муслимин", "Насойим ул-муҳаббат" ва бошқа асарларида ҳам тўхталиб ўтади. Масалан, "Насойим ул-муҳаббат"да мутасаввуфларнинг "шаҳодат калимаси", "салоти хамса" (беш вақт намоз), "закот"га бўлган ихлос ва амалларини ёритиб, уларни рўзага бўлган муносабатлари ҳақида шундай ёзади: "Яна бири рўзадурким, сойир халойиқ фажр тулуъидин кунас ғурубигача емак, ичмакдин ва мубошаратдин имсок қилурлар. Бу тоифа анга кўшиш қилурки, андоққи, емак, ичмакдин бўғузға савм буюрғайлар, жомеъи аъзоға ўз қилур феълларидин рўза буюрғайлар: Кўзга номашруъ нимага боқардин ва қулоққа номашруъ ун эшитурдин ва аёққа номашруъ қадам урмоғдин, иликка номашруъ нима тегмагидин ва алоҳазо жамеъи аъзоға бу дастур била. Ва бовужуди бу суубутлар барчадин саъброқ кўнгул рўзасидурки, Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин ўзга ҳеч нима хотирға кечмакдур ва рўзани доимий кўнгулга буюрурлар".

Маълумки, исломшунос олимлар исломий ахлоқ ва одобга алоҳида аҳамият беришган. Зотан, исломий ахлоқ ислом динининг асосий жиҳатларидан биридир.

Навоий ҳам «Ҳайрат ул-аброр»да исломий ақида ва аҳкомларга муносабат билдириш билан бирга исломий ахлоққа жуда катта эътибор қаратади.

Адолат, тақво, шижоат, иффат, ҳикмат, истиқомат, вафо, садоқат, омонат каби инсоннинг руҳий сифатлари ва маънавий хислатлари билан боғлиқ бўлган масалалар ва қўлланмалар ахлоқ илми таркибига киради. «Ҳайрат ул-аброр»да шоир чин мусулмон ва комил инсон феъл-атвори, тарбияси билан боғлиқ масалаларни асар марказига қўяр экан, адолат, риёкорлик, карам, саховат, адаб, ҳаё, қаноат, жувонмардлик, тамаъ, вафо, ишқ, ростлик, илм, китобат, жоҳиллик, худнамолик, ҳийлакорлик каби инсоннинг руҳий-ахлоқий ва маънавий такомилига доир бир қанча яхши ва ёмон хислатларини ёритади. Бу ўринда ҳам Навоий фикр ва қарашларининг таъсир доирасини орттириш учун Қуръон оятларига мурожаат этади. Китобхон диққатини Аллоҳ каломига буриб, ундан тегишли хулосалар чиқаришга ундайди.

Шоир султонларга насиҳатини “Наҳл сураси, 90-оятда келган: *"Инналлоҳа яъмуру бил-адли вал-эҳсон", яъни, "Албатта Аллоҳ адолат ва эҳсонга буюради"* ояти билан бошлайди. Аллоҳга бўйсуниб, адолат ўрнатиш, фуқарога эҳсон этиш, султонларнинг асосий вазифаси дейди. Аллоҳ султонларга тахт ато этган экан, шукр қилиши, шукр қилса, давлат зиёда бўлиши ҳақида сўзлаб, қуйидаги байтда "Иброҳим" сурасидаги 7-оятга ишора қилади:

Шукр қилиб айламасанг уштулум,
Деб ўзиким, "лаазиданнакум".

Юқоридаги оятнинг мазмуни шуки: "Ва из тааззана раббукум лаин шакартум лаазиданнакум ва лаин кафартум инна азоби лашадид" "Яна Парвардигорингиз билдирган (бу сўзларни) эслангиз: "Қасамки, агар берган неъматларимга шукр қилсангизлар, албатта (уларни янада), зиёда қилурман. Энди агар куфрони (неъмат) қилсангизлар, албатта, азобим ҳам жуда қаттиқдир".

Навоий султонларга насиҳат қиладики, улар ҳам ҳамма қатори тупроқдан яралган бир банда. Улар ўзларига омонат топширилган халқни асраб-авайлашлари лозим. Ҳеч кимга зулм қилмасликлари керак. Чунки Аллоҳ қиёматда золиму мазлумни саволга тутиб, ҳақни қарор топтиради:

Негаки, чун ҳашр куни зулжалол,
Золиму мазлумни айлар савол.

Анга эваздур, санга шармандалик,
Анга бийиклик, санга афкандалик.

Бировга зулм қилишнинг улкан гуноҳ эканлиги Қуръоннинг кўп сураларида келади. "Моида" сурасининг 51-оятида, "**Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас" дейилса, "Нисо" сураси, 29-30-оятларда: "Эй мўъминлар, молларингизни ўрталарингизда ноҳақ (яъни ўғрилик, қароқчилик, судхўрлик, порахўрлик, қимор каби) йўллар билан емангиз! Балки ўзаро ризолик билан бўлган савдо-сотиқ орқали мол-дунё касб қилингиз. Ҳамда бир-бирларингизни ўлдирмангиз! Албатта Аллоҳ сизларга меҳрибон бўлган зотдир. Ким ҳаддан ошиб, зўравонлик билан шундай ишларни қилса, биз уни дўзахга киритажакмиз. Бу Аллоҳ учун осон бўлган ишдир" –** дейилади.

Шоир султонларга хос яхши одат, чиройли феъл-атворни тарғиб этиб, улар даврасидаги ичкилик ва ғофилликни қоралайди.

Ўйин-кулгига шўнғиб кетганлар ҳолига афсусланади.

Ҳақ сени адл этгали султон этиб,
Зулм ила сен халқни вайрон этиб.

Ул сени маъмури ибодат қилиб,
Сен лаабу лаҳвни одат қилиб.

Ғофил ва маишатга берилган подшоларни тавба қилишга, ўлим ва қиёмат кунини эслашга чақиради:

Гаҳ-гаҳи ёд айла надоматни ҳам,
Қайси надоматки, қиёматни ҳам.

Шоир Бадиъуззамон мирзога ҳам насиҳат қилар экан, унга умрнинг вафосизлиги, гуноҳдан сақланиб, эзгу ишларга қўл уриш, тавба қилиш, адолат ўрнатиш ҳақида сўзлаб, Ҳақ буйруғини бажаришга ундайди. Шаҳзодани шоҳликка мағрур бўлмай, Аллоҳ қаҳрини ҳам ёдда тутишга, Қуръонда келтирилган "Асҳоби фил" воқеасидан ибрат олишга чорлайди:

Кўрки не бир лаҳзада бўлди қатил,
Тайри абобил ила асҳоби фил.

Қалди адам манзили кошонаси,
Ҳар бирисин биргина қуш донаси.

Маълумки, "Асҳоби фил" - фил минган лашкарлар воқеаси Қуръоннинг "Фил" сурасида баён этилади. Бу воқеа Муҳаммад алайҳиссалом таваллуд топган 570 йилда содир бўлган. Яман ҳокими Абраҳа бошлиқ кофир лашкарлар қудратли филларга миниб Каъбани бузиш учун келганларида Аллоҳу таоло тумшуқларида майда тошлар келтирган қушлар билан уларни ҳалок қилади. Ривоят қилинишича, қушлар томонидан отилган ҳар бир тош бир кофирнинг бошидан тешиб кириб, остидан чиқиб кетган. Қуръонда айтилишича, тошлар кофирларни (қурт-қумурсқалар томонидан) чайнаб ташланган сомон каби (илма-тешик) қилиб юборади.

Карам бобида шоир бойликни йиғиб, ундан хайр-эҳсон қилмайдиган ёки биров сўрамагунча унга бирор нарса бермайдиган, берса ҳам ортидан миннат қиладиган кишиларни сахийлар қаторига қўшмайди. Хайри эҳсон қилган одам холис, Аллоҳ ризолиги учун қилса, лекин меъёрида, муносиб кишига берса, саховат бўлади. Саховатда ҳам меъёр борлигини шоир "енглар, ичинглар ва лекин исроф қилманглар" ояти орқали эслатади:

Чун деди Тенгрики, "кулу вашрабу",
Ёнида дедики, "вало тусрифу".

Адаблилик кичикларга бахтиёрлик сабаби улуғларга эса юксак мартабалилик боисидир. Бироқ унинг ҳам бир қанча шартлари бор: меъёрида кулиш, жойида камтарлик қилиш, бировларга айниқса, яқин кишиларга ҳурмат кўрсатиш, болага яхши от қўйиб, унга илму адаб ўргатиш кабилар. Лекин "фарзи айн", яъни Аллоҳ Қуръонда буюрган "адаб", буюк бир мажбурият борки, у ота-онани ҳурмат қилиш, уларга қуллуқ - таъзим бажо келтиришдир.

Бири эрур макрумати волидайн,
Билки мунунг қилмоғидур фарзи айн.

Қуръоннинг кўпгина оятларида ота-онани ҳурмат-иззат қилиш ҳақида буюрилади. Жумладан: "Ал-Исроъ" сурасининг 23-оятида айтиладики: "Парвардигорингиз ёлғиз унинг ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, - уларга қараб "уф" тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма. Уларга (доимо) яхши сўз айт".

Аммо, шоир шариатдан ташқари, Қуръонга зид бўлган амалларни адаб деб ҳисоблаш нотўғрилигини ҳам қайд этади:

Ҳар не ким ул шаръдин этти удул,
Эрмас адаб айласанг они қабул.

Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да тавба қилиш ва унинг хосиятини кўп тилга олади. Айниқса, 15-мақолотда вақтинча ёки қилган гуноҳидан бироз уялиб тавба қилган кишининг тавбаси сохта эканлигини айтади ва холис, ҳақиқий тавбанинг шарт-шароити ва ҳолатларини тушунтириб беради. Аллоҳнинг фазли билан гуноҳ ишлардан қаттиқ пушаймон бўлган, афсус ва надомат чеккан, кўз ёшлар тўкиб қайта гуноҳ қилмасликка қарор қилган киши ҳақиқий тавба қилган бўлади. Тавба Аллоҳнинг буйруғи, фазли ва раҳмати бўлиб, ҳар бир кишининг покланишига бўлган эҳтиёжини қондиради:

"Тубу илаллоҳ" ила топса футуҳ,
Бўлса бу тавбаки, топибдур насуҳ.

Байтда ишлатилган "тубу илаллоҳ" "Таҳрим" сурасининг 8-оятидандир. "Ё айюҳаллазина оману тубу илаллоҳи тавбатан насуҳо", яъни, "Эй иймон келтирган бандалар, Аллоҳга холис тавба қилинглар", дейилади оятда.

Навоий юқоридаги оят орқали тавбанинг илоҳий моҳиятидан огоҳлантиради. У 20-мақолатда ҳам Бадиуззамон Мирзони нафснинг барча хоҳиш-истагига юрмасликка, қилган гуноҳларга тавба қилишга чақиради:

Неча улуғ эрса гунаҳ хирмани,
Елга берур оҳу надомат ани.
Журм ўтиким шуъласи пайваст эрур,
Ўз сиришки суйидин паст эрур.

Қуръоннинг "Ал-қориа" сурасида шундай оят бор: "Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисоличалик яхшилик қилса (қиёмат кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мисоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур!". Навоийнинг ҳам ахлоқий қарашларида гуноҳ ишлардан сақланиш, халққа фойда етказиш, руҳни камол топтириш, ҳар бир яхши ва ёмон амал учун Аллоҳ олдидаги масъулиятни туйиш, бу дунёнинг фонийлиги, охиратнинг боқийлиги ғояси сингдирилганки, бу юқоридаги оят билан уйғун, узвий боғлиқдир. Шоир ўз қарашларини Қуръон оятлари билан далиллар экан, бу уйғунлик ҳар бир боб, мақолат ва ҳикоятларда яққол сезилади.

Шоирнинг шайтонсифат, бадкирдор, насиҳатга қулоқ солмайдиган кишилар шаънига битган қуйидаги байтлари ҳам унинг ахлоқий қарашлари мағзида Қуръон оятлари ётганлигидан далолатдир:

Ҳақ сўзи дун халқдин имкон эмас,
Дев тили лойиқи Қуръон эмас.
Чунки эрур асли ёмон нописанд,
Айламас ул яхшини асло писанд.

Албатта, оятлар билан боғлиқ байтларда яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин биз ўқувчига маълум тасаввур уйғотади деган умидда юқоридаги мисоллар билан чекландик.

Шоир асари ғоявий жиҳатдан муқаддас Қуръони карим ва Ҳадиси шариф билан боғлиқ. Ҳазрат Навоийнинг Аллоҳ санъати, олам ва одам, гўзаллик қаршисидаги буюк бир ҳайрати достоннинг қон томирида назм оҳангларида оқиб турибди. «Ҳайрат ул-аброр» улуғ бир маҳорат ва балоғату фасоҳат билан битилгани учун ҳам ўз замондошлари томонидан нодир асар сифатида тан олинган, ҳозирга қадар ҳам илм аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Зеро, шоирнинг ўзи таъкидлаганидек:

Ҳайрати аброр кўруб зотини,
"Ҳайрат ул-аброр" дедим отини.

ҚУРЪОН ВА "МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ" АСАРИ

Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарини умрининг охирида, ҳаётни кўриб, кузатиб, маълум хулосаларга келган бир пайтда ёзди. Улуғ шоир асарида унинг ёзилиш сабабларини, турли табақа одамларнинг феъл-атворларини ҳамда инсоннинг руҳий ва ахлоқий камолоти билан боғлиқ қарашларини изчил баён қилиб беради.

Асар уч қисмдан: Аввалғи қисм: соир ун-носнинг афъол ва аҳволининг кайфияти. Иккинчи қисм: ҳамида афъол ва замима хисол хосияти. Учинчи қисм: мутафарриқа фавоид ва амсол ва суратидан иборат бўлиб, ҳар қайси қисмда мавзуга оид масалалар кенг ёритилган.

Маълумки, Шарқ мусулмон адабиётида дидактик ва ахлоқ йўналишида кўп китоблар ёзилган. Шу жумладан, Кайковуснинг "Қобуснома"си, Шайх Саъдийнинг "Гулистон"и ва Жомийнинг "Баҳористон" каби китобларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Навоий ҳам бу борада ўтган ва замондош шоирларнинг асарларини изчил ўрганган, ҳаёт ва давр одамлари ҳамда мукаммал ахлоқ ҳақидаги мулоҳазаю мушоҳадаларининг меваси сифатида мазкур асарини ёзган. Шундай қомусий асарнинг Қуръондаги ибратли ва ҳикматли оятлар маъноларидан холи бўлмаслиги табиий ҳол, албатта.

Навоий ўз асарида фикрини далиллаш ва таъсирчанлигини ошириш учун иқтибос[1] санъати воситасида ўн тўрт жойда Қуръондан тўлиқ ёки оят парчасини келтиради. Қолган барча ўринларда у ёки бу даражада ақд санъати асосида Қуръон оятлари маъносини беради ёки қайсидир бир оятга ишора қилади.

Айрим мисолларга мурожаат қиламиз. Навоий китоб муқаддимасида Аллоҳга ҳамд айтади. Унинг чексиз қудрати, яратувчилиги, поклиги ва комил сифатларга эгалигидан баҳс юритади. Аллоҳ ҳақидаги ҳар бир мулоҳазаси Қуръоннинг қайсидир оятларига бориб тақалади.

Ҳазрат Пайғамбаримизни таърифлар экан, "олам ва одам вужудидин мақсуд анинг вужуди эрди" дейди. Бу ерда: "Лавлока ламо халақтул афлок", яъни "Агар сен бўлмасайдинг фалакларни яратмасдим" деган ҳадиси қудсий мазмунига ишора қилинган.

[1] Иқтибос машҳур қавлга кўра Қуръон ва Ҳадисдан бир нимани анинг Қуръон ва ҳадисдан олинганига ишора бўлмаган тарзда каломга киритмакдин ибораттур... Ақд улдурким, насрни назм қилурлар... (Қаранг: Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Тошкент. 1981. 242-243-б.)

Асарда Меърож кечаси билан боғлиқ воқеалар ёритилар экан, ҳазрат Пайғамбаримизнинг рост ва содиқлигига далил бўладиган ушбу оятни келтиради: ”Ва у (сизларга келтираётган Қуръонни) ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас («Ван-нажм» сураси, 3-оят). Ҳазрат Пайғамбар сўзларининг илҳом ё қандайдир хаёлга келган сўзлар эмас, балки ваҳий эканига оятнинг давомини келтирилади:”У (Қуръон) фақат (Аллоҳ томонидан Пайғамбарга ваҳий қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳийдир. («Ван-нажм» сураси, 4-оят).

Навоий Пайғамбаримиз Расули акрамни сифатлар экан, Қуръондан энг улуғ таърифлардан бирига тўхталади: (Эй Муҳаммад), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат (яъни Аллоҳнинг раҳмати-жаннатига етакловчи) қилиб юбордик. («Анбиё» сураси, 107-оят). Мазкур оятнинг асарда ўз ўрнида қўлланилиши улуғ шоирнинг Аллоҳ каломини теран билганлигидан далолатдир.

Асарда ҳамду наътдан кейин адолатли султон зикрига ўтилади ва одил подшоҳ – Худонинг ердаги сояси, хилофат мулкининг фармондори экани таъкидлангач, Қуръондан: «Мен ерда халифа (Одам) яратмоқчиман» («Бақара» сураси, 30-оят) келтирилади. Аслида, бу оят Одам алайҳиссаломнинг яратилиши билан боғлиқ. Лекин шоир подшонинг масъулияти ва халифалигини ҳисобга олиб, мазкур оят унинг шаънига ҳам тегишлидир, дейди. Одил подшога мужда ўлароқ: **“Бир соатлик адолат инсу жин ибодатидан яхшироқ”**, – деган ҳадисни келтиради.

Золим ва жоҳил подшоларни эса қаттиқ танқид қилади. Фиръавн ва унинг вазири Ҳомон каби ёмон подшоҳнинг вазири ҳам ёмон бўлади, дейди. Мусо алайҳиссаломга иймон келтирмаган ва кўп мужодалалар қилган Фиръавн ва Ҳомон қиссаси кўп оятларда баён қилинган. Жумладан, ҳар иккисининг хатокор эканлиги “Қасас” сураси, 8-оятда айтилади:”... Албатта, Фиръавн, Ҳомон ва уларнинг лашкарлари янглишган эдилар”.

Вазирлар ҳақида сўз юритганда эса вазир сўзининг ўзаги “визр”, яъни гуноҳ сўзидан олингани ва бу сўз унинг зотига лойиқ ва хос эканини таъкидлайди. Навоийнинг ёзишича, Сулаймон алайҳиссаломнинг вазири Осиф (ибн Бархиё) адолатли ва доно вазир бўлган. Унинг узугида “қад раҳимаҳуллоҳу ман ансафа”, яъни “Инсоф қилганга Аллоҳ раҳм қилади” сўзлари нақшланган. Аммо Осиф бу ноинсофлар орасидан ўзи билан инсофни олиб кетган. Дунёга инсофсиз вазирлар қолган. Шунинг учун ҳам “Даҳр элида бировки Осафниҳоддур, билгайким, Сулаймон тахти барбоддур”[1]. Навоий бу ўринда Қуръондаги Сулаймон алайҳиссалом қиссасига, аниқроғи “Намл сураси, 40-оятга ишора қилган. “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида эса бу воқеаларни янада батафсил баён қилади[2].

Динда ҳам, Шарқ адабиётида ҳам ахлоқ масаласи долзарб бўлган. Кўп атоқли шоирлар, мутафаккирлар, файласуфлар инсонларга тушунарли бўлиши учун ахлоқни иккига: яхши хулқлар ва ёмон хулқларга бўлиб ажратишган ва талқин қилишган. Айниқса, манбаларда ҳазрат Пайғамбаримизнинг юксак ахлоқидан ибрат олишга чақиришган. Чунки дин уламоларининг таъбирича, Қуръони каримда Аллоҳ таоло ҳазрат Пайғамбаримизнинг молларини, қаҳрамонлигини, жасоратини, саховатини ва ҳоказо хусусиятларини очиқ мақтамади. Лекин у зотнинг хулқи ҳақида “Қалам” сураси, 4-оятда: “Албатта, сиз буюк хулқ узрасиз”, деб ахлоқларини алоҳида мақтади. Ҳадислардан бирида ҳам “Мен макорими ахлоқни такомиллаштириш учун юборилдим” дейилган. Демакки, бу ҳадисдан Пайғамбарликнинг асосий мақсадларидан бири, инсонларнинг хулқини ислоҳ қилиш,

[1] Алишер Навоий.ТАТ. тўққизинчи жилд. Мазкур асар, 457-бет.

[2] Қаранг: Алишер Навоий.ТАТ. саккизинчи жилд. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тошкент.2011. 581-582-б.

ёмон феъл-атворлардан халос қилиб, олижаноб ва гўзал фазилатларни шакллантиришдан иборат эканлиги аён бўлади.

Навоий, айниқса, шайхулислом, муфтий, қози ва мударрис каби дин, шариатга масъул бўлган кишилардан Қуръонни яхши билиш, ўқиган илмига жиддий амал қилиш, ахлоқли бўлишни қаттиқ талаб қилади. Мударрислар ҳақида гапирар экан "Олим керакким, муттақий бўлса ва огоҳ ва айтури қолаллоҳ ва қола Расулуллоҳ". Яъни олим тақводор, покиза бўлиши ва оят ҳадисдан гапириши керак, дейди.

Асарда деҳқонлар қут-барака соҳиблари, дунёни яшнатадиган, одамларни хурсанд қиладиган кишилар сифатида мақталади. Улар рост ва салоҳиятлик бўлсалар, сигирлари Солиҳ алайҳиссаломнинг туясига ўхшатилади. Бу ўриндаги ўхшатишлар ҳам Қуръон қиссасига ишора қилинган. Қуръоннинг "Аъроф" сураси, 77, "Ҳуд" сураси 64, "Шамс" сураси, 11-15-оятларда Солиҳ алайҳиссалом ва унинг туяси воқеаси баён қилинган. Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо" да ёзишича:"Солиҳ алайҳиссаломдин қавми ғариб мўъжиза тиладиларким, хора тошдин дуо қилиб, бир бўталиғ тева чиқорғил. Солиҳ алайҳиссалом дуо қилиб, Ҳақ таоло ул тошни шақ қилиб, тева бўтаси била тош аросидин чиқти. Бовужуди мундоқ ҳол ул гумроҳлар нубувватиға муътариф бўлмадилар. Ва Солиҳ алайҳиссалом теваси ўтуз йилғача мавжуд эрди. Оқибат Самуд қавми ул тевани неча киши йибориб ўлтурттилар ва бўтаси қочиб тоғ сори юзланди"[1]. Шундан кейин Самуд қавми Аллоҳнинг қаҳрига учраб, бошларига бало ёғилиб, ҳаммаси ҳалок бўлади.

Деҳқоннинг қўш ҳайдаши Одам алайҳиссаломга ўхшатилади. Чунки биринчи деҳқончилик қилган киши Одам алайҳиссаломдир. Навоий бу боради Пайғамбарлар қиссасида ёзадики: "Ва Жаброил алайҳиссалом ҳубубот (донлар) келтуруб, Одамға қўш суруб, экин экмак қоидасин ўргатти"[2].

Асарда Атиббо (табиблар) зикри ҳам жой олган. Унда ҳозиқ табиб Исо руҳуллоҳга ўхшатилади. "Исо, – дейди Навоий, – чиққан жонни дуо билан танга қайтарса, буниси даво қилиб танадин чиқадиган жонни ўрнига қайтаради". Қуръоннинг "Оли Имрон" сураси, 49-оятда шундай дейилади: "Шунингдек, уни Исроил авлодига пайғамбар (қилиб юборади ва у айтади): **" Мен сизларга Раббингиз ҳузуридан (пайғамбарлигимга далолат қилувчи) мўъжиза билан келдим; мен сизларга лойдан қуш шаклини ясаб, унга дам урсам, у Аллоҳнинг изни билан (чинакам) қуш бўлади. Кўр ва песни тузатаман. Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман ҳамда сизларнинг еяётган ва захирада сақлаётган нарсаларингизни айтиб бераман Агар мўмин бўлсангиз, албатта, бу ишларда сизлар учун аломат бордир"[3].**

Навоий асарида ўтмиш анънага мувофиқ ҳамида афъол (мақталган феъллар) ва замима хисол (ёмон хислатлар) ҳақида батафсил тўхталади. Тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, сабр, тавозуъ ва адаб, зикр каби мавзуларнинг ҳар бири деярли Қуръон оятларининг маъноларига йўғрилган. Масалан, Каломи шарифнинг саксондан ортиқ оятларида Аллоҳни зикр қилишга буюрилган[4]. Навоий зикр шарҳида тўғридан тўғри бирор оят келтирмаган. Лекин зикрнинг **"Ҳақ ёди билан машғуллик"** эканига урғу берар экан, ўнлаб оятларни назарда

---

[1] Алишер Навоий.ТАТ. Саккизинчи жилд. Мазкур асар, 546-б.

[2] Алишер Навоий.ТАТ. Саккизинчи жилд. Мазкур асар, 540-б.

[3] Қуръони карим. Маъноларининг таржима ва тафсири. (7-нашр). Тошкент. 2018. 56-бет. (Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси)

[4] Қаранг: Маҳмуд Асъад Жўшон. Зикруллоҳнинг фазилатлари. Тошкент.1999, 3-б.

тутган. Асарнинг “тавба зикрида” тавбанинг барча шарт ва талаблари, хосият ва фазилатлари бирма-бир айтиб ўтилган.

Маълумки, Каломи мажиднинг тўқсонга яқин оятларида тавба қилишга амр этилган. Айни пайтда ҳақиқий тавба илоҳий иноят эканлигини таъкидлаган улуғ шоир Қуръондан: “**... Бу Аллоҳнинг фазлидирки, уни Ўзи хоҳлаган (бандаси)га берур”**. (“Моида” сураси, 54 -оят)ни келтириш билан кифояланган.

“Маҳбуб ул-қулуб”даги 127 та танбеҳдан ўнга яқин мавзуга оид бирор оят ёки оят парчаси қўлланган. Лекин қолган барчаси у ёки бу даражада Аллоҳ каломи билан мустаҳкам боғлиқ ва айримлари қайсидир оятнинг шарҳига ўхшаб кетади.

Тўғридан тўғри оят келтирилган танбеҳлардан бири шундай: “... худписанд (мутакаббир, манман, ўзинигина севувчи) кишидирким, барча ёмон аҳволлари ўзига яхши кўринади.У бадшакл зот ўзини Юсуфи Канъоний деб,”анкар ал-асвот” товушини Юсуфи Андигоний хонишига ўхшатади. **“Анкар ал-асвот”**– “овозларнинг энг ёқимсизи”, деган маънони билдириб, Қуръоннинг “Луқмон сураси, 19-оятида учрайди. Оятда айтилишича Луқмон (ибни Боуро) уни (баъзилар пайғамбар айримлар вали ё ҳаким дейишган) ўз ўғлига шундай насиҳат қилган:” (Юрганингда) ўртаҳол юргин ва овозингни паст қилгин! Чунки овозларнинг энг ёқимсизи эшаклар овозидир”. Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да Луқмони Ҳаким ҳақида маълумот бериб, қисса хотимасида шундай дейди:

Луқмонники, баъзи дедилар пайғамбар,
Баъзи дедилар ҳакими покиза сияр.

Уч минг яшабон бу дайрни қилди мақар,
Минг мунча ҳам ўлса, қилғулуқдур бу сафар[1].

Эҳсон ҳақидаги 9-танбеҳда яхшиликка, эзгуликка тарғиб қилинади ва инсон бировга яхшилик қилса, албатта, унга ҳам яхшилик етади маъносидаги **“Эҳсон(эзгулик)нинг мукофоти фақат эҳсон(эзгулик)дир”.** (“Раҳмон” сураси, 60-оят)ни далил қилиб келтиради:

Навоий ҳаётда илмига амал қиладиган ва қилмайдиган ҳар турли одамларни кўрган ва маълум хулосаларга келган. Шу боис 62-танбеҳда шариатни тўғри ва ишончли йўлга ўхшатади ва ундан оғишмай юришни таклиф қилади. Бу йўлда собит ва тақводор бўлишнинг натижаси жаннатдир, дейди ва қуйидаги оятни келтиради: **“Бас, (Эй Муҳаммад), сиз ва сиз билан бирга тавба қилган зотлар ўзингизга буюрилгани янглиғ тўғри йўлда бўлингиз!** («Ҳуд» сураси, 112-оят)

Яхшиларга эргашиш ҳақидаги 19-танбеҳда:”Яхшиларға эришмак – итни поклар чаргасига қотти ва ёмонларға қоришмоқ – анбиё авлодин жаҳаннамға узатти”, – дейилади. Бу жумлада икки оятга ишора қилингани кўриниб турибди. Биринчиси “Каҳф” сурасиси 9-22- оятлардаги асҳоби каҳф (ғор эгалари)га эргашган Қитмир – ит бўлса, иккинчиси “Ҳуд” сураси 45-46-оятлардаги Нуҳ алайҳиссаломнинг отасига итоат қилмаган ва жаҳаннамга кетган ўғли назарда тутилган.

Мусулмонлар ҳаётида **“Ким бир қавмга ўзини ўхшатса, ўша қавмдан ҳисобланади"**, “Киши севгани билан бирга бўлади”, деган машҳур ҳадислар муҳим ўрин тутгани учун

[1] Алишер Навоий. ТАТ. Саккизинчи жилд. Мазкур асар, 584-б.

Навоий 100-танбеҳида юқоридаги мавзуга такрор лекин янги сўз ва ташбиҳлар воситасида ёндашади.”

Ҳар кишиким, бир қавмнинг сулук ва оҳангин тузар, тадриж била ҳамул қавмнинг рангин тутар. Ҳар кимгаким, пайравлиғ этар, ул мутобаат хосиятидин ул етган ерга етар. Агар бу сўз санга кўрунса маҳол, Асҳоби Каҳф ила итларидин ҳисоб ол. Қитъа:

Набий ўғли томуғни қилди маскан,
Томуғ аҳли гуруҳин чун эришти.

Ва лекин жаннат аҳли пайрави ит,
Етишти қайдаким ул эл етишти.

37-танбеҳда амалсиз олим устига китоб юклатилган эшакка ўхшатилган. Аслида, бу тамсил “Жума” сураси, 5-оятда шундай келади: **“Таврот юклатилган (берилган), сўнгра уни кўтармаган (унга амал қилмаган) кимсаларнинг мисоли худди китобларни ортиб кетаётган эшакка ўхшайди. Аллоҳнинг оятларини инкор этган кишиларнинг мисоли нақадар ёмондир. Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят этмас”.**

Динимизда ёлғончилик улкан гуноҳ ҳисобланади. Ҳадислардан бирида ривоят қилинишича, ҳазрат Пайғамбаримиздан сўрашган.“ Мўмин одам бахил бўлиши мумкинми? Ҳа, деганлар. Хасис бўлиши мумкинми? Ҳа, деганлар. Ёлғончи бўлиши мумкинми, деганларида, Йўқ!” деб жавоб берган эканлар. Шунинг учун бўлса керак Навоий ҳам бу мавзуга кўп эътибор берган. 50-51, 59, 60, 123-танбеҳларда ёлғончилик, ёлғон гапиришнинг гуноҳ ва хунук оқибатларига кенг тўхталган. Бир жойда айтадики: **“Ёлғончини дебдурларки, Тенгри душманидур”**. Чунки Қуръоннинг юзлаб оятларида Аллоҳ ваъдаларини ва Пайғамбарлар хабарларини инкор қилган кишилар лаънатланган ва дўзахга маҳкумликлари айтилган. Масалан, “Анкабут” сураси, 68-оятда шундай дейилган: **“Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган ёки ҳақиқат (Қуръон) келган чоғда уни ёлғонга йўйган кимсадан кўра ким ҳам золимроқдир. Кофирлар учун жаҳаннамда жой бор эмасми?”**

Такаббурлик ва манманлик ҳам барча даврларда ва барча жамиятларда энг номақбул хулқлардан ҳисобланган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Юсуф бин Ҳусайннинг шундай ҳикматини келтиради: “Барча яхшиликлар уйнинг ичкарисида, унинг калити тавозуъдир. Барча ёмонликлар ҳам уй ичкарисида. Унинг калити эса такаббурликдир”.

Кибру манманлик мавзуси “Маҳбуб ул-қулуб”да ҳам хийла ёритилган. Асарнинг 8-танбеҳида ўқиймиз: “Такаббур шайтон иши ва бийиклик (улуғлик даъво қилиш) нодон иши. Мутакаббир Тенгри дўстлари олида матъун (айбдор ва хўрланган) ва Тенгри қошида мардуд ва малъун”. Бу сатрларни ўқир эканмиз, Навоийнинг нимага шама қилаётганини англаймиз ва бевосита кўз олдимизга Одам алайҳиссалом ва Шайтон қиссаси келади. Улуғ шоир “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида ҳазрат Одам қиссасини Қуръон оятлари асосида баён қилган. Унда айтилишича, Аллоҳу таоло ўзининг халифаси бўлган ҳазрати Одамни яратгандан сўнг фаришталарга унга сажда қилишни буюради. Барча фаришталар сажда қиладилар, фақат Иблис такаббурлик қилиб сажда қилишдан бош тортади[1]. Ва иблис кўп тоат қилғондин сўнг малоика мартабасиға етиб эрди. Чун Тангри таоло амридин бўюн

[1] Қаранг: Қуръон. “Ҳижр” сураси, 30-31-оятлар.

тўлғоди, шақоват ва лаънати жовид тавқи анинг бўйниға туштиким, **“Ва албатта, то жазо (қиёмат) кунигача сенга (барчанинг) лаънати бўлур”** (“Ҳижр” сураси, 35-оят).

Кўриб ўтканимиздек,“Маҳбуб ул-қулуб” асарида Қуръони карим оятларидан унумли ва моҳирлик билан истифода этилган. Биз айрим мисоллар билан чекландик. Навоий асарларида Қуръоннинг ўрни, у ёки бу даражадаги таъсирини аниқлаш, улуғ шоирнинг дунёқараши, эътиқоди ва маҳоратини белгиловчи омиллардан ҳисобланади. Мусулмон одам учун дин кўрсатмаларига амал қилиш муҳим саналади.

АМАЛ

Амал (араб.– 1. умид, истак, тилак, орзу; 2. иш, ҳаракат, ижро; мансаб; куй, ашула, ижро, оҳанг) исломда, дин ҳукмларига ва ақидаларига ишонишдан ташқари, диндор ўз фаолияти ва ҳаракати билан бажарадиган барча ишларни ифода этувчи тушунча. Амал умумий маънода диний маросим ва урф-одатлар билан боғлиқ вазифаларни ўз ичига олади. Қуръони Каримда амал кўп сураларда келади. Бунда мусулмонлар томонидан бажариладиган савобли ишлар ҳам, гуноҳ ишлар ҳам, шунингдек, шайтон тарафидан қилинадиган васваса ва зарарли ишлар ҳам тушунилади.

Навоий асарларида амалнинг диний мазмунига кўп эътибор қаратган. Унингча, инсон яхши амаллар билан икки дунё саодатига эришади, гуноҳ ишлар билан эса дунё ва охиратда хору расво бўлади. Хусусан, илм ўқиб амал қилмаганларни қаттиқ танқид қилади.

У “Маҳбуб ул-қулуб” асарида фосиқ олим ва бахил ғаний (бой, бадавлат киши)нинг умрини зое қилгани ва гўрга ҳасрат ва армон билан кетишини таъкидлайди. Чунки: “Бири улким, илм ўрганурга ранж торттию амал қилмади, бири улким, мол йиғарға эмгак чектию сарф қилурин билмади”.

Қитъа:

Олимеким, илми эрди беамал,
Ё ғанийким, молиға бухл эрди ёр.
Ўлдилар юз ҳасрату армон била,
Элга бўлди ишларидин эътибор.

Навоий бошқа бир танбиҳида ҳам хайру эҳсон қилмаган бадавлат кишини – ёмғирсиз булутга ва амалсиз олимни “занбури беасал” дейиш баробарида устига китоб ортилган эшакка ўхшатади: “Хайрсиз ғаний – ёғинсиз саҳоб ва амалсиз олим – доббаки? анга юклагайлар китоб”.

Навоий асарларида амал аҳли – Амалдор; Амал ҳирси – Амалга берилиш; Амал муфлислиғи – Яхши ишлар йўқлиги каби маъноларда келган.

Амал мазраи деганда мақсад, истак экини; орзу майлини назарда тутган:

Амал мазраъин эккали берма ер,
Ҳавоу ҳавас хирманин елга бер.

Амалнинг куй, ашула, оҳанг маъноларини ҳам борлигини инобатга олсак, Амал аҳли – куй боғловчи; Амалу қавл – куй-оҳанг маъноларини билдиради:

Арғанун савтию ноқус уни бирла ҳар ён,
Юз муғона амалу қавл ила ғавғо эрди.

Навоий ўз асарларида солиҳ, яхши амалларни тарғиб қилган, ёмон ва гуноҳ ишлардан қайтарган ва шу билан эзгуликка, яхшиликка даъват қилган.

Маълумки, аҳли сунна вал-жамоага мансуб одам тўрт мазҳабдан қайсисига амал қилса ҳам тўғри йўлни топган ҳисобланади. Биз Ҳанафий мазҳабига мансубмиз ва шу мазҳабнинг кўрсатмаларига амал қилишимиз лозим бўлади. Айни пайтда ҳазрат Навоий ҳам Ҳанафий мазҳабида бўлган ва шу мазҳаб доирасида фикр юритиб, шу мазҳабни тарғиб қилган

МАЗҲАБ

Мазҳаб – (ар. йўл, тариқ, маслак, эътиқод йўли. Умуман, анъанавий диний ҳуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда шариат масалаларида енгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқаришлари билан бир-биридан фарқланувчи йўналишлар, оқимлар. Кўчма маънода: расм, одат, йўл; ўз қарашлари ва ақидалари билан бошқалардан ажралиб қолган гуруҳ). 8-9 асрларга келиб, шариатнинг шаклланиши жараёнида ҳуқуқшунослик – фиқҳ соҳасида жуда кўп мазҳаблар юзага келган. Ҳозирги вақтда суннийликда тўртта мазҳаб ҳанафийлик, моликийлик, шофеъийлик ва ҳанбалийлик сақланиб қолган. Бу мазҳаблар уларнинг асосчиларининг номидан олинган(Абу Ҳанифа (Имом Аъзам), Молик ибн Анас, Шофиий, Ибн Ҳанбал). Шариат мазҳаблари диний фирқалардан фарқ қилади. Суннийликда тўрттала мазҳаб ҳам тенг ҳисобланади ва йирик мусулмон университетларида тўрт мазҳаб бўйича алоҳида дарслар ўқитилади. Шиаликда битта мазҳаб бор – жаъфарийлик. Асосчиси Жаъфари Содиқ.

Хусусан, Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида тўрт мазҳаб имомлари ва уларга хос фазилатларни бирма-бир ёритган. Улар ҳаёти билан боғлиқ муҳим маълумотларни келтириб ўтган. Жумладан, Имом Аъзам улуғлигига доир: “**Умматимдан бирининг номини Нўъмон бин Собит, кунясини Абу Ҳанифа деб атайдилар.** Ва ўша киши умматимнинг чироғидир”, ҳадисини келтиради. Навоийнинг ёзишича: “...нақлдурки Мустафо (с. а. в.) нинг мутаҳҳар равзаси бошиға бориб айтти: “Ас-салому алайка, ё саййид ал-мурсалин”. Равзадин жавоб келди: “Ваалайк ас-салом, ё имом ал-муслимин”. “... бир кеча (Имом Аъзам) воқеада (тушда) кўрдиким, Мустафо (с.а.в) муборак сўнгакларин лаҳадда йиғиб, баъзини баъзидин айирадур. Ва бу воқеанинг ҳайбатидин уйғонди ва Ибн Сириннинг асҳобидин бирига айтти. Ул мундоқ таъбир қилдиким, сен Расул (с.а.в.)нинг илми ва суннати ҳифзида бийик даражага еткайсан, андоққи, аҳодисда мутасарриф бўлғайсен ва саҳиҳни сақимдин айирғайсен”.

Шунга ўхшаш бошқа мазҳаб имомлари ҳақида ҳам диққатни тортадиган энг муҳим маълумотларни келтириб ўтади. Бағдодда мўътазила оқими ғолиб бўлиб, кенг ёйилганда ҳанбалия мазҳабининг имоми Аҳмад ибн Ҳанбалга: **“Қуръонни махлуқ дегин”,** деб таклиф қилишади. У айтмайди. Натижада, қари ва заифлигига қарамасдан унга минг қамчи уришади. Барибир Қуръонни махлуқ демайди. Лекин қамчи зарбининг алами билан оламдан ўтади. Навоий имомнинг ўз эътиқоди ва сўзида собит туришини таърифлаб ёзадики: “Бу иш одамзоддин келур иш эмаски, дин тақвиётида ул бузургвордин зоҳир бўлди”.

Навоий дунёнинг бевафолиги, унинг макру ҳийлалари кўплигини эслатиб, уни тўрт мазҳабга кўра уч талоқ қилишни, яъни ундан бутунлай фориғ бўлишни, унга алданиб қолмасликни, вақтни фойдали нарсаларга сарф қилишни таъкидлаб ўтган:

Жаҳон золи ҳам макр этар, ҳам нифоқ,
Ани тўрт мазҳабда қил уч талоқ.

* * *

Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилдим уч талоқ,
Фард қилди бори мундоқ кадхудолиқдин мени.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Шайх Саййид Носир Хисравни зикр қилар экан, “Рўшнойинома” асаридаги байтлар мазмунига кўра, сўфийлар унинг мазҳабини маломат қилишганини эслатиб ўтади. Шайх Иброҳим Сайёд Бағдодийнинг “мазҳаби тажриду инқитоъ”лиги, яъни тасаввуфда танлаган йўли узлат ва халқдан четлашиш эканини айтади.

Ҳадиси шарифларда ўлимни унутмаслик, уни кўп эслаш ва унга ҳозирлик кўриш таъкидланади. Ўлим ҳақ! Навоий ҳам бу борада ўз фикрларини айтиб ўтган.

МАВТ

Мавт ўлим, ажал етиши, вафот этиш. Инсон ҳаётининг тўхташи. Жон таслим қилиш, жон бериш жараёни, вақти. Навоий асарларида **Мамот** ва **мавто** каби сўзлар ҳам **ўлим, ажал** маъносида келади. Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида келтиради: “... ва Идрис алайҳиссаломнинг мавтин киши кўрмайдур. Ҳам шаръ аҳли қошида, ҳам тарих аҳли олида ақида будурким, ул тирикдур ва биҳиштдадурким, каломи олиҳи ондин хабар берурким, **«Варафаъноҳу маконан алиййан»** *(Ва Биз уни юксак мартабага кўтардик)* («Марям» сураси, 57-оят). “...Исо алайҳиссалом дуо қилиб, Тенгри таоло ул маййитқа руҳ киюрди ва ўлук тирилгач, илтимос қилдиким, дуо қилғайки, бурунғи ҳолиға борғай ва мавт сакароти бўлмагай. Руҳуллоҳ дуоси била бу иш ҳам бўлди ва руҳуллоҳ андин ўтти”.

Навоий бир қатор ғазалларида мавт сўзининг синоними сифатида ўлим сўзи орқали лирик қаҳрамоннинг турли руҳий ҳолатларини ҳаётий ташбиҳлар, тазодлар ва қиёслар орқали кўрсатиб беради:

Ҳажрдин ҳар дам қилур бу хотири афгор хавф,
Зоҳир эткандек ўлумдин ҳар замон бемор хавф.

* * *

Дарду ғам аҳли ўлум ҳоли бўлурлар чиққуча,
Кирсалар ҳолим сўрарға кулбаи аҳзонима.

Навоий комил бир мусулмон шахси сифатида ўлимдан сўнгги ҳаёт, яъни қиёмат воқеалари, инсон бошига келадиган шўру ғавғолар ҳақида бот-бот тўхталиб ўтади. Хусусан, инсоннинг бу дунёдан иймон билан кетишини улуғ саодат деб билади. Унинг ўлим ҳолатлари ва ўлимдан кейинги жараёнлар ҳақида бир қанча ғазаллари бор. Шундай ғазалларидан бирида шоир Яратувчига илтижо қилиб, ўлим онида унга шафқат қилишини, меҳрибон бўлишини, айниқса, иймон билан жонини олишини зорланиб сўрайди.

Ё Раб, ўлғон чоғда жоним жисми вайрондин жудо,
Ул бўлуб мундин жудо, сен бўлмағил ондин жудо.

Чун жудо бўлсам мени ғамнок йўқу бордин
Не ғамим, Сен бўлмасанг мен зори ҳайрондин жудо.

Нақди жон чиққанда иймон гавҳарин кўнглумга сол,
Айлагил жондин жудо, лек этма иймондин жудо.

"Ҳайрат ул-аброр" нинг иккинчи муножоти сўнгида ҳам бандаликнинг, инсон умрининг самараси иймон экани, Тангридан ўлим онларида иймони ҳамроҳ қилишини сўраб, муножот қилади:

Ё Раб, агар етсам ўшул кунга жазм,
Ёки бурун айласам ул ёнға азм,

Ул нафас имон манга ҳамроҳ қил,
Кўнглум аро маҳви сиваллоҳ қил.

Раҳмати омингни нисор эт манга,
Лутфи амийминг манга ёр эт манга.

Навоий ўлим фариштаси деганда Азроил алайҳиссаломни, *мавт марази* ибораси орқали ўлим касаллиги, давосиз хасталикни, *мавт заҳри* деганда ўлим шарбатини назарда тутади. *Борур чоғи* каби ўзбекона таъбирлар билан ҳам ўлимни, ажал онларини ифодалайди.

Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асарида мавт – ўлимнинг тасаввуфий талқинларига ҳам дуч келамиз. Мазкур асарда келтирилишича, шайх Ҳотам Асам шундай деган: "...ва ҳам ул дебдурки, ҳар ким бу йўлға кирар, тўрт ўлумни ўзига тутмак керак: **Мавти абяз** (оқ ўлим) – ва ул қорин очлиғидур ва **мавти асвад** (қора ўлим) ва ул халқ изосиға сабр қилмақдур ва **мавти аҳмар** (қирмизи ўлим) – ва ул нафс мухолафатидур ва **мавти ахзар** *(яшил ўлим)* – ва ул хирқаға юрунлар тикмакдур".

Ўлгандан кейин инсон қайта тирилиб, Аллоҳнинг ҳузурида тургандан кейин бу дунёдаги яхши-ёмон ишлари учун ҳисоб беради ва унинг олдига икки йўл туради. Ё абадий роҳат-фароғат жойи –жаннат ё абадий азоб-машаққат макони дўзах. Навоийнинг бу борадаги фикрлари ҳам теран ва жуда аҳамиятли. Уларни ўқиб, уқиб олган ва амал қилган киши учун кони фойда.

ЖАННАТ

Жаннат (биҳишт) – боғ. Диний атама сифатида Аллоҳ таолонинг буйруқларини бажариб, унинг марҳаматига сазовор бўлган бандалар учун кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ноз-неъматлар тайёрлаб қўйилган жой. Навоий асарларида, лирик чекинишларида, ҳамд ва

муножотларида жаннат, биҳишт сўзларига тез-тез дуч келамиз. У бу сўзлар орқали Аллоҳга бўлган иймон- эътиқодини, ишқий ҳолатларни, фалсафий мушоҳадаларни, жаннатга эриштирадиган амал ва фазилатларни ҳамда жаннатдан афзал бўлган ҳолат ва нарсаларни баён қилади. Навоий шеъриятида "майли жаннат", "сабзаи жаннат", "кўйи беҳишт", "жаннат боғи", "ёр (Аллоҳ) васли", каби сўзлар тез-тез кўзга ташланади.

Навоий, иста висолин, Биҳишт истамагил,
Киши Биҳишт боринда тамуғни истарму?

Диний китобларда келтирилишича, жаннатга кирганлар унда абадий қоладилар. Жаннатда энг улуғ неъмат Аллоҳ таолонинг жамолини (дийдорини) кўриш ҳисобланади. Жаннатлар саккизта бўлиб, уларнинг дарвозалари ҳам саккизтадир. Улар қуйидаги номлар билан аталади:

1. **Фирдавс** (боғ-бўстон); 2. **Адн** (ватан тутмоқ); 3. **Наъийм** (ҳузур-ҳаловат); 4. **Хулд** (мангулик); 5. **Маъво** (текис жой); 6. **Дору ус-салом** (омонлик диёри); 7. **Дор ул-муқома** (турар жой).

Жаннатга вакил қилинган фаришта Ризвон деб аталади. Аҳли сунна вал-жамоанинг эътиқодига кўра, Жаннат ҳозирда яратиб қўйилган бўлиб, қайси жойдалиги фақат Аллоҳгагина маълум ва у ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди.

Навоий бир байтида тазод ва ташбиҳ санаътларини қўллаб, тикан жаннат гулини васф қилишда гунг бўлганидек, тилнинг ҳам Аллоҳга ҳамд айтиши осон эмаслигини таъкидлаб ўтади:

Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,
Тикан жаннат гули васфин қилурда гунг эрур гўё.

Навоий ғазалларида жаннатдан мақсад ёр жамоли экани, ёрсиз жаннатнинг қадри йўқлиги бир қатор ғазалларда у ёки бу мазмунда кўзга ташланади. Бир байтида дўст (ёр) кўйида гадолиғ қилишни, жаннат тилаб умр ўтказишдан афзал билади. Жаннатни бир кўримсиз боғга, ўз ишини эса подшоликка ўхшатади.

Тилаб жаннатни, ўтмон дўст кўйида гадолиғдин,
Муҳаққар боғ учун кечмак бўлурму подшолиғдин.

Навоий бошқа бир байтида жаннат ва Кавсар булоғини таърифлайдиган фақиҳга эътироз билдириб, "кулбаи хаммор"ни яъни комил муршиднинг кулбасини жаннатдан афзал билади.

Қасри жаннат бирла Кавсар майли қилмон, эй фақиҳ,
Ким кўнгул улфат тутубтур кулбаи хаммор ила.

Навоий "Маҳбуб ул-қулуб"даги танбиҳларининг бирида айтадики, ким қайси бир гуруҳга эргашса, ўша гуруҳнинг йўлини ва равишини тутади, улар етган жойга етади ва борган

жойларига боради. Нуҳ (а.) ўғли кофирларга эргашгани учун тамуғдан жой олди. Асҳоби каҳф ити эса уларга эргашиб, жаннатга кирди.

Набий ўғли томуғни қилди маскан,
Томуғ аҳли гуруҳин чун эришти.
Ва лекин Жаннат аҳли пайрави ит,
Етишти қайдаким ул эл етишти.

Навоий "Арбаъин" асарида *"**Ал-жаннату таҳта ақдоми уммаҳотикум"*** (Жаннат оналар оёғи остидадур), ҳадисини шеърий таржима қилар экан, маънони янада кучайтириб, жаннат истаганлар оналар оёғи туфроғи бўлишлари, унинг хизматини адо этишлари керак, дейди:

Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи туфроғи.

Навоий асрларида жаннат фақат диний атама сифатида эмас, "жаннати васл", "жаннати ахлоқ", "жаннатойин базм" каби истиоравий бирикмалар орқали ҳам турли маъноларни ифодалаб келади.

ДЎЗАХ

Дўзах (ар. нор, жаҳаннам жаҳим, сақар, туркий тилда тамуғ). Диний атама сифатида Аллоҳ таоло ўзининг буйруқларини бажармаган бандалари учун тайёрлаб қўйган даҳшатли азоб жойи. Навоий асарларида дўзах ўти, дўзах ваҳми, дўзах аҳли каби сўз ва иборалар тез-тез учрайди. Масалан, у "Ғаройиб ус-сиғар" девонида 26 марта дўзах сўзини ранг-баранг маъноларда қўллайди.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда дўзахнинг сифати, қандайлиги ва дўзахийларнинг қандай азобланишлари ҳақида хабарлар берилган. Дўзахга тушганлар унда абадий қоладилар. Баъзи мўъминлар эса, гуноҳлари миқдорича дўзахда азобланиб, сўнгра жаннатга кирадилар. Дўзахнинг етти дарвозаси борлиги ҳақида Аллоҳ таоло "Ҳижр" сурасининг 44-оятида хабар берган: **"Унинг етти дарвозаси бўлиб, ҳар бир дарвозага уларнинг бир тўдаси тақсим (тайин) этилгандир".** Дўзахнинг дарвозалари қуйидагича номланади:

1. **Ҳовия** (қаттиқ қизиган ўт. Унга мунофиқлар, Фиръавнга ўхшаган ашаддий кофирлар киради); 2. **Жаҳим** (ўта иссиқ олов. Унга мушриклар киради); 3. **Сақар** (қаттиқ куйдириб, жизғанак қилувчи. Унга диндан қайтган муртадлар киради); 4. **Лазо** (кучли аланга. Унга шайтон – Иблис, унинг дўстлари ва мажуслар киради). 5. **Ҳутама** (синдирувчи, вайрон қилувчи. Аллоҳнинг амрига бўйсунмаган кофир кимсалар киради); 6. **Саъир** (ўта қизиган. Унга Аллоҳга ширк келтирган насронийлар киради); 7. **Жаҳаннам** (абадий жазо диёри). Унга гуноҳи кабиралар қилиб, тавбасиз ўлганлар киради).

Дўзахнинг етти дарвозаси бор дегани, унинг етти табақадан иборат эканини билдиради. Дўзахни қўриқловчи фаришта Молики дўзах, азобловчи фаришта эса "Забония" деб аталади. Аҳли сунна вал-жамоанинг эътиқодига кўра, Дўзах ҳозирда яратиб қўйилган бўлиб, қайси жойдалиги фақат Аллоҳгагина маълум ва у ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди.

Навоий асарларида, лирик чекинишларида, ҳамд ва муножотларида дўзах (тамуғ)нинг азоб жойи эканини таъкидлаш билан бирга бу сўз воситасида лирик қаҳрамоннинг турли ҳолат ва қарашларини ифодалайди. Ишқ ўти ва ҳуллаи тоатлар дўзах ўтини ўчиришини таъкидлайди. Баъзан ошиқнинг ҳижрон дамлари, айрилиқ изтироблари "дўзах олови", "дўзах азоб"ларига қиёсланади. Улуғ шоир бир байтида Аллоҳнинг лутфи билан мўминларни жаннатга, қаҳри билан кофирларни дўзахга солишини таъкидлайди:

Жаннату дўзахга чекмас, лутфу қаҳринг бўлмаса,
Гар мунунг мўминлиғидур, гар анинг тарсолиғи.

У Меърожга бағишланган бир шеърида Ҳазрат Пайғамбаримизни зикр қилгани, номларини муҳаббат билан эслагани учунгина бу дунёни яхши кўришини, аксинча, дунё ва ундаги нарсалар дўзахдаги ўт каби азоб беришини таъкидлайди:

Навоий хуш кўрар оламни отинг зикридин, йўқса,
Анга дўзах аро ўтдекдурур дунёву мо фиҳо.

Навоий баҳорда ёрдан айрилиқ лаҳзаларини тасвирлар экан, қизил гулни – дўзах оловига, оқ ғунчаларни – жаҳаннам яхларига ташбиҳ қилади. Ёрсиз баҳор дўзахга айланса ажаб эмас, жаннатда ёр васли бўлмаса, у дўзахдир, дейди.

Баҳор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах,
Қизил гул анда ўту оқ шукуфалардур ях.

Баҳор сенсиз агар дўзах ўлса тонг эрмас,
Биҳишт ичинда лиқо бўлмаса эрур дўзах.

Жаннат аҳли ёр кўйини ҳар лаҳза орзу қилганидек, дўзах аҳли ҳам жаннатни ҳавас қиладилар:

Жаннат аҳлиға эрур ҳар лаҳза кўюнг орзу,
Дўзах аҳли ўйлаким жаннатни қилғайлар ҳавас.

Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асарида сўфийларнинг дўзах ва жаннат ҳақида айтган ғаройиб ва ҳикматли сўзлари учрайди. Масалан, етмиш тўрт марта ҳаж қилган Шайх Али бин Муваффақ Бағдодий бир кун афсусланиб, "келаман ва бораман, не кўнгул муяссару не вақт. Мен худ не иштамен?" дейди. У кечаси туш кўрса, тушида Ҳақ айтадики: "Эй Муваффақ ўғли, бир кишиниким сен тиламасанг, уюнгга тилармусен? Мен ҳам сени тиламас бўлсам эрди, уюмға қўймас эрдим. Ул дебдурки, Худоё, агар сени дўзах қўрқунчидин парастиш (топиниш,

сиғиниш) қилур бўлсам, мани дўзахга тушур. Ва агар беҳишт умидидин парастиш қилур бўлсам, беҳиштга тушурма. Агар Сенинг меҳринг жиҳатидан парастиш қилур бўлсам, бир дийдор кўрсат. Ўзга не қилсанг қил". Бу воқеада айтилган дўзах ва жаннат ҳақида гаплар, Навоийнинг юқоридаги байтлари билан ҳамоҳанг ва маънан яқиндир.

Дўзах ва у билан боғлиқ маънолар силсиласи Навоийнинг эътиқодий қарашлари ва ишқий муносабатларини ёритишда ўзига хос аҳамият касб қилади.

3-БЎЛИМ. НАВОИЙ ВА ТАСАВВУФ

“БИРОВГА МУСАЛЛАМ ТАРИҚИ ТАСАВВУФ...”

Ўз даврининг тарихчиси ва фозил инсонлардан бири Ғиёсиддин Хондамир Навоий хонадонида тарбия кўриб, унинг ҳаёти, ижоди ва ўзига хос фазилатлари ҳақида “Макорим ул-ахлоқ” асарини ёзди. Хондамир шу асарида Навоийнинг фазилатлари ва асарларини бир-бир тилга олиб мақтайди. У Навоийнинг зоҳидлик ва обидлик хислатлари ҳақида ҳам тўхталиб, уни **“тасаввуф ва иймон аҳлининг қибласи”** деб атайди. Унинг сулук йўлидаги саъйу ҳаракатларини, зикру ибодатларини ва хайрли хизматларини юксак эҳтиром билан тилга олади. Хондамир мазкур асарида Навоийнинг “Лисон ут-тайр” ва “Насойим ул-муҳаббат” асарини алоҳида тасаввуфга бағишланганини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Навоий ўз даврининг йирик олими, шоири ва нақшбандий шайхи Абдураҳмон Жомийни ўзига устоз ва пир билиб, тасаввуфни, хусусан, нақшбандия тариқатини ривожланишига катта ҳисса қўшди. Алоҳида асарларида, шеърларида сайру сулук моҳияти ва мазмунидан баҳс юритди. Тасаввуфни амалий ва назарий жиҳатдан бойитди.

Маълумки, ислом дини асосида ривожланган тасаввуф халқимиз ҳаёти ва мумтоз адабиётимиз қатидан чуқур жой олиб келди. Унинг ўз таълимоти, йўналиши, одоб ва тартиби ҳамда талаблари бор. Инсонни ахлоқий ва руҳий жиҳатдан тарбия қиладиган, унинг тақвосини оширадиган, нафсини ислоҳга келтирадиган, қалбини поклайдиган хуллас, комил инсон бўлиб етишига хизмат қиладиган бу таълимот бир умр Навоий эътиборида бўлди. Улуғ шоир ва мутафаккир “Фавойид ул-кибар” девонидаги 306-ғазалида тасаввуфга шундай таъриф беради:

Бировга мусаллам тариқи тасаввуф,
Ки зотида мавжуд эмастур тахаллуф.

Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ,
Эрур истилоҳоти зебу такаллуф.

Тасаввуф эмас зуҳду тақвою тоат,
Ки анда риё йўл топар бетаваққуф.

Эрур маҳз тақвою лекин риёсиз
Убудият сарфу айни талаттуф.

Не эл қавлу феълиға андин таадди,
Не Ҳақ амру наҳйиға андин тасарруф.

Ўзин ўйла беихтиёр англабонким,
Не қолиб тараддуд анга, не таассуф.

Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,
Навоий, муни бил тариқи тасаввуф.

Дастлабки байтданоқ шоир тасаввуф йўлининг хос ва улуғ бир таълимот эканига урғу беради:

Бировга мусаллам тариқи тасаввуф
Ки, зотида мавжуд эмастур тахаллуф.

Яъни кимгаки тасаввуф йўлини тутиш, унга амал қилиш насиб бўлган экан, унинг зоти(жисми, нафси)да шариатга хилоф иш қилиш, Ҳақ йўлидан орқада қолиш бўлмайди.

Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ,
Эрур истилоҳоти зебу такаллуф.

Байтдаги "такаллуф" сўзи икки маънони билдиради: биринчиси, ҳашамат, зийнат ва безак маъносида; иккинчиси, ўзини кулфатга солиш, ўзини қийнаш, қийинчилик билан бир ишни бажариш. Байт ҳар икки маънода талқин қилинса ҳам хато бўлмайди.

1. Тасаввуф ризо аҳли, сабр-қаноатли кишилар учун яхши ахлоқдан иборат. Унинг истилоҳлари (атама, терминлари) зеб ва оройишдир. Яъни кишига кўрк, оройиш ва ҳусн бағишлайди. Чунки ундаги ҳар бир истилоҳ сўфий эришиши мумкин бўлган муайян бир мақом ва ҳолларга ишора қилади.

2. Тасаввуф истилоҳлари кишига зеб бағишловчи ва машаққатга солувчидир. Яъни кишини оғир риёзатларга, машаққатли йўлларга ундовчидир. Навоий "Насойим ул-муҳаббат" муқаддимасида машҳур шайхларнинг бирор касб билан шуғулланиб, сайру сулук йўлида кўп риёзатлар чеккани ҳақида маълумот беради. Шулардан ҳам маълум бўладики, тасаввуф йўли истиқболли, аммо риёзатли бир йўлдир.

Учинчи байтда маъно янада чуқурлашиб, тасаввуфнинг гўё асл моҳияти очиб берилади:

Тасаввуф эмас зуҳду тақвою тоат, –
Ки, анда риё йўл топар бетаваққуф.

Зуҳд – зоҳидлик, художўйлик. Тасаввуф манбаларида зуҳднинг аҳамияти ва уни тарғиб қилувчи оят ва ҳадислардан баҳс юритилган. *"...(Эй Муҳаммад алайҳиссалом) уларга айтинг: "Дунё матоси озгина (арзимас)дир*[1]. Саҳобалардан Абу Халлод (р.а.) Пайғамбар алайҳиссаломдан қуйидаги ҳадисни нақл этган: **"Дунёга нисбатан зоҳид бўлган ва кам гапириш фазилатига эга бўлган бир кишини учратсангиз, унга яқинлашинг. Чунки у ҳикматли сўз айтади".** Айнан ана шундай даъватлар сўфийларни зоҳидликка ундаган. Шайх ур-раис Абу Али ибн Синога кўра, *«дунёнинг завқ ва неъматларидан йироқлашган кимсага зоҳид; нофила ибодатлар, турли дуо ва бошқа ибодатларга ўзини бағишлаган кишига обид»* дерлар.

Тақво – Аллоҳдан қўрқиш. Гуноҳлардан ҳазар қилиб, савоб ишлар қилишга киришиш, охиратни ўйлаш. Тақво – ҳақиқий мусулмонга хос яшаш тарзидир. Чунки улуғлик ва

[1] "Нисо"сураси, 77-оят.

комиллик айнан тақвога боғлиқ. Қуръони каримда ҳам: *“Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир”*[1], дейилади.

Демак, тақводор инсон ўзида барча яхши хислат ва фазилатларни жамлаган, хавфу ражо (қўрқув ва умид) орасида яшайдиган кишидир.

Тоат – итоат ва ибодат маъносида. Аллоҳга итоат қилган инсон унинг амрларини бажаради. Аллоҳнинг амрларини бажариш ибодатдир.

Риё – ўзни кўз-кўз қилиш, иккиюзламачилик, мунофиқлик. Риёкор одам ҳар бир амалини “Одамлар кўрсин, мени мақтасин, мени яхши одам десин”, дея намойишкорона бажаради. Бетаваққуф – тўхтаб турмасдан, тўхтовсиз, дарҳол дегани.

Демак, тасаввуф – зуҳду, тақвою тоатга риё дарҳол йўл тополмайдиган, аралашолмайдиган маънавий бир йўл.

Эрур маҳз тақвою лекин риёсиз,
Убудияти сарфу айни талаттуф.

Тасаввуф риёдан холи, холис тақводир. Аллоҳга чин кўнгилдан бандалик қилиш, одамларга лутф ила юмшоқ муомалада бўлиш, меҳрибонлик кўрсатишдир. Тасаввуф аҳлига тақво энг муҳим фазилат бўлгани учун бу ўринда тақво яна бир бор тилга олинмоқда.

Не эл қавлу феълиға андин таадди,
Не Ҳақ амру наҳйиға андин тасарруф.

Тасаввуф шундай таълимотки, ундан на халқнинг сўзига, на феълига бирор зулму ситам етади ва на Ҳақнинг амру наҳий (буюрган ва қайтарган) ҳукмларига халал етади. Зеро, тасаввуф шариатнинг мағзидир, руҳидир.

Ўзин уйла беихтиёр англабонким,
Не қолиб тараддуд анга, не таассуф.

Бу шундай бир маърифий-руҳоний йўлки, унга кирган одам ўзини беихтиёр англайди, ҳақиқатларни ҳис қила бошлайди. Шайх Абу Амр Димашқий айтганидек: *“Тасаввуф борлиқни нуқсон кўзи билан кўрмоқ. Балки бенуқсон Зотни мушоҳада қилиб, барча ноқис нарсалардан кўз юммоқдир”.* Яъни солик дунёнинг фоний, Ҳақнинг боқий эканини теран мушоҳада қилиб, ҳар бир нарсани Аллоҳдан кўради. Кирган йўлидан, қилаётган ишидан, амалидан асло тараддудга тушмайди, шубҳаланмайди ва афсус ҳам чекмайди. Чунки бу йўл соликни Аллоҳга олиб борадиган, унга яқинлаштирадиган энг яқин ва ишончли йўлдир.

Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,
Навоий, муни бил тариқи тасаввуф.

[1] “Ҳужурот” сураси, 13-оят.

Ғазал охирида Навоий тасаввуфнинг асл моҳиятини очиб беради. Шоирнинг эътирофича, тасаввуф тариқи (йўли) – Ҳақ вужудида ўз вужудини маҳв қилиш... “Ўзида ўлиб, Ҳақда тирилиш...”, яъни риёзат ва муҳаббат воситасида хос тажаллиларга мазҳар бўлиш, фақру фано мақомларига эришишдир. Навоий таъбирича, тасаввуф муайян мақсадга эришишда йўл кўрсатадиган, моҳиятда соликни **ашраф ул-махлуқот, мукаррам инсон** даражасига чиқарувчи, ҳақиқий маънода Аллоҳга яқинлаштирувчи, Аллоҳнинг севикли бандаларидан бирига айлантирувчи таълимотдир!

Навоий ғазалидаги фикр ва мулоҳазалардан шундай хулоса қилинади:

– хилоф, яъни шариат ва тариқатга зид ишлар қилмаслик;

– ризо аҳлидан, хуш ахлоқ бўлиш;

– холис Аллоҳ учун ибодат қилиш ва риёзатли бўлиш;

– зуҳд, тақво ва тоатда риё қилмаслик, тил ва феъл билан халққа зарар етказмаслик;

– Ҳақнинг амру наҳийларини инкор этмаслик, яъни ўзбошимчалик билан ҳаракат қилмаслик;

– ҳодисалар қаршисида тараддудга тушмаслик, қўлдан кетган нарсага афсус қилмаслик, содир бўлган воқеаларни Ҳақдан кўриш;

– Ҳақ вужудида ўз вужудини маҳв этиш, яъни Аллоҳ ишқида фано бўлиш. Навоий ана шу ҳолатни “тасаввуф” деб атайди[1].

НАВОИЙ ВА НАҚШБАНДИЙЛИК

Улуғ шоир Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли ҳақида тарихий ва илмий ва манбаларда кўп фикрлар билдирилган. Шу жумладан, унинг нақшбандия тариқатига бўлган муносабати ҳам у ёки бу даражада ёритилган[2]. Аммо шоир ҳаёти ва ижодидан чуқур жой олган бу мавзу янада теранроқ ўрганишни тақозо қилади.

Алишер Навоий 1476-1477-йиллар 35-36 ёшлар орасида ўз даврининг Ҳиротдаги машҳур шайхи Абдураҳмон Жомийга расман қўл бериб, нақшбандия тариқатини қабул қилади[3].

Навоий бутун умри давомида нақшбандиянинг тарғиботчиси сифатида амалий ва назарий фаолият олиб боради. Унинг бевосита тарбияси ва марҳаматларидан баҳраманд бўлган тарихчи Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” китобида шоирнинг кўплаб масжид-мадраса қургани, шайх-дарвешларни иззат-икром қилгани ва шоирнинг ёшлик пайтиданоқ

---

[1] Қаранг: Алийбег Рустамий. Ҳазрати Навоийнинг эътиқоди. 71-72-бетлар.

[2] Алишер Навоийнинг ҳаёти ва нақшбандия муносабати ҳақида ўтмиш тарихчи олим ва шоирлардан Давлатшоҳ Самарқандий (1435-1495), Мирхонд (1433-1498), Хондамир (1475-1535), Зайниддин Восифий (1485-1566), Содиқбек Содиқий (1533-1610) кабилар ўз асарларида маълумот бериб ўтишган. Шунингдек, ўтган ва ҳозирги асримизнинг бир қатор хорижлик ва ўзбек олимларидан: В.В. Бартольд, М.Никитский, А.Мирзоев, О.Шарафиддинов, С.Айний, Ойбек, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, И.Султонов, А.Ҳайитметов, А.Рустамов. Э.Рустамов, П.Шамсиев, А.Ўринбоев, С.Ғаниева, Ё.Исҳоқов, И.Ҳаққулов, М.Ҳасаний ва бошқаларнинг тадқиқотларида бу мавзу ҳақида фикру мулҳазалар билдирилган. Аммо мазкур масала қуйидаги ишларда кенгроқ ўз ифодасмини топган дейиш мумкин: 1. Ёқубжон Исҳоқов. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент. 2002; 2. Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. Тошкент “Ўқитувчи” 1966. 3. Алийбег Рустамий. Ҳазрати Навоийнинг эътиқоди. Тошкент: “Extremum pres” 2010.

[3] Ўзбек адабиёти тарих. V жилдлик. II жилд. Тошкент “Фан” нашриёти. 1977 йил, 63-бет. Жомийнинг силсиласи пири Саъдуддин Кошғарий, Низомиддин Хомуш, Алуддин Аттор орқали Баҳоваддин Нақшбандга улашади. (С.Р.)

дарвешваш ва тасаввуфга мойил бўлгани, ҳақида маълумот беради[1]. Навоий ҳар доим, ҳатто иши кўп бўлган мансабдорлик пайтларида ҳам тасаввуф йўлидан сусаймаган. Хондамирнинг хабар беришича, султон Ҳусайн Бойқаро 892 (1487) ҳижрий йилда Мозандарон вилоятини бошқаришни қатъий таклиф билан унга топширади. Амир Навоий икки ярим йилдан кейин ҳукумат ишларидан этак йиғиштириб, Ҳиротга қайтади. Шоир мана шундай лавозимларда ишлаган пайтларида ҳам "ҳеч қачон аҳли диллар ҳаракатига пайравлик қилишдан бир соат ҳам ғофил эмасди. Ҳар доим илм ва ирфон аҳлларига ихлос ва эътиқод қадами билан хизмат қиларди. Хусусан, олижаноб Махдумийга (Жомийга) яқин мулозаматда бўлиб, у киши ҳузурида дарвеш ва сўфиларнинг китобларини ўқиш билан шуғулланарди[2].

Маълум бўладики, Навоий бутун ҳаёти давомида тасаввуфга эътибор қаратган, юксак ахлоқ эгаси бўлган, нафснинг ҳою ҳавасларини тарк этиб, зикр ва ибодатларга жиддий аҳамият берган.

Хондамир яна " Ул ҳазрат томонидан ҳам, машойих ва сўфия зикрида ва сайру сулук йўллари баёнида асарлар юзага келган"ни ва "Насойим ул- муҳаббат" ва "Лисон ут-тайр" китобларини зикр этади. Шунингдек, "фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги, фариб ва мусофирларнинг фароғати учун Хуросон атрофларида кўп миқдорда хонақоҳ, работ, ҳовуз ва ҳаммомлар қурган"лигини таъкидлаб, уларнинг номларини келтириб ўтади[3].

Навоий тасаввуфни комиллик йўли деб билади. Тасаввуф ғоялари гоҳ ошкоро, гоҳ яширин тарзда унинг кўплаб асарлари қатидан мустаҳкам жой олганки, улар алоҳида тадқиқотлар талаб қилади. Унинг ёзишича, тасаввуф йўлига кирган одамда асосан қуйидаги фазилатлар бўлиши керак:

– хилоф ишлар яъни шариат ва тариқатга зид ишлар бўлмаслик;

– ризо аҳлидан бўлиб, хушахлоқ бўлишлик;

– чолис Аллоҳ учун ибодат ва риёзатли бўлиш;

– зуҳду тақвою тоатида риё бўлмаслик, унинг тили ва феълидан халққа зарар етмаслик;

– Ҳақнинг амру наҳиларига тасарруф этмаслик яъни ўзбошимчалик билан ҳаракат қилмаслик;

– ҳодисалар қаршисида тараддудга тушмаслик, қўлдан кетган нарсага афсус чекмаслик. Яъни содир бўлган воқеаларни Ҳақдан кўришлик;

– Ҳақ вужудида ўз вужудини маҳв этишлик. Яъни Аллоҳ ишқида фано бўлиш. Навоий бу ҳолатни тасаввуф деб атайди[4].

Шоир нақшбандияни "тариқати олия","қаноат тариқи" ва "фақр йўли" каби номлар билан атайди. У нақшбандия сулукига мансуб бўлган ҳолда бошқа тариқат шайхларига ҳам юксак эҳтиром кўрсатади. Нақшбандиянинг ўзига хос афзаллик жиҳатларини кўрсатиб беради. Маълумки, Навоий "Насойим ул-муҳаббат" асарида келган бошқа тариқат шайхларига фақат эҳтиром кўрсатиш эмас, балки, Жомий асарига киритилмаган машойихларни киритади. Шунингдек, Бобур "Бобурнома" асарида "Алишербек қошида мутасаввуфлар йиғилиб, важд ва самоъ қилурлар эрди"[5], – дейди.

---

[1] Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Ғафур Ғулом номидаги бадиий нашриёти. Тошкент. 1967. 62-63-б.

[2] Мазкур асар, 65-б.

[3] Макорим ул-ахлоқ. Мазкур асар,66-68-б.

[4] Қаранг: Алийбег Рустамий. Ҳазрати Навоийнинг эътиқоди. Мазкур асар, 71-72-б; Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. Мазкур асарю54-57- б;

[5] "Бобурнома". Т, Ўз ФАН. 1960. 238-б.

Кўриб ўтганимиздек, Навоий хуфя зикр тарафдори бўлган ҳолда жаҳрия зикрни ҳам инкор этмаган ва ўзи ҳам бу йиғинларда иштирок этган.

Навоий асарларида нақшбандийликнинг икки йўналишда кўзга ташланади:

1. Хожагон-Нақшбандия шайхларининг зикри.

2. Нақшбандия арконлари ва қоидаларининг тарғиб этилиши.

Навоий назм ва насрдаги асарларида тасаввуф арбобларини, айниқса, хожагон-нақшбандия машойихларини алоҳида бобларда келтиради. Хусусан, "Хамса", "Хазойин ул-маоний", "Насойим ул-муҳаббат" ва "Лисон ут-тайр" каби асарларида Хожа Баҳоваддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор, Хожа Муҳаммад Порсо ва Абдураҳмон Жомий каби зотларнинг муборак номларини тилга олади ва улар билан боғлиқ баъзи ривоятлар келтиради, ўзининг муносабатларини ҳам билдириб ўтади.

Жумладан, Навоий буюк "Хамса" асарининг дастлабки достони "Ҳайрат ул-аброр"да Баҳоваддин Нақшбанд қуддуса сирруҳу мадҳидаким..." деб бошланадиган алоҳида фаслини шундай сўзлар билан бошлайди: "Сунъ Наққоши ҳикмат хомаси била рўзгор саҳифасида анинг вужуди нақшин исломий тарҳ этти ва сурати иршоди била куфр аҳли кўнгли варақидин хитойи ва фаранги нақши кетти ва Хожа Убайдуллоҳ салламаҳумуллоҳға ниёз арзиким, ул Ҳазратқа халафи мутлақ, балки халифаи барҳақдурур". Шоир асарда 31 марта "нақш" сўзини турли-туман маъноларда қўллайди. Жумладан, Сунъ наққоши яъни Аллоҳнинг қалами гўзал нақшлар чизган ҳолда Баҳоваддиннинг нақшидек дилбар нақшни бошқа яратмади. Унинг кўнглидан, аввало, сахийлик нақши мустаҳкам ўрин олган, борлиқ саҳифасидан вужуд нақши ўчиб кетган, Чин нақшлари ҳам у ясаган нақшларга тенг эмас. Бутун олам унинг қўлида нақшли узукдек, у узукнинг нақшига моҳир наққош бўлган деву парилар ҳам бўйсунар эди... Унинг нақши осмон нақшларидан ҳам афзал. Ўзининг ажойиб нақшлари билан оламга танилган нақш солувчилар шоҳи Баҳоваддин Нақшбанддир, бошқа киши эмас. У азиз жонига ранжу машаққатлар чекар, жони нақшлар макони бўлгани сабабли нақшдан бошқа ҳамма нарсалар фоний, унинг жонида боқийлик нақшидан бошқа нарса қолмагунча бошқа бирор нақшга қарамади. Кўриб ўтганимиздек, Баҳоуддиннинг лақаблари бевосита у кишининг кимхобга нақш солиш касбларидан олинган бўлса ҳам, ҳар хил фалсафий-тасаввуфий маъноларда шарҳлаш учун имкон беради[1].

Достонда Баҳоваддин ҳазратларининг таърифлари тугагандан кейин Хожа Аҳрори валий мадҳи бошланади. Навоий бу улуғ зотни Ҳазрат Нақшбандга ҳақиқий халафи мутлақи, яъни ўринбосар, издош деб билади. Шоир таъкидлайдики, бу зот учун шоҳу гадо баробар, зиёратига подшоҳлар ошиқади ва мактубларини бош кийимлари орасига қистириб қўйишади, у кишининг бўз тўни ҳар бир ипи билан фақр тариқида юз пир учун занжирдир. У зот одамларга Худонинг ҳукмларини тушунтирар экан, шоҳу гадо баробар. Улуғ пир суҳбатини топганлар жаҳон аҳлига эмас, осмондаги фаришталарга ҳам раҳнамодир, улар барча сулук аҳлига раҳбар бўлиб, қоронғу кечада йўлда қолганларга юлдуздирлар. Уларнинг юклари ичида фано бойлигидан туҳфалар бўлиб, шу туҳфалар орқали бой бўлишни истайдилар. Уларнинг кумуш тангалари фано конидан, дурлари эса йўқлик уммонидан, улар ҳамма ёқни кийим-кечак билан тўлдириб, дунёни тўрт томондан тўсганлар. Харидорлари зарар кўришдан қўрқсалар ҳам харид қилгач, фойда кўрганлар. Навоий шеър охирида Худога илтижо қилиб, Хожа Аҳрор руҳониятидан мадад етишини сўрайди:

[1] Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. Мазкур асар, 180-181-б.

Ҳиммatидин бизни ҳам этсун Худой
Фақр йўлида ғани, иймонға бой.

Соҳиб назар бундай хаёлларга бориб тургандан кейин ит унинг олдидан ўтиб кетади. У зот тупроғда ит аёғининг изини кўради. “Мен ортиқманми ё бу из?”, деган хаёлга боради ва дарҳол “Эй инсофсиз, У из вафо аҳли аёғидан нишон, сен эсанг этагингни судраб вафосизлик сари борасан”, дейди ва эгилиб, у изга кўзини суртади. Шоир қиссадан хулоса чиқариб: Аҳли Ҳақ ана шундай вужудларини инкор этадилар, борлиқларини бу каби сабаблар ила нобуд қиладилар. Ана шундай фано жомини ичиб ўзларидан асар қолмагандан кейин:

Ҳақ вужудидин бақое топмайин,
Жоми ваҳдатда лиқое топмайин.

Чун фано хайлиға дохил бўлдилар,
Боқийи Мутлақҳа восил бўлдилар.

Алишер Навоий ўзининг бир қатор қитъаларида ҳам нақшбандия тариқининг адосиз ҳақида тўхталиб ўтган. “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги “Қаноат нақшининг ифшосию нақшбандия тариқининг адоси” сарлавҳали 11 байтли қитъаси шоирнинг нақшбандия тариқи ҳақидаги қарашларининг хулосасидир. Кўнгул Ҳақ тажаллисининг мазҳари бўлгани учун Шоир унга хитоб қилиб, қаноат тариқига киришини, шунда иззатга мушарраф бўлишини таъкидлайди:

Қаноат тариқиға кир, эй кўнгул
Ки, хатм ўлғай ойини иззат санга.

Кейинги тўрт байтда шоир нақшбандия тариқининг соликка инъом этадиган маънавий мақом ва тухфалардан баҳс юритади ва олтинчи байтдан бошлаб ўзининг асл мақсадини, яъни нақшбандиянинг энг муҳим одобларини зикр этади.

Десанг хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.

Агар хилватим анжуман бўлмасин десанг, анжуманда хилват сақлагин. Яъни, анжуман ичида ҳам Аллоҳ билан бирга бўл. Кейинги байтда шоир “сафар дар ватан” қоидасини эслатади. Сафарнинг ҳам ўзига яраша фойдалари бор. Бироқ сафар қилишда меҳнат-машаққат бўладиган бўлса, ватан ичида ҳам сафар қилиб, маънавий сайр қилиш керак:

Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.

Яна алардин (Ҳазрат Нақшбанддин) сўрдиларки:

Сизнинг тариқингизда зикри жаҳру хилват ва самоъ бўлур?

Дедиларки: Бўлмас!

Яна сўрдиларки:

Сизнинг тариқингиз биноси не ишгадур?

Дедиларки: Анжуманда хилват зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидин Ҳақ субҳонаҳу ва таоло била.

Б а й т :

Аз дарун шав ошнову ва-з берун бегонаваш,
Ин чунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.

Маъноси:

Зоҳирда бегонадек ботиндан ошно бўл,
Бундай гўзал одат дунёда кам топилади[1].

Кейинги байтда “назар бар қадам” шиорига амал қилишга ундайди.

Назарни қадамдин йироқ солмағил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.

Солик агар нақшбандия йўлида юришни қасд қилиб, рағбат кўрсатса ҳар бир қадамини билиб босиши ундан назарини узмаслиги, ғафлатда қолмаслиги керак. Навбатдаги байтда шоир “ҳуш дардам” қоидасини шарҳлайди:

Дамингдин йироқ тутмағил ҳушни
Ки, юзланмагай ҳар дам офат санга.

(Тариқатнинг йўлларини хатари кўп) дейди Аҳмад Яссавий бир ҳикматида. Агар солик бир лаҳза ғафлатда қолса, унга офатлар юзланиши мумкин. Шу боис “ҳуш дар дам” яъни ҳар бир нафас олиш ва чиқаришда ҳушёр ва огоҳ бўлиш, ғафлатда қолмаслик лозим. Кўриб ўтганимиздек, юқоридаги тўрт байтда Навоий нақшбандиянинг энг муҳим қоидаларидан баҳс юритган ва уларга бефарқ бўлмасликни таъкидлаб ўтган. Аслида бу тўрт қоидани Юсуф Ҳамадоний нақшбандияга жорий қилган.

Навоий кўнглига хитоб қилиб бу тўрт иш билан рубъи маскун, яъни ер юзининг тўртдан бирига шоҳ бўлсанг, сенга қутлов ноғоралари чалинса ажаб эмас! дейди.

Бу тўрт иш била рубъи маскун аро,
Чалинмоқ не тонг кўси давлат санга.

Қитъанинг охирги байтида Навоий нақшбанд бўлиш шартини тўрт иш, яъни тўрт қоидани бажаришга боғлайди. Ва айтадики: Эй Навоий, агар сенга навбат етса бу оҳанг ила (тўрт иш воситасида чалинган давлат ноғорасининг оҳанги билан) нақшбанд бўласан.

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик, 17-жилд. Тошкент. “Фан” нашриёти, 1998, 262-б.

Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд,
Навоий, агар етса навбат санга.

Навоий “Бадоеъ ул-васат” девонидаги бир қитъасида “Ал косибу ҳабибуллоҳ” ҳадисини ҳазрат Нақшбанд томонидан қилинган талқинига тўхталади. Қитъанинг матни қуйидагича:

Ҳадис мазмуним “ал-косиб ҳабибуллоҳ” ҳазрат Хожаи Нақшбанд қуддиса сирруҳу мундоқ баён қилибдурким:

Нукта асносида Ҳабибуллоҳ
Деди: **“Ал-косибу ҳабибуллоҳ”.**

Маъни айтур бу сўзга пири комил
Ки, сўзи эрди Ҳақ сари шомил.

Ғараз эрмас бу касбдин дунё,
Бал эрур касбдин мурод фано.

Ҳадис мазмуни “косиб Аллоҳнинг дўсти” дегани. Навоий Ҳазрат Нақшбандниг ҳадисни ботиний маънода тафсир қилганларига эътибор қаратади. У зотнинг касбдан мақсад бу дунёга ружуъ қўйиш, тирикчиликка шўнғиб кетиш эмас, Аллоҳга интилиш, Унинг ишқида фано бўлиш, деган талқинларини келтиради.

Алишер Навоий “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги “ўзликдан қутулмоқ суҳбатида ва аноният тарки шиддатида” сарлавҳали бир қитъасида кўнгилга хитоб қилиб, “тан тахтасининг бу тубсиз гирдобдан (шайтоний майлу ҳаваслардан) соҳилга чиқишини истасанг, бу осон эмас” дейди:

Эй кўнгул, тан тахтасин бу қаъри йўқ гирдобдин,
Истасанг соҳилга чекмак, билки, бу – осон эмас.

Шоир кейинги байтда бу ишнинг чораси сифатида тасаввуф йўлини кўрсатадини кўрсатади ва уни амалга ошириш учун нима қилиш лозимлигини айтади.

Пиру истеъдоду тавфиқ ўлмаса, бўлмас бу иш,
Кимдурурким, бағру бу ҳасратдин онинг қон эмас.

Демак, байт мазмунидан англашилмоқдаки, тасаввуфда муваффақият қозониш, ўзлик юкидан халос бўлиш учун уч нарса лозим: 1) пир, яъни муршиди комил; 2) истеъдод, яъни муриднинг сулук йўлида оқилона ва қатъият билан ҳаракат қилиши.

Маноқиблардан маълумки, Ҳазрат Нақшбанд Бухоро мозорларини зиёрат қилиш пайтида хожагон шайхлари, хусусан, Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг руҳонияти билан учрашади. Навоий ҳам бу руҳоний мулоқотни “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида келтиради. Ҳазрат Нақшбанд айтган эканлар: “Мабодии аҳволда бир кеча

ғалаботи жазаботдин Бухоро мазоротидин уч мозорға етишдим. Ҳар мазорда бир чироғдон кўрдум ёнадурғон, ёғи тўла ва фатилалари ёғ ичинда. Аммо фатилаларға бирор нима ҳаракат бермак керак эрдики, яхши туташқой ва ёруғой". Бу ҳолни Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратлари изоҳлаб шундай дейдилар: "Ул чироғларки, ул кайфият била сенга кўргуздилар ишорату башоратдур, сенга бу йўл қобилият ва истеъдодидин. Аммо истеъдод фатиласин ҳаракатға келтурмак керак, то ёруғай ва асрор зуҳур қилғай[1]. Демак, бу йўлда истеъдод Худонинг улуғ неъматидир; 3) тавфиқ, яъни Аллоҳнинг рушди ҳидояти. Баъзилар тавфиқ сўзини "пир билан истеъдод эгасининг мақсадлари мувофиқ келиши" деб изоҳлаганлар[2].

Шоир "Фавоийид ул-кибар" девонининг 309-ғазалида юқоридаги қитъага ҳамоҳанг бир қатор тасаввуфнинг муҳим масалаларидан баҳс юритади. Биринчи байтда "фано дайри"даги "пири тариқ"нинг бетариққа Ҳақнинг ҳидояту тавфиқи етмас, деган нозик сўзи келтирилади. "Бетариқ" тариқатсиз дегани. Аммо бу тариқат нима ва қандай йўл, бу саволга иккинчи байтда жавоб берилади:

Тариқ жоддаи шаръ эрур бу дайр ичра
Ки, анда кимки сулук этти – бўлди аҳли тариқ.

Демак, "Тариқ"дан мақсад, бу жодаи шаръ, яъни шариат йўли, шариат аҳкомлари экан. Кимки шариат доирасида сулук этсагина, у ҳақиқий маънода аҳли тариқатдир. Сўрадилар (ҳазрат Нақшбанддан) сизнинг тариқангизни қандай топиш мумкин: Айтдилар: **"Шариатни маҳкам тутиш ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига тўлиқ амал қилиш билан"[3].**

Навбатдаги байтда "тавфиқ" сўзига урғу берилади. Аҳли тариқат бўлиш, унда маънавий мақомларни забт этишнинг яна бир шарти ҳидояту тавфиқдурким, Ҳақ томонидан ҳақиқат кишварига қатъий йўл олиш истагининг пайдо бўлишидир.

Яна ҳидояти тавфиқ улки, бергай Ҳақ,
Кўнгулга дағдағаи азми кишвари таҳқиқ.

Аммо бу кишвари таҳқиқни забт этиш осонми? Йўқ, асло. Шоирнинг ёзишича, Унинг йўли жуда ҳам бўртоқ, нотекис, туни зулмату дашти олис. Тариқ аҳли унда кўпу аммо ҳеч кимга рафиқ, йўлдош йўқ.

Йўл асру бўртоқ эрур, тун қоронғу, дашт узун,
Кўп асру қатъи тариқ аҳли-ю йўқ анда рафиқ.

Шундай бир шароитда қандай йўл тутиш керак? Шоир қуйидаги байтда чорасини айтади:

Кишига бўлмаса ҳодий, падид эмас мақсад,
Ҳидоят ўлмай анинг қатъин этмагил тасдиқ.

---

[1] Мазкур асар. Мазкур саҳифа.
[2] Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. Мазкур асар, 93-бет
[3] Баҳоуддин Балогардон. Тошкент, "Ёзувчи" нашриёти. 1993. 78-б.

Ҳа, демак, байтда икки асосий нарсага эътибор қаратилмоқда. Аллоҳнинг ҳидояти, иккинчиси, ҳодий яъни ҳидоятга бошловчи пир лозим. Агар шу иккиси бўлмаса, у йўлни забт этиб бўлмайди. Бу даштни қатъ этиб, ҳақиқатга етиш оғирлигини эътироф этган шоир илоҳий ишқдан сармаст қиладиган соқийга – пирга – мурожаат этади ва агар қадаҳ ғами денгизи қадар чуқур бўлса ҳам, уни тўлдириб май беришини сўрайди:

Бу дашт қатъи ажаб саъб эрур, тут, эй соқий,
Тўла қадаҳки, ғамим баҳри янглиғ ўлса амиқ.

Шоир ҳақиқат кишварини бир денгизга ўхшатади ва шу денгиз ичига шавқ кемасини суриб, ҳам ўзлигим, ҳам ўзим унда ғарқ бўлсам, дейди.

Ким ўйла баҳр ичига шавқ заврақин сурсам,
Ҳам ўзлукум, ҳам ўзум бўлғай анда барча ғариқ.

Бу денгиз оддий денгиз эмас, харобот денгизидир, яъни ошиқларнинг сармаст бўладиган бепоён макондир. Кошки унда муғбачалар интизор ва шафқатли бўлиб ишқ жоминнинг майидан тутсалар.

Эрур бу баҳри харобот ишқ жоми майи,
Тутарға муғбачалар бўлса дилпазиру шафиқ.

Ғазал сўнгида шоир ўзига хитоб қилиб: “Эй Навоий, балки сени маст ҳолда кўрган киши ҳақиқат баҳрида ғарқ бўлган деб ўйлагандир”, – дейди.

Навоиё, сени ул баҳрнинг ғариқи деган
Магарки маст кўруб, бўйла айлади таҳқиқ.

Кўриб ўтканимиздек, шоир бу ғазалида юқоридаги қитъага ҳамоҳанг фикр ва туйғуларини изҳор этади ва қайсидир маънода тасаввуфга бўлган муносабатини акс эттиради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Навоий сохта шайх ва риёкор сўфийларни қаттиқ танқид қилади. Сохта шайхни мазаммат қилиб “шайх” радифли алоҳида ғазал ҳам битган. Умуман, Навоий тариқат йўлидаги риёкорликни аямайди. “Маҳбуб ул-қулуб” асарида “Риёйи шайхлар зикрида” сохта шайхнинг сурат ва сийратини ҳажв қилади. Сохта шайхни ташқарисига олтин юритилган мисга ўхшатади. Унинг “Таши хушнамо, ичи нохуш”. “Оросталиғи барча қайд ва каромати тамом шайд. Амомаси риёсат юки, бошида ҳар фосид хаёл ҳар туки. ...Ридоси уюбининг пардадори ва риё чархи игирган ҳар тори. Мисвоки тамаъ тишин элтурга суҳон; шонадонида ришханд олати ниҳон ... “узунроқ намоздин ғарази эл кўрмак. Кулоҳи давлат ул давлатмандға дастор ва узунроқ алоқаси тулку қуйруқидин намудор. Маҳалсиз сайҳаси бағоят совуқ, андоққи, вақтсиз ун тортқон товуқ”. “...Воқеаси бари ясалғон, уйғоқлиғида дегани барча ёлғон”.

Аммо афсуски, бундай тоифаларга мурид ҳам топилади. Шоир ана шу муридлар ҳолига ҳам афсусланади: Бу хабис зотға мунча оройиш, эранлар ҳолидин анда намойиш.

Ҳайҳот-ҳайҳот, уят, юз минг уят. Турфа буким, бу мазҳарға муридлар ҳам бор, хизматида барча шефтау қарор. Ул бу дўконни юрутиб тадбир била ва маъракани қуруб тазвир билаким, шаётинға маҳалли ҳайратдур ва деви лаинға мужиби ибрат ва нафратдур”[1].

Шунинг учун ҳам Навоий муршиднинг комил ва муриднинг сулук йўлида астойдил бўлишни асраларида қайта-қайта таъкидлайди. Бир байтида бунга ишора қилиб айтади:

Шиор айламасанг нақшбанд ойинини,
Риёю зуҳд била бўлма нақшбин боре.

Яъни Нақшбанд тариқини ўзингга шиор қилмасанг, риёю зуҳд билан ўзингни кўз-кўз қилмагин, дейди.

Хуллас, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодида нақшбандия тариқати таълимотининг тамойиллари, йўриқлари, одобу арконлари ва яшаш тарзи теран ўз аксини топган. Тасаввуф таълимоти, нақшбандия тариқатини яхши билмасдан туриб, шоир асарларининг мазмун-моҳиятига тўла эришиб бўлмайди.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида тасаввуфнинг бир неча асос ва талаблари борлигини, улардан аввалгиси ва зарури тавба эканлигини айтади.

ТАВБА

Шариат ва тариқатда тавба қилиш, гуноҳдан қайтишга буюрилади. Тавба – луғатда қайтиш, ниманидир бас қилиш, тўхтатиш. Шаръий истилоҳ сифатида тавба инсоннинг қилган гуноҳларидан пушаймонлиги, гуноҳларининг кечирилишини Тангридан илтижо қилиб сўраши ва Ҳақ йўлига қадам ташлаши. Навоий тариқатга кирувчи соликларнинг “аввалги ишлари тавбадур”, деб таъкидлар экан, бунинг чуқур руҳий асоси бор. Зеро, тавба сайру сулукдаги еттита маънавий мақомнинг аввалгисидир, руҳнинг бедорлиги, зулматдан нурга бўлган интилишидир. Тасаввуф манбаларида тавбанинг шартлари, даражалари ва арконлари борлиги ҳам айтилади. Аллоҳ исмлари орасида Таввоб (тавба қабул қилувчи) исми ҳам бор. Қуръони каримнинг бир қатор оятларида ва ҳадиси шарифларда тавба қилишга, Ҳақ раҳматидан ноумид бўлмасликка буюрилган. Фақат ширкнинг кечирилмаслиги айтилган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг: **«Ҳар куни 70 марта тавба қиламан»,** – деган ҳадислари соликларни давомли тавбага ундаган.

Навоий бир қатор асарларида тавба ва унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, фойдалари ҳақида гапиради. У “Насойим ул-муҳаббат”да тасаввуфга киришнинг, сўфий бўлишнинг аввалги шарти тавбадир дейди. Абу Бакр бин Яздонёр Урмавийнинг: «**Кимки тавба қилсаю гуноҳни тарк этмаса, Аллоҳ таоло уни тавба қилишдан ва ўзига қайтишдан маҳрум қилиб қўяди»** ҳамда Аҳмад Хузравайҳ Балхийнинг: **«Тавба – дил софлиги билан Аллоҳга қайтишдир»,** – деган ҳикматли сўзларини келтиради. Навоийнинг ёзишича, Ҳабиб Аъжамий бошида бой, судхур ва хасис одам бўлган. Бир куни хотини бир қозон овқат пиширади. Шунда бир тиланчи келиб, Аллоҳ учун бирор нарса бер, дейди. Ҳабиб “Таом оз, санга етмайди” деб уни қувиб солади. Хотини таомни сузмоқчи бўлиб қопқоғини кўтариб кўрса, бутун-

[1] Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик, 14-жилд. Тошкент. “Фан” нашриёти, 1998, 44-б.

лай қонга айланиб қолган экан. Шунда эрига “тиланчига қўполлик қилганинг учун шундай бўлди” деб таъна қилади. Бу воқеадан Ҳабибнинг ҳолати ўзгариб, барча ёмон ишларига тавба қилади, Ҳасан Басрийга мурид тушиб, ўз даврининг етук шайхига айланади. Навоий шу асарида Атаба бин Ғулом, Абдуллоҳ ибн Муборак, Абубакр Шиблий каби шайхларнинг ҳам тавба қилиб, сулук йўлига киришларининг сабабларини тушунтириб ўтади.

Инсон фақат катта гуноҳлари учун эмас, қайсидир номақбул ишидан ёки ёмон феълидан ҳам тавба қилиши мумкин. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да ёзишича, Мавлоно Яқиний “охир дамда беадабона сўзларидан тавба қилиб аҳли салоҳлар” қаторига кирган. Мавлоно Сайфий ҳушёрлик пайти яхши одам, аммо “сархушликда” “расво” одам бўлган, охир бу ҳолатидан тавба қилган, Мавлоно Муҳаммад Бадахший “маст ё махмур бош ва оёқяланг кўй ва кўча ва бозорда” юрадиган бўлган . “Ҳодии тавфиқ тавба насиб қилиб”, уни тўғри йўлга бошлаган. Мавлоно Муин Воиз “бир қатла Ҳазрат Амир ул-мўминин Алининг иймони тақлидий экандур”, дегани учун “ул ҳазратнинг руҳидин ғариб сиёсат ва шиканжалар кўрган”. Дарҳол тавба қилгани учун қутулган. Мавлоно Муҳаммад Хуросоний беадаб, беҳаё ва андишасиз одам бўлган. Ва “Ҳодии тавфиқ “ (Аллоҳ) унга йўл кўрсатиб, ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Табодгоний (раҳматуллоҳ) хизматига кирган. Навоий айтадики, “Ул бузургвор илгида тавба қилиб, суфия одоб ва тарийқига машғул бўлди ва «арбаиън»лар ўлтуруб, дерларким, кушойишлар топти ва яёқ сойим уд-даҳр муборак сафарин қилиб ул давлатқа мушарраф ҳам бўлган.

Тавбанинг бир неча шартлари бор. Асосий шарти уни бузмасликдир. Навоий танбеҳларининг бирида **“Нафсдин санга зулм етса, надомат эшикин оч ва Тенгри паноҳига қоч. Ва тавба этокига илик ур. Ул тавба устида мардона тур”,** дейди. Шоир кўз ёш, тавба суви билан ботинни поклашга чақирар экан, субутсиз ва сохта тавбакорликни танқид қилади:

Гар қилса киши қилиб гуноҳе, тавба,
Ул журмға бўлса узрхоҳи тавба.
Қилмоқ неча гоҳ журму гоҳи тавба,
Бу журм ила тавбадин, Илоҳи, тавба.

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да “Тавба зикрида” алоҳида тўхталган ва Тавбанинг бутун мазмун-моҳиятини очиб берган. “Ҳақиқий тавба, – дейди, – шоир, ёмон ишларининг оқибатидан огоҳ бўлмоқ ва тавфиқ ёр бўлиб, у феъллардан сақланмоқдир”. Тавба гуноҳкор бандаининг кўнгил кўзгусини исён зангидан аритади ва зорланиш мусқили (сайқал берувчиси) билан ул кўзгу юзини ёритади. Тавба туфайли инсон саркашлик ғафлатидан сесканади ва башарият уйқусидан уйғонади. Инсон бузуқ ишларидан, ярамас қилиқларидан, аламли аҳволларидан, керакмас даъволаридан, махфий ишларидан, нафси амморанинг фасодларидан, руҳга етган чиркинликлардан огоҳ бўлади, ажабланади, ўзгаради, надомат чекади. Огоҳ бўлгандан кейин Ҳақ олдида уялади, узрхоҳлик қилади, гуноҳларни тарк этиб, тўғри йўлни танлайди. Адашган йўлини тарк этиб”, ҳақиқат йўлиға киргай. Бу мартаба тариқат аҳлининг аввалғи гоми (қадами)дур ва мақсад водийсининг аввалги манзилиға хиромидур”. Лекин Навоий ҳақиқий тавба Аллоҳнинг иноят билан бўлишини, инсон бирор сабаб ва восита билан ҳақиқий тавба қилишини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бунга Шайх Абдуллоҳ Муборак тавбасини мисол қилиб келтиради. Навоий тавбанинг қариганда янада аҳамият-

ли экани, кўз ёш тўкиб тавба қилиш ва уни бузмаслик масаласига алоҳида аҳамият беради. Аксинча, тавба сохта ва мақбул бўлмайди: "Маҳбуб ул-қулуб"да ҳам "Тавба ва истиғно (эҳтиёжсизлик кўрсатмоқ, тортинмоқ) ҳар доим фойдали аммо қариликда фойдалироқ, дейди.

Навоий тавба тушунчаси орқали инсонларни ўзини тафтиш қилишга, ботинан покланишга, ўз оқибати ва охирати ҳақида қайғуришга даъват қилади.

Шуни яхши билишимиз лозимки, тасаввуфнинг, нақшбандия тариқатининг асосий ва муҳим шартларидан бири бу зикрдир. Алишер Навоий асарларида зикр билан боғлиқ алоҳида боблар, байту ғазаллар учрайди. Зеро, зикрсиз тасаввуф бўлмайди ва зикр қилмаган солик асло олдига қўйган мақсадига етолмайди, валоят ҳосил қилолмайди. Шайх Юсуф Ҳамадоний "Одоби тариқат" – деган китобида Хожа Абу Али Даққоқнинг: **"Зикр валийликнинг билагузугидир",** – деган сўзини келтиради ва шундай дейди:" "...Зикр мақомига эришганлар учун валийлик даражаси эҳсон этилди, зикрдан йироқлашганларни эса валийликдан маҳрум қилдилар"[1].

ЗИКР

Зикр – (ар. эслаш, хотирлаш) Аллоҳга яқинлик қилиш мақсадида айтиладиган вирд ва дуолар. Тасаввуфда бандани Аллоҳга яқинлаштирувчи энг осон ва самарали йўл бу – зикр қилишдир. Қуръони каримнинг саксондан ортиқ ерида Аллоҳни зикр қилиш буюрилади: **«Эй мўъминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар! Ва эртаю кеч у Зотни поклаб тасбеҳ айтинглар».** («Аҳзоб» сураси, 41-42-оятлар) Тасаввуфда қалб поклиги ва хотиржамлиги муҳим бўлгани учун мутасаввуфлар қуйидаги оятга аҳамият берадилар: **"Огоҳ бўлинггизким, Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур"** ("Раъд сураси, 28-оят). Шунингдек, **«Жаннат аҳли ҳеч нарсадан пушаймон бўлмайдилар, фақатгина дунёда зикрсиз ўтказган вақтларидан афсусланишади»,** ҳадиси сўфийларни давомли зикрга ундаган.

Зикрнинг боши – Ҳақ таолони ёд қилиш, унга яқинлашиш бўлса, охири, мукофоти – жаннатда васлига восил бўлишдир.

Зикрнинг энг афзали **"калимаи тоййиба"** (Ло илаҳа иллаллоҳ)дир. Ким бу калимани ихлос билан ўз умрида бир марта айтса, куфри иймонга, нопоклиги покизаликка айланади. Қуръони каримнинг номларидан бири ҳам зикрдир. Зикр барча тариқатларнинг асли, асосидир. Зикр инсонларни ҳақиқий тавҳидга эриштирадиган машаққатли ва завқли йўл. У камолот мақомларининг ўзаги ёки тамали сифатида тасаввуф оламида хос мавқе ва аҳамиятга эга. Зикр дил, фикр ва туйғуни Аллоҳга йўналтириш, Аллоҳ билан мукаммал шуурий, зеҳний мулоқот қилишдир. Тасаввуфда зикр икки қисмга ажратилган: бири – зикри омма, иккинчиси – зикри хос. Зикри омма савобни қўлга киритмоқ нияти билан амалга оширилади, аммо зокирнинг табиатидаги ёмон хислатлар (кибр, ғурур, риё, ҳирс, ғазаб, қаҳр, макр) бутунлай барҳам топмаган бўлади. Хосларнинг зикрида нафс тамоман мағлуб этилади, қалб маърифат ва муҳаббат нурларидан ёришиб, тилда ҳам, дилда ҳам Аллоҳ исми ва ишқидан бошқа ҳеч нима қолмайди.

Икки хил зикр тури мавжуд: зикри хуфия – яширин, пинҳона зикр ва зикри жаҳрия – очиқ, овоз чиқариб айтиладиган зикр.

Навоий "Насойим ул-муҳаббат" асарида ёзишича, Шайх Абу Саид Абулхайр сулукининг бошида "ҳар кеча бир чоҳда бош тўбан ўзини осар ва тонггача зикр айтиб чиққани учун му-

[1] Хожа Юсуф Ҳамадоний.Рутбат ул-ҳаёт. (Ҳаёт мезони). Тошкент, 2019. 102-б.

борак кўзларидин қон келар экан". Шайх Абдуллоҳ бин Муҳаммад Харроз: **"очлик – зоҳидлар таоми, зикр – орифлар таоми"** деган бўлса, Шайх Абубакр Шаққоқ: **«Аллоҳнинг зикри билан бўл. Агар ҳолинг қувватли бўлса, унинг зикрига ғарқ бўлиб кетасан. Аллоҳ ҳам сени зикр қилади",** – деб айтган экан. Навоий "Маҳбуб ул-қулуб"да "Зикр шарҳида" батафсил маълумот беради. Зикр дейди, – Навоий, – қалбнинг ва тилнинг Ҳақ ёди билан машғул бўлишидир. Ва баъзан тил зикр қилмай, кўнгил доим Ҳақ ёди билан машғул бўлади. Зикрнинг юксак даражаси зокир зикр қилинган зотда "нобуд ва йўқ бўлмоғидир". То фоний бўлиб зикр қилмагунча, мақсадга эришиб бўлмайди. Аммо зикр қилувчи кўрган ва ҳис қилган сир-асрорларини асраши, ҳеч кимга айтмаслиги керак. Чунки "Шоҳ розин асрамоқда тилин тиймағаннинг боши боридур ва ғайрат ва сиёсат тиғи анинг ниҳодидин димор чиқорибдур". Навоий Хожа Абдулла Ансорий тилидан ҳикоят келтириб, Мансур Ҳалложнинг сирни ошкор қилиб боши кетгани, Абдулла Ансорийнинг сирни яшириб, азиз бўлганига ишора этади.

Навоий Қуръондаги **"Ер ва осмондаги бор нарсалар Аллоҳни зикр қилади",** деган оят маъносини бир қатор муножотларида таъкидлаб ўтади.

Заррот аро ҳар зарраки бор, зикрингга зокир,
Амтор аро ҳар қатраки бор, ҳамдингга гўё.

Навоий дунёдаги зарраларнинг ҳар бир зарраси Ҳақ зикрига зокиру ёмғирларнинг ҳар бир қатраси Унинг ҳамдингга гўё эканини айтиб ўтар экан, айрим байтларида бу оламни Ҳақни зикр қилгани учунгина яхши кўришини, йўқса, бу олам ва ундаги бор нарсалар дўзахнинг ўтидек унга азоб беришини ҳам таъкидлаб ўтади:

Навоий, хуш кўрар оламни отинг зикридин, йўқса,
Анга дўзах аро ўтдекдурур дунёву мо фиҳо.

Навоий қуйидаги байтда ҳам Ҳақ зикри билан яшашини ошкор айтган:

Ғайр зикрин ошкора қилса лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа.

Яъни Ҳақдан бошқасини зикр қилсам тилим лол бўлсин. Шунингдек, қайси бир тилки, риёкорларча зикрингни ошкор этса, бундай тил ҳам лол бўлсин (тутилсин).

Навоий зикр айтишни покланиш ва комиллик сари ташланган қадам деб билгани учун ҳам асарларида бу мавзуга қайта-қайта мурожаат этади.

Айтиш керакки, зикрга энг кўп эътибор берадиган тоифалардан бири зоҳидлардир.

ЗОҲИД

Зоҳид – зуҳду тақво эгаси. Дунёвий ишлардан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган киши. Баъзи зоҳидлар шариатнинг зоҳирини ушлаб, ботинидан бехабарлиги учун ҳам танқидга нишон бўлган. Аслида, зуҳд ва зоҳидлик тасаввуфнинг маълум босқичлари бўлиб, ижобий ҳодисалардан саналган. Тасаввуфий манбаларда зуҳднинг аҳамияти ва уни

тарғиб қилувчи оят ва ҳадислардан баҳс юритилган. **“...(Эй Муҳаммад алайҳис-салом) уларга айтинг: “Дунё матоси озгина (арзимас)дир.** (“Нисо”, 77). Саҳобадан Абу Халлод (р.а.) Пайғамбар алайҳиссаломдан қуйидаги ҳадисни нақл этган: **“Дунёга нисбатан зоҳид бўлган ва зуҳд ҳақида панд-насиҳат қилиш фазилатига эга бўлган бир кишини кўрган пайтингизда унга яқинлашинг. Чунки у ҳикматли сўз айтади”.** Айнан ана шундай даъватлар сўфиларни зоҳидликка ундаган. Ибн Синога кўра, «дунёнинг завқ ва неъматларидан йироқлашган кимсага зоҳид; нофила ибодатлар, турли дуо ва бошқа ибодатларга ўзини бағишлаган кишига обид» дерлар.

Саййид Жаъфар Сажжодийга кўра, зоҳид дунё ва унинг неъматлардан юз ўгирган шахс. Шеър:

Зоҳидий чист, тарки бад гуфтан,
Ошиқий чист – тарки худ гуфтан.

(Мазмуни: Зоҳидлик нима? Ёмон сўзни айтишни тарк қилмоқдир. Ошиқлик нима? «Ўзим» дейишни тарк қилмоқдир.)

Айтадиларки: «Зоҳид шундай кимсаки, зоҳидлиги ишларидан маълум бўлади, зоҳиднамо шундай кишики, зоҳидлиги тилидан маълум бўлади (риёкорлик қилади)». Ҳофиз дейди:

Зоҳиди зоҳидпараст аз ҳоли мо огоҳ нест,
Дар ҳақи мо ҳар чи гўяд, жойи ҳеч икроҳ нест.

(Мазмуни: Зоҳидпараст зоҳид бизнинг ҳолимиздан огоҳ эмас, бизнинг ҳақимизда нима деса ҳам нотўғри эмас)...

Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да зоҳид ҳақидаги маълумотларни келтиради. Шайх Муҳаммад Восиънинг сўзи: “бу дунёда зоҳид бўл ва ҳеч кишидин тамаъ қилма, то барча халқ санга муҳтож бўлғайлар, мундоқ бўлғандин сўнгра ложарам сен ғаний ва подшоҳ бўлғайсен ва дунёда мундоқ бўлғон охиратда ҳам подшоҳдур”. Шайх Яҳё ибн Муъоз Розий айтган: **“Зоҳидлар дунё ғурабосидурлар ва орифлар – охират ғурабоси”.** Шайх Абдуллоҳ бин Муҳаммад Харроз дейдики: **«Очлик – зоҳидлар таоми, зикр – орифлар таоми».**

Навоий баъзи шайхлар ҳақида: “олим ва зоҳид эрди”, “зоҳид ва мутаварриъ” (парҳизкор) эрди”, “зоҳид ва муттақий киши эрмиш”, деган таърифлар беради. Шунинг учун ҳам Навоий ғазалларида икки қиёфали зоҳид кўзга ташланади. Бири ҳақиқий динпараст зоҳид. Иккинчиси ишқдан бехабар, ҳақиқатни англамайдиган, фақат жаннат умидида ибодат қиладиган, риёкор ва зоҳирпараст зоҳид. Шоир асарларида айнан риёкорлари танқид қилинади.

Навоий рубоийларидан бирида зоҳидга ҳуру жаннат, ўзига эса жононаю майхона кераклигини айтади. Матндаги жонона, майхона, соқий каби сўзлар мажозий, тасаввуфий маънодадир. Яъни ёр (Аллоҳ), майхона эса – илоҳий ишқ улашиладиган жой, хонақоҳ, пир ҳузури ва илоҳий маърифат тўла орифнинг ботини каби маъноларни англатиб келган. Соқию қадаҳ ҳам муршид ва унинг файзга тўла қалбидир. Улуғ шоир рубоийда бошқа ғазалларда бўлгани каби ишқ ва маъшуқ васлини жаннатдан устун қўяди:

Зоҳид, сенга ҳур, манга жонона керак,
Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак.

Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса тўла, ёна керак.

Навоийга кўра, зоҳидликнинг даражаси ва шартлари бор. Шу шартлардан энг муҳими ибодатнинг ихлос ила бажарилгани, зуҳднинг ишқ билан омухта бўлганидир. Ишқдан холи зоҳидлик, тузсиз таомга ўхшайди.

Зоҳид ўлдум деб, Навоий, ишқни тарк этмаким,
Бўлмаса ул шўр тузсиз луқмадур зуҳд фақат.

Навоийнинг зоҳид ҳақидаги қарашларини ўрганиш, унинг шеърларини тўғри тушунишимизга ёрдам беради.

РУМИЙ ВА НАВОИЙ ИЖОДИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий араб, форс ва туркий халқларнинг маданияти, тили ва адабиётини билан яхши таниш бўлганлиги маънавий меросимиз тарихидан маълум. У ўз асарларида туркигўй шоирлардан ташқари араб ва форс тилида ижод этган Фирдавсий, Анварий, Ҳофиз, Саъдий, Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Жалолиддин Румий ва Жомий каби атоқли шоирларнинг номларини чуқур ҳурмат билан тилга олади, улар ижодидаги нозик жиҳатларни таъкидлаб ўтади.

Ҳар бир даҳо шоир ўзига хос ва бетакрордир. Румий ва Навоий номи тилга олинганда, ислом оламида, унинг маданияти, маърифий ҳаётида, шеър ва адабиёт дунёсида ўз услуби, овози ва санъаткорлиги билан ном қозонган икки улуғ сиймо кўз олдимизга келади. Зеро, бу икки улуғ шахснинг ҳаёти ва буюк истеъдоди инсониятнинг бахти, равнақи, маърифати ва маънавий камолоти учун хизмат қилди.

Одатда, ҳар бир истеъдод соҳиби муҳаббат қўйган, илҳом олган, ўрганган, тақлид қилган фазилат соҳиблари бўлади. Алишер Навоий учун Жалолиддин Румий ана шундай улуғ сиймолардан, илдизлардан бири эди.

Навоий ўз асарларида Мавлоно Жалолиддин Румийни буюк бир муҳаббат билан эслайди. Шоирни Мавлоно Румийнинг бетакрор ижодий ҳаёти, шахси, жўшқин ва теран шеърияти ўзига мафтун этади. У «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасида[1] Румийнинг номини юксак руҳий ва ахлоқий маърифат эгаси, комил инсон сифатида тилга олади. Асарларидан ҳикматли сўзлар келтиради[2]. Алишер Навоий бир тахминга кўра Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳоуддин Валад Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларининг асҳобларидан бўлганини айтиб ўтади[3].

---

[1] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлари тўплами (МАТ). 20 жилдлик 17-жилд. Тошкент, «ФАН» 2001. Бу тазкира Абдураҳмон Жомийнинг «Нафоҳот ул-унс мин ҳазаротил қудс» номли асарининг таржимасидир. Навоий унинг баъзи жойларини қисқартириб, айрим ўринларни янги маълумотлар билан бойитиб таржима қилган ва мустақил асар даражасига чиқарган.(С.Р.)

[2] Мазкур асар 325-329-бет.

3 Мазкур асар, 292-бет.

Маълумки, Шайх Нажмиддин Кубро Хоразмда мўғуллар босқинида уларга қарши жангда қатнашади ва бу жангда кофирларнинг байроғини чангаллаган ҳолда шаҳид бўлади. Тарихчиларнинг келтиришича, шаҳид бўлган Шайх Кубро қўлидан бу байроқни ўн кишилашиб ҳам ажратиб ололмаган кофирлар шайхнинг панжаларини чопиб, байроқни олишади.

Навоий бу воқеага ишорат қилиб ёзади: «Ҳазрат Мавлоно Жалолиддин Румий қуддиса сирруҳу ғазалиётида ишорат бу қиссаға ва ўз интисобин ҳазрат шайхға қилиб дебдурки:

Мо аз он муҳташамонимки, соғар гиранд,
На аз он муфлисаконки, бузи лоғар гиранд,
Ба яке даст, майи холиси иймон нўшанд,
Ба яке дасти дигар парчами кофар гиранд.

Яъни «Биз қўлга қадаҳ олувчи улуғвор кишилармиз. Ориқ эчки оладиган қашшоқлардан эмасмиз. Бир қўлда иймоннинг холис шаробин ичармиз, бир қўлда кофирнинг байроғин маҳкам тутармиз»[1].

Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»[2], «Мажолис ун-нафоис»[3] ва «Хамсат ул-мутаҳаййирин»[4] асарларида ҳам Румий ва унинг «Маснавий»сини эслаб ўтади.

Мустақиллик давридан кейинги йилларда юртимизда Мавлоно асарларининг таржима этилиши ва ўрганилиши Навоий ижодининг янги қирраларини кашф этиш имконини берди.

Адабиётшунос олим И.Ҳаққул тадқиқотларида Румий шеъриятига хос бўлган «ишқ ва завқ»дан, тасаввуф ҳақиқатларидан баҳс юритади. Мавлоно асарлари шоирларга илҳом манбаи бўлгани, ундан Навоий ҳам баҳра олгани ва улар ижодини бир қатор муштарак мавзулар, ғоялар, рамзлар ва тасвир усуллари боғлаб тургани ҳақида ёзади: «Жалолиддин Румий ва Алишер Навоий адабий меросини тарихий-қиёсий йўналишда ўрганиш Навоий шеъриятининг ботиний оламини мукаммал билиш, ундаги бир қатор мураккаб тушунча ва ҳақиқатларнинг моҳиятини тўғри талқин қилишга йўл очади»[5].

Тадқиқотчи Рашид Жумаев «Румий ва Навоий» номли мақоласида «Лисон ут-тайр»даги «Арасту ва унинг ошиқ шогирди», «Иброҳим Адҳам», «Фил» билан боғлиқ айрим ҳикоятларни «Маснавий»даги тамсилий ҳикоятлар билан қиёслаб, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўрсатиб беради. Айрим ҳикоятларни Имом Ғаззолий ва Аттор асарлари билан қиёслаш асносида Румий ижодига таъсир этган манбалар ҳақида ҳам тўхталади.

Олим «Маснавий»нинг аҳамияти ҳақида: «Румийдан кейинги ўзбек мумтоз адабиётининг камол топишини Мавлононинг «Девони кабир» ва «Маснавий»сидан ажралган ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас десак, хато бўлмайди»[6], деган хулосага келади.

Адабиётшунос олима С.Ғаниева Навоийнинг Румий ҳақидаги фикрларини таҳлил қилар экан, асосан, Жомийнинг «Нафоҳот ул-унс» асаридан таржима қилинган матнга эътибор

---

[1] Мазкур асар, мазкур саҳифа.

[2] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 14-жилд, Тошкент, «Фан» 1998 25-бет.

[3] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 13-жилд, Тошкент, «Фан» 1993. 11-бет.

[4] Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин МАТ. 15-жилд. Тошкент. «Фан» 1992.32-б.

[5] И. Ҳаққул. Ирфон ва идрок. Тошкент, «Маънавият» 1998. 49- 65- бетлар. Яна; И.Ҳаққул. Башарият шоири. Жалолиддин Румийнинг мангу маънавий мероси. (Мақолалар тўплами). Тошкент. 2007, 48-55-бетлар.

[6] Р. Жумаев. Мавлоно Жалолиддин Румий. Тошкент, «Янги аср авлоди» 2003. 36-бет

қаратади. Шунингдек, Навоий асарларида Мавлоно номи тилга олинган ўринларни кўрсатиб ўтади[1].

Шарқшунос олимлардан Қ.Аҳмаджон[2] ва И. Муҳаммаджон[3]лар ҳам Румий ҳақидаги мақолаларида Навоий ва Румий муносабатларига тўхталадилар.

Одатда, улуғ шоирлар ўртасидаги илмий-адабий алоқадорлик даражасини ва ҳар бирининг ўзига хос маҳоратини холислик билан кўрсатиб бериш осон кечмайди. Бу тадқиқотчидан айрича масъулият, билимдонлик ва ҳалолликни талаб қилади.

Маълумки, ижодда анъанавий тимсоллар, мавзулар ва тасвир усуллари шарқ мумтоз адабиётининг асосий хусусиятларидан ҳисобланади. Шарқнинг ҳамма машҳур шоирлари бевосита ёки билвосита бу анъаналарга мурожаат этадилар. Ижодкорнинг тарихий хизматларини, маданият ва адабиётга қўшган ҳиссасини баҳолашда бу анъанавийлик талабларини инобатга олиш шарт.

Назаримда, Румий ва Навоий ижодининг тарихий-қиёсий ўрганиш жараёни қуйидаги жиҳатларга аҳамият беришни тақозо этади, аввало:

1. Қуръон ва ҳадисдан истифода этиш

Маълумки, Шарқ шоирлари учун Қуръон ва ҳадис муқаддас манба, илҳом берувчи омил бўлиб хизмат қилган. Румий ҳам, Навоий ҳам асарларида «бандаи Қуръон» эканини, Қуръонга зид ҳар қандай сўздан безорлигини айтишади. Қуръон ва ҳадисдан олинган иқтибослар ёки уларнинг мазмуни ҳар бир шоир томонидан айтилаётган фикр ва ғоянинг ҳужжати, тасдиғи сифатида келтирилади. И.Ҳаққул эътироф этганидек: «Мавлоно Румий дунёқарашининг теран шаклланиши ва ижодида умуминсоний ғояларни алоҳида бир маҳорат билан ифодалашда, ҳеч шубҳасиз, Қуръони каримнинг таъсири беқиёсдир»[4].

Эрон олими Қодир Фозилийнинг аниқлашича, Жалолиддин Румий «Куллиёти Шамси Табризий»да 55 та оят, 53 та ҳадис қўллаган экан[5]. «Маснавий»да ва ёки Навоийнинг «Хазойин ул-маъоний», «Хамса», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Маҳбуб ул-қулуб» каби асарларида ҳам юзлаб оят ва ҳадислар ёки уларнинг маънолари келтирилган. Фақат ҳар бир шоирнинг Қуръон ва ҳадисдан истифода этиш маҳорати ва даражаси турлича. Мана шу «турлича» муносабат ва мурожаат чегарасини аниқлаш ва кўрсатиб бериш ҳар бир шоирнинг поэтик маҳоратини очиб беришга хизмат қиладиган омиллардан саналади. Бу борада қилинган ишнинг натижаси ўлароқ:

1. Шоирнинг муқаддас манбалардан истифода этиш маҳорати ва санъаткорлик даражаси намоён бўлади, мисралар қатидаги яширин маъно ва ҳақиқатлар юзага чиқади.

2. Ҳар бир шоирнинг нафақат истеъдоди, балки билим доираси, эътиқоди ва дунёқараши маълум бўлади.

3. Муштарак бир мавзуни ёритишда бир шоир, иккинчи бир шоир келтирган оят ва ҳадисга ё унинг маъносига мурожаат этса, демак, ижодкорлар ўртасида адабий алоқа ва тақлид анъанаси қарор топган бўлади. Бу эса ўз навбатида тадқиқотчи учун тўғри илмий хулоса чиқариш ва холис баҳо беришга яқиндан ёрдам беради.

---

[1] С. Ғаниева. Мазкур мақолалар тўплами. 32-35-б.

[2] Қ. Аҳмаджонов. Мазкур мақолалари тўплами, 9-12 б.

[3] И. Муҳаммаджонов. Мазкур мақолалар тўплами, 15-22 б.

[4] И.Ҳаққул. Башарият шоири. Мазкур мақола,49-б.

[5] Қодир Фозилий. Оёт ва аҳодис дар куллиёти Шамси Табризий. Теҳрон, «Фазилати илм» 1379 ҳ.ш.

2. Ҳикоят, нақл ва ривоятларни қиёсий ўрганиш.

Румийнинг «Маснавий»сида юзлаб тамсилий ҳикоятлар келтирилган бўлса, Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асаридан йигирмадан ортиқ, «Лисон ут-тайр» асаридан олтмишдан ортиқ тамсилий ва ҳаётий ҳикоятлар ўрин олган. Мавлоно Жалолиддин ҳикоятларидаги таббарук сиймолар, турли қаҳрамонлар, паррандаю дарранда тимсоллари у ёки бу шаклда Навоий асарларида ҳам учрайди. Ҳикоятлар тарихан, мазмунан ва шаклан қиёсий ўрганилганда қуйидагилар кўзга ташланади:

1. Сюжет ва образлари ўхшаш бўлган тамсилий ҳикоят ё ривоятларга шоирларнинг қай тарзда ва қай йўсинда муносабат билдирганлари.

2. Бир қатор ҳикоятлар Саноий ва Аттор достонлари билан текширилганда, ҳикоятларнинг асл манбалари ҳамда Румий ва Навоий томонидан ҳар бир ҳикоятга киритилган янгилик, қўшилган ҳисса аниқланади. Бундай таҳлиллар айни пайтда шоирларнинг мушоҳадаси ва дунёқарашини белгилашда қўл келади.

3. Ҳикоятларни қиёслаш жараёнида шоирларнинг мажоз, рамз ва тасаввуфий ҳақиқатларга бўлган муносабати қайси қонуниятлар асосида амалга ошганлиги аниқланади.

4. Ижодкорлар талқинида пайғамбарлар ва авлиёлар комил инсонлардир. Шоирлар ҳикоятларида уларнинг қайси фазилатларидан истифода этганликлари ва комил инсон хусусиятларини очиб беришда қандай ахлоқий-маънавий асосларга таянганликлари маълум бўлади.

3. Форс тилидаги асарларни муқояса қилиш.

Маълумки, Навоий «Фоний» тахаллуси билан форс тилида ҳам самарали ижод қилган. Бир қатор ғазаллар, қасидалар, марсиялар, қитъалар, чистон ва муаммолар ёзган. Навоийнинг форс тили ва адабиётини пухта ўзлаштиргани ва атоқли форс шоирлари билан ижодий мусобақага киришгани инобатга олинса, ўз-ўзидан Румий таъсирини четлаб ўтиб бўлмайди.

Навоийнинг «Ситтаи зарурия», яъни олти қасидаси: «Руҳ ул-қудс», «Айн ул-ҳаёт», «Туҳфат ул-афкор», «Қут ул-қулуб», «Минҳож ун-нажот» ва «Насим ул-хулд» деб аталади. Бу қасидалар Анварий, Хоқоний, Хисрав Деҳлавий, Жомий қасидаларига жавоб тарзида ёзилган. «Маснавий»да келтирилган дин ва эътиқод, сўфиёна руҳ ва ирфоний майллар, фалсафа ва ҳикмат, ахлоқ ва маърифий масалалар «Ситтаи зарурия»даги қасидаларнинг ҳам мазмун ва моҳиятини ташкил этади. Масалан, муршиди комилнинг орифона сифатлари ва нафс тарбияси ҳақидаги фикрлар муқояса қилинганда, ўнлаб ўхшаш сатрларга дуч келамиз. Шунинг учун ҳам Навоийнинг форсий меросини «Маснавий» билан қиёсий ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

4. Халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш

Навоий «Мажолис ун-нафоис»да содда, «туркона», теран маъноли шеър ёзган санъаткорларга ҳусни рағбат кўрсатади. Уларнинг «саҳли мумтаниъ» санъати билан ёзилган байтларини намуна қилиб келтиради. «Мезон ул-авзон» ва «Муҳокамат ул-луғатайн» асарларида турк халқ қўшиқларида халқ оғзаки ижоди ва удумлари акс этгани, уларнинг махсус шеърий вазнлари ҳам борлиги айтилади. Румий ижодидаги соддалик ва халқоналик ҳам асарларининг халқ оғзаки ижоди билан чамбарчас боғлиқлигига далилдир. «Халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш, ҳадис ва оятлар мазмунини шеърга солиш, ибратли ҳикоятларга ўралган фалсафий фикрлар асарнинг («Маснавий»нинг) моҳиятини ташкил

этади»[1], дейди адабиёшунос А.Адҳамбек. Назаримизда, иккала шоирнинг бу борадаги изланиш ва маҳоратлари алоҳида тадқиқотларни талаб қилади.

5. Мажоз ва ҳақиқатга муносабат.

Навоий фақат шоир эмас, балки аруз илмининг билимдони, нозик шеършунос олим ҳамдир. У «Маҳбуб ул-қулуб» асарида шоирлар зикрини келтиради, уларни «мажоз» ва «ҳақиқат»га бўлган муносабатлари ҳамда ифода усуллари асосида уч гуруҳга ажратади[2]. Аввалги тоифа вакиллари сифатида мақсади «асрори илоҳий адоси ва маърифати номутаноҳий имлоси» бўлган Фаридиддин Аттор ва «қойили «Маснавийи маънавий», «ғаввоси баҳри яқин» Мавлоно Жалолиддин Румий номини тилга олади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Навоийнинг ўзи «ҳақиқат асрорига мажоз тариқини маҳсул қилган» шоирлар сирасига киради. Демак, икки шоирда икки хил услуб ифодаси, баён тарзи кўрилмоқда. Уларнинг услубини аниқлаш ва баҳолашда бу жиҳатни инобатга олиш лозим бўлади.

6. Маърифий, сиёсий ва ижтимоий фикрлар.

Навоий ўз даврининг шоири ва давлат арбоби сифатида она тилига, илму маърифатга, сиёсий-ижтимоий воқеаларга, дин ва эътиқод масалаларига ҳамда жамиятдаги турли табақа вакилларига ўз муносабатини билдирган.

Ҳаётни ҳакимона кузатган шоирнинг фикрлари бугунги кунда ҳам диншунослар, тилчилар, тарихчилар, адабиётчилар, файласуф ва бошқа соҳа олимлари учун ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Мавлоно Румий ижодининг барҳаётлиги ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Унинг «Девони кабир»и Навоийнинг «Хазойин ул-маъоний» асари билан, «Фийҳи мо фийҳи» ва «Мажолиси сабъа»си Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари билан, «Мактубот» асари Навоийнинг «Муншаот» асари билан қиёсланганда уларнинг башарият истиқболи учун муштарак, ҳаммаслак ва ҳамфикр эканликларига гувоҳ бўламиз.

Бу икки беназир шоир ва буюк мутафаккир яшаган даврларни бир неча аср ажратиб турибди. Шу боис уларнинг ижодий мероси, услуби орасида ўхшаш ва ўхшаш бўлмаган қирралар бўлиши табиий. Биз уларнинг маънавий меросини тарихий, қиёсий жиҳатдан ўргансак, улар ижолининг янги қирраларини кашф этсак, фойдадан холи эмас. Зеро, инсоният ҳамиша Жалолиддин Румий ва Алишер Навоий каби улуғ сиймоларнинг асарларига эҳтиёжманддир. Уларнинг маънавий мероси башариятни ҳурликка, иймон ва эътиқодга, чин инсонликка, комилликка ундайди. Маънавий-маърифий ҳиссимизни тарбиялайди.

Бу икки буюк шоирнинг ҳаёти ва ижоди бугунги кунимизда ҳам кун тартибидан тушмаган ижтимий-сиёсий, маданий-маърифий ва ижодий ҳаётимизда мезон бўлиб хизмат қилади.

НАВОИЙ ВА БОТИН ИЛМИ

Маълумки, Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларда илм ҳақида келган кўплаб оят ва ҳадислар ислом оламидаги шоир ва адибларни доимо илм эгаллаб, уни тарғиб қилишга ундаган.

“Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир”, – деган муборак ҳадисдан ҳам маълум бўладики, дунёда турли мансаб ва мартаба соҳиблари бор бўлса-да, фақат олимларнинг пайғамбарларга ворис бўлишлари бежиз эмас, албатта.

[1] Алимбеков Адҳамбек. Ўзликни англаш моҳияти. Мазкур мақолалар тўплами.65-б.

[2] Алишер Навоий. «Маҳбубул қулуб». Мазкур асар, 25-бет.

Ватандошимиз Ҳаким ат-Термизий (820-932) “Китоб ал-ҳуқуқ” “Зиммадаги ҳақлар”) асарида “Аллоҳ таоло, энг аввало, илмни яратган. Илмдан эса донишмандлик (ҳикмат)ни вужудга келтирган. Донишмандликдан бўлса, адолат (адл)ни ва ҳаққ (ҳақиқат)ни пайдо қилган”, деб таъкидлайди. У кишининг “Китоб баён ал-илм”, “Илм ал-авлиё”, “Ал-илм”, “Китоб ал-ҳуқуқ” ва ҳатто “Китоб ал-ҳикма илм ал-ботин” каби асарлари борки, уларда мавзуимизга дахлдор бўлган илмнинг зоҳирий ва ботиний тарафларига ҳам эътибор қаратганини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Алишер Навоий ҳам илоҳий даъватларга амал қилган ҳолда ҳаёти ва асарларида илмнинг хусусиятларини ва илм аҳлининг фазилатларини ҳар томонлама мукаммал тарзда кўрсатиб, ёритиб берди.

Тарихчи Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” асарида Навоийнинг болаликдан умрининг охиригача “вақтининг кўп қисмини илм эгаллаш ва камолотга эришиш ишига сарфлагани”, “ёшлик йиллари ва йигитлик даврида” ўз давридаги “машҳур китобларни мутолаа қилишга машғул бўлгани” доимо сафарда бўлсин ё шаҳарда Мавлоно Фасиҳиддин Муҳаммад Низомийнинг “илмидан фойдаланиш учун хизматда тургани” ҳақида ёзади[1].

Навоий “Вақфия” асарида толиби илмларга ва мударрисларга маош тайин қилгани, қорилар учун “Дор ул-ҳуффоз” гунбази, илм ўқитиш учун “Ихлосия” мадрасаси ва сўфийлар учун “Халосия” каби ўнлаб “бинойи хайр” (Бобур)лар қурганидан хабар беради. Хондамир каби тарихчиларнинг гувоҳ беришича, Навоий замондош олимларидан Жамолиддин Атоуллоҳни, Мир Камолиддин Ҳусайнни, Мавлоно Муъиниддин Воизни, Ҳусайн Воиз Кошифий каби замондош олимларни доимо моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб турган.

Улуғ шоиримизнинг асарларига разм ташласак, илм ҳақида ўнлаб ҳикматли байтлар, танбиҳлар ва насиҳатларга дуч келамиз. Хамса достонларидаги Фарҳод, Искандар каби бош қаҳрамонларнинг комиллик йўлидаги дастлабки қадамлари ҳам илм эгаллашдан бошланган.

Навоий асарларидаги илм соҳаларини шартли равишда бир неча гуруҳга бўлиб, ўрганиш мумкин:

1. Дунёвий-ҳаётий илмлар: Риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), илми ҳайъат, мусиқа, илми нужум (астрономия), ҳикмат, фалакиёт, тарих, луғат, тиб, адабиётшунослик ва ҳок.

2. Шариат – дин илмлари:

Фиққ, ҳадис, тафсир соҳалари. Бу борада Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида айтади:

Бу дин илмики хомам қилди таҳрир,
Эрур фиққу ҳадису сўнгра тафсир.

3. Ладуний илм. “Ғиёс ул-луғот”да ёзилишича, ладуний илм кишининг устозсиз, меҳнат-машаққат чекмасдан Аллоҳ тарафидан бериладиган илмдир. Уларга ваҳий, илҳом ва фаросат киради. Ваҳий пайғамбарларга, илҳом авлиёларга, фаросат эса барча инсонларга берилади[2]. Абу Наср Форобий “Илмларнинг таснифи” асарида ладуний бўлган ваҳий ҳақида айтадики, Аллоҳ таоло керакли хабарларни ўз пайғамбарларига ваҳий орқали етказиши зарурий. Агар ваҳий орқали етказилган маълумотларга инсонларнинг ақли етганда

[1] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Тошкент. 2015. – Б. 28-32.

[2] Ғиёс ул-луғот. 3 жилдли. 2- ж. Душанбе. 1988. – Б. 209.

эди, у ҳолда инсонлар ўз ақлига ишонар ва на пайғамбарларга ва на ваҳийга эҳтиёжлари бўлмасди. Ҳолбуки, бошқа инсонларга (ғайбни билиш) қобилияти берилмаган. Шу сабабли динлар билдирган нарсаларга инсонларнинг ақли етмаслиги табиий[1]. Тасаввуф луғатларида таъкидланшича, илҳом – илоҳий файз йўли билан қалбда пайдо бўладиган маъно ёки ҳақиқатлардир. Кашф эса ҳис ва ақл йўли билан идрок этиш мумкин бўлмаган ҳақиқатларни қалб кўзи ила кўриш; парда ортидаги ғайбий хусусиятлар ва ҳақиқий нарсаларни кўриб, уларни ҳис қилиб, улар сиридан воқиф бўлмоқлик. Шунинг учун ҳам валиларни аҳли ботин ёки кашф соҳиблари дейдилар. Бу борада: кашфи назарий, кашфи нурий, кашфи илоҳий, кашфи руҳоний, кашфи маънавий, кашфи мужаррад, кашфи мухайял, кашфи хавотир, кашфи замойир, кашфи аҳволи қубур ва кашфи аҳволи қулуб каби тушунчалар мавжуд. Шунингдек, ботиний ҳол деганда соликнинг хоҳиш-иродасисиз Аллоҳдан қалбга етган маънолар, файзлар англашилади. Илми қол – шариат, илми ҳол – тариқат. Тасаввуфда соликнинг ҳоли муҳим аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам баъзан бу таълимот илми ҳол деб юритилади. Аллоҳнинг розилигини топган тақводор инсонлар «ҳол соҳиби»дирлар. Шунинг учун ҳол соҳиби валий маъносида ҳам қўлланади.

Таниқли саҳобалардан Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳунинг машҳур гапи бор: **“Мен Расулуллоҳдан икки қоп тўла илм олдим. Булардан бирини сизларга айтиб бердим. Агар бошқа бирини ҳам сизларга айтиб берганимда эди, бўйнимни узиб ташлар эдингиз.”** Шу сўзлардан ҳам маълум бўладики, айтилмайдиган ва сир сақланадиган илм мавжуд ва у ботиний илмлардан ҳамда хос сирлардан саналади...

Навоий мадрасаларда ўқитиладиган илмни “қол” – зоҳирий илмга, тариқат илмини эса “ҳол”, яъни ботиний илмга ажратган. Чунки шоир “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида баъзи шайхлар ҳақида хабар берганда, “Зоҳир улуми ва ботин улумиға жомеъдур”, “Усул ва улуми зоҳирда олим эрмиш”, “Улуми зоҳирий ва ботиний била олим эрди”, “илми зоҳир улумида ҳам кутуби бор” каби жумлаларни келтириб ўтади. Аслида, бу илмлар бир-бир билан боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилган. Шунинг учун ҳам тасаввуфий манбаларда шариат – дори, тариқат уни истеъмол этмак, ҳақиқат эса касалликнинг даф бўлиши, шариат – тери, тариқат гўшт, ҳақиқат – суяк, маърифат эса – иликдир. Шариат – қадаҳ, ҳақиқат – унинг ичидаги бода. Агар қадаҳни синдирсанг, бодадан қуруқ қоласан каби турли таърифлар берилган[2].

Мутасаввуфлар асарларида Қуръон ва ҳадисларнинг зоҳирий маъноси бўлиш билан бирга ботиний маънолари ҳам борлигини алоҳида таъкидлашган. Шунингдек, уларнинг асарларида зоҳирий олам ва ботиний олам, зоҳирий илм ва ботиний илм, зоҳирий уламо ва ботиний уламо, зоҳирий иқомат ва ботиний иқомат, зоҳирий таҳорат ва ботиний таҳорат ва зоҳирий неъматлар ва ботиний неъматлар каби ибораларга тез-тез дуч келамиз. Шулардан ҳам маълум бўладики, ҳар бир нарсанинг ички ва ташқи томони бор ва улар айри-айри қонунлар ва хислатларга эга.

Тасаввуф луғатларида келтирилишича, ботин илмини бузилишдан сақлаган зоҳир илми қишр (пўст, қобиқ) шу илм асраган ботин илми эса луб (ич, мағз, моҳият)дир. Зоҳир ва ботин алоҳида иккита нарса эмас, бир нарсанинг биттаси ташқи томони (қобиғи), иккинчиси ички томони (асосий ўзаги) дир. Шариат, тариқат, тарқиқат муносибатлари ҳам шундай. Шариат тариқатнинг ташқи томони, тариқат эса унинг ичидир. Тариқат эса ҳақиқатнинг

[1] Абу Наср Форобий. Илмлар таснифи.(Ихсо ал-улум). Тошкент. 2016. –Б.60

[2] Сайфиддин Сайфуллоҳ. Хожагон-нақшбандия (асослар ва рашҳалар). Тошкент. 2020. – Б. 184-185.

ташқи томони, ҳақиқат эса унинг ичидир. Шунинг учун ҳақиқатга (лубб ул-луб “ичнинг ичи, мағзнинг мағзи”,) дейилади.

Зоҳирий илмлар ботиний илмларнинг асоси бўлгани учун мадраса илми, шариат талаблари ҳақиқий сўфийлар наздида ҳамиша бирламчи ҳисобланган. Унга амал қилган, тасаввуф йўлида ҳиммат ва ғайрат кўрсатган истеъдодларгина ботиний илмларга, кашфу каромотларга эга бўлишган. Баъзи сўфийларнинг бу йўлдаги илм ва тушунчалари авомунносдан ҳатто мадраса мударрисларининг онг ва шууридан игарилаб кетган. Навоийнинг ривоят қилишича, Шайх Зуннуни Мисрий (ваф.860) шундай деган экан: **“уч сафар қилдим ва уч илм келтирдим. (яъни уч хил илм ҳосил қилдим). Аввалги сафарда шундай бир илм келтирдимки, хос кишилар ҳам, авом кишилар ҳам қабул қилди. Иккинчи сафарда шундай бир илм келтирдимки, хос кишилар қабул қилди ва авомлар қабул қилмади. Ва учинчи сафарда шундай бир илм келтирдимки, хос кишилар ҳам, авомлар ҳам қабул қилмади. Натижада “қочоқ, қувғин ва ёлғиз бўлиб қолдим”.** Шайх ул-ислом (яъни Шайх Абулла Ансорий) уч илмни шундай шарҳлайди: **“Аввалги тавба илми эрди, уни хослар ҳам, авомлар ҳам қабул қилдилар. Иккинчиси, таваккул ва муомалот ва муҳаббат илми эдиким, хослар қабул қилдилар ва авомлар қабул қилмадилар. Учунчиси, ҳақиқат илмидурким, элнинг илму ақли тоқатидин ташқари эрди. Халойиқ уларни англамадилар ва Зуннуни Мисрийни инкор қилишга киришдилар”[1].**

Зоҳирий илмлар ёки айрим ҳолатлар ботинга таъсир қилгани каби ботиндаги амаллар ҳам зоҳирга таъсир ўтказган. Шайх Ҳорис бин Асад Муҳосибий (ваф. 857) айтганидек: “Кимки муроқаба ва ихлос билан ботинини тузатса, Аллоҳу таоло мужоҳада ва суннатга тобеъ қилиш билан унинг зоҳирини гўзал қилади”.

Баҳоваддин Нақшбанд ҳазратларининг энг улуғ халифаларидан бири Хожа Муҳаммад Порсо “Рисолаи қудсия” асарида шундай дейди: **“Солик балоғатга етганида унинг дили ва тили орасида фарқ қолмайди. Яъни унинг амаллари ботиний амалларига монелик қилмайди, ботиний амаллари зоҳирий амалларини тўсмайди. Унга халқни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло йўлига даъват қилишга ижозат берилади[2].**

Маълумки, ботиний илмни ривожлантириш натижасида ботиний қувват ва ҳолга эришилган. Шунинг учун сўфийлар **ботиний илм** деганда муршид тарафидан муридга бериладиган махсус вазифалар ва зикрларни тушунишган бўлса, **ботиний ҳол** деганда шу зикрлардан ва вазифалардан ҳосил бўлган нурлар, кашфлар ва ғайбий сирларни англашган. Зоҳирий ва ботиний илмларнинг уйғунлиги, мужассамлиги натижасида сўфийларга Тангридан каромот берилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат” муқаддимасида ёзишича, бу каромот турли кўринишда бўлиши мумкин: яширин нарсадан огоҳ бўлиш, узоқ масофани бир пасда босиб ўтиш, бир вақтни ўзида бир неча жойда пайдо бўлиш, сув устида юриш, ўтда ёнмаслик, ҳавода учиш, дуонинг ижобат бўлиши ва ҳок.

Одатда комил инсонлар, авлиёлар ҳақида сўз борганда зоҳирий ва ботиний фазилатларга эгалиги айтилади. Навоий асарларида сўфий, ориф, ошиқ, дарвеш ва эран каби зоҳирий ва ботиний илмларга эга бўлган кишилар ҳақида гапирганда баъзан уларнинг хос фазилатларига ҳам эътиборни қаратади: Масалан, “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг “Дарвешлар зикри”даги бобда “дарвеш”, “эран”ларнинг айрим хос хусусиятларини кўрсатиб ўтади. Яъни улар ризо ва фақр мақомларини эгаллаган, қалби соф, тақдирга рози, қаттиқ риёзатлар че-

[1] Алишер Навоий. ТАТ. 10-жилдлик. 10-ж. Тошкент. 2011. –Б. 104-105.

[2] Хожа Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. Тошкент. 2020. –Б.88.

киб, “сидқу фано тариқини тузган”, ҳиммати юксаклигидан “Вужуди Мутлақдин ўзга барча” нарсани унутган. Унинг ичи ташқарисига мавофиқ бўлса, ботини зоҳири билан мутаносиб. Сурат аҳли (суратпарастлар, зоҳирпаорастлар) даъво қилувчилар бўлса, эранлар аксинча, ҳолларини яширадилар ва “зоҳирлари биносин бузуб”, “ботинлари асосини” тузатадилар. Одамларнинг ранжу маломатига чидайдиган, “емак-ичмакдин кечиб”, “Ҳақ ризосин истарда ғам еб” қон ичадилар. “Ризову таслим зовияси – мақомлари, фано бодиясида оромлари. Адабу тавозеъ аларға кеш, душман ва дўстиға некандеш. Бу сифат ва ойин била бўлғон эрур дарвеш”[1].

Баъзан ботинини тузатолмаганлар халқни ўзига жалб қилиш учун зоҳирига оро беришга, ўзини кўз-кўз қилишга ўтади. Кимдир бу сохта кўринишга алданса, кимдир алданмайди. Шунинг учун ҳам Абу Абдуллоҳ Динаварий (қаддасаллоҳу сирраҳу) айтган экан: “**Уларнинг зоҳирий либослари сени таажжубга солмасин. Чунки ботинни хароб қилганларидан сўнг зоҳирни зийнатлайдилар”.**

Навоий “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида Шайх Али бин Абдулҳамид Ғазоирийнинг, Ҳирот пири – Абдулла Ансорий отасининг абдоллардан бўлганини қайд қилиб ўтади. Абдоллик ҳам қутб, автод каби ўзига хос валийлик мақомидир. Ҳар бир авлиёда бўлгани каби уларнинг ҳам зоҳирий ва ботиний хислатлари бўлар экан: **Абдолларнинг тўрт зоҳирий хислатлари:**

1. Кам гапириб, кўп фикрлайдилар.
2. Эрта турадилар, кам ухлаб, кечанинг кўп қисмини риёзат билан ўтказадилар.
3. Оз ейдилар, очликка сабр қиладилар.
4. Узлат аҳлидирлар, халқдан йироқ, Ҳаққа яқиндирлар.

Айни пайтда бу тўрт хислатдан ҳар бирининг зоҳирий ва ботиний ҳоллари бўлар экан. **Уларнинг тўрт ботиний хислатлари эса булардир:**

1. Тажарруд аҳлидирлар, Ҳаққа тамоман боғлиқдирлар.
2. Тафрид аҳлидирлар, ваҳдат сиррига эришганлардир.
3. Жамъ аҳлдирлар, Ҳақни Ҳақда топганлар.
4. Тавҳид аҳлидирлар, тавҳид сиррига воқиф бўлганлардир.

Турган жойида жасад ва суратини қолдириб, сафарга чиқмоқ, бир вақтнинг ўзида турли жойларда кўринмоқ абдолларнинг хислатларидан. Буларнинг мақоми Иброҳим алайҳиссаломнинг қалби устидадир. Абдоллар ичидан бири бу етти кишига имомдир. Барчаси унга бўйсунадилар ва амрини бажарадилар. У имом етти кишининг қутби ҳисобланади. Абдолнинг қирқ етти киши эканлигини айтганлар ҳам бор. Бу қирқ етти кишилик валийлар жамоасига Ахёр дейилади. Абдол гуруҳида бўлгани каби ҳар бир валий гуруҳининг ўз ичида бир имоми бўлади. Айни пайтда у имом ўз гуруҳининг қутбидир[2].

Имом Суҳравардий тасаввуфий одоб ҳақида сўз борганда “Авориф ул-маориф” асарида ёзадики: **“Сўфийлар бири зоҳирий (шаръий), иккинчиси ботиний бўлган икки хил одобдан баҳс юритадилар. Зоҳирий (шаръий) одоб тасаввуфнинг асосидир. Ботиний одоб эса тафаккур ва кўнгилдаги кечинмалар билан боғлиқ”.**

---

[1] Алишер Навоий. ТАТ. 10-жилдли. 10-ж. Тошкент. 2011. –Б.

[2] Тасаввуф ва нақшбандийлик. (манбалар ва ҳикматлар) Тошкент. 2019. – Б. 140-141.(Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Сайфиддин Сайфуллоҳ)

Одатда, қалбда пайдо бўлиб, кўз билан кўрилмаган севги-нафрат, ихлос-риё, марҳамат ва касофат каби туйғуларга, хулқ-атвор, хатти-ҳаракатларга сўфийлар амали ботина, амали қулуб (ботиний амаллар, кўнгилнинг ишлари) номини берадилар. Аҳкоми ботинияга аҳкоми ҳақиқат ҳам дейилади. Тасаввуфнинг ғояси қалбдаги бу туйғуларни таҳлил этиб, ҳукмларини аниқлашдир. Шунинг учун тасаввуфни: "Ботиний амалларни ва уларнинг ҳукмларини тадқиқ этувчи бир илмдир" тарзида таърифлаш мумкин. Бу илмни биладиганларга уламои ботин, аҳли ботин ва қалб табиблари дейилади.

Қалб Ҳақнинг назаргоҳи. У сирлар, ҳолларнинг мазҳаридир. Навоий илоҳий файзнинг кўнгилдан жой олишини ва ботин аҳли қошида адабсизлик қилиб, ҳар хил гапларни айтмаслик кераклигини уқтиради. Чунки бундай адабсизлик файзга моне бўлади, улуғлар назаридан қолдиради.

Файзи қудсий тиласанг кўнглунгга бўлғай зоҳир,
Аҳли ботин қошида сўз дема асло густох.

Зоҳир ғизоси, озуқаси инсон табиатига гоҳ лаззатли, гоҳида бемаза бўлиб туюлади. Лекин ботиний руҳ ғизоси яъни кўнгилдаги манавий озуқа, кашф ва сирлар доимо фараҳлик беради. Улуғ шоиримиз айнан руҳий тарбияга интилиб яшашни, маънавий озуқага эга бўлишни тарғиб қилади:

Қути ботин истаким, зоҳир ғизоси бирла табъ
Бир замон гар топса лаззат, бир замон кўрмас лазиз.

Лекин Навоий бошқа бир ўринларда зоҳиру ботинни тозалаш, мутаносиб бир покликка эришишни тавсия қилади. Кўз ёш билан зоҳирдаги нопокликни, тавба билан ботиндаги кирларни (бадбинлик, хавотир, такаббурлик ва ҳок.)ларни ювишни таъкидлайди:

Арит сиришк била зоҳирингда бор эса чирк,
Юв тавба суйи била бўлса ботининг аро шўх.

Навоийга кўра, инсоннинг ташқи томони авомона, яъни содда, фақирона бўлиши, такаббурларга ўхшаш бўлмаслиги керак. Йўқса, унга хосларга муносиб бўлган ботин иши, яъни авлиёлар равиши, гўзал ҳоллар муяссар бўлмайди:

Авом зоҳиридек қилмағанға зоҳирини,
Муяссар ўлмади ботин иши нечукки хавос.

Бу борада Абдухолиқ Ғиждувоний ўғлига насиҳат қилганда: "Зоҳирингни ороста қилмагинки, ботининг хароб бўлади" деган бўлса[1], Шайх Худойдод Вали: "...агар кўз ёши совуқ бўлса, у бедард кишиларнинг йиғисидир. Дард аҳлининг йиғиси "Аз-зоҳиру унвон ул-ботин", яъни "Зоҳир ботиннинг белгисидир", ишорасига кўра, жоннинг ҳарорати ва куймоғидандир. Ва ошиқ доимо беихтиёр ва бетакаллуф, гирёну нолондир..."[2], деб таъкидлайди.

[1] Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Васиятнома. Тошкент. 2018. – Б.
[2] Улуғ авлиё. Шайх Худойдод Вали. Тошкент. 2017. –Б. 204.

Ботин, ич дунёси, қалбнинг жилоланиши сўфийлар наздида ҳамиша бирламчи бўлиб келган. Чунки у риёдан ва ўзни кўз-кўз қилишдан холи бўлган ҳолатдир. Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанддан тариқатининг асоси ҳақида сўрашганда: "Анжуманда хилват, зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидин Ҳақ субҳонаҳу таоло била", – деган машҳур жавобининг замирида ҳам ботиндаги сирнинг, ҳолнинг бирламчи экани, соликларни манманлик, ўзни кўз-кўз қилиш эмас, фақирлик, камтарлик асл мақсадга етказиши аён бўлади.

Жамият бор экан, инсон қарама-қарши воқеалар ва тушунчалар ичида яшайди. Тасаввуфда яхши-ёмон, оқ-қора, нур ва зулмат; ер ва осмон; дўзах ва жаннат; мўмин ва кофир; сохта ва ҳақиқат каби сўзларнинг бир-биридан айро фалсафий, мажозий ва ҳақиқий маъноларига дуч келамиз. Айнан шу жиҳат шеъриятда сўфиёна мазмунларни янада теранроқ ифодалашга қўл келган.

Навоий бир байтида ботинидаги, яъни юрагидаги дард ва аламларни аҳли зоҳир кўришини хоҳламайди. Чунки улар суратпараст, маънопараст эмас. Асл муддаони ҳис қилмаганларидан кейин фақат маломатга ярайдилар. Ботиний ҳолатларни илло аҳли ботин, хосларгина англайди. Шу боис Фарҳоду Мажнунлар олдида кўксининг ёрмасликларини, ундаги ишқнинг ҳарорати ва доғини пинҳон сақлашларини истайди:

Ёрмангиз Фарҳоду Мажнун оллида кўксумниким,
Ботинимнинг дарду доғин аҳли зоҳир кўрмасун.

Навоий зоҳир ва ботиндаги яхши ҳолатларни паришон ва барбод қиладиган нарсалардан ҳам огоҳлантирган. Унинг айтишича, бирини хавотир, (ҳар турли шубҳалар, васвасалар), иккинчисини ғаразлар (турли мақсад, тамаъ ва истаклар) йўқ қилади.

Ботину зоҳиринг аҳволини кўрким қилмиш
Зойиъ ул бирни хавотир, бу бирисин ағроз.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий асарларида зоҳир ва ботин илмлари ва улар билан боғлиқ ижобий ёки салбий ҳолатлар, қалбнинг ранг-баранг кечинмалари шеърий ва насрий асарларида мажоз ва ҳақиқат йўсинида ўз ифодасини топган. Улуғ шоиримиз назарда тутган маънолар моҳиятини идрок қилиш учун уларни тўғри англаш ва тушунишимиз лозим бўлади.

АВЛИЁЛАР

Авлиё ("валий"нинг кўплиги) – Ислом ақидасига кўра авлиё сўзи Худога яқин одам, Худонинг дўсти деганидир. Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" тазкирасида айтилишича, ҳазрат Пайғамбаримиздан кейин иршод ишлари, яъни халқни дину диёнат йўлига бошлаш, хулафои рошидин (чорёрлар), саҳобалар ва улардан кейин асосан авлиёлар зиммасига тушган.

Авлиё зотлар Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билган, унинг буйруқларини бажариб, гуноҳ ишлардан, дунё лаззати ва шаҳвоний ҳаваслардан ўзини сақловчи, илму маърифати, риёзати, тақвоси ва қайсидир эзгули иши туфайли Аллоҳга яқин бўлиб қолган,

дуолари мустажоб, хоксор ва суннатга қаттиқ амал қиладиган, тасаввуфдаги ҳол ва мақомларни эгаллаган кишилардир. Авлиёлар эътиборли кишилар бўлгани учун ҳам тасаввуфий рисолаларда **“Авлиёлар Худо эмас, Худодан жудо ҳам эмас”,** деган байт жуда машҳур. Авлиёлар асрлар давомида жамият ҳаётида катта эътиборга эга бўлдилар, подшолар ва оддий халқнинг алоҳида ҳурматини қозондилар. Уларнинг халқни дину диёнатга, ҳалоллик ва покликка, савобли ишлар ва эзгуликка бошлаганлари маноқиб ва тазкираларда қайд этилган. Шу боис халқ уларга тириклик пайтида ҳам вафотидан кейин ҳам ҳурмат-иззатда бўлишган.

Баъзи авлиёлар тўғридан тўғри авлиё, валий каби сифатлар билан тилга олинган. Низомиддин авлиё, Хожа Аҳрори валий каби. Авлиёларнинг “қутб”, “ғавс”, “нуқабо”, “нужабо”, “имомайн”, “абдол”, “автод”, “мажзуб” каби ўзига хос даражалари бор. Қуръони каримнинг “Юнус” сураси, 63- оятида авлиёлар ҳақида: **“Огоҳ бўлингизким, албатта, Аллоҳнинг дўстларига хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин ҳам бўлмайдилар”, –** дейилади. Имом Бухорий ва Имом Нававийлар келтирган бир ҳадиси қудсийда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг ривоятига кўра, **Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: Аллоҳу таоло айтдики: “Ҳар ким менинг валий бандаларимдан бирига душманлик қилса, муҳаққақ мен унга ҳарб (уруш) очгайман. Ҳеч бир бандам унга фарз қилинган нарсалардан бошқа севимли бир амал ва ибодат билан Менга яқинлаша олмагай. Бандам менга нафл ибодатлар билан ҳам яқинлашгай. Ниҳоят, уни севгайман (яхши кўргайман). Бас, уни севдимми, энди Мен у бандамнинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, шиддат-ла (маҳкам) тутадиган қўли ва юрадиган оёғи бўлгайман. Агар Мендан бирор нарса сўраса, ўшани бергайман. Ва агар Мендан паноҳ тиласа, албатта, уни ҳимоя этгайман”.**

Авлиёлик пайғамбарлик даражасидан кейин туради. Авлиёлар ҳеч қачон пайғамбар даражасига етолмайди. Ҳанафий мазҳабида уларнинг қабрларини зиёрат қилиш ибратли ва савобли ишлардан ҳисобланади. Тасаввуфий асарларда ва тазкираларда авлиёларнинг ҳаёт ва фаолиятларидан, кашфу каромотларидан баҳс юритилган.

Навоий “Лисон ут-тайр” достонида Фаридиддин Атторни фақат сермаҳсул адиб эмас, балки авлиё эканини ҳам эслатиб ўтади:

Муршиди атвору қутби авлиё,
Кўнглида шамъи ҳидоятдин зиё.

Кашфи асрори ҳақойиқда фарид,
Нутқидин аҳли ҳақиқат мустафид.

Аҳли ирфон солики атвори ул,
Маърифат бозорининг Аттори ул...

Навоийнинг авлиёлар зикрига бағишланган махсус асари “Насойим ул-муҳаббат”дир. Унда 770 та шайх ва авлиёлар ҳақида маълумот берган. Асарининг сўзбошисида авлиёлар аҳамият берадиган жиҳатларга тўхталиб, **бу ишнинг (тариқат йўлининг) боши тавба, шариат риояти, аввали шаҳодат калимаси, салоти хамса, закот, рўза, ҳаж, тариқат одоби, ризо, сабр, сидқ ва азим риёзатлар эканини таъкидлайди.** Шунингдек, Навоий

авлиёларга хос бўлган: яширин нарсадан огоҳ бўлиш, узоқ масофани бир пасда босиб ўтиш, бир вақтни ўзида бир неча жойда пайдо бўлиш, сув устида юриш, ўтда ёнмаслик, ҳавода учиш, дуонинг ижобат бўлиши каби бир қатор каромотлар зоҳир бўлишини эслатиб ўтади. Авлиёлар дунё тургунча бор бўладилар ва ўз вазифаларини бажарадилар.

МАЖОЗ

Мажоз (ар.) – йўл, ўтиш жойи, ҳақиқатнинг зидди. Ўзининг асл маъносида ишлатилмай, бирор муносабат ва ўхшатиш орқали бошқа маънода ишлатилган сўз. Метафора, аллегория. Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида "Лисон ут-тайр" достонини мажозий йўл ва услуб билан ёзганини шундай қайд этади: "Қуш тили ишорати била ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузубмен". Ҳазрат Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида шоирларни уч гуруҳга бўлиб, бир жамоаси ҳақида: "Ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилибдурлар ва каломларин бу услубда марбут этибдурлар", – дейди. Яна бошқа бир жамоа шоирларнинг: "мажоз тариқи адоси алар назмиға ғолиб ва алар бу шевага кўпрак роғиб" эканликларига диққатни қаратади. Навоий устози Жомий ҳақида эса: "ҳақиқат ва мажоз тарийқида комил ва илми икаласи тариқида вофий ва шомил" эканлгини айтиб ўтади.

Навоий "мажоз" сўзини ишққа нисбатан ҳам қўллайди. У инсонга ва яратилган нарсаларга қаратилган ишқни "мажозий", Аллоҳ қаратилган муҳаббатни эса, "ҳақиқий" ишқ деб атайди. **"Ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқат"** – "мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир" жумласига мувофиқ мажозий йўлни босиб ўтмасдан "ҳақиқий" ишқ йўлида мақсадга эришолмасликни уқтириб ўтади:

Гар Навоий йиғласа, ишқинг мажозийдур дема
Ким, назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз.

Навоий даврида ҳам мажозий баён услубини танқид қилган айрим кишилар бўлган. Лекин машҳур шоирларда бўлгани каби улуғ шоир ижодида ҳам қалб ҳолатларини образли ва таъсирли ифодалаш, хусусан, ишқ билан боғлиқ туйғуларни ранг-баранг баён этиш учун мажозий, метафорик услуб кенг истифода этилган. Бу борада шоирнинг ўзи ҳам эътироф этадики:

Мажоздин манга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ,
Нединки, аҳли ҳақиқатқа бу тариқат эрур.

Мажоздин чу ҳақиқатқа йўл топар ошиқ,
Қилур мажозни нафй улки, беҳақиқат эрур.

Мажозий – ўткинчи, вақтинчалик маъносида ҳам қўлланади. Навоий: "Насойим ул-муҳаббат"да Шайх Халил Ота салтанати инқирозга юз тутганда: "...бу муддатдин сўнгра чун мажозий мамлакатиға завол бўлди", – дейди.

Навоийда мажозий тимсол ва атамалар жуда кўп. Улар алоҳида тадқиқотларни талаб қилади. Масалан, биргина зуннор сўзи турли маъноларда қўлланади.

ЗУННОР

Зуннор – мусулмон давлатларида яшовчи насронийлар мажбуран белга боғлаб юрадиган маълум бир рангдаги чилвир. **Зуннорнинг луғавий маъносидан ташқари, тасаввуфда: севгилига хизмат ва итоат этишга азму қарор қилмоқ; хизматига астойдил бел боғламоқ; ишқ йўлида садоқатли бўлмоқ; соликнинг дин йўлидаги ўзгармас эътиқоди; яқин (ишонч, эътиқод) йўлидаги пайравлик, собитлик; баъзи ўринларда дунёга кўнгил бермоқ ва "мен"лик даъвосини илгари сурмоқ маъноларида ҳам келади.**

Навоий "Насаойим ул-муҳаббат" асарида ҳикоя қилишича, ашуро кунларида тўла жамоатга Абдухолиқ Ғиждувоний маърифатдан гапириб турган бир пайти зоҳидлар суратида бир насроний йигит кириб келади. Эгнида хирқа елкасида жойнамоз бир чеккада ўтиради. Ҳазрат Хожа унга қараганларида, у Абдухолиқ Ғиждувонийдан: **"Мўминнинг фаросатидан қўрқинг, чунки у Аллоҳнинг нури билан боқади"** деган ҳадис мазмунининг сирри нима, деб сўрайди. У киши жавоб берадиларки: "...бу ҳадиснинг сирри будурки, хирқанг остидаги зуннорингни кесиб, иймон келтургайсен. Ул йигит филҳол зуннорин кести ва иймон келтурди". Ҳазрат Хожа атрофидаги кишиларга қарата: "Эй асҳобларим, келинглар, зоҳир зуннорини кесган бу йигит каби биз ҳам ужб (манманлик, шуҳратпарастлик, риёкорлик)дан иборат бўлган ботин зунноримизни кесиб, иймон келтирайлик. Бунинг гуноҳи кечирилганидек, бизнинг ҳам гуноҳимиз авф этилсин", дейди. Бу воқеадан кейин ажойиб бир ҳолат юзага келади. Одамлар Хожанинг оёғига бошини қўйиб, тавбалар қилишади[1].

Навоий шеърларида зуннор, асосан, тасаввуфий тимсол сифатида келади. Қуйидаги байт- ларда зуннор севгилига садоқат кўрсатмоқ, ишқ йўлида азму қарор қилмоқ, каби маъноларда қўлланган.

Дайр пири хидматиға, эй кўнгул, бел боғладинг,
Балким ушбу боғламоққа бор эди зуннор шарт.

Ул бут ғамидин кофири ишқ ўлғали кўнглум,
Жон ришталарин жамъ қилиб боғлади зуннор.

Зуннор билан боғлиқ байтларни таҳлил қилишда, унга ёндош тимсоллар ва уларнинг ўзаро ички, уйғун муносабатларини эътиборга олиш лозимдир.

МАКОРИМ

Макорим (ар. фазилатлар, иззату эҳтиром) . Макорими ахлоқ – гўзал, олижаноб хулқлар. Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларидан бирида: **"Мен гўзал хулқларни камолга етказиш, мукаммаллаштириш учун юборилдим",** – деб марҳамат қиладилар. Навоий Муҳаммад алайҳиссаломга бағишланган ғазалларининг барчасида у шарафли Зотнинг улуғ ва олий хулқларини мақтайди. Бир ўринда шундай ёзади:

[1] Алишер Навоий. ТАТ. 10-жилдли. 10-ж. Тошкент. 2011. –Б.301

Зиҳе азалда карам айлабон санга Халлоқ,
Карим хилқат ичинда макорими ахлоқ.

Ғиёсиддин Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” номли асари ҳам бор бўлиб, Навоийнинг ҳаёт ва ижодини, яшаш тарзини ва хислат ва фазилатларини ёритишга бағишланган.

НАВОИЙ ВА СЎЗ

“Сўз” атамаси ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида муқаддас китобларимизда, халқимизнинг ёзма ва оғзаки адабиёт намуналарида, миллий қомусларимизда турлича фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Навоий ҳам “сўз”ни кўп маъноларда ишлатади, тилнинг нуктадон билимдони сифатида у ҳақда муҳим фалсафий-илмий ва адабий-бадиий фикр ва хулосаларни илгари суради. У “сўз” атамаси орқали тилни ҳам, нутқни ҳам, ваъзу насиҳатни ҳам, фалсафий фикрлару бадиий адабиётни ҳам тушунаверади, кўп ҳолатда улар бир-биридан ажратиб кўрсатилмайди, ҳатто бадиий восита бўлган “сўз” билан умуман адабиёт, адабий асар ҳақидаги фикрлари ҳам аралашиб келади.(А. Ҳайитметов)

Навоий сўзнинг нафосатини, қадрини, нутқ одобини, мулоқот ўрнини, унинг барча баланд-пастини билишни инсонлардан талаб қилган ва жамиятга англатиш борасида ҳам амалий, ҳам назарий фикрларни илгари сурган. У “Фарҳод ва Ширин”дан ташқари “Хамса”» достонларида “Сўз” таърифига махсус боб бағишлайди. Шунингдек, достонларнинг Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомийга бағишланган бобларида, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Назм ул-жавоҳир” ва бошқа асарларида сўзнинг улуғворлиги, жозибаси ва таъсир кучи ҳақида фикрлар билдирган.

Навоий сўзни мазмун-моҳияти жиҳатидан, асосан иккига, бўлган:

ТАНГРИГА ХОС БЎЛГАН СЎЗ

Шоир “сўз”нинг илоҳийлиги ва қадимийлигидан баҳс юритиб, инсонни ҳайратга солувчи Қуръони Каримдаги балоғат ва фасоҳатли сўзларни, “Лавҳ ул-маҳфуз”даги тақдир битикларини, бутун коинотни яратиш учун Тангри томонидан “кун” (“бўл”) амри (сўзи)нинг содир бўлиши кабиларни мисол қилиб келтиради.

У бутун борлиқ Тангрининг “кун”, яъни “бўл!” амри билан яралгани ва “бас, аввалги садо” сўз бўлгани ва ҳар бир овознинг “ибтидоси” ҳам сўз эканини айтади. Унга кўра сўз коинотдан ҳам қадимийроқ ва яралиш аввало сўздан бошланган. Сўз илоҳий хитобдир.

Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,
Не жаҳонки, кавн ила макон сўнгра.

БАШАРИЯТГА ХОС БЎЛГАН СЎЗ

Навоий “Назм ул-жавоҳир”да инсон билан ҳайвон ўртасида сўз туфайли “тафовут” борлигини таъкидлаш билан бирга, “инсонларга ақллари даражасида сўзланг” ҳадисини да-

лил келтириб, сўзнинг аъло (энг олий), авсат (ўрта) ва адно (энг паст) “маротиб” (марта-ба, даража)лари борлигини кўрсатиб ўтади. Шоир таъбирича, энг улуғ ва балоғатли сўз “Малики қадим” (Аллоҳнинг) каломи бўлса, “ва мундин сўнгра” “нубувват тили”, “рисолат лисони”га соҳиб бўлган ҳазрат Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзи, кейин тўртинчи хали-фа бўлган ҳазрат Алининг назм ва насрга оид сўзлари, сўнгра “машойих ва авлиё”ларнинг сўзларидир. “Ва авсат (ўрта) сўз жамоати”га қадру даражаларига кўра фасоҳат ва балоғат билан сўзловчи шоиру фузалолар киради. “Ва адно (энг паст) сўз аҳлига “авом такаллуми” ва барча оми одамларнинг сўзлари киради.

Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да Қуръон ва ҳадис тили бўлган араб тилининг балоға-тини мақтайди. Барча тилларнинг “маншаи” (сарчашмаси), “асл ва муътабар” бўлган тур-кий, форсий ва ҳиндий тилларга тўхталади. **Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Ёфасдан турк тили, Сомдан форс тили ва Ҳомдан ҳинд тилининг тарқалгани, шунинг учун “таворих аҳли” Ёфасни “Абут-турк” Сомни “Абул-фурс” Ҳомни “Абул-ҳинд” деб атагани ҳамда учала ўғил қайси юртларга бориб, тилни ёйгани ҳақида маълумот бериб ўтади.**

Навоий “Ғаройиб ус-сиғар” дебочасида “албатта, шеърда ҳикмат ва баёнда сеҳр бор”, де-ган ҳадис шарофатидан “шуаро” даражаси ҳакимлар мартабасига, “баён рутбаси” сеҳр да-ражасига тенглаштирилганини айтади. Навоийга кўра сўз билан инсон иймон шарофати-га эга бўлади ва сўнгги нафасда ҳам сўз нажоткордир. Бу сўз тавҳид калимаси бўлиб, ким сўнгги нафасда айтса, абадий нажот топади. Сеҳрли сўз ва илоҳий калом икки кишига бири Муҳаммади арабий, иккинчиси Исо Масиҳга хосдир. Бири сўзда мўжиза кўрсатади ва нозик маънолари билан элни ожизу ҳайрон қолдирди. Иккинчиси, сўз билан ўликка жон ва танга руҳ киргизди.

Навоий сўзни таърифлаб, “жисм бўстонидаги дарахт”, “руҳ дарахтларидаги мева”дир, дейди. У “Лайли ва Мажнун”да ёзадики: “Сени дур дейдилар, Бу – маъқул гап эмас. Сен руҳ жавҳарисан, дур – қуруқ сувнинг ўзи-ку. Демак, сени дурга ўхшатиш худди дурни шудрингга ўхшатишдир”. Шоир ташбеҳларни кучайтириб, сўзни айтиб совимайдиган тарона (қўшиқ) қа, сарфлаш билан адо бўлмайдиган хазинага, нури камаймайдиган қуёшга, олаверган би-лан суви қуриб қолмайдиган денгизга ўхшатади. Шоир сўзни ўнлаб фавқулодда ташбеҳлар билан таърифласа-да, аммо сўз тартибсиз ва маъносиз бўлса, қадрсиз эканини ҳам таъки-длаб ўтган.

Танида руҳи бор одам сўзга муҳтож. Сўз барчанинг “кўнгиллар қутисидаги жавҳар” ва “оғиз қутисидаги гавҳар”дир. Яхши сўз ўлган одамнинг танига руҳ бағишласа, ёмони ва заҳарлиси тандаги руҳни ўлдиради:

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок.

Сўз туфайли Халил ўзини ўтга ташлаган. Жаброил ҳам сўз юкига ҳаммол бўлган. Инсон “ашрафул махлуқот” яъни яратиқларнинг энг улуғи сифатида сўзлаш қобилияти билан ҳайвондан фарқ қилади. Навоий “Назм ул-жавоҳир”да сўзнинг фазилати ва “юки” ҳақида айтадики:

Сўздурки нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки берур жонға хабар жонондин,

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳаре шарифроқ йўқ ондин.

Навоий сўз, нутқ ва тил ҳақидаги қарашларини “Маҳбуб ул-қулуб”да янада очиқроқ ва батафсилроқ баён этади: “Чин сўз – мўътабар, яхши сўз – мухтасар. Кўп дегувчи – мумилл (малол келтирувчи) мукаррар дегувчи – лояъқил (ақлсиз). Бошқа бир ўринда “сўзни узотмоқ ҳожат эмас” ва сўзни чўзилиб кетишини аҳли маънилар “мустаҳсан (маъқул кўрилган) демас”, дейди. Чунки тандаги касалликларнинг моддаси (сабаби) “кўп емакдур” ва қалб касаллигининг моддаси “кўп демак”дир. “Кўп демак сўзга мағрурлуқ ва кўп емак нафсга маъмурлуқ”. Олдига келган нарсани емоқ “ҳайвон иши”, Оғзига келган нарсани айтмоқ “нодон иши”. Кўп сўзлаган кўп хато қилади ва нотўғри сўздан бошга бало келади.

Навоий назм ва наср услубида битилган сўзларнинг ўзига хос жиҳатларига тўхталган, айниқса, ишқ ҳарорати билан йўғрилган сўзга юқори баҳо берган. Шоир сўз ва сўзловчига нисбатан бир неча шартлар қўяди:

1. Инсон ҳар қанча сўзлаш ихтиёри бўлса ҳам билиб қўйсинки, сўзнинг яхшиси қисқа ва лўндасидир.

Ҳар кимсаки сўз демак шиорида дурур,
Маъни гули нутқининг баҳорида дурур,
Сўзким десун улки ихтиёрида дурур,
Сўз яхшилиғи чу ихтисорида дурур.

2. Сўзлаганда рост ва қисқа гапириш керак. “оқил чиндин ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демак оқил иши эмас”.

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бари чин ҳам дегулик эмас.
Киши чин сўз деса зебо дурур,
Неча мухтасар бўлса, авло дурур.

3. Инсонлар билан мулойим ва юмшоқ муомала қилишдир. “Назм ул-жавоҳир”да айтилишича, “Чучук сўз” туфайли инсонлар меҳр-оқибат кўрсатадилар, ҳатто душман ҳам дўстга айланиши мумкин. Аксинча, “қаттиқ сўз” қўрс ва қўпол муомала, “эл кўнглига озор” беради. Дўстлар душманга айланади. “Чучук тил” аччиғлиққа эврулса барчага зарар етади. Чунки ҳалол бўлган қандни “мускир (маст қилувчи) бода”га айлантирсалар “ҳаром” бўлади.

Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёрдурур, ёр айлар,
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгулларни гирифтор айлар.

4. Инсонларга яхшилик қилишнинг уддасидан чиқмаса, уларга яхши сўз, яхши муомала қилиш, омонат сўзни ошкор қилмаслик керак.

Зарурат бўлмаганда ёлғон гапирмаслик керак. Навоий наздида сўзларнинг энг ёмони ёлғон сўздир. Ёлғончи Тангрининг олдида ҳам халқнинг олдида ҳам энг ёмон бандадир. Сўз орқали дилдаги тилга чиқади, ундан инсон ҳолати, орзу-ҳаваси англашилиб туради:

Сўз зоҳир этар замир иши кўпрагидин,
Тил мухбир эрур кўнгул ниҳон эмгагидин.
Фаҳм айла киши ҳолини сўз демагидин –
Ким, берди хабар ҳадиси кўнглидагидин.

"Маҳбуб ул-қулуб"да ёзилишича, "тил ва кўнгул" инсоннинг икки улуғ аъзоларидан ҳисобланиб, "Кўнгул махзани" (хазинаси)нининг қулфи тил ва ул махзаннинг калити сўздир.

Навоий "Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз!" каби ҳикматли ўгитлари билан тил миллатнинг кўзгуси ва маънавий мулки экани, унинг ҳурматини жойига қўйиш кераклигини таъкидлаб ўтади. Ўз даврида котиблардан ҳам сўзга хиёнат қилмасликни талаб қилган:

Қайси бир котибки, ул сўзга қалам сургай хилоф,
Ул қаро юзлук боши бўлсун қалам янглиғ шикоф.

Шоир "Маҳбуб ул-қулуб"да лисоний бирликни ташкил этувчи "тил" ва "нутқ"қа аниқ ва лўнда таъриф беради. Тил шунча шарофати билан "нутқнинг олати" экани ва агар нутқ маъносиз ва "нописанд" бўлса, "тил"га "офат" келтиришини таъкидлайди.

Навоий сўз қадри ва аҳамиятини теран идрок қилган буюк санъаткор сифатида улардан баҳс этди. Амалда ўзи нодир ва бетакрор асарлари мисолида сўзнинг қудрати ва сеҳрини намоён қилди.

"МУТАКАББИР –МАЛЪУН..."

Эй Навоий, ўзни мақбул истасанг, туфроқ бўл –
Ким, эрур мардуд, улким бошида пиндори бор.

Байтдаги "мардуд" калимаси рад этилган, қувилган, "пиндор" сўзи эса фикр, хаёл, тасаввур, мажозий маънода кибрни англатади. Байтда туфроқ, мақбул, мардуд ва пиндор сўзлари воситасида талмиҳ ва тазод санъати қўлланган. Яъни улуғ бобомиз Одам а.с. ва Шайтон қиссасига ишора қилиб ёзмокдаки: "Эй Навоий, Ҳақ даргоҳида мақбул бўлмоқ истасанг, туфроқ каби хокисор бўл. Чунки кимнинг бошида кибру ғурури бўлса, у мардуд, яъни Шайтон каби Яратувчининг даргоҳидан қувилгандир".

Байтдан мақсад кибрни мазаммат қилиш ва одамларни хокисорликка ундашдир. Зеро, кибр инсон қалбидаги тузалиши қийин бўлган хасталикдир. Шунинг учун ҳам барча дин ва таълимотларда кеккайган кимсалар танқидга учраган.

Қуръони Каримнинг бир қатор оятларида мутакаббирлар лаънатланган ва жойлари жаҳаннам экани хабари берилган. Жумладан, "Зумар" сурасининг 60-оятида: "Ахир, жаҳаннам кибр қилувчиларнинг жойи эмасми? (Албатта, ўшаларнинг жойидир)", деб айтилса, шу

суранинг 72-оятида яна таъкидланади: “Малоикалар тарафидан айтиладики: “Ундай бўлса, жаҳаннамда ҳамиша (абадий) қолгувчи бўлган ҳолингизда унинг дарвозаларидан киринглар!”

Ҳадиси шарифларнинг бирида қалбида хандал уруғича кибри бор инсоннинг жаннатга кирмаслиги қатъий таъкидланган.

Ҳазрат Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида инсон хулқини “ҳамида афъол ва замима хисол”, яъни мақталган яхши феъллар ва мазаммат қилинган ёмон иллатларга ажратиб, уларни бирма-бир очиқлаб, таърифлайди. Кибр ҳақида эса бир ўринда: “мутакаббир – малъун”, дейди. Буларнинг акси бўлган тавозе ва хокисорликни тарғиб этади.

“Насойим ул-муҳаббат”да шайх Юсуф бин Ҳусайн Розийнинг бундай деганини эслатади: “Барча яхшиликлар уйнинг ичкарисида, унинг калити тавозедир. Барча ёмонликлар ҳам уйнинг ичкарисида. Унинг калити такаббурликдир”.

Одатда, инсонлар **илми, ҳусни, насаби, мансаби ва мол-дунёси** билан фахрланади, кибр қилади. Баъзилар сурбетларча ўзини бошқалардан устун тутади ва кези келганда уялмай ҳақдорлигини ҳам билдириб қўяди...

Имом Муҳаммад Ғаззолий аксар асарлари, жумладан, “Кимёи саодат”да кибрнинг даражалари, офатлари ва улардан қутулишнинг чоралари ҳақида батафсил маълумот берган. Унинг таъкидлашича, киши то ўз нафсини танимагунча, тупроқдан ва бир қатра нопок сувдан яратилгани ҳақида тафаккур қилмагунча ёки ҳуснига мағрур инсон қорни ва вужудидаги ахлат ва нажосатлар ҳақида мушоҳада юритмагунча, бу иллатдан халос бўлиши қийин.

Ғаззолий мазкур китобида шундай бир ривоят келтиради. Бани Исроил тоифасида бир обид бўлган экан. Тақвоси туфайли шу даражага етибдики, доимо бошига бир парча булут соя солиб юрар экан. Кунларнинг бирида бадахлоқ бир киши яхшилик соғиниб: “Мен ҳам обид каби яхши инсон бўлсам, унинг файзидан зора менга ҳам юқиб қолса”, – деган ниятда обиднинг ёнига бориб ўтирибди. Шунда обид: “Сен ким бўлдингки, менинг ёнимда ўтирасан. Сендан нокасроқ ким бору, мендин обидроқ ким бор?! Ёнимдан тез кет, сенинг касофатинг менга ҳам тегади”, – дебди. Шунда ҳалиги одам ўрнидан туриб кетаётса, булут ҳам у билан кетибди. Обид эса офтобда қолибди. Аллоҳ таоло ўша замон пайғамбарига: **“Обиднинг кибру манманлиги боис барча яхши амалларини бекор қилдим, фосиқнинг сидқу ихлоси туфайли барча ёмонликларини кечирдим”,** – деб ваҳий юборибди.

Навоий ғазаллари вақти-вақти билан инсонни хокисорликка ундаб, унга муҳаққақ ўлимни эслатиб туради. Зотан, ҳар бир киши асли туфроқ бўлгани ва яна туфроққа қайтиши муқаррар эканини ҳис қилиб яшаса, унинг қалби уйғоқ бўлади. Бундай инсон такаббурликдан сақланади. Пайғамбаримиз с.а.в. тупроқда ўтириб нон ер ва: **“Мен бандаман ва бандаларга ўхшаб таом ейман”** – дер эканлар. Аҳмад Яссавий ҳазратлари ҳикматларида “аслим туфроқ, наслим туфроқ, жисмим туфроқ” дея инсонларни мушоҳадага ундайди. Дарҳақиқат, тупроқда инсон моҳияти яширин. Аммо уни ҳар қандай ақл идрок эта олмайди. Инсон оёғи остидаги улкан ҳақиқат ҳақида фикр юритганда, гуноҳ ишларга қўл урмасди. Моҳиятан, тупроқ нафақат тирикликдаги Ватан, балки у вафот этгандан сўнг ҳам абадий Ватан бўлиб қолиши билан янада муқаддасдир... Усмон Нурий Тўпбош “Бир кўза сув” асарида: “Инсон зеҳнининг асосий моҳияти тупроқ нималигини билишидадир. Фикрлар ва кўнгиллар тупроқ остига парвона бўлмагунча, кимса бу қоронғилик ўлкасининг сирини еча олмайди”, деган фалсафий фикрни илгари суради.

Навоий таъбирича, кибр фақат жоҳилу нодон кишиларда эмас, илм ўқиб, билимига амал қилмаган кишиларда ҳам зоҳир бўлади. Улуғ шоир “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида Абулхайр Тайнотий деган шайхнинг бундай ҳикматли сўзларини келтиради: “Ҳар ким илмин зоҳир қилса, муроийдур (риёкор) ва ҳолин зоҳир қилса – муддаий (даъвогар). Бир қатла биравни кўрдиким, сув юзида борадур. Деди: бу не бидъатдур, қуруғликқа чиқ, дағи хуш бор! Яна биравни кўрдиким, ҳавода борур эрди. Анга дағи ушбу сўзни деди, дағи сўрдиким, қаён борурсен? Дедики, ҳажга. Дедиким, бор!”

Кўриб ўтганимиздек, Навоий ҳазратлари бир байт мисолида кибрни қоралаб, хокисорликни тарғиб қилади. Бу ҳар биримиз учун ғоят ибратли ва ҳикматли даъватдир.

4-БЎЛИМ. НАВОИЙ ЕТТИ ПИР ҲАҚИДА

ХОЖА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ (1103 - 1179)

Хожагон-нақшбандия тариқатининг асосчиси; бухоролик етти пирнинг биринчиси. Хожаи Жаҳон сифати билан машҳур бўлган, Ғиждувон (Бухоро яқини)да Имом Молик наслидан бўлган малатялик олим Имом Абдулжамил оиласида туғилган.

Баъзи қўлёзмаларда у кишининг ҳижрий 615-616 (милодий 1218-1220) саналарда вафот этганлиги ҳам қайд этилган.

Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Абдухолиқ Ғиждувонийнинг тутган йўли тариқатда ҳужжат ва намуна ҳисобланган, Ҳақ билан ноҳақни ажратувчи, адолатли кишилар наздида мақбул ва мўътабар бўлиб, ҳамиша садоқат ва софлик йўлида юргани, шариат ва суннатга риоя қилгани, турли бидъату хурофотларга қарши тинимсиз курашганини қайд этади . Шунингдек, Навоий Абдухолиқ Ғиждувоний Хожа Баҳоуддин Нақшбандни руҳоният жиҳатидан тарбият қилгани учун у зотнинг увайсий-маънавий пири ва махфий (овоз чиқармай) зикр айтишни ўргатган устози эканлиги ва уларнинг руҳоният оламида мулоқот қилганлиги ҳақида асарида батафсил тўхталиб ўтади.

Абдухолиқ Ғиждувоний йигирма икки ёшида Бухорога келади ва Юсуф Ҳамадонийнинг муриди бўлади. Юсуф Ҳамадонийнинг халифаларидан Хожа Аҳмад Яссавий Яссига қайтаркан, устозининг васиятига биноан муридларини Абдухолиқ Ғиждувонийга топширади. Шундан кейин Бухорода муршидлик қила бошлаган бу улуғ зотнинг муридлари сафига оддий халқ қатори, кўплаб амалдорлар, ҳатто Бухоро ҳукмдорларидан Муҳаммад Умар Садр ҳам қўшилган. Абдухолиқ Ғиждувонийнинг обрў-мартабаси фақатгина Ўрта Осиё ҳудуди билан чекланмайди. У кишининг Шом диёрида ҳам хонақоҳ барпо этиб, муридлар тарбияси билан шуғулланган ҳақида Навоий шундай ёзади: **“Уларнинг валийликлари юксак даражада эди ва Шомда уларнинг кўп муридлари пайдо бўлди. Ўша ерда уларнинг остона ва хонақоҳлари қурилди”.**

Нақл қилинишича, у кишининг бўйи узун, боши катта, юзи оқ, чеҳраси чиройли, чатмақош, кўкрак ва елкалари кенг бўлган.

Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазрати Хизр алайҳиссаломнинг маънавий фарзанди, Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг (1048–1140) сарҳалқа силсиласини давом эттирган етук халифаси, Хожагон-Нақшбандия тариқати силсиласидаги ўнинчи бўғин шайхи, Бухородаги етти пирнинг аввалги раҳнамоларидан ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг маънавий устозларидан ҳисобланади.

Хожагонлар тариқатини бошлаб бергани, унга маълум қоидалар киритгани учун Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ***сарҳалқаи силсилаи хожагон*** сифати билан тилга олинади. Зоҳирий ва ботиний илмларни мукаммал эгаллаган Абдухолиқ Ғиждувоний маданият ва маънавиятимизга улкан ҳисса қўшиб, нақшбандияни такомиллаштириш ва дунёга ёйишга сезиларли ҳисса қўшди. Абдухолиқ Ғиждувоний кейинги барча машойихлар томонидан маънавий устоз сифатида алоҳида ҳурмат ва эътибор билан тилга олинади.

Хожа Муҳаммад Порсо «Фасл ул-хитоб» асарида Абдухолиқ Ғиждувонийни шундай сифатлайди: «Хожаи Жаҳон мутлақ суратда шайхи комил, муҳаққақ суратда қутби замон,

матлаи анвор, манбаи асрор, ҳақойиқ ва маонийнинг мукошифи Ҳазрати Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний (Аллоҳ сиррини муқаддас қилсин)дирки, унинг усули бу тариқатда ҳужжат ва бутун тариқатлараро мақбулдир. У ҳар он сидқу сафо йўлида бўлган. Ҳазрати Мустафо (с.а.в.)нинг суннатидан ажралмаган, бидъат ва ҳою ҳавасдан ҳар лаҳза мухолафатда бўлиб сақланган, пок сийрати бегоналардан яширин қолган...»

Абдухолиқ Ғиждувоний Хожа Юсуф Ҳамадоний томонидан ишлаб чиқилган ва хожагон-нақшбандия тариқатининг бош шиорларига айланиб кетган тўртта рашҳага яна тўртта: «ёдкард», «бозгашт», «нигоҳдошт», «ёддошт» каби рашҳаларни илова қилди. «Калимоти қудсия» деб аталадиган бу рашҳа-қоидаларга унинг издоши ва маънавий фарзанди Хожа Баҳоуддин Нақшбанд яна учта рашҳа илова қилиб, нақшбандиянинг яхлит назарий тизим тамойилини шакллантирди.

Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг айтишича, йигирма икки ёшга етганида Хизр алайҳиссалом билан суҳбат қилгани учун маънавий нисбаси Хизр алайҳиссаломга боғланган, бу тарбия натижасида «Қайюмият» жазбасига эришган. Ғиждувонийнинг ўзи таъкидлашича, Хизр алайҳиссалом уни “қалб зикрининг талқини билан шарафлантирган”.

Ҳазрати Хизр ўзидан кейин таҳсилни давом эттириши учун талабасини даврнинг буюк сўфийси ва фақиҳи Юсуф Ҳамадоний (қаддасаллоҳу сирраҳу) ҳазратларига юборади. Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари айтадики: «Хизр алайҳиссалом мени Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳузурига юборди. Ундан тўлиқ фойдаландим».

Ҳамадоний ҳазратлари Бухоро ва Самарқандга тез-тез келиб турар, ҳар келганида узоқ вақт қолиб, халқни ва олимларни илмий ва маънавий жиҳатдан тарбияларди. Ҳамадоний ҳазратларининг зикр услуби ошкора, яъни жаҳрий эди. Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг Ҳазрати Хизрдан ўрганган зикр услуби эса хафий, яъни яширин зикр эди. Ҳамадоний ҳазратлари шогирдининг Ҳазрати Хизрдан ўрганган зикри хафий йўлида давом этишига ижозат берди. Шу боис Ҳазрати Хизр унинг сабоқда пири, Ҳамадоний ҳазратлари эса иродатда пиридир.

Ҳамадонийнинг тарбияси остида етишган Ғиждувоний ҳолини пинҳон тутиб, зикри хафий йўлида давом этди. У зот меҳнат ва интилишлари натижасида Ҳамадоний ҳазратларининг тўртинчи халифаси этиб тайинланган пайтда 25 ёшлар атрофида эди.

Маълумки, Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг Хожа Абдуллоҳ Баррақий Хоразмий, Хожа Ҳасан Андоқий Бухорий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний номли тўрт машҳур халифаси бўлган ва улар бирин-кетин муридларнинг тарбияси билан машғул бўлганлар.

Аҳмад Яссавий ҳазратлари Бухородан Туркистонга кетганидан кейин у кишининг ўрнида Ғиждувоний ҳазратлари қолади ва муридларни тарбия қила бошлайди. Тез орада у зотнинг мурид ва мухлислари кўпайиб кетади. Муридлари сафига оддий халқ қатори кўплаб амалдорлар, ҳатто Бухоро ҳукмдорларидан Муҳаммад Умар Садр ҳам қўшилади. Қисқа фурсатда довруғи Шом ўлкаларига қадар ёйилади. У ерда Ғиждувоний шарафига ҳатто бир хонақоҳ ҳам барпо қилинади. Ғиждувоний ҳазратлари у ерларда бир неча муддат муршид сифатида халқни тарбия қилиш билан шуғулланган ва содиқ толибларни Ҳақ йўлига далолат этган. У ердаги муридлар ҳам вақти-вақти билан Бухорога келиб, Ғиждувоний ҳазратларини зиёрат қилиб кетишган.

«Рашаҳот»да келтирилишича, Хожа Юсуф Ҳамадоний Хуросонга кетганларидин кейин Хожа Абдулхолиқ риёзатга машғул бўлар ва кашфу кароматларини пинҳон тутар эди.

Ғиждувоний ҳазратлари Хизр алайҳиссалом билан дўст бўлиш натижасида тариқати олияи нақшбандияга ҳужжат, дастур ва усул ўлароқ, *саккизта рашҳа*ни сайру сулукка киритганлар. Баъзи олимларга кўра, аввалги тўрттасини Юсуф Ҳамадоний киритган. Ҳар бир солик маънавий файз олиш учун амал қилиши лозим бўлган дастлабки саккиз *калимоти қудсия (муқаддас сўзлар)* қуйидагилардир:

1. Ҳуш дар дам. Ҳар бир нафас олиш ва чиқаришда ғафлатдан огоҳ бўлиш. Модомики, ғафлат деган тушунча бор экан, соликлар ҳар нафасда ҳушёр бўлишлари керак. Ҳар ерда, ҳар лаҳза Аллоҳнинг кўриб, кузатиб турганини ҳис қилиб, адаб билан ва ҳушёр ҳолда ҳаракат қилмоқлари лозим.

Ҳуш дар дам – ичдан чиқаётган ҳар бир нафас огоҳлик ва ҳузур ичида бўлиши, ғафлат унга ҳеч йўл топмаслиги керак.

Мавлоно Саъдуддин Кошғарий айтган экан: "Ҳуш дар дам – бир нафасдан иккинчи нафасга ўтиш ғофиллик юзасидан бўлмай, ҳузур юзасидан бўлсин ва олинаётган ҳар бир нафас Ҳақ субҳанаҳу ва таолодин холи ва ғофил бўлмасин". Ҳазрат Хожа Баҳоуддин шундай таъкидлайди: "Бу йўлда ишнинг асосини нафас устига қурмоқ керакки, замоннинг муҳим вазифасига машғул бўлишда хаёлни ўтмишдан ва фикрни келажакдан озод этсин ва ҳар бир нафасни зое этмасликка уринсин. Нафас олишда, чиқаришда ва икки нафас орасида ҳаракат қилсинким, нафаси ғафлат билан кириб чиқмасин".

2. Назар бар қадам. Солик гуноҳ ва ғафлатга сабаб бўладиган жойларга бормаслик ва қарамаслик учун ташлаётган қадамларини назорат қилиши, оёқ учига қараб юриши керак. "Ҳақ йўлчисиман", деган мурид ўнгу сўлга боқиб, гуноҳга ботмаслиги, чалғимаслиги, ҳаё ва одоб билан, кўзини пастга тикиб ҳар қадамини зикр билан ташлаши керак. Машойихлар шундай қилишган. Юришларига, сайру сулукларига диққатли бўлишган.

Мазкур рашҳанинг моддий ва маънавий жиҳатлари бор. Моддий жиҳатдан: инсон қадам ташлар экан, атрофга боқиб, ҳаромга қараб, гуноҳкор бўлиши ёмон оқибатларга олиб келади. Маънавий жиҳатдан: "Мақсадим–Аллоҳ", деган солик ҳар бир қадамида фаросат ва ботин кўзини гуноҳларга мубтало қиладиган, йўлдан оздирадиган нарсалар билан машғул бўлмаслиги талаб этилади.

3. Сафар дар ватан. Ватанида, яъни турган жойида маънавий-руҳоний сафар қилиш. Яъни башарий сифатлардан илоҳий сифатларга ўтиш учун ботин оламига сафар қилиш. Соликнинг моддий ва маънавий сафарида фойда ва манфаатлар бўлгани каби меҳнат ва синовлар ҳам бўлади.

Одатда, сафар қилиш деганда, ватанини ташлаб, саёҳатга, машаққатли йўлга чиқиш англанса, ботиний маъно ватанда туриб қалбан маънавий сафар қилиш тушунилади.

Бу рашҳада солик ботин оламига – одамийлик табиатига сафар қилади, яъни одамийлик сифатидан фаришта сифатига ўтади, ёмонлик сифатидан яхшилик сифати томон кўчади...

Тариқат шайхларининг фикри ва аҳволлари сафар (мусофир бўлиш) ёки муқимлик (ўз ватанида яшаб қолиш) борасида турлича бўлган. Улардан баъзилари ибтидода (бошида) сафар қилишади ва интиҳода (охирида) муқим туришади. Баъзилари эса ибтидода муқим бўлиб, интиҳода сафар қиладилар. Баъзилари ибтидода ҳам, интиҳода ҳам сафар қилмайдилар. Айримлари эса ибтидода ҳам, интиҳода ҳам сафар қилаверадилар.

4. Хилват дар анжуман. Зоҳирда халқ билан, аслида, (ботинда) Ҳақ билан бўлиш. Хилват дар анжуман кўпчилик ичида, жамоат орасида ёлғиз қолиш, ўзини ёлғиз ҳис қилишдир.

Хожагон-Нақшбандияда хилват дар анжуман кўпчилик ичида, жамоат орасида Аллоҳ ёди билан бўлиш, Аллоҳни асло унутмаслик ҳолидир. Жамоат ичида Аллоҳ билан бўлиш хислатига осонликча эришилмайди. Мудом зикр ва тақво талабидаги толиб риёзати билан эришилади.

Одатда, хилватда, ёлғизликда Аллоҳни эслаш, Аллоҳ ёди билан бўлиш осон. Фикр ва диққат бўлинмайди, ҳис-туйғуларни жиловлаш осон кечади. Аммо турли ташвишлар билан халқ орасида бўлсанг, жамоат орасида ўтирсанг, Аллоҳ билан бўлишинг қийин кечади. Чунки орада муомала-муносабатлар, турли ҳолатлар, чалғитувчи вазиятлар содир бўлади. Солик Ҳақ зикридан чалғиб, диққати дунё ҳаёти билан банд бўлади.

Тариқатдаги муҳим нарса – масжиддаги хилват-ёлғизликдан иборат ҳолини халқ – жамият орасида ҳам давом эттириш, шу ҳолни муҳофаза қила билишдир. Шунинг учун тариқатда хилват дар анжуман асосий рашҳалардан саналади. Хилват дар анжуман орқали солик халқнинг ичида Ҳақ билан бўлишни ўрганади. Қўли ишда, кўнгли ёрда – Аллоҳда бўлади.

Албатта, солик хилват, ёлғизликдаги маънавий-руҳий яқинликнинг моҳият-мазмунини англаб, ундан завқ олгандан кейин унинг давомийлигини орзу қилади. Бу йўлдаги машқ ва меҳнату машаққатлар натижасида анжуманда ҳам бунга эриша бошлайди. Анжуманда ҳам хилватда бўла олган солик юқори маънавий мақомларга эришади.

5. Ёд кард. Тил зикри билан бирга қалб зикрини ҳам бажариш. Тил зикр қилганда, қалбни ҳам зикрга йўналтириш. Тил ва қалб билан тавҳид зикрини жамлаб, хотирлаб туриш. “Ёд кард” форсча сўз бўлиб, эслаш, хотирлаш деганидир. Арабчадаги зикрга тўғри келади.

6. Бозгашт. Бозгаштан – орқага, асл мақсадга қайтиш дегани. Тариқатда соликнинг маълум зикрлардан, ҳолатлардан сўнг ибодатдан мақсад фақат Аллоҳ ризоси эканлигини хотирлаши ва идрок этишидир. Чунки зикр давомида соликда турли ҳолатлар, нурлар ва кашфлар содир бўлиши мумкин. Шундай пайтларда ғурурланиб кетиш ёки “авлиё бўлдим шекилли”, деб ўйлаш жуда таҳликали ҳолат. Шунинг учун машойихларими **“Аллоҳ, Аллоҳ”, “Ла илаҳа иллаллоҳ”** каби зикрларнинг маълум саноғидан сўнг *“Илоҳи, анта мақсудий ва ризока матлубий”, яъни “Аллоҳим, мақсадим сенсан ва талабим сенинг ризонгдир”,* дейишни тавсия қилганлар. Демак, зокир бу жумлани айтиш билан ўзига келади, асл мақсадга қайтади. Нега зикр қилаётганини ҳис қилади. Демак, зикрдан мақсад авлиёлик ёки каромат соҳиби бўлиш эмас, Аллоҳ розилигига эришиш эканини англаш учун бозгашт қилиш, ниятни поклаш керак. Кўрган-билганига эътибор қилмасдан орқага қайтиш, Аллоҳни хотирлаш лозим! Рашаҳот”да айтиладики: “Бозгашт – шундайки, зикр айтувчи тили ёки дилида калимаи тоййибани айтганда: *“Худовандо, менинг мақсудим сенсан”,* дейди. Бу бозгашт калима яхши ёки ёмон фикрларни одамдан ҳайдовчидир. У зикрни холис қилади, зикрни ўзга нафслардан озод этади. Зикрни бошловчи бу бозгашт сўзларни айтаётган пайтда мабодо чин дилдан бўлмаётганини сезса ҳам, уни айтишни тарк этмасин, бора-бора у чинакамига айланиб таъсири зоҳир бўлади”.

7. Нигоҳдошт. Қалбни беҳуда фикру хаёллардан (хавотирлардан) сақлаш. Нигоҳ – боқиш демак. Нигоҳдаштан – боқмоқ, муҳофаза қилмоқ, қўримоқ демак. У соликнинг ақлига ёмон нарсалар келмаслигини, қалбининг бузилмаслигини, кўнгли қораймаслигини, дилига турли ўй-фикрлар келмаслигини таъминлайди. Сергак қилади, ҳушёр торттиради. Нигоҳдошт ташқи оламдан ажралиш учун интилиш бўлиб, бир нафаслик зикр мобайнида Ҳақдан бош-

қа ҳамма нарсадан узилишдир. “Рашаҳот”да таъкидланадики: ”Нигоҳдошт хаёлни муҳофаза қилиш учун бир нафасда бир неча марта калимаи тоййибани такрорлашдир. Мавлоно Саъдуддин Кошғарий нигоҳдошт ҳақида айтганки: *“Бир соат ёки икки соат ва ундан ҳам кўп вақт, имкони борича, ўзни кераксиз фикру хаёллардан асрасин”.*

Нигоҳдошт – шундай қўриқчики, қалб эшиги олдидаги дунёвий васвасаларни ичкарига киритмайди. Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, нигоҳдошт кўнгилга соҳиб бўлиб, унга Аллоҳ севмайдиган нарсаларни киритмасликдир.

8. Ёддошт. Зикр сабабидан ҳосил бўлган ҳушёрликни, огоҳликни давом эттириш ва ҳар нафасда Аллоҳдан огоҳ бўлиш. Ёддошт – ёдда тутмоқдир. Солик бунда Ҳақ субҳанаҳу ва таолони доимо завқу шавқ билан ёдида тутади. Ўзида ҳосил бўлган камолотни, эришган ҳолатини муҳофаза этади. Аллоҳнинг ҳузурида эканлигини асло ва асло унутмайди. Нигоҳдошт – тил билан эмас дил орқали айтиш, ёддошт – нигоҳдоштда мустаҳкам туришдир.

Баъзилар уни ғойиб бўлмайдиган ҳузур деб атаганлар. Айрим ҳақиқат аҳлининг назарида у шундай бир мушоҳададурки, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло муҳаббати кўнгилни қамраб олади. Бу эса ёддошт нинг ҳосил бўлганидан дарак беради.

Хожа Аҳрор валий ҳазратлари юқоридаги тўрт калима ҳақида шундай деган эканлар: “Ёддошт зикрда такаллуф этмоқ; бозгашт ҳар бор калимаи тоййибани айтганда кетидан кўнгулда “Худовандо мақсадим сансан” деган андиша қилиб, Ҳақ субҳанаҳу ва таолога қайтмоқ; нигоҳдошт бундай қайтишни муҳофаза қилади;ёддошт нигоҳдоштда мустаҳкам турмоқдир”.

Абдухолиқ Ғиждувонийдан кейин Хожа Муҳаммад Порсо, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фахриддин Али Сафий, Муҳаммад Толиб, Носириддин Ҳанафий, Муҳаммад Доро Шукуҳ, Мавлавий Ғулом Сарвар, Васлий Самарқандий каби шоиру мутасаввуфлар ўз асарларида Хожаи жаҳоннинг шахсияти ва жаҳоншумул таълимоти ҳақида сўз юритиб, улуғ шайхнинг баланд мартабаси, юксак ҳоли ва сулукининг тариқатда ҳужжат эканлигини таъкидлаганлар. Шу боис ҳам Хожагон-Нақшбандия тариқати асрлар оша инсониятнинг қалбига нур, фараҳ ва эзгу умидлар бағишлаб келмоқда. Бугунги кунда ҳам халқимиз бу таълимотга муҳтожлигини сезиб, унинг асосларини қайтадан ўрганмоқда, амалда татбиқ этиш учун саъй-ҳаракат қилмоқда.

Абдухолиқ Ғиждувоний пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бошланган тариқат силсиласининг ўнинчи ҳалқа пири сифатида вафотидан олдин Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Авлиёйи Кабир (Авлиёйи Калон), Хожа Сулаймон Карминийларга халифалик ижозати берган. Нақшбандиянинг олий ҳалқасини эса Хожа Ориф Ревгарий давом эттирган.

Абдухолиқ Ғиждувоний нинг панд-насиҳатлари диний илмларни яхши ўзлаштириш, ўзликни англаш, ахлоқни, ботинни тузатиш, қалб имкониятларига йўл очиш, маърифат сиридан воқиф бўлиб, сайру сулукни камолга етказишда муҳим асослардан ҳисобланади ва инсонни ҳақиқий ориф бандалардан бўлишга даъват этади.

Абдухолиқ Ғиждувоний «Васоё» («Васиятнома»), (бу рисола «Одоби тариқат», «Ҳақойиқ ул-иймон», «Дақойиқ ул-ирфон» деган номлар билан ҳам аталади), «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний», «Аз гуфтори Абдухолиқ Ғиждувоний» каби асарлар муаллифи ҳамдир. Абдухолиқ Ғиждувоний нинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” ва “Васиятнома” асарлари Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Нодир Ҳасанлар томонидан таржима қилиниб, 2003, 2018 ва 2019 йиллар нашр этилган.

Хожа Ориф Ревгарий. Туғилган ва вафот этган йилини баъзилар (1165 -1236-37) деб кўрсатса, айрим манбаларда Бухоронинг Ревгар қишлоғида туғилгани ва 1259 й. шу ерда вафот этгани қайд этилади. Навоий у киши ҳақида "Хожа Абдулхолиққа уч халифа эрмиш: Хожа Аҳмад Сиддиқ ва Хожа Ориф Ревгарий ва Хожа Авлиёйи Калон. Ва нисбат силсиласи Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуддиса сирруҳуға бу жамоатдин Хожа Орифқа етишур" деган маълумот беради.

Ориф Ревгарий Абдулхолиқ Ғиждувонийдан тасаввуф таълимотини ўрганган. У Ғиждувонийнинг тўрттинчи халифаси сифатида устози вафотидан сўнг хожагон силсиласини бошқарган. «Силсилаи шариф»нинг ўн биринчи пири, "Моҳитобон", "Пешвойи орифон", "Қутбул авлиё» ва «Валийлар йўлбошчиси» сифатлари билан тилга олинади.

Ориф Ревгарийнинг бизгача маълум бўлган ягона асари **"Орифнома"**дир. Ҳижрий 622 (милодий 1225) йил қаламга олинган бу асарда илк сўфийларнинг фикр-қарашлари билан бир бирга, устози Абдулхолиқ Ғиждувоний билан боғлиқ манқабалар ҳам ўрин олган.

"Орифнома" рисоласи ўзбек тилида ҳам нашр қилинган (Т.: 1994). Иброҳим Ҳаққул «Хожа Ориф Моҳитобон» эссесини ёзган (Т.: 1996).

Ориф Ревгарийдан кейин сарҳалқа силсилани шогирди ва халифаси Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий(қ.с.) давом эттиради. Ориф Ревгарий умрининг охирида жаҳрий зикр қилишни бош халифаси Маҳмуд Анжир Фағнавийга таълим беради. Бу ошкора зикр таълими замон эҳтиёжларидан эди. Зикрдан ғофил бўлган халқ зикри жаҳрияни эшитиш билан завқ ва шавққа тўлар, жамоа бўлиб қилинган зикрдан маънавий фойда ва файзлар оларди.

Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий (12-а. охири, Вобкент туманидаги Анжир Фағнав (ҳоз. Анжирбоғ) қишлоғида туғилган, Шу ерда - 1286. вафот этган. Хожагон-нақшбандия силсиласининг ўн иккинчи пири. Кун кечириш учун сувоқчилик ва тижорат билан шуғулланган. Хожа Ориф Ревгарийга хизмат қилиб етишган, комил муридларидан ва энг улуғ халифаларидан бўлган. Устозининг хилват, тариқат ва ҳақиқатда сирдоши эди. Навоий бу киши ҳақида "Насойим ул-муҳаббат" асарида "У Хожа Орифнинг халифаларидандир", деган маълумот билан чекланган.

Маҳмуд Анжир Фағнавий Хуфиёна (яширин) зикр билан жаҳрия (баланд товушли) зикрга баробар амал қилган. Якка шахс учун махфий зикрни, жамоат учун жаҳрий зикрни афзал кўрган.

Бухоронинг Вобканий (Вобкент) жомеъ масжидида кўп йиллар халқни иршод қилиш билан машғул бўлди. Хожагон тариқатида жаҳрий зикрни бошлаган зотлардан эди. Замонасининг буюк олимларидан Ҳафизуддин ҳазратлари бир куни Маҳмуд Анжир Фағнавийдан сўрайди: «Тариқатингиз махфий зикрга асосланган бўлса-да, ошкоро зикр қилишингизнинг сабаби нима?» Хожа Маҳмуд: «Ғофилларнинг уйғонишлари, Аллоҳнинг амрини тутишлари ва зикрга рағбат кўрсатишлари учундир. Шу тариқа улар Ҳақ йўлига кирадилар, ихлос билан тавба ва интисоб қиладилар, ҳақиқатга эришадилар. Зеро, зикр бутун хайрларнинг ва саодатларнинг боши, шунинг учун зикр очиқ бўлиши, халқ эшитиши ва келиши керак», – деб изоҳлайди. Ҳафизуддиннинг: «Тил билан қилинган зикрда ҳақиқий билан сохтасини қандай ажратиш мумкин?» – деган саволига Хожа Маҳмуд: «Жаҳрий зикрни тилни ёлғондан, ғийбатдан, вужудни ҳаром луқмадан, қалбни шубҳадан, кўзни хиёнатдан ва ҳаром нарсаларга боқишдан, кўнгилни риё ва манманликдан, ботинни мосиводан тозалаганлар бажара оладилар», – дея жавоб беради.

Маҳмуд Анжир Фағнавий фикрича, ошкора ёки хуфя зикрдан мақсад бир бўлиб, ҳикмат, маслаҳат ва ҳолат зарурати ҳар икки нав зикрда ҳам мавжуддир. Бироқ сайру сулук махфий зикрга асосланган.

Маҳмуд Анжир Фағнавийдан кейин сарҳалқа силсилани халифаларидан Хожа Али Ромитаний давом эттирди.

Али Ромитаний. Бухоро (Ромитан тумани, Қўрғон қишлоғи) 1186-1192- Хоразм (Куҳна Урганч) 1313-1321. Хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийнинг халифаси. «Силсилаи шариф»даги ўн учинчи ҳалқанинг пири ҳисобланади.

Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да Али Ромитаний "Хожа Маҳмуднинг халифаларидан бўлган"и, "силсилада уларнинг лақаби Ҳазрат Азизон" экани, "олий мақомлари ва аниқ кароматлари кўп бўлган"и ва "тўқувчилик билан" шуғулланган" ҳақида ёзади. Абдураҳмон Жомийнинг таъкидлашича, Жалолиддин Румийнинг қуйидаги байти Али Ромитанийга қаратилган:

Гар на илми ҳол фавқи қол буди кай шуди
Банда аъёни Бухоро Хожаи Нассожро.

Мазмуни: Ҳол илми қол илмидан юксак бўлмаганда эди,
Бухоро улуғлари қачон Хожа Нассож (тўқувчи)га қуллуқ қилган бўлардилар.

Навоий келтиришича, Али Ромитаний: "**Агар ер юзида Хожа Абдулхолиқ фарзандларидан биттаси бўлса эди, Мансур ҳаргиз дор остига бормаган бўларди", –**деган экан. Али Ромитаний Ромитанда бир неча йил халқни иршод этади, кейин Бовард (Абивард) га кўчиб боради, у ерда ҳам муридлар етиштиради. Ниҳоят, Хоразмга кўчиб бориб, у ерда турғун бўлиб қолади.

Муҳаммад Хоразмий Арзангийнинг «Шарҳи Рисолаи Азизон» асарида нақл қилинишича, Али Ромитаний кечки пайтлар мато бозорига бориб, ҳеч ким сотиб олмай, қолиб кетган ипакларни сотиб оларкан. Ўзи уйнинг бир чеккасида тоат-ибодатини қилар, олиб келган ипаклари эса ўз-ўзидан тўқилиб, мато ҳолига келар, бу ишни ғайб эранлари, мусулмон жинлар ёки фаришталар бажаришар экан. Али Ромитаний бу матоларни сотиб, фойдасини учга: илм аҳлига, камбағалларга ва ўз оиласига харжлар экан.

Али Ромитаний адиб ва шоир ҳам эди. Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да "улардан нақл қилинишича", деб қуйидаги рубоийни келтиради:

Бо ҳарки нишастию нашуд жамъ дилат,
В-з ту нарамид суҳбати обу гилат.
Зинҳор зи суҳбаташ гуризон мебош,
Варне, накунад руҳи азизон биҳилат

(Ким билан бирга ўтирсангу, унга қалбинг боғланмаса, суҳбатинг асло қовушмаса, зинҳор унинг суҳбатидан қочгин, йўқса, азизлар руҳи сени кечирмайди). Али Ромитанийнинг "Рисолаи Азизон" асари машҳур. Ҳикматларга тўла форсча шеърлар битган.

Унинг «Маҳбуб ул-орифин» номли асари бор. Бу рисола “Рисолаи дах шарт” деб ҳам аталади. Унда муридларга тавсия қилинган ўнта асос қоидалар тушунтирилган. Али Сафийнинг «Рашаҳот айн ул-ҳаёт», Ризоқулихоннинг «Риёз ул-орифин» каби асарларда Али Ромитаний шеърлари келтирилган.

Али Ромитанийнинг баъзи фикр-қарашларини ўғли Хожа Иброҳим бир неча саҳифалик кичик рисолага жамлаган. Бу рисолага, тахминан, XV асрда Муҳаммад Хоразмий Арзангий «Шарҳи Рисолаи Азизон» ёки «Маноқиби Хожа Али Азизони Ромитаний» номи билан шарҳ битган. Г.Наврўзова ва И.Қосимов «Ҳазрат Хожа Али Ромитаний» рисоласини нашр қилишган (1984).

Али Ромитаний Кубравий шайхларидан Алоуддавла Симноний билан хат ёзишган, яссавия шайхи Саййид ота билан учрашган ва халқнинг чексиз муҳаббатига сазовор бўлган Али Ромитаний 100 йилдан ортиқ умр кўрган. Ўғли Хожа Муҳаммад Иброҳим, Хожа Муҳаммад Кулоҳдўз Хоразмий, Хожа Муҳаммад Ҳаллож Балхий, Хожа Муҳаммад Бовардий Хоразмий, Хожа Муҳаммад Бобо Саммосий каби муридларни камолга етказган. Улар устозидан кейин Хоразм, Бухоро ва Балх ҳудудларида хожагон тариқатини ёйишда катта ҳисса қўшишган.

Навоий Али Ромитанийнинг “қабри Хоразмда машҳурдир”, дейди. Бухоронинг Кўргон яқинидаги Сарибўстон қишлоғидаги қабри қадамжодир. Али Ромитанийдан кейин сарҳалқа силсилани унинг етук халифаларидан Муҳаммад Бобо Саммосий давом эттирган.

2019 йилда Сайфиддин Сайфуллоҳ томонидан Али Ромитанийнинг “Маҳбуб ул-орифин” рисоласи форсчадан таржима қилиниб, асл матн билан бирга “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилди.

Хожа Муҳаммад Бобойи Саммосий. Тахминан, XIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоронинг Ромитан туманидаги Самос қишлоғида туғилган ва шу жойда 1340/1354. вафот этган.) Муҳаммад Бобойи Саммосий Хожа Али Ромитанийнинг халифаси, «Силсилаи шариф»да 14-ҳалқанинг пири сифатида келади. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да ёзишича, Муҳаммад Бобойи Саммосий Баҳоуддин Нақшбанд туғилишини ва унинг қишлоғи Қасри Ҳиндувон Қасри Орифон бўлишини башорат беради. Баҳоуддиннинг бобоси уч кунлик чақалоқни Муҳаммад Бобойи Саммосий ҳузурига олиб борганда у зот чақалоқни маънавий фарзандликка қабул қилиб, шогирди Мир Кулолга Баҳоуддин тарбияси билан жиддий шуғулланишни топширган. Муҳаммад Бобойи Саммосий ваъда бериб қабул қилган.

Муҳаммад Бобойи Саммосий тўртта олим ва фозил халифа етиштирган: Хожа Сўфий Сухорий, Хожа Маҳмуд Саммосий (ўғли), Мавлоно Донишманд Али, Хожа Саййид Амир Кулол. Муҳаммад Бобойи Саммосий ўзидан кейин шайхлик қилишни Саййид Амир Кулолга топширган.

Саййид Амир Кулол (тахм. 1288, Бухоро яқинида (ҳоз. Когон тумани)ги Сухор қишлоғи – 1371) Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийнинг халифаси. Кулолчилик билан шуғулланганлиги сабабли Мир Кулол номи билан машлҳур. «Силсилаи Шариф»да ўн бешинчи ҳалқанинг пири сифатида келган. Унинг 114 халифаси бўлиб, Баҳоваддин Нақшбанд, Шамсуддин Кулол (Амир Темурнинг пири), Ориф Деггароний энг машҳурлари ҳисобланган. Навоий “Ҳазрат Хожа Баҳоваддинға суҳбат нисбати, тариқат сулуки, одоби таълими ва зикр талқини аларидиндур”, – деб айтади.

Амир Кулол узун бўйли, буғдойранг, кўкраги кенг, қўллари узун, чатмақош, соқолига оқ оралаган, жисмонан бақувват, паҳлавон келбатли. Пайғамбаримиз наслидан – саййидзодалиги учун Саййид ва Амир дейилар эди. Отаси Амир Ҳамза яссавия шайхларидан Саййид

отанинг дўсти бўлган. Саййид Амир Кулол табиатан жуда камтарин инсон бўлиб, эътироз ва қайсарлик нималигини билмасди. Амир Кулолнинг онаси: «У қорнимдалигида шубҳали таом есам, қорним оғрир, тавба қилмагунимча оғриқдан қутулмасдим. Бу ҳол бир неча марта такрорланди. Шундан кейин луқманинг ҳалол бўлишига диққат қиладиган бўлдим. Оғриқ ҳам йўқолди», – деб эслагани манбаларда ёзилган.

Амир Кулол отаси Саййид Абдуллоҳнинг тавсияси билан Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийга мурид бўлади, Анжир Фағнавий эса уни Хожа Али Ромитанийга ҳавола қилади. Амир Кулол бир умр устозининг хизматида бўлган. Ҳатто пири Бухородан Хоразмга ҳижрат қилганида бирга кетган. Атрофдагиларга ва ўзига кўп фойда еткарган. Муридлар орасида номдор халифа бўлган. Боғ-роғларига ўзи қарайдиган сергак эди. Баъзан хизматлари асносида ҳол ғалаба қилар, қўлидан иш асбоблари тушиб кетарди. Кўпинча муридларини ўзи танларди.

Амир Кулолнинг ҳунари кулолчилик эди. Ёшлигида кураш тушишни севар, жуда яхши курашар эди. Уни таниган ва севган томошабинлардан биттаси бир куни: – Бу зотнинг кураш билан машғул бўлиши саййидлик шарафига муносиб эмас, деб ўйлайди ва шу заҳоти уни уйқу элтади. Тушида қиёмат бўлгани ва ўзининг кўкрагигача лойга ботгани, чиқишга кучи етмасдан жуда қийналганини кўради. Шунда узоқдан Амир Кулол етиб келиб, қўлидан маҳкам ушлаб, уни ботқоқликдан қутқаради. У одам уйқудан уйғонади, қарасаки, кураш ниҳоясига етган... Амир Кулол унга рўпара келади ва: «Мана, сен тушда кўрган кун учун паҳлавонлик қиляпман. Сени ва сенингдек ботқоққа ботганларни Худонинг изни билан қувват ва ҳиммат ила қутқараман», – дейди. Шунда у киши тавба-истиғфор қилиб, унинг энг садоқатли муридига айланади.

Кураш тушишни мужоҳидлик таълими деб эътироф этган Саййид Амир Кулол бошқа бир куни кураш майдонида муваффақиятлар кўрсатаётганда Хожа Муҳаммад Саммосий ўша ердан ўтаркан, тўхтаб курашни томоша қилади. Шунда муридлардан баъзилари ҳазратнинг кураш томоша қилишига таажжубланиб, ҳар хил шубҳаларга боришади. Бунинг устига ҳазрат дарҳол: «Бу майдонда бир азамат эр бордирки, кўп азаматлар унинг суҳбати баракатидан камолга етадилар. Хоҳлардимки, у бизга мурид бўлсин, унинг таълим ва тарбияси хизматида бўлайлик», – дейди. Шу заҳоти кураш тушаётган Амир Кулолнинг қалби Муҳаммад Бобо Саммосийнинг ҳиммат назаридан ҳушёр тортиб, дарҳол курашни ташлайди, келиб ҳазратнинг оёқларига йиқилади. Сўнгра орқасидан хонақоҳга келади, тавба ва истиғфор айтиб, Хожа Муҳаммад Бобо Саммосийга мурид бўлиб, устозининг юксак муҳаббатига эришади. Зоҳирий ва ботиний илмлардан таҳсил олиб, замонасининг етук шайхи бўлади. Саййидлиги билан бир қаторда, шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат даражаларига юксалади.

Саййид Амир Кулолнинг Амир Бурҳон, Амир Шоҳ, Амир Ҳамза ва Амир Умар исмли тўрт фарзанди ва тўрт халифаси бор эди. Фарзандларини халифаларининг хизмат ва тарбияларига топширади, натижада етук тарбияга мушарраф бўладилар. Булардан ўғли Амир Бурҳонни Муҳаммад Баҳоваддин Нақшбанд тарбиясига бераётиб: «Буни сени ихтиёрингга топшираман. Ўзингга ўхшатиб камолга етказ ва ҳақиқатларга эриштир. Бу йўлда барча қобилиятингни сарфлашингни хоҳлайман», – дейди.

Бир қанча йилдан кейин Муҳаммад Баҳоваддин Нақшбанд Амир Бурҳонни отасининг ҳузурига олиб келганида ҳолатининг ўзгаргани ва камолга етканини кўради ва ўғли ҳақида: «Амир Бурҳон тариқатда ҳужжатимиз, бурҳонимиздир», – деган. Вақт ўтиб, Баҳоваддиннинг

камол ва истеъдодини кўрган Амир Кулол унга: **«Ўғлим Баҳоваддин, бағримда нимаики бўлса, барчасини сенга ўтказдим. Мендаги хизматинг тамом. Сенинг истеъдодинг буюк. Бошқа яна улуғ зотлар топиб, хизмат қил, жаҳоннинг ягонаси бўлгайсен»,** – деди.

Узоқ умр кўрган Амир Кулол умрининг асосий қисмини Сухор қишлоғида ўтказди, бир муддат Насафда ҳам яшади.

Амир Кулолнинг ҳаёти ҳақида унинг набираси Мавлоно Шаҳобиддин «Мақомоти Амир Кулол» китобини ёзган. (Бухоро, 1909). Амир Кулол ҳақида юртимизда ва хорижда кўплаб тадқиқотлар қилинган. "Огоҳийи саййид Амир Кулол" (Карачи, 1961) ҳам эътиборли манбалардан биридир. Озод Мўъмин Хўжанинг "Ҳазрат Саййид Амир Кулол" "Т.: Ислом университети" 2012; Дурдонанинг "Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақомотлари" Т.: 1993. китоблари ҳам нашр бўлган.

Амир Кулол ўзидан кейин тариқат ижозатини ўғли Амир Ҳамза, халифалари Мавлоно Ориф Деггароний, Шайх Ёдгор Кунсуруний, Шайх Жамолиддин Даҳистоний, Шамсиддин Кулол ва Баҳоваддин Нақшбанд ҳазратларига топширган.

Саййид Амир Кулолдан кейин сарҳалқа силсилани Хожа Баҳоваддин Нақшбанд давом эттирган.

Хожа Баҳоваддин Нақшбанд, Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоваддин Нақшбанд Бухорий (кўпроқ Баҳоваддин ёки Хожа Баҳоваддин Балогардон, Хўжаи Бузрук, Шоҳи Нақшбанд номлари билан машҳур) (1318-1389) – Бухоро вилояти ҳоз. Когон туманидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилиб, шу ерда вафот этади. Бу қишлоқ кейинчалик Баҳоваддин Нақшбанд шарафига "Қасри орифон" деб аталган. Навоий "Насойим ул-муҳаббат" асарида Баҳоваддин Нақшбандниng "оти Муҳаммад бин Муҳаммад Бухорийдир. Хожа Баҳоваддин кўплаб тирик шайхлар суҳбатига етган бўлса-да, вафот этган улуғ валийлар руҳониятларидан файз олиб, камолга эришган. Увайс Қараний, Ҳаким Тирмизий каби машойихлар қатори Хожаи Жаҳон – Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари руҳониятидан файз олган, у кишининг тариқати ва сайру сулукига тааллуқли нимаики бўлса, ўзлаштирган, давом эттирган.

Муҳаммад Бобо Саммосий ва Амир Кулолнинг таълим ва тавсияларини уйғунлаштириб, тариқатга жаҳоншумул асос ва қоидалар киритган. Азизлар руҳониятидан файз олиб етишгани учун «увайсий» дейилади. Баҳоваддин Нақшбанд Бухородаги қабристонларни тез-тез зиёрат қилиб турарди. Шундай зиёратларнинг бирида Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг руҳониятлари бошқа азизлар билан бирга у кишига кўриниб, руҳоният оламида унга таълим берган ва таъкидлаган: «Ўғлим Баҳоваддин, Ҳақ тарафидан катта истеъдодга эгасан. Оламга маънавий нур ёядиган истеъдод пилигини бироз ҳаракат қилдиришинг лозим. Аллоҳнинг зикридан асло ғофил бўлма. Махлуқотга холисона хизмат қил. Бу билан Ҳаққа борадиган йўлни топасан ва унга эришасан. Баҳоваддин! Ҳар замон ва маконда оёғингни шариат асослари устига қўй! Амри маъруф ва наҳйи мункарга амал қилган бўласан. Суннатларга тўла риоя қил! Шариатни енгил тутма, бидъатлардан йироқ бўл! Инсонлар, ҳайвонлар, ўсимликлар сендан хизмат кутяптилар. Сайру сулукнинг аввали, ўртаси ва охирида Хизр алайҳиссаломдан қандай билим ва усуллар олган бўлсам, уларни сенга ўргатаман. Кўпроқ зикри хуфяга аҳамият бер. Аллоҳнинг тавфиқи рафиқинг бўлсин!»

Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий у кишини фарзандликка қабул қилган, зоҳир юзасидан тариқат одобининг таълимини Амир Саййид Кулолдан олган, аммо ҳақиқат юзасидан Увайсийдурлар ва тарбият Ҳазрат Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний қуддиса сирруҳу руҳидин

топибдурлар”, – деб ёзади. Шунингдек, Навоий Баҳоваддин Нақшбанднинг яссавий шайхлари (турк машойихлари)дан Қусам Шайхнинг уч ой хизматини қилгани, “турк машойихларининг кибори” Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний) тушига кириб, уни Халил ота хизматига йўллагани ва Баҳоваддин Нақшбанд олти йилга яқин унинг хизматини қилиб, сайру сулукини камолга етказгани ҳақида маълумот беради.

Баҳоваддин Нақшбанднинг оиласи ва фарзандлари тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Унинг ота-боболари Муҳаммад алайҳиссалом авлодига мансуб саййидлардан ва маърифатли кишилардан бўлган. Отаси тўқувчи ҳамда ўйма нақш солувчи (нақшбанд) бўлган. Баҳоваддин Нақшбанд ҳаётида бобосининг алоҳида хизмати бор. У сўфийлар билан яқин алоқада эди. Шу сабабли набирасида илму маърифатга катта қизиқиш уйғотди. Баҳоваддин Нақшбанднинг деярли бутун умри Бухоро ва унинг атрофидаги қишлоқларда тариқатни ёйиш билан ўтган. У икки марта ҳаж қилган. Камтарона ҳаёт кечирган, фақат ўз меҳнати – деҳқончилик ва кейинроқ кимхобга нақш (гул) солиш билан кун кўрган. Ўз таълимотини яратишда Муҳаммад Бобо Саммосий ва Саййид Амир Кулолларнинг таълим ва тавсияларини уйғунлаштиради, Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолиқ Ғиждувоний ғояларига асосланиб, уларнинг хожагон тариқатига киритган саккизта рашҳа (одоб ва қоидалари)га яна учта: **вуқуфи замоний, вуқуфи ададий ва вуқуфи қалбий** рашҳаларини киритиб, хожагонни мукаммал тартибли, муътадил ва яхлит бир тизимга эга бўлган “нақшбандия”га айлантирди. Шу боис Муҳаммад алайҳиссаломдан бошланган бу тариқат нақшбандия номи билан аталадиган бўлди. Унинг таълимотига тегишли бўлган «Дил ба ёру, даст ба кор» («Кўнгил Ёрда – Худода бўлсин-у, қўл иш билан банд бўлаверсин») деган шиор, инсонларни тоат-ибодат қилиш баробарида, касб ва меҳнат қилишга ҳам ундаб туради.

Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийдан Саййид Амир Кулолга қадар ўтган хожагон шайхлари вазият тақозосига кўра баъзан жаҳрия, баъзан хуфя зикр қилганлар, аммо кўпроқ жаҳрий зикрни ихтиёр этганлар. Баҳоваддин Нақшбанд Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг кўрсатмаси ва маънавий тавсиясидан сўнг Насафга бориб, Саййид Амир Кулолга мурид бўлади ва хуфя зикрни танлайди. Амир Кулол ҳузурида бўлган чоғи ундан шариат ва тасаввуф илмларини, устозининг етук халифаларидан бўлмиш Баҳоваддин Деҳгаронийдан ҳадис дарси, Шамсиддин Кулолдан эса муроқаба таълимини олади. Баҳоваддин Нақшбанднинг илмий ҳалқаларида, тасаввуфий суҳбатларида ўша даврнинг нуфузли олимларидан тортиб, ҳунармандлар, косиблар, энг оддий инсонлар ҳам қатнашарди ва унинг садоқатли муридларига айланишарди. Баҳоваддин Нақшбанд Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг Насаф, Кеш, Хоразм, Кармана, Марв, Сарахс, Мозандарон, Тус, Ҳирот, Нишопур каби турли шаҳар ва қишлоқларида бўлди. У ерларда диний-тасаввуфий суҳбатлар уюштирди.

Баҳоваддин Нақшбанд ҳанафий мазҳаб бўлган, икки марта ҳажга борган. Иккинчи марта етук халифаларидан Муҳаммад Порсони ҳам бирга олиб кетган. Йўлда Ҳиротда тўхтаб, Мавлоно Зайниддинни зиёрат қилиб, уч кун суҳбат қилган. Баҳоваддин Нақшбанд Шариат билан жазбани уйғунлаштирган тасаввуфий дунёқарашга соҳиб бўлгани учун: **«Тариқатдаги усулимиз Имом Қушайрий билан Фаридиддин Атторнинг сўзларига мувофиқдир»,** – дер эди. Баҳоваддин Нақшбанд муридларини, асосан, суҳбат йўли билан етиштирарди ва инсонларни бирлик, баробарликка даъват этарди. Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида ҳазрат Нақшбанднинг сайру сулук ҳақидаги бир қатор ҳикматли сўзларини келтириб ўтган. Чунки Баҳоваддин Нақшбанд доимо шогирдларига панд-насиҳат қилар ва сай-

ру сулукда тезроқ маваффақиятга эришиш йўлларини кўрсатиб берарди. Асосан, мурид ва мухлисларига диний қонун-қоидаларга риоя қилишни, тақводор бўлишни, шу йўл билан валий – Аллоҳнинг дўсти бўлиб етишиш мумкинлигини тавсия этарди. Сулукининг асосини ҳазрати пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам суннати ва асҳобининг сўзларига эргашиш деб биларди. Илм ва олимларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатарди. Ҳадис илмини яхши билгани учун суҳбатларида ҳадисларни тасаввуфий маънода шарҳлаб берарди. Арабча, форсча ва туркийда эркин гаплаша оларди. Шу боис ҳам кўплаб олиму фузалолар унинг тасаввуфий суҳбат ҳалқасига келиб ўтиришган ва муридига айланишган. Баҳоваддин Нақшбанд футувват табиатли, қўли очиқ, жўмард зот бўлиб, совға берганга ҳадя билан жавоб қайтарарди. Ҳалол меҳнат билан кун кечиришга алоҳида аҳамият берар, бекорчи, ишсиз кимсаларни муридликка қабул қилмасди.

Баҳоваддин Нақшбанд ўзидан кейин Алоуддин Атторга, Хожа Муҳаммад Порсога, Яъқуб Чархийга ва Алоуддин Ғиждувонийларга шайхлик қилишга ижозат берган бўлса, Мавлоно Муҳаммад Фағонзий, Хожа Мусофир Хоразмий, Сайфиддин Манорий, Сайфиддин Хушхон Бухорий, Сирожиддин Кулол Пирмастий, Хусрав Карминий, Абдуллоҳ Хўжандий, Шайх Шодий Ғадиватий, Дарвиш Некрўз, Амир Маҳмуд Қасри Муғоний, Амир Ҳусайн каби муридларни тарбиялаб вояга етказган. Силсилани энг яқин халифаси Хожа Алоуддин Аттор давом эттирган.

Навоий “Хамса” асарининг дастлабки достони “Ҳайрат ул-аброр”да Баҳоваддин Нақшбанд қуддиса сирруҳу мадҳидаким..”, деб бошланадиган фаслини Баҳоваддин Нақшбанд таърифига бағишлаб, **31 марта “нақш”** сўзини турли-туман маъноларда қўллайди.

Мунча ажаб нақш била аржуманд,
Кимса эмас ғайри шаҳи нақш банд.

Шоҳ Нақшбанддан бошқа киши бунчалар нақш билан улуғ бўлган эмас. Шоир “Лисон уттайр” достонида ҳам Хожа Баҳоваддин Нақшбанд ҳақидаги ҳикояни келтиради ва унинг ит ҳақидаги айтган гапларини мукаммал фонийлик тимсоли сифатида талқин этади. Шоир ёзишича, “Хожаи олий сифоти аржуманд, Шаҳ баҳоул - ҳақ вад-дин Нақшбанд” ўз вужудини нимага қиёс қилса ҳам ундан ўзини кам биларди. Ногаҳон Хожанинг кўзи мурдор бир итга тушади ва ўзини унга тенглаштиради. Шунда кўзидан ёш оқиб дейди:

Деди: “Ул аҳли вафодур, мен-эмон,
Ўзни онинг бирла эмди тенг демон.
Ул Худовандиға қилмас жуз вафо,
Лек менда зоҳир ўлмай жуз жафо.”

Соҳибназар (Баҳоваддин Нақшбанд) бундай хаёлларга бориб тургандан кейин ит унинг олдидан ўтиб кетади. У зот тупроқда ит аёғининг изини кўради. “Мен ортиқманми ё бу из?” – деган хаёлга боради ва дарҳол “Эй инсофсиз, У из вафо аҳли аёғидан нишон, сен эсанг, этагингни судраб вафосизлик сари борасан”, – дейди ва эгилиб, итнинг изига кўзини суртади. Шоир қиссадан хулоса чиқариб: Аҳли Ҳақ шундай йўллар билан вужудларини инкор эта-

дилар, борлиқларини бу каби сабаблар ила нобуд қиладилар. Шу йўллар воситасида фано жомини ичиб ўзларидан асар қолмагандан кейин Ҳаққа восил бўладилар, дейди:

Ҳақ вужудидин бақое топмайин,
Жоми ваҳдатда лиқое топмайин.
Чун фано хайлиға дохил бўлдилар,
Боқийи Мутлаққа восил бўлдилар.

Навоий Баҳоваддин Нақшбандга айрича ҳурмат ва эҳтиром билан қараган. Унинг тариқатини мукаммал ва мартабасини юксак деб ҳисоблаган. Навоийнинг келтиришича, Мавлоно Жалолуддин Холидий ҳазратларидан Ҳазрат Хожа Баҳоваддиннинг сулук ва тариқининг нисбати мутааххир (кейинги) шайхлардан қайси пирнинг тариқига (тариқати, сулук йўли) га муносабати (алоқадорлиги, ўхшашлиги) бор деб сўраганларида, у киши шундай жавоб берибдилар: “Сўз мутақаддимин (олдин ўтган) машойихдин денг ва икки юз йилдин ортуқдурки, бу навъ осори валоят (валийлик асари) зуҳурики, ҳазрат Хожа Ҳазратлариға Тенгри таоло иноятидин воқеъ бўлубдур. Тариқат машойихиға мутааххирлардин (кейингилардан) ҳеч кимга бўлмайдур”. Навоий Баҳоваддин Нақшбандни фано ва бақога эришган етук авлиё ва комил ориф сифатида эътироф қилган.

БОБОМУРОД ЭРАЛИ

МАЖОЗИЙ МУҲАББАТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

(Алишер Навоийнинг айрим асарларига шарҳлар)

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, мутафаккир Алишер Навоийнинг адабий мероси ва маънавий-маърифий хазинасини улкан уммонга қиёслашади. Аллома асарларини тадқиқ этиш ва ўрганишга бел боғлаган Навоийшунослар моҳир ғаввослардек унинг бадиият оламига тўғри йўл топмаса, бу уммон тубида ётган дур-гавҳарларни ташқарига олиб чиқиш имконсиз. Навоий бобомизнинг ўзлари, Низомий Ганжавий Барда билан Ганжани олиб, Рум элига ҳам унинг қадами етган, Хусрав Деҳлавий Ҳиндистонни қўлга киритган, Абдураҳмон Жомий шону шавкати билан Ажаму Арабни лол қолдирган бўлса, Хитодан то Хуросонгача черик тортмасдан қалам билан олдим дея ғурурланади. Дарҳақиқат, мазкур мақтов замирида бугунги кунимизга қадар амалий исботини топган ҳақиқат мавжуд.

Неча асрдирки, халқимиз бу зотни ардоқлайди, миллатимизнинг донишманд фарзанди сифатида улуғлаб келади. Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний», беш достондан иборат «Хамса», «Лисон ут-тайр», «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа дурдона асарлари неча асрлардан бери маънавий хазинамизни безаб, ахлоқий кўзгумизга айланган десак, асло муболаға бўлмас.

Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да таҳсил олиб юрган талабалик пайтларимда Навоий бобомиз шеъриятини тушуниш ва моҳиятини англашга ҳаракат қилсам-да, бироқ унга кириб бориш анча мураккаблигини тушунганман. Дастлаб шу илм даргоҳининг филология факультетида биз талабаларга филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов тасаввуфдан ўқиган илмий маърузасида кўпроқ Навоий асарлари таҳлилига тўхталиб, Навоий шеърияти сирли олами сари етаклаган. Навоий шеъриятига меҳр-муҳаббатим туфайли битирув ишимни «Лайли ва Мажнун» достонидан олганман. Энди ўйласам, ўша вақтда кўп нарсага ақлим етмаса ҳам, мендаги интилиш ва иштиёқни сўндирмаслик мақсадида диплом ишидан бир қисмини ажратиб домла ўзи қўшимчалар қўшган ва жиддий таҳрир қилган ҳолда «Ишқ оташининг самандари» номи остида «Шарқ юлдузи» журналига тавсия этган. Ўша вақтда бундай эътибор талабага катта далда эди. Қолаверса, Нажмиддин Комилов бу мақолани кейинчалик нашр этган «Тасаввуф» номли китобига ҳам шу ҳолича киритди.

Университетни битириб, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасига қабул қилиндим ва филология фанлари доктори, профессор Абдурашид Абдуғафуров раҳбарлиги остида «Лайли ва Мажнун» достонида мажоз ва ҳақиқат талқини» мавзуида илмий тадқиқот ишини ёзишга киришдим. Илмий ишимни бир карра ёзиб битиргач, раҳбаримга ундан бир нусха бердим. Домла ишни синчковлик билан ўқиди, айрим жойларига ўз фикр-мулоҳазаларини қайд этганини айтиб, ишни қайтадан кўриб чиқишимни маслаҳат берди. Тўғриси, бундан бироз оғриндим. Хаёлимда илмий ишим маромига етган эди. Буни сезиб турган домла: «Ишингизда Лайли ва Мажнун муҳаббатини илоҳий ишқ-муҳаббат билан боғлашга ҳаракат қилибсиз, буниси яхши, аммо асарнинг айрим эпизодларидаги ошиқ ва маъшуқанинг интим муносабатларига қандай қарайсиз, буни нима билан изоҳлайсиз?» – деб савол берди. Тўғриси, бу саволга ўшанда тайинли жавоб қайтаролмаганман. Яхши эслайманки, ўша вақтларда мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодидан ўринли-ўринсиз тасаввуфий рамз ва тимсолларни қидириш урфга айланган, ўзим ҳам шунинг таъсирида эдим. Илмий ишимдаги ана шу тумтароқликни домла тўғри илғаганини кейинроқ тушуниб етдим...

Йиллар давомида Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ илмий тадқиқот ва мақолаларни кузатиб келдим. Айрим мўътабар илмий манба ва рисолалар билан танишиб, ечимини топмаган баъзи бир жумбоқли саволларга ҳам жавоб қидирдим. Изланишлар натижасида шундай хулосага келдимки, Алишер Навоий шеърияти улкан уммондек ўз бағридаги дур-жавоҳирларни осонликча юзага чиқармас экан. Мақсадга етишни ният қилган тадқиқотчи дастлаб шоирнинг ўзи тилга олган мўътабар ва улуғ манбалар билан обдан танишиб чиқсин, акс ҳолда, барча ҳаракатлари беҳуда кетади. Асарларида тилга олинган «Тазкират ул-авлиё», «Қисас ул-анбиё», «Иҳё» ва «Кимё» (бу иккиси Абу Ҳомид Ғаззолий асарларининг қисқача номлари), «Нафаҳот ул-унс», «Мифтоҳ ул-улум» ва «Талхис» каби мўътабар манбалар шоир ижодининг юксалиши ва жаҳоншумул аҳамият касб этишида катта хизмат қилгани сир эмас. Айтмоқчиманки, мазкур асарларни чуқур ўрганмай ва мазмун-мундарижаси билан яқиндан танишмай, Навоий ижоди моҳиятига чуқурроқ кириш имконсиз. Қолаверса, шоирнинг афсона ва ривоятлар асосига қурилган айрим шеърий дурдоналарини тўғри тушунмай улардаги рамз ва тимсолларни нотўғри талқин қилиб қўйиш мумкин. Айниқса, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий» достонларининг сирли оламига чуқурроқ кириб борсангиз, ҳар бир достон ўзига хос ва бетакрор олам эканига амин бўласиз. Уларнинг мазмун-моҳиятини англаб борган сари шоирнинг бадиий маҳорати ва услубидан ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ. Илмнинг чек-чегараси, тубига етиб бўлмайди деган гап тўғри. Бир даврда амалга ошмаган ишни кейинги давр ва замон одамлари уддалайди. Энг муҳими, илмий изланишнинг тўғри йўлга тушиб олишида. Донишмандлардан бирининг: «Илм уч қаричдан иборат. Ким унинг бир қаричига етса, бурни кўтарилади ва илмга етдим деб ўйлайди. Ким иккинчи қаричига етса, нафси кичраяди ва илмга етмаганини тушунади. Аммо учинчи қаричига келсак, ҳайҳот, ҳайҳот, унга ҳеч ким ҳеч қачон етолмайди», – деган ҳикматли сўзини доимо ёдда тутиш илм соҳибига катта фойда беради.

Яна шуни ҳам таъкидламоқ лозимки, Навоий асарлари тадқиқига киришга жаҳд этган тадқиқотчи юксак чўққи қаршисида турган алпинистга қиёсланса, қўлида яроғи, белида арқони билан бу чўққини забт этмоқчи бўлиб юқорига машаққат ва қийинчилик билан кўтарила бошлайди. У чўққини забт этган тақдирда ҳам чўққи этаги ва ёнбағридаги ажойибу ғаройиб манзараларга маҳлиё бўлиб мақсадга эришдим деган хаёлга боради. Аммо у қўлга киритмоқчи бўлган дур-гавҳарлар шу тоғнинг бағрида ётганини билмайди. Бу билан айтмоқчиманки, Навоий шеъриятининг бадиий олами жуда теран ва чуқур. Унга етиб бориш учун тадқиқотчидан меҳр-иштиёқдан ташқари катта билим ва малака ҳам талаб этилади.

Навоийшунос тадқиқотчилар ҳамжиҳат ва ҳамфикр ҳолда иш тутиб улуғ шоирнинг ижод олами тадқиқига киришсалар, кўпгина ечимини топмаган муаммо ва жумбоқлар ҳал бўларди. Шунингдек, устоз Навоийшунос олимлар сингари илмга фидойи ва садоқатли бўлиб сусткашликка барҳам берилса, Навоий бобомиз адабий мероси асосини ташкил этган халқни бахтли кўриш, фаровон ҳаёт орзуси ва ўзи яшаган даври билан боғлиқ изтиробли ўй-кечинмаларининг туб моҳиятига етишимиз бир қадар осон кечади деб ўйлайман. Зотан, Навоийнинг асл мақсадини англасак, ҳар бир сўзининг моҳиятига етиш ва мағзини чақиш бахтига муяссар бўламиз.

ШОИРЛАР МУАЛЛИМИ

Алишер Навоий ижодига холис баҳо бериш ва кўп йиллар давомида онг-шууримизда қотиб қолган бирёқлама қарашлардан воз кечишга интилаётган эканмиз, дастлаб ўз вақтида шоир ижодига бевосита таъсир кўрсатган илмий-назарий манбалар бўлганми ёки йўқ деган саволга аниқлик киритишга тўғри келади. Мазкур масалани ҳал этиш орқали шоир асарларининг юксак бадийяти, жозибаси ва латофатини шу даражага олиб чиқишга замин яратган асослардан воқиф бўлинади. Жавобни эса шоирнинг ўз асарларидан излаш ва айрим ўринларда уларга билдирилган муносабат, эътироф ҳамда ишораларни эътибордан қочирмаслик керак. Буни Навоийшунос олимлар кўплаб илмий тадқиқотларида эътироф этмоқдалар. Аммо Навоийшунослигимиз ҳали унчалик аҳамият бермай келаётган, яъни ўта санъаткорлик билан матнга сингдириб юборилган бошқа илмий-назарий асослар ҳам мавжудлиги адабий меросимиз тадқиқи ўлароқ юзага чиқиб қолмоқда. Шоир ғазалларидан бирини:

Навоий назм аро тийғи забонин ўйла сурдиким,
Пичоқ топмас уятдин ўзни ўлдирмоққа Саккокий,

– деб якунлайди.

Атоқли Навоийшунос олим ва шоир Мақсуд Шайхзода 1965 йили «Шарқ юлдузи» журналида босилган «Устоднинг санъатхонасида» туркумининг биринчи мақоласида ушбу байтда тилга олинган Саккокийни аксар Навоийшунослар Мирзо Улуғбек саройида яшаган қасидачи Саккокий билан адаштирганларини билдириб қўйиш мақсадида келтиради. Шоир байтидаги Саккокий ким бўлгани хусусида бироз маълумот бериб, уларнинг хатосини тузатиш билан кифояланади. Мақсуд Шайхзода фикрича, Навоий қасидачи шоир Саккокийни яхши билган бўлса ҳам, бироқ уни ўзига тенг кўриб, ўзи билан мусобақа қиладиган даражадаги шоир сифатида тан олиши мумкин эмас. Навоий байтда гўё Саккокийга нисбатан нописанд қараётгандек, уни менсимаётгандек туюлса-да, аслида, шундайми? Мақсуд Шайхзода қасидачи Саккокийни Навоий даражасига кўтаришга уринганлар даъвоси асоссиз ва қуруқ тахминдан иборатлигини билдиришдан ташқари Навоий билган, ҳурмат қилган ва мусобақага даъват этган Саккокий, аслида, бошқа киши эканлигини исботлаб шундай дейди: «Бу хил устод асрлар давомида шоирларга муаллим ҳисобланиб келган киши Сирожиддин Абуёқуб Юсуф бин Абу Бакр Саккокий (1159 – 1228) деган буюк олим, аслида, хоразмлик бўлиб, «Мифтоҳ ул-улум» (Илмлар калити) номли кўп мўътабар бир китобнинг муаллифидир... Назм усулларининг ҳамма қоидаларини мукаммал билган бир донишманд олдида бадиий ҳунар кўрсатиш, албатта, шоир учун каттароқ шараф саналар эди. Навоий шу ҳолатни кўзда тутган, шу билан бирга, бу машҳур олимнинг асарларидан мукаммал воқиф бўлганини намоён қилган».

Тарих саҳифаларини варақласак, Саккокий тахаллусли ижодкорлар жуда кўп ўтганига кўзимиз тушади. Бу ном арабий бўлиб, кўпроқ пичоқчилик касбини эгалллаган кишилар уни ўзларига тахаллус тариқасида қабул қилганлар. Навоийнинг «пичоқ топмас» дейишида тахаллусга ҳам ишора бор. Тадқиқотчи Роиқ Баҳодиров «Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан» илмий рисоласида «Мафотиҳ ул-улум» (Илмлар калитлари) асарини ёзиб қолдирган олим хусусида анча кенг маълумотлар беради. Лекин у асар жуда кўп илм соҳалари: тарих, фалсафа, мантиқ, тил, тиббиёт ва ҳоказоларни ўз ичига қамраб олгани боис Абуёқуб асаридан тубдан фарқланади. Демак, «Мифтоҳ ул-улум» ҳам тарихда

фақат биргина эмас экан. Адабиётшунос Мақсуд Шайхзода фикрига қараганда, саройда қасида битиб юрган шоирга Навоийдек зот бунчалик эътибор кўрсатиб, унга диққатни жалб этиши ақлга тўғри келмайди. Шоир қасидачи Саккокийга пичинг қилмаганмикан деб ўйлаб қоласиз. Аммо тарих буларнинг барини рад этади. Навоий эътиборига тушган Саккокий ким бўлган ва у қандай қилиб шоир ҳурматини қозонган бўлиши мумкин деган ҳақли савол туғилиши табиий. Аслида, мавлоно Абуёқуб Саккокий улуғ аллома бўлиб, унинг «Мифтоҳ ул-улум» асари араб тилида битилган. У араб тилининг балоғат ва фасоҳати ҳамда поэтика, сарф, наҳв (синтаксис ва морфология), маъно, баён ва бадеъ илми, аруз ва қофия сингари соҳаларни алоҳида-алоҳида бўлимларга ажратиб таърифлаб беради.

Аллома Саккокий араб адабий тили тузилиши ва ундаги сўзларнинг ўзаро муносабатини тадқиқ этиш орқали шу тилнинг фасоҳат ва балоғатини очиб беришга кўп меҳнат сарфлаган. Неча асрлар давомида жуда кўп олимлар мазкур асардан илмий-назарий манба сифатида фойдаланганлар. Ҳозирда асарнинг тошбосма нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида 15182 рақами остида сақланади. «Мифтоҳ ул-улум»га Шарқнинг мўътабар олимлари юксак баҳо берганлар: фасоҳат ва балоғат илмига қизиққан барча зиёли ва талабалар уни тушунишини енгиллаштириш мақсадида шарҳлар битиб қолдирганлар. Жумладан, Амир Темурнинг замондоши Саъдиддин Тафтазоний бу китобни муфассал шарҳлаган.

Булардан кўринадики, Саккокийнинг «Мифтоҳ ул-улум»и анча мураккаб асар. Ҳозирда кўпчилик адабиётшунос ва талабалар илмий манба сифатида фойдаланиб турган «Бадоеъ ус-саноеъ» асари муаллифи Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам Саккокийни «Мифтоҳ соҳиби» деб китобининг жуда кўп ўринларида тилга олиб ўтади ва шеърий санъатларга муносабат билдириш жараёнида унинг фикр-мулоҳазаларига суянади. «Мифтоҳ ул-улум» асаридан XX аср бошларига қадар мусулмон мактаб-мадрасаларида қўлланма ва дарслик ўрнида фойдаланилгани ҳақида шарқшунос олим Е.Э.Бертельс ҳам маълумот беради.

Кўринадики, Саккокий асари бу даражада қадр топишига муҳим сабаб бор. Бинобарин, биз тарихимизга холисона қарашга одатланаётган эканмиз, адабий меросимиздаги ана шунга ўхшаш тадқиқ этилмай турган асарларга мурожаат қилишимиз ва уларни илмий оммага билдиришимиз лозим. Бундан мумтоз адабиётимиз янада янги талқин усуллари билан бойиса, ажаб эмас. Алишер Навоий «Бадоеъ ул-бидоя»дан ўрин олган бир ғазалида ҳам «Мифтоҳ» ва «Мифтоҳ ул-улум»га суяниб ёзилган Муҳаммад Қазвинийнинг «Талхис» деган асарини келтириб ўтгани улуғ шоирнинг бу манбаларга нечоғлик эътибор берганига яна бир далил дейиш мумкин:

Банд этибтур жадал аҳли ишин ишкал андоқ
Ким, не «Мифтоҳ» анга суд қилур, не «Талхис».

Навоий ғазалларида ушбу асарлар номлари учрашининг ўзи ҳам Саккокий асари ва шарҳи унинг эътиборида турганидан далолат. Бу асарларнинг фақатгина Навоий асарлари тадқиқотчилари учун эмас, балки барча тилшунос ва адабиётшуносларимиз учун ҳам фойдали томонлари мавжудлиги асар билан танишгандан кейин янада ойдинлашади. Навоий ушбу илмий асарларни бевосита ўрганган бўлиши керак деган хулосага келишимизга сабаб, шоир битган ғазал ва достонларда Саккокийнинг илмий-назарий қарашлари таъсири сезилиб туради. Ҳозирги кунда адабиётшунослар мажоз ва ҳақиқат масаласида турли-туман фикрларни ўртага ташлаб, турли изоҳлар беришмоқда. «Мифтоҳ ул-улум»да эса мажоз ва ҳақиқат масалалари юзасидан қимматли маълумотларга эга бўлиш

мумкин деб ўйлаймиз.

Хуллас, Саккокий асари билан танишиш натижасида Навоий асарларини тушуниш ва тадқиқ этишда ҳар жиҳатдан фойдали илмий-назарий манбага эга бўламиз, Навоийшунослик бундан фақат ютади. Бу эса ҳазрат Алишер Навоий тилга олган биргина манба, холос.

«ҒУРБАТДА ҒАРИБ...»

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш.

Устозларимиз ўгит берганидек, ҳар қандай бадиий асарни тадқиқ қилишдан олдин асар муаллифи, яъни ижодкорнинг тафаккур олами, дунёқараши, эътиқод тарзи ва ўзига хос табиатини ўрганиш шарт, шундагина унинг ижодини холис баҳолаш мумкин экан. Шу маънода кўп йиллик илмий изланишлардан кейин улуғ бобокалонимиз Алишер Навоийнинг ихчамгина бир асарини тадқиқ ва таҳлил этишга журъат қилдик. Кўпчилик деярли ёд биладиган ва айрим анжуман-тадбирларда такрор-такрор ўқиладиган «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» деб бошланадиган машҳур рубоийга илмий тадқиқотлар ва дарсликларда шарҳлар берилиб, унинг яратилиш тарихига тўхталиб ўтилган, моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган. Уларда, асосан, рубоийнинг зоҳирий маъноси билан кифояланиш натижасида юзаки ҳамда бирёқлама хулоса чиқарилиб, шоир назарда тутган асл мақсад очилмай қолавергандек, назаримда.

Мактаб ёшидан биламизки, Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий қадрдон дўст бўлишган ва устозлари Абулқосим Бобур ҳузурида таҳсил олишган. Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтини эгаллагандан кейин Алишер Навоийнинг нуфузи ва обрў-эътибори янада ошиб, саройда муҳрдор ва вазир лавозимларида ишлайди. Манбаларда айтилишича, айрим «реакцион гуруҳ»ларнинг ҳасад ва адовати туфайли Навоий саройдан четлатилиб, Хуросоннинг чекка вилояти – Астрободга сургун қилинган. Шу воқеа сабаб устоз ва ёру дўстларидан узоқда яшаб турган шоир мазкур рубоийни битганига ҳужжат-далил келтирилади. Бир жиҳатдан қаралса, бу фикрда ҳам асос йўқ эмасдек. Дастлаб саройда нуфузли лавозимларда ишлаб, шоҳ назаридан – қолиб Астрободга сургун қилинса, бу ҳол ижодкор руҳиятига таъсир ўтказмаслиги мумкин эмас. Навоийдек нозиктаъб шоир дўсти билан ораси бузилгани туфайли сарой мансабидан маҳрум этилишига бефарқ қарамагандир. Шу боис ўз вақтида мазкур рубоийда шахс эрки, ватан муҳаббати, ватанпарварлик ва эрксеварлик ғоялари акс эттирилганига кўп урғу берилган. Навоийшунос Иброҳим Ҳаққул бир ўринда рубоийни бундай йўсинда талқин қилиш нотўғрилигини пайқаб, уни жуда жўн ва юзаки тушунтириш муддаони ҳал этмаслигини, эскича, яъни шўро мафкураси ва сиёсати талаблари асосида талқин қилиш мутлақо яроқсизлигини таъкидлайди. Аслида, ҳам оддий ва соддадек кўринган рубоий матни ва моҳиятини тўғри тушуниш учун гапни узоқроқдан бошлашга тўғри келади. Қолаверса, Навоийдек улкан қалб эгаси кимларгадир тиш қайраб, аламзадалик билан рубоий битганида ушбу рубоий ўз асридан нарига ўтмаслиги мумкин эди.

Дастлаб мазкур рубоийдаги **ғурбат ва ғариб** истилоҳларининг маъно-моҳиятига теранроқ назар солинса, муддаога етиш осонлашади. Чунки рубоийнинг бутун моҳияти ва ғоявий мазмуни шу икки истилоҳ асосига қурилган десак, муболаға бўлмайди. Шоирлар султони дея улуғланган Алишер Навоий ҳар бир сўзни ўз ўрнида ва исроф қилмасдан

қўллаши шубҳа туғдирмайди, шунингдек, ҳар бир сўзни назм ипига дурдек тизиб, ортиқча мулоҳазага ўрин ҳам қолдирмайди. Бу хусусда Навоийшунос олимлар ўз тадқиқот ишларида кўп ёзганлар. Мумтоз адабиётимизда соқий, май, майхона, харобот, юз, кўз, ораз ва бошқа шу каби сўзлар луғавий маъносидан ташқари рамзий-тимсолий истилоҳ сифатида қўлланган. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, мазкур рубоийдаги ғурбат, ғариб, эл, қафас, булбул ва гул каби сўзларнинг зоҳирий маъноси билан чекланилса, асл мақсад очилмайди ва нотўғри хулоса чиқариб қўйиш мумкин.

«Навоий асарлари луғати»да **ғариб** сўзи икки маъноли бўлиб, бири *мусофир, бошқа жойдан келган, кимсасиз,* иккинчиси *ажойиб, қизиқ, камёб* маъноларини билдиради. **Ғурбат** сўзининг *ғариблик, кимсасизлик, мусофирлик ва ўз ватанидан узоқда қолиш* каби маънолари мавжудлиги келтирилган. Дастлаб шу икки истилоҳнинг қайси маънода қўлланган аниқлаб олинса, рубоийда ифодаланган маъно қатламига кириш ўқувчига машаққат туғдирмайди. Луғатда келтирилган ғариб ва ғурбат истилоҳини бир юртдан бошқа юртга бориб яшаётган мусофир ва бегона маъносида тушуниш тўғри эмас. Демак, ғариб сўзининг юзаки, яъни луғавий маъноси билан чекланилса, шоир томонидан санъаткорона тарзда устига парда тортилган маъно дурини қўлга киритиб бўлмайди.

«Маҳбуб ул-қулуб» асаридаги бир танбеҳда яхшилик ва ёмонлик ҳақида сўз борганда: «Одам била шайтон мухолифатин унутма. Ота душманин ўзунгга дўст тутма. Отангни биҳиштдек маъманидин жало қилди ва йиллар *хокдон ғарибистонида* залил ва мубтало қилди. Ва отанг авлодидин баъзи анга интиқом туздилар ва хору забун қилиб жафолар кўргуздилар. Нафсни чу тақво риёзати била зеридаст қилдилар – шайтонни залиллиқ била ерга паст қилдилар. Сизнинг адоватингиз ҳаргиз адам бўлмас. Бу душманлиқ орангиздан ҳаргиз кам бўлмас. Бу ғолиб душмандин бир дам ғофил қолма, ўчиролмас исён ўтин ўз хирманингға урма», – дея одам фарзандлари огоҳлантирилган. Мазкур танбеҳдаги «одам» ва «ота» ким ва нега шайтон билан душман тутинади деган саволга жавоб бериш учун диний-тасаввуфий манбаларга мурожаат қилишга тўғри келади. Одам, аслида, Одам Ато бўлиб, унинг жаннатдан ер – хокдон ғарибистонига – бадарға бўлиб, меҳнат-машаққат, хорликка мубтало этилиши бу дунё яралиши ва унинг ибтидосига бориб тақалади. Одам Ато биҳиштдек маъман – роҳат-фароғат, омонлик-тинч макондан бу дунёга қувғин қилингани «Ғурбатда ғариб...» рубоийсининг етакчи мотиви, инсонга бу фоний оламга бошқа оламдан келган мусофир ва ғариб деб қаралади. Жаннат – асл ватан, хокдон ғарибистон – ер юзи, яъни фоний макон. «Фарҳод ва Ширин» достонида: «Муни маъман дема, дегил харобе, Муни маскан дема, дегил ҳубобе», – дейилганда айнан ер юзи назарда тутилган. Одам Атонинг Парвардигори олам назаридан қолиб беҳиштдаги нозу неъмат ва хотиржам ҳаётдан бу дунёга тушиши бир ғариб кимсанинг ғурбатхонага келиб қолишини эслатади. Мазкур рубоийда одамзод тарихининг ибтидо ва интиҳоси, бу дунёнинг роҳат-фароғати ва завқ-шавқи муваққатлиги учун уни ғурбатхона, ўзини эса ғариб деб аташига ишора қилинмоқда, ғурбатда шодмон бўлмасликнинг асл сабаби ҳам шу. Фарҳод ўз тилида: «Менинг ишқ эрмиш аввалдин сариштим, Яна ғурбатда ўлмак сарнавиштим», – деганида шунга уйқаш маъно тушунилади. Сарнавишт олдиндан белгиланган, тақдир маъносини берса, сарришта ипнинг учи, баҳона ва сабабчи маъносида. Мўътабар манбаларда Одам Ато ва Момо Ҳавво ман этилган жаннат дарахти мевасидан олиб еганлари учун қувғинга учраб, ер юзида яшайдиган илк ғариб инсонга айланишади. «Лисон ут-тайр» достонида Одам алайҳиссаломнинг юзи гуноҳ ва исён билан қора бўлган ҳолда жаннатдан ҳайдалиб, Ҳиндистон мулкига ғариб бир аҳволда келиб тушгани келтирилган. Қолаверса, бу ғурбат жой биргина Одам Атога эмас, балки унинг авлодларига ҳам мерос бўлиб ўтади. То қиёматга қадар Одам Ато ва Момо Ҳавводан тарқалган авлодлар ер юзи – хокдон ғарибистонни

манзил тутиб, дунёга келган ҳар бир инсон ғарибликда ғурбат аччиғини тотиши, азоб-уқубатини чекиши тақдирга битилган. Аммо яна аслий ватанга бориш учун шайтони лаънинни душман тутиб, унинг ҳийла-найрангига алданмасдан ҳаёт кечириш керак экан. Бу дунё қўналға, мусофирхона, ғурбатхона дея қаралгани сабаб, одамзод унда абадий яшаб қололмаслиги ва албатта, бу дунё сафари бир кун ниҳоя топишини билдиради. Алишер Навоий бир ғазалида:

Ғурбат ичра йиғлар эрдим истабон ёру диёр,
Чунки топтим истамак ғурбат эрур беҳад ғариб, –

деганида ҳам бир ўқишда ватанидан қувғинга учраб, қаттиқ қайғуга ботган кимсанинг ҳолати тушунилиши табиий. Аммо ундаги ғурбат, ёру диёр ва ғариб маъноларига юзаки ёндашилса, байтнинг моҳиятини англаб бўлмайди. Дин тарихида пайғамбарлар, валий ва аллома зотлар бу дунёнинг ўткинчи эканини, унга кўнгил боғлаб бўлмаслигини ҳамда бир зумда елдек ўтиб кетишини таъкидлаб, ундан ўзларини тортганлар. Оддий қилиб айтадиган бўлсак, нотинч ва уруш-жанжал кўпайган жойни халқимиз ғурбатхона дейди. Бировнинг уйида ҳар куни нотинчлик бўлиб, уруш-жанжал, тўс-тўполон чиқаверса, ғурбатхона бўлибди, у ерга борма деб айтишади. Навоий бу дунёни ғурбат деб атаганида оддий халқ тилидаги шу маънони ҳам эътибордан соқит қилмаган. Жалолиддин Румийнинг «Маънавийи маснавий» муқаддимасида найнинг қамишзордан кесиб олинганидан кейин оҳу нола чекишига ўз оламидан жудо бўлиб ғарибга айланиши сабаб сифатида кўрсатилади. Шу боис най ўз ватанидан айрилиб, дунё ғурбатхонасига тушганига оҳу фиғон тортади, қалбларга ғам-қайғу улашади. Най инсон руҳи, у руҳлар оламидан бу дунёга келтирилди, яна ўша оламга қайтиб бориши даркор. Найнинг ғариблик ҳолати билан таҳлил қилинаётган рубоийдаги ғариблик муштарак маъно касб этади.

«Маҳбуб ул-қулуб» асаридаги яна бир танбеҳда: «Ҳар ким адам ниҳонхонасидин вужуд анжуманиға қадам урубтур ва бу бақосиз оромгоҳда бир нафас ўлтурубтур, яна қайтиб асли ватаниға азм этмак керак ва қайдин келибдур, яна ул ён кетмак керак», – дейилганида бақосиз оромгоҳ билан олдинроқ келтирилган танбеҳдаги хокдон ғарибистон бир маънони беради, асл ватан эса яна Одам Ато ва Момо Ҳавво маскан тутган, бир муддат яшаган жаннатдир. Рубоийда келтирилган ғурбат – бу дунё, унга келган одам ғариб ҳисобланса, бу ғурбатда ғарибликни ҳис этган киши шод-хуррам бўлолмаслиги аниқ, қолаверса, эл – олам аҳли ҳам, бир-бирига адоватда яшайди, низолашади, талашади-тортишади. Инсоният тарихида Одам Ато бу дунёга келган илк ғариб инсондир. Одам фарзандларига ғариблик Одам Атодан мерос, меҳнат-машаққат, дард-оғриқ, жабру ситам чекиладиган жой ғурбат. Аммо шу ғурбат жойда азалий меросни унутиб, беш кунлик дунё, яъни ғурбатни ўзига шод-хуррамлик макони деб билган киши адашади. Рубоийда келтирилган ғурбатдаги ғариб кишининг шодмон бўлолмаслиги, дарсликларда айтилганидек, эрк туйғуси ва ватанидан узоқда бўлиш, бегона элда шод-хуррам бўлолмаслиги эмас, ғайб оламидан ерга туширилган одамзод қавмини билдиради. Яна мазкур рубоийнниг охирги радифи «эмиш» билан тугалланганига аҳамият беринг. «Экан» дегандан «эмиш» радифи билан тугаллаш – бу дунё ибтидоси ва интиҳоси чексиз эканлиги боис – бу жараёнга маҳобатли тус берилади. Қолаверса, бу ғурбат жойда неча минг йиллардан бери нафси учун қон тўкиб, разолат ва қабоҳат ботқоғига ботганлар, аслида, ўзлиги, асл ватани, яъни қаердан келганини унутиб яшаётган «эл»дир. Олам аҳли бу дунёда ғариб эканини ҳис этмаса, вақтинча яшаб турган жойини ғурбат деб билмаса, бир-бирларига озор етказади, бир-бирининг ҳақини ейди, ҳасад ва душманлик қилиб, бир-бирига мушфиқ ва меҳрибон бўлолмайди. Бу дунё ҳаёти

ўткинчи, бири кетса, ўрнига яна бошқаси келаверади. Шу тариқа ҳаёт давом этиб, ҳеч қачон интиҳоси йўқдек таассурот қолдиради. Бироқ озгина яшаб ўлим аччиғини тотадиган киши бу дунё ҳаёти абадий эканига ишонадими? Шуни англаб яшаган киши, албатта, бу дунёда ўзини ғариб ва бегона ҳис этади, ҳаёт ва ўлим моҳиятини англаб етади, бу дунёнинг ўткинчи матоҳи ва орзу-ҳавасларига қул бўлмайди. Шу боис Фарҳод ва Мажнун ўзини бу дунёда ғариб ва танҳо деб билади, ўзини тушунмайдиган «эл»дан узоқлашишга мажбур бўлади, ҳайвонлар билан улфат тутинади. Фарҳод бир ўринда ўзини заиф, нотавон, ғариб, ошиқ, бехонумон дея атагани ҳам бежиз эмас. Навоий рубоийда ғурбат ва ғариблик деганда бу дунёнинг муваққат, ғурбат жойда қолиш, хурсандлик унга татимаслиги ва бу олам завқ-шавқидан ортиқча хурсанд бўлолмаслигини оддий ва содда тарзда тушунтирмоқда. Чунки бу дунёда муҳайё этилган лаззат ва роҳатлардан тотган инсон бу роҳат ва лаззатларнинг бир кун бориб тугашини кўз олдига келтириши билан ҳафсаласи пир бўлади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, рубоийнинг олдинги икки байти билан кейинги икки байти ўртасида мантиқий боғланиш бузилгандек кўринса-да, аммо унинг маъно-моҳиятига етиб бориш орқали шоир маҳорати юксак эканига амин бўламиз. Мумтоз адабиётимизда булбул ва гул ошиқ билан маъшуқа тимсоли сифатида оддий ҳамда кўчма маънода қўлланиши кўп учрайди. Гул маъшуқа маъносини беришдан ташқари роҳат, май қуйиб берувчи, дунё ва моддий лаззат, баҳор, жон, май, тахт деган бир қанча маъноларда ҳам истифода этилади. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ: «Бу жасадлар қушларнинг қафасидир, ҳайвонларга ноғорадир. Нафсинг ҳақида тафаккур қил. Эй сен кимса, агар улуғ қушлардан бўлсанг, ноғора садосин эшитган заҳоти Роббингга қайт», – деган. Навоий қафас, булбул ва гул истилоҳларини келтириш орқали ғариблик мақомида туриш ҳолатини чизиб кўрсатмоқда. Чунки қафасга тушган булбул қандай қилиб яшнаб-очилиб ўзига жалб этиб турганига қарамасдан бир куни сўлиб заволга учрайдиган гулга кўнгил боғлайди? Бу дунё бебақо бўлса-ю, ундаги гулга муҳаббат изҳор этиши ва унинг муҳаббатига маҳлиё бўлиши мумкинми? Бу дунё қанча безатиб-зийнатлаб кўрсатилмасин, барибир, асл ватан – жаннатнинг оддий гиёҳига ҳам арзимайди.

Айтишларича, булбул кундузи гулзорда очилган гулга парвона бўлиб, унинг ишқида куйиб-ёнади, хониш этади. Кеч тушган заҳоти тиканзордаги чакалакка бориб инида тонг оттирар экан. Айнан биз тилга олган мавзуда Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достонида булбул гулнинг ишқи менга кифоя этади дейилади. Ҳудҳуд уни суратга бандиликда айблайди. Гул ушбу ўринда дунё тимсоли маъносида келтирилган. Рўзбеҳон Буҳлий Шерозийнинг «Шарҳи шатаҳиёт» асарида руҳ булбул тимсоли, Саййид Жаъфар Сажжодийнинг «Фаранги истилоҳоти ирфоний»да қафасни инсон жасади, нафси аммора ва дунё тимсоли деб келтиради. Хожа Абдуллоҳ Ансорий «Кашф ул-асрор»ида қафас жисм, омонат жон, қуш унинг қанотидир, гул соликнинг кўнгли, маърифат олами сари очилишидир, соликка Ҳақ таоло иноятининг тавфиқи берилиши тимсолидир дейди. Мавлоно Хароботий: «Умрни билғил ғанимат ҳар нафас, Руҳ бир қушдирки, тан гўё қафас», – деганида ҳам биз назарда тутган маъно очиқ-равшан баён этилган.

Умуман олганда, Алишер Навоий ўз асарларида муайян шахс ва замондан шикоятини ўз ижодининг асосий ғоясига айлантирганида, асарлари ўша даврдан узоқларга парвоз қилолмасди. Кўпроқ инсоният тақдири ва қисматига битилган оғриқ-азобларни ўйлаб изтироб чеккани боис шоир асарларидаги ғоя ва қарашлар умумбашарий маъно-мазмун касб этиб асрлар оша яшаб келмоқда, улуғ ва юксак қарашлар билан суғорилганидан уларни тушунишда мураккаблик юзага келиши табиий.

КОМИЛЛИК МАҚОМИ

Камол эт касбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Бир қарашда, мазкур қитъанинг мазмун-моҳиятини тушунишда мураккаблик йўқдек. Зоҳиран олганда, Алишер Навоий панд-насиҳат сифатида бу дунёда яшашдан мақсад комилликка интилиш ва чин инсоний хулқ-атворни шакллантиришни вазифа қилиб қўяётгандек. Бу оламга келган инсон дастлаб ота-онаси парваришида бўлиб, меҳр-муҳаббати ва ардоғида вояга етади. Қуш уясида кўрганини қилади деган халқ мақоли бежиз айтилмаган. Чунки ота-она қандай инсон бўлса, оилада ўсиб-улғайган бола ҳам улар тарбияси ва таълимини ўзлаштиради. Муайян маънода яхши ё ёмон томонга ўзгаради. Аммо бу инсон учун етарли эмас. Бора-бора бу оламни ўзи идрок этиб, ақл-фаросати билан таниш йўлини тутади. Энди у бир устоз ва мураббийга муҳтожлик сезади. Устоз ва мураббий ўз билим даражаси, савиясига суянган ҳолда ақли тўлишган боланинг қизиқишига қараб олам ҳамда борлиқ сирларидан воқиф этади. Аммо айтиб ўтилганлар камолот касб этишда дастлабки мартаба ва даража, холос. Шуни аниқлаб олиш лозимки, мазкур қитъада Навоий назарда тутган комиллик мақоми нима-ю, унинг даражаси қандай? Мўътабар манбаларга мурожаат қилсак, инсонийлик мақоми пастки ва юқори мақом – ҳайвонийлик ва малакийлик мақоми ўртасида жойлашганини англаймиз. Агар инсон қалби ва руҳини поклаш йўлини тутса, малакийлик мақомига қараб юксалиб боради. Мабодо қалби ва руҳини покламаса, омонат умрини фақат айш-ишрат ва роҳат-фароғатда яшаб ўтишга сарфласа, ўз-ўзидан ҳайвонийлик мақомига тушади. Мазкур қитъадан кўзланган, мақсадни очиб беришда ана шу жиҳатни аниқлаб олиш керак.

Қитъа дарслик ва қўлланмаларда келтирилиб, ўз вақтида Навоийшунос олимлар томонидан шарҳланган. Жумладан, Иброҳим Ҳаққул «Камол эт касбким…» деб номланган мўъжаз рисоласида унга батафсил тўхталиб, шундай фикрни билдириб ўтади: «Киши ўзини ҳирс, тама, нафс, ғафлат, нодонлик сингари майлларидан покламаса, у ҳеч пайт комил бўлолмайди. Комиллик учун улкан инсоний қалб, уни нурлантирувчи сўнмас ишқ ва кенг қамровли тафаккур зарур. Буларсиз маънавий-руҳий мукаммаллик ва ақлий балоғат хусусида сўз айтиш мумкин эмас». Шу фикр-мулоҳазаларни давом эттирган ҳолда қўшимча қилиш мумкинки, камолотга мавҳум нарса деб қарамаслик керак. Комиллик инсон забт этиши мушкул ҳисобланган хаёлий чўққи ҳам эмас. Аммо инсон зотига шу чўққини забт этиш ва бутун куч-қувватию салоҳиятини шунга қаратиш тақдир қилинган. Оддийроқ тушунтирадиган бўлсак, одамзоднинг комилликка эришиши худди талаба топширадиган синов-имтиҳонга ўхшайди. Кимдир бу имтиҳонни муваффақиятли топширса, кимдир яхши тайёргарлик кўрмаганидан синовдан йиқилади. Бунинг учун унга муайян вақт, имконият, куч-қувват ва қобилият ато этилган. Инсон умри ва ҳаёти, унга ато этилган улуғ неъмат ва бошқа имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бироқ мазкур имкониятдан оқилона фойдаланмас экан, бу олам уйидан «ғамнок» ҳолда чиқиши тайин. Бу, ақли расо инсон наздида, катта ютқизиқ эмасми?

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида инсоний комиллик мақомига қай тарзда кўтарилиб бориш тасвирлари асосий ўрин тутади. Фарҳод муайян илм, касб-ҳунар

эгаллаши ва бу йўлда анча машаққат чекиши самараси ўлароқ инсоний комиллик касб этганини Навоий шундай таърифлайди:

Қуёш янглиғ ёруғ раъйи мунири,
Вале андин ёруқ мофиззамири.

Ваҳоланки, бу илм, касб-ҳунар ва машаққатлар унинг комиллик мақомига кўтарилишида восита бўлиб хизмат қилганини унутмаслик керак. Фарҳод ўзи эгаллаган илм ва касб-ҳунарлар доирасида чекланиб қолган эмас. У муайян илм ва маҳорат ҳосил қилгандан кейин комиллик пиллапояларидан янада юксалишга қасд айлайди ҳамда ўзи етиб келган комиллик мартабасидан қониқиш ҳис этмайди. Устози Суқрот таълимини олиб, Юнон сафарига отланади, бу сафари чоғида тўсиқ ва ғов бўлиб турган аждаҳо, Аҳриман дев, темир пайкарларни маҳв этиб комиллик чўққиси сари илгарилаш учун ўзига йўл очади. Натижада басират – қалб кўзи очилиб, бу олам ва борлиқни олдингига нисбатан бошқача идрок этади, унинг сир ва жумбоқлари моҳиятини англайди. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳод образи орқали комиллик даражаси ва мартабаларини бадиий бўёқ ҳамда тимсоллар воситасида маҳорат билан тасвирлаб берган.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, мазкур қитъа мўъжаз ва оддийдек кўринса-да, аммо жуда катта салмоқ ва қамровга эга. Навоий одамзод ақли ва тафаккурига хитоб қилган ҳолда унинг қаршисида икки йўл, яъни покланиш ёки покланмаслик масаласига жиддий қараш кераклигини уқтирмоқда. «Лайли ва Мажнун» достонида Мажнуннинг изтироби ва дардчил нолаларига аҳамият берилса, нафсини поклай олмасликдан қийналиши, бунинг учун етарли даражада ҳаракат қилмаётганидан зорланиш ва арз-шикоят кўзга ташланади. Агар теранроқ назар ташланса, Навоий Мажнун образи мисолида комиллик мақомига кўтарилиш осон эмаслиги ва бу йўлда дуч келинадиган тўсиқ ҳамда ғовларни бирма-бир, босқичма-босқич чизиб кўрсатади. Мажнун хатти-ҳаракати, атрофидаги одамларга бепарво ва лоқайдлиги «пессимистлик» туфайли юзага келмаган, балки одамзод эгаллаши лозим бўлган комиллик чўққисини забт этишга қаратилган. Ҳатто саҳрога бориб, у ерда ваҳший ва ёввойи ҳайвонлар билан улфат тутинади. Чунки ҳайвонлар Мажнун қалби ва дилига озор етказмайди, уни маломат қилмайди, янаям тўғрироғи, комиллик сари интилишига халақит бермайди. Чунки Мажнун бу оламдан «ғамнок» ҳолда чиқиш қай даражада оғир эканини теран англайди. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсак, Фарҳод ва Мажнун умумлашма ҳамда тўқима образлардир. Бу олам яралганидан бери инсоният камолот чўққисини забт этишга интилади, аммо улардан қанчадан қанчаси бу йўлнинг дастлабки довонида, қанчадан қанчаси ўртасида қолиб кетган. Шу маънода Фарҳод ва Мажнун инсонларга юксак намуна ва ибрат. Шу вақтга қадар ҳеч ким, ҳатто пайғамбар ва авлиё зотлар ҳам оламга келиб комиллик чўққисини забт этганини даъво қилишмаган. Бу комиллик сари интилиб яшашдан фойда йўқ дегани эмас. Чунки ҳамма амаллар натижаси ва самараси бу оламда ҳал бўлмайди. Шу боис бу оламда яшаган инсон худди ҳаммомга кириб, ювиниб покланмасдан чиққан кишидек комиллик сари интилмай, яъни лоақал ўзининг одам эканлигини англамай ҳаёт кечириб, бир куни афсус-надомат билан кетиши ақлга сиғадими?

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Навоий ушбу қитъада одамзод мақсади ва диққат-эътиборини улуғ мақом ҳамда даражани эгаллашга қаратиб, бу оламдан ўтмасдан олдин ўз табиати ва ахлоқини турли иллату ярамас феъл-атвордан поклаб олиш кераклиги ҳақида огоҳлантирмоқда. Аммо покланмаслик ёки уларга эътибор бермасдан яшаш, аслида, ҳаммомга ювиниб, покланиб олиш мақсадида кириб, лекин ундан ювиниб-покланмасдан

чиқиш билан баробар. Бу руҳий-маънавий покланиш йўли демакдир. Мазкур қитъа ана шу покланиш жараёни ва босқичини жуда содда ҳамда лўнда қилиб ўқувчига тушунтириб бермоқда.

ДУНЁ АРУСИ

Ўйла, ғарқи майдурурлар халқ бу дайр ичраким,
Шарънинг айнул ҳаётидин асар мафҳум эмас.
Бу сифатким, баҳрнинг аччиқ суйида баъзи эл
Топилур дерлар чучук сув ҳам, вале маълум эмас.

Алишер Навоий ўзининг нафақат йирик асарлари, балки ҳажман кичик деб қаралган рубоий, қитъа, туюқ ва фард каби шеърларида ҳам катта маъно-мазмунни ифодалаб бериш маҳоратини эгаллаган донишманд шоирдир. Сиртдан қараганда, тушунишда муаммо йўқдек кўринган мазкур қитъада макон ва замон жиҳатидан катта қамров мавжудлигини пайқаш қийин эмас. Илк сатрда келтирилган халқ муайян ҳудудда яшайдиган аҳолига нисбатан қўлланган эмас, балки Парвардигори олам назаридан қолиб жаннатдан бадарға этилган Одам Ато ва Момо Ҳавводан тарқалиб, қиёматга қадар ер юзида яшаб ўтадиган бани башар тушунилади. Дайр – шу олам ва дунё. Унинг майхона деган маъноси ҳам бор. Аммо ғарқи май бўлишни қандай тушуниш керак? Бутун халқни май ичиш, кайфу сафога берилган десак, бундай маъно чиқмаслиги аниқ. Жалолиддин Румий бу дунё ғафлат билан қоимдир, ғафлатсиз бу оламдан асар ҳам қолмайди дейди. Илоҳий раҳмат тариқасида ато этилган шу ғафлат туфайли халқ дунё лаззати ва роҳатига майга ғарқ бўлгандек ғарқ бўлади. Чунки бу дунё роҳати ва лаззати одамзод нафсига қаратилган, нафс худди она кўкрагига ёпишган боладек бу дунё лаззати ва роҳатидан воз кечишни асло истамайди. Шуниси қизиққи, дунё лаззат ва роҳатига эришиш мақсадида одамзод йўлида учрайдиган ҳар қандай азоб-уқубат, машаққат ва ранж-аламни енгиб ўтишга енг шимариб ишга киришади. Шу ғафлат мавжуд эканки, дунё лаззати ва роҳати одамзодни май каби ўзига асир этади. Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган: «Дунёнинг турган-битгани ғамдир. Ундаги хурсандчиликлар худди шамолга ўхшайди». Холид ибн Сафвон деган зот шундай дебди: «Туни билан хаёл суриб, орзу қилиб чиқдим, яшил денгиз ва қизил тиллоларни қўлга киритсам дедим. Ваҳоланки, менга икки дона кулча, икки кўза сув ва иккита жулдур кийимнинг ўзи етарли экан».

Мумтоз адабиётимизда дунёни даҳр золи, дунё аруси, париваш ва жаҳон шўхи деган бир қанча атамалар билан атаб келишади. Навоий бир таржиъбандида дунёни чиройли ва гўзал келин тимсолида тасвирлаб, у пиёлага шароб қуйиб одамзод ақлу ҳушини олиш орқали инсон танасидаги руҳ тўтисини овлашни ният қилишини келтириб ўтади. Бироқ бу келин тутган пиёлада, аслида, май мавжуд эмаслигини кўпчилик англаб етмайди:

Жаҳон нўши аро қилмиш ниҳон заҳр,
Сен они нўш этарсен ўйлаким қанд.
Топиб лаззатким, айларсен табассум,
Эрур ул заҳарханд, эрмас шакарханд.

Тасаввуфий истилоҳда май ва шароб оддий ичимлик маъносидан ташқари дунё роҳати ва лаззати, маънавий қувват манбаи каби бир қанча рамзий маъноларда қўлланади. «Фарҳод

ва Ширин» достонида қаҳрамон ўз йўлида учраган нафс аждаҳоси, Аҳриман дев ва темир пайкарни енгиб ўтганидан кейин Ширин висолига етишади ҳамда дунё унга асл қиёфаси ҳамда суратида кўринади. Достонда талқин этилган ялмоғиз кампир, аслида, дунё арусидир. Нафсоний поклик мақомига кўтарилган киши уни асл қиёфасида кўришга муяссар бўлади.

Иккинчи мисрадаги шаръ шариат сўзининг қисқа шаклидир. Шариатнинг айнул ҳаёт, яъни ҳаёт булоғи ва чашмасига қиёсланиши бежиз эмас. Шариат одамзодни дунё лаззати ва роҳатига ғарқ бўлиш, ризқ-насиба топиш борасида ҳаддан ошмаслик ҳамда ҳар кунги эҳтиёжи ва кифоя даражасидан ортиғини муҳтожларга бериш, ортиқча дунёни қўлида тутиб турмасликка буюриб, шунга даъват этади. Аммо одамзод бунга қулоқ тутмайди, ҳаддидан ошиб шариат аҳкомлари, таклифларига амал қилишдан нафс ва шайтон уни буриб туради. Шу маънода айтадиган бўлсак, шариат айнул ҳаёт маъносини беради, бироқ унинг айнул ҳаёт экани халққа тушунарли эмас. Шариатнинг асл ҳикмати ва сирини фақат етук, комил ақл эгаларигина тўғри англайдилар. Дунёга алданиб, унинг майига ғарқ бўлишдан фақат шариат қутқаради, одамзодга мол-дунё билан муносабатни ўргатади, нафс ва шайтоннинг ҳийла-найрангларига алданиб қолишдан огоҳлантиради. Шу боис бу дунёнинг шўр ва аччиқ сувига нисбатан қиёсланганда шариат ҳаёт булоғидек таассурот қолдиради.

Денгиз суви аччиқ ва шўр. Олисдан зангори ва мовий рангда жилваланиб, кўз олдимизда товланиб гавдаланса-да, аммо ундан ичган киши ташналиги ва чанқоғидан халос бўлмайди, балки бадтар чанқатади, дунё лаззати ва роҳати ҳам денгизнинг шўр, аччиқ сувига бежиз ўхшатилмаган. Донишмандлардан бири шундай деган: «Дунё чанқоқни қондирмайди, эгасига вафо қилмайди, фитнадан холи бўлмайди, машаққатдан аримайди. Дунё юз ўгиришидан олдин сен ундан юз ўгир, сени алмаштирмасдан олдин сен уни алмаштир. Чунки унинг неъматлари кўчиб юради, ҳолатлари ўзгариб туради ва тақиқланган лаззатлардан ҳосил бўлган гуноҳлар қолади».

Навоий сўзига кўра, «баъзи эл» – шўр сувдан чанқоғи қонмаган одам чучук сувни қидириб, ўзини ҳолдан тойдиради, чунки унда чучук сув, дунё дунё бўлибдики, топилган эмас, бу мақсад йўлида қанча-қанча умрлар бой берилган, холос. Шу боис пайғамбарлар, набийлар, валийлар ва донишмандлар бу дунёнинг айёр, маккорлигини эътироф этиб, ундан фақат ўз ҳожати ва эҳтиёжига ярашани олиш билан кифояланиш энг маъқул йўл деганлар. Бир муддат қўниб ўтиладиган работдек бу дунё одамзодни шу тариқа алдайди, ўз навбатида, одамзод ҳам нафс ва шайтон ундови оқибатида алданганини билмасдан ёруғ оламни тарк этади.

Навоий бобомиз ўқувчини ана шу тариқа алданиб, қимматли умрни бой бермаслик ва унинг ҳар бир дақиқасини бу алдовдан холи тарзда ўтказишга чақирмоқда.

«ФАРҲОД ВА ШИРИН» ШАРҲИ ОЛДИДАН

Шарқ адабиётидаги анъанага мувофиқ ҳолда Алишер Навоий мазкур асарга қўл уришдан олдин илк бобда олам ва борлиқни йўқдан мавжуд этган Парвардигори оламга ҳамд айтиб, Ундан «маъно эшиклари»ни очишни сўрайди. Шунингдек, олдинда турган асарнинг нечоғлик мураккаб ва нодир эканини ёдда тутган ҳолда унга қўл уриш осон эмаслигини ҳис этгани учун Яратгандан унга муяссар этишини ва бу йўлда Ўзи қўллашини илтижо сўрайди:

Очиб ул ганж қулфин бу калидим,
Насибим айла неки бор умидим.

Иккинчи бобда бевосита бу олам ва борлиқ яратилиши, инсоннинг адам мулкидан бу оламга келиши, ҳаёт, ўлим ва бу дунёда яшашдан мақсад деган абадий саволларга жавоб қидиради ҳамда инсон зотига берилган ишқ моҳият-мазмуни ва талқини билан таништиришга ўтади:

Ки инсон кўнглин этти гулшани ишқ,
Бу гулшаннинг ҳаримин маҳзани ишқ.

Навоий бу ўринда ишқ-муҳаббат деганда кўникма ҳосил қилиб, ўрганиб қолганимиздек тор маънода тушуниб, уни тор маънода тушунтирмайди. Инсон кўнглини ишқ гулзорига айлантирган зот буни бир мақсад асосида яратди. Инсон зотига, бошқа махлуқларидан фарқли равишда, ишқ-муҳаббат ато этди, ишқ-муҳаббат дардида изтироб ва ташвиш чекиш қийноғини берди. Бирон-бир мавжудот бунга муяссар этилмаганида илоҳий ҳикмат мавжудлигини унутмаслик керак. Шунинг баробарида ишқ-муҳаббат деганда фақат нафсоний маънода тушунилган инсоний ошиқ-маъшуқликнигина тушунмаслик керак. Бу ўринда ишқ-муҳаббат «Маҳбуб ул-қулуб» асарида баён этилган авом, хослар ва сиддиқлар ишқи турларини тўлиғича қамраб олади. Ҳар учала ишқ тури ҳам инсон дунёга келадиган бир қатра нутфа ичига жойланган. Инсон дунёга келганидан кейин бутун умри давомида ана шу ишқ мартабаларидан юқорилаб бориш ва ундан кўзда тутилган мақсадга эришиш тақдир этилган.

«Фарҳод ва Ширин» достонида инсоний севги-муҳаббат тараннум этилгани, икки ёшнинг бир-бирига етиша олмай, тақдирлари фожиали якун топгани асар матнидан келиб чиқадиган асосий хулоса сифатидаги қарашлар устувор бўлиб келди. Зоҳиран қараганда ҳам Алишер Навоийнинг асл мақсад-муддаоси шундай бўлганига ўқувчида шубҳа туғилмайди. Афсона асосига қурилган севги-муҳаббат баёни, икки қалбнинг изтироблари ва ҳижрон қийноғига бағишланган гўзал поэтик тасвирлар шундай таассурот уйғотиши табиийдир. Аслида-чи? Масалага холис ва теранроқ ёндашилса, бундан бошқача ҳолат юзага чиқади.

Бу рангин сафҳа, балким дард боғи,
Аён ҳар лоласида ишқ доғи.

Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари бадиий тасвирида ишқ ва дарднинг тавсиф-талқини кишини ҳайратлантиради. Фарҳод туғилмасидан илгари «дард боғи ғунчаси ва бало чамани шукуфаси» дейиш орқали шоир Фарҳод образида дард тимсолига айлантиришини, ҳаёт ва тақдирида шу дарднинг бўртиб туришини олдиндан билдирмоқда. Бундан хулоса шуки, икки устозидан фарқли ўлароқ, Навоий ишқ-муҳаббатдан сўз очган жойда дард эгизакдек ундан ажралмайди.

Фарҳоднинг фаровон ва шоҳона ҳаёт бағрида туғилиши, ўсиб-улғайишини шоир достоннинг шунчаки қизиқарли тус олиши учун тасвирламайди. Дарвоқе, Фарҳоднинг дунёга келиш тафсилотлари ҳам ўзига хос маъно касб этади. «Фарҳод» сўзи «фарри шоҳ» (шоҳлик нури) бирикмасидан *«фар»* олиниб, *унга ҳиммат, иқбол ва давлат* сўзларининг бош ҳарфлари қўшилиши орқали ясалган. Навоий томонидан Фарҳодга берилган исмнинг шакл жиҳатдан маъноси нақадар улуғлиги ва Фарҳод образига сингдирилган маъно юки нимадан иборатлигини яна бир бор тасдиқлайди: «Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард». Бу турли дарслик ва қўлланмаларда такрор-такрор тилга олинса-да, аммо исмга нега шундай маъно юклангани ва бундан шоирнинг мақсади нимадан иборатлигига аҳамият қаратилмайди. Шундан ҳам билиш мумкинки, салаф хамсанавислардан фарқли

равишда, Навоий Фарҳодни бош қаҳрамон мақомига кўтариш, шоҳ Хисравни персонаж даражасига тушириш орқали Фарҳоднинг эпик образ сифатида достонда асосий ўрин эгаллашини таъминлади. Фарҳоднинг отаси – Чину Хито мулкининг шоҳи, катта мулк ва беҳисоб қўшинга эга ҳукмдор. Фарҳоднинг шоҳона ҳаётга одатланган хонадонда барчада фавқулодда таассурот қолдириши, аслида, рамзий маъно касб этишини асардаги воқеа-ҳодисалар баёнидан илғаб олиш қийин эмас. Айтмоқчимизки, воқеа-ҳодисаларнинг зоҳири билан чекланиб, унинг ички қатламини унутиш асл мақсаддан чалғитиши табиий. Шу маънода Навоийшунос олим Иброҳим Ҳаққул: «Навоий шеърларида санъаткорлик билан тасвирланган маъно ва тимсолларнинг зоҳирий «қатлам»лари хусусида баҳс юритиш билан чегараланмасдан, уларнинг ботиний «қатлам»ларини ҳам очиб бериш лозим», – деганида улуғ шоир ижодидаги айни шу жиҳатларни эътибордан қочирмаслик кераклигини уқтиради.

ФАРҲОДНИНГ ТАШРИФИ

Достон баёнига кўра, ҳукмдор сифатида барча орзу-ҳаваслари ушалиб беармон яшаётган хоқон тожу тахтига ўз зурриёди эгалик қилишини истайди. У фарзанд тилагида изтироб чекади, тожу тахти ва молу дунёсига бир «халаф» эга бўлишини ўйлаб, ғам-қайғуга ботади. Бошқа тарафдан қараганда, бундай тасвир анъанавий халқ оғзаки ижодига мансуб «Алпомиш», «Кунтуғмиш» ва «Гўрўғли» туркумидаги достонларда ҳам учрайди: фарзандсизликка фожиа сифатида қаралади, муайян вақтдан кейин фарзаднинг дунёга келиши хоқонлик ҳаётида катта бурилиш ясайди. Фарзандсизлик юртда нотабиий ҳолат юзага келганига бир ишора бўлса, фарзанд туғилиши муайян ўзгариш ва жонланишни юзага келтиради. «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам хоқон Парвардигордан ўзига фарзанд, яъни ўз тили билан айтганда, бир гавҳарни тилаб олади. Бироқ «килки тақдир» бу орқали бошқа бир нарсани амалга оширишни мақсад қилганини хоқон англаб етишга ожиз. Кўпинча инсон назари ҳаётнинг зоҳирий қатламини кўра олади, унинг ботинига кириб бориши анча мушкул. Навоий талқинига кўра, гавҳар кўзга лаълга ўхшаб қизил рангда товланиб кўринса-да, аслида, қўлга олганда куйдирадиган чўғ экани аён бўлади. Бу ўхшатиш орқали Навоий хоқон тожу тахтига эгалик қиладиган ўринбосарни сўраса, тақдири азал унга Фарҳод – улкан дардни ато этди. Бироқ хоқон шу «дард» ташрифидан беҳад қувонади. Чунки у фарзандга эмас, аслида, дардсизликка мубтало. Шу боисдан ҳам шоир бу дардни куйдирадиган лаълга ўхшатаётгани бежиз эмас. Лаълга эгалик қилганидан боши осмонга етса-да, унинг тубида дард ва ғам-қайғу яширинганини хоқон билмайди:

Валаддур ул дуру волид садафдур,
Садаф, яъни отоу дур халафдур.
Садаф йўқ ул баҳр аро гар бўлмас инжу,
Ани бил бир ниҳоятсиз аччиғ су.

Фарҳоднинг ташрифини фақат отаси кутаётган эди десак, асарнинг мазмун-моҳиятида кўзда тутилган асл мақсад англанмайди. Хоқонликда узоқ вақтдан бери Фарҳодга, аслида, дард ташрифига эҳтиёж бор эди. Бу ташрифнинг кечикиши, чўзилиши хоқонликда нотинчлик уйғотади. Шу эҳтиёж натижаси ўлароқ дард ва ишқ чечаклари бу оламни муаттар бўй ва афсоналарга чулғаши учун Фарҳоднинг туғилиши зарурат эди.

Мулоҳаза қилинса, Фарҳод дунёга келган хонадонда ҳамма нарса муҳайё. Лекин унда «Фарҳод» йўқ. Фарҳод дарддан холи бу ҳаёт уммонига кутилмаганда адашган кема каби сузиб киради. У мажозий ишқни ўз зимнида пинҳон тутган дард тимсоли. Бироқ бу ишқнинг дард қобиғини ёриб чиқиши осон кечмайди. Мазкур қобиқ ёриб чиқилмас экан, мажозий ишқ тугунлари ечилмайди ва Фарҳод бино бўлган хоқонликда ўзгариш юз бермайди. Бу узоқ давом этадиган жараёндир. Эътибор қилинса, хоқонликда ишқнинг фақат номигина сақланиб қолган, холос. Фарҳод – дард зимнидаги ишқни юзага чиқариш учун ҳаракат қилаётган ва шунга даъват этилган мажозий образ. Зотан, ишқ ва дард ҳақиқатда пок ва тоза кўнгилга ташриф буюради: «Демонким кўнгли поку ҳам кўзи пок, Тили поку сўзи поку ўзи пок». Фарҳодда ана шу хислат мавжуд экан, ундаги дард тўлғоғининг юз очишига ишқ доялик қилади ва Фарҳодни дунёга келтиради, табиийки, дард ва ишқдан холи хоқонлик учун бу оламшумул воқеа дейишга арзийди.

Дарвоқе, «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ишқ уч қисмга ажратилиб, кўнгил, юз ва ҳусн нафсоний иллатлардан пок бўлиши мажозий ишқнинг юзага чиқишига асос экани қайд этилган. Фарҳод ўзи яшаётган ҳаётда мажозий ишққа етказадиган дард ва ғам юкини кўтариб, шу дардига шифо топиш чораларини ахтаради. Лекин бу дардига нима малҳам бўлишини ўзи ҳам билмайди. Шу ўринда мажозий ишқ шаҳвоний майл-истакдан юзага келадиган ишқ-муҳаббатдан жиддий фарқ қилишини унутмаслик керак. Кўп ҳолларда бадиий тасвирда мажозий ишқ билан шаҳвоний майл-истакни рўёбга чиқариш кўзланган ишқ баёни бир-бирига ўхшагани боис, зоҳиран, бу икки ишқ турини фарқлаш, уларнинг мақсад-муддаосини англаб етиш ва тушуниш осон эмас. Айниқса, шўро даврида амалга оширилган аксар тадқиқотларда бу масалада жиддий хатоликка йўл қўйилган. Энди буни бир-биридан фарқлаб олиш енгил кечмаётир.

«Мантиқ ут-тайр»нинг бир мақолатида қушлар ҳудҳудга бу йўлда бизни нелар кутади, қандай қилиб бу йўлни босиб ўтамиз дея савол беради. Ҳудҳуд уларга жавобан кимки ошиқ бўлса, бу ишқнинг бир зарраси ва бир зарра дарди ошиқларга кифоя; дардсиз ишқ комил ишқ эмас, дард фақат одам боласига юклатилган, фақат одам боласи унга муносиб ва угина бунга сабр-тоқат қила олади дейди. Ҳудҳуднинг қушларга тавсифлагани мажозий ишқ бўлиб, ўз навбатида, ҳақиқий ишқ даражасига элтадиган восита ва тариқ. Бу ишқ йўлидаги ошиқ дил, кўз, тил ва нафсини поклаган тақдирда ошиқлик лаззатига эришади. Шу боис қушлар олис сафар олдидан тараддудга тушиб, бу йўлнинг оғирлиги хусусида баҳс-мунозара юритишади.

Бундай ишқнинг белги-нишонасигина сақланиб қолган хоқонликда Фарҳодга юкланган ишқ ва дардни тупроқ бағрига тушган бир дона уруғга ўхшатиш мумкин. Уруғ тупроқ бағрини ёриб чиқишга интилади, ниш уриб, осмонга бўй чўзади, кейин новдага айланиб, барг ёзади, кўзларни ҳайратга кўмади. Шу маънода эътибор берсак, Фарҳод образи орқали талқин этилаётган дард ҳам тадрижий равишда босқичма-босқич мажозий қобиқни ёриб чиқиб, ўзлигини намойиш этишга интилади. Фарҳод қалбида унган ишқ чечаги – атиргули ҳам дард воситасида шунга ўхшаш жараённи бошдан кечиради. Бир дона уруғ – ишқ, тупроқ – муҳит, дард – шу ишқнинг муҳит бағрида униб-ўсишига ёрдам берадиган омил. Бунда дард ишққа олиб борадиган, уни тушунишга ундайдиган восита бўлиб хизмат қиляпти:

Очилди боғида бир оташин вард,
Демайким вард, балким шуълаи дард.

Айнан Фарҳод дунёга келган хоқонликда дард, яъни ишқ дарди тақчиллиги боис, мажозий ишқни аланга олдириш учун бир туртки бўлиши керак. Дард ана шу сабаб вазифасини

бажаради. «Лисон ут-тайр» достонида дард хусусида: «Дард келди ишқ сўзидин нишон, Дард бўлмай ошиқ ўлмас жонфишон», – дейилганида дард ва ишқ бир-бирига боғлиқ ҳолда юзага келиши таъкидланади.

Фарҳод тимсолига айланган дард оддий дард эмас, балки мажозий ишқ йўлида учраган турли тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтишни англаш ҳамда англатиш мақсад қилинган дард. Бу дард юкини кўтариб юриш матонат ва сабр-тоқатни талаб этади. Зеро, мутасаввуф аллома Жалолиддин Румийнинг қарашлари бизга дард ва ишқ тушунчасини кенгроқ тушунишга ёрдам беради. «Дард доим инсонга йўл очади. Дунёдаги ҳар иш учун инсон юрагида иштиёқ, ҳавас ва дард бўлиши керак. Дардсиз ва заҳматсиз иш ҳам унга муяссар бўлмас». Мавлоно айтган бундай дард юкини кўтариш Фарҳодга илоҳий тақдирнинг инъомидир.

Фалак деб дард элининг шоҳи они,
Малак деб дард аҳли огоҳи они.

Фарҳоднинг жисму жонини «дояи ишқ» парваришлаб, уни бу ишқ йўлида учрайдиган бало ва мусибатларни енгиб ўтишга тайёрлайди. Чунки ишқ йўлига қадам қўйиш ва унда юриш ҳавас қиладиган иш эмас. Достондаги воқеалар ривожига қараганда, Фарҳод ишқ дояси қўлида пок ва маъсум ҳолда улғайиб, келажакда тақдирига битилган улуғ ишни рўёбга чиқаришга ўзига хос тайёргарлик даврини бошдан кечиради:

Не қатра сут ичургач дояи ишқ,
Бўлуб бир гавҳари сармояи ишқ.

Бепоён уммон қаърида дур-гавҳар сероб бўлмаганидек, шоҳона ҳаёт кечираётган ва орзу-ҳаваслар қулига айланган хоқонлик муҳитидагилар Фарҳоддаги ноёб ҳиссий кечинмаю ўзгаришларга ҳайратланиб қарайди:

Ажабдур уч ёшида кўзга атфол,
Нечукким ўн ёшида ўзга атфол.
Қолиб бу ишда эл ҳайрони онинг,
Сипеҳру меҳр саргардони онинг.

Ишқ ҳаёт уммони тубида кашф этилмасдан пинҳоний сақланган дур-марварид донаси, Фарҳод шу бебаҳо дурни қўлга киритишга аҳд қилган ғаввос. Бироқ ғаввос билимга эга бўлмаса уммон бағрида адашиб, мақсадига етолмайди. Отаси Фарҳоднинг илм олиши заруратини англаб, бир зукко донишмандни ҳузурига чорлайди. Ажабки, Фарҳод донишманддан уч ойдаёқ савод чиқариб, Қуръонни ёд олади, барча илмларни пухта эгаллайди. Бу илмлар қанчалик улуғ ва мўътабар бўлмасин, ишқнинг нималиги, унинг юки ва масъулияти, қийноғи ва азобини шарҳлаб тушунтириб берса-да, бироқ ошиқ дардини енгиллатолмайди. Шу маънода:

Кўриб чун ишқу ошиқлиқ мақолин,
Топиб ошуфта маҳзун кўнгли ҳолин.

Анинг шарҳини такрор айлабон кўп,
Ўқурда нолаи зор айлабон кўп.

Бўлуб ошиқ ғами шарҳида ғамнок,
Яқо чокин ўқуб, айлаб яқо чок

Ким, дарддин оз-оз ривоят,
Қилиб ул дард анга кўп-кўп сироят.

Фарҳод илм эгаллаш орқали ишқ моҳиятини тушуниб, унинг шарҳ ва тафсирларини ўқиганда ошиқликка ҳаваси ошиб, қалбида ўзга бир ҳолат пайдо бўлади. Донишмандлар англаб етган илмий асос ва хулосалар ишқ мақомига етказишга хизмат қилади, холос. Шунинг учун Фарҳодга таълим бераётган донишманд ундаги ўзгариш ва руҳий кечинмалар сабабини англамаганидан бу дарддан фориғ бўлиш чорасини кўрсатади. Чунки ақл ва илм ишққа олиб борадиган восита, бироқ дардни даволашга қодир эмас.

Ўн тўрт ёшга қадам қўйган Фарҳоднинг қалби ва руҳиятида нишона берган дард аста-секин уни ишқ довони томон етаклайди. Фарҳоднинг ишқ нималигини ҳис этгани ва фикри очилгани боис қалби ҳамда руҳиятида бир безовталик уйғонди. Энди у ишқ нималигини англаб ҳис этса-да, лекин бу ўт атрофида парвонадек айланади, унинг ичига кириш йўлини қидиради. Шу боис ишқ ўти, дарди ва заҳматини татиб кўришни истайди. Фарҳоддаги бу ҳолат ва у билан боғлиқ тасвирлар ўқувчини мажозий ишқнинг ажойиб оламига етаклайди.

ТЎРТ ҚАСР ТАРҲИ

Фарҳоднинг ўн тўрт ёшда «ичию тоши асири дард»га айланиши хоқонни ўйлантириб қўяди. Афсуски, уни шу дарддан фориғ этиш мақсадида уюштирилган турли-туман томошалару «бир дам тараблиқ» ўйин-кулгулар кўзланган натижани бермайди. Ниҳоят, хоқон бошқа бир тадбир – йилнинг ҳар бир фаслига атаб тўрт қаср қуриш режасини тузади ва ҳар бир фасл рангига мос равзалар барпо этиш орқали ўғлини бу дард тузоғидан қутқаришга қарор қилади:

Бу янглиғ тўрт боғи жаннат ойин,
Ичида тўрт қасри равза тазйин.
Керакким тўрт фасл ул тутса ором,
Бўлуб кўнгли қуши ҳар равзаға ром.

Хоқон бутун мамлакатни оёққа турғизиб, режасини амалга оширишга киришади, ҳатто меъмор Боний, наққош Моний ва тошкесар Қоран ҳам бу ишга таклиф қилинади:

Тушуб бир олам элга булажаб жўш,
Бўлуб бориға хобу хўр фаромуш.

Бу тариқа ташкил этилган қурилиш ишлари бутун мамлакатга тарқалади ва унинг хабарини эшитган Фарҳод қаср қурилишини томоша қилишга отланиб, тўрт қаср атрофида ишлаётган усталарнинг иш услуби, маҳоратини ҳайратланиб кузатади ва ўзи ҳам шогирд тушиб уларнинг касб-ҳунар сирларини ўрганишга киришади.

Дарҳақиқат, ҳали Фарҳод ва Ширин севги-муҳаббати баёнига ўтилмасдан олдин тўрт қаср ва ундаги равзалар тасвирининг асар сюжетига олиб кирилишидан кўзланган мақсад нимадан иборат деган ҳақли савол туғилиши табиий. Навоийшуносликка доир

тадқиқотларда бу қасрлар Фарҳодни дарддан қутқариш мақсадида қурилгани эътироф этилса-да, аммо тўрт қаср тарҳи ва талқини масаласида кўзда тутилган асл мақсадга эътибор қаратилмайди. Бизнингча, тўрт қаср ва бетакрор равзалар рамзий маъно касб қилиб, унда одамзоднинг ҳаёти, яшаш тарзи ва бахтли ҳаёт кечириш йўлидаги меҳнат-машаққати мажозий қатлам сифатида акс эттирилган.

Маълумки, одамзодга нафс ва ақл берилган, ақлга нафс истак-хоҳишини бажариш вазифаси юклатилган. Одамзод бутун умри давомида нафс муаммосига ечим қидириб, уни ҳал этиш йўлида қаттиқ меҳнат қилади, жонини қийнайди, мақсадига етишга интилади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, тўрт қаср қурилишига таклиф этилган турли касб-ҳунар эгалари зоҳиран турли ишларни амалга ошираётгандек кўринсалар-да, аслида, бир хил вазифа, яъни барча хатти-ҳаракати ва уринишлар замирида инсониятнинг катта муаммоси – нафс очлигидан қутулиш асосий ўрин тутади. Жалолиддин Румий бу ҳолатни шундай тасвирлайди: бир амир чодир тикишни буюрса, бу ишга масъул хизматкорлардан бири ип тайёрлайди, бири мих қоқади, яна бири тўқиса, бошқа бири тикишга киришади. Зоҳиран қараганда, ҳамма ўз-ўзича мустақил ишлаётгандек, бир-бирига алоқаси йўқдек, аммо ҳаммалари бир мақсадни амалга ошириш учун хизмат қилади. Фарҳод ана шу мақсад – одамзод халос бўлишни хоҳлаётган, лекин қутулиш иложи бўлмаган дард тимсолидир. Олдинги боблардан бирида: «Заруратким солиб бир ўзгача тарҳ, Бу меҳнатномани қилғумдурур шарҳ», – дейилганида бу достоннинг «меҳнатнома» дея номланиши ҳам ўзига хос рамзий маъно касб этиб, асарда кўпроқ меҳнат-машаққат ҳақида сўз бориши тушунилади. Асар қаҳрамони чекаётган алам, фироқ, оғриқ ва дард алоҳида бир шахсга эмас, балки бутун одамзодга тааллуқли экани Фарҳод образи ва тимсоли орқали чизиб берилади.

Навоийшунос олим Содир Эркинов мазкур асарга бағишланган илмий тадқиқотида тўрт қаср тарҳи ва қурилмасига тўхталиб, шундай ёзади: «Навоий ҳам, ўз навбатида, бу манбаларни (бу достон тарихи билан боғлиқ қадимий эпик манбалар – Б.Э.) ўрганиб чиққан ва Низомий томонидан фойдаланилмай қолиб кетган «қаср қурилиши» эпизодига диққат қилишни лозим деб билган. «Фарҳод ва Ширин» сюжетини кузатган ўқувчи унда юқорида эслангани каби янги мақсадни ифодалашга бўйсундирилган қадимги эпик қиссаларнинг изларини, афсонавий саргузаштлар ва мифологик сюжетларнинг улушинигина эмас, балки ана шу манбаларга танқидий ёндашиб, улардан ўз асари учун зарур бўлган томонларини олиб ривожлантирган».

Умуман олганда, одамзод пайдо бўлганидан бери нафс билан кураш макон ва замонлар оша тўхтамайди, бу йўлда қанчадан қанча авлод ва насллар нафсни маҳв этишга ҳаракат қилади, шу мақсад ва орзуда жон куйдиради. Зеро, Қуръони Каримда: **«Дарҳақиқат, Биз инсонни меҳнат-машаққатга яратдик» (**Балад сураси, 4-оят), – дейилган. Бироқ мақсади амалга ошмай, курашни сусайтирган вақтда орзу-ҳаваслари яна уларни нафс истагини адо этиш ва уни очлик азобидан қутқариш учун интиҳосиз курашга отлантирди. Бу курашда енгилиб ҳолдан тойганлар ўрнига бошқалари от суради. Бу жараён узлуксиз давом этиб, ҳар доим нафс ғолиблик шоҳсупасини эгаллайди. Тириклик дунёсининг мафтункорлиги ва жозибаси ҳам шундаки, нафс очлигини енгишга қаратилган курашда шоҳу гадо баробар иштирок этади. Энг ажабланарлиси, уларда имконият даражалари ҳар хил бўлишига қарамай, эришиладиган оқибат – натижа бир хил бўлиб чиқаверади. Эътибор қилинса, хоқон қурдирган тўрт қасрни рамзий маънода бу олам уйи десак, мазкур уйда бир муддат меҳмон бўлганлар хоқон ва Фарҳоддек нафс очлигидан қутулиш мақсадида озуқа қидириб, равзаларда айланиб юради. Абу Ҳомид Ғаззолий дунё ва унга берилиш ҳақида мулоҳаза юритиб бу оламга келганлар ишлаш учун еб-ичиб, еб-ичиш учун ишлайдилар, лекин

мақсад ҳосил бўлмасдан уни тарк этадилар дейди. Шу маънода Алишер Навоий ҳам «асл моҳият»ни, яъни бу босқич ҳақиқатни англашда ҳеч нарсага арзимаслигини тўрт қаср мисолида кўрсатади. Мазкур асарда бутун мамлакат аҳли тўрт қаср ва унинг ичидаги ғаройиб шаклдаги равзаларни барпо этишини одамзод тасаввуридаги роҳат-фароғат чўққиси деб тасаввур қилсак, ундан мақсад – дарддан фориғ бўлиш.

Хоқон ва Фарҳод баҳор, ёз, куз ва қиш фаслига мослаб қурилган қасрларда базм уюштириб, ҳар бир равзада «уч ойлик айш-ишрат яроғин» тузади. Эътибор қилинса, бу равзаларда ташкил этилган лаззат, завқ ва роҳатлар, асосан, кўз, қулоқ, бурун ва оғиз орқали инсон танасига кириб уни сархуш этади, ўзига ром қилади. Аммо бир муддат ўтгандан кейин танага етган роҳат ва завқ тугайди. Равзада юрганлар биридан бошқасига ўтишга мажбур бўлади. Чунки равзаларда кўнгил тусаган ва унга ёқадиган нозу неъматлар муҳайё этилган бўлса ҳам, аммо танага абадий роҳат ва завқ бермайди. Шу боис муғаннийлар нағма тортиб, пайдар-пай майи ноб ичилмасин, унинг роҳат ва завқи узоққа бормайди. Афсуски, уч ой ўтганида «гулшан шамоли» бу равзани гулдан холи айлайди. Ҳар бир фаслга атаб барпо этилган равзаларда ҳам худди шу ҳолат такрорланиши бу оламнинг роҳат-фароғати ва лаззати бебақо, фоний эканига ишорадир. Жалолиддин Румий таъбири билан айтганда, чорва ҳайвонлари емиш солинган охурдан бош кўтармаганидек, одамзод ҳам бу дунё роҳат-фароғати ва завқига шўнғийди. Шу маънода айтадиган бўлсак, тўрт қаср – дунё охури. Унинг ичида одамзод нафсига хуш ёқадиган лаззат ва завқлар мўл-кўл, керагидан ортиқча. Шунинг учун хоқон ва Фарҳод унинг олдидан кетишни истамайди ва ундаги завқ, лаззат, роҳат-фароғат омиллари мақсадга етказади деган фикрга боради:

Кўриб боғида юз турлук ажойиб,
Топиб қасрида минг онча ғаройиб.
Икинчи худ жинондин булажаброқ,
Учинчи қаср ондин булажаброқ.
Бўлуб тўртинчида баским латофат,
Бу учдин доғи ортуғроқ ғаробат.

Хуллас, Фарҳоднинг отаси билан «бир йиллик тараб тарҳи»ни тузганию ҳар равзада уч ойдан айшу ишрат қилиши кўзланган мақсадга элтмайди – унинг қалбига чўккан ғам тошини эрита олмайди. Тўрт қасрда яшнаб турган равзаларда неъмат ва лаззатлардан ҳар қанча баҳраманд бўлинмасин, дард бағрида яшириниб ётган ишқ чечаги униб чиқмайди, худди тош устига қуйилган сувдек ҳамма машаққатлар бесамар кетади.

Фикримизни янада қувватлаш мақсадида шоирнинг «Лисон ут-тайр» достонига мурожаат этсак. Қушлар сафар арафасида турли узр-баҳоналар билан «иссиқ жойи»дан қўзғалишни хоҳлашмайди. Ўттиз қушни ўз нафсидан бошқаси қизиқтирмайдики, улар шуни ҳаёт мазмунига айлантириб олишган. Ҳудҳуд қушларни нафс ва ҳою ҳавас истагидан воз кечиб, Семурғни излаб сафарга отланишга ундаб бу хусусда баҳс-мунозара олиб боради. Демак, «Фарҳод ва Ширин» достонидаги тўрт қаср ва ундаги равзалар тасвири ўзига хос мажозий қатлам бўлиб, Фарҳод равзадан равзага ўтиб юриш билан мақсадига етолмаслигини англайди, нафс жиловидан тутиб уни ўзига бўйсундириш лозим деган хулосага келади.

Диний-тасаввуфий манбаларда нафсга одамзоднинг энг катта душмани сифатида қаралади. Унинг нафси аммора, нафси лаввома ва нафси мутмаинна деган турлари мавжуд. Нафс хизматидаги ҳою ҳавас ва шаҳватларга қарши бориш инсонни асл мақомига кўтариб, уни маънавий тарафдан юксалтиради. Нафси аммора ва нафси лаввома йўриғига юриш одамни оворaю сарсон қилади, ҳаёт ҳақиқати ва унинг асл моҳиятини англатмайди,

ҳақ йўлидан чалғитади. Достонда Фарҳод нафснинг бу икки туридан воз кечиб нафси мутмаинна, яъни хотиржам нафс мақомига кўтарилганини тўрт равзада ташкил этилган роҳат ва лаззатларни тарк этишидан ҳам билиш мумкин.

Мавзуни яна ёрқинроқ очиб беришга хизмат қиладиган бир воқеага мурожаат этсак: «Мантиқ ут-тайр»даги бир ҳикоятда Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонга юриш қилиб Суманот шаҳрига кирганда Лот деган катта бутни синдиришни буюради. Ҳиндлар бутни синдирмаслик эвазига музаффар ҳукмдорга катта миқдорда олтин ва жавоҳир таклиф этадилар. Шунда бир лашкарбоши олтин-жавоҳирларни олишни маслаҳат беради. Маҳмуд Ғазнавий барибир ўз аҳдида туриб бутни синдиртирганида унинг ичидан йигирма ман гавҳар чиқади. Бу гавҳарнинг қиймати ҳиндлар таклиф қилган бойликдан бир неча баробар кўплиги маълум бўлади. Қиссадан ҳисса шуки, бу ҳикоят мажозий маънода бўлиб, Маҳмуд Ғазнавий – инсон, бут – нафс, ҳиндлар – ҳою ҳаваслар, лашкарбоши – ақл тимсоли, инсон нафс бутини синдирмас экан, маънавий гавҳарга эга бўлолмаслиги ойдинлашади. Шу ҳикоятдагига ўхшаш тўрт қаср ичида айш-ишратга берилган Фарҳод ҳам нафс бутига топиниш билан мақсад юзага чиқмаслиги, тўрт қаср қурилиши ва ундаги бетакрор равзалар одамзодга берилган дардни англаш, унинг ечимини қидиришда восита вазифасини бажариши, лекин унинг бу дардини ушатиш омили эмаслиги қуйидаги байтларда ёрқин акс эттирилган:

Ҳамул пурдарду сўзга оҳи анинг,
Анодин нолаи жонкоҳи анинг.
Биравким зор йиғлаб ул зор,
Топиб кўнгли эл озоридин озор.
Чиқориб сўзлиғ сўз бошидин дуд,
Совуғ оҳ айлаб, оҳни оташ олуд.
Бўлуб эл андуҳидин кўнгли ғамнок,
Ёқо чокин кўруб кўксин қилиб чок.
Бировким ишқдин қилса ривоят,
Сўруб ҳар дам мукаррар ул ҳикоят.
Тафаҳҳус айлаб андин кўп нишони,
Нишонин кўнглидин асраб пинҳоний.

Бундан ташқари, хоқон Фарҳодга хонлик тожини таклиф этиши, Фарҳод ўзини ундан четга олиши, хоқонлик хазинасидаги қирқ уй олтин, қирқ уй «ажноси зебо» ва бошқа бебаҳо бойликлар баёни одамзодга хизмат қилиб, унинг нафси аждаҳога айланган тақдирда ҳам бу дунё бойлиги ва нозу неъматлари унга етиб ортишига ишорадир. Шоир тириклик дунёси, асли, нимадан иборат ва унга берилиш натижасида нимага эришиш мумкинлигини санъаткорона тасвирлаб бериш баробарида ўз қаҳрамонини дунё ҳаётининг асл сир-асроридан хабардор этади, бу дунё матоҳи асл муаммони ҳал этмаслигидан огоҳлантиради. Хоқонлик хазинасини томоша қилиш давомида ақл хазинабони ҳисобига етмайдиган қирқ уй олтин, қирқ уйда зебу зийнатли кийимлар, ҳар уйда қирқ ўрамдан ҳарир либослар, тикиғлиқ тўнлар, омбор-омбор мушклар, беҳисоб лаъл ва гавҳарлардан биронтасига қизиқмаслиги уларга нисбатан Фарҳодда хоҳиш-истак сўнганини, унинг биронтаси мақсадига етказмаслигига ишонч ҳосил қилганини билдиради. Фарҳод нафс очлигини енгиб унинг орзу-истагига қул бўлиб яшашдан воз кечди. Қуръони Каримда бетийиқ ва туғёнда юрган нафснинг итоатга келиши шундай билдирилган: **«Эй** (Аллоҳнинг зикри билан) **хотиржам – сокин нафс: Сен** (Аллоҳ ато этган неъматлардан) **рози бўлган** (ва

Аллоҳ таоло томонидан сенинг амалларингдан) **рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг** (ҳузури)**га қайт**. **Бас,** (солиҳ) **бандаларим қаторига киргин**» (Фажр сураси, 27 – 29-оятлар). Шундан кейин Фарҳоднинг тиниқ биллурдан ясалган кўҳна сандиққа кўзи тушиб, унда сақланаётган кўзгу сирини билишга қизиқиши ортади. Фарҳодни бу истагидан қайтаришга ҳар қанча уринмасинлар, барибир, фойда бермайди. Чунки у тўрт равзада нафс очлигига хизмат қиладиган лаззат ва завқлардан мақсади ҳосил бўлмаганини билди. Қулф урилган сандиқ «юз офат ҳисори» дейилади. Кўзгу Фарҳоднинг нафс моҳиятини тушуниб, ҳою ҳавасларни тарк этиш баробарида маънавий гавҳарга эришганини билдиради ва шу кўзгу унинг кейинги тақдири ва ҳаёт йўлини белгилаб беради.

ТЎРТ ТИМСОЛ ШАРҲИ

Фарҳоднинг хоқонлик хазинасида сандиқда сақланаётган кўзгуни қўлига олиб, унинг орқа тарафида битилган ёзув унга бу олам жумбоқлари тилсимини очиб бериши билан боғлиқ воқеалар талқинини шарҳлашга уриниб кўрмоқчимиз. Хўш, Фарҳод кўриб қолган бу кўзгу қандай маънони англатади ва мазкур достон сюжетига у нима мақсадда олиб кирилган? Нега кўзгуда дастлаб ҳеч нарса кўринмайди? Фарҳоднинг кўзгу тилсимини очиш учун Юнон сафарига чиқиши шартми? Мўътабар манбаларда кўзгу кўнгил тимсоли ва рамзи сифатида талқин қилинган, маънавий қувват, эътиқод ва завқ манбаи, илоҳий маърифат ойнаси ва жилвагоҳи ҳисобланган. Илоҳий нур жилва қилиши учун дил ойнасини гард-ғубордан тозалаш керак дейилади. Фарҳод тўрт равзада дил ойнаси хира тортгани боис ҳақиқатни англаб етмайди, тўрт фаслга монанд барпо этилган равзалардаги лаззат ва роҳатлар унга йўл бермайди. У нафс очлигини тўйдириш иложи йўқлигини билиб, қалб ва руҳни поклаш лозимлигини тушунди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, олдинроқ инсонийлик ҳайвонийлик билан малакийлик ўртасидаги мартабада жойлашганини айтиб ўтган эдик. Фарҳод пастки мартаба мақсадига етказмасдан оворaю сарсон қилишини англаб, малакийлик мартабасига кўтарилиш кераклигини кўзгу воситасида тушунди. Кўзгу қалб ва руҳ оламига йўл топилиб, Фарҳоднинг басират ва ақл-идрок кўзи очилганига ишорадир. Лекин дастлаб кўзгу тилсими ечилмагани боис, Фарҳод кўзгуга қараганда унда ҳеч нарса акс этмаганини кўрди. Бунинг сабаби шуки, тилсим сир-асроридан воқиф бўлиш учун тўрт манзил ҳамда улардаги тўсиқ ва ғовлардан ошиб ўтилиши керак:

Бурунғи манзил ичра аждаҳое,
Яратқон Тенгри қаҳридин балое.
Икинчи манзил ичра Аҳраман бил,
Анга бедоду офат даъбу фан бил.
Учунчида тилсими булажаб соз,
Бу иккидин доғи мушкилрак ул роз.
Бу уч манзилдин ўткоргонга маҳмил,
Дейилгон тоғ эрур тўртинчи манзил.

Навоийшунос олим Нажмиддин Комиловнинг «Фарҳод ва Ширин» достонига бағишланган тадқиқотида аждаҳо нафс, Аҳраман дев салтанат (ҳокимлик) ва темир пайкар рўё – ёлғон тимсоли сифатида талқин этилган. Бу талқинда таъкидланганидек, тўрт манзил деганда, асосан, нафс, қалб, руҳ ва ақл назарда тутилганини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Диний-тасаввуфий манбаларда келтирилишича, одамзод вужудини шу тўрт асос

ташкил этади ва уларни бу дунё манзилидан тоза, пок ҳолда олиб ўтиш буюрилган. «Неким оллимға ёзмиш килки тақдир, Манга йўқтур ани кўрмакка тадбир», – дейди Фарҳод. Яна Суҳайлонинг асар сюжетига кириб келишидан биламизки, Фарҳодга бу манзиллардан ўтиш учун мураббий ва раҳнамо бўлмаса, у ўз олдидаги тўсиқларни ўз-ўзича енгишга қодир эмас. Суҳайло ҳам Фарҳодсиз бирон натижага эришолмайди. Суҳайлонинг сўзига қараганда, Фарҳоддан олдин ҳам кўплар бу тилсим сирини очишга уринган, лекин барча ҳаракатлари зое кетган, яъни тилсим сирини очиш уларга насиб этмаган. Шунинг учун у тилсимни очадиган Фарҳодни беш юз йилдан бери кутади ва унинг ташрифидан беҳад қувонади. Суҳайло тўсиқ ва ғовларни фақат дард воситасида енгиб ўтиш мумкинлигини билгани учун дард йўлига кўз тикиб ўтиради.

Диний-тасаввуфий адабиёт ва манбаларда «тазкият ун-нафс» – нафсни поклашга алоҳида эътибор қаратилган. Уламолар таъкидича, кўз, қулоқ, бурун ва оғиз орқали инсон бу оламдан лаззат ва роҳат олади. Бу лаззат ва роҳат фақат танага хизмат қилиб, унинг бу оламда қоим бўлиб туришини таъминлайди. Агар танага кираётган лаззат ва роҳат омиллар йўли тўсилса, улар тўсиб қўйган қалб ойнаси покланади. Шундан биламизки, нафсни поклаш – инсон ҳаётида муҳим воқеа. Шунинг учун улуғ уламолар нафсни поклашга жиддий эътибор қаратиб, унга бағишлаб рисолалар битганлар, турли чора-тадбирларни таклиф этганлар. Шу боис нафс, қалб, руҳ ва ақл истилоҳ сифатида тадқиқ этилиб, ҳар бирининг таркиби, тузилиши, мақоми ва вазифаси хусусида илмий шарҳлар берилган. Навоийнинг мақсади илмий шарҳ бериш бўлмагани учун нафс, қалб, руҳ ва ақл тўғрисидаги қарашлари ҳамда илмий хулосаларини достон бадииятида акс эттиради.

Фарҳод Суҳайло таълими ва кўрсатмаларига суянган ҳолда аждаҳони қатл этишни уддалайди. Шундан ҳам билиш мумкинки, дард бўлган тақдирда нафс аждаҳосини енгиб, маънавий покликка эришилади. Аждаҳо, аслида, қандайдир олис даштда ёки ғорда эмас, балки ғофил банданинг вужуди – ғорида ўлжасини кутиб ётади, уни осонликча жойидан қўзғатиб бўлмайди, безовта қилиш учун дард зарур. Суҳайло учун Фарҳоднинг келиши айни муддао эди, у ечими топилмай турган жумбоққа ечим топади ва унга йўл очилади. Жалолиддин Румий ичимизда ҳирс ва ҳою ҳаваслардан иборат «бут»ларимиз борки, улар бизни ўзига бўйсундиради, улар хизматидан қутулиш мушкул дейди. Абу Ҳомид Ғаззолий нафсни энг зарарли душман, уни муолажа қилиш энг оғир иш, чунки нафс ичкаридаги душман, душман бўлганда ҳам маҳбуб тутилган душмандир, чунки одам ўз маҳбубининг айбини кўрмайди ва унга эътибор қаратмайди деган фикрни билдиради. Бир донишманд душманни қатл этгандек нафсингни қатл эт дея уқтиради.

Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достонидаги бир ҳикоятда келтирилишича, дил бадан мулкида суворий, нафс ити унга мулозим, суворий ов учун от сурса, ит ҳам унга қўшилиб югуради, дил гоҳида жонондан ўлжа олса, нафс ити ундан шу ўлжани тортиб олади. Ким шу итни боғласа, икки жаҳонда арслон овлаган билан баробар, ўзи покдомон ва гард-ғубордан холи бўлади. Бундай талқинлар нафс тўғрисидаги тасаввуримизни бойитиб, ҳаёт йўлида нафс одамга ҳамроҳ эканини англатишдан ташқари унинг ҳам ўз вазифаси борлигини уқтиради. Достонда Фарҳоднинг қоронғи ғор олдига бориши, аждаҳонинг зулмат қаъридан чиқиб келиши, ундан атрофга сассиқ ҳид таралиб кўнгилни беҳузур этиши нафснинг нақадар жирканч ва ярамас махлуқ экани муболаға санъати орқали моҳирона тасвирланади:

Етишти бир уфунатлиқ насими
Ки, қилғай атри жаннатни жаҳими.
Кўп эл ул атрдин эс тарки қилди,
Черикнинг кўпраги отдин йиқилди.
Қилиб Фарҳод берк ўз бағриға тиш,
Ўзин солмай чу тушмиш бошиға иш.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида, эртак ва афсоналарда аждаҳо халқни нотинч қилиб, тинч ва осуда ҳаётига халақит бериши, аммо ундан қутулиш чорасини тополмай, одамлар узоқ вақт азоб-уқубат чекиши ва афсонавий ботир ташрифидан кейин аждаҳо зулмидан халос бўлиши кўп учрайди. Аждаҳо хилқатидаги очофатлик, юҳолик ва еб тўймаслик нафс табиати билан ўзаро уйғунлик касб этади:

Тутун янглиғ дами абри касофат,
Шарарлар анда ҳар бир барқи офат.
Тани ранжу балонинг кўҳсори,
Валекин оғзи ул кўҳсор ғори.
Ўту печида дуд ул ғор ичинда,
Анингдекким, ўзи кўҳсор ичинда.
Узолғон тоғдек андоми анинг,
Вале йўқ сайлдек ороми анинг.

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, нафсоний покланишни амалга ошириш одамзод ҳаётида катта эврилиш юз берганини англатади. Аммо бу эврилишга фақат дард воситасида эришилади. Тўрт қаср тасвири талқинида ақл нафсга тобе бўлиб, унинг ҳамма истак-хоҳишини бажариш билан банд эса ишқ дард қобиғидан чиқишига қодир бўлмаслигини кўриб ўтган эдик. Дард ва ақл ўзаро бирлашиб нафс – аждаҳога қарши чиқиб, уни маҳв этиш орқали мақсадга эришади. Фарҳоднинг шу тариқа нафсу ҳирсдан покланган ботиний мусаффоликка эриша бошлаганини англатади. Аждаҳони маҳв этгандан кейин Фарҳод ғорга кириб, қўлга киритган катта хазина, қоратош, ясатилган тахт, исми аъзам ёзилган қилич ва қалқоннинг ҳар бири ўзига хос рамзий маъно касб этиб, Фарҳодда маънавий қувват ҳосил бўлганини англатади.

Фарҳод нафсоний покликни амалга ошириб, «икки туҳфа» – қилич ва қалқон ёрдамида, яъни маънавий қувватга эга бўлганидан кейин Аҳриман дев билан курашга отланади. Аҳраман дев – қалб оламини поклаш ва тозалаш йўлидаги жиддий тўсиқ ва ғов. Аждаҳо очкўзлик, очофатлик ва еб тўймаслик тимсоли бўлса, Аҳраман дев қалбни эгаллаб олган нафсоний иллат ва қабоҳатлар тимсоли сифатида ифодаланган:

Бўлуб ҳар барги бир миръоти васвос,
Тута олмой хирад ўз ҳушини пос.
Ичинда жонивар бошдин-аёқ дев,
Бўлуб ҳар шакл бирла кўргузиб рев.
Қилиб ҳар руд суйининг садоси,
Аён юз ғулу шайтон можароси.

Фарҳод Аҳраман дев отган тошларни қалқон ёрдамида қайтарса, қиличи билан гурзисини уриб синдиради. У Тангрини ёд этганда Аҳраман девнинг мадори қуриб, ҳолсизланиб

йиқилади ва Фарҳод уни чопиб ташлайди. Аҳраман дев ғорида тўпланган катта хазина Фарҳодни қизиқтирмайди, балки у ғор ичидаги қулфлоғлиқ уй сари йўл олади:

Эви кўрдики кўрмайдур мисоли,
Нечукким кинасиз эл кўнгли холи.
Боқар эрди қилиб ҳар сори таъжил,
Осилғон кўрди бир ёқут қандил.
Фузунроқ ламъа андин муштаридек,
Ёрутуб эвни шамъи ховаридек.
Тушурди доғи филҳол очти они,
Сулаймон хотамин топти ниҳони.

Фарҳоднинг Аҳраман девни қатл этиб, сўнг қоронғилик ва зулмат қоплаган ғор ичида ёп-ёруғ эв – уйга дуч келиши қалбнинг ёвузлик ва қабоҳатлардан покланишини, тепада осилиб турган қандил эса иймон ва ундан таралаётган нурни ифодалайди. Қуръони Каримда: **«Аллоҳ осмонлар ва Ернинг нуридир** (яъни уларнинг барчасини ёритиб, кўзга кўрсатиб – йўқдан бор қилиб тургувчидир). **У Зот нурининг** (мўмин банда қалбидаги) **мисоли худди бир токча, унинг устида бир чироқ, бу чироқ бир шиша ичида, у шиша гўё бир дур юлдузга ўхшайди. У** (чироқ) **на шарқий ва на ғарбий бўлмаган** (балки заминнинг қоқ марказидаги) **муборак зайтун дарахтининг** (мойидан) **ёқилур. Унинг мойи** (тиниқ, мусаффолигидан), **гарчи унга олов тегмаса-да,** (атрофни) **ёритиб юборгудек.** (Олов теккач эса) **нур устига нур** (бўлур). **Аллоҳ Ўзининг** (бу) **Нурига Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Аллоҳ одамлар** (ибрат олишлари) **учун** (мана шундай) **мисоллар келтирур. Аллоҳ барча нарсани билгувчидир»** (Нур сураси, 36 – 37-оятлар)», – дейилган оятларда мўмин қалбининг ҳолати, унинг турли чирк ва иллатлардан покланиши баён этилган. Илоҳий ва азалий тақдир ҳукмига биноан, ҳар бир қалбда иймон гавҳари мавжуд, аммо бу гавҳарни куфр пардаси ўраб олса, яъни ёпиб қўйса, иймон гавҳаридан чиқадиган нур хира тортиб амалий натижа бермайди. Фарҳод Аҳраман девни мағлуб этиш натижасида куфр пардаси йиртилиб, иймон гавҳарига йўл очилади. Иккинчи манзил тасвирида келтирилган ёп-ёруғ уй, шифтга осиғлиқ қандил, қандил ичидаги Сулаймон узуги ва узукка битилган ёзувларни ўқиган Фарҳод қалбини иллату ғуборлардан поклаб бебаҳо маънавий дурни қўлга киритади.

Учинчи манзилдан ўтиш олдинги икки манзилдан кўра оғир ва мушкул. Фарҳод бу манзилда турган темир пайкарни қулатишни Хизр таълими асосида амалга оширади. Бу манзилнинг ҳар қадамида хавф-хатар ва машаққат борки, ниҳоятда эҳтиёт бўлиш ва ҳушёрлик талаб этилади. Достонда тасвири келтирилган бу йўл таассуротлари янада маҳобат ва салобатли: қўрғон эшиги олдида занжирбанд шер бор; ундан эсон-омон ўтилса, қўрғон эшигигача минг қадам йўл қолади, тўққиз юзинчи қадамда тоштахтага дуч келинади; дарвоза олдида темирдан ясалган ҳайкал кўзга ташланади ва у қўлида темир камалаги билан ўқ отишга шай туради; унинг бўйнида порлоқ ойна осилиб туради ва шу ойнага юз қадам беридан туриб ўқ аниқ тегизилса, унга қўшилиб юзта совут кийган ҳайкал ҳам ерга қулайди... Булар руҳоний олам ва ундаги товланишлар тасвири бўлиб, уни ширк ва нифоқдан поклаш машаққатини англатади. Темир пайкарнинг Фарҳод қаршисида ўқини шайлаб туриши шайтон ҳийла-найранглари, алдови, васвасаси хуружига, имкон топган заҳоти иймонни тортиб олишга шай тажовузига ўхшайди. Шу маънода темир пайкар – ширк ва нифоқ тимсоли, бу манзилда озгина хатолик ва қўйилган ножўя қадам Фарҳоднинг ўзига зиён етказиши мумкин.

Фарҳод учинчи манзилда қўлга киритган жомда бутун олам тасвири намоён бўлиб туради. У жом ёрдамида тўртинчи манзилда Суқрот яшаб турган улуғвор ва юксак тоғни қидириб топади. Бу жомда бутун олам тасвири жилваланади. Суқрот ҳаким жойлашган ғор ҳам пора нур – ақл нуридан ёруғ. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Суқрот – илоҳий сирлардан хабардор ақл-тафаккур қудрати тимсоли, илмнинг моҳияти ва куч-қудратини тўғри ҳал этган донишманд образи. Суқрот ҳам Фарҳодни беш юз йилдан бери кутади, унинг ташрифидан хурсанд бўлиб келажакда амалга оширадиган ишларини унга билдиради. Энг асосийси, Суқрот Фарҳодга ишқни таърифлаб, уни ҳақиқий ва мажозий деган икки турга ажратади, ишқ йўлида турли бало, офат, синов ва имтиҳонларга дуч келишини тушунтириб беради:

Қилиб ишқи мажозий зору ғамнок,
Этар ошиқ танин андоқки хошок.
Ҳароратлар этиб ул хасқа мойил,
Қилур ўт етгач ўртанмакка қобил.
Чоқилғоч барқи ишқи жовидоний,
Етишгач бир шарар кул айлар они.
Сенинг олингдадур ишқи мажозий
Ки, жисминг ўртабон сўзу гудози.
Ҳам овозангни офоқ ичра солғай,
Ҳам овозинг куҳан тоқ ичра солғай.

Тўрт манзил, ундаги тўсиқлар тасвири ва баёнидан биламизки, Фарҳоднинг кўнгил кўзгусида мажозий ёр жилва қилиб кўриниши учун нафс, қалб ва руҳни поклаш тақозо этилди. Суқрот Фарҳодга хоқонлик хазинасида сақланаётган кўзгунинг тилсим сирини ошкор этгандан кейин ўзи жон таслим қилади. Суҳайло ва Суқрот Фарҳод, яъни дард келганида хурсанд бўлиб ўзлари ечолмай турган жумбоқ – дард бағрида ётган ишқ чечагининг юз очишида ўз вазифаларини муваффақият билан адо этиб, ишқ йўлидан чекинади.

Хулоса шуки, тилсимни ечиш мақсадида тўрт манзил – нафс, қалб, руҳ ва ақл босқичида турган тўсиқ ва ғовлардан ўтиб Чин шаҳрига йўл олган Фарҳод кўзгуда мажозий маҳбуб – Ширин сиймосини кўришга муяссар бўлади.

МАЖОЗИЙ ИШҚ ИЗТИРОБИ

Фарҳоднинг Юнон мулки сафари чоғида тўрт манзилдаги тўсиқ-ғовларни енгиб ўтиши ва Суқрот билан учрашиб, ундан мажозий ва ҳақиқий ишқ таълимини олиб, юртига қайтиши ҳақида фикримизни баён этдик. Шу тариқа Фарҳод хоқонлик хазинасида сақланган сирли кўзгу тилсимини очишга муваффақ бўлади. Навоий таърифига кўра, кўзгуда акс этган дашт оддий дашт эмас, балки ишқ дашти. Унда дардли севги кўкатидан бошқа нарса кўринмайди, кўкатлари занглаган ништарни эслатади, наргис гуллари тақво аҳлини маст ва беҳуш айлаш учун шароб пиёласини тутади. Бу даштни ўраб олган тоғлар ўзгача салобат касб этган, улар этагида одамлар ариқ қазиш билан машғул. Бир гуруҳ отлиқ қизлар орасида келаётган Ширинни ва ариқ қазиётган ўз тимсолининг ҳушдан кетганини кўзгуда кўриб турган Фарҳод танига титроқ кириб, беҳол бўлиб ерга йиқилади.

Кўзгу кўнгил тимсоли эканини айтган эдик. Суқрот таъкидлаганидек, тилсим сири очилганидан кейин Фарҳод мажозий ёр суратини кўради. Аслида, ҳақиқий маҳбубни кўришнинг асло иложи йўқ, унинг мавжудлигини фақат мазҳар ва восита орқали тасаввур этиш имкони бор, холос. Навоий мажозий ишқ талқинида ҳақиқий маҳбубга етишда ошиқ қалби куйиш ва ўртаниш орқали қай тарзда покланишини кўрсатади. Ишқ йўлига тушган ошиқ Фарҳод каби тўрт манзилдаги тўсиқ-ғовларни енгиб ўтиб, кўнгил кўзгусини поклай олсагина, мажозий ишқ ошиқни мазҳар ва восита сифатида тасвирланган мажозий ёр висолига етказади.

«Фарҳод ва Ширин» достонида ифодаланган ишқ-муҳаббат Навоийшуносликда узоқ вақт одатий, яъни авом ишқи сифатида талқин ва тавсиф қилиб келинди. Ҳолбуки, Фарҳод ва Ширин севги-муҳаббати изтироби авом ишқи талаби асосида таҳлил этилса, Фарҳоднинг тўрт манзилда учраган тўсиқ-ғовларни енгиб ўтишининг асар сюжетига олиб кирилиши тушунарсиз бўлади. Шу боис «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» типидаги достонларнинг ички қатлами ва моҳиятида акс эттирилган мажозий ишқни нафси ҳаводан покланмаган авом севгиси замиридаги ишқ туридан ажратиб олиш қийин кечади. Зеро, Фаридиддин Аттор «Мантиқ ут-тайр» достонида сурат ва маъни аҳли ҳақида сўз юритиб, ҳар иккиси ҳам сўзим шайдоси, аммо маъни аҳли сирларимнинг ҳақиқий эгасидир, хослар ҳам, авом ҳам ундан маънавий лаззат ва ҳузур олади дея таъкидлайди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, «Фарҳод ва Ширин» достонидан авом ҳам, хослар ҳам баравар ўзларига керакли маънавий озуқа оладилар. Авом асарнинг зоҳирий томонига аҳамият берган ҳолда завқ ва ҳузур туйса, маъни аҳли унинг ички қатламига жойланган маъно дурларини теради.

Мумтоз шарқ поэтикасига оид «Мифтоҳ ул-улум», «Талхис» каби китобларда мажоз ҳамда ҳақиқатнинг луғавий, истилоҳий, урфий ва бошқа маънолари хусусида илмий-назарий шарҳлар берилган. Шуларга асосланиб айтадиган бўлсак, мажоз бир нарсанинг зоҳирий қатламини англатса, ҳақиқат шу мажоз орқали етиб бориладиган ботиний қатлам, яъни асос-мағизни ташкил этади. Узоқ вақт дардни вужудида кўтариб юриши ва дард бағрида унмай турган ишқ чечагининг қобиқни қай тарзда ёриб чиқиш жараёнини Фарҳоднинг Юнон сафари ва ундан кейинги денгиз сафарида бошидан кечирган саргузаштларидан ҳам билиб олса бўлади. Жалолиддин Румий мажоз ва ҳақиқатни тушуниш масаласига шундай изоҳ беради: «Бир данакни қобиқсиз ҳолда эксанг кўкармас, қобиғи билан экканинг вақтда унади ва улкан дарахтга айланади». Данак сиртини мажозий қатлам десак, шу қатламдан ўтмай туриб ҳақиқий қатлам – мағизга етиш иложсиз. Табиат ҳодисасига кўра, муайян ҳарорат туфайли данак устидаги қобиқ бўртиб очилганидан кейингина унинг ичидаги мағиз ниш уради. Ширин суратини кўзгуда кўрган Фарҳод қалбидаги дард худди ҳарорат етган данак ҳолига тушиб ўзлигини намоён этади. Шу боис Фарҳодда рўй берган бу жараённи кўпчилик тушунмайди: «Муни билмайки қилғоч ишқ бедод, Бўлур юз ақлу дониш расми барбод».

Фарҳод танига тушган ишқ чўғини ҳар қанча сир тутишга уринмасин, уни ошкор этмасликнинг иложи йўқлиги уй ичига тушган оловга қиёсланади. Бундай уйдан дуд чиқмаган тақдирда ҳам уй ичи ёниб, охир-оқибат ёрилиши муқаррар. Фарҳоднинг ўз руҳиятида рўй бераётган ўзгаришни ошкор этмасликка ҳаракати эса нақшбандийлик таълимотининг «дил ба ёр-у, даст бакор» дастуриламали билан боғлиқ эканини алоҳида қайд этиш лозим. Навоий нақшбандийлик таълимотининг моҳияти, йўл-йўриқ ва қоидаларини ўз ижодида санъаткорона акс эттирган. Навоийшунос олим Ёқубжон Исҳоқов нақшбандийлик таълимотининг пайдо бўлиш тарихига эътиборни қаратиб, яссавийлик тариқатида «зикри алония» асосий ўрин тутса, нақшбандийликда «зикри хуфия» асосий аҳамият касб этиши ва унинг мумтоз адабиётимизга таъсири масаласига ўз илмий

хулосаларини беради. Шу маънода айтиш мумкинки, нақшбандийлик ўз даврининг илғор таълимоти сифатида мумтоз адабиётимизда ҳақиқат сир-асрорини мажозий шакл ва бўёқлар воситасида тасвирлашга асос бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Демак, Фарҳоднинг дастлаб ўзи мубтало бўлган ишқни ҳеч кимга билдирмаслиги, шу туфайли қаттиқ изтироб ва дарду ғамга мубтало бўлишининг тасвири бевосита нақшбандийлик қарашларига ҳамоҳанг:

Хираднинг пардасиға қайда ёро,
Ёшурмоқ ишқ ўтин айлаб мадоро.
Қуёшни зарра ёшурмоқ бўлурму,
Ҳубоб ичра тенгиз турмоқ бўлурму?

Хоқон ўғлининг дардига чора илинжида ҳикмат аҳли ва табибларни ҳузурига чорлаганда улар Фарҳоднинг илм йўлида риёзат чекиб қийналгани, тўрт манзилда аждаҳо ва Аҳраман дев билан олишиб толиққани, уни денгиз ўртасида жойлашган сўлим, баҳаво оролга олиб борилса, дарддан фориғ бўлишини маслаҳат беришади.

Денгиз сафарига отланиш рамзий маънода Фарҳоднинг ишқ оламига қадам қўйишидир. Бу оламда у дуч келадиган хавф-хатар, меҳнат-машаққат ва уларни енгиб ўтишнинг оғир кечиши достонда бадиий ифодаланган. Денгизда кўтарилган хатарнок шамол ҳаким ва табиблар тавсия этган шифо тадбири ишқ дардига даво бўлолмаслигини англатади. Фарҳод ўтирган қайиқ синиб, у бир парча тахта устида зўрға жон сақлаб қолади. Денгизда сузиб бораётган тужжорлар ҳушдан кетган Фарҳодни кемага чиқариб олишади. Кемада Шопур билан дўст тутиниб, дарду ғамини баён этганида мусаввир Ширин суратини чизиб кўрсатади, Арман юртига бошлаб боришга ваъда беради. Бу каби тафсилотлар ишқ йўлида ошиқ ортиқча восита ва чоралардан кўнгил узиши лозимлигига ишорадир.

Фарҳод Шопур билан Арман юртига етиб келганида кўзгуда намоён бўлган дашт, тоғ камарида қийналиб ишлаётган тошқазарларни, уларнинг оғир меҳнатида унум йўқлигини кўриб ачинади:

Гуруҳи эрди дарду доғ ичинда,
Ариқ қазмоққа шоғил тоғ ичинда.
Анингдек хорани кесмакда ожиз
Ки, кўрмай кимса андоқ ожиз ҳаргиз.
Икки юз хорабур илгида теша,
Уруб ул теша тош узра ҳамеша,
Валекин ўйла қоттиқ эрди хоро
Ки, гар юз теша тегса бемадоро.
Кесилмай бир нахудча тош чоғлиқ,
Нахудча демаким, хашхош чоғлиқ.

Тўрт қаср талқинида Фарҳоднинг бунёдкорликда фаол иштирок этиб, бу ишларни нафс очлигидан қутулиш мақсадида амалга оширганини шарҳлаган эдик. Қурилиш тугагач, хоқон билан айланиб, қасрлар ичидаги нозу неъматлар ўзини дарддан халос қилолмаслигини тушуниб етган Фарҳод тўрт қасрни ва ундаги лаззат омилларини тарк этишдан бошқа чора топмайди. Ҳавойи нафс истагидан қутулган Фарҳод Арман юртида тоғда ариқ қазиб сув ўтказиш, тошҳовуз барпо этиш ва муҳташам қаср бунёд қилишни энди нафс очлигидан халос бўлиш мақсадида эмас, балки кўзгуда сурати жилваланган мажозий ёр – Ширин ва

унинг хоҳиш-истаги учун амалга оширади. Шу мақсадда Фарҳод «Айн ул-ҳаёт» булоғидан сувни «Наҳр ул-ҳаёт» ариғи орқали «Баҳр ун-нажот» ҳовузига етказиб боради. Икки юз тошқазар уч йилда амалга ошира олмаган қазиш ишларини Фарҳоднинг бир кунда тугатиши Меҳинбону ва Ширин эътиборини ўзига тортмай қолмайди. Фарҳод келмасдан олдин Ширин амрига кўра амалга оширилган ишларда ишқ, завқ-шавқ ва иштиёқ йўқлиги боис унум ва самара бўлмайди. Фарҳод келиши билан бу ишлар жадаллашиб, самарали тус олади.

Фарҳоднинг афсонавий қаҳрамонлардек теша ва метинда тоғу тошни қўпориб, чопиб узоққа улоқтириши ва йигитларни қарияга айлантирган оғир меҳнатдан тошқазарлар оғирини енгил қилиши каби тафсилотлар моҳиятига диққат-эътибор қаратсак, мажозий ишқ ошиққа куч-қувват, қатъият ва дадиллик бағишлаганини кўрамиз. Меҳинбону билан Ширин бу ғаройиб инсонни кўришга борганда Фарҳод мажозий маъшуқ – Ширин юзига қарашга сабр-тоқати етмасдан ҳушдан кетади ва уни иззат-икром билан қасрга олиб борилади. Бир-икки кунда ўзига келган Фарҳод яна тешасини кўтариб, ариқ қазиш учун тоққа йўл олади. Фарҳод дилига ёр сиймоси муҳрланганидан кейин қўлини меҳнатда банд этиши, айтиб ўтганимиздек, «дил ба ёр-у, даст бакор» дастуриламалининг бадиий ифода ва рамзлар асосида яратилган талқинидир.

Меҳинбону Фарҳодни қасрда ўзгача илтифот кўрсатган ҳолда кутиб олишдан ташқари унга ўз тахтини таклиф этади. Меҳинбону Фарҳоднинг ҳавойи нафсдан пок ва маъсумлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин унга шундай баҳо беради: «Малакдур келган инсон суратида, Малаквашлиқ мубарҳан ҳайъатида». Ширин эса Фарҳоднинг бошидан бир товоқ гавҳар сочиб унинг меҳнатини муносиб тақдирлайди. Шу маънода ошиқ-маъшуқ учрашуви, Фарҳод, яъни *дард* Ширин, яъни *ҳусн* билан ўзаро тўқнаш келиши оқибатида бу иккисининг ҳосиласидан *ишқ куртаги* юз очади. Ёр юзига пок назар билан қарай олишга ўзида қувват ҳосил этган ошиқ учун ҳусн мажозий ишқ ўтини авж олдириш воситаси бўлишдан ташқари унинг руҳини тоблаб чиниқтиришга хизмат қилади. Мажозий ишқ қалб ва руҳни ҳақиқий ишққа тайёрлашнинг ўзига хос жараёни, унинг омили эса дард ва ҳусн эканини унутмаслик керак. Дард шу ҳусн таъсирида данакдек ўз бағрида ётган ишқ чечагини намоён этади. Шундан биламизки, мажозий ишқ авом ишқи билан ҳақиқий ишқ ўртасидаги ўзига хос қатлам, тақдири азал мажозий ишқ йўлини тутган ошиқ аҳлига ҳам офат, бало, синов ва имтиҳонларни ҳозирлаган. Қайси ошиқ бу босқичдан эсон-омон ўта олса мажозий ишқ ҳосиласи ва самараси сифатида ҳақиқий ишқнинг завқу лаззатига етишади.

Фарҳоднинг ариқ қазиш ишларини тугатиб, тошҳовуз бўйида Ширинга атаб қаср қуриши, у ерда уюштирилган зиёфатда Ширин тутган қадаҳдан маст бўлиш тасвирлари мажозий ишқ завқини туйиш, висол дамлари сархушлиги, ёрга етиш қувончи ва файзидан баҳра олиш рамзий маъно касб этади. Дарвоқе, қасрдаги базмда Меҳинбону, Фарҳод ва Ширин ичган май ҳамда шаробни оддий ичимликдан фарқлаш керак. Тасаввуф истилоҳида май ва шароб маънавий қувват, илоҳий сир-асрордан воқиф бўлиш ва унинг завқ-шавқи каби бир қанча рамзий маъноларга эга. Бироқ мажозий ишқ шаробида завқ ва лаззат мавжуд бўлсада, аммо унинг ўткинчи ва муваққат эканига достонда шундай изоҳ берилган:

Икки ҳол ул май ичра ҳосил эрди
Ким, ҳам ҳайвон суйи, ҳам қотил эрди.

Ҳаёт одамзодга ҳар қанча лаззат ва сархушлик ато этмасин, унинг ниҳояси аччиқ ва заҳри қотил экани ҳақиқат. Теранроқ мулоҳаза юритсак, мажозий ишқ одамзодга тириклик ва ўлим майини тоттиради. Навоий бу иккисининг ҳосиласи ўзликдан воз кечиш ва унинг ғамидан қутулиш ташвишини чекиш эканини билдирган ҳолда ўз қаҳрамони – Фарҳод эришган даражани шундай тасвирлайди:

Вужуди нақши кўнглидин йуюлди,
Кўнгил онинг вужудидин қутулди.
Қилиб ўзни халос ўзлук ғамидин,
Не ўзлук, балки йўқлуқ оламидин.

Фарҳод бутун ҳаёти давомида синов-имтиҳон, бало-машаққат ва азоб-уқубатлар эвазига мажозий ишқ чечаги таратган муаттар бўйдан баҳра олди. Аммо бу ишқ чечаги ҳақиқий ишқ қуёши қаршисида сўлишга ва ифорини бой беришга маҳкум этилган. Фарҳод ва Ширин етишган висол фироқ ва ҳажрга ўрин бўшатиб бериши даркор. Фарҳод ва Ширинни мажозий ишқ завқи, лаззати маънан ва руҳан сархуш айлаш баробарида ҳар иккисини ишқ ўтида тоблади, тарбиялади, ҳақиқий ишқ олами сари йўл олишга ҳозирлади. Аммо мажозий ишқнинг ҳақиқий ишққа ўрин бўшатиб бериши алоҳида босқич ва жараён эканини достоннинг кейинги бобларида кўриб ўтамиз.

СУВДАН АЙРИЛГАН БАЛИҚ

Фарҳоднинг Ширинни излаб Арман юртига бориши, тоғ бағрида ариқ қазиётган бир тўп одамларни учратиб, уларнинг қаттиқ меҳнат туфайли қийналаётганини кўрганида қўлига метин ва тешани олиб ёрдамга отланиши, Фарҳод довруғини эшитган Ширин уни кўришга борганда Фарҳоднинг ҳушдан кетиши, муҳташам қасрда ошиқ шарафига зиёфат берилиши ва бу зиёфатда ошиқ-маъшуқлар висол майидан тотиши тафсилотлари ҳақида баҳоли қудрат сўз юритган эдик.

Суқрот айтганидек, қалб ойнасини поклаган Фарҳод ишқ йўлида дуч келган тўсиқ-ғовларни мардонавор енгиб ўтгани учун мажозий ёр – Ширин – висолига етишди. Аммо Фарҳод ва Ширин севги-муҳаббати ҳамда унинг шавқ-завқи муваққат ва фоний экани тақдири азал дафтарига битиб қўйилган: «Висол ичра етишмай ошнолиғ, Фалак солди аро ерда жудолиғ».

Манбалар асосида мажозий ишқ ҳақиқий ишқнинг сояси, мажозий ишқ восита, унинг самараси ҳақиқий ишқ деб талқин этадиган бўлсак, бунда ҳам авом ишқида бўлганидек, висол ҳижронга ўрин бўшатиб беради. Яъни қасрда ошиқ Фарҳодга аталган зиёфат чоғида Ширин пайдарпай қадаҳ тутиб унинг кўнглини хушнуд этди. Фарҳод бу учрашувдан руҳланди. Нозик томони шундаки, у айш-ишрат учун қасрда қолмасдан, достонда айтилганидек, «бало тоғи»га жўнайди. Бироқ чархи кажрафтор ўйин кўрсатиб тақдир ёрғучоғида ҳажр заҳрини туйиб, ошиқ-маъшуқ ичаётган шаробга билдирмасдан ташлаб қўяди: Эрон ва араб ўлкаларининг ҳукмдори Хусрав Парвез тожу тахтига муносиб меросхўр қолдириш ниятида уйланишга қарор қилади ва ўзига муносиб ёрни қидиради. Ҳар тарафга отланган одамлари Арман юртида ҳусну жамолда тенги йўқ Ширин деган қиз борлигидан хабар беради. Аммо шоҳнинг жўнатган совчилари Меҳинбонудан рад жавобини олиб қайтади. Ота-боболари шоҳ ўтган Хусрав Ширин билан Фарҳоднинг ошиқ-маъшуқлигини эшитиб қандай бўлмасин ошиқни бу истаги йўлидан олиб ташлаш режасини тузади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, олдинги бобларда Арман юртига келишдан олдин Фарҳоднинг Суқрот кўрсатмаси асосида манзилларда учраган аждаҳо, Аҳраман ва темир пайкар устидан ғолиб чиқиб, нафсоний покликка эришгани ва кўзгу тилсимини очиб, унда Ширин жамолини кўришга муяссар бўлганини айтиб ўтгандик. Тақдирнинг синов-имтиҳон босқичларидан муваффақиятли ўтиб келаётган Фарҳод мажозий ишқ йўлини тутган ошиқ мақомига кўтарилди. Аҳамият берилса, Хусрав ҳам Ширинга севги-муҳаббат изҳор этиб, ўзининг унга муносиб ёр эканини даъво қилади. Демак, Фарҳод ҳам, Хусрав ҳам Ширин висолидан умидвор ва унга даъво қилувчи ошиқ. «Маҳбуб ул-қулуб» асарида: «Мажозий ишққа бир маҳбуб бўлғай, Анинг ишқида беҳуд ва мағлуб бўлғай», – дейилганини инобатга олсак, хослар ишқ-муҳаббатида ҳам авом ишқи туридаги ошиқ ҳолатига ўхшаш «бир маҳбуб» бўлишини тақозо этади, хослар билан авом ишқ-муҳаббатининг руҳий ҳолат, кечинма ва дарду изтиробларида зоҳирий жиҳатдан қараганда бир-бирига ўхшашлик мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Аммо бу икки ишқ турида мақсад бошқа-бошқа томонга йўналганини унутмаслик керак. Шу маънода айтадиган бўлсак, Хусрав ва Фарҳоднинг қайси ишқ турига мансуб ошиқ эканини ажратиб олиш қийин эмас:

Букун Фарҳод ул озодавашдур
Ки, йўқлуқ бодасидин журъакашдур.
Фано ўти аро андоққи хошок,
Вужуди хирманин пок ўртамиш пок.
Бўлубтур ўйла ҳақ зотида фоний
Ки, йўқтур анда ўзлукнинг нишони.
Бу ашъё ичраким бўлғай мазоҳир,
Кўрар мазҳарни ҳар ён бўлса нозир.

Улкан тожу тахт эгаси Хусрав совчиларини жўнатганда Меҳинбону чиройли ишоралар орқали Ширинниг бир айби борлиги, яъни унинг ҳузурида эр отини тутиб бўлмаслигини рўкач қилади. Хусравнинг совчилари Фарҳоддек тошйўнар, телба бир йигитни яхши кўриши ва бу муҳаббат довруғи бутун эл-юртга маълум эканини келтириб унинг айтган сўзларини рад этади. Хуллас, Ширинни никоҳига олмоқчи бўлган Хусрав Меҳинбонунинг жуда нозиклик ва имо-ишора билан келтирган жавобини тўғри фаҳмламайди. Табиийки, у Фарҳодни авом ишқи мақомидаги ўзига ўхшаш ошиқ деб ҳисоблаб адашади.

Ширинга совчи юбориб мақсадига осонликча эриша олмагандан кейин Хусрав зўравонлик, дўқ-пўписа ва таҳдид орқали ниятига етмоқчи бўлади. Ҳатто Арман юртига катта қўшин тортиб, Меҳинбону билан Ширин турган қалъани қамал қилади. Фарҳод унинг йўлига бир ўзи тўғаноқ бўлиб қарши чиққанида Хусрав уни назар-писанд этмайди. Шундан аён бўладики, у мутакаббир, калондимоғ ва куч-қудратига ишонган шоҳ бўлишдан ташқари ошиқлик даъвоси билан чиқиб, қандай бўлмасин Ширин васлига етиш чораларини қидиради.

Фарҳоднинг ёлғиз ўзи катта қўшинга тенг келолмаслиги ҳаётий ҳақиқат. Аммо бир нарсани тўғри тушуниш лозимки, Навоийнинг мақсади бу тасвир орқали икки турдаги ишқнинг бир-биридан фарқини очиб бериш, авом ишқига мансуб ошиқ қанчалик куч-қудратга эга бўлмасин, барибир, хослар ишқи мақомида турган ошиқ билан тенглашолмаслигини бадиий бўёқлар воситасида чизиб кўрсатишдир. Бундан кўринадики, Фарҳод ҳам ошиқ, Хусрав ҳам ошиқ. Бироқ бу икки ошиқ фарқини ажратиб олиш керак. Фарҳод нафсоний покликка

эришгани учун ўзидан кўра паст мақомда турган Хусравдан ҳар жиҳатдан устунлигини хатти-ҳаракатлари ва ишқ хусусидаги баҳс-мунозарасида билдиради:

Дедиким: куймагингни айла маълум!
Деди: андин эрур жоҳ аҳли маҳрум!
Деди: қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?
Деди: руҳ эрмас эрди танға пайваст.

Навоий шу суҳбат асосида Фарҳод билан Хусравнинг маънавий олами, ақл такомили ва ишқ тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларига очиқ-равшан таъриф беряпти. Хусрав зўравонлик орқали мақсадига етолмаслигини билганидан кейин ҳийла-найранг ишлатиш орқали Фарҳодни асир олади ва уни занжирбанд қилиб Салосил қўрғонига қамаб қўяди. Фарҳод бу қўрғонда Суқрот таълим берган «исми аъзам»ни ўқиб занжирларни узади, қўрғон атрофида бемалол айланиб юради, даштга чиқиб парранда ва даррандалар билан улфат тутинади:

Сулаймонваш чекиб ул ерга поя
Ки, қушлар тортибон бошиға соя.
Қилиб ишқ ўйла шавкат раҳнамуни
Ки, шери шарзани айлаб забуни.
Бўлуб ул гоҳ шер устига рокиб,
Сибоу ваҳш анга хайлу мавокиб.
Замони бабру қоплондин бўлуб шод,
Қилиб дилдор кўйи итларин ёд.

Хусрав Фарҳоднинг ғайритабиий, валийсифат ва кўнгли каромат нури билан йўғрилганини пайқайди. Лекин иззат-нафси, ғурури, тожу тахти ва ҳавойи нафси бу ҳақиқатни тан олишга тўсқинлик қилади. Шу важҳдан ишқ йўлидаги рақибини зўрлик ва дўқ-пўписа билан енголмаганидан кейин бу ишга фалак золи – ҳийлагар кампирни ёллайди. Аслида, фалак золи деб таърифланган бу ҳийлагар кампир афсона ва эртакларда баён этилган ёвузлик образидан фарқ қилади. Мазкур достонда кампир дунё тимсоли сифатида талқин этилишида катта маъно бор. Мўътабар манбаларда эса айнан дунё кампир тимсоли сифатида аниқ айтиб қўйилибди. Уларда таъкидланишича, дунё одамлар кўз олдида чиройли келин қиёфасида жилваланиб, ўзига ром этади. Шунинг учун одамзод ана шу дунёни деб талашиб-тортишади, низолашади, бир-бири билан ихтилофга боради. Чунки одамзодни нафс шундай қилишга мажбур этади. Аммо дунё уларнинг биридан юз ўгирса, яна бирига ноз-карашма билан боқади. Нафсоний покликка эришган Фарҳодга дунё ўзининг асл қиёфасида, яъни кампир шаклида кўринади. Хусрав эса шу кампир – дунёнинг макр-ҳийласи воситасида Фарҳодни мағлуб этади. Кампир минг бора синовдан ўтказган ҳийласини амалда қўлла, Фарҳодни бу оламдан кетишга мажбур қилади. Қолаверса, Фарҳодни дард тимсоли деб атаган эдик. Дард ва ҳусн учрашишидан мажозий ишқ амалга ошди, ўз навбатида, у қалб ва руҳни ҳақиқий ишқ даргоҳига тайёрлади. Дарднинг вазифаси шундан иборат эди, у хизматини тўлиқ адо этиб бўлди. Ўз вазифаси ва хизматини бажариб бўлганидан кейин дард кетиши керак, унга ҳамроҳ ҳусн ҳам ўз вазифасини адо этганидан кейин заволга учрайди. Шуни таъкидлаш лозимки, дард ва ҳуснни бир-биридан сира ажратиб бўлмайди:

Фироқида букунлук тонглалиқмен,
Ғамидин, ўйлаким, сувсиз балиқмен.
Балиқ ҳоли бу бўлғай сувдин айру
Ки, толпинмоқдин ўлғай истабон су.
Анинг ҳажрида толпинмоқ ишимдур,
Чу толпиндим, ўлуб тинмоқ ишимдур.

Мажозий ишқ улкан денгизга қиёсланса, бу ишқ йўлидаги ошиқ-маъшуқлар унда сузиб юрган балиқларни эслатади. Қачонки шу денгиздан бири чиқарилса, иккинчиси қуруқликка ташланган балиқ ҳолига тушади. Мавлоно Жалолиддин Румий таъбири билан айтганда, иккита тирик қуш бир-бирига боғлаб қўйилса, кўкка парвоз этолмайди. Гарчи қанотлари тўртта бўлса ҳам. Чунки иккилик мавжуд. Шу иккилик йўқолса, ҳар иккиси ҳам парвоз эта билади. Энди орада иккилик қолмайди. Фаридиддин Аттор «Мантиқ ут-тайр» достонида бу оламни ҳуққа-қутичага ўхшатади. Ажал шу ҳуққа-қутичани ёпганда, кимнинг қаноти бўлса, ундан учиб чиқади. Агар қаноти бўлмаса, шу қутича ичида юз балога гирифтор бўлиб қолиб кетади деган.

Шу фикр-мулоҳазаларга, асосан, айтадиган бўлсак, Фарҳод ва Ширин, яъни дард ва ҳуснни мажозий ишқ бу олам ҳуққа-қутичасида икки қушдек жуфтлагандан сўнг, дунё тимсоли деб олинган кампир бирини парвоз эттиргандан кейин иккинчиси ҳам иложсиз унга эргашиб изидан парвоз қилди. Бундан кўринадики, фалак золи – кампир шу икки қушнинг парвозига шароит яратиб берди. Бу дунёнинг қурилма ва тарҳи шундай яратилган бўлиб, Фарҳод ва Ширин камолот босқичига кўтарилиб эмин-эркин парвоз этиш бахтига муяссар бўлса, Хусрав каби нафс қулига айланган ошиқларга мажозий ишқ майидан тотиш насиб қилмайди. Фаридиддин Аттор айтганидек, ўзини юз балога гирифтор этиши – ўғли Шеруя томонидан қатл этилиб, шармандалик ботқоғига ботишини билдиради. Навоий Фарҳод ва Хусрав образини бир-бирига зид маънода талқин этиши айни шу фарқни кўрсатиш, шунинг баробарида, мажозий ишқ такомил натижасида ҳақиқий ишқ остонасига қай тариқа етиб бориши ва ваҳдат ҳосил бўлишини образли тарзда чизиб беришдан иборат:

Гар ул ишқимда хирмон бирла кетти,
Вале ишқи камолин собит этти.
Вужудин ўртаб ул сўзу гудози,
Ҳақиқатқа бадал бўлди мажози.
Тутуб соқий ваҳдат жомин тавфиқ,
Насиби айлади ҳақ роҳи таҳқиқ.
Бақо гулшанида султонлиққа етти,
Ҳақиқат мулкида хонлиққа етти.

Кўриб ўтганимиздек, мажозий ишқ булоғи кўзини очиш учун дастлаб дард бўлиши керак. Дард бўлган тақдирда ошиқлик чинакам ва ҳақиқий тус олади. Шунингдек, дард бўлган маҳалда ошиқ қалби ва руҳиятида покланиш жараёни кечиб, ошиқ бу йўлда учрайдиган ғов ва тўсиқларни мардонавор енгиб ўтишга бел боғлайди, машаққат юкини елкасига олади. Яна шуни унутмаслик керакки, мазкур достонда баён этилганидек, ҳусн бўлган тақдирда дард ҳаракатга тушади, ўз бағрида турган ишқ чечакларини намоён этишга интилади ва мажозий ишқни ҳақиқий ишқ сари отлантиради. Шу маънода дард ва ҳусн эгизакка ўхшайди, бир-биридан ажралишини тасаввур қилиб бўлмайди. Агар дард мавжуд бўлса, у ҳуснни қидириб топади, шу ҳусн туфайли мақсадига восил бўлади, ўз навбатида, ҳусн ҳам

дард бўлмаган тақдирда ҳеч қандай маъно касб этмайди. Арман мамлакатида тоғда ариқни қазишда қийналиб турган одамлар Фарҳоднинг ташрифидан кейин бирданига ҳаракатга тушиб, ишларида унум бўлиши ҳусн дардни кутиб турганини англатади. Дард келиши билан ҳусн ҳам ўз вазифасини адо этишга киришади.

Навоийнинг маҳорати шундаки, Фарҳод, яъни дард бўлган тақдирда ички душман – нафс аждаҳоси, Аҳраман дев ва темир пайкарни енгиб ўтиш насиб этади, Суқрот ҳаким даргоҳига бориб мажозий ишқ таълими олинади. Дард бўлган тақдирда ички душмандан халос бўлганидан кейин ташқи душман – Хусрав устидан ғалаба қозониш қийинчилик туғдирмайди. Одамзод ақл-шуури кўпроқ зоҳирда кўзга ташланиб турган ташқи душманни кўриши ва шунга қаттиқ аҳамият бериши Фарҳод қўлга киритган натижалар сари боришга оқсоқлик қилади. Шулардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонини оддий йигит-қизнинг севги-муҳаббатини тараннум ва васф этишга бағишлаган десак, тўғри бўлармикан? Кўриб ўтилганидек, бу асарнинг маъно-моҳиятига етиб бориш ва уни ҳақиқий ҳолича тасаввур этиш учун ўқувчидан муайян илмга эга бўлиш талаб этилади. «Фарҳод ва Ширин» достони устида олиб борилган мазкур тадқиқотимиз бу асар оламига кириб бориш ва уни кашф этиш йўлида, таъбир жоиз бўлса, бир уринишдан иборат. Ҳали бу асарни янада чуқурроқ англаш борасида тадқиқот ишлари давом этади деган умиддамиз.

ХУЛОСА

Шарқнинг ёзма адабиёти ва халқ оғзаки ижодида «Фарҳод ва Ширин» достонининг турлича талқин, вариантлари мавжуд. Алишер Навоий мазкур достонга қўл уришдан олдин бундай манбаларни синчиклаб ўргангани, фикр ва хаёл элагидан ўтказганини асарнинг илк бобларидан бирида келтириб ўтади. Шунингдек, Навоий бобомиз олдинги хамсанавислар эътибордан соқит қилган жиҳатларга аҳамият бериб, Фарҳод, Ширин ва Хусрав образларини янада такомилга етказди, уларнинг рамзий ва тимсолий маъноларини санъаткорона тарзда тасвирлаб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Навоийнинг ўз эътирофидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Фарҳодни нафақат ишқ, шу билан бирга, дард тимсолига айлантиргани ва буни асарда бобма-боб моҳирона талқин ҳамда тавсиф этиб борганини кузатишимиз мумкин. Айтиб ўтилганидек, Ширин образини ҳусн тимсоли сифатида кўрсатиб, улар орқали шоир ўз мақсади ва орзу-истакларини амалга оширди. Бу асарга якун ясаш чоғида уни ғам достони, фироқ аҳлининг мотам достони деб аташи ҳам бежиз эмас. Бутун асар давомида мажозий ишқ тараннуми мустаҳкам ўрин олиб, унинг ҳақиқий ишққа қай тарзда айланиш жараёнини дардли сатрлар орқали чизиб кўрсатиши ҳам фикримизни далиллайди.

Айтиш жоизки, «Фарҳод ва Ширин» достонини тақдир ва ҳаёт китоби деб атасак тўғрироқ бўларди. Негаки одамзод яшаётган бу дунё беҳуда яратилган эмас. Қолаверса, бу дунё инсонга Парвардигор томонидан синов ва имтиҳон учун берилгани ҳаёт ҳақиқати эканини англамаслик тақдири азал ҳукмини билмаслик ёки уни тан олмасликдир. Агар теранроқ мулоҳаза юритилса, Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достони ғояси ва мазмун-моҳиятида худди шу масалага мажозий образ ва бадиий бўёқлар орқали ёндашиб одамзод жоҳиллик ва нодонлик туфайли англаш ва тан олишдан бўйин товлаётган бу ҳақиқатни асар воқелиги асосида изоҳлаб кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганини кўрамиз. «Ғурбатда ғариб...» мақоламизда Одам Атони ер юзидаги илк ғариб инсон деб атаган эдик. Фарҳод ҳам шу ғарибликни англаб, шу мақомга етишган образ десак, хато бўлмайди.

Бундай дейишимизга сабаб, Фарҳод достон охирида бу дунёнинг сир-синоати, жумбоқлари ва ғаройиблиги қаршисида лол қолган ҳолда ўзини ожиз ва нотавон ҳис этади, одамзод эл бўлмаслигини фаҳмлаб ундан узоқлашади ва ҳайвонлар билан улфат тутинади. Олдинроқ шарҳлаб ўтилган рубоийда тилга олинган «эл» билан Фарҳоднинг мажозий ишқ йўлида тўсиқ ва ғовларни яратган шахслар бир маъно касб этади. Аммо шуни унутмаслик керакки, бу «эл»нинг қаршилиги ва зиддияти ҳикматдан холи эмас, бу ошиқ Фарҳод нафсини поклаб, уни маънавий поклик ва комилликка эриштиради. Шу боис Фарҳод бу олам уйи – ҳаммомга кириб, ундан нопок ҳолда чиқмайди. Шунинг учун у «ғамнок» эмас, ўз тақдири ва китобини ўқиб ундан ўзига керакли хулоса ва ечим қидиради. Абдурашид Абдуғафуров «Буюк бешлик сабоқлари» мақолалар тўпламида: «Чиндан ҳам Навоий Фирдавсий, Низомий ва Хусрав Деҳлавийлар томонидан ишланган Хусрав ва Ширин, Лайли ва Мажнун, шоҳ Баҳром ва Искандар мавзуларини қаламга олар экан, аввалambор, ўз замонаси ҳодисаларини, ўзига замондош шахслар муаммолари ва характерларини, ўй-истаклари ва интилишларини, ўзи яшаётган жамият жумбоқларини тасвирлайди, ўз даври ҳаётини ёритади, улар воситасида ўз ғоя ва қарашларини, баҳо ва муносабатларини баён этади», – деган. Бу таъкидга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, «Фарҳод ва Ширин» достони муайян бир давр ва жамият учун хосланиб қолмайди. Бу асар одамзоднинг ибтидо ва интиҳосини ўзида қамраб олгани, шу салмоқ орқали иш тутганлиги билан катта аҳамият касб этади. Зеро, талқин этилган ҳақиқатни ақлнинг басират кўзи очиқ инсонлар англайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Алишер Навоий. Хамса. – Тошкент: ЎзФА, 1960.
2. Навоий асарлари луғати. – Тошкент, 1972.
3. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин (насрий баён). – Тошкент, 1975.
4. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр (насрий баёни билан). – Тошкент, 1991.
6. Абу Ҳомид Ғаззолий. Иҳё улум ид-дин. 5 жуз. – Қоҳира. Дорул ҳадис. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий / Жамол Камол тарж. – Тошкент, 2010.
7. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур / Улуғбек Ҳамдам тарж. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
8. Шайх Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр. – Тошкент: Фан, 2006.
9. Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр (насрий баён). – Тошкент, 2006.
10. Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси (ўқув қўлланма). – Тошкент, 2011.
11. Доктор Сайиид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбийрот ирфоний. Теҳрон, ... йил.
12. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература // Изб. труды. – М.: Наука, 1965.
13. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Моваройуннаҳр, Ўзбекистон, 2009.
14. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи (дарслик). – Тошкент: Ўқитувчи, 1976.
15. Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1991.
16. Ойбек. Танланган асарлар. Тадқиқот ва мақолалар. 13-том. – Тошкент: Фан, 1979.
17. Абдурашидов А. Буюк бешлик сабоқлари. – Тошкент, 1995.
18. Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007.
19. Иброҳим Ҳаққул. Камол эт касбким. – Тошкент: Чўлпон, 1991.
20. Эркинов С. Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 1971.
21. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий (манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили). – Тошкент: Akademnashr, 2011.

АБДУЛМАЖИД ҲАСАНХОН ЯҲЁ

АЛИШЕР НАВОИЙ ИСЛОМИЙ ТАСАВВУФ ШЕЪРИЯТИ НАМОЁНДАСИ

АЛИШЕР НАВОИЙ – ИСЛОМИЙ ТАСАВВУФ ШЕЪРИЯТИ НАМОЯНДАСИ

Инсонга баённи – сўзлашни таълим берган Роббимиз Аллоҳ таолога ҳамду саноларимиз бўлсин!

Инсониятга энг гўзал ва тўғри сўзларни баён қилган Расули акрам Муҳаммад Мустафога дуруду салавотларимиз бўлсин!

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ҳазратларининг номларини тилга олар эканмиз, у кишининг, аввало, исломий тасаввуф, яъники Ислом шоири эканларини таъкидлаш лозим. Ҳазрат Навоийнинг ижодлари билан танишган, асарларини холис ўрганган ҳар қандай билимли одам шундай хулосага келиши аниқ. Қўлингиздаги ушбу рисолани ўрганиш давомида бу ҳақиқатга сиз ҳам яна бир бор амин бўласиз.

Афсуски, даҳрийлик тузумининг қора булутлари халқимизни ушбу ҳақиқатни кўришдан узоқ йиллар тўсиб келди. Ачинарлиси, олам узра илм қуёши порлаб, унинг нурафшон зиёсида кўпчилик кишилар ҳақиқат қояларини кўриб турган бир пайтда ҳали-ҳануз ўша қора булутлар сояси кўзидан аримаган айримлар эски сафсаталарини бозорга солишдан тўхташгани йўқ. Улар ҳали ҳам улуғ сўфий, зоҳид, олим Низомиддин Алишерни шаҳвоний ишқ-муҳаббат ва айшу ишрат куйчиси ўлароқ таърифлашни қўмсаб туришибди, ҳақиқатни тан олгилари келмаяпти. Уларга Навоийнинг аслида қандай инсон бўлгани эмас, балки улар истагандек инсон бўлиши муҳимдек. Шунинг учунми, улар Навоийнинг шахсияти билан ҳам унча қизиқишмайди, балки Навоийни ўзлари истагандек шаклда кўришни, тасвирлашни хоҳлашади, доимо шунга интилишади.

Бошқа бир тарафда бор ҳақиқатни англаб етган бўлса-да, негадир унинг ошкор бўлишини истамай турган адабиётшунослар ҳам борлиги кишини янада ҳайратга солади. Аммо бу каби дилхираликлар йилдан йилга камайиб, кўпчилик ҳақиқатни аста-секин англаб бораётгани қувонарли ҳолдир. Бир қатор адабиётшунос олимларимиз томонидан Навоий ижодини холисона ўрганишга тарғиблар, ҳаракатлар бўлди ва бўлиб турибди. Бу борада Азизхон Қаюмов, Алийбек Рустамий, Иброҳим Ҳаққул, Нажмиддин Комилов, Суйима Ғаниева, Абдуқодир Ҳайитметов каби Навоийшуносларимизнинг қилган салмоқли ишларини эсга олиш жоиз. Ёзувчи Аҳмад Муҳаммад Турсуннинг яқиндагина тақдим этилган «Улуғ Ислом шоири» сарлавҳали мақоласи ҳам шу йўлда ташланган шахдам қадамлардан бўлди. Сўнгги йилларда етук Навоийшунос олимларимиздан Олимжон Давалатов, Абдулмурод Тўлиев, Сайфиддин Рафиддинов, ёш навоишунос Акрам Малик каби тадқиқотчиларимизнинг Навоийшунослик борасида олиб борган изланишлари ва нашрлари соҳада ўзига хос бурилиш ясади.

Тўғри, ҳазрат Навоий ўз ижоди учун танлаган тилнинг туркий-ўзбек тили бўлгани эътиборидан у ўзбек шоири, ўзбек шеърияти мулкининг султони ҳисобланади. Аммо у киши ёзган асарларнинг асл манбаларига назар солинса, уларнинг сув ичган булоғи суриштирилса, шоирнинг ғоя ва мақсадлари ўрганилса, «Навоий – буюк Ислом шоири» экани аниқ-равшан бўлади.

Аслини олганда, олдинги вақтларда Ислом юртларида дин илмлари билан бошқа фанлар орасида ҳозиргидек сунъий «хитой девори» бўлмаган. Насроний юртларга хос бўлган бу «меъморчилик санъати» мусулмон юрталарга мустамлакачилар зуғуми билан кириб келган. Ундан олдин барча илм ва санъат турлари диний-ахлоқий таълимотлар асосида, ҳалол-пок суратда олиб борилган ва ўз вақтида гуркираб-яшнаган. Жумладан, аввалари адабиёт соҳасини ҳам исломий билимлардан холи тасаввур қилиб бўлмас эди. Чунки омма,

халқ ёппасига мадрасаларда илм таҳсил қилар ва биринчи бўлиб диний билимларни ўрганар эди. Олим ва адиблар эса бу борада энг фаол кишилар бўлар эди. Шу боис ўзини билган ҳар қандай ижодкор ўз эътиқоди ва тушунчаларини ҳамиша ўз фаолиятининг асоси ва мезони қилиб олар эди.

Ҳақиқатан ҳам халқимиз бошқаларга мустамлака бўлиб, уларнинг изидан юришга мажбур қилинган давргача Алишер Навоий ҳақида даҳрийча тасаввур умуман бўлмаган, бу каби уйдирма бировнинг хаёлига ҳам келмаган. Тарихга назар солинса, Навоий асарлари бизгача маишатпараст, майпараст, бузуқ одамлар орқали эмас, балки маърифатпарвар адиблар, улуғ тасаввуф машойихлари воситасида етиб келган. Бу асарлар, асосан, мадрасаларда исломий илмлар қатори ўқитилган. Шу пайтгача Навоий асарлари билан қизиққан, уларни ўрганадиган ва ўргатадиган қатлам Ислом уламоларидан, зоҳид пиру устозлардан иборат бўлган. Улар ҳазрат Навоийнинг номларини катта ҳурмат билан тилга олишар, байтларини кўзларида ёш билан ўқишар эди. Улуғ воизларимиз ўз ваъзларида Қуръони Карим оятлари ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан айтар эканлар, уларнинг мазмунларини янада ёритиш ва изоҳлаш учун Навоий ва Фузулийларнинг байтларидан иқтибос келтиришарди. Буларнинг барчаси яқин тарихимизнинг ёрқин саҳифалари эди.

Афсуски, кейинги даврларга келиб, диний маърифатдан, исломий билимлардан узоқлашиш натижасида ўтган буюк адибларимизнинг асарларидан ҳам олислаб кетилди. Уларнинг руҳий кечинмаларини ҳис қилиш у ёқда турсин, адабий истилоҳларини ҳам тушунмайдиган бўлиб қолинди. Натижада уларнинг асарларининг мазмун-моҳиятига етиб бормай, сўзларнинг юзаки маъноларидан хулоса чиқаришга ўтилди. Бу ҳақиқатни ўша улуғ адибларнинг ғазалларига боғланган айрим замонавий тахмисларда ҳам кўриш мумкин. Улар тоғдан келса, булар боғдан келаётгандек. Зеро, мумтоз шоирларимизнинг адабий истилоҳларини чуқур англамай, буюк қалбларидаги мусаффо илоҳий ишқ ўтини ҳис этмай туриб, уларнинг асарларини тушуниб бўлмайди, албатта. Бизнинг шак-шубҳага, дунё муҳаббатига тўлган қалбимиз уларнинг ёлғиз Аллоҳга бўлган иймону муҳаббат билан ёнган қалбини қандай қилиб ҳис қилсин, ахир?! Бир дам Аллоҳнинг зикридан ғафлатда қолишни ўзи учун айбу нуқсон деб билган буюк инсонларнинг гапини бир умр Аллоҳдан ғафлатда юрган кишилар тушуна олармикин?! Охир-оқибат шунга етдики, одамларимиз йиғлаб тинглаши керак бўлган байтларни шўх-шўх куйларга солиб, рақсга тушадиган бўлиб кетишди. Агар ўша улуғ аждодларимиз ўз авлодларининг бу қадар тубанлашиб кетишларини билганларида, эҳтимол, бошқачароқ йўл тутган бўлишармиди...

Халқимизнинг бундай ноқулай ҳолатга тушиб қолишига давр тақозоси баҳонасида, замонасозлик илинжида йўл қўйилган хатолар ҳам сабаб бўлган, десак, адашмаган бўламиз. Бу ҳақиқатни бугун кўплаб ёзувчи ва олимларимиз баралла айтмоқдалар. Жумладан, таниқли Навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов Навоий ҳаёти ҳақидаги битикларида қуйидагиларни ёзади: «Бироқ қарийб бир ярим аср давом этган мустамлакачилик даврида, айниқса, шўро тузуми даврида маданий меросимизни халқимизга ёт мафкура қолипига солиб талқин қилишга уринишлар бўлди. Бу ҳодиса Алишер Навоий ижодига муносабатда ҳам ўз ифодасини топди. Уни йўқсилларнинг дўсти, мулкдорларнинг мухолифи қилиб таърифлашга интилишди. Жаҳон адабиётининг дурдонаси бўлган асарларидаги (масалан, «Ҳайратул-аброр» достонидаги) ажойиб боблар қисқартириб нашр этилди. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди Аллоҳга иймон келтирган, Қуръони Каримдаги ҳар бир оятни муқаддас деб билган, нақшбандия тариқатини қабул қилган шоир ва мутафаккирнинг ҳаёти ва ижодидир. Унинг ижоди моҳиятини англаб етмоқ учун киши дин тарихини яхши би-

лиши, Қуръони Каримни ўқиб, маъносини англайдиган бўлиши керак. Шўро тузумида эса диний илмларни тарғиб қилиш таъқиқланди. Шу боис гарчи Навоийшунос олимлар шоир ижодини тарғиб қилиш бўйича анча ишлар қилган бўлсалар ҳам, Алишер Навоий ижоди кўпчилик китобхонлар учун тушунарсиз бўлиб қолди».

Мустақиллигимиз шарофати билан кўп нарса ўз ўрнини топди. Халқимиз ўзининг буюк аждодларини ҳақиқий суратида кўриш бахтига муяссар бўлди. Тарихимизни тиклашга, муқаддас динимизни ўрганишга кенг йўл очилди. Ушбу китобча ҳам мана шу изчил жараённинг кичик бир мевасидир.

Алишер Навоийнинг асарлари Ислом таълимоти ва фалсафаси билан тўла йўғрилгандир. Бошқача қилиб айтганда, улар ўз даврининг диний-фалсафий китоблари бўлган. Агар синчиклаб қаралса, у кишининг деярли барча асарларида оят-ҳадисларнинг, айниқса, Ислом тасаввуфининг, исломий ҳикматнинг ифори шундоққина уфуриб туради. Фақат уни туйиш, ҳис этиш учун кишининг шуури, зеҳни соғлом ва сезгир бўлиши керак, холос.

Ўтган асрда Андижонда кўпчилик мусулмонларга пешво бўлиб ўтган улуғларимиздан бири Фаттоҳхон махдум бундай деган эканлар: «Мен «Хамса»ни тўрт маротаба ўқиб чиқдим. Биринчи ўқиганимда, уни шунчаки муҳаббат ҳақидаги ҳикоялар экан, деб ўйладим. Кейингисида уларда оят-ҳадисларнинг маънолари бор эканини пайқадим. Учинчи, тўртинчи бор ўқиганимда, улар Исломдан бошқа нарса эмаслигини англадим».

Ҳа, агар чуқур ва жиддий ўрганилса, «Хамса»да асосан тасаввуфона дунёқараш, тасаввуф фалсафаси акс этган. Унда банданинг Аллоҳга муҳаббати ва бу йўлдаги тўсиқлар маълум ҳикоялар ёрдамида тасвирланган, тушунтирилган. Қалб касалликлари ва даражалари, нафс ғалаёнлари ва даволари маълум образлар ёрдамида ўзига хос услубда баён қилинган.

Эътибор берилса, ҳазрат Навоий «Хамса»нинг таркибидаги ҳар бир асарни Аллоҳ таолога ҳамду сано ва муножот билан бошлаб, кейинги икки-учта бобни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг наъту тавсифларига, мўъжизаларининг баёнига бағишлаган. Уларда муаллиф Аллоҳ таолога ёлвориб илтижолар қилади, қиёмат даҳшатларини эсга олиб, Аллоҳдан ўша кунда нажот беришини сўрайди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатларига ноил этишини тилаб, дуолар қилади. «Ҳайратул-аброр»нинг биринчи бобини «Басмала»га бағишлаб, унда ушбу муборак иборанинг фазилатлари ва мазмун-моҳиятини ажойиб бир шоирона услубда баён қилади. Ҳатто «Садди Искандарий»да ҳамду сано, муножот ва наътлардан кейинги бешинчи бобнинг сарлавҳасида ушбу беш достонни беш маҳал намозга ўхшатади ва уларнинг ҳар бирини оятлар билан изоҳлайди.

Ўзингиз ўйланг, Навоийдек зукко шоир ва йирик давлат арбоби у ёқда турсин, бирор ақлли инсон шаҳвоний ишқ-муҳаббат ёки шунчаки севги афсоналаридан иборат асарни ана шундай юксак руҳдаги муқаддималар билан бошлаши мумкинми? Дунёда бирор киши ана шундай ўт билан сувни қориштирган асарни кўрганми ўзи? Мана шунинг ўзи ҳам Навоий асарларининг асл моҳиятини очиқ кўрсатиб турибди. Буни кўрмаслик учун инсон ўз қаршисида турган нарсадан ҳам тамоман кўз юмиши керак. Чунки ушбу ҳақиқатни ҳазрат Навоийнинг ўзлари «Лайли ва Мажнун»нинг хотимасида очиқ баён қилиб қўйганлар:

Ёзмоқда бу ишқи жовидона,
Мақсудим эмас эди фасона.
Мазмунига бўлди руҳ майли,
Афсона эди анинг туфайли.
Лекин чу рақамга келди мазмун,
Афсона анга либоси мавзун.

Яъни бу барҳаёт ишқ ҳақида ёзишдан мақсадим қандайдир афсона айтиш эмас. Балки руҳ унинг мазмунига, яширин маъноларига майл қилди. Аммо айтилган афсона ушбу маънони англатиш учун бир сабаб, восита эди. Мазмун ушбу битикларнинг ўзида, афсона унга бир хушбичим либос, холос.

Алишер Навоий ўз асарларида тасаввуф таълимотларини, бошқача қилиб айтганда, ички фиқҳни акс эттириш билан бирга, зоҳирий фиқҳ ва ҳадис илми борасида ҳам қалам тебратган. Чунки тасаввуф фалсафасини ҳамма ҳам яхши тушунавермайди, уни асосан ушбу илмда етук билим ва тажрибага эга бўлган кишиларгина англай биладилар. Шу боис буюк шоир омма истифода қилиши учун соф шаръий кўрсатмаларга доир асарлар ҳам ёзган. У кишининг мана шу маънодаги уч асари – «Арбаъин», «Сирожул-муслимин» ва «Муножот» китобларини бир неча йил муқаддам «НавоийДИН ЧУ ТОПҚАЙЛАР НАВОЕ» номли махсус тўплам шаклида нашр қилган эдик. Бу тўпламда берилган маълумотлар китобхонларда катта қизиқиш уйғотди ва кўпчиликнинг улуғ шоиримиз ҳақидаги тасаввурлари ростланиб, кенгайиб, ҳақиқий қиёфасини олди. Қуйида ўша нашрдан фойдаланган ҳолда Навоий ҳаёти ва ижодига боғлиқ бир қатор маълумотлар, жумладан, мазкур уч асар хусусида айрим сатрлар эътиборингизга ҳавол қилинади.

БУЮК ШАХСИЯТ

Алишер Навоий ҳижрий 844 йили Ҳирот шаҳрининг Неъматобод мавзесида илм-маърифатли, билимсевар оилада дунёга келди. Алишер Навоийнинг ота томондан бобоси Амир Темурнинг Умар Шайх исмли ўғли билан эмикдош бўлиб, кейинчалик Умар Шайх ва Шоҳрухнинг хизматида бўлган. Отаси Ғиёсиддин Баҳодир эса Абулқосим Бобурнинг яқинларидан бўлиб, мамлакатни идора этишда иштирок этган. Онаси Қобул амирзодаларидан Шайх Абусаид Чангнинг қизи, исми маълум эмас.

Шоирнинг шогирди, тарихчи Ғиёсиддин Хондамир ўзининг «Макоримул-ахлоқ» асарида шундай ёзади: «Алишер Навоий Рамазон ойининг ўн еттинчисида, сана саккиз юз қирқ тўрт – товуқ йилида йўқлик дунёсидан борлиқ оламига қадам қўйиб, ўзининг жамоли ва порлоқ чеҳраси бирла Ер юзини ёритди». Бу милодий 1441 йил февраль ойининг 8-9-кунига тўғри келади.

Бугунги кўп манбаларда шоирнинг вафотини 1501 йилнинг январь ойининг 3-куни деб берилади. Бу ҳижрий 986, ражаб ойининг 29-сига тўғри келади.

Навоийдек буюк шахслар ўз-ўзидан етишиб чиқмайди, албатта. Бунинг учун ўзига яраша илмий-маданий муҳит мавжуд бўлиши керак. Навоий оиласининг илм аҳллари мухлиси бўлган темурийлар саройига яқинлиги унинг баркамол тарбия топишида муҳим ўрин тутган. У темурийзодалар билан, хусусан, бўлажак султон Ҳусайн Бойқаро билан бирга таълим-тарбия олган.

Манбаларда кўрсатилишича, Алишерни тўрт ёшида бошланғич мактабга беришади. У кўпчилик қатори, асосан диний билимлардан таълим олади. Унинг зеҳни ва иқтидори ҳақидаги гаплар эл орасида тарқалиб кетади. У қисқа вақт ичида араб, форс, дарий тилларини пухта ўрганади.

Темурий шаҳзодалар ўртасида тахт учун кураш авж олиб, Ҳирот нотинч бўлиб қолгач, Ғиёсиддин Муҳаммад оиласи билан Ироққа йўл олади. Тафт шаҳрида машҳур тарихчи, «Зафарнома» асарининг муаллифи Шарафиддин Алий Яздий билан учрашади. Ушбу учрашув ҳақида Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» асарида қуйидагича ҳикоя қилади: «Мавло-

но Шарафиддин Алий Яздийдур – Мавлононинг соҳибкамоллиғи олам аҳли қошида мусалламдур. Шоҳрух султон бузуғлиғида фақирнинг волиди жамоати касир била рўзгор ҳаводиси фитнасидин Хуросондин қочиб, Ироққа борурда Тафтғаким Мавлононинг мавлидидур, ярим кеча етиб тушдилар. Иттифоқо манзил аларнинг хонақоҳи эшикида воқеъ эрди, тонг отқонда, андоққким, ўюни атфол даъби бўлур, ул жамоатнинг атфоли ул хонақоҳға ўйнағали кирдилар ва фақир ҳам алар била эрдим, тахминан олти ёшимда бўлғай эрдим ва Мавлоно бир раҳбада ўлтуруб эрмишлар, тушган жамоатнинг кайфиятин маълум қилмоқ учун атфолдин бирини тиладилар. Фақир алар сори борурға муваффақ бўлдум. Ҳар неким сўрдилар, жавоб айтдим. Табассум қилиб, таҳсин қилдилар, дағи сўрдиларким, «Мактабға борибмусен?» Дедимким: «Борибмен». Дедиларким: «Не ергача ўқибсен?» Дедимки: «Таборак» сурасиғача». Дедиларким: «Бу жамоат атфолидин биз тилаганда, сен келиб, биз била ошно бўлдунг, сенинг учун фотиҳа ўқули», деб ўз фотиҳаларига мушарраф қилдилар».

1452 йили Абулқосим Бобур Мирзо Хуросон тахтига ўтиради. Ғиёсиддин Муҳаммад Сабзаворга ҳоким қилиб тайинланади. Ёш Алишер Ҳиротда қолиб, ўқишни давом эттиради. Хожа Юсуф Бурҳондан мусиқа илмидан таълим олади. Болалигидан шеъриятга меҳр қўйган Алишер шарқ адабиётини қунт билан ўрганар экан, Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», «Бўстон» асарларини алоҳида катта иштиёқ билан ўқийди. Муаррихларнинг ёзишича, Алишер тўққиз ёшида Қуръони Каримни тўла ёд олади ва айни шу йиллари тасаввуфга қизиқиб, Фаридиддин Атторнинг машҳур фалсафий асари «Мантиқут-тайр»ни ҳам ёдлайди. Оила муҳити болалигидаёқ унда адабиётга, илм-маърифатга зўр ҳавас туғдирган эди. Хонадонда турли илмий баҳслар, адабиёт ва санъат ҳақида суҳбатлар, мушоиралар бўлиб турарди. Алишернинг тоғалари Мирсаид Кобулий, Муҳаммад Алий Ғарибийлар ўз даврининг етук шоирлари бўлиб, ушбу табаррук хонадонда тез-тез тўпланиб туришар эди.

Алишер ўн-ўн икки ёшларидан шеър ёза бошлайди ва ўн беш ёшида шоир сифатида танилади. Шеърларини туркий тилда Навоий тахаллуси билан, форсий тилда Фоний тахаллуси билан ёзади.

Алишер Навоий ўн уч-ўн тўрт ёшларида отасидан ажраб қолгач, Абулқосим Бобур уни ўз тарбиясига олади. Уни ўз фарзандидек кўргани учун ҳамма нарсасини муҳайё қилиб, илм олиши учун барча шароитларни яратиб беради. У Навоийдаги истеъдодни юқори баҳолаб, уни икки тилда шеър ёзишга илҳомлантиради, «Зуллисонайн» («Икки тилли шоир») деб атайди. Ҳижрий 860 (милодий 1456) йили мамлакат пойтахти Ҳиротдан Машҳадга кўчирилганида, Абулқосим Ҳусайн Бойқаро билан бирга ёш Алишерни ҳам Машҳадга олиб кетади. Аммо орадан беш-олти ой ўтиб-ўтмай, Абулқосим Бобур тўсатдан вафот этиб қолади. Алишер Навоий Машҳад мадрасаларидан бирида ўқишни давом эттиради. У ерда диний билимлар билан бир қаторда, фалсафа, мантиқ, риёзиёт ва бошқа илмлардан ҳам таҳсил олади. У Машҳадда катта шоирлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, уларнинг таҳсинларига сазовор бўлади. 867/1463 йили эса у яна Ҳиротга қайтади.

Хуросоннинг ўша пайтдаги ҳукмдори, темурийлардан Султон Абу Саид пойтахтини Самарқанддан Ҳиротга кўчирган эди. У Алишер Навоийни Ҳусайн Бойқаро оиласига бўлган яқинлиги сабабли таъқиб қилади, чунки Ҳусайн унинг асосий рақиби эди. Шу боис шоир ватанни тарк этишга мажбур бўлади ва бир йўла илм таҳсилини кўзлаб, Самарқанд томон йўл олади.

Алишер Навоий 1465-1469 йиллари Самарқанд мадрасасида бўлди. У бу ерда тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом ва бошқа илмларда билимини чуқурлаштирди. Таниқли олим Вадуд Маҳмуд «Алишер Навоий» деган мақоласида жумладан, бундай дейди: «Алишер 17 ёшда экан, (Абулқосим) Бобур ўлганидан сўнг диний ва илоҳий илмлар ўрганмак истади... Моваройн-

наҳрнинг маркази Самарқандга келиб, Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абуллайснинг мадрасасига қўнди» (Вадуд Маҳмуд, «Танланган асарлар», Тошкент, «Маънавият», 2007, 30-бет). Навоий бу ерда замонанинг энг кўзга кўринган уламоларидан таълим олади. У Самарқандда ўша даврнинг кўзга кўринган шоирлари: Шайхим Суҳайлий, Мир Қарший, муаммогўй Улойи Шоший, олим мавлоно Муҳаммад Олим ва бошқалар билан дўстлашди. 1469 йили Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтига ўтиргач, унинг шахсий илтимоси билан Алишер Навоий Ҳиротга қайтади ва давлат ишларида фаол қатнашади.

Алишер Навоий 1470 йили қадрдони, устози, пири Нуриддин Абдурраҳмон Жомийдан нақшбандий тариқати бўйича иршод олади ва бундан кейинги ҳар бир ишида уни ўзига маслаҳатгўй, йўлбошчи қилиб олади. Навоий устози Абдурраҳмон Жомийнинг ҳузурида ўндан ортиқ китоб ўқиганини айтади. Уларнинг аксарияти тасаввуфга оид бўлиб, «Лавоеҳ» ва «Лавомеъ», «Нафаҳотул-унс», Хожа Муҳаммад Порсонинг «Қудсия»си, Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Илоҳийнома»си ана шулар жумласидандир.

Алишер Навоийни замондошлари кўпинча Низомиддин Мир Алишер, деб тилга олишар эди. «Низомиддин» – диннинг низоми, «мир» эса амир деганидир. Академик Рустамов бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Ҳазрати Навойийнинг диёнати ҳамма замон, ҳамма маконнинг ҳамма халқлари, айниқса мусулмонлар учун ўрнакдир. У ислом ибодатию муомаласи, ахлоқу одобига аъло даражада амал қилди, ўзини бутунлай мамлакат тараққиёти ва эл хизматига бағишлади. Шунинг учун унга «Низомиддин» лақаби берилди» (Алийбег Рустамий, «Ҳазрати Навойийнинг эътиқоди», Тошкент, 2010, 4-бет).

Профессор Исматулла Абдуллаев эса ушбу фикрни қувватлаб, шундай ёзади: «Алишер Навоий 28 ёшида Қуръон, ҳадис ва бошқа диний билимларни пухта ўрганиб, араб, форс тиллари ва адабиётини, Ислом давлатлари тарихини мукаммал эгаллаган» (И.Абдуллаев, «Марказий Осиёда Ислом маданияти», Тошкент, «Шарқ», 2005, 194-бет).

Таниқли Навоийшунос олим Иброҳим Ҳаққул ўзининг «Тасаввуф ва Навоий шеърияти муносабатига доир» номли мақоласида, жумладан, шундай дейди: «Навоий ижодиётининг тасаввуф билан боғланишларини исботлашга ташқаридан «далил» ахтаришга эҳтиёж йўқ: улар шоир ижодиётининг ўзида мавжуд».

Ёш тадқиқотчи олимларимиздан бири Ҳамидуллоҳ Лутфуллаев «Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Мавоҳиби Алийя» асари Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётига доир муҳим манба» мавзусидаги диссертациясига ёзган авторефератида (ЎзРФА Шарқшунослик институти. Тошкент, 2011) Алишер Навоийнинг фаолиятида Қуръон илмлари ҳақида сўз юритиб, жумладан қуйидагиларни ёзади: «Алишер Навоийнинг Қуръон ва ҳадисдан унумли фойдалангани унинг бошқа асарларида ҳам кузатилади. Шоир ижодида Қуръон илмлари қай даражада ифодалангани ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш учун унинг «Назм ал-жавоҳир», «Мажолис ан-нафоис», «Ҳайрат ал-аброр», «Ситтаи Зарурия», «Насоим ал-муҳаббат», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Сирож ал-муслимин», «Хамсат ал-мутахаййирин» каби асарларидаги мавзуга дахлдор маълумотлар диссертацияда тадқиқ этилди. Мазкур асарларда ҳам Қуръон илмлари мавзусига катта эътибор берилгани маълум бўлди. Масалан, шоир ўзининг «Назм ал-жавоҳир» асарида Қуръон ўқишнинг фойдаси ҳақида шундай ёзади:

Қуръонки эрур муждаи жоний ўқумоқ,
Йўқ-йўқки, ҳаёти жовидоний ўқумоқ,
Бил, кўнгулга истасанг шифони ўқумоқ,
Ким келди кўнгул шифоси они ўқумоқ.

Шоир мазкур сатрларни келтирганида Исро сурасининг Қуръон мўминлар учун шифо экани тўғрисидаги 82-оятининг («(Биз) **Қуръондан мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган**(оят)**ларни нозил қилурмиз**») мазмунига таянганини кўрамиз.

Навоийнинг Қуръон илмларига бўлган эътибори унинг бир нечта тафсирлар ёздирганида ҳам кузатилади ва бунда Ҳусайн Воиз Кошифийнинг илмий фаолияти муҳим ўрин тутади. Унинг қаламига мансуб «Жавоҳир ат-тафсир» ва «Мавоҳиби Алийя» асарлари Алишер Навоийнинг бевосита таклифи ва ҳомийлигида ёзилган».

Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ»ида Мир Алишер Навоий ҳазратларининг ниҳоятда тақводор, Ислом дини аҳкомларига оғишмай амал қиладиган, юртда дин равнақи йўлида қўлдан келганча ҳаркатда бўлган ва бу борада жуда катта ишларни амалга оширган, тасаввуфнинг йирик билимдони, ўз асарларида Ислом дини асослари ва оят-ҳадисларга жуда кўп мурожаат қилган комил мусулмон шахс сифатида таърифланади: «...Бу обидлар ва бандалар паноҳининг жумъа намозини ва бошқа намозларни жамоат билан ўташда ғайрати шу даражага етган эдики, Марғаний боғида ғоятда зийнатли бир масжид бино қилиб, ўз замонининг атоқли қориларидан Хожа Ҳофиз Муҳаммад Султоншоҳни имом қилиб белгилади ва ўзи у ерда беш вақт намозга ҳозир бўларди («Макоримул-ахлоқ», Порсо Шамсиев нашри, 42-бет).

Маълумки, Рамазон ойи мусулмонлар ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Бу ойда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар доимгидан ҳам серсаховат бўлиб кетардилар. Мир Алишер ушбу суннатга амал қилишда ҳам бошқаларга намуна бўлгудек даражада эди: «Рамазон ойида олиймакон Амир хайрот ва садақанинг миқдорини имкон борича орттиришга тиришарди. Одатий шилонда қўй ва унинг керак – яроғини кўпайтирарди. Ҳар кечаси улуғ саййидлар, замона олимлари, олий мартабали амирлар ва баланд даражали садрлардан кўпгина киши Амир ҳузурида ифтор қилишарди. Ул ҳазрат меҳмонларни риоя қилиб, овқатни ўзлари тортарди. Шундан кейин таом ейишга қўл узатарди» («Макоримул-ахлоқ», Порсо Шамсиев нашри, 49-бет).

Мазкур асарда Алишер Навоийнинг Ҳиротдаги Жомеъ масжидини қайтадан таъмирлаш ишига бош-қош бўлгани, бунинг учун шахсий жамғармасидан катта маблағ сарфлагани, бундан ташқари, ўз ҳисобидан Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бир неча мадраса, қирқта работ, ўн етти масжид, ўн хонақоҳ, тўққиз ҳаммом, Ғунча ўн учта кўприк, йигирмага яқин ҳовуз қурдиргани ёки таъмирлаттиргани айтилади. Ҳиротдаги «Ихлосия», «Низомия» мадрасалари, «Халосия» хонақоҳи, «Шифоия» шифохонаси, Қуръон қорилари етиштиришга мўлжалланган «Дорул-ҳуффоз» қорихонаси, Марвдаги «Хусравия» мадрасаси, Машҳаддаги «Дорул-ҳуффоз» хайрия биноси ва бошқа ноёб меъморлик обидалари ана шулар жумласидандир. Айтишларича, Навоий қуйидаги рубоийсини ўша қорихонадаги қориларга атаб ёзиб, у ерга илдириб қўйган экан:

Бу даврада йўқ сен кеби хушхон ҳофиз,
Ҳуффоз аро сархалқаи даврон ҳофиз,
Қуръонга сен ўлган каби яксон ҳофиз,
Бўлсин санга ҳар борада Қуръон ҳофиз.

У яна Фаридиддин Аттор, Амир Қосим Анвор каби авлиёларнинг қабрларига мақбара қурдиради. Манбаларда қайд қилинишича, Навоий ўз раҳбарликлари асносида уч юз етмишдан ортиқ турли иншоот солдирган. Уларнинг кўпини ўз ҳисобидан барпо қилган.

Тарихчилар ҳазрат Навоийнинг билимпарварликлари ҳақида бир воқеани келтирадилар: бир куни Навоий солдирган мадрасалардан бирида дарс бераётган устозлардан бири у кишининг олдига кириб, уйжой масаласида муаммоси борлигини, агар бу муаммо хал бўлмаса, ўз юртига – Самарқандга – қайтиб кетишга мажбурлигини айтади. Аммо Навоийнинг ҳузурида унга ўхшаш мурожаатлар билан келган кишиларнинг сонсаноғи йўқ эди. Ҳалиги муаллим ўзича «Навоий менинг гапимга «Ҳа», деб қўйди-ю, шунча одам ичида менинг муаммоим унинг эсида қолармиди», деб ўйлади. У ўз масканига бориб, мана шу фикрда уйқуси қочиб, маҳзун бўлганча ўйга толиб ўтирган эди, бирдан эшик тақиллаб қолди. Қараса, Навоийнинг хизматкорларидан бири. У ҳазрат Навоий муаллимни чақираётганини айтди. Навоий муаллимга ажойиб бир шинам ва кўркам ҳовлини тортиқ қилди. У бундай шоҳона бино кимники экан, деб суриштирган эди, ҳовли Алишер Навоийга қарашли бўлиб чиқди. Ўша вақтда Астрободда ҳоким бўлиб турган буюк шоир мадрасада илм таҳсилига путур етганидан кўра ўз ҳовлисини бўшатиб беришни афзал кўрган экан.

Навоий бир умр илмпарварлик билан ҳаёт кечирди. Унинг ҳузурида олиму фузалолар, шоиру адиблар ҳар куни тўпланишар ва турли баҳслар олиб боришар эди. Унинг жуда бой кутубхонаси бўлиб, барча дўстлари келиб, ундан бемалол фойдаланишарди. Тарихчи Хондамир ҳам шулар жумласидан эди. Ҳазрат Навоий айтади:

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолиғдан.
Ким буларга гадолиғ ортиқдир,
Аҳли суратға подшолиғдин.

Алишер Навоий имкониятлари етарли бўлатуриб, уйланмай ўтди. Тарихчи Восифийнинг таъкидлашича, аслида, Навоийнинг оила қуришга лаёқати бўлган. Бироқ у ўта зоҳидлигидан уйланмаган. Бу маънода Навоий ёлғиз эмас, бу каби иш тутган олимлар тарихда кўп ўтган. Ҳатто ўтган асрнинг энг катта тадқиқотчиларидан, машҳур аллома Абдулфатоҳ Абу Ғудда раҳматуллоҳи алайҳ Ислом тарихида ана шундай оила қурмай ўтган олимлардан энг машҳурларининг рўйхатини тузиб, уларга бағишлаб алоҳида бир китоб ёзган ва уни «Ал-Уламаул-уззаб» («Бўйдоқ уламолар») деб номлаган. Уларнинг ичида Бишр Ҳофий, Ибн Жарир Табарий, имом Замахшарий, имом Нававий, Абу Бакр Анборий раҳматуллоҳи алайҳим каби Ислом умматининг таянчи бўлган буюк уламолар бор. Муаллиф бу алломаларнинг уйланмасликлари сабабини «уйланишдан илмни афзал кўриш» деб тушунтирган. Исломда никоҳга қаттиқ тарғиб қилинишига қарамай, уларнинг бундай йўл тутишлари уларнинг ҳаромдан ўзларини тийишга ишончлари комил бўлиб, уйланиш уларга шаръан суннат бўлгани ва илм йўлида ўзлари мақсад қилган хизматларни адо этишни ушбу сунатга амал қилишдан устун қўйишлари билан изоҳланади. Бошқача қилиб айтганда, улар динда тарғиб қилинган иккита ишнинг бирини танлашга мажбур бўлиб қолганларида, бирини иккинчисидан устун кўришган. Бизнингча, ҳазрат Навоийнинг уйланмай ўтишларини ҳам худди шундай изоҳлаш тўғри ва воқеъий бўлади.

Манбаларда келтирилишича, Алишер Навоий бир неча бор ҳаж сафарига отланади. Бунга у кишининг «Муншаот» асарида келтирилган берган ҳаж учун рухсат сўраб ёзган мактуби ҳам мисол бўлади. Аммо юрт ишлари ва айрим нотинчликлар сабабли ҳазрат Наовий бу мақсадига етиша олмайди.

Навоийнинг шахсияти ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлар эканмиз, бу қадар буюк инсоннинг гаплари оддийгина, жўн гап бўлмаслиги янада равшанлашади. Зотан, сўз қалб-

нинг, ақл-тафаккурнинг изҳори ҳисобланади. Бинобарин, Навоийни тушуниш учун сўзларнинг луғавий маъноларини билишнинг ўзи етарли эмас, балки унинг бошқа тарафларини ҳам англай билиш лозим.

НАВОИЙНИ ТУШУНИШ САРИ

Буюк шоир Алишер Навоий бобомиз хусусида юқоридаги ҳақиқатларни билганимиздан кейин, энди у киши ҳақида уни танимаган ёки таниб, ўзини танимасликка олган киши томонидан айтилган «У майпараст одам экан, боз устига бир қизга хуштор бўлиб қолиб, ақлидан айрилай дебди, ёши олтмишга бориб қолганига қарамай, қирқ йилдан буён ўша маъшуқасини мақтар, унинг фироқида шеърлар ёзар экан, унга етишолмай, бор-будини хазон қилган экан», деган гапни эшитсангиз, бунга қалбингиз ишонадими? Ақлингиз бовар қиладими?! Йўқ, албатта!

Адабиётга қизиққан ҳар қандай ўзбек ўқувчиси Навоийнинг ижоди билан кўпроқ танишишга, унинг мақсадларини тушунишга интилиши табиий. Бироқ Навоий ҳақида тарқаган айрим фикрлар ҳар қандай оқил кишини ўйлантириб қўяди, ҳар қандай оқил киши масалага жиддий қараб, қуйидагича хулосалар чиқаришга интилади: «Наҳотки, шундай буюк шахс бир қизнинг ишқида шунча девонлар, достонлар ёзиб юборган бўлса?! Шаҳватпарастлик ҳеч қачон инсон фарзандига шараф олиб келган эмас. Навоийнинг сўзларида ўзига хос бир атамалар, мажозий меъёрлар бўлиши керак. Нафс истакларини қондиришни бирламчи ғояга айлантириб олган кишилар олдида ҳам бирорта шоир аёлларни ёки ичкиликни мақташ билан обрў топган эмас. Исломий тасаввуф гуркираб яшнаган, ахлоқий меъёрлар бош қонун бўлган даврда бутун халқ орасида, олиму фозиллар, подшоҳу вазирлар, аҳли тасаввуф ва зоҳидлар қошида қандайдир шилқимона олди-қочдилар билан беқиёс ҳурматга сазовор бўлиш мумкинми?! Йўқ! Асло мумкин эмас! Навоий бошқа нарсани назарда тутган бўлса керак. Унинг ўзига хос услуби бўлиши керак».

Бундай фикр ҳар бир ақл соҳибининг хотирига келиши аниқ. Демак, бу ерда бошқа гап бор. Хўш, нима қилиш керак?

Навоийни тушуниш учун Навоийнинг даврига қайтиш керак, албатта. Маълумки, Алишер Навоий даврида бошқа илмлар қатори, тасаввуф илми ҳам ривожланган эди. Алишер Навоий ҳам нақшбандия тариқати соликларидан эди. Бинобарин, Навоийни тушуниш учун исломий илмларни, жумладан, тасаввуф илмини ҳам билиш лозим бўлади. Барча илмлар қатори, тасаввуфнинг ҳам ўзига хос атамалари бўлиши табиий. Имом Бухорийнинг гапларини англаш учун ҳадис илми истилоҳларини, Ибн Синонинг сўзларини тушуниш учун табобат атамаларини, Форобийнинг фикрларини илғаш учун фалсафий ибораларни билиш лозим бўлганидек, Навоийнинг сўзларини тўғри тушуниш учун тасаввуф аҳлининг атамаларини тўғри тушуна билиш керак бўлади.

Масалан, «саҳиҳ» деган сўз луғатда «соғлом, тўғри», фиқҳ илмида «тўғри, хато эмас», ҳадис илмида «ишончли», сарф илмида «иллат ҳарфлардан холи сўз», табибларда «соғ-саломат» деган маънода тушунилади. Бинобарин, «саҳиҳ» калимасини қай маънода тушуниш бу сўзнинг қайси илмга оид китобда келаётганига қараб тайин топади. Яна бир мисол учун «вазн» сўзини олайлик. Бу сўз умумий ҳолатда «оғирлик» маъносини билдиради: «фалон нарсанинг вазни фалонча грамм» деганга ўхшаш. Аммо бу сўз шеъриятда келса, маълум ритмга эга маълум бўғинлар йиғиндиси тушунилади. Сарф, яъни морфологияда эса бу атама сўзларнинг «фа», «ъайн», «лам» муқобилидаги ҳолатини ифодалайди. «Вазн» сўзининг истилоҳий маъноларидан бехабар одамга «Навоий»нинг вазнини айтиб беринг» дейилса,

ҳеч нарсани тушунмай туриши ёки «Навоий ҳақида кўп эшитганман-у, неча кило бўлганларини билмас эканман», дейиши ҳам мумкин. Сарф истилоҳидан хабардор кишигина бу саволга «фаъолий вазнида» деб жавоб беради. Арузчи эса «фаъулун» деб жавоб қилади. Худди шунингдек, тасаввуфга доир сўз ва асарларни ҳам тасаввуф истилоҳларининг мазмунини ўрганмай туриб тушуниш имконсиз.

Ҳар бир илмнинг атамалари ўша илмнинг мутахассисларидан ўрганилганидек, тасаввуф аҳлининг истилоҳлари ҳақида ҳам ўшаларнинг ўзларига мурожаат қилиш керак. Бу ўринда тахмин билан иш кўриш, ўзбошимча «ижодий» ёндашув, бу илмдан хабарсиз ҳолатда оғзига келганини гапириш ёки «ўтмишни ҳозирга мослаб талқин қилиш» қабилига ўтиш ярамайди. Бунинг бирдан бир йўли – Ислом уламоларининг турли исломий атамаларни, хусусан, тасаввуфий истилоҳларни ёритган асарларига мурожаат қилишдир. Шундан кейингина бу борада мушкул бўлиб турган саволларга тўғри жавоб топиш мумкин.

Тасаввуф ҳам бошқа исломий билимлар қатори, Исломнинг илк даврларида алоҳида илм сифатида шаклланган эмас, балки мусулмонлар билган Қуръон ва Суннат илмларининг ичида умумий тарзда ўрганилар эди. Вақт ўтиши билан Қуръон ва Суннатдан олинган билимлар турли соҳаларга ажралиб, алоҳида-алоҳида илм сифатида шакллана борди. Ҳар бир соҳанинг ўзига яраша мутахассислари етишиб чиқа бошлади. Шу қатори, Исломда инсоннинг ахлоқига, қалбига, руҳий тарбиясига оид таълимотлар ҳам бир тўплам бўлиб ажралиб чиқди. Бу соҳага доир маълумотларни жамлаб, алоҳида ривожлантириш учун махсус уламолар етишиб чиқдилар. Улар ўзларининг саҳобаи киромлар ва тобеъинлардан олган илмлари ҳамда ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан хулосаларни алоҳида китобларга туширишга киришишди. Кейин бу илмга «тасаввуф» деб ном берилди. Мусулмонлар орасидан ушбу мавзуга алоҳида берилган, асосан, қалбга доир илмлар билан шуғулланадиган, замона фитналаридан ўзини узоқроққа олиб қочадиган, тоат-ибодат, тақво ва қалб ислоҳига ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳаракат қиладиган кишилар пайдо бўлди. Ана ўша кишилар «зоҳидлар», «обидлар», кейинроқ «сўфийлар» деб ном олди.

Сўфийларнинг баъзиларида ўзларидаги руҳий ўзгаришлар, маънавий камолот босқичлари, қалбларида ҳосил бўлаётган кечинмаларни сир тута олмай, баралла айтиб юбориш ҳолатлари юзага келди. Бундай ботиний ҳолатларни ҳаммага ҳам айтиш раво бўлмаслигини билган баъзи кишилар ўзларига хос атамаларни ўйлаб топишди. Улар бу билан ўз кечинмаларини фақат ўзларига ўхшаган ҳолатдаги кишилар тушунадиган тарзда баён этишни ирода қилишган эди. Бунинг учун сўзларни омма ишлатиб юрганидан бошқа маъноларда ишлатиш керак эди. Қолаверса, агар улар ўзларининг ички ҳолатларини намоён қилиб қўйишса, тушунмаган, уларнинг ҳолатини ҳис қила олмайдиган айрим инсонлар уларга таъна-маломат қилиши ҳам муқаррар эди. Шу боис улар сўзларнинг ҳақиқий маъноларидан кечиб, мажозий маъноларига қўл узатдилар.

Улар ана шу мажоз йўли билан ҳам ўзларидаги ҳолатни изҳор қилишга ва айни пайтда махфий тутишга эришдилар. Қалб дардини тўкиш билан бирга, риёдан ҳам сақлана олдилар. Эргашганлар учун ибрат яратиш билан бир вақтда инкор этувчилардан ўзларини тўса олдилар. Шу билан бирга, ўша ҳис ва кечинмаларни мажоз билан ифодалашда ўзига яраша завқ ҳамда балоғат ва фасоҳатнинг намойиши ҳам бор эди. Балки уларнинг руҳий оламларида рўй бераётган ҳолатларни жўн сўз билан ифода қилишнинг имкони ҳам бўлмагандир? Абдурраҳмон Жомийнинг айтишича, бундай йўлни биринчи бўлиб тутган киши шайх Зуннун Мисрий бўлган.

Ҳар қандай мураккаб ва кенг илмнинг ҳам бошланиш нуқтаси кичик ва содда бўлгани каби, тасаввуфга хос атамалар ҳам илк ҳолатида унча кўп бўлмаган. Аммо вақт ўтиши би-

лан бу майдон ҳам кенгайиб кетди. Тасаввуфий истилоҳлар икки қисмга: ҳақиқий ва мажозийларга бўлинди. Ҳақиқий маънодаги истилоҳларга мисол тариқасида «тавба», «риё», «узлат», «ихлос», «муҳаббат» каби сўзларни келтириш мумкин. Мажозий истилоҳларга «фано», «бақо», «ишқ», «ҳижрон», «зулм», «аҳдга вафо», «ёр», «дилдор» каби сўзлар мисол бўлади. Аввалги қисмнинг аксари Қуръон, Суннат ва салафи солиҳларнинг сўзларидан олинган бўлса, кейинги қисм атамалар, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз ҳолатини оммадан яшириш мақсадида тасаввуф аҳли томонидан қабул қилинган. Эҳтимол, бу атамаларни ихтиёр қилганлар ҳали келажакда шаҳвоний майлни ҳаётнинг бош мақсади қилиб оладиган жамиятларнинг келишини тасаввур ҳам қила олмагандирлар…

«Сўфийлар истилоҳи» деганда, «сўфийнинг илоҳий висолга етишиш йўлида қилган покланиш, хулқланиш ва етишишдан иборат уч босқичли руҳоний сафари асносидаги завқий тажрибаларини акс эттирувчи тушунчаларни ифодаловчи сўзлар» назарда тутилади. Тасаввуф истилоҳларининг шаклланиши ва бойиб боришида Қуръони Карим, Суннати Набавийя, салафи солиҳларнинг ҳикматлари катта ўрин эгаллаган бўлса-да, бу борада бошқа илмларнинг, жумладан, фалсафанинг ҳам таъсири салмоқлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тасаввуфий истилоҳлар фақат ўзбек ёки форс шоирларига хос эмас, балки улар Ислом мутасаввуфларининг умумий истилоҳлари ҳисобланади. Шу боис бу атамалар араб тилидаги адабиётларда ҳам учрайди. Аммо уларнинг қўлланиши форс адабиётида кенг қулоч ёзиб, ривожланган ва шу орқали ўзбек адабиётига ҳам кириб келган.

Сўфийларнинг истилоҳлари бошқа илмлардаги атамалардан шуниси билан фарқ қиладики, улар муайян бир маънога боғланиб қолмай, бир неча ирфоний маъноларда ишлатилиши мумкин. Уларнинг қайси маънода қўлланилгани атрофидаги бошқа сўзлардан чиқариб олинади. Масалан, «ёр» деганда Аллоҳ таолони ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ёки пирни ҳам тушуниш мумкин, шунингдек, ғайбий мушоҳада назарда тутилиши ҳам мумкин. Тасаввуф аҳлининг намояндаларидан бўлган Алишер Навоийнинг асарлари ҳам, табиийки, ўша истилоҳий маънолар асосида талқин қилиниши шарт. Акс ҳолда, шундай улуғ шахсиятга тил теккизган, унинг омонатига ҳам, тарихга ҳам, илмга ҳам хиёнат қилган бўламиз.

Собиқ тузум даврида ҳар бир суратни мавжуд мафкура бўёғи билан чизиш тамойили, табиийки, илмий ва маърифий соҳаларни биринчи ўринда ўз домига тортган эди. У даврларда диний ёки миллий қадрият борасида сўз очиш инсонларнинг тушига ҳам кирмаган. Бинобарин, Навоийнинг исломий қарашлари, тасаввуфий ғояларини ёритиш ҳам имконсиз эди. Аксинча, бутун ҳаёти ва ижодини Ислом асосида қурган буюк аждодларимиз худосиз мутафаккирлар сифатида тасвирланар эди. Юртимиз мустақил бўлганидан кейингина халқимиз ўз миллий ва тарихий қадриятларига эга бўлди. Илгари изҳор қилиш имконсиз бўлган бирмунча ҳақиқатларни баралла айтишга шароит туғилди.

Ана шу эътибордан, ўтган бобокалонларимизнинг илмий-маданий меросларини кейинги авлодга ҳақиқий ва соф ҳолатида етказиш даври келди. Шу жумладан, буюк бобомиз, ўзбек адабий тилининг асосчиси, шеърият мулкининг султони бўлмиш Алишер Навоий ҳазратларининг ижодларини ҳам асл ва мукаммал суратида тақдим қилиш мажбурияти туғилди. Шукрлар бўлсинки, юртимиз маърифатпарварлари, адиб, шоир ва илмли қаламкашларимиз бу борада анча-мунча қадам ташлаб ҳам қўйишди. Аммо ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар адо қилинганларидан бир неча баробар кўп. Алишер Навоийнинг ғазаллари, девону достонларидаги тасаввуфий маъноларни ҳақиқий ва илмий асосда ёритиб бериш, бу улкан маънавий меросни келажак авлодларга омонатдорлик билан топшириш

вазифаси ана шу бурчлар жумласидандир. Шу мақсадда биз илм ва адабиёт соҳаларининг вакилларига баъзи бир таклифларни тақдим қилмоқчи эдик. Ушбу мақола ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Дарҳақиқат, кейинги вақтларда Навоийнинг айрим шеърларини тасаввуфий шарҳлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо уларнинг кўпларида бирламчи ўринда ғайриисломий тасаввурлар билан, таъбир жоиз бўлса, ҳавойи нафс асосида фикр юритиш кузатиляпти. Тасаввуфий шарҳ қилмоқчи бўлганлар ҳам муқаррар илмий асосга, чин тасаввуфий истилоҳга таянмаган кўринади. Балки бу шарҳларнинг аксари мавҳум талқинлар, тушунарсиз, гажакдор иборалар, ҳиссиз таъбир, тахминий тасаввурлардан иборат бўлиб қолган. Бунинг устига, баъзи бир журъатли қаламкашлар ўшандай тасаввуфий ғазалларга мухаммас боғлашга ҳам уринганлар. Табиийки, натижа «қовунга қовоқни пайванд қилгандек» бўлган.

«Ҳар қандай мураккаб сурат илм кўзгусида содда кўринади», деган қоидага мувофиқ, агар биз ўша ирфоний шеърларни муаллиф назарда тутган истилоҳлар билан тушунишни йўлга қўйсак, ўзимизни ҳам қийнамаймиз, ўзгаларни ҳам адаштирмаймиз.

Мисол учун, биргина байтни шарҳ қилиб кўрайлик:

Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза ҳайдин гулоб айлаб.

Насрий баён:

Оқшом тунда ўша гулюзли ёр кулбамга шитоб билан кириб келди. Юришининг тезлигидан гул юзидан терлар гулоб бўлиб қуйиларди.

Маълумки, Алишер Навоий уйланмай ўтган. Агар кечқурун, ҳамма ғафлатдалик пайтида, Навоийнинг ҳузурига у кишининг севган қизи келган бўлса, бу сир тутилиши керак. Агар биз байтни мана шу қабилда, бошқача қилиб айтганда, «замонавий» тушунадиган бўлсак, бу билан Навоийга фақат иснод келтиришимиз муқаррар. Навоийдек буюк инсонни қўйинг, ҳар қандай ўзини ҳурмат қилган одам ҳам бундай иш рўй берадиган бўлса, уни бошқалардан яшириши турган гап.

Демак, Навоий бошқа нарсани кўзда тутган. Навоийнинг мақсадини тушуниш учун у кишининг истилоҳларини тушунишга уринамиз. Келинг, бу байтда ишлатилган сўзларни тасаввуфий истилоҳлар асосида шарҳ қилиб кўрайлик. Бу борада Муҳаммад Алий Таҳонавийнинг «Кашшаф истилаҳат ал-улум вал-фунун», Абдурраззоқ Кошонийнинг «Истилаҳат ас-Суфийя», доктор Рафиқ Ажамнинг «Мавсуъа мусталаҳат ат-тасаввуф ал-исламий» асарлари бизларга асос бўлади:

Кулба – соликнинг қалби; солик – тариқат йўлини танлаган шахс;

Гулрух (гулюз) – шуҳуд олами, яъни Аллоҳ таолонинг зотини мушоҳада қилиш ҳолати;

Гул уза ҳай (юздан оққан тер) – ғайбий илҳом.

Энди байтнинг ушбу изоҳлар асосидаги насрий баёнини кўрайлик:

«Ҳамма ёқни жаҳолат зулмати қоплаб турган бир пайтда қалбимда Аллоҳ таолонинг зотини мушоҳада қилиш ҳолати юз берди. Бу мушоҳада шу қадар тез рўй бердики, унинг тезлигидан менгада ғайбий илҳомлар ҳосил бўлди».

Энди ўзингиз холис ўйлаб кўринг, ушбу байтга Навоийдек инсонга нисбатан аввалги уятли маънони қўллаш ақлга тўғрироқ келадими ёки кейинги ирфоний маъноларними? Қай бири воқеъликка ва мантиққа тўғри келади? Бир тафаккур қилиб кўринг!

Навоий аҳли жунун зумрасиға кирди, Илоҳий,
Чу айладинг ани мажнун, Ўзингни қил анга Лайло.

Тўрт унсур қайдидин то чиқмағайсен, нафъ эмас,
Осмоний тўрт дафтарни тутайким ёд бил.

Беша шерин гар забун қилсанг, шижоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужоъ.

деган инсонга қайси маъно муносиброқ?!

Келинг, яна бир мисолни кўрайлик. «Хазоинул-маъоний»нинг биринчи ғазалида Навоий шундай дейди:

Ғайр нақшидин кўнгил жомида бўлса занги ғам,
Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.

Бу байтнинг маъноси анчагина равшан.

Ғайр – Аллоҳдан ўзга барча нарса;

Кўнгил жоми – қалб ойинаси, унда Аллоҳ таолонинг нури тажаллий қилади.

Ғам – монелик, тўсиқ;

Соқий – муршиди комил, инсонларга руҳий тарбия берувчи устоз.

Майи ваҳдат – тавҳид завқи.

Энди байтни мазкур истилоҳлар асосида насрий баён қилиб кўрамиз:

«Эй муршид! Қалб ойинасида унга Аллоҳ таоло томонидан етадиган нурнинг акс этишини тўсадиган занг, яъни Аллоҳдан бошқа бирор нарсанинг нақши – таъсири бўлса, тавҳид завқичалик уни аритувчи, тозаловчи нарса – «ғамзудо» топилмайди».

«Тавҳид» деганда Аллоҳ таолони қалб тубидан барча жиҳатдан ягона, мутлақ танҳо деб эътиқод қилиш, фақат Аллоҳни риоя қилиш, фақат Уни ўйлаш назарда тутилади. Шунингдек, «ваҳдат майи» деганда тавҳид калимасини, уни қалбда такрорлашни ҳам тушуниш мумкин.

Ҳазрат Навоий ўзининг айтган сўзларини асл мақсаддан бурадиган, нотўғри талқин қиладиган кишилар ҳам унинг асарларини ўқиб, ташвиқ қилишлари мумкинлигини сезгандек, девонининг энг биринчи ғазалидаёқ бу нуқтага алоҳида эътибор қаратмоқда. Юқорида биргина байти келтирилган «Ашрақат» деб бошланувчи ғазалида яна шундай байт бор:

Сен гумон қилгандин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

«Эй тасаввуф аҳлининг истилоҳларидан бехабар зоҳирпараст! Сен ўйлаётган маст қилувчи, ақлни кетказувчи, инсонни хор қилувчи шароб ва ўша ҳаром нарса қуйиладиган идишдан бошқа ҳам шартли равишда «жом» ва «май» бор. Бу майхонани – орифларнинг ботиний олами вакилларини (ёки муршид хонақоси аҳлини) билмасдан, инкор қилиб юрма!»

Хулоса қилиб айтганда, Навоийни тушуниш учун Навоий билган ва фойдаланган билимларни, яъни Қуръон, Суннат, шариат, тариқат, тасаввуф ва бошқа илмларни билиш, ўрганиш керак бўлади. Ўрганганда ҳам, асл манбалардан ўрганиш даркор. Бунинг учун, албатта, ўша давр Ислом оламида илмий муомалада бўлган тилларни яхши ўзлаштириб,

манбаларни бегоналарнинг таржима ёки тавсифлари асосида эмас, асл ҳолатида ўрганиш талаб қилинади. Бинобарин, Навоийшунос бўлишни истаган киши аввало Ислом олими, тасаввуф билимдони бўлиши, бу илмларни билибгина қолмай, уларни ўз ҳаётида татбиқ этиб, зикр қилинган даражаларни шахсан ўзи босиб ўтишга интилиши лозим. Шундагина у Навоийни тўла тушуна олади, у кишининг шахсиятини тўғри англаб, сўзларини теран ҳис қила билади. Очиғини айтганда, бугунги Навоийшуносликнинг олдида турган энг катта муаммолардан бири шу бўлса, ажаб эмас.

Шу ўринда хулоса сифатида Ислом уламоларининг мазкур мавзуга доир гапларидан айрим намуналар келтиришга ижозат бергайсиз.

Имом Шаъроний ўзининг «Ал-явақит вал-жаваҳир» асарида шундай дейди: «Орифлардан бири айтади: «Биз шундай бир қавммизки, китобларимизни ўқиш бизларнинг йўлимизда бўлмаганларга ҳаромдир».

Шайхи Акбар Муҳюддин ибн Арабий ўзининг машҳур «Ал-футуҳатул-маккийя» китобида шундай дейди: «Билгинки, Аллоҳнинг аҳллари ўз ораларида истилоҳ қилиб олган ишораларни ўзлари учун ишлаб чиқмаганлар, чунки улар ҳақиқатни очиқ-ойдин билишади. Улар бу ишораларни ораларига суқилиб олмоқчи бўлган бегоналарни тўсиш, уларга ўз ҳолларини билдирмаслик учун ишлаб чиққанлар. Ундай одамга шафқат юзасидан шундай қилганлар, токи у ўзи етишмаган бир нимани эшитиб, Аллоҳнинг аҳлларига инкор қилиб қўйиб, маҳрумликка мубтало бўлмасин, кейин тоабад етиша олмай қолмасин».

Аллома Ибн Обидин раҳматуллоҳи алайҳ ўз «Ҳошия»сида нақл қилади: «Улуғ уламолардан бири сўфийлардан биридан: «Зоҳиран ёқимсиз бўлган бундай лафзларни истилоҳ қилиб олишингизга сизларни нима ундаган?» деб сўради. Шунда у: «Ўз йўлимизга бўлган рашкимиз, токи уни яхши ўзлаштирмаган уни даъво қилмасин, унга аҳл бўлмаган унга кириб олмасин», деди».

Шаъроний айтади: «Умуман олганда, хос тавҳид китобларини ҳамда орифларнинг асарларини ўқиш комил олим ёки ўша қавмларнинг йўлини тутганларгагина ҳалолдир».

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ижоди бевосита тасаввуф илми ва истилоҳлари билан боғлиқ. Хусусан, ғазалларидаги илоҳий ишқ тараннуми айнан фалсафий тасаввуфга хос бўлган мажозий таъбирлардан иборат экани илм аҳли наздида инкор қилиб бўлмас ҳақиқат ҳисобланади.

Тасаввуф илми истилоҳлари катта икки гуруҳга ажратилади:

1. Равшан истилоҳлар. Бу тур истилоҳлар рамзий эмас, балки очиқ-равшан маъноси билан ишлатилади. Масалан, муҳаббат, тақво, хавф, зуҳд, таваккул, сабр, фақрлик, нафс, шавқ, ҳотиржамлик, ҳайбат, унс, тажрид, қабз, баст, иттисол, мақом, ҳол, важд, тавожуд, ғалаба, фано, бақо, кашф, шариъат, ҳақиқат ва бошқалар.

Бу истилоҳларни ишлатишда ҳеч қандай ихтилоф ёки тушунмовчилик йўқ. Улар насрда кенгроқ қўлланади.

2. Рамзий-ишоравий истилоҳлар. Бу тур истилоҳлар кўпроқ шеъриятда қўлланиб, зоҳир, ҳақиқий маъносидан буткул айириб олинади-да, мажозий мазмунда ишлатилади ва улар орқали маълум маънавий маъноларга ишора қилинади. Масалан, ёр, юз, соч, кўз-қош, киприк, билак, бел, хиром, тер, май, коса, соқий, бутхона, санам ва бошқалар. Бу туркум истилоҳлар кўпроқ шеъриятда ишлатилади.

Ушбу рамзий истилоҳларни илоҳий ишқни тараннум этишда қўллаш борасида тасаввуф уламолари ўртасида ҳам ихтилоф мавжуд. Баъзи мутасаввуфлар буни жоиз деб билса, бошқалари ножоиз деб айтади. Ишлатишни жоиз деб билганлар маълум қайд ва шартлар билан бунга рухсат берганлар.

Адабий истилоҳ ва рамзларнинг хусусияти шундаки, улар шоирнинг тасаффур ва хаёли билан бойитилган ва йўналтирилган бўлади. Масалан, «денгиз» сўзи билан кимдир илмни, кимдир олимни, кимдир дўстни, кимдир душманни, кимдир ватанни, яна кимдир қайндайдир ташбеҳ йўли орқали бошқа бирор нарсани ифода этиши мумкин.

Худди шу каби тасаввуф шоирлари ҳам гўзаллик рамзларини ўз важдлари, ҳолатлари ва мушоҳдаларини таъриф этишда ўзига хос услубда ёндашган.

Шуни таъкидлаш жоизки, тасаввуф шеъриятининг намояндалари айни пайтда шаръий илмларда ҳам билимдон ва тақводa пешқадам инсонлар бўлган. Улар ҳар бир ҳаракат ва нафасларини шариатга мувофиқ қилишга интилганлар. Хусусан, Ислом аҳкомлари ва ахлоқи ҳукмрон бўлган жамиятда яшаб туриб, очиқчасига шариатга зид иш қилишлари ва шу билан обрў топишлари мумкин эмас. Хўш, улар илоҳий ишқ кечинмаларини, жазбаларини зоҳирда шариатда жоиз билмаган нарсларни англатган сўзларни мажозий маънода ишалатиш учун қандай шаръий асосларга таянганлар?

Масалан, уларнинг шеъриятида шароб, май сўзлари билан илоҳий ишқ назарда тутилган. Тасаввуф шоирлари шароб дейилса, фақатгина маст қилувчи ичимлик тушунмаслик кераклигини Қуръони Карим оятларидан олишган. Қуръон жаннатда шароб оқиб турадиган анҳор борлигини айтади:

«Тақводорларга ваъда қилинган жаннатнинг мисоли шуки: ичида айнимаган сувли анҳорлари, таъми ўзгармаган сутли анҳорлари, ичувчиларга лаззатбахш хамрли анҳорлари, мусаффо асалли ан-ҳорлари бор» (Қитол сураси, 15-оят).

Ушбу оятни ўқиган одамнинг хаёлига биринчи келадиган маъно маст қилувчи ичимлик эканида шубҳа йўқ. Аммо Қуръони Карим бошқа бир оятда жаннатдаги шароб маст қилмаслигини баён қилади:

«Оқар чашма майи тўлатилган қадаҳлар, кўзалар ва косалар билан. Ундан бош оғриғи ҳам, сархуш ҳам бўлмаслар» (Воқиъа сураси, 18–19-оятлар).

Демак, жаннатдаги ичимлик мажозан май, ҳақиқатан май эмас. Аммо жаннатдаги ушбу ичимлик одамлар майга майл қилганлари ва жаннат шаробида ҳаловат, кишини хуштаъб қиладиган лаззат борлиги эътиборидан май деб аталган.

Худди шу каби тасаввуф аҳли илоҳий ишқни ундаги беҳад лаззат, ҳузур-ҳаловат ва хаёлни Аллоҳдан ўзгадан банд қилиши эътиборидан майга ташбеҳ қилишган. Шунингдек, улар иймон, илм ва зикрни ҳам «май» сўзи билан ифодалашади. Буларнинг барчаси уларнинг ниҳоятда ҳассос ва завқлари юқори бўлгани сабабидандир.

Оят ва ҳадисларда жаннатда дарахтлар, анҳорлар, анор, хурмо ва бошқа мевалар борлиги айтилади. Бироқ улар аслида айнан бу дунёдагининг ўзидек эмас, балки кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ва инсоннинг хаёлига ҳам келмаган неъматлар ҳисобланади. Фақатгина бу ноз-неъматларни инсонларнинг зеҳнига яқинлаштириш учун уларга таниш лафзлар билан таништирилган ва бунда нисабатан энг лафзлар танланган. Бу маъно Қуръонда ҳам, ҳадисларда ҳам алоҳида таъкидланади. Шунинг учун Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Жаннатда дунёдаги нарсалардан фақат номлар бўлади», – деган (Байҳақий ривояти).

Демак, номлар ҳар доим ҳам бир хил ҳақиқатни англатмас экан. Шу каби тасаввуф шоирлари ботиний оламдаги парвозлари асносида туйган кечинмаларини қайсидир жиҳатдан мажозий алоқа воситасида зоҳирий дунёдаги ашёлар номи билан аташган, аммо ҳақиқатан эса улар назарда тутган маънолар буткул бошқа ҳодисалардир.

Маълумки, Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Ўзини махлуқотларга оид айрим сифатлар билан васф қилган. Масалан, юз, қўл, калом ва бошқалар. Бу сифатлар Холиқда ҳеч қачон махлуқотлардагига ўхшаш бўлмайди. Буни бутун аҳли сунна олимлари таъкидлайдилар.

Демак, бу сўзлар зоҳирий маънода тушунилмайди. Бироқ Аллоҳ таоло инсонларга Ўзини танитишда улар билган сўзлар ичидан Ўзидаги маълум сифатларга далолати энг яқин бўлган ибораларни ишлатган. Зотан, бундан бошқа чора ҳам йўқ. Тасаввуф билимдонлари мана шундан илоҳий ишқ жазбаларини тавсифлашда маълум сўзларни мажозий маънода ишлатиш жоизлигига далолат оладилар.

Мутасаввуф шоирлар наздида мажозий маънода ишлатиладиган май, майхона, коса, соқий, юз, соч, Мажнун, Лайли, бут, зуннор каби истилоҳлар зоҳирий маъносидан буткул узилган ҳисобланади. Улар гўё бу сўзларни ўзлари кўзда тутган мажозий маъноларга янгидан қўллаган-у, шу маънолар асл мазмун бўлиб қолган. Бу билан улар ушбу сўзларнинг зоҳирдаги маънолари билдирган мункар нарсаларни инкор ҳам қилишган.

Бу услубдаги шеърларни кўпчилик муҳаққиқ олимлар жоиз билган ва бу тур бадииятнинг ривожланишида набавий мадҳларнинг ҳам таъсири катта бўлган.[1]

Шуни айтиш жоизки, тасаввуф шеъриятида аёл рамзи, нозик бел, шаҳло кўз, гул юз, сарв қад, зулф, қалам қош, киприк, хол каби гўзаллик белгилари мажозий маънода ишлатилиши билан бирга, айримлар ўйлагандек, Аллоҳ таолонинг Зотига нисбатан қўлланмаган, балки мушоҳада ҳолатини ифодалаш учун хизмат қилган. Бу эса сўфийнинг қалбида кечадиган кечинмаларнинг васфига тегишли таъбирлар бўлиб, мазкур сўзлар мавжуд ботиний ҳолатни ифодалаш учун ҳар жиҳатдан энг муносиб иборалар ҳисобланган. Бунда шоирлар ҳис оламидан чиқиб, малакут оламида сайр қиладилар, ғайб оламидаги ҳолатларни шаҳодат олами ашёлари номлари билан атайдилар.[2]

Одатда ҳар қайси тилдаги сўзлар ҳиссий нарсаларга нисбатан қўлланади. Сабаби инсон моддий нарсаларни осон ҳис қилади, англайди. Кейин ўрни келганда сўзларни аввалги ҳақиқий маъносида бошқа нарсаларга кўчма маънода қўллайди. Худди шу каби, инсонлар ишқ-муҳаббатга оид сўзларни, аввало, ўзаро севгилари учун ишлатган, чунки улар уни оммавий ва осон ҳис қилишган. Кейин мутасаввуф шоирлар илоҳий ишқ воридотларини, ундаги шуурларни ифода этмоқчи бўлишганда бу мавзуда мазкур сўзлардан бошқа сўз топа олишмаган. Зотан, бу маънода одамлар истеъмол қилиб юрган сўзлардан бошқа ибора ҳам йўқ, бўлиши ҳам имконсиз. Шу боис улар ишқ-муҳаббатга оид инсоний ибораларни илоҳий ишқни тараннум этишда мажоз йўлига кўра қўллай бошлашган.[3]

Хулоса қилиб айтганда, мутасаввуф шоирлар бу румузларни бир неча сабаблардан ишлатишган:

1. Оддий гап, ҳақиқат уларнинг туйғуларини ифода эта олмас эди. Одамларга ўз фикрлари уларга таниш бўлган сўзлар орқали етказиш учун энг яқин иборалар ушбу сўзлар бўлган.

2. Ўзларига аҳл бўлган кишиларгагина ҳолатларини тушунтириб, бошқалардан ўз кечинмаларини яширишган.

3. Балоғату фасоҳат, зарофату завқдаги юкасклилклари боис оддий ифодалардан қочишган.

4. Одамлар ишлатган сўзларнинг айни ўзини ишлатиб кишиларни зоҳирий муҳаббатдан илоҳий ишққа, ботинга еталашни ирода қилишган.

5. Ҳақиқий ҳаловат одамлар одатда ҳузур-ҳаловат деб ўйлаётган воситаларда эмас, балки руҳий-қалбий завқлар барча роҳатлардан устунлигин исботлашга ҳаракат қилишган. [4]

6. Улар ўз ҳолларини яшириш ва ужбдан узоқлашишни қасд қилишган.

---

1 Ал-Адаб фит-туросил-ъаробий. Абдулмунъим Хафожий.
2 Муҳаммад Алий ибн Муҳамммад Таҳонавий. Кашфи истилоҳотил-фунун. 4-жуз, форсий тилдаги илова.
3 Ал-Адаб фит-туросил-ъаробий. Абдулмунъим Хафожий.
4 Ал-Адаб фит-туросил-ъаробий. Абдулмунъим Хафожий.

Улуғ бобокалонимизнинг меросларини тўла ва тўғри тушуниш ҳамда шундай талқин қилиш, бу олтин меросни ҳақиқий, соф ҳолатда кейинги авлодларга етказиш биз, фарзандларнинг шарафли бурчимиздир. Бундай улкан вазифани шараф билан адо қилиш бахтини ҳозирги илм ва маърифат кишиларига, алалхусус, Алишер Навоийга ўзини авлод деб билган сизу бизлар – барчамизга Аллоҳ таолонинг Ўзи насиб этсин!

НАВОИЙНИНГ УЧ АСАРИ

Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳнинг шахсиятини, илму тавосини, ички оламини, дунёқарашини тушунишда унинг уч асари: «Арбаъин», «Сирожул-муслимин» ва «Мунозот» асарлари билан танишиш ўзига хос аҳамият касб этади. Кўпчилик бу асарларнинг номини эшитгану, уларнинг мазмун-моҳияти билан таниша олмаган. Қуйидаги сатлар айнан шу борада бизга кўмак беради.

«АРБАЪИН» ҲАҚИДА

«Арбаъин» – «қирқта» дегани бўлиб, истеъмолда қирқта сайланма ҳадисдан иборат ҳадис китобларига айтилади. Ушбу услубда асар яратиш Ислом оламида яхши бир анъанага айланган. Бунга Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадислари асос ва туртки бўлган:

قَالَ رَسولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : «مَنْ حَفِظَ عَلَى أُمَّتِي أَرْبَعِينَ حَدِيثًا فِي أَمْرِ دِينِها، بَعَثَهُ اللهُ فَقِيهًا، وَكُنْتُ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ شَافِعًا وَشَهِيدًا».

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Ким умматимга дин ишлари борасида қирқта ҳадисни муҳофаза қилиб берса, Аллоҳ уни қиёмат куни фақиҳ қилиб тирилтиради ва қиёмат куни мен унга шафоатчи ва гувоҳ бўламан».**

Бу ҳадис бир оз заифроқ йўллар билан нақл қилинган бўлса-да, у жуда кўп муҳаддислар томонидан ривоят қилинган машҳур ҳадис ҳисобланади. Жумладан, уни имом Байҳақий Абу Дардо ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумодан, Дайламий Ибн Масъуд ва Ибн Аббос розияллоҳу анҳумдан, Абу Нуъайм Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан, Ибн Жавзий эса Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар.

Мазкур ҳадиси шарифнинг илҳоми билан кўпчилик муҳаддислар ва уламолар «Арбаъин» асарларини яратишган. Бу тур ҳадис китобларини икки қисмга ажратиш мумкин:

1. Маълум бир мавзудаги ҳадислардан қирқтасини жамлаган асарлар. Масалан, одобахлоқ, илмнинг фазилати, истиғфорнинг фазилати, Мадинанинг фазли ҳақида, ҳажга ёки табобатга оид ҳадислардан тузилган арбаъинлар каби.

2. Исломнинг умумий асосларини ифода этувчи ҳадислардан тузилган арбаъинлар. Буларда мавзу чекланмайди. Бу тур арбаъинлар ичида энг машҳур ва мўътабари имом Нававийнинг «Арбаъин»лари эканига шубҳа йўқ.

Мазкур ҳадиси шарифда айтилган ваъдадан умид қилиб, мусулмон шоирлар ҳам шеърий «Арбаъин»лар ёзишган. Жумладан, буюк олим Абдурраҳмон Жомий раҳматуллоҳи алайҳ форс тилида «Арбаъин» тузиб, унда фазилатли амалларга, Ислом ахлоқига доир қирқта қисқа-қисқа ҳадисларни шеърий тўртликлар билан таржима қилган. Кейинроқ у кишининг хос шогирди, мумтоз шоир Мир Алишер Навоий ҳам устоз йўлидан бориб, ўзининг «Арбаъин» асарини яратган.

Кўпгина қўлёзмаларда ушбу икки ноёб асар бирлаштирилган бўлиб, кириш қисмида форсий тилда битилган муқаддима мавжуд. Муқаддиманинг мазмунига кўра, у Абдурраҳмон Жомийга тегишли. Унда, жумладан, қуйидагилар айтилган: «Аммо баъд. Ушбу қирқта калима тушуниш ва ёд олиш осон бўлган қирқта калима(ҳадис)нинг форсий назмдаги таржимасидир. Умид шулки, нозиму мутаржим бугун **«Ким умматимга дин ишлари борасида қирқта ҳадисни муҳофаза қилиб берса»** («ёдлатса» деганимасми бу?) жумласига дохил бўлиб, эрта қиёматда **«Аллоҳ уни қиёмат куни фақиҳ, олим қилиб тирилтиради»** мукофоти бахтига восил бўлса».

Шундан кейин қирқ ҳадис жамлаш тўғрисидаги мазкур ҳадиснинг форсий тилдаги таржимаси берилган. Таржима тўртлик шаклида бўлиб, Абдурраҳмон Жомий қаламига мансубдир:

Ҳарки ин чиҳл ҳадис ҳифз кунад,
Аз аҳодиси Саййиди Мурсал,
Номе у-ро ба маҳшар аз уламо,
Бенависад Худойи азза ва жалл.

Таржимаси (ушбу тақдим муаллифидан):
Кимки бу қирқ ҳадисни ҳифз этса,
Саййидул-мурсалин ҳадисидан,
Рўзи маҳшар битар унинг номин
Ҳақ Ўзи илму фиқҳ аҳлидан.

Алишер Навоийнинг «Арбаъин»ини Абдурраҳмон Жомий «Арбаъин»ининг таржимаси дейиш ҳам мумкин, лекин айнан назм таржимаси дейиш унча тўғри бўлмайди. Чунки муаллиф унда устози Абдурраҳмон Жомий «Арбаъин»ида келтирган ҳадисларни танлаган бўлса-да, ҳадисларни туркий тилга эркин таржима қилган, ҳадисни ўзи тушунган маънолар билан ёритган, форсий байтлар мазмунига суяниб қолмаган. Ҳар икки асарда ҳам тўртликлар бир хил: «фоъилотун мафоъилун фаъулан» вазнида. Ҳадислар сўзма-сўз таржима қилинмай, уларнинг умумий мазмуни акс эттирилган. Зеро, ҳадисларни назмда сўзма-сўз таржима қилишнинг умуман имкони йўқ. Шу боис ҳазрат Навоий аввал ҳадиснинг матнини бериб, кетидан унинг умумий мазмунини бадиий услубда баён қилган. Бу айрим уламоларнинг «Етарли билимга эга кишилар ҳадисларнинг маъноларини нақл қилишлари мумкин» деган фикрларига асосланган ишдир. Қолаверса, ҳадисларнинг матнларини бериш ишни янада енгиллаштиради.

Асарда танланган ҳадисларнинг аксари саҳиҳ ва машҳур ҳадислар. Уларнинг ичида мавзуъ – тўқима ҳадис йўқ. Аммо бир-иккита заиф ҳадислар учрайди. Уларга ўз ўрнида ишора қилиб ўтишга ҳам ҳаракат қилинди. Улар, асосан, Дайламий, Байҳақий ва Суютийларнинг ривоятларида келган. Бироқ фазилатли амаллар хусусида заиф ҳадисларни нақл қилиш жоизлигига жумҳур уламолар иттифоқ қилганлар. Муаллифлар мана шу асосда бир оз заифлиги бор ҳадисларни ҳам ўз тўпламларига киритаверишган. Буларнинг барчаси ўз навбатида ҳазрат Жомий ва Навоий боболармизнинг ҳадис илмида етук билимга эга эканларидан дарак беради.

Навоийнинг «Арбаъин» асари юртимизда шоирнинг мукаммал асарлари тўпламидан ташқари, алоҳида китоб ҳолида ҳам нашр этилган. Жумладан, Масъудали Ҳакимжон томонидан тайёрланган, 1991 йилда «Меҳнат» нашрётида чоп қилинган нашр кўпчилик ки-

тобхонлар қўлига етиб борган. Унда асарнинг ушбу нашрдаги насрий таржима муаллифи Анвар Али Ҳакимжон тарафидан кўчирилган туркий нусхаси ҳам берилган. Худди шу йили «Ёзувчи» нашриёти тақдим қилган нашрда эса асардаги тўртликлар батафсил изоҳланган бўлиб, уни Қобилжон Аҳад ва Оллоберди Маҳмудлар тайёрлаганлар.

«Навоийдан чу топқайлар навое» тўпламида «Арбаъин» асари янада янги либосда намоён бўлган. Унда тадқиқотчилар бир нечта қўлёзма асосида асарнинг илмий-танқидий матнини тайёраб, уни тўлалигича насрга ўгирганлар ва айрим ўринларда изоҳлар берилган. Ҳар бир ҳадиснинг арабча матни ўз ўрнида асл манбалар асосида тақдим этилган. Бунда ушбу ҳадисларнинг манбалари – уларнинг қайси ҳадис тўпламларида келгани аниқлаштирилган. Ҳадисларнинг манбасини беришда урфга кўра, шу ҳадисни келтирган энг саҳиҳ ва мўътабар тўпламларни кўрсатиш билан чекланилган. Ҳар бир ҳадис кетидан унинг замонавий ўзбек тилидаги таржимаси берилиб, шундан кейин муаллифнинг назми келтирилган.

«СИРОЖУЛ-МУСЛИМИН» ҲАҚИДА

Юртимиз уламоларининг турли исломий илмлар, хусусан, фиқҳ илмининг ривожига қўшган ҳиссалари беқиёс. Уларнинг бу борада ёзган асарларини санаб адоғига етиш қийин. Эътиборлиси, бу муборак илмнинг тараққиёти ва таълимида нафақат фақиҳларимиз, балки адибу шоирларимиз ҳам ўз меҳнатларини аямаганлар. Зеро, фиқҳий китоблар кўп бўлса-да, бу борадаги шеърий-назмий асарнинг ўзига хос қиймати бор. Бу эса айни вақтда, улуғ шоирларимизнинг муқаддас динимиз – Ислом шариатига бўлган ихлосу эъзозлари, ҳурмату садоқатларининг рамзи ҳисобаланади. Ҳозир биз ўрганмоқчи бўлиб турган рисола ҳам ана шундай юксак аҳамиятга эга.

Алишер Навоийнинг Ислом фиқҳи бобида ёзган машҳур китоби «Сирожул-муслимин» («Мусулмонлар чироғи») ўзбек адабиётидаги нодир асарлардан бири ҳисобланади. Муаллиф унда, ўзи таъкидлаганидек, ҳар бир мусулмон билиши зарур бўлган, кундалик ҳаётда муҳтож бўладиган айрим мавзуларни назмда баён этишни мақсад қилган. У бошқа асарларида, асосан, Ислом тасаввуфи, фалсафаси ҳақида қалам тебратган бўлса, бу ерда ақийда ва фиқҳий масалалар ҳақида сўз юритади. У бу асарни авом учун мўлжаллагани боис унда Исломнинг беш рукнини қисқача тарзда, мавзуга чуқур киришмай, лўнда қилиб ёритади, мусулмон киши билиши лозим бўлган бирламчи масалаларни айтиш билан чекланади.

Асарнинг ёзилиш сабаби ҳақида муаллиф рисоланинг кириш қисмида тўхталиб ўтган. Кунлардан бирида кўпчилик ичида бир киши Навоийнинг хайрия ишларини гапириб, бир работ қурдирганини, ўша работнинг қулайлик ва зеболикларини оғиз тўлдириб мақтайди. Шунда ўша ердаги подшоҳга яқин бўлган кишилардан бири: «Одамларнинг бошини ишқу муҳаббат, майу шарбат мадҳи билан гангитиб, дину диёнатга путур етказиб қўйиб, шоир тили билан айтганда, «Ислом уйини барбод қилиб», энди бу хайрли амални қилишининг нима фойдаси бор?» деган маънода эътироз билдиради. Навоий у одамнинг кимлигини очиқ айтмай, одоб юзасидан «базмнинг нуктадони» – «мажлис аҳлининг билимдони» деб тилга олади. Навоий бу гапдан хабар топганида ҳам, «Бекор айтибди, менинг сўзларимни тушунмайдиган одам экан, аслида, гап ундай эмас, бундай», деб гапни чўзиб ўтирмай, тасаввуф аҳлига хос бўлган ахлоқини яна бир бор намоён қилади. У одамга тил теккизмасдан, «айб»ни ўз зиммасига олади:

Тушуб бу нуктадин жисмим аро печ,
Чу билдим, чин эмиш, дам урмадим ҳеч.

Дедимким, айлайин бир нусха мастур
Ки, бўлғай дини Ислом уйи маъмур.

«У одамнинг гапи ичимга ўт солди. Унинг гапида жон бор эди. Ҳақиқатан ҳам, тасаввуф – яъни ички фиққа оид кўп нарса битдим-у, зоҳир шариатга бағишлаб бирор асар ёзмадим. Менинг шеърларимни адабиётни яхши билган тасаввуф аҳллари тушуна олишса-да, оддий мўмин-мусулмонлар улардан тўлиқ фойдалана билмайдилар. Айримлар тасаввуф аҳлининг истилоҳларини англай олмай, шеърларимни нотўғри тушунган бўлиши ҳам мумкин. Энди мен шу бўшлиқни ҳам тўлдиришим керак. Агар мени англай билмай, шариат биносига зарар етказган, дейишаётган бўлса, энди мен ўша бинони таъмир қилай», дейди.

Шоир шу мақсадни кўнглига тугиб юради-ю, аммо давлат юмушлари ва бошқа машғулотлар билан банд бўлиб, ўзи кўзлаб юрган ишга қўл уришга имкон топа олмайди. Бир куни ўша даврнинг етук тарбияткунанда устозларидан бири, ўз даврида ушбу минтақанинг энг катта пиру муршиди бўлган Хожа Аҳрор Валийнинг катта шогирдларидан бири Самарқанддан Ҳиротга келиб қолади. Ҳазрат Навоий азиз меҳмоннинг зиёратига бориб, унинг суҳбатида бўлади. Суҳбат асносида фиққий мавзуда қизғин баҳс бориб, меҳмон ўз устози Хожа ҳазратлари суҳбатларнинг бирида Алишер Навоийни эсга олиб, назм битишга моҳирликларини мақтар экан, фиққ илмига доир ҳам бирор назмий асар битса яхши бўлар эди, деган маънода фикр билдирганини айтади. Ҳазрат Навоий ўзининг мухлиси бўлган устознинг иршодини бажонидил қабул қилади, меҳмоннинг гаплари туртки бўлиб, анчадан бери кўнглида тугиб юрган ишни амалга оширишга қатъий аҳд қилади. Бу воқеа шоир ҳаётининг сўнгги йилларида, аниқроғи, 905/1499-1500 йили содир бўлган эди.

Муаллиф ушбу асарида Ислом динининг беш рукни – асосини баён қилиш билан чекланади. Аввал иймон ва унинг асослари ҳамда Аҳли сунна ва жамоа ақийдаларини қисқача айтиб ўтади. Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳақида тўхталиб, бу борадаги соф исломий тушунчаларни эслатиш билан Буюк Яратувчи ҳақидаги энг тўғри ақийдалар билан ўқувчини таништиради. Кейин Исломнинг иккинчи рукни бўлмиш намоз хусусида сўз юритиб, намоз учун зарур бўлган поклик, таҳорат ҳукмларини айтиб ўтади. Сўнгра рўза, закот ва ҳаж амаллари ҳақида қисқача маълумот бериб, китобга хотима ясайди.

«Сирожул-муслимин» илк бор кирилл алифбосида Навоий асарлари тўплами таркибида нашр қилинган. Кейинроқ у алоҳида китобча шаклида ҳам нашр бўлди. Хусусан, Навоийшунос олим Алийбек Рустам томонидан тайёрланган нашрни ҳар тарафлама етук нусха дейиш мумкин. Мазкур нашрларда айрим қисқача изоҳлар берилган бўлса-да, бу маълумотлар оддий китобхонлар учун асарни тушунишга етарли эмас эди. Шу боис янги нашрда улуғ бобомизнинг ушбу илмий меросидан кенг оммани баҳраманд этиш мақсадида уни замонавий тилда насрга ўгириб, бир оз батафсилроқ шарҳлар билан китобхонларга тақдим этилган.

Бу нашрда қуйдаги ишлар амалга оширилган:

1. Аввал асарнинг учта қўлёзмаси асосида унинг илмий-танқидий матни тайёрланган.

2. Асар тўлалигича насрга ўгирилди ва бунда имкон қадар бадиий услубни сақлаб қолишга ҳаракат қилинган. Керакли изоҳлар алоҳида ажратиб берилган.

3. Навоий асарда жуда кўп шаръий ва фиққий истилоҳларни ишлатган. У даврларда бу атамаларни ҳамма бирдек тушуниши табиий бўлган, чунки ўшандаги илмий-маърифий муҳит бунга жавоб берган. Аммо бугунги китобхонлар ичида уларни билмайдиган, билса ҳам, улар ҳақида илмий маълумотга эга бўлмаган кишилар кўплигини эътиборга олиб, шаръий атамаларни ўз ўрнида қисқача изоҳлаб ўтишга ҳаракат қилинган. Бироқ китобнинг руҳи ва мақсадидан келиб чиқиб, ортиқча тафсилотларга киришилмаган.

«МУНОЖОТ» ҲАҚИДА

Муножот – махфий сўзлашув дегани. Истилоҳга кўра, «муножот» деганда Аллоҳ таолога тазарруъ билан ёлвориш, У Зотга илтижо қилиш тушунилади.

Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳнинг «Муножот»и ўзига хос бир ноёб асардир. Маълумотларга қараганда, муаллиф бу асарни улуғ олим Абдуллоҳ Ансорийнинг[1] муножотидан илҳомланиб ёзган. Асар юксак маънавият, юқори маърифат, олиймақом табънинг намунаси бўлиб, араб адабиётида машҳур бўлган сажъ услубида ёзилган. Сажъда вазн бўлмайди, аммо қофия бўлади. Муаллиф ҳар бир гапни икки ёки уч жумладан тузиб, жумларнинг охирини қофия ёхуд қофия ва радифли қилган.

«Муножот»ни ўқир эканмиз, унда муаллифнинг дуо одобларига жуда гўзал шаклда риоя қилганини кўрамиз. Илтижолар дастлаб Аллоҳ таолога мақтов, ҳамду санолар билан бошланади, кейин Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга мақтов ва салавотлар айтилади. Сўнгра арзи ҳол қилинади, қалб кечинмалари баён этилади. Ундан сўнг Аллоҳ таолодан дилдаги тилаклар сўралади. Илтижоларнинг ҳаммаси бевосита Аллоҳ таолога қарата қилинган хитоблардир.

«Муножот»нинг ҳажми кичик бўлишига қарамай, у жуда муҳим манбадир. Чунки асар муаллифнинг ички олами, эътиқоди, фикр-тушунчалари, эҳтиросларини, қалбий уфқлари, маънавий савияси, руҳий кечинмалари, ахлоқий мақоми, маърифий ва фалсафий қарашлари, илмий салоҳияти, лисоний имкониятлари, сўз бойлиги, ифода истеъдоди, ҳаётий кузатишлари, ахлоқ-одоби, ақлий тафаккури ва шу каби хислатларини ўзида ифода этган. У Навоий ижодининг асл негизини очиб берадиган, унинг илҳом манбаини кўрсата оладиган нодир асардир.

Алишер Навоийнинг «Муножот»и бизга шоирнинг шахсиятини таништирибгина қолмайди, асар Ислом нуқтайи назарида инсоннинг Ўз Яратувчиси билан қандай муносабатда бўлишининг ёрқин мисолидир. У бизга банданинг Аллоҳга дуою илтижо қилиш йўлларини, У Зотга мадҳу сано айтиш йўсинларини, тазарруъ ва хокисорлик изҳор қилишининг намуналарини, У Зотдан нималар сўраш муҳимлигини ўргатади. Банда Аллоҳнинг олдида ўзини қандай тутиши лозимлигини, қалб касалликларининг зарарлари ва аломатларини кўрсатади. Хуллас, у комил инсоннинг дунёқараши, ички олами ҳақида ўқувчида ёрқин тасаввур ҳосил қилади.

«Муножот» асари юртимизда биринчи марта «Ёшлик» журналида (1990, 6-сон. Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева), кейин эса 1991 йили «Боқий сатрлар» туркумида, алоҳида араб ва жорий ёзувда (С.Ғаниева), рус тилида (С.Ғаниева таржимасида) «Литературная газета»да (Досье – 7. Коран. 1991), шунингдек, инглиз, немис, француз, испан, араб, ҳинд, форс, урду, дарий тилларида ҳам чоп этилган («Ўзбекистон» журнали, 1990, 11-12-сонлар).

Алишер Навоий қаламига мансуб «Муножот» асарининг янги нашрида қуйидаги ишлар амалга оширилган:

---

1 Шайхулислом Абу Исмоил Абдуллоҳ Ансорий ал-Ҳаравий раҳматуллоҳи алайҳ машҳур саҳобий Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анҳунинг авлодларидан. Ҳижрий 396-санада таваллуд топган. Алишер Навоий у киши ҳақида «Насойимул-муҳаббат»да маълумот беради ва уни «Пири Ҳирот» деб номлайди. Ҳақиқатан ҳам ўша даврда илму маърифатда, зуҳду тақвода Хуросонда у кишининг олдига тушадиган киши бўлмаган. Имом Суютийнинг ёзишича, Абдуллоҳ Ансорий тафсир, ҳадис, тарих, араб тили ва бошқа илмларда етакчи имомлардан бўлган. У киши айниқса тасаввуф борасида ўз даврида тенги йўқ аллома бўлган. Суннатни олий тутиши, бидъатга қарши туриши билан танилган. Ўта парҳезкор, ориф, шижоатли киши бўлган. «Маназилус-саирин», «Заммул-калам» ва бошқа қимматли асарлар ёзиб қолдирган.

1) Асарнинг илмий-танқидий матни тайёрланди. Бунинг учун қуйидаги уч манбадан фойдаланилди:

Биринчиси: Туркиянинг Тўпқопи музейидаги Реван кутубхонасида 808 рақами остида сақланаётган Алишер Навоий куллиёти таркибидаги «Муножот» асари. Ушбу манба таянч матн сифатида танлаб олинди ва «А» ҳарфи билан кўрсатилди.

Иккинчиси: Истанбулдаги Султония кутубхонасининг Фотиҳ фондида 4056 рақами остида сақланаётган Навоий куллиётининг қўлёзма нусхаси таркибидаги «Муножот» асари. Бу нусха «С» билан кўрсатилди.

Учинчиси: Мазкур икки қўлёзма манбаларидан ташқари, С.Ғаниева томонидан тадқиқ этилган матндан ҳам фойдаланилди. Бу матнни ўз номи билан бердик.

Матнларни солиштириш ҳамда мантиқий хулоса асосида матнда учраган айрим хатолар тўғриланди ва хато шакл ҳаволада кўрсатиб борилди.

2) Асарда бир нечта оят ва ҳадислар ҳам иқтибос сифатида келтирилган бўлиб, уларнинг манбаси кўрсатиб борилди. Шу ўринда илмий омонат сифатида бир масалани таъкидлаб қўйишимиз лозим. Алишер Навоийдек забардаст алломанинг исломий илмларда пешқадам бўлганига асло шак-шубҳа йўқ. У кишининг бутун ижоди диний маърифат, исломий ҳикмат билан йўғрилгани бунга энг катта далилдир. Аммо ҳеч ким дунёдаги ҳамма илмни ўзида жамлай олмайди. Инсон қанча кўп билмасин, билганидан билмагани чандон кўп бўлиб тураверади. Шу боис муаллиф ушбу асарда келтирган айрим ҳадисларни муҳаддис – ҳадисшунос олимларнинг маълумотлари асосида таҳлил қилар эканмиз, ҳадис мутахассислари тарафидан берилган баҳони илмий омонат сифатида айтиб қўйишни лозим кўрдикки, бу нарса мутлақо муаллифга нисбатан беодоблик саналмаслиги керак. Биз ҳам асарни таҳлил қилишда ўзимизга етган маълумотни диний бурч ва илмий омонат юзасидан баён қилиб ўтишга мажбурмиз. Зотан, Ислом оламида асарларга нисбатан бундай илмий ёндашув оддий ҳол ҳисобланади. Мисол учун, энг улуғ муфассирлардан бири Имом Замахшарий, буюк Ислом мутафаккири Абу Ҳомид Ғаззолий, улуғ фақиҳ Абу Лайс Самарқандий каби забардаст олимларнинг асарлари ҳам шу зайлда таҳлил қилинган ва омонат юзасидан улардаги ҳадисларнинг даражаси мутахассислар тарафидан очиқ баён этилган. Бу, албатта, уларнинг обрўсига таъсир қилмаслиги керак. Илмий тушунча шу. Чунки бир илмда пешқадамлик гоҳида бошқа тарафдан бироз ортда қолишга ҳам сабаб бўлиши табиий. Қолаверса, ҳадисларнинг ўзи заиф ёки тўқима бўлса ҳам, уларнинг мазмуни мусулмон оммаси томонидан тан олинган бўлишини ҳам эътиборда тутиш лозим. Шу билан бирга, Алишер Навоийнинг даврларидаги мавжуд имкониятлар ҳамда илмий тасниф шартлари ҳозиргидан бошқача бўлганини ҳам назарда тутиш даркор.

3) «Муножот»даги арабча иборалар матнда иқтибос сифатида келтирилиб, маъноси изоҳ шаклида берилди. Шунингдек, айрим арабча сўзларнинг асли ҳам матнда сақланган ҳолда изоҳда таржима қилинди.

4) ҳозирги оддий китобхонга тушунарсиз туюлиши мумкин бўлган айрим фикрлар изоҳ орқали баён қилинди.

5) Алишер Навоий ўз шеъриятида кенг қўллаган «париузор», «киприк», «қош» каби сўфийлик мажозий атамаларини бу асарида ҳам ишлатган. Мазкур истилоҳий сўзларга қисқача изоҳ берилди.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Ҳазрат Навоийнинг ижоди ва фаолияти кўпдан буён олимлар томонидан атрофлича ўрганиб келинаётган бўлса-да, ҳали унинг тўлиқ ёритилмаган қирралари жуда кўп. Улуғ аждодларимизнинг ҳаётларини ҳаққоний таништириш бугунги глобаллашув даврида ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Айниқа, мумтоз адабиётимизни асл ҳолида тиклаш ва уларга етказиш адабиёт соҳаси мутахассислари олдида турган долзарб масалалардан бўлиб тургани ҳеч кимга сир эмас. Аллоҳга шукр, бу борада озми-кўпми, қадам ташлаб ҳам қўйилди. Ушбу камтарона уриниш ҳам шу мақсад сари қўйилган кичик одимлардан бири бўлса, ажаб эмас.

Адабиёт соҳасига «аралашиш»га бизни мажбурлаган айрим сабаб, турткилар ҳам бор. Катта бобомиз Абдулмажид қози домла раҳматуллоҳи алайҳ ўз замонасининг етук олими ва адиби эди. Ҳабибий, Улфат, Боқий домла ва ўша даврнинг бошқа бир қатор шоиру адиблари у кишидан таълим олган, у кишини ўзларига устоз деб билишар эди. Қози домла «Ҳофиз» таҳаллуси билан бир девон ҳам тузганлар. Улфат домла таъкидлаганидек, «Анга Ҳофизу Бедил ашъори ёд» эди, «Навоий, Фузулийга фикри каманд» эди. У кишидаги бу истеъдод, адабиётга ошнолик фарзанд-набираларида ҳам нишона берди. Она томондан бобомиз Ҳабибуллоҳ ҳожи раҳматуллоҳи алайҳ ҳам мумтоз адабиётимизнинг билимдонларидан, шайдоларидан эдилар. Ҳар бир суҳбатларида ҳеч бўлмаганда бир-икки туркий ёки форсий байт келтириб ўтардилар. Хусусан, ҳазрат Навоийдан гапирганларида ўзгача бир завқ олар, кўзларига ёш қалқир эди. Қиблагоҳимиз Яҳёхон қори раҳматуллоҳи алайҳ ҳам шеър ёзиб турар, бизларга ҳам мумтоз ва замона шоирларининг шеърларидан ёдлатар эдилар. Айниқса, ҳазрат Навоийнинг қитъаларидан, «Ҳамса»дан айрим парчаларни ўша вақтларда, мактаб ёшига етиб-етмаган пайтимизда ёд олган эдик. Навоийнинг пурмаъно сўзлари, гарчи уларни тўлиқ тушунмасак ҳам, қалбимизни ўзига ром қилган эди. Мактабда ҳам шеърларни ўзгача қунт билан ёд олардик. Бир куни синф раҳбаримиз ҳамма болалар қатори, биздан: «Келажакда ким бўлмоқчисан?» – деб сўраганида, «Навоий бўламан», деб жавоб берган эканмиз. Адабиётга бўлган бу дахлдорлик аслида ота-боболаримизнинг адабиёт шайдоси бўлганларининг самараси эди. Мазкур жавоб ҳам бизнинг жавобимиз эмас, балки оиламиз муҳитининг акс садоси эди.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, кейинчалик ҳам адабиётга бўлган муҳаббатимиз кучайса-кучайдики, пасаймади. Ёшимиз улғайган сари бу борадаги маълумотларимиз ҳам кенгайиб борар, шу билан бирга, бизни бир нарса ҳайратга соларди: кўпчилик асарларда, адабиёт кишиларида биз ёшлигимизда кўрган руҳ топилмас, биз билган мусаффо кайфият сезилмас эди. Баъзан ўша зилол адабиётимизни сув қилиб ичиб юборган, аммо ҳаётида ундан заррача асар бўлмаган кишилар ҳам учраб қоларди. Кўпинча ўша буюк аждодлар оғиз тўлдириб мақталса-да, ҳеч ким улардек бўлишга интилишни ўйлаб ҳам кўрмас эди. Айни вақтда мактаб даврларида эшитилган буюк ўгит, пурмаъно шеърларнинг айрим болаларга умуман тушунарсиз, таъсирсиз бўлишининг асл сабаблари ҳам аста-секин аниқланиб борарди. Адабиётимизда биз кўрган руҳ, улуғворлик ота-она ва боболаримизнинг диний-шаръий билимлар билан зийнатланганлари ва шеъриятга ҳам шу асосда ёндашганларининг самараси бўлгани борган сари ойдинлашиб борар эди.

Вақт ўтиши билан кўп нарса аслига қайтди, тушунарсиз ҳолатлар равшанлашди. Ғарбча дунёқараш, ҳамма нарсага ғарбона ёндашув таъсирида маънавиятимизда кўп нарса қўлдан бой берилган экан. Бу ҳақиқатни баъзи жойларда анъанавийликни баҳолиқудрат ушлаб

келаётган айрим адабий гурунглар фаолиятига назар солганда ҳам пайқаш мумкин. Гарчи бундай адабий давралар тор доирада ва онда-сонда ўтказилиб, уларда илгариги юксак савия кузатилмаса-да, аммо уларнинг ҳозиргача давом этиб келаётганининг ўзи қувонарли ҳол. Мазкур давраларнинг иштирокчилари адабиётимиз тарихини жуда чуқур билиб, ипидан игнасигача айтиб бера олмаса ҳам, адабий асарларнинг ким томонидан, қачон ёзилганини, уларнинг ҳажми, сифати, хати ва хаттотларини тўла-тўкис тавсифлаб бера олмаса ҳам, ўша озгина билган нарсаларини ўзгача шавқ билан, уйғоқ қалб билан айтишлари ва бундан бутун вужудлари билан таъсирланишлари, энг асосийси, айтган-билганларининг ҳаётларида акс этиши эътиборга лойиқдир.

Тўғри, адабий асарларни палеография ва кодикология жиҳатидан ўрганишга ҳам эътибор бериш керак, аммо бу унинг жавҳарини ўрганишдан тўсиб қўймаслиги лозим. Ўзингиз ўйланг, адабиётимизнинг қош-қовоғини, қўл-оёқ, озиғ-бурнини жой-жойига қўйиб чизсаг-у, унга руҳ бахш этиш ҳақида ўйлаб кўрмасак, уни бошқаларга таништиришда жуда уддабурон бўлиб кетсак-да, аммо уни ўз халқимизга, ёш авлод қалбига етказа олмасак, бундай адабиётдан не фойда?! Уни гўзал суратда, улкан жисм ўлароқ гавдалантириб, ипидан игнасигача таърифу тавсиф қилаверсак-да, бу кўркам жисмда жон бўлмаса, бу жонсиз жасаддан элга қандай манфаат етиши мумкин?! Қуруқ томошадан бошқа нимага ярайди у? Бу ҳолда адабиётимиз ўз мазмун-моҳиятидан мосуво бўлиб, жуғрофий топилмалар қатори оддий бир тарихий обьект сифатида чуқур ўрганиладиган, аммо ҳаётга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ўлик жисмга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Олдинлари имконият топилмаган бўлса, бугун бор. Юртимиз мустақил бўлди, халқимизнинг эрки ўз қўлида, бундай бўшлиқларни тўлдириш лозим, бунинг вақти келганига анча бўлди. Бу маънода Иброҳим Ҳаққул, Алийбек Рустам, Сайфиддин Рафиддинов каби таниқли олимларимиз томонидан талай катта ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Аммо ҳали қилиш керак бўлган ишлар бундан-да кўп.

Адабиётимизга олдинги руҳини қайтариш учун аввалда унга руҳ бахш этган, уни руҳлантирган омилларни ишга солишдан бошқа илож йўқ. Буюк адибларимизнинг илҳом чашмаларини топиб, уларнинг кўзини очиш лозим. Адабиётшунос олимларимиз ёш авлодни ўша булоқлардан суғора билишлари даркор. Ана шунда, иншааллоҳ, адабиётимизга ўз вазифасини том маънода адо этишга имкон яратиб берган бўламиз.

Мумтоз адабиётимизни чуқурроқ ўрганганимиз сари унинг Қуръон ва Суннатдаги ўгитларга, муқаддас Ислом динимиз таълимотлари ва ғоясига асосланган тобора равшанлашиб бораверади. Буларсиз нафақат мумтоз адабиётимизни, балки тарихимизнинг шонли даврларини ҳам умуман тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун ҳам ўша муқаддас манбаларни ўрганиш ва улар асосида яшаш ўз долзарблигини йўқотган эмас. Уларсиз тарихимизни ҳам, адабиётимизни ҳам тўлиқ тушунишнинг имкони йўқ. Бу ҳақиқатнинг тасдиғини бугун ҳар қадамда, ҳар жойда кўриш мумкин.

Шонли тарихимизни, мумтоз адабиётимизни соф ҳолича ўрганиб, қайта жонлантириш ҳақида сўз кетар экан, бу борада кузатилган айрим хатоларни ҳам эсга олиш ва уларни тўғрилашга ҳаракат қилишни алоҳида таъкидлаш лозим. Бунинг учун эса, аввало, ўша хато қаерда, қайси нуқтада юз берганини аниқлаш керак. Бу борадаги хулосаларни Навоий ижоди мисолида кўрадиган бўлсак, асосан, қуйидаги нуқталарда хатога йўл қўйилгани маълум бўлади:

1. Исломий тасаввуфга Исломдан айри мустақил таълимот сифатида караш. Одатда мана шу тойилиш натижасида бутун бошли тархимизни соф, асл ҳолича ўрганишдан маҳрум бўлиб қолинади. Аслида бу нарса мусулмон бўлмаган шарқшунос тадқиқотчилар ясаган сохта йўл бўлиб, улар ўзлари яшаб кўрмаган бу муҳташам ҳаёт тарзини ўз қолипларида

талқин қилишлари натижасида юзага келган. Уларнинг-ку, балки бошқа иложлари ҳам йўқдир, чунки улар Исломни ҳам, тасаввуфни ҳам ташқаридан туриб ўрганишган, бирор лаҳза ҳам уни яшаб кўришмаган. Аниқроғи, улар Шарқни намунавий ўрнак сифатида эмас, балки бошқа мақсадларда, кўпинча мустамлакачилик руҳида ўрганиб, талқин қилишган.

Аммо исломий билимларда, жумладан, тасаввуф борасида дунё аҳлига устоз бўлган буюк аждодларнинг ўринбосарлари бўлишга арзийдиган шу юрт фарзандларидан айримларининг ҳам замона зайли билан ўша «бошқалар» изидан юриб кетишлари жуда кўп муаммоларни келтириб чиқарган. Аслида, бир оз бошқачароқ йўл тутиш ҳам мумкин эди. Ғарбнинг ютуқларидан фойдаланиш билан бирга, ўзимизнинг анъанавий услубларни маҳкам тутиб, ривожлантирилса ҳам бўлар эди. Афсуски, турли сабабларга кўра бундай бўлмади. Имом Ғаззолий: «Кишилардаги энг катта хатолардан бири – бир инсонга бирор нарсада тан берса, ҳамма ишда бир йўла унга таслим бўлиб олишдир», – дея огоҳлантирган энг қалтис хатога йўл қўйилди. Аммо Ғарб Ислом ҳазорасини ўзлаштирганида, мана шу нуқтага эътибор берган эди. Ҳатто ўрни келганда Ислом уламоларининг кашфиётларини ўзиники қилиб таништиришдан ҳам тоймаган эди. Эҳтимол, Ғарб тафаккурида Шарқ ҳақида шаклланган дунёқараш ҳам шуни тақозо қилгандир. Нима бўлганда ҳам, улар бу борада биздан бошқача йўл тутишган. Бунда Ғарб мутафаккирларининг ҳиссаси катта бўлган, албатта.

2. Навоийнинг соф Ислом ақийдаси ва шариатига мансублигини сингдира олмаслик. Натижада унинг мусулмонлиги тан олинса ҳам, қандайдир нотаниш, мавҳум бир тасаввуф таълимотига дохил қилиб кўрсатишга уринилади. Бу эса бор ҳақиқатнинг юзига парда тортишдек гап.

3. Навоий билан Ислом дини ақийдалари ва амаллари ўртасига сунъий девор уриш. Айрим кишиларнинг Навоий ҳаётини, ижодини ёритишда тутган йўллари бунга ёрқин мисол бўлади. Улар сал қолса Навоийни ҳам даҳрий қилиб юборишар эди. Навоий ижодидан ўзларининг ушбу мақсадларига хизмат қилдирса бўлгудек жойи топилса, ундан «унумли» фойдаланиб қолишга ҳаракат қилишган. Навоийни ҳали «мутаассиб дин аҳли»га, ҳали «зоҳиду шайхлар»га қарши қўйиш билан уни диндорликка зид қилиб тасвирлашга уринишади. Аслида Навоий ўта диндорлигидан динга юзаки амал қилганлар билан келиша олмаганини тушуна олишмайди.

Баъзилар эса Навоийни ўша даврнинг тақозосига кўра, халқ ичидаги иғволардан қўрққанидан динга амал қилган ва диний маънодаги асарларни яратган, дея талқин қилиб, буюк мутафаккирни худбин, муросасоз, сал қолса ичи билан таши бошқа мунофиққа чиқаришдан ҳам тойишмайди.

4. Ўз дунёқарашини сингдиришда Навоийни намунавий омилга айлантиришга интилиш. Бу ҳолат ҳам кўп кузатилади. Масалан, айрим майхўрлар Навоийнинг байтларидан ўзларига «далил» ва «таскин» қидиришга ҳаракат қилишади. Яна кимдир ўзининг шаҳвоний муҳаббатига Навоийнинг Аллоҳга, инсониятга, борлиққа бўлган муҳаббатидан «ҳужжат» келтиришга, «илҳом олиш»га интилади. Натижада холислик йўқолади, буюк аждодларга нисбатан туҳмату бўҳтонлар авж олади.

5. Адабиётимизнинг ҳикмат-ўгитларини ҳаётга татбиқ этишга етарлича интилмаслик ва улуғ алломаларимизнинг ижодига мана шундай нофаоллик билан ёндашиш. Масалан, бирор спорт тури билан ҳали шуғулланмай туриб, у ҳақидаги қуруқ маълумотлар асосида фикр билдириш билан уни ўз ҳаётида озми-кўпми, синаб кўргандан кейин айтилган мулоҳазаларнинг орасида жуда катта фарқ бўлиши табиий. Адабий ўгитлар, айниқса мумтоз адабиётимиздаги тасаввуфий қарашларни ёритмоқчи бўлган киши ҳам уларни, аввало, ўз

шахсий ҳаётида амалга оширмай туриб, қалбан ҳис этмай туриб, ҳеч қачон тўғри ва тўкис тушунтириб бера олмайди.

Ушбу камчиликларга йўл қўйилишининг бош сабаби сифатида диний билимлардан, исломий тушунчалардан узоқлашиш, ўз адабиётимизни, тарихимизни ўрганишда асл манбаларга мурожаат қилиб ўтирмай, осонгина бошқаларнинг фикри бўйича иш олиб бориш каби ҳолатларни кўрсатиш мумкин. Адабиётимизга қуруқ тақлид билан, ғарбона ёндашавермасдан, энди мукаммаллик сари тараққий этишимиз керак. Ўтмишда йўл қўйилган хатоларни тўғрилаб, камчиликларни бартараф этишимиз даркор.

Юртимиз бошқаларга мустамлака бўлган даврларда юқоридан чизиб берилган қолипдан чиқиш мумкин бўлмагани ҳаммага маълум. Аммо ҳозир Ватанимиз мустақил, халқимизнинг эрки ўз қўлида, миллий ва диний қадриятларимизга кенг йўл очилган. Энди биз тарихимизни, адабиётимизни ўрганишда ўз йўлимизни танлашимиз мумкин. Бир қатор ёзувчи ва адибларимиз, улар қатори, кўпчилик уламоларимиз таъкидлаганларидек, бугун биз ўзимизга хос бўлган ўрта йўлни танлашимиз керак. Ўтган асрда қўлга киритилган ютуқларни инкор этмаган ҳолда, ўша пайтларда эътибордан четда қолган жиҳатларни тиклашимиз даркор. Бошқача қилиб айтганда, анъанавий ёндашув билан замонавий ютуқларни қориштириб, ҳар иккисини бир мақсадга хизмат қилдира билиш лозим.

Бу борада тарихимизда тажрибалар етарли, бугун ўша мезонларни замонавий руҳда қайта ишга солсак, кифоя. Ана шунда биз адабиётимизни асл қиёфасида кўра биламиз, таништирамиз ҳамда унга қайта руҳ бахш этиб, ундан бугунги ҳаётимизда керагича фойдаланишга имкониятлар ярата оламиз. Бу маънода юқорида эсга олинган айрим жонкуяр олим ва адибларимиз томонидан амалга оширилган намунали ишларни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин.

Тарихдан маълумки, маданиятлараро зиддият ва тўқнашувлар турли кўриниш ва кўламларда ҳамиша мавжуд бўлиб келган. Аммо буюк аждодларимиз ўзга маданиятлар қаршисида тиз чўкиб қолмаганлар, балки улардаги камчиликларни тўғрилаб, юксак чўққиларга олиб чиққанлар. Ўзга халқларнинг илмларини, ҳаётий тажриба-ютуқларини қабул қилишда ўзларининг мустаҳкам асосларига – диний эътиқод ва тушунчаларига, соф инсоний қадриятларга таянганлар ҳамда шу асосда инсоният учун фойдали ютуқларни олиб, зарарлиларидан сақланганлар. Бошқалар фақат эркак ва аёл ўртасидаги ишқ-муҳаббат ҳақида куйласа, мусулмон адибларимиз буни илоҳий ишқ томон буриб, бойитганлар. Бошқалар севги-муҳаббат ҳақидаги достонларида икки жинс вакилларининг ҳис-туйғуларини, кечинмаларини ифодалаш билан чекланган ёки айримлари чегарадан чиқиб, ахлоқсизлик ботқоғига шўнғиган бўлса, аждодларимиз шундай ҳикоялар орқали инсон нафсини тарбиялаш, ахлоқини сайқаллаш, камолот сари олиб чиқиш, Аллоҳга етишиш йўлларини тушунтириш, яхшилик-ёмонлик тушунчаларини сингдиришга интилганлар. Уларни бундай йўл тутишга ундаган нарса, ҳеч шубҳасиз, муқаддас динимиз таълимотлари бўлган. Зотан, Ислом динининг табиати ўзи шу: у асл соф табиат дини бўлгани учун бошқа ҳар қандай маданият билан тўқнаш келганда соф табиатга зид бўлган унсурларни рад этиб, ижобий ютуқларни қабул қилади, инсоний қадрятларни сақлашга имконият яратиб беради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бу ерда айтилган гаплар шахсий кузатувлар натижасида ҳосил бўлган айрим ўй-фикрлар бўлиб, уларни азиз китобхон билан дилдан ўртоқлашмоқчи бўлдик, холос. Бинобарин, юқорида билдирилган фикрларга ўзбек адабиёти мухлисларидан бирининг шахсий фикр-мулоҳазалари деб қаралишини умид қиламиз.

Мундарижа

САЙФИДДИН РАФИДДИНОВ

НАВОИЙ ВА ИСЛОМ МАЪРИФАТИ

Кириш 7

I-Бўлим. Навоий: илм ва эътиқод

“Илм, Навоий, сенга мақсуд бил...” 9
Навоий ва маърифат 18
Тасаввуф таълимотидан ҳосил бўлган маърифат 23
Иймон 28
Ақида 32
Аллоҳ (жалла жалолуҳу) 34
Аввал 40
Азал 41
Абад 43
Асмои ҳусно 44
Муҳаммад (с.а.в.) 45
Навоий ижодида нубувват талқини 59
Набий 63
Мўъжиза 64
Лавлок. 65
Ваз-зуҳо 66
Малоика 67
Ваҳий 68
Жабраил (жаброил) (а.) 70
“Тарихи анбиё ва ҳукамо” 71
Пайғамбарлар 73
Одам Ато 74
Шис (а.) 77
Идрис (а.) 78
Нуҳ (а.) 79
Ҳуд (а.) 80
Солиҳ (а.) 82
Хантала ибни Сафвон (а.) 83
Иброҳим (а.) 84
Лут (а.) 86
Исҳоқ (а.) 87
Яъқуб (а.) 87
Юсуф (а.) 89
Хизр (а.) 90
Айюб (а.) 93
Шуайб (а.) 95

Мусо (а.) 95
Илёс (а.) 98
Алясаъ (а.) 99
Зул-кифл (а.) 99
Довуд (а.) 100
Сулаймон (а.) 101
Юнус ибни Матто (а.) 103
Узайр (а.) 104
Закариё (а.) 104
Марям (р.А.) 105
Исо (а.) 107
Жиржис (а.) 108
Искандар Зулқарнайн 109
Луқмон (а.) 111
Асҳоби каҳф 112

II-Бўлим. Навоий: Ислом ва Қуръон

Ислом 115
“Сирож ул-муслимин” 117
"Ҳайрат ул-аброр"да оятларнинг
ғоявий-бадиий вазифаси 121
Қуръон ва “Маҳбуб ул-қулуб” асари 135
Амал 141
Мазҳаб 142
Мавт 143
Жаннат 144
Дўзах 146

III-Бўлим. Навоий ва тасаввуф

“Бировга мусаллам тариқи тасаввуф...” 149
Навоий ва нақшбандийлик 152
Тавба 160
Зикр 162
Зоҳид 164
Румий ва Навоий ижодини қиёсий
ўрганиш муаммолари 165
Навоий ва ботин илми 170
Авлиёлар 176
Мажоз 177
Зуннор 178
Макорим 179
Навоий ва сўз 179
Тангрига хос бўлган сўз 180
Башариятга хос бўлган сўз 180
“Мутакаббир –малъун...” 183

IV-Бўлим. Навоий етти пир ҳақида

Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний (1103 - 1179) 185

БОБОМУРОД ЭРАЛИ

МАЖОЗИЙ МУҲАББАТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Муқаддима ўрнида ... 199
Шоирлар муаллими ... 201
«Ғурбатда ғариб...» ... 203
Комиллик мақоми ... 207
Дунё аруси ... 209
«Фарҳод ва Ширин» шарҳи олдидан ... 210
Фарҳоднинг ташрифи ... 212
Тўрт қаср тарҳи ... 215
Тўрт тимсол шарҳи ... 219
Мажозий ишқ изтироби ... 223
Сувдан айрилган балиқ ... 227
Хулоса ... 231

ҲАСАНХОН ЯҲЁ АБДУЛМАЖИД

АЛИШЕР НАВОИЙ – ИСЛОМИЙ ТАСАВВУФ ШЕЪРИЯТИ НАМОЯНДАСИ

Алишер Навоий исломий тасаввуф шеърияти намояндаси ... 234
Буюк шахсият ... 237
Навоийни тушуниш сари ... 242
Навоийнинг уч асари ... 250
«Арбаъин» ҳақида ... 250
«Сирож ул-муслимин» ҳақида ... 252
«Муножот» ҳақида ... 254
Хулоса ўрнида ... 256

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Сайфиддин Рафиддинов: Навоий ва ислом маърифати; Бобомурод Эрали: Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари; Абдулмажид Ҳасанхон Яҳё: Алишер Навоий – исломий тасаввуф шеърияти намояндаси; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2022. 264 бет.

Ж.22: Сайфиддин Рафиддинов: Навоий ва ислом маърифати; Бобомурод Эрали: Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари; Абдулмажид Ҳасанхон Яҳё: Алишер Навоий – исломий тасаввуф шеърияти намояндаси. 264 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123–5

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2022

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Йигирма иккинчи жилд

Сайфиддин РАФИДДИНОВ
НАВОИЙ ВА ИСЛОМ МАЪРИФАТИ

*** *** ***

Бобомурод ЭРАЛИ
МАЖОЗИЙ МУҲАББАТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

*** *** ***

Абдулмажид ҲАСАНХОН ЯҲЁ
АЛИШЕР НАВОИЙ ИСЛОМИЙ ТАСАВВУФ ШЕЪРИЯТИ НАМОЯНДАСИ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

"TAMADDUN" нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 16,5 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.